



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

unicef



ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ

# "ХАФСИЗ ИММУНИЗАЦИЯ"

ДАСТУРИ БҮЙИЧА ПЕДАГОГЛАР ВА ТИББИЁТ  
ХОДИМЛАРИ УЧУН ҚҰЛЛАНМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
сақлаш вазирининг биринчи  
ўринбосари\_\_\_\_\_ А. А. Худоёров  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_ й.

«КЕЛИШИЛДИ»  
Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика тиббий  
таълимни ривожлантариш маркази директори  
\_\_\_\_\_ М. Ҳ. Алимова  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_ й.

# ХАВФИЗ ИММУНИЗАЦИЯ

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ  
«ВАКЦИНАЛАР ЁРДАМИДА БОШҚАРИЛУВЧИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР  
ВА ИММУНИЗАЦИЯ» ДАСТУРИ БЎЙИЧА  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ВА ПЕДАГОГЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

(ЎҚУВ КУРСИ МОДУЛЛАРИ)

ТОШКЕНТ-2014

---

### **Муаллиф:**

Умиров С.Э. — Тошкент тиббиёт академияси Муассасалараро илмий тадқиқот лабораторияси етакчи илмий ходими, республика ОИТС га қарши курашиб Маркази мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори

Мазкур қўлланма Бирлашган миллатлар ташкилотининг Болалар жамғармаси қўмагида тайёрланиб нашр этилди

### **Рецензентлар:**

- |                  |   |
|------------------|---|
| Холматова Б.Т.   | Тошкент тиббиёт академияси Даволаш факультети декани, Болалар касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор                       |
| Шомансурова Э.А. | Тошкент педиатрия тиббиёт институти Амбулатория тиббиёти кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор   |
| Турсунова Д.А.   | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария эпидемиология назорати<br>Бош бошқармаси бошлигининг йўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди |
| Уролов Ш.М.      | Самарқанд тиббиёт институти 1-педиатрия ва шошилинч педиатрия кафедраси доценти,<br>тиббиёт фанлари номзоди   |

Қўлланма Тошкент тиббиёт академияси Муассасалараро илмий тадқиқот лабораторияси йигилишида муҳокамага қўйилиб, 2013 йил 21-декабрдаги 14-рақамли баённома билан тасдиқлаш учун тавсия этилган.  
Тошкент тиббиёт академияси УАШТ Марказий услубий ҳайъати йигилишида муҳокамага қўйилиб, 2014 йил 17-январдаги 5-рақамли баённома билан тасдиқлаш учун тавсия этилган.  
Тошкент тиббиёт академияси Марказий услубий ҳайъати йигилишида муҳокамага қўйилиб, 2014 йил 25-февралдаги 7-рақамли баённома билан тасдиқлаш учун тавсия этилган.  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Санитария, гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш» йўналиши бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишида муҳокамага қўйилиб, 2014 йил 24-февралдаги 5-рақамли баённома билан тасдиқлаш ва чоп этиш учун тавсия этилган

**Тиббиёт олий ўқув юртлари педагоглари ва тиббиёт ходимлари учун  
ҚЎЛЛАНМА**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ЮНИСЕФ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

# **ИММУНИЗАЦИЯ**

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ  
«ВАКЦИНАЛАР ЁРДАМИДА БОШҚАРИЛУВЧИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР  
ВА ИММУНИЗАЦИЯ» ДАСТУРИ БҮЙИЧА  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ВА ПЕДАГОГЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

---

ТОШКЕНТ-2014

---

# МУНДАРИЖА

<b>Қисқартмалар</b>	7
<b>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти глоссарийи</b>	8
<b>Муқаддима</b>	9
<b>0-модуль: Кириш</b>	11
1.     0-модулга кириш	11
2.     Мақсадли касалликлар ва иммунизация дастури	13
3.     Иммунизация бўйича ўқув курсига кириш	22
4.     Ўқув курсини олиб борувчилар учун умумий кўрсатмалар	26
Адабиётлар рўйхати	37
Глоссарий	38
1-илова: Намунавий ўқув дастури	38
2-илова: Баҳолаш учун тартибланган саволнома	66
Ўқув курсини баҳолашнинг стандарт шакли	67
<b>1-модуль: Совуқлик занжирини, вакциналарни ва хавфсиз инъекция учун материалларни бошқариш</b>	69
1-модулга кириш	69
1.     Вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларни сақлаш	70
2.     Вакциналарни ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни сақлаш	75
3.     Тақсимот ва элтиш	100
4.     Мониторинг ва кураторлик	106
Глоссарий	116
1-илова: Асосий адабиётлар рўйхати	117
2-илова: Вакциналар йўқотилишининг индикаторлари	118
3-илова: Силкитиш тести	119
4-илова: Флакон термоиндикатори кўрсаткичини ўқиш	121
5-илова: Маҳсулот каталоги (вакциналар ва совутгичлар)	123
6-илова: Совуқлик занжири ускуналарининг инвентаризацияси шаклига мисол	127
7-илова: Ташиш учун эҳтиёжларни ҳисоблаш шаклининг намунаси	128
8-илова: Олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича шошилинч тадбирлар режасининг элементлари	130
<b>2-модуль: Аҳоли билан ҳамкорлик</b>	131
2-модулга кириш	131
1.     Аҳоли билан ўзаро ҳамкорликда режалаштириш	135
2.     Иммунизацияни ва унинг мониторингини аҳоли билан ўзаро ҳамкорликда ўтказиш	143

---

<b>3.</b>	<b>Аҳоли иштирокини таъминлаш учун самарали ўзаро ҳамкорлик</b>	148
<b>4.</b>	<b>Хабардор қилиш воситалари ва каналлари</b>	155
	<b>Глоссарий</b>	159
1-илова:	Иммунизацияда нодавлат ташкилотларнинг иштироки ҳақида анкета	159
2-илова:	Аҳоли гуруҳлари билан сұхбатлар ўтказиш бўйича тавсиялар	160
3-илова:	Иммунизация билан боғлиқ хавотирланишни келтириб чиқарувчи масалаларни мұхокама этиш	161
4-илова:	Тиббиёт ходимлари хабар берадиган иммунизация ҳақидаги асосий аҳборот	164
5-илова:	Иммунизация бўйича аҳборот материаллари	165
	<b>3-модуль: Иммунизация хавфсизлиги</b>	167
	<b>3-модулга кириш</b>	167
<b>1.</b>	<b>Вакциналарнинг хавфсизлиги ва сифати</b>	168
<b>2.</b>	<b>Инъекциялар хавфсизлиги ва чиқындилярни бартараф этиш</b>	175
<b>3.</b>	<b>Иммунизациядан кейинги ноxуш кўринишилар устидан эпидемиологик назорат</b>	184
	<b>Глоссарий</b>	193
1-илова:	Иммунизацияда нодавлат ташкилотларнинг иштироки ҳақида анкета	193
2-илова:	Иммунизация хавфсизлигини таъминлаш борасида асосий ижрочиларнинг ўрни ва мажбуриятлари	194
3-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатларининг таърифи ва уларни даволаш	199
4-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатларини текширув тартиби	203
5-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатлари ҳақидаги бирламчи ҳисоботнинг шакли	207
6-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатлари бўйича дастлабки текширув натижалари ҳақидаги ҳисоботнинг шакли	208
7-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатларининг рўйхати	209
8-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатлари бўйича атрофлича (якуний) текширув натижалари ҳақидаги ҳисоботнинг шакли	210
9-илова:	Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниши ҳолатлари бўйича ўтказилган текшируv ҳақидаги якуний ҳисоботнинг шакли	217
10-илова:	ОИВ-инфекцияси оқибатида иммунитети заифлашган шахсларни эмлаш бўйича асосий тавсиялар	218
11-илова:	ЖССТ қайта текширувидан ўтказилган вакциналар	220
12-илова:	Библиография	221
	<b>4-модуль: Қўллаб-қувватловчи кураторлик</b>	223
	<b>4-модулга кириш</b>	223
<b>1.</b>	<b>Қўллаб-қувватловчи кураторлик тизимини яратиш</b>	225
<b>2.</b>	<b>Мунтазам кураторлик ташрифларини режалаштириш</b>	231
<b>3.</b>	<b>Кураторлик ташрифларини амалга ошириш</b>	236
<b>4.</b>	<b>Ташрифдан кейинги ҳатти-ҳаракатлар/тадбирлар</b>	243
	<b>Глоссарий</b>	245
1-илова:	Куратор назорат қоғозининг намунаси	245
2-илова:	Ҳар бир туманни қамраб олиш: дастур ютуқларини мониторинг қилиб бориш усуллари	246

---

<b>5-модуль: Иммунизация тизимининг мониторинги</b>	247
<b>5-модулга кириш</b>	247
1. <b>Иммунизация тизими ва кўрсаткичлар</b>	248
2. <b>Маълумотларни тўплаш ва ишлов бериш</b>	254
3. <b>Маълумотларни таҳлил этиш ва акс эттириш</b>	266
4. <b>Чоралар кўриш</b>	274
5. <b>Тескари алоқа ва юқори босқичлар учун ҳисобот</b>	278
<b>Глоссарий</b>	281
1-илова: Асосий адабиётлар рўйхати	281
2-илова: Иммунизация тизимининг параметрлари	282
3-илова: Ҳисоботнинг тўлиқлиги ва ўз вактидалигини ҳисобга олиш шаклининг намунаси	284
4-илова: Қамраб олиш/иммунизация яқунланмаганинг мониторингининг графиги қандай тайёрланади	285
<b>6-модуль: Эпидемиологик назоратни қўллаш</b>	289
<b>6-модулга кириш</b>	289
1. <b>Эпидемиологик назорат: бу нима ва нима учун</b>	290
2. <b>Эпидемиологик назорат турлари</b>	292
3. <b>Эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва мониторинги</b>	296
4. <b>Ҳисобот</b>	307
5. <b>Таҳлил ва тадбирлар</b>	310
6. <b>Тескари алоқа</b>	317
<b>Глоссарий</b>	319
1-илова: Асосий адабиётлар рўйхати	319
2-илова: Назорат, элиминация ва ликвидацияга йўналтирилган вакциналар ёрдамида бошқарилувчи танланган инфекциялар учун ҳодисанинг стандарт таърифи	320
3-илова: Фаол эпидемиологик назорат доирасида ташриф этишга беш қадам	322
4-илова: Шаклларнинг намуналари	323
5-илова: Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг бошқарилувчи инфекциялар устидан эпидемиологик назоратга таъсири	326
6-илова: Касаллик эпидемик чақнашларини текшириш	327
<b>7-модуль: «Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш» стратегияси асосида иммунизация хизматини тадбиқ этишнинг мўъжаз режасини тузиш</b>	333
<b>7-модулга кириш</b>	333
1. <b>Тиббиёт муассасаси учун мўъжаз режа тузиш</b>	337
1-илова: Вакцинацияни якунига етказмасликнинг ва қамраб олиш даражаси пастлигининг сабабларини аниқлаш бўйича саволнома	363
2-илова: Ишчи мисоллар	365
3-илова: Етиб бориш қийин ҳудудларга /аҳолига хизмат тақдим этувчи ДПМ лар учун маҳсус кўрсатмалар	367
2. <b>Туман босқичи учун мўъжаз режа тузиш</b>	368
3. <b>Тренерлар учун қўлланма</b>	382
«Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш» стратегияси асосида иммунизация хизматини тадбиқ этишнинг мўъжаз режаси	384

## ҚИСҚАРТМАЛАР

АДС	Дифтерия қоқшол анатоксини	ҚКСВ	Қизамиқ компонентини сақловчы вакцина
АДС-м	Таркибидаги антигенлар миқдори камайтирилган дифтерия-қоқшол анатоксини (капта ёшлилар учун)	ҚХҚЯ ХФ	Қизил Ҳоч ва Қизил Яримой Жамиятларининг Халқаро Федерацияси
АҚДС-вакцина	Адсорбцияланган күйүтәл-дифтерия-қоқшол вакцинаси	МНО	Миллий назорат органи
АИ	Амалиётдаги иммунизация	МПХУ	Мұйытадыл пояс худудлари учун ускуна
АМ	Абсорбцион турдаги музлатгич	МХС	Муз ҳимоясі мавжуд совутгичлар
АС	Қоқшол анатоксини	НТ	Нодавлат ташкилот
АХ	Абсорбцион турдаги совутгич	ОИВ	Одам иммунитет танқислиги вируси
БМТ	Бирлашган миляттар ташкилоти	ОИТС	Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми
БТӘ	Бирламчи тиббий ёрдам	ОПВ	Орал полиомиелит вакцинаси
БЦЖ	Туберкулезга қарши вакцина	Пента	Пентавалентли вакцина
БЭД	Болаларни эмлаш дастури	ПИН	Иммунизацияланган ахоли пропорцияси (яни, иммунизация билан қамраб олиш)
ВАПФ	Вакцина билан ассоциацияланган полиомиелит фалажлик ҳолати	ПИС	Иммунизация үтказилиб қасалланған ҳолаттар пропорцияси (қасалланғанлар)
ВЁООК	Вакциналар ёрдамида олди олинадиган қасалликлар	ПНК	Поствакцинал нохуш күренишлар
ВИБО	Вакциналарнинг исроф бўлиш омили	Рота В	Ротавирусли инфекцияга қарши вакцина
ВОСБ	Вакциналар омборини самарали бошқариш бўйича ташаббус	СБАТ	Соглиқни саклашни бошқариш учун ахборот тизими
ГАВИ	Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянс	СИ	Сариқ иситма
Геп В	В гепатитига қарши вакцина	СО	Қўёш энергияси учун ускуна
ГГС (Э)	Гипотоник гипореспонсив синдром (эпизод)	СПХУ	Совук пояс худудлари учун ускуна
ДПМ	Даволаш профилактика муассасаси	СТҮБР	Соглиқни саклаш тизими ўрта бўғини раҳбари
ЕИХ	«Европа иммунизация ҳафталиги»	ТҚС	Түфма қизилча синдроми
ЖССТ	Жаҳон соглиқни саклаш ташкилоти	ТХ	Тиббиёт ходими
ИБҚТ (ИҚТ)	Иммунопрофилактика (Иммунизация) бўйича қўшимча тадбирлар	ЎБР	Ўрта бўғин раҳбари
ИБЭЕТМГ	Иммунизация бўйича эксперталарнинг Европа техник маслаҳат гурӯҳи	ЎНФ	Ўткир нимжон фалажлик
ИВБД	Иммунизация, вакциналар ва биопрепаратлар Департаменти (ЖССТ)	ЎОС	Ўртacha ойлик сарфланиш
ИКНК	Иммунизациядан кейинги нохуш кўренишлар	ЎТ-шприц	Ўзитўсилувчи (шприц)
ИМК	Идоралараро мувофиқлаштирувчи комитет	ФТИ	Флакондаги термоиндикатор
ИПВ	Инактивацияланган полиомиелит вакцинаси	ХК	Хавфсиз контейнерлар
ИПХУ	Иссик пояс худудлари учун ускуна	ХКТ	Халқаро қўнгилли ташкилот
ЙК	Йўқотилиш кўрсатчи	ҲБХҚО	Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш (стратегия)
ЙО	Йўқотилиш омили	ШХВ	Шахсий ҳимоя воситалари
КИД	Кенгайтирилган иммунизация дастури	ЮНИСЕФ	БМТ болалар фонди
ҚҚ	Қизамиқ ва қизилчага қарши вакцина	DO%	Эмлашни якунига етказмасликнинг умумлашган даражаси
ҚПҚ	Қизамиқ, эпидемик паротит ва қизилчага қарши вакцина	ЕCDC	Европа қасалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш Маркази
КИМР	Кўп йиллик мажмуавий режа	CDC	Қасалликларнинг муҳофазаси ва назорати бўйича Марказ (АҚШ)
КМ	Компрессион турдаги музлатгич	Hib	b турдаги <i>Haemophilus influenzae</i>
ҚХ	Компрессион турдаги совутгич	ISO	Стандартизация бўйича халқаро ташкилот
ҚФҚС	Кўп дозали флаконларни қўллаш сиёсати	Labnet	Минтақавий лаборатория тармоги
		PQS	Сифат ва стандартлар тавсифномаси
		RED	Reach Every District («Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш» стратегияси)
		USAID	АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича Агентлиги

## ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ГЛОССАРИЙИ

**Ўқув курси бошловчиси (фасилитатор):**

Ушбу ўқув курсини ўтказиш тажрибасига эга, ўқув жараёнини бошидан охиригача йўналтирувчи ва унинг ишини таъминловчи шахс ёки мутахассис.

**Ўқув курси директори:**

Ўқув дастурини ташкиллаштирувчи, маъмурий-хўжалик масалалари ҳал этилиши ва ўқув тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи шахс.

**Ўқитишининг вазифалари:**

Исталган ўқув жараёнининг мақсади, ўқув курсининг тингловчисига ҳар бир модулни ёки буун курсни ўқитиши якунлангач эгаллаши лозим бўлган янги билимларни, амалий кўнимкамларни ва тажрибани тақдим этишдан иборатdir.

**Қўлга киритилган сабоқлар:**

Муҳокама ўтказиш, тажриба ёки ғоялар алмашинувининг якуний холосаси ёхуд бирон лойиҳани амалга оширишнинг натижаси бўлиб, бу олинган натижа ўхшаш вазиятлар ёки муаммолар туғилганида тўғри қарорлар қабул қилинишига кўмаклашади.

**Ўқув курси тингловчиси:**

Тиббиёт ва таълим муассасалари ёки исталган бошқа ташкилот томонидан ўқув курсида иштирок этиш учун номзоди тавсия этилган ва курс ташкилотчилари томонидан белгиланган танлаш мезонларига мувофиқ келувчи мутахассис.

**Тиббиёт ходимлари ва педагоглар учун ўқув курси:**

Ўқув курсида иммунопрофилактикани амалга оширувчи тиббиёт ходимлари, иммунизация дастурининг туман/вилоят босқичи раҳбарлари, иммунизация бўйича талабалар ўқитишини таъминловчи тиббиёт ўқув юртлари педагоглари иштирок этишади. Шунингдек, мазкур курс ўзида муайян дастур ҳақидаги етарли ҳажмдаги техник ахборотни жамлагани боис, фаолият юритаётган менежерларнинг ёки яқинда марказий босқичда иш бошлаган раҳбарларнинг малакасини ошириш курси сифатида ҳам фойдалидир.

**Мақсадли аудитория:**

Ушбу модулнинг вазифасига мувофиқ, мақсадли аудитория тиббиёт ва таълим муассасалари ёки исталган бошқа ташкилот томонидан номзоди тавсия этилган ва курс ташкилотчилари белгилаган танлаш мезонларига мувофиқ келувчи мутахассислар ёки шахслар гуруҳидир. Шунингдек, мақсадли аудиторияга бошқа шахслар ва иммунизация дастурини амалга оширишдан манфаатдор бўлган ҳамкор ташкилот вакиллари ҳам кириши мумкин.

---

## **Муқаддима**

Ҳозирги вақтда аксарият юқумли касаллукларга қарши курашиш борасида эришилган ютуқлар замирида иммунопрофилактика табири салмоқлу ўрин тутади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юқумли касаллукларга қарши курашиш, уларни элиминация қилиш ва айрим инфекцияларни истиқболда батамом йўқотиш (ликвидация) Дастури айнан иммунопрофилактикага асосланади. Жаҳон банки дунёдаги иқтисодий ривожланиш тенденциялари ҳақидаги ҳисоботида эътироф этишича айнан вакцинация замонавий табобатга маълум бўлган энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан энг фойдали профилактик тадбирdir. Болаларни оммавий тарзда эмлаш юқумли касаллуклар билан касаланишни ва болалар ўлимини сезиларли даражада камайтиради, кишилар умрини узайтиради, фаол кексаликни таъминлайди ва айрим антропонозларни глобал миқёса батамом бартараф этиш имконини беради. Ҳозирги кунга келиб Жаҳонда 40 дан зиёд юқумли касаллукларга нисбатан кураш иммунизация воситасида муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Келажақда иммунопрофилактика нафақат қатор юқумли касаллукларнинг ликвидациясига қаратилади, балки аста-секинлик билан мазкур дастур ёрдамида муҳофазалаш амалиёти тобора кўпроқ инфекцияларга нисбатан тадбиқ этила боради. Яқин келажақда соғлиқни сақлаш амалиётiga қатор янги вакциналар киритилади, оммавий тусда уларни кўллаш кўшимча равишда миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради.

Ўзбекистонда иммунизация Дастурини амалга ошириш борасида муйян ютуқларга эришилган. Юқумли касаллукларга қарши иммунизация – давлатимизнинг fuқаролар, аввало, болалар саломатлигига нисбатан кенг кўламли ғамхўрлигининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон Республикасида иммунопрофилактика Стратегияси амалдаги Қонунларга, ЖССТ тавсияларига асосланган ҳамда қулай, бепул ва аҳолининг кенг қатламларини қамраб олишга қаратилгандир.

Шу билан бирга Жаҳонда кўплаб касаллукларнинг барқарор спорадик кўринишида сақланиб қолаётганлигининг ва айрим илгари элиминация қилинган касаллуклар «қайтаётганлиги»нинг асосий сабаби иммунизация Дастури доирасида аҳолига хизмат кўрсатиш борасида мавжуд тизимли тусдаги камчилликлар ва хатоликлардир. Бу каби хато ва камчилликларнинг айримларидан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас.

Бундан ташқари, барча тиббий муолажалар каби иммунизация ҳам муглақ ҳавфсиз муолажа эмас. Педиатрия амалиётида қўлланиладиган турли муолажалар орасида профилактик эмлашлар биринчи ўринни эгаллайди. Ҳаттоқи нисбатан кам кузатиладиган асоратлар, реакциялар ва ноҳуш ҳолатлар ҳам, оммавий тарзда кенг миқёса олиб бориладиган бундай муолажалардан кейин, жиддий ҳавф түғдириши мумкин. Шу боисдан ҳам иммунизация тадбирини соғломлаштириш дастурига интеграциялаш борасидаги ҳатти-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий таълимни ривожлантириш Марказининг ташаббуси, саъи-ҳаракати билан амалга оширилган таҳлил тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш тизимининг барча босқичларидағи ўқув дастурларида, режаларида иммунизация бўйича ЖССТ тамойилларини тадбиқ этиш борасида ҳал этилиши зарур қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди. Ҳусусан, ЖССТ иммунизация Дастурининг баъзи элементлари айрим кафедраларда дипломгача ва дипломдан кейинги ўқув жараёнига тадбиқ этилган бўлсада, умуман олганда, тиббиёт ходимларини иммунизация муаммосининг назарий ва амалий масалалари бўйича Жаҳон стандартларига мос равишда янада такомиллашган шаклда ва сифатли тайёрлаш юзасидан жиддий ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилиши, услугий таъминоти (айниқса, давлат тилидаги манбалар билан) яхшиланиши зарурлиги аниқланди. Шунингдек, иммунизация соҳаси ходимларининг фаолиятидаги ишлар шароитлари узлуксиз мураккаблашашётганлиги ва ўзгариб бораётганлиги ҳам, шаклланашётган тенденцияларга жавобан, тиббиёт ходимларининг касбий таълимига бўлган талабларни қайта куриб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада, айниқса дипломгача таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Биринчидан, яқин вақтларга қадар аксарият ҳолларда ЖССТ, ЮНИСЕФ каби ҳомийлар томонидан баъзан бўлсада ташкиллаштирилдиган ўқув

---

курсларига амалий тиббиётда фаолият юритишаётган ходимларнинг вакиллари жалб этилишган ва иммунопрофилактика борасидаги ЖССТ Стратегияси билан уёки бу даражада танишиш имкониятига нисбатан кўпроқ эга бўлишган. Аслида тиббий таълим муассасаларининг педагогларига ҳам бундай имконият тұғдирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан эса, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотлар баробарида олий таълим глобализацияси ва Болонья декларациясини ҳаётга тадбиқ этиш жараёни изчил кечмоқда. Ушбу декларация умумевропа таълим маконини шакллантиришни, педагоглар ва талабаларни тайёрлаш жараёнининг ошкоралигини, ҳар бир предмет бўйича ўкув дастурларининг, режаларининг мутаносибилигини, дипломларнинг ўзаро тан олинишини, ҳамда ўкув юртлари автономияси таъминланишини кўзда тутади. Ўзбекистонда ҳам мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бу жараёнга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан ёндошилганда, иммунизация масалалари бўйича талабаларни (бакалаврлар, магистрлар ва тиббиёт коллежлари ўкувчиларини) ўқитишиш такомиллашибдиришдан максад уларнинг назарий ва амалий билимларини, амалий кўнкимларини яхшилашдан (жумладан, жаҳондаги илфор давлатлар тажрибасига таяниб), иммунопрофилактика борасидаги ЖССТ Стратегиясини ва Дастурини тадбиқ этишишни қўллаб-куватлашга тайёрлаб боришдан иборат. Демак, бу ҳолатлар ҳам педагогик таркибининг иммунизация масалаларини ўқитишиш борасида далилларга таянган тиббиёт тамойилларига асосланувчи билимлар, ҳалқаро меъёrlар ва тажрибалар билан ўз вақтида, мукаммал танишиб бориш зарурятини белгилаб беради.

Ушбу эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда, жаҳондаги иммунизация амалиётида қўлланилаётган илфор дастуруламал тамойиллар билан тиббиёт ходимларини ва педагогларни оммавий равища таниширишни енгиллатиш, усубий таъминотни яхшилаш мақсадида, ЖССТ томонидан тайёрланган «Вакциналар ёрдамида бошқарилувчи юқумли касалликлар ва иммунизация» Дастурининг Ўкув курси модулларига монанд тарзда мазкур қўлланма яратилди.

Қўлланма иммунопрофилактика бўйича ўргатувчи модуллар сериясидан иборат бўлиб, ўзида 7 та Модулни ва иммунопрофилактикани режалаштиришга доир 1 та йўриқномани мужассам этган. Модулларни тайёрлаш жаҳраёнида имкон қадар уларнинг ЖССТ томонидан (2009 йил) тақдим этилган Ўкув курси модуллар серияси билан муштараклиги таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдим этилаётган модуллар, аввало, республика, вилоят ва туман миқёсида иммунизация Дастурининг амалга оширилишини таъминловчии тиббиёт ходимлари ҳамда иммунизация бўйича таълим жараёнини (тиббиёт ўкув юртларида ва дипломдан кейинги таълим муассасаларида) олиб борувчи педагоглар (мақсадли гурухлар) учун мўлжалланган.

Мақсадли гурухлар учун Ўкув курси модуллари иммунизация дастурининг мудаффакияти кафолатланиши учун тиббиёт ходимларига иммунизация бўйича замонавий техник билимларни тақдим этишни, ташкилий ва техник муаммоларни идентификациялашни тушунтиришни, ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ҳаракатлар қўллашни, янги вакциналарни амалиётга тадбиқ этишни, мавжуд ресурслардан оқилюна фойдаланиш ҳақида тушунчалар беришни, тизимли ўқитишишни (талабаларни, магистрларни, педагогларни, тиббиёт ходимларини) кўзда тутади. Қўлланма иммунизация жараёнини амалга ошириш ва назорат қилишда зарур бўладиган хизматларни тақдим этиш, белгиланган талаблар доирасида сақлаш ва ташиш, вакциналарни харид қилиш ва уларнинг сифатини назорат қилиш, эмлаш дастурини қўллаб-куватлашнинг тарғиботи, муаммоларнинг умумий тарздаги ечими каби қатор жиҳатлар бўйича ҳам ахборотларни тақдим этади.

Мазкур қўлланмани тиббий таълимнинг турли босқичлари ва йўналишлари учун, ўкув дастурларига ҳамда режаларига мувофиқ, мослаштириб қўллаш натижасида ЖССТ иммунизация Стратегиясини ва Дастурини атрофлича қамраб олувчи, таълим босқичларининг ўзаро боғлиқлигини, мувофиқлигини, узвийлигини таъминловчи бир бутун, барқарор ва кучли таълим тизимини қарор топтириш имконияти яратилади.

Қўлланмани тайёрлаш жараёнида ҳар томонлама кўрсатилган ёрдам, қимматли йўл-йўриқлар учун ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси Бошлиғи Р. Фудеричга ҳамда ушбу ташкилотнинг соғлиқни сақлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, зукко ва жонқуяр олима К.С. Сафаевага чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

Қўлланма мазмунига доир барча холис ва соғлом фикр-мулоҳазаларни жиддий тарзда қабул қиласиз, уларга эҳтиром билан қараймиз ва олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

**С. Э. Умиров**

# 0 МОДУЛЬ КИРИШ

## 1.1 0-модулнинг мақсади

Ушбу Кириш модули (0-модуль) ЖССТ Европа миңтақасида иммунопрофилактикан амалга оширувчи тибиёт ходимлари, иммунизация дастурининг миллий/туман/вилоят босқичи раҳбарлари ва тибий таълим муассасалари педагоглари учун мўлжалланган Ўқув курси модуллари сериясини тадбиқ этишга қаратилгандир. Мазкур модулнинг мақсади иммунопрофилактикан амалга оширишни таъминловчи тибиёт ходимларига, иммунизация дастурининг туман/вилоят босқичи раҳбарларига, тренерларга ҳамда иммунизация масалалари бўйича талабалар (бакалаврлар, магистрлар ва тибиёт коллежлари ўқувчиларини) таълимини таъминловчи тибиёт йукв юртлари педагогларига Ўқув курси материалларини баён этишдан, уларга ушбу модулларни амалиётда кўллаш борасида услугуб ёрдам кўрсатиш ва таълим бериш услубияти асослари билан таништиришдан иборатdir.

## 1.2 Мақсадли аудитория

Ушбу муқаддима модули бошловчилар (fasilitatorlar), тренерлар, иммунопрофилактикан амалга оширувчи тибиёт ходимлари, иммунизация дастурининг Миллий мутасаддилари/ўқитиши масалаларини мувофиқлаштирувчи мутахассислар, шунингдек, иммунизация бўйича таълим жараёнини таъминловчи педагоглар учун мўлжалланган.

## 1.3 Ўқитишининг вазифалари

Ушбу модулни ўзлаштириш якунида ҳар бир тингловчи қўйидагиларни уқиб олиши зарур:

- Ўқув курсининг моҳияти, мақсади ва вазифаларини тушунтиришни
- Иммунизация билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадларида миллий стратегияни ва профилактик ишнинг устувор йўналишларини аниқлашни
- Сўнгги ўн йил мобайнидаги вакцинопрофилактика ўтказиш тажрибасидан келиб чиқиб, мавжуд асосий муаммолар ва сабоқларни тасвиrlашни
- Ўқув курси тингловчиларининг мақсадли гурухини ажратса билишни
- Ўқув курсининг асосий мазмуни ва тузилишини тавсифлашни
- Вазифаларни (муаммоларни) ҳал этишга асосланган ўқитиши усулига таяниб (урғу бериб) жамоавий ўқитиши усулларини кўллаш тартибини баён этишни
- Ўқув курсининг бошловчилари ва ташкилотчиларининг касбий йўналишини аниқлашни
- Ўқув курсини баҳолаш тизимини, жумладан ушбу тизимни Миллий курслар фаoliyatini баҳолаш учун кўллашни тасвиrlашни.

### **1.4 Модулнинг мазмуни**

Ушбу модуль асосий учта бўлимдан иборат:

- I. Мақсадли касалликлар (Вакциналар ёрдамида олди олинувчи касалликлар) ва иммунизация дастури
- II. Иммунопрофилактикани амалга оширувчи тиббиёт ходимлари, иммунизация дастурининг раҳбарлари ва тиббий таълим муассасалари педагоглари учун Ўқув курсига кириш
- III. Бошловчилар учун умумий услубий тавсиялар.

### **1.5 Модулдан қандай фойдаланилади**

Ўқув курсига қатнашишдан олдин модулнинг мазмун-моҳияти билан обдон танишиш ва уни фасилитатор билан муҳокама қилиш қатъий тавсия этилади. Бундан ташқари, бошловчи тингловчилар модулнинг асосий моҳиятини чуқурроқ тушунишлари учун модулнинг аудиовизуал тақдимотини тайёрлаши мақсадга мувофиқdir.

## 2. МАҚСАДЛИ КАСАЛЛИКЛАР ВА ИММУНИЗАЦИЯ ДАСТУРИ

### 2.1 Умумий контекст

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Мақсадли касалликлар ва иммунизация Дастири, шунингдек «Вакциналар ёрдамида бошқарилувчи юқумли касалликлар ва иммунизация» деб ҳам юритилувчи Дастур, узоқ йиллардан бўён ЖССТ Европа Минтақасидаги давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирларлари, АҚШ касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш Маркази (CDC), АҚШ нинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги, болаларни эмлаш Дастири (АҚШ соғлиқни сақлаш тизимидағи оптимал технологиялар Дастури қошида) ва ЮНИСЕФ каби мұхим шериллар билан муваффақиятли равишда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга, мақсадли касалликлар ва иммунизация Дастури ЖССТ Европа минтақасига мансуб давлатларда бошқарилувчи инфекцияларга нисбатан эпидемиологик назоратни ҳамда тегишли тадбирларни ўтказиш ваколатига эга бўлган Европа касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш Маркази (ECDC) билан ҳам мустаҳкам алоқаларни йўлга кўйган.

Режали эмлаш билан қамраб олишнинг ўртача даражаси умуман олганда юқорилигига қарамасдан, айрим бошқарилувчи инфекциялар билан касалланиш ҳолатлари ЖССТ Европа Минтақасидаги айрим давлатларнинг, жумладан Ўзбекистон Республикасининг тури мінтақаларида турлича частотада кузатилмоқда ва паст даражада барқарор сақланиб қолмоқда. Таассуфки, эмлаш билан қамраб олишнинг юқорилигига ва паст даражадаги касалланиш аҳолининг мұайян гуруҳлари ва ҳаттоқи айрим мутахассислар ўртасида вакцинацияга нисбатан қизиқишининг сўнишига ҳамда унинг зарурлиги ва долзарблиги шубҳа остига олинишига сабаб бўлмоқда. Бунинг устига, айрим шахслар вакцинопрофилактиканинг аҳамиятини қатъий тарзда инкор этишадики, бу ҳолат қатор ўта юқумли ва оғир касалликларга қарши мұайян миқдордаги болалар контингентларининг ҳимояланмасдан қолишиларига олиб келиши мүмкін. Бунга қўшимча равишида вакциналарнинг нисбатан хавфсизлигига шубҳа билан қараш ҳам аҳолининг айрим гуруҳларини ўз фарзандларини эмлатиш фикридан қайтиришга сабаб бўлади. Айрим чет эл оммавий ахборот воситаларида (шу жумладан Интернет тармоғида) баъзи ҳолларда чоп этиладиган салбий материаллар бундай қарашларнинг, муносабатларнинг узоқ вақт сақланиб қолишини таъминлаб беради. Бугунги кунга келиб ота-оналарнинг иммунизацияга нисбатан барқарор ишончини ва юксак даражадаги хайриҳоҳлигини таъминлаш учун қатъий қадамлар қўйилиши тақозо этилмоқда. Миллий иммунизация Дастури доирасида самарали эпидемиологик назоратни амалга ошириш бўйича, ҳар бир кузатилган поставцинал ноxуш кўриниш ҳолатларини жиҳдий текшириш ва тегишли ахборотни тақдим этиш борасидаги тадбирларни фаоллаштириш зарур.

Юқорида келтирилган масалаларнинг айримларини ҳал этиш учун ЖССТ Европа минтақавий бюроси «Европа иммунизация ҳафталиги (ЕИХ)» деб ном олган тадбирни ишлаб чиқди ва амалиётга тадбиқ этди. Бу йиллик ахборот-ташвиқотни кўзда тутивчи ташабbus бўлиб, иммунизациянинг аҳамиятли эканлигига барчанинг диққат-эътиборини жалб этишга қаратилган ҳамда 2005, 2007 ва 2008 йилларда амалга оширилди. Иштирокчи давлатларнинг аниқ хоҳиш-иродаси ва сўровларига мувофиқ, бу ташабbus қатор устувор «жамоаларга», жумладан ота-оналарга, тиббиёт ходимларига ва сиёсий арбобларга йўналтирилгандир. Европа иммунизация ҳафталиги иммунизацияга нисбатан салбий муносабатни чуқур таҳлил этишга ва кучлар мувозанатини тиклаш мақсадида зарур мақсадли тадбирларни ишлаб чиқишига кўмаклашувчи жуда фойдали восита сифатида ўзини намоён этди.

## 0-МОДУЛЬ

---

ЖССТ Европа минтақасига мансуб 51 та давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам 2002 йилда амалга оширилган сертификациядан кейин полиомиелитдан холи ҳудуд мақомига эга бўлиб қолмоқда. Лекин ЖССТ Европа минтақаси баъзи мамлакатларининг айрим ҳудудларида вакцинация (орал полиомиелит вакцинасини қўллаб) билан қамраб олишнинг яқол пасайиш тенденцияси кузатилмоқда; айрим мамлакатларда эмлаш билан қамраб олишнинг қайд этилаётган умуммиллий даражаси аввалги йиллардагидан паст.

Ўзбекистонда иммунопрофилактика Стратегияси — давлатимизнинг болалар саломатлиги борасидаги бекиёс ғамхўрлигининг ажралмас қисми бўлиб, «Фуқаролар саломатлигини сақлаш тўғрисидаги», 29.08.1996 й. ва «Давлат санитария назорати тўғрисидаги», 03.07.1992 й. Конунларга, ЖССТ тавсияларига асосланган ҳамда қулай, бепул ва барчанинг баҳраманд бўлишига қаратилган.

Мамлакатимизда иммунопрофилактиканинг мақсади хос профилактика воситалари билан бошқариладиган инфекцияларни ликвидация қилишдан, касалланишни ва ўлимни камайтиришдан иборатдир, хусусан:

- полиомиелитдан холи ҳудуд мақомини сақлаб қолиш;
- дифтерия қайд этилишига йўл қўймаслик;
- 2018-2020 йй. да қизамиқ ва қизилчанинг ликвидациясини таъминлаш;
- гепатит В билан касалланишни камайтириш ва ушбу касалликдан ўлимнинг олдини олиш;
- гемофил (b типдаги *haemophilus influenzae*) ва ротавирус инфекциялари билан касалланишни камайтириш ва ушбу касалликлардан ўлимнинг олдини олиш;
- туберкулезнинг тарқалган шакллари ривожланишининг олдини олиш.

Қўйилган ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш болалар ва ўсмирларни иммунопрофилактика тақвимига мувофиқ туберкулез, қизамиқ, эпидемик паротит, қизилча, гепатит В, полиомиелит, дифтерия, қўййутал, қоқшол, гемофил ва ротавирусли инфекцияларига қарши эмлаш билан камида 95% қамраб олишни қўзда тутади.

Туғрухоналарда бола туғилиши билан унга албатта олиниши зарур бўлган эмлашлар ва уларнинг ўтказилиш муддатлари кўрсатилган «иммунизация паспорти» берилади. Иммунизация паспортида ҳар бир ўтказилган ва навбатдаги эмлашлар қайд этиб борилади.

Иммунопрофилактика тақвими доирасидаги эмлашлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатининг назорати Буш бошқармаси томонидан қайд этилган ва сертификацияланган ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат этилган вакциналар билан уларни қўллаш борасидаги йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Иммунизация хавфсизлигини, вакциналарни сақлаш ва ташишнинг тўғрилигини, эмланиши зарур бўлган тегишли контингентларни камида 95% қамраб олишни таъминлаш жавобгарлиги бевосита иммунизацияни амалга оширадиган даволаш профилактика муассасасининг раҳбарига юкландади.

Барча даволаш профилактика муассасаларининг врачлари иммунопрофилактика тақвимини, эмлашга монеликлар рўйхатини, «совуқлик занжири»ни сақлаш тартибини, эмлашдан кейинги нохуш кўринишларни ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни билишлари зарур.

Барча даволаш профилактика муассасаларининг, жумладан ихтисослашган тиббий муассасалар, кабинетлар, касалхоналар, клиникалар, тез тиббий ёрдам ва бошқа тиббий муассасалар врачлари бола мурожаат этганида албатта унинг эмланганлик мақомини аниқлаши (иммунизация паспортининг ёки 063-ҳ шаклининг нусхаси), болага тегишли ёрдам кўрсатилгач, иммунопрофилактика тақвимига мувофиқ эмлашни давом этириш борасидаги тавсиясини ёзib бериши шарт.

Республикамизда иммунопрофилактика қўлланиладиган инфекциялар сафини кенгайтириш устида ҳам жиддий саъий-харакатлар амалга оширилмоқда. Янги вакциналарни иммунизация амалиётига киритишни режалаштириш жараёни узоқ ва мажмуавий (комплекс) табиатга эга бўлиши мумкин. Сиёсий доирада қарор қабул қилингунига қадар, ушбу касалликларнинг тиббий, иқтисодий-ижтимоий юки ҳақида

батафсил маълумотлар йиғилишини таъминлаш зарур. Ҳусусан, республикамиз олимлари томонидан сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида айрим инфекцияларга қарши эмлаш зарурияти асослаб берилди. Ушбу саъий-ҳаракатлар оқибати ўлароқ, 2009 йилдан бошлаб Hib (*b* турдаги *Haemophilus influenzae*) ва 2014 йилдан бошлаб ротавирусли инфекцияларига қарши эмлаш иммунопрофилактика тақвимига киритилди.

Қатор йиллардан бўён республикамида Миллий эмлаш қунлари мунтазам ташкиллаштирилиб келинмоқда. Масалан, 2010–2011йиллар мобайнида полиомиелитга қарши эмлашнинг республика миқёсидаги 6 раунди ўтказилди. 1–3 ва 5-раундларнинг ҳар бирида 2,9–3,0 млн болалар ва 4,6 раундларда эса 10 миллиондан ошиқ шахслар (болалар ва катталар) полиомиелитга қарши иммунизация билан қамраб олиндилар. Раундларнинг ҳар бирида қамраб олиш кўрсаткичи 99,0% ни ташкил этди.

ЖССТ Европа Минтақавий лаборатория тармоги (Labnet) аъзо-давлатларга диагностикумлар таъминоти борасида, жумладан техник қўллаб-куватлаш ва малакали тестдан ўтказиш мақсадларида ҳар йилги ташрифлар билан ёрдам кўрсатиша давом этмоқда. Шу билан бирга Labnet, ўз фаолият доирасига қизамиқ, қизилчага ва бошқа мақсадли касалликларга нисбатан тадқиқотлар олиб бориш киритилишини таъминлаб, ва илгаригидек, биринчи даражали эътиборини полиомиелитга қаратиб мавқенини мустаҳкамлашда ва кенгайтиришда давом этмоқда.

Иммунизация хавфсизлигини таъминлашга ва сифатини оширишга иммунизация дастурининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Вакциналар ишлаб чиқаришни, харид қилишни, эмлаш ишини бошқаришни меъёрий-хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, поствакцинал ноxуш кўринишлар, инъекциялар хавфсизлиги ва эмлашдан кейинги чиқиндиларни бартараф этиш устидан эпидемиологик назорат олиб бориш каби қатор компонентларга нисбатан техник ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

*Ҳозирги минг йиллик даврида соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилётган ислоҳотлар қарорлар қабул қилиш ваколатини туман даражасига олиб бериш, соғлиқни сақлаш хизматини марказга тобеликдан холос этиш йўли билан мудайян мақсадларга қаратилётган тадбирларни янада интеграциялашга даъват этмоқда.* Бу ҳолатда тиббий ёрдамни молиялаштиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлади. Ушбу жиҳатлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча дастурларнинг, жумладан иммунизация дастурининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Иммунизация хизмати ходимларининг фаолиятидаги ишлар шароитлари узлуксиз мураккаблаштаётган вазиятда, шаклланадиган тенденцияларга жавобан, ходимларнинг касбий таълимимга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилади. Минтақа давлатлари томонидан тўплланган тажриба кўрсатадики:

- Иммунизация дастурининг ижроичилари ва мутасаддилари хизматни тақдим этиш, бошқарув, мувофиқлаштириш, режалаштириш, коммуникация, мониторинг ҳамда баҳолаш соҳалари бўйича ўз билим/кўникмаларини такомиллаштиришлари зарур
- Иммунизация хизматини тақдим этишга эндиғина киришган ёки Дастур раҳбарлиги вазифасига яқинда тайинланган шахслар иммунизация дастурини амалга ошириш, бошқариш масалаларида ўз назарий билимларини ва касб маҳоратларини такомиллаштириш учун тренингларда мунтазам иштирок этиб боришлари зарур
- Тажрибали мутахассисларда ҳам иммунизация дастури бўйича ўз билимларини такомиллаштириш мақсадида хос тайёргарликка ва муаммоларни ҳал этишга асосланган ўқитиш услугига эҳтиёж мавжуд
- Иммунопрофилактика масалалари бўйича талabalarga (бакалаврлар, магистрлар ва тиббиёт коллежлари ўқувчилари) таълим бериш жараёни замонавий иммунизация дастури тамойилларига уйғунлаштирилиши ва тегишли ўқув-услубий манбалар билан таъминланиши зарур
- Иммунопрофилактика масалалари бўйича таълим жараёни ташкилотчилари ҳамда бевосита ўқитишни таъминловчи тиббиёт ўқув юртлари ҳамда малака ошириш курслари педагоглари, тренерлари ўз билим ва кўникмаларини такомиллаштиришлари зарур.

### 2.2 Иммунизация дастурини мустаҳкамлашнинг глобал стратегияси

ЖССТ ва ЮНИСЕФ бошқа шериклари билан ҳамкорлиқда иммунизация дастурини мустаҳкамлаш борасидаги глобал стратегиянинг концепциясини ишлаб чиқиш ва 2006-2015 йиллар мобайнида унинг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан иш олиб боришиди. Иммунизация дастурини мустаҳкамлашнинг глобал стратегияси ўз олдига «тўғри келувчи барча шахсларни иммунизация билан қамраб олишни кенгайтириш эвазига янада кўпроқ касалликларга нисбатан янада кўп сонли кишиларда иммунитетни шакллантириш» мақсадини қўйган. Концепция 4 стратегик йўналишдаги ишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирин алоҳида аҳамиятли стратегияларнинг ва тадбирларнинг амалга оширилишини кўзда тулади. Булар қуидаги йўналишлардаги ишлардир:

#### **Биринчи стратегик йўналишдаги ишлар:**

кундалик иммунизация билан қамраб олиш кўрсаткичларини яхшилаш йўли билан «ўзгариб бораётган дунёда кўп сонли кишиларда ҳимоя механизмини шакллантириш», ҳар бир болага камида 4 маротаба кафолатланган эмлаш сеансларини ўтказиш ва иммунизация дастури таъсирини барча ёш гуруҳларига ёйиш;

#### **Иккинчи стратегик йўналишдаги ишлар:**

«янги вакциналар ва технологияларни тадбиқ этиш»;

#### **Учинчи стратегик йўналишдаги ишлар:**

«иммунизацияни, у билан боғлиқ бошқа тиббий муолажаларни ва эпидемиологик назоратни соғлиқни сақлаш тизими контекстига интеграциялаш»;

#### **Тўртинчи стратегик йўналишдаги ишлар:**

«иммунизацияни глобал ўзаро алоқадорлик асносида амалга ошириш».

**Биринчи стратегик йўналишдаги ишлар —** Ўзгариб бораётган дунёда кўп сонли кишиларда ҳимоя механизмини шакллантириш.

#### **Вазифалар**

- Кўкрак ёшидаги ҳар бир болага, айниқса аҳолининг қамраб олиниши қийин гуруҳлари ўртасида (жуғрофий, ижтимоий ва маданий нуқтаи назардан) камида 4 маротаба кафолатланган эмлаш сеанслари ўтказилишини таъминлаш. Бунда, иммунизацияни стационар (турғун) эмлаш пунктларида ўтказиш, жойларга чиқиб амалга ошириш, сайёр бригадалар кучи билан эмлаш компанияларини ташкиллаштириш ва хусусий секторни жалб этиш каби иммунизация билан қамраб олишни яхшилашга қаратилган турли усулларни кўзда тутивчи туманлар буйича ўзига хос ёндошувлар тамойилини қўллаш.
- Иммунизацияни кўкрак ёшидаги болалар доирасидан кўра кенгайтириб, мавжуд вакциналардан фойдаланишда максимал самарарадорликка эришиш учун иммунизация билан қамраб олишни барча ёш гуруҳларига ёйини таъминлаш.
- Касаллик юкини тезда камайтириш, муҳофазалашни таъминлаш, эпидемияларга ва эпидемик чақнашларга мос тарзда жавоб қайтариш мақсадларида хавфли гуруҳларга мансуб контингентларни қамраб олишнинг тегишли стратегияларидан фойдаланиш.

#### **Стратегиялар**

1-стратегия: иммунизация қилиниши зарур бўлган ҳар бир кишини қамраб олиш учун турли ҳолатларни кўзда тутивчи мослашувчан ёндошувни қўллаш

2-стратегия: маҳаллий аҳолининг иммунизацияга нисбатан талаби ошишини таъминлаш

3-стратегия: ҳар бир туманда иммунизация билан қамраб олинмаган шахсларни йилига камида 4 маротаба қамраб олишга эришиш

4-стратегия: вакцинация күламини аńянавий мақсадли гурухлар доирасидан кенгайтириш

5-стратегия: вакциналар, иммунизация ва инъекциялар хавфсизлигини ошириш

6-стратегия: эмлаш ишини бошқариш тизимини кучайтириш ва такомиллаштириш

7-стратегия: Миллий иммунизация дастурларини баҳолашни амалга ошириш ва кучайтириш

### **Иккинчи стратегик йўналишдаги ишлар — Янги вакциналар ва технологияларни тадбиқ этиш Вазифалар**

- Янги вакциналар ва технологияларга нисбатан, улар пайдо бўлиши билан, касаллик юкини, иқтисодий таҳлил натижалари ва вакцинани жорий этишни амалга ошириш мумкинлигини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилишда уларнинг имкониятини ошириш орқали, турли давлатларда талаб ва устуворликни баҳолаш учун зарур асослар мавжудлигини таъминлаш.
- Давлатлар ўз эҳтиёжлари учун янги вакциналар ва технологияларнинг етарли таъминотини йўлга қўйишларини кузатиб бориш.
- Жамоат саломатлиги нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган келажакдаги вакциналарнинг барчага, хусусан, касаллик юки юқори даражада бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламлари фойдаланишлари учун мос келишига интилиш.

### **Стратегиялар**

8-стратегия: янги вакциналар ва технологияларга нисбатан сиёсатни, устуворликни аниқлаш ва шакллантириш мақсадларида давлатларнинг имкониятини мустаҳкамлашга эришиш.

9-стратегия: янги вакциналар ва технологияларнинг самарали ва барқарор тадбиқ этилишини таъминлаш.

10-стратегия: жамоат саломатлиги нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган касалликларга қарши вакциналар яратилиши юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларга ва ишланмаларга кўмаклашиш.

### **Учинчи стратегик йўналишдаги ишлар — Иммунизацияни, у билан боғлиқ бошқа тиббий муолажаларни ва эпидемиологик назоратни соғлиқни сақлаш тизими контекстига интеграциялаш Вазифалар**

- Аҳоли касалланиши ва ўлимини камайтириш учун соғлиқни сақлаш тизимидағи бошқа муҳофазалаш тадбирлари билан иммунизациянинг алоқасини таъминлаш йўли билан унинг самарадорлигини, барқарорлигини ва натижавийлигини оширишга интилиш.
- Касалликларга қарши курашиш борасида давлатлар томонидан қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳар бир киши эмин-эркин вакцинация олишига имконият берувчи барқарор қулай муҳитни яратиш.
- Тизимли табиатга эга масалаларни ҳал этиш учун иммунизация бўйича хизматлар билан бошқа муҳофазалаш тадбирлари ўртасидаги синергизмдан максимал самарага эришиш.

### **Стратегиялар**

11-стратегия: Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш асносида иммунизация дастурини кучайтириш

12-стратегия: Мутахассислар ресурсини бошқаришни такомиллаштириш

13-стратегия: Интеграция мақсадларида тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни баҳолашни амалга ошириш

14-стратегия: Тадбирлар интеграцияси жараёнидаги синергизмдан максимал самарага эришиш

15-стратегия: Интегратив тадбирлар ўтказилишидан олинадиган фойданинг барқарорлигини таъминлаш

16-стратегия: Муайян маълумотларга асосланган иммунизация билан қамраб олиш кўрсаткичлари устидан мониторинг тизимини ва эпидемиологик назоратни мустаҳкамлаш

17-стратегия: Лабораториялар тармоғини барпо этиш йўли билан лабораториялар имкониятини мустаҳкамлаш

18-стратегия: Барча босқичларда маълумотларни бошқариш, таҳлил этиш, интерпретация қилиш, фойдаланиш ва алмашиш механизмларини кучайтириш

19-стратегия: Мураккаб гуманитар фавқулодда вазиятларда иммунизация хизматидан фойдалана олишликин таъминлаш

**Тўртинчи стратегик йўналишдаги ишлар — Иммунизацияни глобал ўзаро алоқадорлик асосида амалга ошириш**

### **Вазифалар**

- Оқибатларни англаб этиш даражасини (хавф-хатарлар ва потенциал имкониятлар) ошириш ҳамда вакциналарни етказиб беришдаги, молиялаштиришдаги, шерилар билан ҳамкорлиқдаги, коммуникация ва эпидемияларга тайёргарликдаги глобал ўзаро боғлиқликка даҳлдор бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш.
- Иммунизация дастурини қўллаб-куватлаш учун глобал ва Миллий даражаларда шериллик муносабатларини мустаҳкамлаш.

### **Стратегиялар**

20-стратегия: Глобал миқёса сифати кафолатланган вакциналарни харидорбоп баҳода ишончли тарзда етказиб беришни таъминлаш

21-стратегия: Миллий иммунизация тизимини мос ва барқарор молиялаштириш учун шарт-шароитлар яратиш

22-стратегия: Ахборотларни тарқатиш ва коммуникация жараёнларини яхшилаш

23-стратегия: Шериларнинг ўзаро бурч-мажбуриятларни тан олишларини, жавобгарликни ва ҳисоботлар тақдим этишларини белгилаш ва таъминлаш

24-стратегия: Вакциналарни глобал ҳаракатлар режаларига ва эпидемияларга тайёргарликни таъминлаш бўйича тадбирлар қаторига киритиш

### **Кўп йиллик мажмуавий режа (КЙМР):**

Кўп йиллик давлат мажмуавий режасини иммунизация дастурини мустаҳкамлашнинг глобал стратегияси низомлари асосида ишлаб чиқиш мамлакат миқёсида ушбу стратегияни амалга ошириш йўлидаги муҳим дастлабки қадам бўлиб хизмат қиласди. Аксарият давлатлар кўп йиллик мажмуавий режани барча эмлаш тадбирлари баҳоси ва молиялаштирилиши борасидаги ҳисоб-китоб маълумотларига таяниб тузишади ва қамраб олиш кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда эмланмаганларни эмлашга жалб этиш бўйича келажақдаги ташаббусларни белгилашади.

### **«Ҳар бир туманни қамраб олиш (ҲБТҚО)» стратегияси**

Айрим давлатлар «Ҳар бир туманни қамраб олиш (ҲБТҚО)» стратегиясини — режали эмлаш билан қамраб олиш даражасини ошириш борасидаги ЖССТ нинг энг муҳим стратегиясини амалиётга тадбиқ этишга эришишди. Ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси қўллаб-куватловчи кураторлик, жойларга мунтазам чиқиб хизмат кўрсатиш, жамоалар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги алоқани ривожлантириш, мониторинг олиб бориш ва маълумотларни амалиётда қўллашучун, шунингдек, молиявий ва инсон ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва бошқаришни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича қулай муҳит яратади. Янги вакциналарни қўллашни кенгайтириш эвазига болалар ўлими кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Иммунизация дастурини мустаҳкамлашнинг глобал стратегияси доирасидаги икки устувор йўналиш касаллик юкини, иқтисодий таҳлил маълумотларини ва бундай қадамни рўёбга чиқариш имкониятларини инобатга олган ҳолда вакциналарни тадбиқ этиш борасида қарорлар қабул қилиш бўйича салоҳиятларини ошириш, шунингдек, Миллий тизимлар томонидан вакциналар билан барқарор таъминот вазифасини бажариш учун кафолатни таъминлаш масалаларида минтақа давлатларига ёрдам кўрсатилган.

## 2.3 Иммунизация дастурини мустаҳкамлашнинг минтақавий стратегиялари

### **Муҳим стратегиялар — коммуникация, шериклик, бошқарув**

Стратегик режада кўзда тутилган вазифалар «Ишнинг стратегик йўналишлари» номи билан учта рубрика остида келтирилган бутун стратегиялар сериясини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида бажарилиши даркор. Шунга қарамасдан, биринчи даражали стратегиялар, жумладан, ахборот-ташвиқот фаолияти; шериклик ва тармоқ таркибида ишлаш; ресурсларни ишга солиш; дастурларни режалаштириш ва уларни бошқариш қўйилган вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади, ҳамда исталган иммунизация дастурининг муҳим стратегияси хисобланади, хусусан:

- аъзо-давлатлар, давлат тузилмалари ва нодавлат муассасалар/ташкilotлар билан шериклик муносабатларини такомиллаштириш, жумладан Минтақавий комитет сессияларида янги маълумотларни мунтазам равиша тақдим этиш;
- ресурсларни ишга солиш ва бошқарув усулларининг ишончли ва самарали механизмларини йўлга қўйиш;
- аъзо-давлатларга, шерик ташкilotларга ва жамоатчиликка яхши ишловчи веб-сайтлар орқали долзарб ахборотларни мунтазам равиша тақдим этиш;
- мунтазам равиша иммунизация масалаларига доир (м-н, Европа иммунизация ҳафталиги каби) ахборот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;
- иммунизация бўйича эксперtlар томонидан (м-н, эксперtlарнинг Европа техник маслаҳат грухига монанд) дастурий фаолият устидан доимий назорат олиб борилишини таъминлаш.

### **Биринчи стратегик йўналишдаги ишлар — Иммунизация тизимини мустаҳкамлаш**

Қамраб олинадиган масалалар: барча вакциналар ва Минтақадаги режали иммунизация дастурига киритилган вакцинопрофилактика ёрдамида бошқариладиган инфекциялар.

**Мақсад:** Барча аъзо-давлатлар сифати кафолатланган вакциналарни қўллаб болалар ва ўсмирларни профилактик эмлаш билан қамраб олишни 95% ёки юқори даражага етказишни таъминлашлари зарур.

### **Яқин йилларга мўлжалланган вазифалар:**

- Сиёсий хайриҳохлик ва ресурсларни ишга тушириш
- 1. Барча аъзо-давлатлarda ҳукумат миқёсида маъқулланган, самарали амалий фаолиятга, жумладан молиявий ва инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжларга бўлган барча тегишли талабларни белгилаб берувчи кўп йиллик иммунизация стратегияси ва ҳаракат режаси ишлаб чиқилиши шарт.
- Сифати кафолатланган вакциналарнинг хавфсизлиги ва таъминоти
- 2. Барча аъзо-давлатларда Миллий назорат органи фаолият юритиши зарур ва/ёки ЖССТ томонидан қайта тавсифланган вакциналар қўлланилиши зарур.
- 3. Барча аъзо-давлатларда туман босқичидаги совутгич омборларида вакциналар заҳирасининг 5% дан кам миқдорда камайишига йўл қўйилади.
- 4. Барча аъзо-давлатлarda инъекциялар хавфсизлиги, иммунизация пайтида ҳосил бўлувчи тиббий чиқиндиларни тўплаш, олиб кетиш ва қайта ишлаш, жумладан ушбу ишларнинг бажарилишини ҳужжатлаштиришга нисбатан тавсия этилган илғор амалиёт қабул қилиниши зарур.
- Иммунизация хизматининг қулайлиги (хизматдан барча учун баравар фойдаланиш имконияти/ баҳрамандлик) ва қўлланилиши

- Барча аъзо-давлатларда вакцинация билан қамраб олиш даражаси АКДС3, полиоз, Геп В3, ҚКСВ1 ва ҚКСВ2 учун мамлакат миёсида 95% ёки ундан юқорини ва барча туманларда 90% ёки ундан юқорини ташкил этиши, эмланмаганлик кўрсаткичи эса АКДС3 учун Миллий миёсда 5% дан кам ва туман миёсида 10% дан кам бўлиши зарур.

### **Иккинчи стратегик йўналишдаги ишлар –** Мақсадли касалликларга нисбатан ташаббуслар

Қамраб олинадиган масалалар: ЖССТ Европа минтақавий бюроси нуқтаи назаридан алоҳида эътиборга молик барча мақсадли бошқарилувчи инфекциялар.

**Мақсад:** Барча аъзо-давлатлар мақсадли бошқарилувчи инфекциялар частотасини камайтириш ва ликвидация қилиш, ёки улар билан курашиш борасидаги устувор вазифаларни бажаришлари зарур.

#### **Яқин йилларга мўлжалланган вазифалар:**

- Ликвидация ва элиминация вазифаси қўйилган касалликлар
- Барча аъзо-давлатлар полиомиелитдан холи давлат мақомини сақлаши, ва полиомиелитга нисбатан Глобал сертификациядан кейинги ҳалқаро даражада келишилган Миллий сиёсанни ва меъёрий талабларни ҳаётга тадбиқ этиши зарур.
- Барча аъзо-давлатлар 2015 йилга келиб қизамиқ, қизилча ва тўғма қизилча касалликларни элиминация қилиш вазифаси бажарилишини ва кейинчалик ушбу мақом сақланишини таъминлашлари зарур.
- Қарши курашиш учун янги вакциналар жорий этиладиган касалликлар
- Барча аъзо-давлатлarda янги вакциналар жорий этилиши зарурлигини далилловчи мезонлардан фойдаланиш шарт.
- Устувор бактериал ва вирусли инфекциялар билан курашиш
- Барча аъзо-давлатлarda дифтерияга қарши вакцинация билан қамраб олиш 12 ойлик ёшга келиб бирламчи иммунизация кўрсаткичи бўйича (АКДС3) 95% ёки ундан юқори даражада бўлиши зарур.
- Бактериал менингит юки болаларда Минтақа миёсида 40% га пасайиши, жумладан Hib-вакцинаси амалиётга тадбиқ этилгач 2 ёшдан кичик болаларда исталган сабаб бўйича менингит ташхиси билан стационарга ётқизишнинг статистик кўрсаткичи 20% га пасайиши зарур, Hib-вакцинасини амалиётда қўллаётган давлатларда эса, конъюгацияланган менингокок ва пневмокок вакциналари амалиётга тадбиқ этилгач бактериал менингит ташхиси билан стационарга ётқизишнинг статистик кўрсаткичи 80% га пасайиши даркор.
- Минтақа миёсида кўййутал билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари камайтирилиши зарур.
- Барча аъзо-давлатлarda гриппга қарши ҳар йили аҳолининг хавфли гурухга мансуб қатламлари 75% ёки ундан ошиқ даражада эмланиши шарт.

**Учинчи стратегик йўналишдаги ишлар —** Эпидемиологик назорат, лаборатория хизмати ва мониторинг

Қамраб олинадиган масалалар: Эпидемиологик назорат маълумотлари, жумладан лаборатория тадқиқотлари ҳақидаги аҳборотлар Стратегик режада белгиланган мақсадларга эришишни кузатиб боришни таъминловчи дастурий фаолиятни коррекциялаш учун қўлланилади.

**Мақсад:** Иммунизациянинг ва касалликларга қарши курашишнинг минтақавий вазифалари бажарилиши ҳақида мулоҳаза юритишни таъминловчи юқори сифатли эпидемиологик ва лаборатория маълумотлари мавжудлигини таъминлаш.

### **Яқын йилларга мүлжалланган вазифалар:**

- Эпидемиологик назорат бўйича Минтақавий бюронинг потенциали
1. Барча аъзо-давлатларда иммунизация дастури ва лаборатория хизмати фаолиятларининг кўрсаткичларидан, қайд этилиши зарур бўлган касалликлар ҳақидаги маълумотлардан иборат ахборотларни тўплаш ва қайта ишлашни таъминловчи оператив фаолият юритувчи Минтақавий комп’ютерлаштирилган тизим йўлга қўйилиши зарур. Бу тизим тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун келиб тушаётган маълумотларни тезкор таҳлил этиш имконини беради.
  2. Мақсадли касалликлар бўйича ихтисослашган тегишли лаборатория тармоғининг фаолият кўрсатиши таъминланиши лозим; ГАВИ дан ёрдам олиш ҳуқуқини қўлга киритган давлатлар ротавирусли ва инвазив бактериал инфекцияларга нисбатан лаборатория текширувларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишади. 100% давлатлар грипп, полиомиелит ва қизамиқ/қизилча касалликларига нисбатан лаборатория текширувларини ўтказишади.
  3. аъзо-давлатлар даражасида иммунизация тизимини мустаҳкамлаш устидан эпидемиологик назорат
  3. Барча аъзо-давлатлар ягона индикаторларнинг асосий тўпламидан ва маълумотларни тўплаш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг стандартларидан фойдаланишлари зарур. ЖССТ га ушбу кўрсаткичлар ҳақида камида йилига бир маротаба маълумот тақдим этишлари даркор ва камида 90% аъзо-давлатлар танлаб ўтказилган тадқиқотлар асосида қамраб олишнинг ҳисоблаб топилган даражасининг валидацияси билан шуғуланишади.
  4. Барча аъзо-давлатларда поствакцинал нохуш кўринишлар устидан тезкор реакция кўрсатувчи эпидемиологик назорат тизими йўлга қўйилиши зарур.
    - Аъзо-давлатлар даражасида мақсадли касалликларга нисбатан ташаббуслар амалга оширилишининг бориши устидан назорат.
  5. Барча аъзо-давлатлар элиминация, ликвидация ва назорат қилиниши кўзда тутилган касалликлар ҳақидаги маълумотларга асосланувчи Миллий эпидемиологик назорат тизимини амалиётга тадбиқ этишлари ҳамда ушбу ахборотни ҳар ойда камида 1 марта ЖССТ га тақдим этишлари (шу жумладан ноллик ҳисбот жўнатишлари) зарур.
  6. Барча аъзо-давлатлар назорат қилиниши кўзда тутилган устувор бактериал ва вирусли инфекциялар устидан эпидемиологик назорат тизимини амалиётга тадбиқ этишлари ҳамда ҳисбот маълумотларини ҳар йили камида 1 марта ЖССТ га тақдим этишлари зарур.
    - Аъзо-давлатларнинг лаборатория тармоғи
  7. Барча аъзо-давлатлар элиминация, ликвидация ва назорат қилиниши кўзда тутилган касалликларга нисбатан ЖССТ томонидан тавсия этилган сифат талабларига мувофиқ Миллий лаборатория тармоғи фаолият кўрсатишини таъминлашлари даркор. Аккредитация қилинган/ЖССТ томонидан тан олинган лабораториялар хизматидан фойдалана олиш имконияти 100% давлатлар учун таъминланиши шарт.
  8. Барча аъзо-давлатлар бошқарилувчи мақсадли инфекцияларни аниқлаш бўйича лаборатория текширувларини ўтказишнинг тегишли усуслари ҳақидаги тавсиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари зарур.

### 3. ИММУНИЗАЦИЯ БҮЙИЧА ЎҚУВ КУРСИГА КИРИШ

#### 3.1 Мақсадли гурухлар

Ўқув курси модуллари ва маълумотлари, аввало, Миллий, вилоят ва туман миқёсида иммунизация Дастирининг амалга оширилишини таъминловчи тиббиёт ходимлари учун ҳамда иммунопрофилактика бўйича талабаларни (бакалаврлар, магистрлар ва тиббиёт коллежлари ўқувчиларини) ўқитишни таъминловчи тиббиёт ўқув юртлари педагоглари учун мўлжалланган. Шу сабабли мақсадли гуруҳ таркибига врачлар, ҳамширалар, акушеркалар, Миллий соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида коммуникация ва логистика бўйича фаолият юритувчи мутахассислар, шунингдек, тиббиёт ўқув юртлари педагоглари киришади.

Миллий соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида уёки бударажада бошқарув қўнималарини ўзлаштириш иммунизация хизмати ишини ташкиллаштириш учун асқотади. Ушбу тақдим этилаётган тренинг модуллари доирасида асосий ургу тиббий таълим тизимидағи иммунизация Дастурига дахлдор педагоголарга ҳамда Миллий, минтақавий/вилоят ва туман босқичларида фаолият юритаётган мутахассисларга қаратилиади. Айнан шу босқичлардаги мақсадли гуруҳ мутахассислари таркибига КИД/ГАВИ мутасадилари, Миллий назорат органлари ва логистика хизмати мутахассислари, совуқлик занжирни иши учун масъул шахслар, омбор мудирлари, турли даражадаги кураторлар, педагоглар, тренерлар ва бошқа иммунизация хизматига дахлдор мутахассислар мансубдирлар.

Айнан битта ўқув курси доирасида иштирок этаётган тингловчилар ўз бошланғич тайёргарлигига ва амалий тажрибаларига қўра турли даражага эга бўлишлари мумкин. Курс тингловчилари орасида ўзининг ҳозирги лавозимига яқиндагина тайинланганлар ёки КИД/ГАВИ ишларида муайян тажрибага эга, лекин мазкур курсда таҳсил олмаган менежерлар бўлишлари мумкин. Шунингдек, гуруҳ таркибига етарлича тажриба ва касбий маҳоратга эга мутахассислар ҳам жалб этилган бўлиши мумкин, уларга нисбатан фақат қайта тайёрлаш тактикаси қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

#### 3.2 Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари

Ўқув курси модуллари сериясини ўқитишдан мақсад турли даражадаги иммунизация хизмати мутахассисларининг, менежерларининг, тренерларининг, малака ошириш курси ва тиббиёт ўқув юртлари педагогларининг хизматни тақдим этиш, режалаштириш, бошқарув, мониторинг ва баҳолашга доир билимларни ҳамда қўнималарни эгаллашлари учун зарур шароитни яратишдан иборатdir. Ўқитиш шунингдек, курация ва иммунизация бўйича хизматларни тақдим этиш, моддий-техник таъминотни ва совуқлик занжирини ташкиллаштириш, вакциналар ҳариди ва сифатининг назорати, дастурни қўллаб қувватлаш бўйича ташвиқот ишларини олиб бориш каби тадбирларни амалга оширишда кўмаклашиш масалаларига доир билимларни эгаллаш имконини беради.

Ўқув курсида КИД/ГАВИ фаолиятидаги муаммоларни ҳал этишнинг умумий тамойиллари ҳам келтирилган. Шу боисдан муаммоларни ҳал этишга асосланган ўқитиш усули ўқув курсининг барча модулларида энг асосий усул ҳисобланади.

Ўқув курси қуидаги йўналишлар бўйича ташкилотчилик кўникумаларини ривожлантиришга алоҳида урғу беришни кўзда тутади:

- логистикани, совуқлик занжирини, хавфсиз инъекцияни амалга ошириш имконини берувчи вакциналар ва материаллар таъминотини бошқариш
- тарифибот ва иммунизацияни кўллаб-кувватлашга қаратилган оммавий сафарбарлик
- эмлаш хавфсизлиги кафолатланишининг мониторинги ва чиқиндиларни йиғиш, олиб чиқиб кетиш ва зарарсизлантиришни бошқариш
- иммунизация ёрдамида муҳофазаланадиган касалликларнинг эпидемиологик назорати
- мониторинг, кўллаб-кувватловчи кураторлик ва иммунизация хизматини баҳолаш
- иммунизация тизимида барча компонентлар фаолиятининг самараదорлигини баҳолаш
- туман миқёсида иммунизация режасини тайёрлаш.

### 3.3 Иммунизация бўйича ўқув курсининг тузилиши ва мазмуни

Иммунизация фаолиятига (жумладан, КИД/ГАВИ фаолиятига) дахлор бўлган тиббиёт ходимлари тез ўзгариб бораётган шароитда иш олиб боришида ва дастур бошқарувчанилигини таъминлаш учун вазиятга тезгина мослаша олиши тақозо этилади. Иммунизация дастурининг узлуксиз ишлашини таъминлаш марказий бўғиндаги мутахассислар учун ўта мураккаб муаммо ҳисобланади ва унинг ечимини қуидаги тарзда топиш мумкин:

- Иммунизация бўйича Миллий сиёсатни, меъёрий ва директив кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кенг тарқатиш — мутахассислар эътиборига ҳавола этиш
- Шериклар фаолиятини мувофиқлаштириш ва маблағлар топиш, жалб этиш бўйича ташвиқот ишларини олиб бориш
- Юқори сифатли вакциналарни ва бошқа сарфланадиган материалларни харид қилиш
- Иммунизация дастурини ўрганиш ва баҳолаш.

Соғлиқни сақлаш тизимида испоҳотлар туфайли соҳада сўнгги йилларда кузатилаётган туб ўзгаришлар, айниқса марказга тобелиқдан халос этиш сиёсати иммунопрофилактика хизматини ташкиллаштириш стратегиясини қайта кўриб чиқиш билан ҳамоҳанг кечмоқда. Шунинг учун турли бўғинларда фаолият олиб боришаётган иммунизация дастури ижрочилари, мутасаддилари ҳамда иммунопрофилактика бўйича таълимни таъминловчи педагоглар хизматни тақдим этиш, мувофиқлаштириш, режалаштириш, бошқарув, мониторинг ва баҳолашга доир масалалар бўйича қайта тайёргарлиқдан ўтишга эҳтиёжмандирлар.

Мазкур янги иммунопрофилактика бўйича ўргатувчи модуллар серияси 1991 йилда чоп этилган версиянинг ўрнига ЖССТ томонидан (2009 йилдаги версия) барча минтақавий бюроларга юборилган. Ушбу модуллар иммунизация дастурининг муваффақияти кафолатланиши учун тиббиёт ходимларига ва педагогларга иммунизация бўйича замонавий техник билимларни тақдим этишни, ташкилий ва техник муаммоларни идентификациялашни тушуниши, ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ҳаракатлар қўллашни, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида тушунчалар беришни, тизимли ўқитишни (талабалардан тортиб амалиётда фаолият юритаётган иммунизация дастурига дахлор барча мутахассисларни) кўзда тутади. Шунингдек, ўқув курси материалларида янги вакциналарни амалиётга тадбиқ этиш масалалари борасида ҳам қимматли маълумотлар, тавсиялар келтирилган.

Тақдим этилаётган ушбу ўқув курси ЖССТ Европа минтақавий бюроси томонидан тавсия этилган иммунизация бўйича 7 та модулни ва иммунопрофилактикани режалаштиришга доир 1 та кўлланмани ўзбек тилига ўгириб ва муайян даражада республикамиздаги маҳаллий шарт-шароитга мослаштирилиб тайёрланди.

0-модуль: Кириш — ушбу модулнинг мақсади ўқув курсини дастурга киритиш заруритини асослаш ва тингловчиларнинг минтақавий ва глобал иммунизация стратегияси ҳақидаги билимларини тақомиллаштириш, янгилаш. Шунингдек, ушбу модуль Миллий миқёсида иммунизация ўқув дастурини

ташкиллаштириш ва бошқариш учун бирламчи йўриқнома (инструктаж) вазифасини ўтайди.

1-модуль: Хавфсиз инъекцияни таъминловчи материалларни, вакциналарни ва совуқлик занжирини бошқариш — ушбу модулнинг мақсади иммунизация дастурини амалга ошириш учун зарур бўладиган хавфсиз инъекцияни таъминловчи материалларга, вакциналарга бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқлашни; уларнинг тўғри сақланишини, тақсимланишини ва алмаштирилишини бошқаришни; иммунизациянинг моддий таъминот тизими бўйича мониторингни амалга оширишни ва иммунизация амалиётига янги вакциналар киритилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини қўллашни ўргатишдан иборатdir.

2-модуль: Аҳоли билан ҳамкорлик — ушбу модул аҳолининг эҳтиёжларини аниқлаш, аҳоли томонидан тиббиёт ходимларига иммунизация масалаларида қандай ёрдамлар кўрсатилиши мумкинлигини ва ҳамкорликда қайси вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини билиш учун аҳоли билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини ёритиб беради.

3-модуль: Иммунизация хавфсизлиги — ушбу модул вакцинанинг ҳар бир дозасининг хавфсиз киритилишини таъминлаш, чиқиндиларга тўғри муносабатда бўлиш, иммунизациядан кейинги жиддий ноxуш кўринишлар пайдо бўлишига ўз вақтида ва малакали ёndoшувни таъминлаш ва барча жараёндан огоҳ бўлиш учун мониторингни амалга ошириш масалаларини ёритиб беради.

4-модуль: Қўллаб-қувватловчи кураторлик — ушбу модул кураторлар томонидан қуий бўғиндаги тиббиёт ходимларига ўзаро хурмат ва хайриҳолик оҳангига ўз иш сифатини узлуксиз таомиллаштириб бориша ёрдамлашиб, кураторлик ташрифларидан тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш имконияти сифатида фойдаланиш масалаларини ёритиб беради.

5-модуль: Иммунизация тизимининг мониторинги – ушбу модулда маълумотларни пассив (ойлик ҳисоботлар) ва фаол (кураторлик ташрифлари) тўплаш йўли билан иммунизация тизимининг барча компонентларининг бажарилишини баҳолаш масалалари ёритилган. Ушбу модул тиббиёт ходимларига иммунизация дастурининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида олинган маълумотлардан муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун фойдаланишда ёрдам беради.

6-модуль: Эпидемиологик назорат тизими – ушбу модулда эпидемиологик назоратнинг асосий тамоилиларидан иммунизация тизимини бошқаришда ва эмлаш йўли билан бошқариладиган касалликлар муҳофазасида фойдаланиш масалалари ёритилган. Мазкур модул тиббиёт ходимларида эпидемиологик назоратнинг ташкиллаштирилиши, фаолият кўрсатиши ва мониторинг ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантиришда ёрдам беради.

Иммунизация хизматини тақдим этиш учун ҳар бир туманин қамраб олиш стратегиясини қўллаб режалаштириш – ушбу йўриқноманинг мақсади сифатли режа тайёрлаш, эмланмасдан қолиб кетаётган болалар (эмланиши зарур айrim гуруҳдаги катта ёшлилар) сонини камайтириш ва иммунизация билан қамраб олишни ошириш, эмланмасдан қолганларни аниқлаш ва эмлашга жалб этиш, олинган маълумотлардан мониторинг ва назорат учун мунтазам фойдаланиш борасида туманлар ва тиббий муассасалар имкониятларини (потенциалини) кучайтиришдан иборатdir. Йўриқнома айrim хорижий мамлакатларнинг «ҳар бир туманин қамраб олиш» стратегиясини қўллаб режалаштириш борасидаги муваффақиятли тажрибалари асосида тайёрланган.

Ушбу модуллар, юқорида қайд этилганидек, иммунизацияни амалга оширишни таъминловчи тиббиёт ходимлари ҳамда иммунизация бўйича таълимни таъминловчи тиббиёт ўкув юртлари ва малака ошириш курслари педагоглари учун мўлжалланган. Жумладан, модуллар мустақил тайёрланиш учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун маълумотлар манбаи сифатида ҳам тавсия этилади. Заруриятдан келиб чиқиб, алоҳида модулдан ёки бир-неча модуллар мажмуудан фойдаланиш мумкин. Ўқитиш муддати ҳам тақдим этилаётган модуллар тўпламига қараб ва мақсадли аудиториянинг таркибига кўра ўзгариши мумкин. 1-иловада «иммунизация ўтказилишини таъминловчи ўрта бўғин мутасаддилари учун намунавий ўкув дастури» келтирилган.

### 3.4 Иммунизация бўйича ўқув курси ташкилотчилари ва олиб борувчиларнинг касбий йўналишлари

Иммунизация бўйича ўқув курсининг лавозимли мутахассислари қаторига ўқув курси директорини, асосий фасилитаторни ва бошқа бошловчиларни, маъмурый ҳамда ёрдамчи ходимларни киритиш мумкин. Бу тоифага, шунингдек, ишчи гурӯҳ раҳбарлари ва ҳисобот тузувчилар ҳам киришади.

Ўқув курси директори ўқув дастурини ташкиллаштиради, ўқув тадбирлари ўтказилишини ва маъмурий-хўжалик масалалари ҳал этилишини мувофиқлаштиради. Директор ўқув курси бир маромда, ботартиб ўтказилиши учун ўз моҳиятига кўра вазифа/муаммоларни ҳал этишга асосланган ўқитиш усулини фаол қўллади.

Асосий фасилитатор танлаб олинган модуллар миқдорига қараб ва ҳар бир модулни ёки блокни ўзлаштириш учун зарур бўладиган вақтга мувофиқ курс дастурининг мазмунини белгилайди. Бу шахс, шунингдек курснинг кун тартибини ва амалий таркибий қисмини белгилайди.

Бошқа бошловчилар ўқув курси ўтказилишини ташкиллаштиришда иштирок этишади, модулда келтирилган амалий кўнимкамаларнинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишига, қуйидаги йўллар билан кўмаклашишади:

- тингловчиларга фойдали ахборотни тақдим этиш;
- ўқув/ўргатувчи тадбирлар олиб бориш;
- амалий машқлар бажарилишини кузатиб бориш;
- тингловчилар томонидан эришилган ютуқларни баҳолаш;
- техник масалалар бўйича тингловчилар учун зарур маълумотларни тайёрлаш.

### 3.5 Ўқув курсини баҳолаш

Ўқув курси аввало, норасмий мунозаралар ва муҳокамалар чоғида аён бўладиган, тингловчиларнинг дастлабки сўровлари ва истаклари ташхисотини ўтказишни назарда тутади.

Ўқув курси, шунингдек, умуман ўқув жараёнини ҳам, ва ҳар кунги алоҳида дарсларни ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан баҳолашни кўзда тутади. Ҳар куни биринчидарс аввалида ўтган куни олиб борилган машғулот норасмий тарзда (форматив жиҳатдан) баҳоланиши зарур.

Мазмун-моҳияти жиҳатидан баҳолаш дарс мобайнида, хусусан, ўтилган материалларни умумлаштириш босқичида тингловчилар билан ўзаро таъсир этиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Ва ниҳоят, бутун ўқитиш даври учун якун ясаш, мажмуавий норасмий тарзда (форматив жиҳатдан) баҳолаш билан бирга қўшиб амалга оширилиши даркор.

Ҳар бир машғулот якунидаги ҳам, ва бутун ўқув курси якунидаги ҳам тартиблангандаги саволномаларни (2-илова) қўллаб сўровлар ўтказилиши зарур.

### 4. **ҮҚУВ КУРСИНИ ОЛИБ БОРУВЧИЛАР УЧУН УМУМИЙ КҮРСАТМАЛАР**

Катта ёшдаги кишиларни ўқитишда тренинг фасилитаторлари ёрдамига мурожаат этиш одат тусига кирган. Фасилитаторлар, албатта предмет бүйича мутахассислардир, шунга қарамасдан улар тингловчилар билимiga таянишади ва тингловчилар билимидаги мавжуд бўшлиқни дарс жараёнида тўлғазиб боришади. Тренинг бошловчилари катта ёшдаги кишиларни ўқитишининг пойdevор тамойилларига: мавжуд билимлар даражасини аниқлаш, уларни бойитиш ва релевантликни (яъни, масалаларга ўринилилиги, аҳамиятилиги, мұхимлигига қараб ёндошиш) сақлашга қатъий тарзда амал қилишади. Бу мавқе, билимлар йиғиндиcини ёки кўникмалар тўпламини бериш учун тузилган ўқув дастурини гуруҳда олиб борадиган ва ўзига яқол етакчилик мавқенини олувчи формал тренер бажарадиган вазифадан фарқ қиласи.

«Бошловчининг вазифаси ҳар бир тингловчига ўз фикрлаш жараёнини оптимизациялашда ёрдам беришдан иборат. Бу вазифани бажариш учун бошловчи тингловчиларнинг фаол иштирок этишларини рафбатлантиради, ўзаро тушунишга кўмаклашади ва жамоавий масъулликнинг кенгайишига ёрдамлашади. Ҳар бир тингловчига ўз фикрлаш жараёнини оптималлаштиришда ёрдам бера бориб, бошловчи гуруҳ аъзоларига муқаммал қарорлар излаш ва барқарор келишувга эришиш учун шароит яратади» (Kaner, 1996 й.).

Бошловчининг бошланғич билими ва кўникмалари йиғилиш ўтказилишининг тўғри амалиётига: регламентга ва келишилган кун тартибиغا риоя этилишига ва қатъий протокол юритилишига хизмат қиласи. Етарлича такомиллашган кўникмалар гуруҳли динамика ҳолатида гуруҳни ва унинг ҳар бир аъзосини кузатиб боришни кўзда тутади. Бундан ташқари, бошловчилар тинглашнинг турли-туман кўникмаларига, жумладан қайта талқин этиш; мунозаранинг жонли кечишига (тон бағишлар) эришиш; тингловчиларни гапиртириш; тингловчилар фаоллигини мувозонатлаштириш; тортичкоқ гуруҳ аъзоларининг ўз фикрларини изҳор этишларига имконият туғдириш кабиларга ҳам эга бўлиши зарур (Kaner et al., 1996 й.). Бошловчининг, унга гуруҳли ижодий кўтариқиликка жавобан, ташабbusни ўзида сўндириб кўйишдан кўра, кўшимча тарзда ўз фикрини айтиш имконини берувчи зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши жуда муҳимдир. Ҳолоса қила туриб, шуни таъкидлаш жоизки, бошловчининг мавқеи (ўрни) қуйидагилардан иборат:

- Баҳс-мунозарани бошлаш
- Фаол иштирокни рафбатлантириш
- Барча жиҳатлар мұхокама этилишини таъминлаш
- Гуруҳнинг асосий мавзудан четга чиқиб кетишига йўл қўймаслик
- Конструктив мұхитни қўллаб-куватлаш
- Исталган фикрга етарлича эътибор қаратилишини кузатиб бориш
- Баҳс-мунозарага якун ясаш
- Ҳолосалар ва келишувларни қайд этиш
- Мос келадиган мұхитни яратиш
- Баҳс-мунозаралар пайтидаги ҳафсаласизлик туйғусини юмшатиш
- Баҳс-мунозарани тугатиш.

## 4.1 Вазифалар/Муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган ўқитиш усули

Ушбу курс учун тавсия этилаётган дарс бериш/ўқитиш жараёни муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган усулни ва ўқитишнинг бошқа фаол усувлари ва услубларини ўз ичига олади.

### **Муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган ўқитиш усули учун хос бўлган асосий қадамлар қўйидагилардан иборат:**

1. Муаммонинг моҳиятини аниқлаш.
2. Муқобил қарорларни ишлаб чиқиш.
3. Муқобил қарорларни баҳолаш ва танлаш.
4. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш ва уни кузатиб бориш.

Муаммолар ечимини ҳал этишга йўналтирилган ўқитиш усули ушбу модулларда баён этилган ўкув машгулотлари доирасида қўлланиладиган усувлар ва услубларнинг асосида ётади. Бошланғич босқичда муаммоларнинг баёни (тасвири) келтирилади ва муайян вазият таҳлил этилади ёки амалий машқ бажарилади.

### **Муаммолар ечимини излашга асосланган ўқитиш усулини қўллаб олиб бориладиган тренингнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- тингловчиларга самарали фикр юритиш кўникмаларини шакллантиришларида ёрдам кўрсатиш
- тингловчиларга мустақил тайёрланиш (ўқиши) қобилиятини ривожлантиришларида кўмаклашиш
- тингловчиларда ўқишга мотивация уйғотиш
- тингловчиларга ахборотлардан услубий жиҳатдан тўғри фойдаланишларида ёрдамлашиш
- муаммоларни ҳал этища ўзгалар тажрибасидан сабоқ чиқариш

#### **Усулнинг баёни**

- Муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган ўқитиш усули фаол ўкув жараёнининг бардавом (узлуксиз ҳаракатдаги) стратегияларидан бири ҳисобланади
  - У азалдан мавжуд бўлган ва ёд олиш йўли билан билимларни эгаллашдан иборат бўлган анъанавий ўқитиш шаклидан келиб чиқади
    - Усунни қўллашнинг бошланғич босқичида таҳлил этилиши ва ечилиши зарур бўлган муаммонинг моҳияти баён этилади
    - Муайян вазиятни таҳлил этиш усули ишнинг ҳолатини тасвирлашни ва саволлар қўйишни кўзда тутади. Иммунизация туфайли содир бўлган бирон-бир ҳодиса туғилган вазиятга/мавжуд муаммога мос келади. Бериладиган саволлар тингловчиларга муаммонинг ечимини топиш имконини беради
    - Муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган ўқитиш усули аксарият бошқа вазиятларда ҳам қўлланиши мумкин бўлган концепцияларни ва умумий тамойилларни аниқлаш имконини беради, ҳамда шу тариқа келажакни кўзлаб амалга оширилган ўкув жараёнининг узоқ муддатли қўйилмаси вазифасини ўтайди
      - Тингловчиларнинг керакли жавобни топиш укуви мустақил ўрганиш учун қўшимча туртки ҳисобланади
        - Дарс бериш ва ўқитиш жараёни дўстона шароитда олиб борилади
        - Тиббиёт ходимлари гурух бўлиб ишлашга кўникишади, бу ҳол уларга кейинчалик предметлараро гурухларда ўзаро мулоқот учун ёрдам беради.

### **Ушбу қатор афзаликкларга қарамасдан, муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган ўқитиш усули муайян чекловларга эга**

- Ушбу усул кўлланилганида эгалланган билимларни умумлаштиришда қўшимча қийинчиликлар туғилади, чунки узлуксиз ақлий ҳужум туфайли кўплаб вариантлар туғилади
- Аксарият бошловчиларнинг барчаси одатда айнан бир хил тарзда йўл тутишади, шу сабабли айрим тингловчилар учун етарлича компетент тренерлар орасидан ҳавас ва ҳайрат намунаси бўлиб хизмат қиладиган номзодни аниқлаш осон бўлмайди
- Ўқув машғулотларини олиб бориш муваффакияти кўп жиҳатдан фасилитаторнинг салоҳиятига ва унинг атрофдагилар билан муносабатига боғлиқ
- Муаммолар ечимини ҳал этишга асосланган ўқитиш усули қўшимча ресурслар ажратилишини ва астойдил тайёргарлик кўрилишини тақозо этади.

#### **Босқичлар**

Асосида муаммолар ечимини ҳал этишга йўналтирилган ўқитиш усули ётувчи ўқув жараёнини қуидаги тарзда ташкиллаштириш мумкин:

- Тингловчиларни аъзолар сони бир хил бўлган кичик гуруҳларга бўлиш (2 нафардан 4 нафаргача ёки 6 нафардан 8 нафаргача киши, ҳар бир кичик гуруҳ битта ёки иккита фасилитатор билан биргалиқда ишлашади)
- Гуруҳдан лавозимли шахсларни сайлаш: раис ва маърузачи
- Гурух ўрганиши учун таклиф этилган вазият ёки муаммони баён этиш (бирон аниқ вазиятнинг муҳокамаси)
- Муаммонинг моҳиятини аниқлаш
- Эҳтимоллиги назарда тутилаётган изоҳларни қараб чиқиш (тўғри ёки нотўғри жавоб беришнинг аҳамияти/зарурияти йўқ)
- Ўқув машғулоти вазифасини аниқлаш
- Тингловчиларнинг мустақил ишлашлари учун шароит яратиш (индивидуал ёки ҳудудий тамойил асосида ёки бошқа мезонларга мувофиқ гуруҳ бўлиб)
- Баҳс-мунозарани ялпи йиғилишда давом этириш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида бошқа тингловчилар билан ахборот алмашиб
- Айрим амалий машқлар индивидуал бажариш учун мўлжалланган ва олинган натижалар ҳақида ялпи йиғилишда маъруза сифатида тақдим этиш шарт эмас, лекин уларни кичик гуруҳларда бошловчи иштироқида муҳокама этиш мумкин.

### **4.2 Фаол ўқитишнинг бошқа усуллари ва услублари**

Ушбу ўқув курси учун фаол ўқитишнинг бошқа усуллари ва услублари, масалан, аудиовизуал тақдимот, гуруҳли баҳс-мунозара, амалий вазифаларни ҳал этиш, намойиш этиш, амалий машқлар, саҳнавий ўйинлар ва йўналишга мос муассасаларга ташриф шаклидаги имитацияловчи моделлар. Қуидаги усуллар катта ёшдаги кишиларни фаол ўқитишнинг энг кенг тарқалган усуллари ҳисобланади:

#### **Қисқача маъруза**

Бу қисқача чиқиш бўлиб, унда ўқув машғулотига/мавзуга кириш баён этилади ёки янги маълумот тақдим этилади. Унда, шунингдек, гуруҳли баҳс-мунозара ёки ишчи топшириқни бажариш натижасида тингловчилар томонидан билдирилган ғояларни ҳам холосалаш мумкин. Бироқ бошловчиларнинг бундай чиқишилари, имкон қадар тингловчилар бевосита иш жараёнида иштирок этишлари ва ўз шахсий фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишлари учун, минимал даражага туширилиши зарур.

### **Аудиовизуал тақдимот**

Аудиовизуал тақдимотларни қўллашга, тақдим этилган назарий материалга қўшимча сифатида ёки унинг хulosаси сифатида, танлаб ёndoшиш тавсия этилади.

### **Баҳс-мунозаралар**

Баҳс-мунозаралар тингловчилар ўртасида ҳам, фасилитаторлар ўртасида ҳам ўзаро таъсирнинг асосий усулидир. Ақлий ҳужум, кичик гурухлардаги муҳокама, мутасадди билан амалий машғулотлар ва номинал жамоавий услублар каби баҳс-мунозараларнинг усуллари иш тажрибасини ва гоялар алмашинуви учун тавсия этилади.

*Кичик гурухлардаги баҳс-мунозаралар:* уларга амалий машғулотларни киритиш мумкин. Алоҳида масалани муҳокама этиш ва ягона фикрни ишлаб чиқиш учун тингловчилар амалий машғулотларга киришишдан олдин 6-8 нафар шахсдан иборат гурухларга бўлинешади. Тингловчиларга бажаришлари учун аниқ топшириқ топширилиши, ишни бажариш муддати белгиланиши ва якуний тақдимотга доир кўрсатмалар берилиши зарур. Гуруҳ аъзолари ўз меҳнатларининг натижаларини тақдим этишгач бошловчи якун ясади. Кичик гурухлардаги баҳс-мунозаралар айниқса катта кишиларга клиник кўнинмаларни ўргатишда фойдалидир.

*Жонли гуруҳли баҳс-мунозаралар:* бу икки ёки уч нафар тингловчилар ўртасидаги қисقا баҳс-мунозаралар бўлиб, асосан семинар ишида қатнашишни рағбатлантириш мақсадини қўзлади. Тингловчилар ўз қўшнисига юзланиб, муайян вақт мобайнида қўйилган саволни муҳокама қила бошлашади, ўз қарашлари ва foяларини бутун гуруҳ аъзолари билан баҳам қўришади. Бу айниқса машғулот чўзилиб кетганида зерикарли муҳитни бартараф этиш учун кўл келади.

*Ялпи баҳс-мунозаралар ёки кенгайтирилган таркибдаги гуруҳли баҳс-мунозаралар:* Булар шундай ўқув машғулотларики, уни ўтказиш чоғида тренер бутун аудиторияни бирон бир савол юзасидан ақлий ҳужумга ёки кичик гуруҳда бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисботнинг муҳокамасига жалб этиди. Кенгайтирилган таркибдаги гуруҳли баҳс-мунозаралар, тингловчилар томонидан машғулот пайтида тақдим этилган ўқув материалининг ўзлаштирилганилигини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, бундай баҳс-мунозаралар доирасида баҳсли саволларни муҳокама қилиш мумкин.

### **Муайян вазиятнинг муҳокамаси**

Буусуни қўллашда тингловчиларга ўзтибий муассасасида ёки маҳаллий аҳоли билан ишлаш жараёнида ортирилган тажрибадан келиб чиқиб ҳаётда қузатилган ҳодисалар ҳақида аудитория иштирокчиларига ҳикоя қилиб бериш имконияти берилади. Агар ҳаётда қузатилган ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиб бериш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланса, аудиторияда баҳс-мунозара учун ўйлаб топилган ҳодисалардан/воқеалардан фойдаланилади. Бундай ҳодисани муҳокама этилгач тингловчилар ўз хulosалари ҳақида аудиториядаги бошқа иштирокчилар билан фикр алмашишади. Шундан кейин фасилитатор баҳс-мунозарага якун ясади.

### **Муайян сценарийнинг ва вазиятнинг таҳлили**

Бу усуни қўллашда тингловчиларга ҳаётда қузатилган ҳодисаларни, сценарийларни ёки вазиятларни таҳлил этиш таклиф этилади. Тингловчилардан шундай ҳодисани ҳал этишига ёки вужудга келган вазиятнинг ечимиға доир ўз фикр-мулоҳазаларини шакллантириш ҳамда таклиф этилаётган қарорни асослашлари сўралади. Бундай топшириқларни бажариш чоғида иштирокчилар якка ҳолда ёки гурухларга бирлашиб ишлашлари мумкин, лекин ушбу машқнинг ажралмас бўллаги таҳлил натижаларини бутун аудитория билан ўртоқлашишдан иборатdir.

### **Саҳнавий ўйинлар ва театрлаштирилган кўринишлар**

Бу усуни қўллашда, тингловчиларда эмлаш тадбирлари борасида нуқтаи-назар шаклланиши ва турли ҳаётий вазиятларни интуитив тушуниш пайдо бўлиши учун, уларга миниспектаклда ижро этиладиган турли роллар тақсимланади. Улардан, масалан, хизмат кўрсатувчи, вакцинопрофилактика бўйича хизматлар ҳақида

мижозларга маълумот берувчи, бевосита вакцинация билан шуғулланувчи ва ҳисоб-китоб маълумотларини юритиш учун масъул ролини ижро этиш сўралиши мумкин. Саҳнавий ўйинлар ва театрлаштирилган кўринишлар яхши режалаштирилиши зарур; тингловчилар топширилган вазифани тўлиқ тушунишлари ва ўzlари қандай ҳаракат қилишлари зарурлигини билишлари даркор. Қолган иштирокчиларга нимага эътибор қаратишлари зарурлиги ҳақида аниқ йўл-йўриклар берилади. Саҳнавий ўйинлар ниҳоясига етгач, айнан мана шу иштирокчиларга биринчи бўлиб — бошқалар ўз эътиrozларини билдиришларидан олдин – ўзларининг ҳис-туйғуларини ифода этишлари учун вақт бериш зарур. Бевосита ижро этиладиган ролларни тақсимлашдан ташқари, тренерлар иштирокчилар билан биргалиқда, ҳаётий ёки ҳаққоний вазият асосида тайёрланадиган тақдимотлар сценарийлари устида ишлашлари мумкин. Саҳнавий ўйинлар психологияк кўрсатмани (қарор топган психологик ҳолатни) англашнинг энг яхши усули ҳисобланади.

### **Тарихни ҳикоя қилиш**

Бу усул психологик кўрсатмани (қарор топган психологик ҳолатни) ва қадриятлар тизимини аниқлаш учун қўлланилади.

### **Имитацияловчи ўйинлар ва машқлар**

Булар ўйлаб топилган вазиятлар бўлиб, тренер бир ёки бир неча иштирокчидан шу вазиятларга боғлаб амалий машқлар бажаришларини сўрайди. Ушбу машқлар қўникмаларни ўзлаштиришда айниқса самаралидир. Тренернинг айнан қандай қўникма ҳосил қилинишини аниқ тушунтириши жуда муҳимdir.

### **Намойиш этишлар ва жавоб намойишлари**

Бу қўникмаларни шакллантиришнинг энг самарали усулидир. Тренер барча зарур асбоб-ускуналарни ва материалларни тўплайди, иштирокчиларга қўникмани ўзи намойиш этади, муолажани бажаришда ҳар бир қадамни дикқат билан кузатиб туришларини иштирокчиларга маслаҳат беради. Тренер ўз намойишини қўникманинг ҳар бир қадамини тушунтириб борувчи шарҳ билан қўшиб, ҳамоҳангтарзда олиб боради. Намойиш якунлангач ва гумонлар ойдинлаштирилгач тренер бирон гурух иштирокчиларини танлаб олади ва улардан нимани илғаб олишган бўлса, шуларни намойиш этиб кўрсатишларини сўрайди (жавоб намойишлари учун). Айни шу ҳолат, тренер томонидан гумонларни ойдинлаштириш ва саволлар берилишини рағбатлантириш йўли билан, иштирокчиларга қўникмаларни ўзлаштиришлари борасида кўмак берилиши учун энг қулай фурсатдир. Жавоб намойишлари кечкитирилмасдан ўтказилиши шарт. Тренер ҳар бир тингловчига қўникмаларни ўзлаштириши учун имконият туғдирилганлигига ишонч ҳосил қилиши даркор. Кейин иштирокчиларга ўзларининг клиник амалиётга доир қўникмаларини намойиш этишлари таклиф этилади.

### **Йўналишга мос муассасаларга ташриф**

Иштирокчиларга турли вазиятларни кузатишлари учун имконият туғдириш мақсадида, тренер ўқув курсига бевосита даҳлдор жамоаларга, тиббиёт муассасаларига ташрифи ташкиллаштиради. Тренер йўналишга мос муассасаларга ташриф чоғида нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида иштирокчиларга йўл-йўриклар қўрсатади ҳамда улардан кузатилган ҳолат ва вазиятлар асосида муайян лойиҳалар тайёрлаб аудиторияда тақдим этишларини сўрайди. Лойиҳалар устидаги иш якка ҳолда ёки жамоавий тарзда амалга оширилиши мумкин. Жойлардаги тиббий муассасаларга ташриф, ушбу машқни муваффақиятли амалга ошириш учун муайян дастлабки тайёргарлик билан курснинг ўқув дастурига киритилиши зарур (тиббиёт ходимини хабардор қилиш, транспорт муаммосини ҳал этиш ва ҳ.).

### **Ишчи топшириқлар**

Топшириқлар уй вазифаси, якка ҳолдаги ёки жамоавий лойиҳалар шаклида бўлиши мумкин. Ишчи

топшириқларни бажариш иштирокчиларга ўрганилаётган назарий ва амалий қўнималарнинг моҳиятини янада чуқурроқ идроқ этишлари учун қўшимча имкониятлар яратади. Обдон яхши йўлаб тайёрланган топшириқлар тингловчиларнинг ижодий ва янгиликка интилиш қобилиятларини ривожлантиради.

### **Лойиҳавий ўқитиш усули**

Ушбу усул, баҳолаш кўзда тутилган барча модулларда, масалан, режалаштириш, мониторинг, курация қилиш ва баҳолаш бўйича бўлимларда кўлланилиши зарур. Лойиҳавий ўқитиш усули юкорида кўриб чиқилган аксарият услублар билан биргалиқда кўлланилади ва фойдаланувчига жараённинг барча босқичлари бўйлаб ҳаракатланиш ва ундан керакли амалий фойда чиқаришда ёрдам беради.

## **4.3 Модуллардан ва бошқа ўқув материалларидан қандай фойдаланиш зарур**

**1-босқич:** модул билан дастлабки танишув қўйидаги йўллар билан содир бўлади

- Кириш матнини ўқиш
- Танишув, хусусан, тренинг вазифалари билан
- Таклиф этилаётган ўқув машгулотларига эътибор қаратиш
- Имкон қадар машгулот машқларини бажариш

**2-босқич:** модулнинг мазмуни баён этилган қисмини ўрганиш

- Ҳар бир вазифа бўйича модулларнинг тегишли баён этувчи қисмини диққат билан ўқиб чиқиш
- Аудиовизуал тақдимотларни ва фасилитаторларнинг тушунтиришларини диққат билан тинглаш
- Ялпи йигилиш ва фикрлар алмашинувда фаол иштирок этиш.

**3-босқич:** таклиф этилаётган ўқув тадбирларини ўтказиш

Айрим модулларда асосий ҳужжатлар рўйхати бўлиб, уларни модуллар билан ишлашга киришишдан олдин ўқиб чиқиш зарур. Бу бошловчига модулнинг умумий йўналиши ҳақида тўлиқ тасаввур олиш имконини беради. Ўқиш учун материалларни, шунингдек, дарс пайтида тавсия этиш мумкин.

- Бошқа маълумот берувчи ахборот манбаларини ҳам қараб чиқиш ва фойдаланиш: босма материалларни, видеофильмларни, слайдларни, CD-ROMларни
- Таклиф этилган барча амалий вазифаларни, амалий машқларни ёки аниқ вазиятларни ечиб чиқиш.

**4-босқич:** ҳар бир модулни ўрганиш ниҳоясида ўз-ўзини баҳолашни амалга ошириш

- Асосий ғоялар ва кучли жиҳатларнинг шарҳи
- Модулни баҳолаш натижалари бўйича саволларга жавоблар

Бошловчилар ўзлари қараб чиқадиган материаллар рўйхатини фақат ажратиб олинган модуллар билангина чекламасликлари зарур. Улар бошқа ахборот манбалари ва фойдали далиллар билан ҳам танишишлари лозим. Коммуникациянинг лексик воситаларини танлаш муҳим омил эканлигини унутмаслик даркор.

Барча машқларни бажариш чофида қўйидаги ҳатти-ҳаракат тартибини дастурламал сифатида қараш зарур:

- Тингловчилар кўлланмаларни диққат-эътибор билан ўқиб чиқишлари ва уларга қатъий амал қилишлари шарт
- Улар ўз жавобларини модул матнидаги маҳсус ажратилган жойга ёки алоҳида саҳифага (вараққа) қайд этиб боришлари лозим

- Машқни бажариш пайтида агар тингловчиларда саволлар туғилса, улар фасилитаторга мурожаат этишлари даркор. Семинар бошланишидан олдин.

### 4.4 Үқув дастурлари билан ишлаш тартиби

Бошловчи үқув машғулотига тайёргарлик учун, жумладан үқув машғулотининг батафсил режасини ва дарсни олиб бориш тартибини ишлаб чиқиш учун жавоб беради. Бошловчининг тренинг арафасидаги, уни олиб борилаётгандаги ва якунидаги асосий хизмат бурчлари қуйида батафсил баён этилган.

#### 4.4.1 Семинар бошланишидан олдин

Семинар бошланишидан олдин бошловчининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Тингловчилар рўйхати ва улар ҳақидаги анкета маълумотлари билан танишишни назоратга олиш.
  - Барча тингловчиларга тренинг бошлангунига қадар тегишли ахборот материаллари (ўқув машғулотини ўтказишнинг тартиби, мақсади, вазифалари, иш дастури) тарқатилишини кузатиб бориш.
  - Тренинг олиб бориладиган жой қўйидаги ускуналар билан таъминланганлигини кузатиб бориш:
    - мультимедиа проектори/компьютер (ёки эпидиаскоп) билан
    - флипчартлар/планшетлар ва фломастерлар билан
    - етарлича ўриндиқлар тўплами билан (кичик гуруҳларда ишлашни ҳам инобатга олган ҳолда)
    - вакцинопрофилактика бўйича веб-сайтлар ишини намойиш этиш учун Интернетга кириш имкониятлари мавжудлиги мақсадга мувофиқ.
- Ўқув материаллари ва ҳужжатларнинг нусхалари олдиндан ҳозирлаб қўйилганлигини кузатиб бориш.
  - Ўқув модулларини ва тренингнинг мазмуни билан таништирувчи тақдимот слайдларини қараб чиқиш.
  - Қўйидаги мулоҳазаларга кўра, тренинг олиб бориладиган жойда/аудиторияда олдиндан ҳозир бўлиши:
    - тренинг олиб бориладиган жойнинг/аудиториянинг талабга жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш учун
    - ўқув машғулотининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда тренинг олиб бориладиган жойни/аудиторияни тайёрлаш учун
    - барча иштирокчилар ва фасилитаторлар жамоасининг аъзоларига етадиган миқдордаги барча ўқув материалларининг нусхалари ҳозирланганлигини кузатиб бориш учун
    - барча ускуналар тўпламининг бутлиги ва созлигини текшириш учун.

#### 4.4.2 Семинар давомида

Семинар давомида бошловчининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Иштирокчиларга инструктаж ўтиш ва уларни кўллаб-куватлаш
  - ҳар бир тақдимотнинг мақсадини ва гуруҳларда ишлаш тартибини (саҳнавий ўйинлар, амалиёт, тартибланган машқ) тушунтириш
  - тингловчилар эътиборига гуруҳдаги ишлар бўйича аниқ йўл-йўриқларни ҳавола этиш
  - тақдимотлар мазмуни, гуруҳларда ишлаш ва тингловчиларнинг хизмат бурчлари ўрталарида ўзаро алоқа мұхити қарор топишида/ўрнатилишида тингловчиларга ёрдам кўрсатиш
  - тингловчиларга услубий ёрдам кўрсатиш ва гуруҳларда ишлаш чоғида, заруриятга қараб тескари алоқани таъминлаш
  - яқин масофада туриш ва ёрдамга шайлигини намойиш этиш
  - саҳнавий ўйинларда ёрдам кўрсатиш
  - таклиф этилган мавзулар, тақдимотлар, гуруҳларда ишлаш ва иш суръати барча иштирокчиларни батамом қаноатлантирадиган шароитни яратиш

## 2. Иштирокчиларни мотивациялаш

Аксарият тингловчилар көнг билим доирасига ва жойларда иш олиб бориши бой тажрибага эга тибиёт ходимлари эканлигини бошловчи доимо ёдда тутиши жуда мұхим. Мазкур үқұв курси тингловчилар ўз хос билимларини ва тажрибаларини такомиллаштиришлари учун ҳамда уларни иммунизация хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш борасида құллашларига құмаклашишга қаратилғандыр. Бинобарин, бошловчи барча тингловчилар ўз билимлари, ғоялари ва тажрибаларини гурухнинг бошқа аязолари билан ўртоқлашишларини рағбатлантириш ҳақида йылаши лозим. Семинар иши мобайнида эришилған мотивация дарражаси, аввало, олинган билимларни ўз амалий фаолиятларыда тәдбиқ этиш учун тингловчиларнинг қатыяят күрсатыш дарражасини олдиндан белгилаб беради. Шунинг учун, бошловчы:

- Ялпи үйғилишлардаги баҳс-мунозараларни құллаб-күвватлаши
- Қун тартибини келишишда баҳс-мунозараларга бош-қош бўлиши
- Ўзаро таъсирни рағбатлантириши
- Ишонч ва қулайлик мұхитини яратиши
- Семинар мақсадларыга хайрихөхлиққа құмаклашиши
- Семинар вазифалари борасида консессусга эришишга ёрдам күрсатиши
- Үқұв машғулотларида белгиланған йўналиш ва жонли мұхит устуворлигини таъминлаши
- Тингловчиларнинг саъий-ҳаракатларини мустаҳкамлаши зарур.

## 3. Семинарни олиб бориш

Үқұв машғулотларини олиб бориш даври баҳс-мунозара, шарҳлар ва тингловчилар томонидан бериладиган саволлар учун ажратилған вақтни ўз ичига олади. Шунинг учун, бошловчы:

- Ҳар бир машғулоттуказиладиган күн учун керак бўладиган барча материалларнинг етказиб берилишини олдиндан режалаштириши ва мавжудлигини таъминлаши
- Ишчи гурухларни ташкиллаштириши ва бу ахборотни олдиндан тингловчилар эътиборига ҳавола қилиши
- Гурух аязолари асосий мавзудан четга чиқиб кетмаслигини ва регламентни сақлашларини кузатиб бориши
- Исталған бошқа муаммоларни ҳал этиши
- Тренинг якунида барча тингловчиларга тегишли сертификатлар берилиши устида бош қотириши
- Ҳар бир үқұв машғулотининг ниҳоясида машғулотни баҳолаш бўйича саволнома тарқатиши зарур.

### 4.4.3 Семинар ниҳоясига етгач

Семинар ниҳоясига етгач бошловчининг вазифаси қўйидагилардан иборат:

- Бошловчиларнинг, тренерларнинг, тингловчиларнинг ва кузатувчиларнинг рўйхатини ФИО ва контакт маълумотларини кўрсатган ҳолда тарқатиш
- Үқұв курсини соддалаштирилған йўсинда баҳолашни амалга ошириш (тескари алоқа ўрнатиш)
- Хизмат сафари ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигини, Санитария-эпидемиология Бош бошқармасини ва ЖССТ Европа минтақавий бюросини қизиқтирадиган хulosалар ва тавсияларга ургу берган ҳолда қисқача (бир-икки саҳифадан иборат) ҳисобот тайёрлаш.

## 4.5 Семинарни олиб борувчилар учун фойдали маслаҳатлар

### Ёдда тутинг:

- Катта ёшдаги тингловчилар одатда, агар уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари билан боғлиқ пишиб етилган шахсий саволлар ёки муаммолар ҳал этилса, ўқитишга жонли қизиқишни намоён эта бошлашади.

- Катта ёшдаги тингловчилар олинган билимларни тезгина амалиётда күллашга ҳаракат қилишади.
  - Катта ёшдаги тингловчи ўзининг ўзига нисбатан баҳосини сақлашга, ёки ҳаттоқи уни юқориго күтаришга ҳаракат қилади.
  - Катта ёшдаги тингловчилар деталларга эътибор қаратишади. Ҳаттоқи кам аҳамиятли жиҳатлар ҳам олдин олинган билимларга қарши бўлмаслиги даркор.
  - Катта ёшдаги тингловчиларга узоқ муддат фаолиятсиз (пассив) ҳолатда вақт ўтказиш ёқмайди.
  - Катта ёшдаги тингловчилар, уларнинг қадриятлари тизими ва эътиқодлари билан чиқишмайдиган ёки қарама-қарши бўлган ахборотни жуда ёмон қабул қилишади.
  - Катта ёшдаги тингловчилар ўз ҳаёллари мобайнида тўплаган улкан ахборот заҳирасининг манбаи ҳисобланишади.
  - Ҳар бир тингловчининг тайёрланган ахборот материалларини қандай ишлатиш ҳақида ва ҳар бир амалий машқни қандай бажариш ҳақида тасаввурга эга бўлишини кузатиб боринг.
  - Тингловчиларнинг саволлар беришини ёки ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришини рағбатлантиринг.
  - Тингловчилар модул материалларини ўзлаштириш устида ишлаётгандаридан Сиз уларга яқин масофада бўлинг.
  - Саволларга хушфөйллик билан (тавозе билан) жавоб қайтаринг. Масалан, «ҳа, мен Сиз нимани назарда туаётганингизни тушунаман» ёки »бу жуда ажойиб савол» денг.
  - Сизнинг юз ифодангиз ёки шарҳингизда овозингиз оҳанги, берилган саволнинг сийқаси чиққанлигини ёки аҳамияти камлигини акс эттирадигандек (ишорадек) ҳолатда бўлмаслигига эътибор қаратинг.
  - Ҳар бир тингловчига етарлича вақт ажратинг ва саволларига батафсил жавоб қайтаринг.
  - Тингловчидан иккilonish туйгусини ўйғотувчи барча ахборотни батафсил тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
  - Агар тингловчи Сизнинг ёрдамингизга муҳтож бўлса, ҳеч қачон кутиб туриш позициясида туриб қолманг. Бунинг ўрнига, тингловчиларни иш жараёнинда кузатиб боринг ва ким қийин ҳолатга тушган бўлса, бефарқ/маъносиз нигоҳда бўлса, жавобларни қайд этиб бормаса ёки саҳифадан саҳифага ўтмаса - барчасига ўз кўмагингизни таклиф этинг.
  - Ҳар бир тингловчининг ёки гурухнинг ишини баҳоланг, тўғри жавоблар қайтаринг ва топшириқ бажариб бўлингач дарҳол мулоҳазангизни билдиринг.
  - Гурухли тарзда иш олиб борилганида, масалан, саҳнавий кўринишлар ва баҳс-мунозаралар пайтида, тингловчиларда вазифани бажаришга мустаҳкам ишонч бўлиши учун услубий ёрдам қўрсатинг.
  - Гурухли тарзда иш олиб борилганида, нафақат тингловчилар янгидан олган билим ва кўникмаларини қўллаб амалиётда ўз укувларини пешлайдилар, балки Сизга ҳам, бирон мавзуни қайтадан тушунтириш зарурияти борми ва тингловчиларга муайян кўникмани амалиётда қайта бажариш имкониятини яратиш шартми эканлиги ҳақида хулоса чиқаришингиз учун асос бўлади.
  - Агарда тингловчилар модуллар мазмунини тушунишда лингвистик (тилга доир) қийинчиликларни ҳис этишса, улар баён этилган ғоя ва концепцияларни яхши ўзлаштиришлари учун, маҳаллий атама ва иборалардан фойдаланинг.
- Мотивация қилинг:**
- Курсда ўрганилаётган предметга ва тингловчилар томонидан бажарилган ишга нисбатан ўз хуш кайфиятингизни ифода этинг.
  - Ҳар бир тингловчининг тўғри жавоби ва самарадорликни оширишдаги муваффақияти учун мақтов ва ташаккур изҳор этинг.
  - Олдиндан «стимулловчи импульслар» мажмуаларини ўйлаб кўйинг ва вазиятга қараб улардан йигилишлар ўртасидаги танаффузларда фойдаланинг.

- Тингловчиларнинг ушбу модулларни ўзларининг даволаш-профилактика муассасаларида қандай тадбиқ этиш мумкинлиги ҳақида ва улар томонидан эгалланган кўнимкамалар иммунопрофилактика бўйича қўрсаткичларни яхшилашга қай тарзда ёрдам бериши мумкинлиги борасида фикр юритишларини рағбатлантиринг.

**Вазиятни назоратдан чиқарманг – жиловлай билинг:**

- Моддий ва ахборот берувчи материаллардан барча тингловчилар учун эҳтиёж туғилганида ҳамиша фойдалана олиш имконияти мавжудлигини кузатиб боринг.
- Ўқитиш жараёнига ҳеч нарса, масалан, шовқин-сурон, хира ёруғлик ёки иш жойининг торлиги халақит қилмаслигини кузатиб боринг.
- Ҳар бир тингловчининг ўқишидаги муваффақиятини кузатинг.
- Агарда Сиз қийинчиликларга дуч келсангиз курс координаторига ёки бошқа фасилитаторларга ёрдам сўраб мурожаат қилинг.
- Ижобий муносабатни намойиш этинг; салбий муносабат яхши фасилитаторнинг иш унумини туширади. Ўзгаларни қўллаб-кувватлашга мойил, бировларга ёрдам беришга доимо шай ва беғаразлик, мулоҳазалик, ишга нисбатан ўта масъуллик, ўзини аямайдиган, ҳазил-мутойибага (юморга) мойиллик, боҳабарлик, талабчанлик каби қатор хислатларни ўзида мужассам эта олган шахсларгина муваффақиятли бошловчилар бўла олиши мумкин.
- Тингловчилар хулқ-атворининг турли стереотипларини аниқланг: Катта ёшдаги тингловчилар бой тажрибага эга ва ўзига хос хулқ-атвор билан ажralиб туришади, бу ҳолат семинарлардаги баҳс-мунозаралар пайтида яққол намоён бўлади. Хулқ-атворнинг айрим стереотиплари ўкув жараёнига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Қанақадир муаммоларга дуч келмаслик мақсадида, ҳар бир тингловчига буун гуруҳ билан биргалиқда ҳамнафас такомиллашиб боришлари учун ёрдам беришга, хурмат қозонишга ва буун жараёнга ижодий тус беришга ҳаракат қилинг; бошловчи хулқ-атвордаги турли ўзига хосликларга конструктив ёндошувларни топа олиши ва «мунозарали вазиятлардан» чиқа билиши зарур. Қўйида айрим энг типик хулқ-атвор шакллари ва улар билан ишлашнинг тегишли усуllари келтирилган.
- *Ўта гапдон:* тингловчи бу ҳолатда «энергияли» ёки «мақтанчоқ» бўлиши мумкин. Тегиб кетадиган танбеҳларга ёки аралашувларга йўл қўймасликка ҳаракат қилинг: эҳтимол, Сиз уларнинг иштирок этиш масаласи муҳокамасини кейинроққа суришни маъқул қўрарсиз. Бир нечта мураккаброқ саволларга жавоб беришини сўраб уларни ҳовуридан туширишингиз мумкин ёки гапдоннинг нутқини қўйидаги ибора билан узиб қўйишингиз мумкин: «бу қизиқарли ҳолат, келинг энди қўрайликичи, бу борада гуруҳнинг фикри қанақа экан...».
- *Аргументацияга тўйлиб-тошганлар:* ушбу тингловчининг шахси конфронтацияга мойил жангари қайфиятли ёки «нотиқни тўхтатиб қўйишга» интигувчан бўлиши мумкин. Ўзингизни қўлга ола билинг ва гуруҳнинг бошқа аъзолари ортиқча ғимиллаб қолишига йўл қўйманг. Утомонидан билдирилган биронта мулоҳазанинг аҳамиятли эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилинг, кейин эса ўзингиз бошлаган мавзуни давом этиринг. Агар бундай қилишнинг иложи бўлмаса, ушбу киши билан, унинг шубҳа-гумонларига аниқлик киритиш учун, танаффус пайтида гаплашиб олинг.
- *Сафсатабозлар:* Улар исталган нарса тўғрисида гапиришлари мумкин – фақатгина муҳокама этилаётган мавзу моҳияти юзасидан эмас.

Қачонки улар нафас ростлаш учун тин олсалар, уларга миннатдорчилек билдириб, тегишли жиҳатларни тақороран айтиб дикқат-эътиборни мавзуга буринг, кейин эса сухбатни давом эттиринг.

- *Шахсий адоват:* гурухнинг икки нафар ёки бир-неча нафар аъзолари ўртасида тўқнашув содир бўлганида кузатилади. Бундай адоват гурухнинг фракцияларга бўлиниб кетишига олиб келиши мумкин, чунки ҳар икки тараф бошқа аъзоларнинг қўллаб-кувватлашини ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилади. Диққат-эътиборни муштарак нуқталарга қаратинг ва имкон қадар фикрлардаги тафовутни, қарама-қаршиликни камайтиринг. Яна қайтадан уларнинг диққат-эътиборини қўйилган вазифага буринг. Тўғридан-тўғри мавзу юзасидан савол беринг ва баҳс-мунозарага ижобий кайфиятдаги аъзоларни жалб этишга эришинг.
- *Индамас:* бундай кишига машгулот зерикарли, ўзини бефарқ кайфиятда тутади. Ёки у ҳадиксировчи, ўзига ишонмайдиган ёхуд ўзини гурухдагилардан устун қўядиган киши бўлиши мумкин. Бу киши учун мотивация бўла оладиган жиҳатларга эътиборингизни қаратинг ва унинг шахсий фикрларига таяниб қизиқиш ўйғотинг. Агар Сиз бу киши бошқалардан ўзини олиб қочади деб ҳисобласангиз, унинг нуқтаи-назарини ойдинлаштиринг. Унинг шахсий тажрибасига ёки донолигига ўзингизнинг ҳурмат билан қарашингизни таъкидланг, лекин ошириб юборманг. Унинг биринчи чиқишидан кейин Сизнинг мақтov фикрингиз янграши керак. Самимий бўлинг.
- *Сизнинг фикрингизни аниқлаш:* тингловчилар қаралаётган масала юзасидан Сизнинг шахсий фикрингизни билишни исташса, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Агар кимдир Сизни синамоқчи бўлаётганлигини ёки Сизни қийин ахволда қолдирмоқчи бўлаётганлигини сезсангиз вазият чигаллашай. Тингловчиларнинг муаммоларини уларнинг ўрнига ҳал этиш керак эмас. Бальзи ҳолатларда Сиздан тўғри жавоб талаб этилади. Бундай ҳолатда айтинг: «Келингизлар, дастлаб кўрайликичи бу хусусда бошқалар қанақа фикрда экан». Кейин бошқа кишига исмими айтиб мурожаат қилинг.
- *Укиши эмас:* мазкур шахс нафақат сафсата сотади, балки ўзини нотўғри ҳам тутади. Куйидаги оҳангда гап бошлаб, ўзингизга айбни олган киши бўлинг: «Мен айтган нимадир бизни асосий мавзудан йироқлаштирди, чоғи». Савол бўйича сўнгги айтилган фикрларни бошқача йўсинда ифодаланг. Кишини эса нокулай ахволга туширманг.
- *Ўз фикрини баён этиши изчил эмаслар:* ўз фикрини ноаниқ ифода этувчи. Бундай кишилар баҳс-мунозарага аралashiшади, лекин ўз фикр-мулоҳазаларини тўғри баён этиша олмайди. Бундай дейиш керак эмас: «Сиз нимани назарда тутяпсиз....» ёки «Орамиздан кимдир Давидга ёрдам бера оладими?». Айтинг: «Бу фикрни бошқача тарзда талқин этишимга ижозат беринг» ва кейин Давид айтмоқчи бўлган фикрни баён этинг. Бу ҳақиқий фикр ва барча уни тўғри тушунишади дея тасдиқлаб, у билан келишишга ҳаракат қилинг. Сўзларни алмаштириш шарт эмас — фақатгина жумлани бошқача тарзда ифода этинг.

### **Адабиётлар рўйхати**

250 мин	<p><b>2-вазифа:</b> даволаш-профилактика муассасаси миқёсида режалаштириш асосида ётувчи 10 та қадамни санаб чиқиш</p> <p><b>1-қадам:</b> Микдорий таҳлил ўтказиш ТАЯНЧ ИБОРА: Ўз маълумотларидан фойдаланиш ва эмланмай қолганларга нисбатан устувор масалаларни аниқлаб олиш.</p> <p><b>2-қадам:</b> Харита-чизмани тайёрлаш/қайта кўриб чиқиш ТАЯНЧ ИБОРА: Харита-чизмада аҳолининг барча гурухлари белгиланганлигини кузатиб бориш зарур</p> <p><b>3-қадам:</b> Муаммоли ва қўйин етиб бориладиган худудларга нисбатан алоҳида тадбирларни белгилаш ТАЯНЧ ИБОРА: Улар истаган жойда – хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда бўлиши мумкин: алоҳида тадбирлар уларнинг камраб олинишини таъминлаши зарур.</p> <p><b>4-қадам:</b> Даволаш-профилактика муассасаси базасида эмлаш сеансларини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш</p> <p><b>5-қадам:</b> «Ҳар бир туманни қамраб олиш» стратегиясидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш</p> <p><b>6-қадам:</b> Бир чорак учун тадбирлар режасини тузиш</p> <p><b>7-қадам:</b> Мониторинг ўтказиш жадвалидан фойдаланиш</p> <p><b>8-қадам:</b> Маҳаллий аҳоли билан иш олиб бориш</p> <p><b>9-қадам:</b> Таъминотни ташкилластириш</p> <p><b>10-қадам:</b> Ҳар ойлик ҳисобот тузиш</p>	Слайдлардан фойдаланиб 10 та қадамни қисқача баён этиш  Кичик групкаларда мухокама этиш	«Ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси» модули Мультимедия проектори Слайдлар  Иш варағи (1-жадвал) Иш варағи (2-жадвал) Калькулятор  Иш варағи (харита)  Иш варағи (3-жадвал)
55 мин	<p><b>3-вазифа:</b> барча даволаш-профилактика муассасалари режаларини жамлаб туман бўйича режалаштириш учун зарур бўладиган 6 та қадамни санаб чиқиш. «Қўйидан юқорига» таҳлилининг тамойилини тушунириш</p>	Тақдимот Саволлар ва жавоблар Кичик групкаларда мухокама этиш	«Ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси» модули Мультимедия проектори Слайдлар
20 мин	<p><b>4-вазифа:</b> бошловчи учун Қўлланманинг мазмунини тушунириш</p>	Тақдимот Саволлар ва жавоблар	«Ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси» модули Мультимедия проектори Слайдлар
15 мин	<p><b>5-вазифа:</b> мазмунни мустаҳкамлаш ва унинг асосий қирраларининг шархини баён этиш. Машғулот шакли: Якун ясаш</p>	Тақдимот Саволлар ва жавоблар	«Ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси» модули Мультимедия проектори Слайдлар

## 2-ИЛОВА: БАҲОЛАШ УЧУН ТАРТИБЛАНГАН САВОЛНОМА

Кийида айрим намунашын тартибланган саволномалар көлтирилгандар

### ҮҚУВ МОДУЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ СТАНДАРТ ШАКЛИ

(Мазкур шакл тингловчилар томонидан ҳар бир үқув машғулоти якунида түлғазилади)

Үқув машғулотининг номи:

**Бошловчининг фамилияси, исми:**

**Сизнинг фамилиянигиз, исмингиз** (албатта эмас):

**Сизнинг лавозимингиз:**

Сизнинг фикрингиз биз учун үқув машғулотларининг сифатини ошириш нуқтаси назаридан ўта мухим. Илтимос, түлғазилган шаклни бошловчига қайтаринг. Раҳмат!

Илтимос, үқув модулига мезонлардан ҳар бирининг мослик даражасини аниқланг ва ҳар бир тақдик қаршисига тегишли баҳони доирага олиб белгиланг				
<b>1.</b> Мутлақо қўшилмайман	<b>2.</b> Қўшилмайман	<b>3.</b> Бетарафман	<b>4.</b> Қўшиламан	<b>5.</b> Тўлиқ қўшиламан
<b>Бошловчи ҳақида</b>				<b>Баҳо</b>
1. Модул бошловчиси үқув машғулоти вазифасини аниқ тушунтириди				<b>1 2 3 4 5</b>
2. Модул бошловчиси самарали коммуникацияга эриша олди				<b>1 2 3 4 5</b>
3. Модул бошловчиси машғулот мавзусини атрофлича ёрита олди				<b>1 2 3 4 5</b>
4. Модул бошловчиси аудиториянинг машғулот мавзуси муҳокамасидаги иштирокини тақдирлади				<b>1 2 3 4 5</b>
5. Модул бошловчиси саволларга батафсил жавоблар қайтарди				<b>1 2 3 4 5</b>
<b>Үқув машғулоти ҳақида</b>				
1. Үқув машғулотида тақдим этилган ахборотлар мен учун янгилик бўлди				<b>1 2 3 4 5</b>
2. Турли үқитиш воситаларидан (кўргазмали ва х.) ўз ўрнида тўғри фойдаланилди				<b>1 2 3 4 5</b>
3. Мазкур үқув машғулотининг мазмунини баён этиш усули тўғри танланган				<b>1 2 3 4 5</b>
4. Үқув машғулоти яхши ташкиллаштирилган				<b>1 2 3 4 5</b>
5. Муҳокама этилган барча саволлар менинг хизмат фаолиятимга/бурчларимга бевосита даҳлдор				<b>1 2 3 4 5</b>
6. Үқув машғулоти менинг ўз хизмат фаолиятимда/бурчларимни адо этишда қўллашим учун фойдали бўлади				<b>1 2 3 4 5</b>

**ИЛТИМОС, ЎЗ ИЗОҲЛАРИНГИЗНИ БАЁН ЭТИНГ:**

а) Илтимос қисқача баён этинг, айрим мавзулар ноаниқ талқин этилдими ва/ёки ушбу машғулот доирасида атрофлича кўриб чиқишни тақозо этадими?

б) Илтимос, ўз мулоҳазаларингизни ва ўтказилган ўқув машғулоти бўйича таклифларингизни қисқача баён этинг.

**ЎҚУВ КУРСИНИ БАҲОЛАШНИНГ СТАНДАРТ ШАКЛИ**

(Мазкур шакл тингловчилар томонидан ўқув курси якунида тўлғазилади)

**Сизнинг фамилиянигиз, исмийнгиз** (албатта эмас):

**Сизнинг лавозимингиз:**

Сизнинг фикрингиз биз учун ўқув курсининг сифатини ошириш нуқтаи назаридан ўта мухим. Илтимос, тўлғазилган шакни бошловчига қайтаринг. Раҳмат!

Илтимос, ўқув курсига мезонлардан ҳар бирининг мослик даражасини аниқланг ва ҳар бир тасдиқ қаршисига тегишли баҳони доирага олиб белгиланг				
<b>1. Мутлақо қўшилмайман</b>	<b>2. Қўшилмайман</b>	<b>3. Бетарафман</b>	<b>4. Қўшиламан</b>	<b>5. Тўлиқ қўшиламан</b>
<b>Ўқитишнинг мазмуни ва усуllibари ҳақида</b>				<b>Баҳо</b>
1. Ўқув курси белгиланган барча мақсад ва вазифаларга мос келди				<b>1 2 3 4 5</b>
2. Ўқув курсидаги ўқиш натижасида менинг билим доирам кенгайди				<b>1 2 3 4 5</b>
3. Олинганд билимлар менинг хизмат фаолиятимда/бурчларимни адо этишда қўлланилади				<b>1 2 3 4 5</b>
4. Мазкур ўқув курсининг мазмуни муваффақиятли ишлаб чиқилган				<b>1 2 3 4 5</b>
5. Бугун ўқув курси мобайнида менда бошловчи билан мулоқот учун етарлича имкониятлар мавжуд бўлди				<b>1 2 3 4 5</b>
6. Ўқув курсининг давомийлиги танланган мавзуларга мос келади				<b>1 2 3 4 5</b>
7. Умуман ўқув курси менинг кутганларимни оқлади				<b>1 2 3 4 5</b>
<b>Ўқув курсининг ташкиллаштирилиши ҳақида</b>				
8. Ишчи хоналари ўқув жараёни учун қулай бўлди				<b>1 2 3 4 5</b>
9. Мавжуд ускуналар ўқув жараёнига қўмаклашди/рағбатлантириди				<b>1 2 3 4 5</b>
10. Ўқув машғулотлари ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида якунланди				<b>1 2 3 4 5</b>
11. Тингловчилар учун яшаш шароитлари (мехмонхона, меҳмонлар учун уй ва ҳ.) қулай бўлди				<b>1 2 3 4 5</b>

## 0-МОДУЛЬ

---

### **ИЛТИМОС, ЎЗ ИЗОХЛАРИНГИЗНИ БАЁН ЭТИНГ:**

а) Сизнинг фикрингизча, ўқитувчилар гуруҳи томонидан ўқитиш самарадорлигини ошириш учун қайсиdir мавзулар ўқув курси материалларига қўшилиши лозимми? Илтимос тушунтиринг:

б) Сизнинг фикрингизча, қайси мавзулар янада батафсил ёритилиши лозим, қайси мавзулар камроқ деталлаштиришни талаб этади? Илтимос тушунтиринг:

с) Бошқа изохлар ва/ёки таклифлар:

# 1

МОДУЛЬ

## СОВУҚЛИК ЗАНЖИРИНИ, ВАКЦИНАЛАРНИ ВА ХАВФСИЗ ИНЬЕКЦИЯ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРНИ БОШҚАРИШ

1-модулнинг ўқув мақсадлари: — Сизга ёрдам:

- иммунизация дастурини амалга ошириш учун зарур бўладиган хавфсиз инъекцияни таъминловчи материалларга, вакциналарга бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқлашда;
- уларнинг тўғри сақланишини, тақсимланишини ва алмаштирилишини бошқаришда;
- иммунизациянинг моддий таъминот тизими бўйича мониторингни амалга оширишда;
- иммунизация амалиётига янги вакциналар киритилиши билан боғлиқ ўзгаришларни/муаммоларни ҳал этиш борасида самарали тадбирларни кўллашда.

1-модулни ўрганиш жараёнидаги олингандан билимлар Сизга ҳар бир босқичда вакциналарнинг ва хавфсиз инъекцияни таъминловчи материалларнинг заҳирасини назорат қилишда ва тугаб қолишини ҳам, ортиқча заҳира тўпланиб қолишини ҳам бартараф этиб, уларга нисбатан талаб/эҳтиёжнинг ўзгаришига вақтида реакция кўрсатишда ёрдам беради.

1-модулда совуқлик занжири тизимини бошқариш ҳамда вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар таъминоти бўйича ўқитиш кўшиб олиб борилади. Ушбу модул мазкур йўналишларнинг ҳар бирни бўйича ҳар томонлама ёки муфассал тавсиялар беришни ўз олдига вазифа сифатида кўймайди, балки тиббиёт ходимларининг, жумладан соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарларининг кундалик фаолиятлари билан боғлиқ бошқарувнинг муайян жиҳатларини ёритиб беради. 1-илова фойдалари ахборот манбаларининг тўлиқ рўйхатидан иборат, бошқа иловаларда эса айрим асосий манбалардан олингандан маълумотлар келтирилган.

ЖССТ ва ЮНИСЕФ ҳамиша вакциналарга хавфсиз инъекция учун материаллар билан биргалиқда буюртма берилишини ва уларнинг бирга олинишини тавсия этишади. Ушбу модулда «хавфсиз инъекция учун материаллар» дейилганида эритувчилар, ўзи тўсилювчи шприцлар, вакциналарни эритишга мўлжалланган шприцлар ҳамда фойдаланилган шприц ва игналарни хавфсиз йиғиш учун контейнерлар (хавфсиз контейнерлар - XK) назарда тутилади. Шунингдек, модулда «мажмуавий таъминот» тамоили ҳам баён этилган бўлиб, унга мувофиқ тизимнинг ҳар бир босқичида вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар ҳамиша бир-бирига мос келдиган миқдорда биргалиқда етказиб берилади (8-кўшимчага қаранг).

**1-модул қўйидаги 4 та компонентдан иборат:**

Талабни  
баҳолаш

Сақлаш

Тақсимот  
ва элтиш

Мониторинг  
ва кураторлик

Талабни  
баҳолаш

Сақлаш

Тақсимот  
ва элтиш

Мониторинг  
ва кураторлик

### 1. ВАКЦИНАЛАРГА ВА ХАВФСИЗ ИНЬЕКЦИЯ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРГА БҮЛГАН ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ

Юқори сифатли вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар етарли заҳирасининг мавжудлиги иммунизация дастурини бажаришнинг ўта муҳим шартларидан ҳисобланади. Таъминотни ва заҳираларни сақлашни самарали бошқариш дастурнинг молиявий маблагларини тежаши, вакциналар ва материалларнинг ҳаддан зиёд ортиқча исроғарчилигининг ва улар таъминотидаги узилишларнинг олдини олиши, шунингдек, иммунизация хавфсизлигини такомиллаштириши мумкин.

Ушбу бўлимда одатда вилоят/туман босқичларида вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш учун қўлланиладиган иккى усул баён этилган:

- 1) Мақсадли гуруҳ сонидан келиб чиқиб вакциналарга ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш.
- 2) Ўтган даврдаги сарфланишга асосланиб вакциналарга ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш.

Иккалаусулдаҳамбирламчибўғиндан(тибиётмуассасаларидан) олингандан маълумотлардан фойдаланилса, биринчи усул аниқроҳ ҳисобланади, шу боис биринчи усуслан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқдир.

Қайси усул қўлланилишидан қатъий назар, аниқлик фойдаланилаётган маълумотларнинг сифатига, ҳисоблашни амалга ошираётган мутахассиснинг билими ва тажрибасига боғлиқ бўлади.

#### 1.1 Мақсадли гуруҳ сонидан келиб чиқиб вакциналарга ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш

Вакциналарга ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларга бўлган эҳтиёжни мақсадли гуруҳ сонидан келиб чиқиб баҳолаш учун бир-неча асосий параметрларни инобатга олиш зарур, жумладан:

- ҳудуддаги мақсадли гуруҳ сонини (масалан, иммунизацияга жалб этиладиган бир ёшгача бўлган болалар ёки бошқа ёш гуруҳдагилар сони);
- миллий эмлаш тақвимига киритилган вакциналарнинг тавсифи, жумладан иммунизация учун зарур доза миқдори ва флакондаги доза миқдори;
- ҳар бир вакцина ва Ўт-шприцлар учун йўқотиш омили (ЙО) (батафсил маълумот учун 1-қўшимчага қаранг);
- қўйида келтирилган мисолда кўрсатилмаган бошқа муҳим омил – бу таъминотлар орасидаги интервалдир. 1-жадвалда келтирилган мисолда бир йилга режалаштириш учун йиллик эҳтиёжни ҳисоблаш кўрсатилган. Лекин амалиётда бу омил – таъминотлар орасидаги интервал инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жадвал ва қўйида келтирилган қўлланма вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш учун мазкур ахборотдан қандай фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

**1-жадвал: мақсадли гурұх сони 10000 нафар кишидан иборат вилоят учун вакциналар ва хавфсиз инъекция материалларига бүлгән йиллик әхтиёжни ҳисоблаш**

Вакциналар	Мақсадли гурұх сони	Тақвим бүйіча доза миқдори	Флакондаги доза миқдори	Йүқотиш омили (ЙО)	Вакциналарга йиллик әхтиёж	Үт-шприцларга йиллик әхтиёж +10% йүқотишга	Әритиш учун шприцларга йиллик әхтиёж +10% йүқотишга	Хавфсизлик контейнерларига йиллик әхтиёж (1% x 1,11)
A	B	C	D	E	F=BxCxE	G=Fx1,11	H (F/D*1,11)	J ((G+H)/100)*1,11
ОПВ	10 000	4	20	1,33	53 200	0	0	
БЦЖ	10 000	1	20	2	20 000	22 200	1110	259259
КПК	10 000	2	10	1,33	26 600	29 526	2953	361361
АКДС-гепB-Hib, суюқ	10 000	3	1	1,18	35 400	39 294	0	436436
В гепатитига қарши	10 000	1	10	1,25	12 500	13 875	0	154154
Пневмококк, шприца	10 000	3	1	1,18	35 400	0	0	0
Ротавирус орал вакцинаси	10 000	3	1	1,18	35 400	0	0	0
АДС	10 000	1	10	1,33	13 200	14 763	0	164164
АДС-М	10 000	1	10	1,33	13 200	14 763	0	164164
<b>Жами</b>	БЦЖ учун Үт-шприцлар ва әритиш учун шприцлар – 2 мл				22 200	1110	1538	
<b>Жами</b>	Үт-шприцлар ва әритиш учун шприцлар – 5 мл				112 221	2953		

- Ҳар бир ёш ғоруқи учун мақсадли гурұх сони (10000 нафар киши) ҳисобни соддалаштириш учун танланған.
- БЦЖ учун шприцлар (0,1 мл).
- Бү мисолдағы суюқ комбинацияланған АКДС-гепB-Hib вакцинаси әритишни талаб қылмайды (куйдеги әслатмага қаранғ).
- Көлтирилген мисол мұккаммал ҳисобланмайды, құксан түргүрдөн кейинги дастлабки соаттарда амалға ошириладыган В гепатитига қарши вакцина дозасы инобатта олинмаған, лекін мисолда АДС-М ревакцинациялары ҳисобға олинған.
- Тақвимдегі түргүрдөн кейін амалға ошириладыған ОПВ дозасы киристилған; хавфсиз инъекцияны тәмминловчи материаллар учун йүқотиши омили (ЙО) =1,11 (10%); бир дона хавфсизлик контейнері 100 дона фойдаланылған шприцларни сидира олады.

**1-жадвални қүйіда күрсатылған тартибда түлғазыш зарур.**

А колонка: амалдагы әмлаштақвимидегі барча вакциналарни киритинг; агар биронта бир түрдеги вакцина түрли қадоқларда (масалан, В гепатитига қарши вакцина бир дозалик ва күп дозалик қадоқларда) олиб келинса, түрли қүренишінде қадоқланған вакциналарни алоқида қаторларға Ѽзиш зарур.

В колонка: ҳар бир вакцина учун ахолининг мақсадли гурұхи сонини күрсатинг.

С колонка: үйл мобайнида мақсадли гурұхға мансуб ҳар бир бола олиши зарур бүлгән ҳар бир вакцина дозасининг миқдорини күрсатинг.

Д колонка: ҳар бир вакцина учун флакондаги доза миқдорини күрсатинг.

Е колонка: ҳар бир вакцина учун йүқотиши омили (ЙО) ни күрсатинг.

Ғ колонка: ахолининг мақсадли гурұхи сонидан келиб чиқиб (100%) кераклы доза миқдорини, ҳар бир болага доза миқдорини ва ЙО (ВxCxE) ни ҳисобланғ.

Г колонка: ЙО=1,11 (йүқотиши - 10%) ни инобатта олиб Үт-шприцларнинг кераклы миқдорини ҳисобланғ.

Н колонка: ЙО=1,11 (йүқотиши - 10%) ни инобатта олиб вакциналарни әритиш учун шприцларнинг кераклы миқдорини ҳисобланғ.

Ј колонка: хавфсизлик контейнерларининг (ЙО=10%) кераклы миқдорини ҳисобланғ.

1-әслатма: Юқорида көлтирилған жадвалда, вакциналар ва материалларнинг мавжуд захираси, ҳамда резерв захира инобатта олинмасдан, йиллик әхтиёж көлтирилған.

2-әслатма: Пентавалент вакцинаның иккى түридан фойдаланылады:

а) АКДС-гепB+Hib иккى компонентті шаклда: 2,0 мл җажмдеги вакциналарни әритиш учун мүлжалланған шприц ёрдамида бир доза лиофилизацияланған Hib-вакцина бир доза суюқ АКДС-гепB вакцинасида әртилады;

б) суюқ АКДС-гепB-Hib бир дозалик шаклда - вакциналарни әритиш учун мүлжалланған шприцдан фойдаланишни талаб этмайдыған суюқ вакцина.

## 1-МОДУЛЬ

### 2-жадвал: Вакциналарга ва хавфсиз инъекция учун материалларга бўлган йиллик эҳтиёжни ҳисоблаш шакли

Вакциналар	Мақсадли гурӯҳ сони	Тақвим бўйича доза миқдори	Флакондаги доза миқдори	Йўқотиш омили (ЙО)	Вакциналарга йиллик эҳтиёж	Ўт-шприцларга йиллик эҳтиёж +10% йўқотишга	Эритиш учун шприцларга йиллик эҳтиёж +10% йўқотишга	Хавфсизлик контейнерларига йиллик эҳтиёж x (1% x 1,11)
A	B	C	D	E	F= B x C x E	G=Fx1,11	H (F/D) x 1,11	J (G+H)/100x 1,11
ОПВ								
ГепВ								
БЦЖ								
КПК								
АКДС-ренВ-Ниб								
Пневмококк, шприца								
Ротавирус орал вакцинаси								
АДС								
АДС-м								
<b>Жами</b>	БЦЖ учун ўт-шприцлар ва эритиш учун шприцлар – 2 мл							
<b>Жами</b>	Ўт-шприцлар ва эритиш учун шприцлар – 5 мл							

#### 1-қўшимча. Йўқотилиш омили (ЙО) қандай ҳисобланади?

Йўқотилиш омили (ЙО) — иммунизация пайтида барча йўқотиладиган вакцинани инобатга олган ҳолда, муайян шароитларда бир нафар болани эмлаш учун зарур бўладиган вакцинанинг реал дозаси миқдорини акс эттирувчи кўрсаткич. Йўқотилиш омили вакциналарга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш учун кўлланилади. Вакциналарнинг йўқотилиш омили дастурнинг қатор жиҳатларига қараб турлича бўлиши мумкин (масалан, эмлаш сессияси пайтидаги вакцинациялар сони, эмлаш сессиясини ташкиллаштириш, бир флакондаги/ампуладаги вакцина дозасининг сони, таъминотни бошқариш).

Ҳар бир даволаш-профилактика муассасаси учун вакциналар заҳираси ҳисоби тўғрисидаги маълумотларга ва ўтказилган эмлашлар ҳақидаги ҳисоботларга асосланиб ЙО ни осонгина қуидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$ЙО = \frac{(A + B - C)}{D}, \text{ бунда}$$

- А - ҳисобот даври бошидаги вакцинанинг (дозада) қолдиги,
- В - ҳисобот даври мобайнида етказиб берилган вакцинанинг (дозада) миқдори,
- С - ҳисобот даври охиридаги вакцинанинг (дозада) қолдиги,
- Д - амалга оширилган эмлашлар сони (ҳисобот даври мобайнида киритилган вакцина дозасининг миқдори).

**Мисол:** 1-марта ДПМ даги ОПВ қолдиги 20 дозани ташкил этди. Март ойида ДПМ га ушбу вакцинадан 200 доза кирим қилинди. Март ойи охиридаги ОПВ қолдиги 60 дозани ташкил этди. Ўтказилган эмлашлар ҳақидаги ойлик ҳисоботга кўра, март ойи мобайнида 125 нафар бола ОПВ билан эмланган. Юқорида келтирилган формуладан фойдаланиб, мазкур ДПМ да ОПВ учун ЙО ни ҳисоблаймиз:

$$ЙО = \frac{(20+200-60)}{125} = 1,28$$

Демак, мазкур ДПМ да ОПВ билан эмлаш режаси бажарилишини таъминлаш учун режадаги эмлаш сонидан 1,28 марта кўп вакцинага буюртма берилиши зарур.

Йўқотилиш даражаси (ЙД) – иммунизация пайтида йўқотилган вакцина дозаси миқдорининг иммунизация учун кўлланилган вакцинанинг умумий дозаси миқдорига нисбати (пропорция) сифатида ҳисобланади. Юқорида келтирилган мисолда 160 доза ОПВ кўлланилган; йўқотилиш:  $160 - 125 = 35$  дозадан иборат.

Йўқотилиш даражаси:

$$ЙД = \frac{35}{160} \times 100\% = 21,9\% \text{ дан иборат.}$$

Күйидаги формула вакцинанинг йўқотилиш даражаси ва йўқотиш омили ўртасидаги ўзаро муносабатни кўрсатади.

$$\text{ЙО} = \frac{100}{100 - \text{йўқотилиш даражаси}}$$

**Мисол:** Айтайлик, муайян вакцинанинг йўқотилиш даражаси = 50%. Юқорида кўрсатилган формулани қўллаб:

$$\text{ЙО} = \frac{100}{100 - 50} = 2$$

Бу шуни англатадики, тиббиёт ходими ушбу вакцинанинг ҳар бир дозасини қўллашни режалаштиришда 50% йўқотилишнинг ўрнини қоплатиш учун 2 доза вакцина мавжудлигини таъминлаши зарур.

**Кўйидаги жадвалда одатдаги йўқотилиш даражаси ва уларга мос йўқотилиш омили келтирилган.**

Йўқотилиш кўрсаткичи	5%	10%	15%	20%	25%	30%	35%	40%	45%	50%
Йўқотилиш омили	1,05	1,11	1,18	1,25	1,33	1,43	1,54	1,67	1,82	2

2-иловада турли вакциналар учун ЙО келтирилган.

## 1.2 Ўтган даврлар мобайнидаги сарфланишга асосланиб вакциналарга ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш

Ўтган даврдаги сарфланишга тааллуқли ҳар бир параметрга, айниқса, дастур агар таъминот кафолатланмаган шароитларда амалга оширилган бўлса, кўплаб омиллар таъсир этиши мумкин. Шу боисдан, ўтган даврдаги сарфланишга асосланиб эҳтиёжни ҳисоблаш, ахолининг мақсадли гурӯҳи сонидан келиб чиқиб эҳтиёжни ҳисоблаш усулидек ишончли бўлмаслиги мумкин.

Аксарият ҳолларда вилоятлар вакциналар ва инъекция учун материалларни мунтазам (масалан, ҳар чорақда) олишади.

Ўтган даврдаги сарфланишга асосланиб вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблашда қўйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

- муайян бир давр бошидаги бошланғич заҳира (вакциналар ва инъекция учун материаллар);
- шу давр мобайнида олинган вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар;
- шу давр охиридаги заҳира.

Шунингдек, шудавр мобайнидаги йўқотишларни (яъни, яроқлилик муддати ўтиб очилмаган, музлатилган, синган ёки йўқолган флақонларни) ҳам ҳисобга олиш зарур. Агар ўтган даврда очилмаган флақонларда катта миқдордаги вакциналарни ҳисобдан чиқариш ҳолатлари кузатилган бўлса, ушбу тасодифий йўқотилишларни навбатдаги давр учун эҳтиёжлар ҳисобига киритмаслик зарур. Ҳисоблаш чоғида келгусидаги таъминот даври учун режалаштирилган, иммунизация бўйича қўшимча барча тадбирларни, инобатга олиш лозим.

**Мисол:** Айтайлик, вилоят вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларни йилнинг ҳар чорагида (январда, апрелда, июлда ва октябрда) олади. Ҳозир июнь ойининг охири ва вилоят мутасаддиси ўтган даврдаги сарфланишга асосланиб навбатдаги уч ой учун ОПВ га бўлган эҳтиёжни ҳисоблашни амалга ошироқда. Бу даврда иммунопрофилактика бўйича ОПВ ни қўллаб қўшимча тадбирлар (қўшимча иммунизация) ўтказиш режалаштирилмаган.

Ўтган даврдаги сарфланишга асосланиб эҳтиёжни ҳисоблаш учун қўйидаги маълумотлар зарур:

Апрель ойи бошидаги ОПВ қолдиги = 10 000 доза;

Апрель-июн ойлари давомида олинган ОПВ = 50 000 доза;

Июнь ойи охиридаги ОПВ қолдиги = 20 000 доза.


Вакцинага эҳтиёж	=	Бошлангич қолдик	+	Олинган	+	Режалаштирилаётган күшимчә эмлаш	-	Охирги қолдик
		= 10 000		+ 50 000		+ 0		- 20 000
		= Ўтган чорақдаги сарфланишдан келиб чиқиб 40 000 доза ОПВ						
		Демак, июль, август ва сентябрь ойлари учун 40 000 доза ОПВ буюртма берилиши зарур.						

**Эслатма:** Бундай усул ўтган даврдаги вакциналар йўқотилишини автоматик равишда ҳисобга олиш имконини беради. Шу сабабли ЙО дан фойдаланиш зарурияти ўз-ўзидан йўқолади.

### 2-күшимча. Чекка ҳудудлар босқичида «буфер заҳира», «хавфсиз заҳира», «резерв заҳира» ва «минимал заҳира» ўтасида фарқ борми?

Аксарият ҳолатларда вилоят, туман босқичларига ва ДПМ га вакциналар йил бошида тузилган режа бўйича олдиндан белгиланган ҳажмда ва белгиланган даврийликда етказиб берилади. Бундай шароитда юқоридалаги атамалар – хавфсиз, резерв ва минимал заҳира – битта маънони касб этади: олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар вужудга келса күшимча ҳажмдаги вакциналар мавжуд бўлиши зарур. Минимал заҳира даражаси – бу ҳамиша мавжуд бўлиши зарур бўлган вакцинанинг минимал миқдори; заҳира шу миқдоргача тушгач янги буюртма берилиши даркор; даража навбатдаги таъминотгача бўлган вақт билан белгиланади (етказилгунгача ойлар, ҳафталар, кунлар) ва, тегишлича, X-ойлик, X-ҳафталик ёки X-кунлик заҳира кўринишида ифодаланади. Бу буюртма берилиши ва олиниши оралиғидаги вақт мобайнида фойдаланиладиган мавжуд вакцина қолдиги ҳамда резерв заҳирадан иборат миқдордир. Шунингдек, бу даража «янги буюртма даражаси» деб ҳам номланиши мумкин.

Stock movements and relation between minimum, maximum and safety stocks



Минимал заҳира ҳажмини ҳисоблаш Миллий тажрибага ва Миллий сиёсатга таяниб амалга оширилади.

Минимал заҳирага бўлган эҳтиёж ҳисобланиши ҳар бир босқичда рағбатлантирилиши зарур. Агар аниқ ҳисобни амалга ошириш учун маҳаллий даражада етарли тажриба бўлмаса, ҳисоблаш кўрсаткичи сифатида таъминотлар оралиғи давридаги эҳтиёжнинг 25% идан фойдаланинг. Бундан ташқари, ҳисоблаш кўрсаткичи вақт бирликларида, яъни Миллий сиёсат ёки ушбу босқичда таъминотнинг даврийлигига мувофиқ ҳафталик ёки ойлик заҳира кўринишиларида ифодаланиши мумкин. Масалан, вилоят вакцинани йилига икки марта олади ва буюртма берилганидан то вакциналар олингунига қадар бир ҳафта вақт ўтади; бу ҳолатда резервда минимал заҳира бўлиши зарурлиги кўзда тутилади.

Бу, күшимча 25% буюртма берилиши кераклигини англатмайди, чунки режалаштирилган қамраб олиш тўлиқ бажарилмаслиги боис, кейинги даврга ўтадиган заҳира ҳамиша мавжуд бўлади. Исталган вақтда резервда минимал заҳира бўлиши зарурлиги кўзда тутилади.

Талабни  
баҳолаш

Сақлаш

Тақсимот  
ва элтиш

Мониторинг  
ва кураторлик

## 2. ВАКЦИНАЛАРНИ ВА ХАВФСИЗ ИНЬЕКЦИЯНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН АСҚОТАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ САҚЛАШ

Модулнинг ушбу бўлимида Сиз совуқлик занжири ускуналарини қандай танлаш ва уларга қандай хизмат кўрсатиш, сақланиши лозим бўлган вакциналарнинг ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларнинг умумий ҳажмини қандай ҳисоблаш, шунингдек, уларни сақлашни қандай бошқариш масалалари билан танишасиз.

### 2.1 Вакциналарни сақлаш

#### 2.1.1 Вакциналарни сақлаш шароитлари

*Вакциналарнинг турли ҳароратларга сезгирилиги*

ЖССТ вакциналарни сақлаш ва ташиш учун ҳарорат кўламини (диапазонини), ишлаб чиқарувчилардан олинган маълумотларга асосланиб тавсия этади. Ҳар бир вакцинанинг сақланиш тартибига нисбатан ўзига хос муайян алоҳидаги таалублар кўйилади. Шу сабабли, ҳар бир вакцинани қандай ҳароратда ва қанча вақт мобайнида сақлаш мумкинлигини билиш ўта муҳимдир.

Барча вакциналарни мусбат ҳароратда (+2°C дан +8°C гача) сақлаш мумкин. Фақат айрим вакциналарни манфий ҳароратда (-15°C дан -25°C гача) сақлаш тавсия этилади.

З-жадвалда КИД/ГАВИ томонидан қўлланиб келинаётган барча вакциналарнинг сақланиши борасида тавсия этилган шароитлари келтирилган.

*Қизиб кетиш натижасида самарадорликнинг ўйқотилиши*

+8°C дан юқори ҳарорат таъсирига дучор бўлган вакциналар, вақт ўтиши билан ўз самарадорлигини ўйқотиши мумкин. Бундай ҳолларда вакцинадан фойдаланиш мумкинлиги масаласи юзасидан қарор қабул қилишда фланкандаги термоиндикатор (ФТИ) ҳолатига қараб бир тўхтамга келинади.

*Музлатиш*

АКДС, АДС, АДС-м, АС, геп В препаратларини, суюқ Hib-вакцинасини, шунингдек, пневмококк вакцинасини ва суюқ пентавалент вакциналарини ҳамиша +2° дан +8°C гача ҳароратда сақлаш зарур, чунки улар музлаганида яроқсиз ҳолга келиб қолади; шунингдек, ушбу препаратлар манфий ҳарорат (0°C дан паст) таъсири этганида ҳам бузилиши мумкин. Айниқса, музлаш ҳарорати таъсирига В гепатитига қарши вакцина ўта сезгирилди. Ташиш жараёнида вакциналар музлашининг олдини олиш учун совутиш элементларига нисбатан жиддий тайёргарлик кўрилиши («кондиционирлаш») талаб қилинади (2-кўшимча).

Агар, юқорида кўрсатилган вакциналар солинган фланкандаги термоиндикатор (ФТИ) ҳолатига дучор бўлган деб шубҳа қилинса, улардан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилинишидан олдин, силкитиш тести ёрдамида текшириб кўриш зарур (З-иловага қаранг). ФТИ вакциналар музлаш таъсирига дучор бўлганлигини кўрсатмайди.

## 1-МОДУЛЬ

**Аҳамиятли ҳолат:** Агар вакцина, юни сақлаш қораларидан күзде тутилмоган ҳарорат төсүрига дұчор этилса, яроқсuz ҳолға келиб қолиши мүмкін. Фақаттегина ташқы күрнишигa қараб, унинг яроқилигү ҳақида хулоса чиқарыш мүмкін эмас, чунки вакцина визуал жиҳатдан (ташқы күрнишидән) үзгаришсуз қолиши мүмкін. Агар вакцина шикастланған бўлса, унинг фоаллигини тиклаб бўймайди.

### 3-жадвал. ЖССТ томонидан тавсия этилаётган ҳароратлар ва совуқлик занжирининг турли босқичларида сақлаш муддатлари

Вакциналар	Марказий (Миллий) омборлар	Оралиқ омборлар		Чекка босқич	
		Вилоят	Туман	ДПМ	Медпункт, ҚВП
	Тавсия этилаётган максимал сақлаш муддати				Тавсия этилаётган максимал сақлаш муддати
ОПВ*	6–12 ой	Узоғи 3 ой (максимум)	1–3 ой	1 ой ёки камроқ	Эмлаш сессиясини ўтказиш режасига мувофиқ
БЦЖ Қизамик ҚПҚ ҚҚ Сарық иситмага қарши Ніб лиофилизацияланған Менингококк Япон энцефалитига қарши Ротавирус	Ушбу лиофилизацияланған вакциналарни +2°C — +8°C ҳароратда сақлаш. ЖССТ лиофилизацияланған вакциналарни –20°C ҳароратда сақлашни тавсия етмайди. Уларни –20°C ҳароратда сақлаш, уларға зарар етказмайди, лекин зарур ҳисобланмайди. Бунинг ўнинг, ушбу вакциналарни +2°C — +8°C ҳароратда совуғтича сақлаш ва ташиш зарур. Айрим ҳоллардагина уларни вактінча –15°C — –25°C ҳароратда сақлаш мүмкін (масалан, олдиндан күзде тутилмаган ҳолда совуғтиларда жой етишмаслиги). Эритрүчиларни музлатиш мүмкін эмас.				+2°C — +8°C ҳароратда сақлаш
гепВ АКДС-гепВ АКДС-гепВ-Ніб суюқ  Ніб суюқ АКДС АДС/АС/АДС-м  Пневмококк Ротавирус	2°C — +8°C ҳароратда сақлаш. Музлатиш мүмкін эмас.				+2°C — +8°C ҳароратда сақлаш. Музлатиш мүмкін эмас.

\* ОПВ — күт маротаба музлатиш ва әртіших хөвфі бўймоган ягона вакцинаidir (масалан, жойларга чиқиб амалга оширилган эмлаш сессиясидан қайтилганидан кейин ОПВ ни музлатага жойлаштиришга рұхсат этилади, кейинги күн эса наебатдоги жойларга чиқиб ўтказиладиган эмлаш сессиясида фойдаланниш учун әртіших мүмкін).

Ротавирус вакциналари: Ҳозирги пайтда икки хил вакциналар мавжуд. Иккала вакцина ҳам тирик аттенуацияланған ва перорал құлланилади. Вакциналар +2°C — +8°C ҳароратда сақланиши лозим. Вакциналардан бири, лиофилизацияланған ва әртилиши зарур (игна құлламасдан) бўлсада, музлатилиши мүмкін эмас ва ёруғлик нури тушишидан эхтиёт қилиниши зарур. Иккала вакцинани ҳам, улар совуқлик занжири тизимида бўлмаса, ўз вақтида ишлатиш зарур.

### Эритуувчилар

Агар эритуувчи вакцина билан биргаликда қадоқланган бўлса, уни  $+2^{\circ}\text{C} - +8^{\circ}\text{C}$  ҳароратда сақлаш зарур. Лекин агарда эритуувчи алоҳида етказиб берилса, уни совуқлик занжирни тизимидан ташқарида сақлаш мумкин, шу билан бирга уни қўллашдан олдин бир сутка мобайнида ёки кафолатланган равишда вакцина ҳароратига қадар ( $+2^{\circ} - +8^{\circ}\text{C}$ ) совутилишига кетадиган вақт мобайнида совутгичда сақланади. Эритувчининг музлашига йўл қўйиб бўлмайди, чунки шиша флакон/ампула ёрилиши ёки синиб кетиши мумкин.

### Сақлаш давомийлиги ва яроқлилик муддати

Тавсия этилган максимал сақлаш муддати Миллий босқичда — 6–12 ой, вилоят босқичида — 3 ой, туман босқичида — 1–3 ой, ДПМ босқичида — 1 ой. Шунингдек, ФТИ қўрсаткичи ҳам инобатга олиниши ва вакциналарнинг сақланиши муддатларига риоя этилиши зарурдир. Ҳар бир флаконда вакцинанинг яроқлилик муддати қўрсатилган. Яроқлилик муддати ўтган вакциналарни, ҳаттоқи ФТИ қизиш аломатларини қўрсатмаса ҳам, қўллаш мумкин эмас. Ҳамиша яроқлилик муддати қисқароқ бўлган вакцинани дастлаб ишлатинг. Яъни, «биринчи бўлиб яроқлилик муддати энг қисқа вакцинадан фойдаланинг» тамойилига амал қилинг («биринчи бўлиб муддати ўтади — биринчи берилади»).

### Ёруғликка сезгирлик

Айрим вакциналар ёруғликка ўта сезгирдир; ультрабинафша нурлар таъсири уларнинг самарадорлиги йўқолишига олиб келиши мумкин. БЦЖ, қизамиқ, қизамиқ+қизилча, қизамиқ+эпидемик паротит+қизилча, қизилча каби вакциналар ёруғликка бир хил даражада сезгир; уларни ҳамиша күёш нуридан ва неон лампаларининг люминесцент ёруғидан ҳимоялаш зарур. Айрим ишлаб чиқарувчилар бундай вакциналарни тўқ рангли шиша флаконларда ишлаб чиқаришади ва етказиб беришади.

### З-қўшимча.

#### Совутиш элементларини кондиционирлаш ҳақида нимани билиш зарур?

Вакциналар фоаллигини сақлаш учун совутиш элементларидан тўғри фойдаланиш жуда мухимдир. Сиз совутиш элементлари етарли микдорда эканлигини доимо, айниқса уларга эҳтиёж ошган пайтда (масалан, иммунопрофилактика бўйича қўшимча тадбирлар чофида), кузатиб боришингиз зарурдир.

Сақлаш ва ташиб пайтида совуққа сезгир вакциналар музлаб қолмаслигининг олдини олиш учун совутиш элементлари «кондиционирланishi» лозим. Совутиш элементларини кондиционирлаш учун уни музхонадан чиқариб олинг ва ичидаги муз эрий бошлагунига қадар хона ҳароратида ушлаб туринг. Агар совутиш элементи силкитилганида сув шарпаси эшигилса, элемент термоконтейнерга ёки совутгич-сумкага жойлаш учун тайёр. Совутиш элементларини кондиционирлаш учун кетадиган вақт атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ ва 30 минутдан кўпроқ вақтни ҳам олиши мумкин.



#### Совутиш элементларини сақлашнинг асосий қонидаларини ёдда тутинг:

- Совутиш элементларининг тўлиқ музлаши учун (қаттиқ ҳолатга келгунича) 24 соатгача вақт талаб этилиши мумкин; музлатгичли газли совутгич ёки қўшимча муз ҳимояси мавжуд совутгичлар (МХС) бир сутка мобайнида 6 дона катта ёки 12 дона кичик совутиш элементларини музлата олади. Совутиш элементлари қанча кўп бўлса, уларни музлатиш учун шунча кўп вақт талаб этилади.


Сизга зарур бўладиган совутиш элементлари сони ва уларни музлатиш учун музлатгичларнинг куввати кўп омилларга, жумладан фойдаланилаётган совутгич турига, таъминот даврийлигига, ишлаб турган термоконтейнер ва совутгич-сумкалар сонига ҳамда ҳажмига боғлиқ.

### 2.1.2 Совуқлик занжирига мос келадиган ускуналарни танлаш

Қандай турдаги совуқлик занжири ускуналаридан фойдаланиш ҳақидағи қарор маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб қабул қилинади. Биринчи навбатда — ишончли электр таъминоти мавжудми деган саволға жавоб олиниши зарур. Умумий энергия тизимидан ёки генератордан таъминланувчи ишончли электр таъминоти мавжуд бўлса турли электр совутгичлардан фойдаланиш мумкин.

1-расмда совутиш ускунасини танлаш ҳақида қарор қабул қилишнинг содда алгоритми тақдим этилган.

**1-расм. Совутиш ускунасини танлаш ҳақида қарор қабул қилишни осонлаштирувчи содда схема**



Суткасига 8 соат ёки ундан ошик вақт мобайнида электр таъминоти мавжуд туманлар учун қўшимча муз ҳимоясига эга совутгичлар (МХС) энг мақбул ҳисобланади, чунки у атроф мухит ҳарорати  $+42^{\circ}\text{C}$  бўлганида 24 соат давомида зарур ҳароратни ушлаб тура олади; шунинг учун электр таъминоти тўхтаганида ёки узилишлар бўлганида вакциналар бузилишининг олдини олиш имкониятига эга.

Суткасига 8 соатдан кам вақт мобайнида электрэнергияси билан таъминланадиган худудларда муаммонинг ечими генератор харид қилишдан иборатdir. Қўёш батареяси билан ишловчи совутгичлар яна бир вариант сифатида қаралиши мумкин, лекин уни тадбиқ этишдан олдин қатор техник масалаларни ҳал этиш тақозо қилинади (мазкур мавзунинг кейинги мұхокамаси учун 4-қўшимчага қаранг).

Шунингдек, вакциналарни совутгич-сумкаларда ташишда қўлланиладиган совутиш элементларини музлатиш учун қандай ускуналар зарурлигини ҳал этиш зарур. Айрим совутгичларнинг музхонаси мавжуд, лекин талаб этиладиган қувватга қараб, алоҳида музлатиш мосламаси ёки совутиш элементларини музлатиш учун мўлжалланган маҳсус музлатгич талаб этилиши мумкин.

#### 4-қўшимча.

##### Қўёш энергиясида ишловчи совутгичлардан фойдаланишга нисбатан ўзига хос талаблар қанақа?

Қўёш энергиясида ишловчи совутгичлар одатда электр таъминоти, газ ёки бошқа электр энергия манбалари йўқ бўлган узоқ ва чекка ҳудудлар учун тавсия этилади. Бу муаммонинг аъло даражадаги ечими бўлиши мумкин, лекин ривожланаётган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибасида қатор саволлар кузатилдики, танловни қўёш энергияси фойдасига ҳал этишдан олдин, уларни муҳокама қилиш жоиздир, хумладан:

- Юқори бошланғич баҳо: харид нархи ва ўрнатиш баҳоси;
- Батарея ва регуляторни алмаштиришнинг юқори баҳоси: батарея ҳар 2–3 йилда алмаштирилиши зарур;
- Батарея ҳолатини ҳар куни назорат қилиш ва қўёш панелларини тозалаш;
- Хизмат кўрсатиш ва таъмиглашнинг юқори баҳоси: маҳсус техник кўмак талаб этилади.

Бироқ ушбу технология жадаллик билан такомиллашмоқда, ва келажақда техник хизмат кўрсатилиши соддалаштирилган шу турдаги ускуналарнинг сотувга чиқарилишига умид билан қараш мумкин.

Турли хилдаги совутгичлардан фойдаланиш мумкин бўлганида, тўғри қарор қабул қилиш учун, барча афзаллик ва заиф жиҳатларини батафсил кўриб чиқинг. 4, 5 ва 6-жадвалларда турли хилдаги совутгичларнинг қиёсий тавсифи келтирилган.

Ишлаб чиқарувчилар ахбороти ҳам ускунани танлашда кўмаклашиши мумкин, чунки одатда ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларига батафсил тавсифнома тақдим этишади.

##### Узлуксиз совутишининг муқобил шакларини муҳокама этиш

Электр таъминоти йўқ, ва/ёки ишончли газ ёки бошқа электр энергия манбалари билан таъминланмаган ҳудудларда узлуксиз совутиш учун вакциналарни қисқа вақт мобайнида термоконтейнерларда мунтазам этиш ва сақлаш тизими муқобил совутгич ускуналар билан таъмилашга қаратилган уринишлар олдида ўз афзалликларига эга. Вакциналар мунтазам равишда (масалан, ҳар ойда) совутиш элементи мавжуд бўлган термоконтейнерда ДПМ га олиб келинади ва 4–5 сутка мобайнида ишлатилади; бу ушбу ҳудудда зарур миқдордаги эмлаш сессиясини ўтказиш учун етарли бўлиши мумкин.

#### 4-жадвал. Турли хилдаги совутгичларнинг афзалликлари ва камчилликлари (электр таъминоти бўйича)

Совутгич тuri	Афзалликлari	Камчилликлari
Электрик (компрессор типида)	<ul style="list-style-type: none"><li>Хизмат кўрсатишдаги соддалик.</li><li>Абсорбция типидаги совутгичлардан арzon.</li><li>Абсорбция типидаги совутгичлардан тезроқ совутади.</li><li>Таъмирловчи мутахассисларнинг амалда барча жойда мавхудлиги.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Узлуксиз электр энергияси мавжуд бўлишини талаб қиласди. Суткасига 8 соат электр энергияси берилишини талаб қилувчи қўшимча муз ҳимоясига эга совутгичлар (МҲС) истисно ҳисобланади.</li></ul>
Қўёш (компрессор ёки абсорбция типида)	<ul style="list-style-type: none"><li>Анъанавий энергия манбалари йўқлигига ҳам ишлайди.</li><li>Экологик тоза.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Юқори бошланғич баҳо.</li><li>Маҳсус хизмат кўрсатиш талаб этилади, кўпгина ҳудудларда бунинг эса иложи йўқ.</li><li>Тез-тез хизмат кўрсатишни ва батареяларини алмаштириш учун юқори жорий ҳаражатларни талаб этади.</li></ul>

## 1-МОДУЛЬ

### 5-жадвал. Турли хилдаги совутгичларнинг афзалликлари ва камчиликлари (конфигурацияси бўйича)

Совутгич тури	Афзалликлари	Камчиликлари
Олдидан очилувчи эшиги билан	Тепадан очилувчи совутгичга нисбатан жойлаш ва бўшатиш осонроқ.	<ul style="list-style-type: none"><li>Керакли ҳароратни ушлаб туриш вақтининг давомийлиги тепадан очилувчи совутгичнига нисбатан камроқ,</li><li>Вакцинани буглатгич ёнига жойланганида музлаш эҳтимоллиги мавжуд.</li><li>Эшиги очилганида камера ичидаги ҳарорат тезроқ кўтарилади</li></ul>
Тепадан очилувчи эшиги билан (совутгич-пештакта)	<ul style="list-style-type: none"><li>Керакли ҳароратни ушлаб туриш вақтининг давомийлиги олд томондан очилувчи совутгичнига нисбатан узоқроқ (эшиги тез-тез очилганида).</li><li>Камерасидан кўпроқ самарали фойдаланилади.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Вакцинани камера тубига нотўғри жойланганида музлаш эҳтимоллиги мавжуд.</li><li>Жойлаш ва бўшатиш олд томондан очилувчи совутгичга нисбатан камроқ қулайроқ</li></ul>

### 6-жадвал. Турли хилдаги совутгичларнинг афзалликлари ва камчиликлари (кўшимча ҳимоя мавжудлиги бўйича)

Совутгич тури	Афзалликлари	Камчиликлари
Кўшимча муз ҳимоясига эга совутгичлар (МҲС)	<ul style="list-style-type: none"><li>Аксарият давлатларда электр таъминоти 8 соат/сутка бўлганида камера ичидаги керакли ҳарорат сақлаб туриласди.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Вакцинани камера ён томонига ва тубига нотўғри жойланганида музлаш эҳтимоллиги мавжуд.</li></ul>
Кўшимча муз ҳимоясига эга бўлмаган совутгичлар	<ul style="list-style-type: none"><li>Баҳоси арzonроқ.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Керакли ҳароратни ушлаб туриш вақтининг давомийлиги нисбатан камроқ.</li></ul>

### 2.1.3 Совуқлик занжири ускуналарига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва уларни алмаштириш

Ускуналарга хизмат кўрсатиш

**1-машқ:** Совуқлик занжиридан фойдаланишда ва уларга хизмат кўрсатишда вужудга келувчи муаммолар.

**1-ВАЗИФА:** Шахсий тажрибадан келиб чиқиб: а) қуида кўрсатилган совутгичлардан фойдаланишда Сиз дуч келган иккита асосий муаммони кўрсатинг, кейин б) ўзингиз қўллаган ёки қўлламоқчи бўлган тадбирларни кўрсатинг.

Совутгич тури	Вужудга келувчи муаммолар	Тадбирлар — амалга оширилган ёки таклиф этилган
Кўшимча муз ҳимоясига эга совутгичлар (МҲС)		
Маишӣ		
Эшиги олд томонидан очилувчи		
Қўёш		

**Эслатма:** Жадвалга Сиз хизмат күрсатадиган ҳудудда фойдаланиладиган бошқа совуқлик занжири ускунасини киритинг (масалан, майший, эшиги тепа томонидан очилувчи, эшиги олд томонидан очилувчи, кўшимча муз ҳимоясига эга бўлмаган совугличлар ва бошқалар – кўрсатинг).

Маҳаллий шароитга энг тўғри келадиган совуқлик занжири ускунасини ўрнатишдан ташқари, тавсия этилаётган ҳароратда вакциналар сақланишини таъминлаш учун, мазкур ускуна даврий равишда таъмирлашга, алмаштиришга ва хизмат кўрсатишга муҳтоҷдир.

Совуқлик занжири ускунаси ўрнатилган ДПМ ходимининг бурчлари қўйидагилардан иборатdir:

- ҳароратни назорат қилиш ва мониторинг;
- вакциналарни, эритувчиларни ва совутиш элементларини жойлаш;
- умумий хизмат кўрсатиш (хумладан ювиш, тозалаш ва эритиш);
- ҳароратни қайд этиш ва ҳисобот тузиш.

Асосий тадбирларга мувофиқ равишда бу фаолиятлар қандай бажарилиши зарурлиги 7-жадвалда кўрсатилган.

## 7-жадвал. **ДПМ ходимининг асосий фаолият турлари ва совуқлик занжирининг етарли даражада тўғри ишлашини таъминлаш учун хизмат кўрсатиш бўйича бурчлари**

Асосий тадбирлар	Кундалик фаолиятлар	Хафталик фаолиятлар	Ойлик фаолиятлар
Ҳароратни назорат қилиш ва мониторинг	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кунига икки маҳал (эрталаб ва кечқурун) термометрлар кўрсаткичини текшириш ва қайд этиш;</li> <li>• Терморегуляторни коррекциялаш (зарурият туғилганида)*.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳарорат кўрсаткичининг тенденциясини таҳлил этиш;</li> <li>• Мутасаддилар билан вужудга келган барча муаммоларни муҳокама этиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳарорат кўрсаткичининг тенденциясини таҳлил этиш;</li> <li>• Мутасаддилар билан вужудга келган барча муаммоларни муҳокама этиш.</li> </ul>
Вакциналарни, эритувчиларни ва совутиш элементларини жойлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Стандарт фаолият амалиётларига (Стандарт операцион процедураларга) мувофиқ вакциналарни, эритувчиларни ва совутиш элементларини жойлашни таъминлаш;</li> <li>• «биринчи бўлиб яроқлилик муддати энг яқин вакцинадан фойдаланинг» тамойилига амал қилинг.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Текшириш ва яроқлилик муддати ўтган, жумладан ФТИ ҳисобдан чиқариб ташлаш зарурлигини кўрсатмаган, вакцина заҳираларини ҳам белгиланган тартибда йўқотиш;</li> <li>• Ҳисобдан чиқариб ташланган вакциналар ўрни тўлдирилишини таъминлаш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Текшириш ва яроқлилик муддати ўтган, жумладан ФТИ ҳисобдан чиқариб ташлаш зарурлигини кўрсатмаган, вакцина заҳираларини ҳам белгиланган тартибда йўқотиш;</li> <li>• Ҳисобдан чиқариб ташланган вакциналар ўрни тўлдирилишини таъминлаш.</li> </ul>
Умумий хизмат кўрсатиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кун давомида фойдаланилган термоконтейнерларни ва сумка-совутгичларни ювиш, тозалаш, куритиш ва сақлаш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Совутгични ва/ёки музлатгични эритиш зарурияти мавжудлигига текшириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Совутгични ва/ёки музлатгични ювиш, тозалаш ва куритиш;</li> <li>• Совутгичнинг ва/ёки музлатгичнинг ташқи юзасини тозалаш ва чангни артиш.</li> </ul>
Ҳисобот	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ускуналар билан боғлиқ вужудга келган барча муаммолар ҳақида мутасаддиларга аҳборот бериш;</li> <li>• Ускуналар ишдан чиққанида ва/ёки электр таъминотида узилишлар бўлганида шошилинч тадбирлар режасига мувофиқ иш кўриш.</li> </ul>	Йўқ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўлланмага мувофиқ ойлик ҳисоботнинг барча шаклларини тўлғазиш ва юқори босқичга тақдим этиш.</li> </ul>

\* Терморегуляторниң корректировкаси мутахассис томонидан омалга оширилади ва жиддий мониторинг ўтказилишини талоб қилади.

## 1-МОДУЛЬ

### Усунани таъмирлаш

Совуқлик занжири усунаси ўрнатилган ДПМ ходими муассасанинг ўзида оддий таъмирлаш ишларини амалга ошириши мумкин. Мураккаброқ таъмирлаш ишлари мутахассис томонидан бажарилади, у ДПМ нинг ўзида ишлаши мумкин ёки таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотдан техник чақирилиши талаб қилинади.

### Усунани алмаштириш

Иммунизацияхизматинитақдим этубчи тиббиёт ходими сифатида Сизуз фаолият кўрсатиш худудингиздаги/муассасангиздаги совуқлик занжири усуналарининг ҳолатидан боҳабар бўлишингиз зарур. Қандай усуналар алмаштирилишини аниқлаш учун мунтазам ва тизимли равиша таҳлил ўтказиб боринг.

Алмаштириш режасини тузиш учун мавжуд усуналарнинг инвентаризациясини ўтказиш, ҳамда муайян турдаги ва қувватдаги усунанинг зарурлиги борасида бошқарув қарорларини қабул қилиш талаб этилади. Совуқлик занжири усунаси ўрнатилган ҳар бир ДПМ учун хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонини, электр таъминоти ҳолатини, шунингдек, вакциналарнинг олиниш даврийлигини билиш зарур.

8-жадвалда совуқлик занжири усуналарини инвентаризациядан ўтказиш шакли келтирилган. У Сизга қўйидагиларда ёрдам беради:

- усуналарнинг ҳолатини баҳолашда
- усуналарни ўз вақтида алмаштириш режасини тузиш учун; ва
- яроқсиз ҳолга келиб қолганларини алмаштириш учун қандай турдаги усуналарни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилишда.

### Олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар учун шошилинч тадбирлар режаси

Вакциналар сақланадиган ҳар бир омбор совуқлик занжири усунаси ишдан чиқсан ҳолатларда қўлланиладиган ҳатти-ҳаракатни белгилаб берувчи аниқ режага эга бўлиши шарт. Бундай режа турли омборлар учун турлича бўлиши мумкин, чунки режа омборда ёки омбордан ташқарида у ёки бу усунанинг мавжудлигига ва фойдаланиш имконияти қандайлигига боғлиқ бўлади. (8-иловага қаранг: Олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар учун шошилинч тадбирлар режасининг элементлари).

### 8-жадвал. Совуқлик занжири усуналарининг инвентаризацияси учун шакл намунаси

Жойлашган жойи ҳақида маълумот				Усуналар ҳақида маълумот								
Номи	ДПМ тури	Аҳоли сони	Электр таъми ноти ≥ 8 соат /сукада	Тайёр ловчи	Модель	Серия №	Ишчи ҳолати	Энергия манбаси	Совут-гичнинг фойдали сигими	Музлат-гичнинг фойдали сигими	Эксплуатацияга топширилган йили	Режа бўйича алмаштириш мўлжалланган йил
Янги кўргон	Поли-клиника	675	Йўқ	Сибирь	V 240 GE	234-233-123	яхши	Г	30	0	1996	2006
Тонг	Туман тиббиёт бирлашмаси	10 000	Ҳа	Вест фрост	MK 214	25632-AA-34	яхши	Э	63	0	1998	2007
Тонг	Туман тиббиёт бирлашмаси	10 000	Ҳа	Вест фрост	MK 074	9958-4-T0	ёмон	Э	20	0	2000	2011
Хислат	Поли-клиника	700	Йўқ	Электролюкс	RCW 50 EG	WTB-336	яхши	Г	24	0	2002	2008

**Эслатма:**


- Совутгичнинг фойдали сиғими – бу вакциналарни сақлаш учун ҳажм (Совутгичнинг умумий сиғимидан ҳаво айланиши учун зарур бўладиган ҳажм истисно этилганидан кейин қоладиган ҳажм. Совутгичнинг умумий сиғими унинг ички камераси ҳажмига тенг).
- Ушбу жадвал совутгичлар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлсада, зарурият түғилганида жадвалга термоконтејнерлар, совутгич-сумкалар, музлатгичлар ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни киритиб ишлаш мумкин. Бланк шакли б-иловада келтирилган.

**Аҳамиятли ҳолат.** Соvuқлик занжирини ҳар йили инвентаризациядан ўтказинг.

Совутгичларни ҳар 10 йилда алмаштиришин режалаштиринг

Сифатли режалаштирилганида ва хизмат кўрсатилганида совутглик занжирини ускуналарининг тасодифий бузилишларини бартараф этиш мумкин. Иммунизация хизматини тақдим этувчи тиббиёт ходими сифатида Сиз ҳар йили инвентаризация ўтказишингиз, шунингдек, эскисини алмаштиришни ва қўшимча янги ускуналар ўрнатишни режалаштиришингиз зарур. 2-расмда ҳар йили харид қилинадиган жами ускуналарни ҳисоблаш учун инвентаризация ҳақидаги маълумотларни қандай тартибда тақдим этиш кўрсатилган. Маълумотларни тақдим этишининг ушбу шакли Миллий босқичдаги раҳбарлар учун Сизнинг вилоятингизга янги ускуналар берилиши зарурлигини кўрсатувчи асос бўлиб хизмат қиласди.

## 2-расм. Совутгичларга талабни баҳолаш бўйича схема




\* 5-кўшимчага қаранг.

### 5-құшимча. Таъмирлаш ёки алмаштириш?

Агар асбоб барқарор ишламаса ёки ишдан чиқкан бўлса, тиббиёт ходимлари, аввало, шу жойдаги соғлиқни сақлаш муассасаси раҳбари уни алмаштириш ёки таъмирлаш борасида қарор қабул қилиши зарур. Қарор чиқариш, айниқса асбоб муддатидан олдин ишдан чиқкан бўлса, қийин кечиши мумкин (совуқлик занжири тизимида совутгичдан фойдаланиш муддати 10 йилдан иборат қилиб белгиланган). Ускунани таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш ҳақидаги қарорни қабул қилишда ёрдам берадиган, амалиётда қоида сифатида қараладиган навбатдаги ҳолат қуийдагидан иборат: «Агар таъмирлашнинг жами (кумулятив) харажати ускунанинг қолдиқ баҳосига teng ёки undan oшиқ бўлса, уни таъмирлаш эмас, балки алмаштириш тавсия этилади». З-расмда ушбу қоидадан амалда қандай фойдаланиш тартиби келтирилган.

**З-расм. Ускунани таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш мақсадга мувофиқлигини баҳолашга мисол**

#### Қарор қабул қилиш учун жадвал – таъмир ёки алмаштириш



#### Ушбу мисолда:

- ускунани 0 йилда \$1800 баҳосига харид қилинган. Ускунадан фойдаланиш муддати 10 йил деб белгиланган, яъни, ҳар йили баҳоси \$180 камая бориб, 10-йил охирида қолдиқ баҳо \$0 дан иборат бўлади;
- 5-йилга келиб ускунани таъмирлашнинг жами харажати \$950 га teng бўлди, бу эса ускунанинг қолдиқ баҳосидан ошиқ (\$900);

- Назарий жиҳатдан ускунадан кейинги 5 йил мобайнида ҳам фойдаланилиши зарур бўлсада, энг мақбули уни зудлик билан алмаштиришдир, чунки исталган қимматбаҳо таъмирлаш ушбу чегарадан кейин асоссиздир.

#### *Омборни ташкиллаштириш*

Янги совуқлик омборини ташкиллаштириш ҳақида қарор қабул қилиш масаласи кўпгина маҳаллий омилларга (масалан, аҳоли сони ва ўсиш суръатига, бошқа ДПМ лар билан ўртадаги масофага, шунингдек, етиб бориш имкониятининг қай даражада эканлигига ва қуляйлигига) боғлиқ бўлади. Бошқа омиллар – сиёсий хайрихоҳлик ва омбор учун ажратиладиган жой борасида жамоатчиликнинг рози-rizолиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Совутгич жойлаштириладиган жойни танлаб, ҳар бир турдаги ускунанинг афзаллик ва заиф жиҳатларини (4, 5 ва 6-жадваллар) инобатга олган ҳолда қандай турдаги ускуна энг мақбул эканлиги масаласини ҳал этиш учун 1-расмдан фойдаланинг.

Шуни ёдда туғиши лозимки, совутгич мавжуд бўлиши вазиятдан чиқишининг ягона йўли эмас; маҳаллий шароитга қараб, вакциналарни термоконтейнерларда мунтазам элтиш ва сақлаш энг қулай ечим бўлиши ҳам мумкин.

## **2.2 Хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни сақлаш**


Хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни (ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар ва хавфсизлик контейнерларини) сақлаш шароитларига нисбатан талаблар, вакциналарни сақлаш шароитларига қўйиладиган талабларга қараганда анчайин ўнғайроқ хисобланади.

### **2.2.1 Сақлашнинг оптимал шароитлари**

Хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материаллар (ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар ва хавфсизлик контейнерлари) вакциналардек муайян ҳарорат режимини сақлашни қатъий талаб қилмайди. Шу билан бирга, материаллар стериллиги бузилишининг ва исроф бўлишининг олдини олиш мақсадларида айrim умумий қоидаларга қатъий амал қилиш тақозо этилади. Қўйида (4-расм) сақлашнинг оптимал шароитларини таъминлаш бўйича айrim тавсиялар (масалан, тозалик, заҳира ротацияси ва намликни назорат қилиб бориш) келтирилган. Иммунизация хизматини тақдим этувчи тиббиёт ходими нафақат ушбу тамойилларни билиши ва тушуниши, шу билан бирга муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш юзасидан қўйи босқичдаги тиббиёт муассасаларига ташриф буюришганида ташвиқот-тушунтириш ишларини ҳам олиб боришлари даркор.

### 4-расм. Тиббиётда құлланиладиган ускуналарни оптимал сақлаш бүйича тавсиялар

- Омбор биносида, ҳашаротлар ва кеми्रувчилар киришининг олдини олиш учун, мунтазам тозалаш ва дезинфекция ишларини олиб бориш.
- Инъекция материалларини қуруқ, яхши ёритиладиган ва шамоллатиладиган хонада сақланг.
- Омбор биносини ортиқча намындан ҳимоя қилинг.
- Омбор биносини ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланг.
- Латексдан ишланган буюмларни электр двигателларидан ва люминесцент лампалардан узоқда сақланг.
- Омбордаги совуиш ускуналарини яхши ҳолатда тутинг.
- Омбор ҳудудига фақатгина киришга рухсат этилган тиббиёт ходимларини қўйинг.
- Картон қутиларни полдан 10 см, девордан ва бошқа тўсиқлардан 30 смдан кам бўлмаган масофада, шунингдек, баландлигини 2,5 метрдан оширмасдан тахланг.
- Картон қутиларни стрелкаси тепага қаратилган ҳолатда жойланг, бунда идентификацияловчи этикеткаси, яроқлилик муддати ва тайёрланган вақти яхши кўзга ташланиб туриши зарур.
- Захиралар бошқарувини соддалаштириш учун, материаллар сақланиши ва берилишини «биринчи бўлиб яроқлилик муддати энг яқин вакцинадан фойдаланиш» («биринчи бўлиб муддати ўтади – биринчи берилади») тамойилига амал қилиб ташкиллаштиринг.
- Тиббий ашёларни химикатлардан, тез олов олувчи ва хавфли материаллардан узоқда сақланг.
- Шикастланган ва яроқлилик муддати ўтган буюмларни фойдаланиш учун яроқли буюмлардан алоҳида ажратиб кўйинг.
- Тез олов олувчи буюмларни зарур хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда алоҳида сақланг.



## 2.3 Омбор хоналарига бўлган талабни баҳолаш

Заҳираларни самарали бошқариш ва йўқотилиш хавфини камайтириш учун иммунизация хизматини тақдим этувчи тиббиёт ходими сифатида Сиз қўйидагиларни ҳал этишингиз зарур:

- 1) вакциналар ва инъекция учун материаллар эгаллайдиган ҳажмни аниқлаш;
- 2) инъекция учун материалларни сақлаш учун мўлжалланган мавжуд омборхоналар ва совутиш ускуналарининг қувватини баҳолаш;
- 3) совуқлик занжирини ва омборхоналарни қандай самарали бошқаришни билиш.


### 6-қўшимча: «Бир доза ҳисобидан қадоқнинг ҳажми» нимани англатади ва бу қанчалик муҳим?

Вакцина ва шприцларнинг ҳар бир тури турлича қадоқقا эга. Омборхоналарга бўлган эҳтиёжни баҳолаш учун Сиз бундай қадоқларнинг ўлчамини билишингиз зарур бўлади.

Бир доза ҳисобидан қадоқнинг ҳажми – вакцинанинг бир дозаси сақланганида унинг иккиламчи қадоги билан биргалиқда эгаллайдиган ҳажм.

5-расмда гепB-вакцинаси солинган флаконларнинг турли ўлчамлари ва уларнинг ҳар бирини сақлаш учун зарур бўладиган ҳажмлар кўрсатилган. Бир доза ҳисобидан қадоқнинг нотўғри ҳажмидан фойдаланиш Сизнинг омборхоналарга бўлган эҳтиёжингизга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

### 5-расм. Қадоқ турига қараб В гепатитига қарши вакцинани омборда сақлаш учун зарур бўладиган ҳажм



## 1-модуль

### **2.3.1 Вакциналарни сақлаш учун зарур бўладиган совутиш ускунасининг умумий ҳажмини ҳисоблаш**

Мавжуд совутиш омборининг қуввати муайян даврда қўлланиладиган барча зарур вакциналарни жойлаштириш учун етарлими ёки етарли эмаслигини аниqlаш учун, унда сақланиши мўлжалланаётган вакциналарнинг умумий ҳажмини хисоблаш жуда муҳим ҳисобланади. 9-жадвалда мақсадли аҳоли сони 10000 нафардан иборат бўлган Жанубий туман учун йилнинг 1-чорагида керак бўладиган вакцинанинг ҳажмини хисоблаш усули келтирилган.

## **9 а-жадвал. Сақлаш мүлжалланаётган вакциналарнинг умумий ҳажмини ҳисоблашучун жадвал намунаси**

**9 б-жадвал. Мақсадли аҳоли сони 10000 нафар кишидан иборат туман учун вакциналарнинг ҳажмини ҳисоблаш учун жадвал намунаси**

Вакциналар	1 флақондаги доза міндері	1 доза ұсқындан қадоқ ұжымы (см <sup>3</sup> )	Вакцинага үйиллік талаб (доза)	Резерв захира (1 ой)	Вакцинага чораклик талаб (доза)	Максимал захира (доза)	Сақланадиган вакцинаниң умумий ұжымы (см <sup>3</sup> )	Сақланадиган вакцинаниң умумий ұжымы (л)	Күйидеги ҳароратларда сақланадиган вакцинаниң ұжымы (л)	
									-15°C дан -25°C гача	+2°C дан +8°C гача
A	B	C	D	E=D/12	F=D/4	G=E+F	H=CG	J=H/1000	K	L
ОПВ	20	1.5	53,200	4,433	13,300	17,733	26,600	26.6	26.6	—
БЦЖ	20	1.0	20,000	1,667	5,000	6,667	6,667	6.67		7
ҚПҚ	10	3.0	26,600	2,217	6,650	8,867	26,600	26.6		27
АКДС-гепВ-Hib	1	19.4	35,400	2,950	8,850	11,800	228,920	228.92		229
Пневмококк	1	55.9	35,400	2,950	8,850	11,800	659,620	659.62		660
Ротавирус орал	1	85.2	35,400	2,950	8,850	11,800	1,005,360	1,005.36		1,005
АДС	10	3.0	13,300	1,108	3,325	4,433	13,300	13.3		13
АДС-м	10	3.0	13,300	1,108	3,325	4,433	13,300	13.3		13
<b>Жами</b>									<b>26.6</b>	<b>1954</b>

Олинган натижалар шуни күрсатадыки, эмлаш тақвимига кириллелгендеги барча вакциналарни (резерв захира билан берилген) 4 ой мобайнида сақлаб туришга Жанубий туман учун камида 26,6 литр фойдалы ҳажмдагы

музлатиш камераси ва 1954 литр фойдали ҳажмдаги совутиш камераси зарур бўлади. Ушбу мисолда совутиш мосламаси ичидаги ҳаво эркин айланиси учун коэффициент инобатга олинмаган.

### **9-жадвалнинг баёни**

А колонка: амалдаги эмлаш тақвимига киритилган барча вакциналарни ва ҳар бир ўрам шаклидаги (қадоқдаги) алоҳида вакциналарни кўрсатинг.

В колонка: фойдаланиладиган ўрам шаклига мувофиқ флакондаги ҳар бир вакцинанинг дозасини кўрсатинг.

С колонка: ҳар бир вакцинанинг бир дозаси учун қадоқ ҳажмини кўрсатинг (яъни, ҳар бир доза вакцинанинг шприц ва қадоқ билан эгаллайдиган ҳажми). Агар бир дозанинг ҳажми номаълум бўлса, қадоқнинг узунлигини, энини ва баландлигини ўлчанг, кейин эса битта қадоқдаги доза миқдорига тақсимланг (бўлинг).

Д колонка: ҳар бир ўрам шакли (қадоқ) учун ҳар йили сақлаш режалаштирилаётган вакцина дозаси миқдорини кўрсатинг. 1-жадвалда ушбу кўрсаткичларни ҳисоблашнинг барча тафсилотлари келтирилган.

Е колонка: ойлик резерв заҳирани аниқланг (Миллий сиёсатга мувофиқ).

Ғ колонка: бир чорак учун эҳтиёжни ҳисобланг (агар таъминот чорақда бир маротаба амалга оширилса).

Ғ колонка: максимал заҳирани ҳисобланг ( $G=E+F$ ).

Ҳ колонка: вакцинанинг бир дозаси учун қадоқ ҳажмини (С колонка) кутилаётган чорақлик вакцина дозасининг максимал миқдорига ( $G$  колонка) кўпайтириб сақланадиган вакцинанинг умумий ҳажмини ҳисобланг.

Ҷ колонка: сақланадиган вакцинанинг умумий ҳажмини сантиметр кублардан, 1000 га бўлиб, литрга айлантиринг.

К ва Л колонкалар: Ҳар бир вакцина ва эритувчи учун ҳарорат режимига мос равища сақланадиган ҳажмни тақсимланг.

Пастки қатор: кўрсатилган ҳарорат режимларининг ҳар бирида сақлашни талаб этувчи вакциналар ҳажмини қўшиб чиқинг.

1-шарт: Жанубий туман қўлланиладиган вакциналарни ва бошқа материалларни йилнинг ҳар чорагида (ҳар уч ойда) олади.

2-шарт: Жанубий туман мақсадли аҳоли сони 10000 нафар чақалоқдан иборат; АДС ва АДС-м олиш учун ҳам мақсадли гурӯҳ 10000 нафар кишидан иборат.

3-шарт: Эритувчилар туман омборида совутгичда сақланмайди; эритувчилар ДПМ да бевосита эмлаш сессияси ўтказилиш арафасида совутилади.

4-шарт: Чорак мобайнинда фақат режали эмлаш ўтказилади, яъни Жанубий туманда иммунопрофилактика бўйича қўшимча тадбирлар режалаштирилмаган.

5-шарт: Бир доза ҳисобидан қадоқнинг ҳажми – вакцинанинг бир дозаси сақланганида унинг иккиласи қадоги билан биргаликда эгаллайдиган ҳажмни англатади. Иммунизация хизматини тақдим этувчи тиббиёт ходимлари ўз муассасаларида айнан қўлланиладиган вакцина ва материаллар турларидан келиб чиқиб ушбу ҳажмларни аниқлаши зарур.

6-шарт: Иммунизация хизматини тақдим этувчи тиббиёт ходимлари совутиш элементларига ва уларни музлатиш учун музлатгичларга бўлган талабни аниқлаш учун қўшимча (бу ерда келтирилмаган) ҳисобларни ҳам амалга оширишлари зарур.

7-шарт: Бошқа барча материалларга, шу жумладан эритувчиларга, хавфсизлик контейнерлари ва шприцларга, «комплект ҳолда таъминлаш» Миллий сиёсатига мувофиқ буюртма берилган.

2.3.2 Хавфсиз инъекция материалларини сақлаш учун зарур бўладиган хоналарнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш

ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг «Комплект ҳолда таъминлаш» сиёсатини бажариш (куйидаги 3.1 бўлимга қаранг) вакциналарни организмга хавфсиз киритиш учун зарур миқдорда материаллар мавжуд бўлишини кўзда тутади. Атроф мухит ҳароратида қуруқ жойда сақланиши тақозо этиладиган хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун

## 1-МОДУЛЬ

асқотадиган материаллар хонанинг анчагина қисмини эгаллаши мүмкін. Шу бойс улар учун етарли ҳажмдаги омбор хоналари ҳисоблаб чиқарилиши ва ажратилиши зарур.

Юқорида көлтирилган мисолда **Жанубий туманни ҳар чорақда узлуксиз таъминлашга етадиган миқдордаги вакциналарни сақлаш учун талаб этиладиган омборнинг умумий ҳажмини ҳисоблаб чиқардик**. Энди вакциналар билан комплект ҳолда көлтириладиган хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни сақлашга зарур хоналарнинг умумий ҳажмини ҳисоблаб топамиз.

10-жадвалда **Жанубий туманда хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни сақлашга зарур бўладиган омборнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш тартиби көлтирилган**.

### 10 а-жадвал. Хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларга бўлган йиллик талабни баҳолаш

Вакциналар	Мақсадли гурӯҳ сони	Тақвим бўйича доза миқдори	Флакондаги доза миқдори	Йўқотилиш омили (ЙО)	Вакциналарга йиллик талаб	ЎТ-шприцларга йиллик талаб +10% йўқотилишга	Эритиш учун шприцларга йиллик талаб +10% йўқотилишга	Хавфсиз контейнерларга йиллик талаб (1% x 1,11)
A	B	C	D	E	F=BxCxE	G=Fx1,11	H (F/D*1,11)	J ((G+H)/100)*1,11
ОПВ	10 000	4	20	1,33	53 200	0	0	
БЦЖ	10 000	1	20	2	20 000	22 200	1110	259
КПК	10 000	2	10	1,33	26 600	29 526	2953	361
АКДС-гепВ-Ніб, суюқ	10 000	3	1	1,18	35 400	39 294	0	436
В гепатитига қарши	10 000	1	10	1,25	12 500	13 875	0	154
Пневмо, шприцда	10 000	3	1	1,18	35 400	0	0	0
Ротавирус орал	10 000	3	1	1,18	35 400	0	0	0
АДС	10 000	1	10	1,33	13 200	14 763	0	164
АДС-м	10 000	1	10	1,33	13 200	14 763	0	164
<b>Жами</b>	<b>БЦЖ учун ўТ-шприцлар ва эритиш учун шприцлар – 2 мл</b>				<b>22 200</b>	<b>1110</b>		<b>1538</b>
<b>Жами</b>	<b>ЎТ-шприцлар ва эритиш учун шприцлар – 5 мл</b>				<b>112 221</b>	<b>2953</b>		

### 10 б-жадвал. Омбор хоналарга бўлган чораклик талабни ҳисоблаш

Инъекция учун материаллар, эритувчилар ва бошқа материаллар	Йиллик талаб	З ойлик максимал заҳира + резерв заҳира (1 ой) (дона)	Битта бирлик учун қадоқ ҳажми (см <sup>3</sup> )	Сақлаш учун омборнинг умумий ҳажми (м <sup>3</sup> )	
				A	B
Шприцлар	0,05 мл лик ўТ шприцлар (БЦЖ учун)	22 200	7400	60	0,4440
	0,5 мл ўТ шприцлар	112221	37407	60	2,2444
	Эритиш учун шприц - 2 мл	1110	370	66,3	0,0245
	Эритиш учун шприц - 5 мл	2953	984	66,3	0,0653
	Шприц-дозалардаги вакцина	35 400	11 800		
	Хавфсиз контейнерлар	1383	461	880	0,4508
Эритувчилар	<b>Жами шприцлар (оралиқ якун)</b>				<b>3,2291</b>
	БЦЖ учун	20 000	6667	0,7	0,0047
	КПК учун	26 600	8867	4	0,0355
	<b>Эритувчилар – оралиқ якун</b>				<b>0,0401</b>
<b>Жами</b>					<b>3,2692</b>

Юқорида көлтирилган жадваллардагидек ҳисоблар, агар Жанубий туманда суюқ АКДС-гепВ+Hib-вакциналардан фойдаланилса құлланилиши мүмкін; қуйда көлтирилган ҳисоблар эса агар туман лиофилизацияланған АКДС-гепВ+Hib-вакцинасидан фойдаланса құлланилади.

### **АКДС-гепВ+Hib (лиофилизацияланған)**

Эритиш учун шприц — 2 мл	66,3	11 800	<b>0,78234</b>
Хавфсиз контейнерлар	880	118	<b>0,10384</b>
<b>Оралиқ якун</b>			<b>0,89</b>
<b>Жами</b>			<b>4,16</b>

Ушбу ҳисоблар құрсатадыки, Жанубий туманда 4 ой мобайнида хавфсиз инъекция учун материалларни сақлашга, агар суюқ АКДС-гепВ+Hib-вакциналаридан фойдаланилса умумий ҳажми камида  $3,3 \text{ м}^3$ , агар лиофилизацияланған АКДС-гепВ+Hib-вакцинасидан фойдаланилса ҳажми камида  $4,2 \text{ м}^3$  бўлган омбор хонаси талаб қилинади. Бу – минимал ҳажм; шуни назарда тутиш керакки, яна минимум 25% қўшимча ҳажм бўлиши тавсия этилади. Шундай қилиб, юқорида көлтирилган мисолга кўра, минимум 5 метр куб ҳажмдаги омбор хонаси мавжуд бўлиши тавсия этилади.

### **10-жадвалнинг баёни**

А колонка: құлланиладиган инъекция учун ускуналарни, эритувчиларни ва бошқа материалларни кўрсатинг.

В колонка: 10 а жадвалда ҳисобланған йиллик эҳтиёжларни кўрсатинг.

С колонка: ҳар бир номдаги ашёнинг максимал чораклик заҳирасини кўрсатинг.

Д колонка: ҳар бир номдаги ашё учун ускуна ёки материал бирлигига қадоқ ҳажмини киритинг (5-иловага қаранг).

Е колонка: ашё бирлигига  $\text{см}^3$  ҳисобидаги қадоқ ҳажмини (Д колонка) талаб этиладиган бирликлар сонига (С колонка) кўпайтиринг, кейин эса омбор хонасининг умумий ҳажмини  $\text{м}^3$  да ифодалаш учун чиққан натижани 1000000 га бўлинг.

Шартлар: худди 9-жадвалдагидек.

## **2.4 Мавжуд омборларнинг қувватини (ҳажмини) баҳолаш**

### **2.4.1 Вакциналарни сақлаш учун мавжуд умумий қувватларни ҳисоблаш**

Вакциналарни жойлаштириш учун етарли сиғимга эга совуқлик занжири ускуналари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш учун, Жанубий туманда вакциналарни ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни сақлайдиган омборлар қувватига бўлган талабни ҳисоблаб, олинган натижани мавжуд омборлар умумий ҳажмига солиштиришимиз мүмкін.

ЖССТ/ЮНИСЕФ томонидан қайта тавсияланган (тавсия этилган) совуқлик занжири учун ускуналарнинг тури ҳақидаги маълумот ахборот каталогида (PIS) көлтирилган бўлиб, унда ҳар бир ускунанинг фойдали ҳажми кўрсатилган. Ушбу каталогнинг қайта кўриб чиқилиши, янгиланиши ва янги «сифат ва стандартлар тавсифномаси» (PQS) номи билан номланиши кутилмоқда. Совутгич ва музлатгич ускуналарнинг/хоналарнинг фойдали ҳажми ҳақидаги маълумотни уларнинг ишлаб чиқарувчилари тақдим этишади. Агар бундай маълумотни олиш имкони бўлмаса «Сифатнинг модел режаси» да («Вакциналар омборини самарали бошқариш бўйича ташаббус (ВОСБ)» ЖССТ/ЮНИСЕФ, 2-Модул) көлтирилган қўлланма асосида ҳисоблаб топишга тўғри келади.

## 1-МОДУЛЬ



Бунинг учун мавжуд токчаларнинг (стеллажларнинг) умумий ҳажмини ҳисоблаш зарур (умумий ҳажм = токча узунлиги х токчалар орасидаги бўшлиқ (жумладан энг юқори токча устидаги бўшлиқ) х токча эни). Фойдали ҳажм умумий ҳажмни 67% га кўпайтириб топилади.

Тажрибалар кўрсатишича, бу ҳисоблашнинг энг ҳақоний усулидир.

Шу тахлитда шприцларни ва эритувчилик сақлайдиган омборхоналар ҳажмини ҳисоблаш зарур. Резерв ҳажм (режалаштирилганидан/ҳисобланган ҳажмдан 25% атрофида) якуний ҳисобга қўшилиши лозимлигини ёдда тутиш зарур. 11-жадвалда Жанубий туманда мавжуд совуқлик занжири ускуналарининг умумий қувватини қандай ҳисоблаб топишга мисол келтирилган.

### 11 жадвал. Жанубий туманда мавжуд совуқлик занжири қувватларини ҳисоблаб топиш

Ускунанинг тавсифи			PIS/PQS каталоги бўйича ёки ички коди	Вакциналарни сақлаш учун фойдали сифим (л)		Мавжуд ускуналар бирлигининг сони	Вакциналарни сақлаш учун умумий фойдали сифим (л)	
Тури	Маркаси	Модели		-15°C дан -25°C гача	+2°C дан +8°C гача		-15°C дан -25°C гача	+2°C дан +8°C гача
A	B	C	D	E	F	G	H=E*G	I=F*G
ХЛЗ	Electrolux	TCW1152/CF	E3/24-M		169	4		676
Вакциналар/совушиш элементлари учун музлатгич	Vestfrost	MF 314	E3/98-M	264		2	528	
ХЛЗ	Vestfrost	MK 304	E3/82-M		108	3		324
ХЛЗ	Vestfrost	MK 204	E3/81-M		63	1		63
<b>Жами</b>					<b>10</b>		<b>528</b>	<b>1063</b>

### 11-жадвалнинг баёни

А-Д колонкалар: совуқлик занжири мавжуд ускуналарининг турини сананг ва уларнинг ихтисослашганигини кўрсатинг (Ахборот каталогига ёки ишлаб чиқарувчилар ахборотига таянинг).

Е ва F колонкалар: икки ҳарорат режимига мувофиқ совуқлик занжири ускуналарининг ҳар бир бирлиги учун фойдали ҳажмни кўрсатинг (Ахборот каталогига ёки ишлаб чиқарувчилар ахборотига таянинг).

G колонка: совуқлик занжирини таъминловчи мавжуд ускуналарнинг ҳар бир тури бўйича бирлик миқдорини кўрсатинг.

H колонка: битта музлатгичнинг фойдали ҳажмини (E колонка) шундай турдаги мавжуд ускуналар бирлик миқдорига (G колонка) кўпайтириб вакциналарни сақлаш учун музлатгичларнинг умумий фойдали ҳажмини ҳисобланг.

I колонка: битта совутгичнинг фойдали ҳажмини (F колонка) шундай турдаги мавжуд ускуналар бирлик миқдорига (G колонка) кўпайтириб вакциналарни сақлаш учун совутгичларнинг умумий фойдали ҳажмини ҳисобланг.

G-I колонкалар, сўнгги қатор: ҳар бир ҳарорат режими учун вакциналарни сақлашнинг ускуналар ҳажмини жамланг ва вакциналарни сақлаш учун қувватнинг умумий ҳажмини топинг.

1-шарт. Иммунизация хизматини тақдим этувчи тибиёт ходимлари совутиш элементларига ва уларни музлатиш учун музлатгичларга бўлган талабни аниқлаш учун қўшимча (бу ерда келтирилмаган) ҳисобларни ҳам амалга оширишлари зарур. Ушбу ҳисоблар кўрсатадики, Жанубий туман 10 та бирлиқдаги ускуналар ўртасида тақсимланган 528 л умумий музлатиш қувватига ва 1063 л умумий совутиш қувватига эга. Янги вакциналарни амалиётга тадбиқ этиш учун фойдали ҳажми (тахмонлари) 3,5 м<sup>3</sup> бўлган совутиш камераси харид қилинди. Натижада совутиш қувватлари 4,563 м<sup>3</sup> гача ошди.

#### **7-қўшимча. Сизда совуқлик занжири қувватлари етишмовчилиги бўладими?**

Аниқланг, Сиз совуқлик занжири қувватлари етишмовчилигига дуч келасизми, агар Сиз:

- вакциналарни **жойлаш учун зарур бўладиган ускуналарнинг умумий фойдали ҳажмини ҳисоблаган бўлсангиз** (2.3.1 параграфга қаранг);
- вакциналарни сақлаш учун мавжуд** ускуналарнинг умумий фойдали ҳажмини ҳисоблаган бўлсангиз (2.4.1 параграфга қаранг)

Кейин ўртадаги фарқни топинг: В (мавжуд ҳажм) минус А (зарур ҳажм)

Сақлаш режими	Зарур ҳажм, литрда (A)	Мавжуд ҳажм, литрда (B)	Тақчиллик мавжудлиги	
			Бор	Йўқ
-15°C дан -25°C гача				
+ 2°C дан +8°C гача				

Ўртадаги фарқ, агар Сиз муаммони бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўрмаган бўлсангиз, совуқлик занжири қувватлари етишмовчилигига дуч келишингизни кўрсатади.

## 1-МОДУЛЬ

**2-машқ:** Совуқлик занжири ҳажми: таҳлил ва муаммони ечиш.

Сиз Шарқий туманда иммунизация хизмати мутасаддисисиз, у ерда мақсадли гурух сони 10000 нафар боладан иборат.

Сизнинг омборингиздаги мавжуд ускуналар ҳажми (АКДС-гепВ-Hib) вакцинасининг янги партиясини қабул қилиш учун етарликми эканлигини аниқлашингиз зарур, мазкур вакцина АКДС вакцинасининг ўрнида қўлланилади. Пентавалент вакцина бир дозалик флаконларда ягона компонентли суюқ препарат шаклида етказиб берилади.

Қўйидаги ахборот мавжуд:

Вакциналар ҳақида маълумот		Вакцинанинг мавжуд заҳираси		Кутилаётган янги таъминот	
Вакциналар	1 флакондаги доза	Доза	Доза	Доза	Доза
БЦЖ	20	1500		5000	
АКДС	10	1000 – қолдик, кейин пентавалент вакцинаси тадбиқ этилади		—	
ОПВ	10	3500		13 000	
ОПВ	20	12 000 – ИҚТ учун (полио)		—	
КПК	10	1000		2 400	
гепВ	1	255		850	
АДС	10	353		750	
Пентавалент (АКДС-гепВ-Hib)	1	—		10 000 – тадбиқ этишни бошлаш учун	

**1-ВАЗИФА:** Шарқий туманда барча вакциналарни, яъни ҳозир мавжуд бўлган вакциналарни ва олиниши кутилаётган вакциналарни, жойлаштириш учун зарур бўладиган ускуналарнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш учун қўйидаги жадвални тўлғазинг.

**Шарқий туман омборида сақланадиган вакциналарнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш**

Вакциналар	1 флакондаги доза	1 дозага қадоқ ҳажми, см <sup>3</sup>	Вакциналарнинг мавжуд заҳираси, доза	Янгидан олиниши кутилаётган вакциналар, доза	Вакциналарнинг умумий ҳажми, см <sup>3</sup>	Вакциналарнинг умумий ҳажми, л	Сақлаш ҳароратига мувофиқ	
							-15°C дан -25°C гача	+2°C дан +8°C гача
A	B	C	D	E	F=C*(D+E)	G=F/1000	H	I
Вакциналар	ОПВ	20	1,0					
	ОПВ	10	2,0					
	БЦЖ	20	1,2					
	КПК	10	3,0					
	АКДС	10	3,0					
	АКДС-гепВ-Hib	1	19,4					
	гепВ	1	9,7					
	АДС	10	3,0					
Вакциналарнинг умумий ҳажми							0,00	0,00

**Навбатдаги жадвал Шарқий туманда мавжуд совуқлик занжири ускуналарининг фойдали ҳажмини кўрсатади**

**Шарқий туманда мавжуд совуқлик занжири ҳажми**

Ускунанинг тавсифи			PIS/PQS каталоги бўйича ёки ички коди	Вакциналарни сақлаш учун фойдали сифим (л)		Мавжуд ускуналар бирлигининг сони	Вакциналарни сақлаш учун умумий фойдали сифим (л)	
Тури	Маркаси	Модели		-15°C дан -25°C гача	+2°C дан +8°C гача		-15°C дан -25°C гача	+2°C дан +8°C гача
A	B	C	D	E	A	B	C	D
Вакциналар/совутиш элементлари учун музлатгич	Vestfrost	MF 314	E3/98-M	264		1	264	
ХЛ3		МК 304	E3/82-M		108	1		108
ХЛ3		МК 204	E3/81-M		63	1		63
<b>Жами</b>					<b>3</b>	<b>264</b>	<b>171</b>	

**2-ВАЗИФА:** Шарқий туманда совуқлик занжири ускуналарининг қувватлари  
етишмовчилиги бўладими ёки йўқлигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални  
тўлғазинг (мавжуд ҳажмдан зарур бўладиган ҳажмни айиринг ва ўртадаги фарқни  
топинг).

**Совуқлик занжири сифимининг ҳисоблаб топилган тақчиллиги**

Сақлаш шароитлари	Зарур ҳажм, литрда (A)	Мавжуд ҳажм, литрда (B)	Тақчиллик мавжудлиги	
			Бор	Йўқ
-15°C дан -25 °C гача				
+ 2°C дан +8 °C гача				

**3-ВАЗИФА:** Шарқий туманда иммунизация хизмати мутасаддиси сифатида, омбор  
хоналари тақчиллигини бартараф этиш учун ўз  
ҳатти-ҳаракатингизнинг уч хил кўринишини (вариантини) таклиф этинг. Ҳар бир  
тадбирдан кутилажак натижани кўрсатинг.

**Совуқлик занжири ҳажми тақчиллигини баҳоланг**

№	Таклиф этилаётган тадбир	Уни амалга ошириш натижаси
1.		
2.		
3.		

### 2.4.2 Инъекция учун материалларни жойлаш учун хонанинг умумий ҳажмини ҳисоблаш

Хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни жойлашга мўлжалланган мавжуд хоналарнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш мақсадида ҳам, совуқлик занжирининг кувватларини ҳисоблаш учун ўйланилган тамойилдан фойдаланиш мумкин.

- 1) Материалларни жойлаш учун омбор хоналарни аниқланг.
- 2) Ҳар бир хонанинг умумий фойдали ҳажмини ( $m^3$  да) аниқланг.
- 3) Материаллар ва ускуналар эгаллайдиган умумий ҳажмни аниқланг ва олинган катталикни хоналарнинг мавжуд умумий фойдали ҳажмидан ажратинг.

Бундай ахборотга эга бўлиб, Сиз янги олинаётган инъекция учун материалларни жойлай олиш ёки жойлай олмаслигингизни билиб оласиз.

**3-машқ:** Инъекция учун материалларни сақлашга нисбатан жойни рационал режалаштириш тамойилларини қўллаш.

Сиз Шимолий туманда иммунизация хизмати мутасаддисисиз ва ўз туманингиз учун одатдаги чораклик инъекция материаллари олиб келинишини кутмоқдасиз. Олиб келинадиган ашёлар ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар, хавфсизлик контейнерлари ва вакциналарнинг ёритувчиларидан (эритувчиларни совутишнинг зарурияти йўқ) иборат. Олиб келинадиган ашёларнинг ҳажми —  $17 m^3$ . Сизнинг омборингизнинг ўлчамлари қўйидагича: эни 3 м., узунлиги — 4 м., баландлиги 3 м (қўйидаги суратга қаранг). Омборда ҳозирги пайтда мавжуд инъекция учун материалларнинг заҳираси  $3m^3$  жойни эгаллайди.

Шимолий туманда инъекция учун материаллар сақланадиган омборнинг параметрлари



**1-ВАЗИФА:** Қуидагиларни таъминлаш учун Сиз омбор ичидаги жойни қандай ташкилластирасыз: а) омбордаги материалларни олишга қулайликни ва улар биринчи навбатда ишлатилишини ва б) исталган тоифадаги материалларни эркин түсиқларсиз олиш имкониятини таъминлаш учун янги көлтирилган ашёларни тұғри жойластириш.

## 2.5 Совуқлик занжири шароитларида сақлаш учун ускуналар қувватига әхтиёж үзгаришига мослашув (адаптация)

### 2.5.1 Вилоят босқичида вакциналарни сақлаш әхтиёжлари үзгаришига мослашув (адаптация)

Иммунизация хизматига дахлдор тиббиёт ходимларида омборлар қувватига бўлган талабни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилиши мумкин. Бундай зарурият қуидаги ҳолларда туғилади, қачонки:

- а) янги вакцина олиб келинади ва қўшимча омбор қувватлари талаб қилинади ва/ёки
- б) эски ускунани алмаштириш тақозо этилади.

Ўтган бўлимда совуқлик занжири ускунасининг зарур ҳажмини ҳисоблаш ҳақида сўз юритилди; бу бўлимда амалиётга янги вакцина тадбиқ этилганида вакциналар сақланадиган ускуналар ҳажмига бўлган талабни қайта ҳисоблашга доир мисолларни келтирамиз.

Айтайлик, вилоятда эмлаш тақвими доирасида АҚДС ўрнига АҚДС-геп В-Ніб- вакцинасини қўллашга ўтилади.

12-жадвалда совутиш ускунасига жорий әхтиёж кўрсатилган. 13-жадвал эса келажақдаги – янги вакцина жорий этилгач совутгичларга нисбатан талабни акс этиради.

### 12 жадвал. Мақсадли гурух 10000 нафар кишидан иборат туман учун АҚДС вакцинаси (10 дозалик флаконларда) қўлланилганида совутиш ускуналарига бўлган талабни ҳисоблашга мисол

Вакциналар	Мақсадли гурухдаги аҳоли сони	Бир нафар бола учун доза миқдори	Йўқотилиш омили	Йиллик эхтиёж, доза	Чораклик + резерв заҳира (1 ой)	Бир доза учун қадоқ ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми ( $\text{cm}^2$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми (литрда)	MХС га талаб (108 л), дона
A	B	C	E	F=B*C*E	G		H	J	K
БЦЖ	10 000	1	2	20 000	6667	1	6667	6,67	
КПК	10 000	2	1,33	26 600	8867	3	26 600	26,60	
АҚДС	10 000	3	1,33	39 900	13 300	3	39 900	39,90	
АДС	10 000	1	1,33	13 300	4433	3	13 300	13,30	
АДС-м	10 000	1	1,33	13 300	4433	3	13 300	13,30	
гепВ	10 000	2	1,25	25 000	8333	2,3	19 167	19,17	
гепВ	10 000	1	1,18	11 800	3933	9,7	38 153	38,15	
<b>Жами</b>				<b>149 900</b>	<b>48 467</b>		<b>157 087</b>	<b>157</b>	<b>2</b>

## 1-МОДУЛЬ

### 13 жадвал. Юқоридаги туман учун АҚДС-гепВ-Нів-вакцинаси (1 дозалик флаконларда) күлланилиши күзде тутилған янги тақвимге мувофиқ совутиш ускуналарига бўлган талабни ҳисоблашга мисол

Вакциналар	Мақсадли гурӯхдаги аҳоли сони	Бир нафар бола учун доза миқдори	Йўқотилиш омили	Йиллик эҳтиёж, доза	Чораклик + резерв заҳира (1 ой)	Бир доза учун қадоқ ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми (литрда)	МҲС га талаб (108 л), дона
A	B	C	E	F=B*C*E	G		H	J	K
БЦЖ	10 000	1	2	20 000	6667	1	6667	6,67	
КПК	10 000	2	1,33	26 600	8867	3	26 600	26,60	
АДС	10 000	1	1,33	13 300	4433	3	13 300	13,30	
АДС-м	10 000	1	1,33	13 300	4433	3	13 300	13,30	
гепВ	10 000	2	1,25	25 000	8333	2,3	19 167	19,17	
гепВ	10 000	1	1,18	11 800	3933	9,7	38 153	38,15	
АҚДС-гепВ-Нів	10 000	3	1,18	35 400	11 800	19,4	228 920	228,92	
<b>Жами</b>				<b>145 400</b>	<b>48 467</b>		<b>346 107</b>	<b>346</b>	<b>4</b>

12-жадвални 13-жадвал билан тақослаг зарур бўладиган қўшимча омбор қувватларини ҳисоблаш мумкин (ҳажми бўйича ҳам, совутишга бўлган талаблар бўйича ҳам).

Келтирилган мисолда ҳар бири 108 литр сифимли қўшимча музли ҳимояяга эга совутгичлар мавжуд деб қабул қилдик. Вилоятнинг чораклик вакциналарни жойлаш учун совутиш қувватларига бўлган эҳтиёжи 2 МҲС дан 4 МҲС гача ошганлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

#### 2.5.2 Туман босқичида вакциналарни сақлаш эҳтиёжлари ўзгаришига мослашув (адаптация)

ДПМ даражасида ёки туман босқичларида ҳам омборлар қувватига бўлган талабнинг ўзгаришини аниқлаш учун юқорида кўлланилган усулдан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳисоблар муҳим, чунки иммунизацияга даҳлдор тибиёт ходимлари, аввало соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинлардаги раҳбарлари совутиш ускунасининг қўшимча ҳажми билан тъминот учун масъулдир. Лекин баъзида мавжуд совутиш ускунаси қўшимча ҳажмдаги вакцинани жойлаштириш учун етарли бўлиши мумкин, бу ҳам фақат ҳисоб-китоблар натижасида асосланади.

**4-машқ:** Янги вакцинани тадбиқ этиш учун совуқлик занжири ускунасига бўлган эҳтиёжни баҳолаш.

Сиз Ғарбий туманда иммунизация хизмати мутасаддисисиз ва янги вакцинани тадбиқ этишга тайёргарлик кўрмоқдасиз.

**1-ВАЗИФА:** Қуидаги жадвални тўлғазиб, туман учун совутиш ускунасига бўлган жорий эҳтиёжни ҳисобланг. Эмлаш тақвими аниқ, лекин Сиз мақсадли гурӯҳ сони ҳақида қарор қабул қилишингиз зарур.

Вакциналар	Мақсадли гурӯҳдаги аҳоли сони	Бир нафар бола учун доза миқдори	Йўқотилиш омили	Йиллик эҳтиёж, доза	Чораклик + резерв заҳира (1 ой)	Бир доза учун қадоқ ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми (литрда)	МҲС га талаб (108 л), дона
A	B	C	E	F=B*C*E	G		H	J	K
БЦЖ		1	2						
КПК		2	1,33						
АКДС		3	1,33						
АДС		1	1,33						
гепВ		3	1,25						
Жами									

**2-ВАЗИФА:** Эмлаш тақвимига янги вакцинани киритинг ва янги тақвимга асосан совутиш ускунасига бўлган эҳтиёжни ҳисобланг. Туман даражасида совутиш ускунасига бўлган эҳтиёжга янги вакцина қандай таъсир кўрсатади?

Вакциналар	Мақсадли гурӯҳдаги аҳоли сони	Бир нафар бола учун доза миқдори	Йўқотилиш омили	Йиллик эҳтиёж, доза	Чораклик + резерв заҳира (1 ой)	Бир доза учун қадоқ ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми ( $\text{cm}^3$ )	Вакцинанинг умумий ҳажми (литрда)	МҲС га талаб (108 л), дона
A	B	C	E	F=B*C*E	G		H	J	K
БЦЖ		1	2						
КПК		2	1,33						
АКДС		3	1,33						
АДС		1	1,33						
гепВ		3	1,25						
Жами									

Талабни  
баҳолаш

Сақлаш

Тақсимот  
ва элтиш

Мониторинг  
ва кураторлик

### 3. ТАҚСИМОТ ВА ЭЛТИШ

Тақсимот тизимининг вазифаси етарли миқдордаги самарали вакцина ва унинг заҳираси мавжудлигини узлуксиз (доимий) таъминлаш ҳисобланади. Иммунизация хизматини тақдим этиш бўйича мутасаддилар ишончли фаолият юритувчи тақсимот тизимини яратишлари ва аниқ белгилаб қўйишлари зарур:

- ҳар бир босқич учун таъминот даврийлигини ва тегишли миқдордаги вакцина ва инъекция учун материаллар етказиб берилишини;
- вакцина ва инъекция учун материаллар билан таъминлашга қулай бўлган йўналишни ва транспорт воситаларини.

#### 3.1 Вакциналар билан ЎТ-шприцларни биргаликда етказиб бериш


Бугунги кунда инъекцияларни амалга ошириш учун ЎТ-шприцлар энг хавфсиз ускуна ҳисобланади, чунки уларни фақатгина бир маротаба ишлатиш мумкин. 2003 йилда қатор йирик халқаро ташкилотлар, жумладан ЖССТ, иммунизация дастурларида фақатгина ЎТ-шприцлардан фойдаланишга чақирувчи хужжатни тайёрлашди. (ЖССТ-ЮНИСЕФ-UNFPA нинг иммунизация амалиётида ЎТ-шприцлардан фойдаланиш ҳақидаги қўшма баёноти, Женева, ЖССТ, 1999 [WHO/V&B/99.25]).

Комплект ҳолида етказиб бериш тамойили (8-кўшимчага қаранг) ЎТ-шприцларнинг ва бошқа материалларнинг улар фойдаланиладиган жойда мавжудлигини кафолатлаш учун ишлаб чиқилган тамойил бўлиб, бу ҳолат инъекциялар ўтказишнинг хавфсиз амалиётига кўмаклашади. Комплект ҳолида етказиб бериш оптималь амалиёт ҳисобланади. Бироқ бу ЎТ-шприцларни, эритиш учун шприцларни ва хавфсизлик контейнерларини тегишли миқдордаги вакциналар билан тақсимлашни кўзда тутиши боис, иммунизация хизматини тақдим этиш бўйича мутасадди комплект ҳолида етказиб бериш сиёсатини тадбиқ этишдан олдин қўйида келтирилган пунктларни инобатга олиши зарур.

- Агар вакциналар, ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар ва хавфсизлик контейнерлари турли бўлимлар тасарруфида бўлса, етарли миқдордаги ашёлар сотиб олиниши ва тақсимланиши учун, уларнинг мустаҳкам алоқасини ва ўзаро таъсирини таъминлаш зарур.
- Вакциналар ва ЎТ-шприцлар учун турли йўқотилиш даражалари белгиланган. ЎТ-шприцлар учун 10% йўқотилиш даражаси қабул қилинган бўлса, вакциналар учун антиген ва фланкондаги доза миқдорига қараб бу кўрсатгич 5% дан 50% гача бўлиши мумкин. Шунингучун таъминот тизимининг ҳар бир звеноси томонидан комплект ҳолида етказиб бериладиган вакциналар миқдори ва ЎТ-шприцлар миқдори, фақатгина комплект бевосита ишлатиладиган жойига етиб боргач бир хил бўлади.
- Ишлатиладиган жойда вакциналар, ЎТ-шприцлар, эритувчилар ва эритиш учун шприцлар миқдори ҳар бир сессияда кутилаётган эмлашлар миқдорига мос келиши зарур. Ушбу қоидага риоя этиш, айниқса, жойларга чиқиб ишловчи бригадалар томонидан эмлаш ўтказилишида муҳимдир.

### 8-құшымча. «Комплект ҳолида етказиб бериш» нимани англатади?

«Комплект ҳолида етказиб бериш» атамаси назарий «түплам» концепциясими ойдиналашириш учун танланган бўлиб, унинг таркибиغا қўидагилар киради:



- тегишли эритувчилари билан юқори сифатли вакциналар,
- йТ-шприцлар,
- хавфсизлик контейнерлари,
- эритиш учун шприцлар

Моҳият шундан иборатки, келтирилган компонентлардан ҳеч бири алоҳида қаралмайди;  
Уларнинг ҳар бири бошқа яна иккита компонентни ўз ичига олувчи түпламнинг муайян таркибий  
қисми сифатида қаралади.

«Комплект» физик биримини кўзда тутмайди ва ашёлар биргаликда қадоқланиши зарурлигини  
англатмайди.

#### 3.1.1 Комплект ҳолида етказиб бериш сиёсатини амалиётда амалга ошириш

Ўзингизни *Юқори* вилоядта иммунизация хизматини тақдим этиш бўйича раҳбар сифатида тасаввур этинг.  
Сиз Миллий босқичга, вилоятингиздаги 100 000 нафар боладан иборат мақсадли гурух учун АКДС вакцинаси  
етказиб берилишини сўраб, буюртма тайёрлайпиз. 25% йўқотилишни инобатга олиб (ёки ЙО=133), навбатдаги  
чорак учун 133 000 доза вакцина зарурлигини ҳисоблаб чиқардингиз.

*Юқори* вилоядта комплект ҳолида етказиб бериш тамойили жорий этилгани боис, Сиз тегишли  
миқдордаги йТ-шприцларга ҳам буюртма беришингиз зарур; Сизнинг ҳисобингизга кўра, 10% йўқотилиш (ёки  
ЙО=1,11) билан бирга, 147630 дона йТ-шприцлар зарур бўлади; 14-жадвалга қаранг.

## 1-МОДУЛЬ

### 14 жадвал. Комплектта етказиб бериш концепциясига мисол

Таъминот занжири босқичи	Аҳолининг мақсадли гурухи – чақалоқлар	Мутлақ сон, доза	ЙО 1,33	АҚДС га йиллик талаб, доза	АҚДС га чораклик талаб, доза	ЎТ-шприцларга чораклик талаб, дона
Вилоят	100 000	4	1,33	532 000	133 000	147 630
Туман	30 000	4	1,33	159 600	39 900	44 289
ДПМ	10 000	4	1,33	53 200	13 300	14 763
Сафардаги иммунизация	40	4	1,33	213	53	59

Шприцлар учун ЙО дан фарқли ўлароқ, вакциналар учун ЙО тизимидан таъминот занжирининг барча босқичларида – то бевосита қўлланилгунича фойдаланилади.

**1-эслатма:** Юқорида келтирилган мисолда бу кўрсатилмаган бўлсада, комплект ҳолида етказиб бериш тамойили вакциналар, эритувчилар, ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар ва хавфсизлик контейнерларини тўлиқ камраб олиши зарур.

**2-эслатма:** Сафардаги иммунизация якунига етгач фойдаланилмаган шприцлар одатда қайтарилади, АҚДС вакцинасининг очилган флаконлари эса йўқотилади ва хисобдан чиқарилади. Бу ҳолат йўқотилиш даражасининг турличалигини яқол намойиш этади ва ҳар бир алоҳида вакцина учун хос бўлган ЙО дан фойдаланиш зарурлигини изоҳлаб беради.

**5-машқ:** Комплект ҳолида етказиб бериш тамойили амалиётга тадбиқ этилишига доир вазиятга шарҳ.

**1-ВАЗИФА:** Вилоятингиздаги вакциналар, ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар ва хавфсизлик контейнерларига буюртма бериш, етказиб бериш ва тақсимлаш тизимини баён этинг.

**2-ВАЗИФА:** Юқорида келтирилган материалларнинг таъминоти билан бир неча муассасалар шуғулланишадими? Агар шунаقا бўлса, улар тақсимотни қандай мувофиқлаштиришади?

**3-ВАЗИФА:** Агар ЎТ-шприцлар, эритиш учун шприцлар ва/ёки хавфсизлик контейнерлар етишмовчилиги кузатилган бўлса, уларнинг сабаблари нимада?

### 3.2 Вакциналарни ва инъекция учун материалларни тақсимлаш режасини тузиш

Вакциналарни ва инъекция учун материалларни чекка ҳудудларга етарли миқдорда, ўз вақтида ва зарур элтиш шароитларида етказиб беришни таъминлаш учун бир неча ҳаракатлар амалга оширилиши зарур.

Биринчидан, таъминот даврийлиги одатда Миллий миқёсда Миллий қоидаларга ва стандарт фаолият амалийтларига (стандарт операцион процедураларга) мувофиқ белгиланади. Аксарият ҳолатларда биринчи ва иккинчи маъмурый босқичлар учун таъминот даврийлиги уч ойда бир маротаба сифатида, чекка ҳудудларни эса бундан кўра тез-тез таъминлаб туриш белгиланган (2-жадвалга қаранг).

Миллий ва вилоят босқичидаги раҳбарлар вилоят ва туманлар учун тақсимотнинг мажмуавий режасини ишлаб чиқишилари зарур. Ҳар бир вилоят туманлар рўйхатига эга бўлиши, ҳамда ойлик ёки чораклик вакциналар ва инъекция учун материаллар билан таъминлаш ҳажмини аниқлашлари зарур.

Вакциналар ва инъекция учун материаллар билан таъминлаш ҳажмини ҳисоблай туриб, мутасадди ҳар бир туман учун аниқлаш мумкин:

а) тақсимланиши зарур бўлган вакциналарнинг умумий ҳажмини, уларни ташиш учун керак бўладиган термоконтеинерлар сонини;

б) вакциналар билан комплект ҳолида етказиб берилиши зарур бўлган инъекция учун материалларнинг умумий ҳажмини ( $m^3$ да).

7-иловада келтирилган шакл вакциналар ва инъекция учун материалларни ташиш учун ускуналарга бўлган талабни ҳисоблашда ёрдам беради. Келтирилган усул аҳолининг мақсадли гурухи сони ва бир ой интервал билан ашёларни келтириш даврийлиги ҳақидаги маълумотларга асосланган.

### 3.2.1 Ташишда эҳтиёжларни баҳолаш

Ҳар бир туман учун зарур материаллар миқдорини ҳисоблаб, уларнинг ҳажмини аниқлаш мумкин; шундан кейин термоконтеинерларнинг керакли миқдорини ҳисоблаш ва элтишнинг оптимал усулини танлаш мумкин.

**Мисол:** Сиз вилоятингиздаги Шодлик туманига вакциналар ва инъекция учун материалларни элтишга ҳозирлик кўрайтпиз. 7-иловадаги шаклдан фойдаланиб, вакциналарнинг (167л) ва инъекция учун материалларнинг (жумладан эритувчиларнинг) ( $1,6 m^3$ ) умумий ҳажмини ҳисоблаб топдингиз. Одатда вакциналар 20 литрлик термоконтеинерларда ташилади. Шундай қилиб, юкни элтиб бериш учун Сизга 9 дона термоконтеинерлар зарур бўлади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб ва маҳаллий шарт-шароитларни яхши билишингизга таяниб Шодлик туманига юкни элтишнинг энг оптимал усулини танлаш борасида қарор қабул қилишингиз мумкин.

### 3.2.2 Вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларни элтиш учун транспорт воситасини танлаш

Вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларни элтиш учун транспорт воситасини танлаш, мазкур юкларнинг ҳажмидан ташқари, яна бошқа қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бунда йўлларнинг ҳолати, юкни элтувчи кишилар сони, масофа, йўналиш бўйича бензин/ёқилғи қуйиш шохобчалари мавжудлиги назарда тутилмоқда.

15-жадвалда одатда вакциналарни элтиш ва тақсимлаш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларининг ҳар хил турлари келтирилган.

**15 жадвал. Вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материалларни элтиш учун транспорт воситаларининг тавсифи**

Транспорт воситасининг тури	Юк кўтариш қуввати		Кундузги босиб ўтиш йўли	Изоҳлар
	Одамлар	Юк		
Кичик юк кўтариш қувватига эга юк автомобили	ҳайдовчи + 2 киши	4,5 м <sup>3</sup> (1 м гача баландлиқда кўп қаватли тарзда устма-уст тахлаш)	200 км	8 дона термоконтејнерларни (20 л) ва 1,9 м <sup>3</sup> хавфсиз инъекция учун материалларни, яъни қарийб 750 000 нафар аҳолиси мавжуд бўлган туманнинг ойлик эҳтиёжини ташиш имкониятига эга
Тезорар юк автомобили (кичик юк кўтариш қувватига эга)	ҳайдовчи + 4 киши	2,74 м <sup>3</sup> (1 м гача баландлиқда кўп қаватли тарзда устма-уст тахлаш)	200 км	6 дона термоконтејнерларни (20 л) ва 1,2 м <sup>3</sup> хавфсиз инъекция учун материалларни, яъни қарийб 500 000 нафар аҳолиси мавжуд бўлган туманнинг ойлик эҳтиёжини ташиш имкониятига эга
Тезорар юк автомобили (одатдаги, кузови ёпилган)	ҳайдовчи + 4 киши	1,8 м <sup>3</sup>	200 км	3 дона термоконтејнерларни (20 л) ва 0,6 м <sup>3</sup> хавфсиз инъекция учун материалларни, яъни қарийб 250 000 нафар аҳолиси мавжуд бўлган туманнинг ойлик эҳтиёжини ташиш имкониятига эга
Сафарда ишлабётган вакцинатор	0	битта сумка-совутгич ва 1дона ранец (0,02 м <sup>3</sup> )	5 км	

**6-машқ: Вакциналарни ва хавфсиз инъекция учун материалларни тақсимлаш режаси.**

Сиз Шарқий вилоятда иммунизация хизматини тақдим этиш бўйича раҳбарсиз ва вакциналарни ва хавфсиз инъекция учун материалларни вилоят марказидан туманларга элтишни ташкиллаштириш учун масъулсиз; бешта туманнинг ҳар бирида вакциналарни сақлаш учун омборлар мавжуд. Вилоятда вакциналарни ва материалларни элтиш учун ўртacha юк кўтариш қувватига эга юк автомобили бор.



**Ҳар бир туманнинг ойлик жорий эҳтиёжлари қуйида келтирилган**

Туманлар	Мақсадли гурух сони	Тақсимланадиган вакциналарнинг умумий ҳажми (оийга)	Термо-контейнерлар сони (20 л)*	Инъекция учун материалларнинг умумий ҳажми ( $\text{м}^3$ ) (ЎТ шприцлар 0,5 мл; эритиш учун шприцлар, 2 мл, 5 мл; хавфсиз контейнерлар ва эритувчилар)
A	30 000	160	8	1,9
Б	15 000	80	4	0,9
В	20 000	107	6	1,2
Г	25 000	134	7	1,6
Д	10 000	53	3	0,6

\* 20-литрлик термоконтейнерларнинг ташқи ўлчамлари – 71 x 55 x 50 см ёки 0,2 м<sup>3</sup>.

**1-ВАЗИФА: Вилоятнинг барча бешта тумани бўйича вакциналарни ва хавфсиз инъекция материалларини тақсимлаш режасини тузиш учун қуйидаги жадвални тўлғазинг.**

Йўналиш	Элтиш даврийлиги	Бутун вилоятни қамраб олиш учун зарур кунлар сони

Бир дозалик флаконлардаги суюқ пентавалент вакцина АКДС-гепВ-Hib амалиётга киритилиши муносабати билан эмлаш тақвимига ўзгартиришлар киритилди. Сиз Шодлик тумани учун янги ойлик эҳтиёжларни ҳисоблаб чиқдингиз (7-иловага қаранг) ва улар ўзгаришини аниқладингиз.

**2-ВАЗИФА: Шодлик туманида келиб чиқадиган транспорт, тақсимот ва совуқлик занжирига боғлиқ муаммоларни аниқланг.**

### 3.3 Чиқиндиларни тўплаш

Вакциналарни ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларни элтишга мўлжалланган транспорт воситаларидан, чиқиндиларни инсинерация йўли билан хавфсиз йўқотиладиган жойларгача ташиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, 2 м<sup>3</sup> сифимли юк автомобили хавфсиз ёкиш жойигача тахминан 30 та хавфсиз контейнерларни элтиши мумкин. Ушбу мавзу мазкур курснинг бошқа модулида батафсил ёритилган (3-модул: «Иммунизация хавфсизлиги»).

Талабни  
баҳолаш

Сақлаш

Тақсимот  
ва элтиш

Мониторинг  
ва кураторлик

### 4. МОНИТОРИНГ ВА КУРАТОРЛИК

Иммунизация учун зарур бўладиган материаллар таъминотининг мониторинги КИД/ГАВИ ни бошқариш умумий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Иммунопрофилактика бўйича тадбирларнинг, шунингдек, вакциналар ва материаллар таъминотининг одатдаги кундалик мониторинги ҳар ойда ўтказилади. Совуқлик занжири ва вакциналарни бошқариш тизимининг самарали мониторинги учун заҳиралар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар мунтазам йиғилади.

Вакциналар ва хавфсиз инъекция материалларининг мониторинги:

- ҳар бир вакцинанинг ва материалнинг етарли миқдорда ва талаб даражасидаги сифатда мавжудлигини таъминлашга ёрдам беради;
- хизмат кўрсатишда улардан рационал фойдаланишга кўмаклашади;
- иммунопрофилактика бўйича тадбирларни бошқариш тизимидағи муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар кўриш имконини беради;
- режалаштириш жараёнини мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

#### 4.1 Вакциналар ва хавфсиз инъекция материалларининг мониторинги учун кўрсаткичлар

16-жадвалда вакциналар ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларнинг мониторинги учун қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар келтирилган. Барча ушбу кўрсаткичларни ойлик заҳира даражаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб баҳолаш мумкин (масалан, барча туманларнинг ойлик ҳисботлари вилоят даражасидаги маълумотлар базасида жамланади; бундай маълумотлар базаси туманлар бўйича барча кўрсаткичларни кузатиб бориш имконини беради).

#### 16 жадвал. Вакциналар ва хавфсиз инъекция материалларининг мониторинги учун қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Мақсадлар
Иммунизация учун вакциналар и материалларнинг мавжудлиги	Барча босқичларда заҳираларни бошқариш ва тақсимлаш самарадорлигини оширади.
Вакциналар ва хавфсиз инъекция материалларининг комплект ҳолда тақсимланиши	Вакциналар ва материалларнинг улар қўлланиладиган жойда зарур миқдорда мавжудлигини таъминлайди.

Вакциналарни саклаш сифати	Вакциналарнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун, вакциналарни саклаш шароитларини, ҳорорат режимини ва ФТИ кўрсаткичи ўзгаришларини кузатиб боради.
ДПМга берилган вакциналардан фойдаланиш кўрсаткичи	Вакциналар ва материалларнинг тақчиллиги ёки ортиқчалигини прогнозлаш имконини беради.
Хизмат кўрсатиш даражасида вакциналарнинг киритиш жараёнидаги йўқотилиши	а) Хизмат кўрсатиш сифатини кузатиб боради (очиқ флаконларда йўқотилиш). б) Совуқлик занжири сифатини кузатиб боради (очилмаган флаконларда йўқотилиш).


## 4.2 Ҳисоботга киритиладиган кўрсаткичлар

Иммунизациянинг материал таъминоти мониторинги учун йигилиши зарур бўлган маълумотлар ҳажми жиҳатидан минимал, лекин изчил бўлиши зарур. КИД/ГАВИ нинг жорий (ойлик) ҳисботларига 17-жадвалда кўрсатилган асосий маълумотларни киритиш тавсия этилади.

### 17 жадвал. КИД/ГАВИ нинг жорий (ойлик) ҳисботларига киритиш учун асосий маълумотлар

Маълумот элементлари	Кўрсаткич	Формула
Фойдаланиш учун очилган флаконлардаги вакцинанинг доза миқдори	Вакцинанинг фойдаланиш кўрсаткичи	Очилган доза миқдори/ўша даврда олинган вакцина дозасининг миқдори x 100
Олинган вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар	Таъминотнинг тўлиқлиги	Олинган вакцинанинг ҳажми/ Олиниши зарур бўлган ҳажм
Ҳисбот даври охиридаги заҳиранинг қолдиғи	Заҳира даражаси	Заҳиранинг якуний қолдиғи/ эҳтиёжлар

**Эслатма:** Вакцинанинг сарфланиши қўлланилган доза миқдори/муайян давр мобайнида тақсимланган (одатда бир ой мобайнида) доза миқдори сифатида аниқланади. Ўртacha ойлик сарфланиш даражаси йиллик сарфланиш даражасига асосан ҳисбланади. Масалан, туманда ўтган йил мобайнида 24330 доза вакцина тақсимланган эди; демак, ўртacha ойлик сарфланиш даражаси: 24330:12=2028 ушбу вакцина дозасига teng. Сарфланиш ҳақидаги тасаввур омборлар мониторинги учун фойдали. Масалан, туманда омбордаги вакцина заҳирасининг ва ўртacha ойлик сарфланиш даражасининг (УОС) қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд:



	Омбор	ҮОС
БЦЖ	3,800	1,667
ОПВ	14,200	4,333
АКДС	5,500	2,950
ККР	5,600	2,217

Натижада – вакцинанинг мавжуд заҳираси қанчага етишини осон баҳолаш мумкин.

Вакцинанинг сарфланиш дарражаси (юқорида аниқланғандек) вакцина билан таъминлашни ва унга бўлган талабни таъминотдаги узилишлардан ёки ортиқча заҳира йиғилиб қолишидан холи этувчи мутаносибликка келтириш имконини беради. Сарфланиш дарражаси доимий равишда 100% дан кам бўладиган соғлиқни сақлаш муассасасида вакцинанинг ҳаддан зиёд заҳираси тўпланиб қолиш хавфи туғилади. Бошқа томондан, сарфланиш дарражаси 100% дан юқори бўлган соғлиқни сақлаш муассасасида, эҳтимол, резерв заҳирадан фойдаланилади ва вакцинанинг тугаб қолиш хавфи туғилади.

### 4.3 Заҳираларни бошқариш

Заҳиралар дарражасини мониторинг қилиш иммунизация хизматини тақдим этиш бўйича раҳбарга ҳар ойда ёки ҳар чорақда вакциналар ва материалларнинг етарли ҳажмига буюртма бериш ва уларни ўз вақтида чекка ҳудудларга - қўйи босқичга тақсимлаш имконини беради.

18-жадвалда вакциналар ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун аскотадиган материалларнинг заҳирасини ҳисобга олиш шаклидан намуна келтирилган. Ушбу жадвал заҳиранинг минимал ва максимал даражаларини кузатиб боришингизда Сизга ёрдам беради (заҳиранинг минимал дарражаси баён этилган 1-қўшимчага қаранг).

Ҳисобга олиш шаклидаги қайдлар мунтазам равишда ашёларни санаб чиқиш йўли билан солишириб чиқилади ва қайд этиш ёзувларига аниқликлар киритилади.

#### **18 жадвал. Вилоят омборидан туманларга заҳираларни тақсимлашни қайд этиш**

#### **4.4 Ҳарорат режимининг мониторинги**

#### **4.4.1 Вакциналар сақланадиган совутгичларда ҳарорат режимининг мониторинги**

Совутгичларнинг совутиш камерасидаги ҳарорат режимининг мониторинги учун Сиз қуидагиларга эга бўлишингиз зарур:

- термометр;
  - совутгич эшигининг ташқарисига ёпиштирилган ҳароратни қайд этиш журнали/варағи.

Ҳарорат режимининг мониторинги учун қуийдаги тартибда ишланг:


- Күннинг энг салқын вақтида совутгич термостати регуляторини  $+2^{\circ}\text{C}$ – $+4^{\circ}\text{C}$  ҳолатига келтиринг.
  - Ҳароратни эрталаб ишга келишингиз биланоқ, кечкурун эса ишдан кетишингиз олдидан текширинг. Агар ҳарорат  $+2^{\circ}\text{C}$ – $+8^{\circ}\text{C}$  кўлам (диапазон) оралиғида бўлса, термостатни регуляция қилиш (созлаш) керак эмас.
  - Ҳароратни эрталаб ва кечкурун текширишни давом этиринг; бу юмушни ҳар куни — иш, дам олиш ва байрам кунлари бажариш зарур.
  - Ҳар бир кун учун ҳароратни қайд этиш журналига/варағига вақтни ва ҳароратни қайд этиб боринг (кўйидагиларга қаранг).

## 1-МОДУЛЬ

### 6.а-расм. Сөвүтгичдаги ҳароратни қайд этиш варағи, 1-мисол: ҳафталик қайдлар

Жой:		Оқсув тиббиёт мұассасаси						
Усуна:		No.2 сөвүтгич						
Белгиланған зарур ҳарорат		+2°C – +8°C						
Душанбадан бошлаб, ҳафталар:		5 май 2007						
Кунлар	Бошланиши	°C	Түғри?	ФИО	Тугаши	°C	Түғри?	ФИО
дүш	07:00	1.0	Йүқ	В.Н.	17:15	0.0	Йүқ	D.K.
сеш	07:30	2.5	Ха	В.Н.	17:00	2.5	Ха	D.K.
чор	07:45	4.0	Ха	В.Н.	16:45	4.5	Ха	D.K.
пайш	08:00	4.5	Ха	В.Н.	17:20	8.0	Ха	D.K.
жума	07:25	9.5	Йүқ	В.Н.	17:25	10.0	Йүқ	D.K.
шанба	07:25	9.5	Йүқ	В.Н.	17:15	4.5	Ха	D.K.
якшан	07:35	4.0	Ха	В.Н.	17:00	5.0	Ха	D.K.
<b>Ушбу шаклни ҳар 24 соатда иккى маротаба түлғазинг, ҳафтада 7 күн</b>								
1) Термометр күрсаткычини текшириңг ва вактни ва ҳароратни қайд этиңг. 2) Ҳароратни қайд этишининг доимийлігін текшириңг. «Түғри» устуның ФАҚАТ, қачонки үлчаш пайтида термометр белгиланған түғри ҳароратни күрсатсагина «Ха» деб ёзинг. Акс ҳолда эса «Йүқ» деб ёзинг ва үз раҳбарингизни хабардор қилиңг. 3) Изоҳда барча одатдан ташқары ҳодисаларни, механик шовқин ва бошқаларни қайд этиңг. Бу ҳақида үз раҳбарингизни хабардор қилиңг. 4) Душанба куни әрталаб журнални раҳбарингизга күрсатинг, раҳбар танишганлиги ҳақида қайд этиши лозим; башарты ҳарорат варақта қайд этиб борилған бўлса душанба куни әрталабдан янги шаклдан фойдаланишни бошланг; түлғазилган шаклни раҳбарингизга топшириңг.								
Эслатма: <ul style="list-style-type: none"><li>• Душанба: әрталаб ва кечкурун паст ҳарорат: термостат регулятори етарлича паст ҳароратни таъминлашга мосланиб ўрнатилған. Кун давомида коррекция қилинган.</li><li>• Сешанба: әрталаб ҳарорат аста-секин күтарилиб борди ва әрталаб соат 5 да +2°C га етди.</li><li>• Пайшанба: кечкурун рефрижератор кучли шовқин чиқарди.</li><li>• Жума: әрталаб рефрижератор ишдан чиқди. Инженер чақирилди.</li><li>• Шанба: Эрталаб соат 10 да рефрижератор таъмиirlаб бўлинди.</li></ul>								
<b>ҲАМИША ЁДДА ТУТИНГ: Бу шаклни вакциналар хавфсизлиги учун масъул ҳодим түлғазади!</b>								

### 6.6-расм. Совутгичда ҳароратни қайд этиш журналининг/варагининг шакли, 2-мисол



Жадвал тўлиқ тўлгач, янгиси билан алмаштиринг. Тўлган жадвалларни эҳтиёт юзасидан қайд этиш китобида сақланг. Ҳарорат тавсия этилган доирадан (диапазондан) ташқарига чиққанида тегишли чораларни кўринг.

#### 4.4.2 Вакциналар сақланадиган совутгичдаги ҳароратни қандай тўғриланади

Агар ҳарорат ўта ПАСТ бўлса (яъни  $+2^{\circ}\text{C}$  дан паст), қуйидагича йўл тутинг:

- Термостат тутқини шундай бурингки, унинг стрелкаси кичикроқ рақамни кўрсатсин. Бунда совутгич юқорироқ ҳароратни ушлаб туради.
- Музлатгич эшикчаси зич ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Зичлагич шикастланган бўлиши мумкин.
- Музлатишига сезгир вакциналарни (АҚДС, АДС, АДС-м, АС, гепВ, АҚДС- гепВ , суюқ Hib ва АҚДС- гепВ +Hib) текшириш учун силкитиш синамасидан фойдаланинг ва музлаш оқибатида вакцина яроқсиз ҳолга келиб қолмаганми, шуни аниқланг (З-иловага қаранг).

#### Ёдда тутинг:

- Арзимас иситиш, музлатишига қараганда вакцинага камроқ шикаст етказади.
- Ҳамиша ҳароратни  $+2^{\circ}\text{C}$  дан  $+8^{\circ}\text{C}$  гача бўлган доирада ушлаб туриш зарур.

Агар ҳарорат ўта ЮҚОРИ бўлса (яъни  $+8^{\circ}\text{C}$  дан юқори), қуйидагича йўл тутинг:

- Совутгич ишлаётганилигига ишонч ҳосил қилинг. Агар ишламаётган бўлса, тармоқда электр токи мавжудлигини текширинг.
- Совутгич ёки музлатгич эшикчаси зич ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Зичлагич шикастланган бўлиши мумкин.
- Қиров қоплами музлатиш камерасидан совутиш камерасига ҳаво ўтишининг йўлини тўсиб қўймаганми, шуни текширинг. Зарурият мавжуд бўлса, эритинг.

- Термостат тутқичини шундай бурингки, унинг стрелкаси кантароқ рақамни күрсатсан. Бунда совутгич пастроқ ҳароратни ушлаб туради.
- Агар ҳароратни +2°C дан +8°C гача доирада ушлаб туриш имкони бўлмаса, совутгич таъмирангунига қадар вакциналарни бошқа жойда сақланг.

**Дикқат:**


- Электр таъминоти тўхтаганида, термостат тутқичини янада «совуқ» ҳолатга бурманг. Бу вакциналарнинг музлаб қолишига олиб келиши мумкин.
- Вакцина олиниб совутгичга жойланганида, термостат тутқичини янада «совуқ» ҳолатга бурманг. Бу вакциналарнинг музлаб қолишига олиб келиши мумкин.

### 4.5 Флаконлардаги вакцина сифатининг мониторинги учун ФТИ дан фойдаланиш

- а) Вакциналар ташиш ёки сақлаш жараёнларида иссиқ ҳарорат таъсирига дучор бўлиши мумкин бўлган ҳолатларда, ФТИ ҳамиша вакцина фойдаланиш учун нечоғли хавфсиз эканлигини кўрсатиб туради.
- б) ФТИ фақат ўзи жойлаштирилган флакондаги вакцинага тааллуқли. Уни бошқа вакциналар учун индикатор сифатида фойдаланиш мумкин эмас; мазкур вакциналар турлича шароитларда сақланган бўлиши мумкин.
- с) ФТИ сафарда иммунизацияни ўтказишда жуда фойдали. Ҳаттоқи совуқлик занжири бекарор шароитларда ҳам ФТИ ҳолатига қараб вакциналарни ишлатишни давом эттириш мумкин. Лекин ФТИ музлашга сезир бўлган вакцина музлаганлиги ёки музламаганлигини кўрсатмайди.
- д) Барча тиббиёт ходимлари ФТИ кўрсатгичини изоҳлай олишни (интерпретация қила олишни) билиши зарур (4-иловага қаранг). Бу борада, тиббиёт ходимларининг билимини кураторлик ташрифлари чоғида мутасаддилар мунтазам текшириб ва назорат остига олиши мақсадга мувофиқ.

Хозирги пайтда (ушбу модул тайёрланиш пайтида) тўрт турдаги ФТИ — 2, 7, 14 ва 30 қўлланилмоқда. Ҳар бир рақам вакцина +37°C да сақланганида ҳисобдан чиқариш нуқтасига этиши учун ФТИга зарур бўладиган кунлар сонини билдиради. Турли вакциналар билан, вакцинанинг қиздиришга сезгирилгига мувофиқ равишда, ҳар хил турдаги ФТИ дан фойдаланилади, масалан, ОПВ билан, қиздиришга ўта сезир бўлган 2-турдаги ФТИ, 14-турдаги ФТИ — қиздиришга анчайин кам сезгирилкка эга АКДС-гепВ-Ніввакцина билан қўлланилади.

**6.в-расм. Иссиқликка турлича сезгирилкка эга КИД/ГАВИ вакциналари учун  
ФТИ нинг 4 хил тuri**



## 4.6 Вакциналардан янада рационал фойдаланиш

Вакциналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва асоссиз йўқотилишининг олдини олиш, барча босқичларда, аксарият ҳолларда, бошқариш сифатига боғлиқдир. Лекин, ҳаттоқи, оптимал бошқарув йўлга кўйилганида ҳам, иммунизация амалиётида вакциналарнинг муайян даражада йўқотилишини прогнозозлаш зарур. Йўқотилиш барча босқичларда бўлиши мумкин. Улар марказий омборда, турли оралиқ босқичларда, эмлаш сессияларини ўтказиш чоғида ДПМда, шунингдек, элтиш жараёнида содир бўлиши мумкин. Йўқотилишларни келтириб чиқарувчи омилларига кўра, бартараф этилиши мумкин бўлмаган ва бартараф этиш мумкин бўлган йўқотишлар сифатида таснифлаш мумкин.

### 4.6.1 Вакциналар йўқотилишининг бартараф этилиши мумкин бўлмаган омиллари

Энг мухим омиллар орасида таъкидлаш жоиз:

- иммунизация сессияси якунида албатта ҳисобдан чиқарилиши зарур бўлган эритилган вакциналар;
- кўп дозалик фланконлардан фойдаланиш сиёсатини қўллаш мумкин бўлмаган шароитларда ишлатиладиган бошқа вакциналар.

### 4.6.2 Вакциналар йўқотилишининг бартараф этилиши мумкин бўлган омиллари

- Булар вакциналарни бошқаришни яхшилаш йўли билан назорат қилиниши мумкин бўлган омиллар:
- вакциналарнинг ҳаддан зиёд тўпланиб қолишига ёки яроқлилик муддати тугагунигача фойдаланиш имкониятий йўқлигига олиб келувчи заҳираларни рисоладагидек бошқармаслик;
  - вакцинанинг ҳаддан зиёд исиб кетиши ёки совуб кетишига олиб келувчи совуқлик занжири ишидаги узилишлар;
  - вакцинани дозалашнинг бузилиши (масалан, икки томчи ўрнига уч томчи ОПВ томизиш ёки 0,5 мл ўрнига 0,6 мл вакцинани инъекция қилиш);
  - кўп дозалик флаконлардан фойдаланиш сиёсатига амал қилмаслик;
  - флаконларнинг контаминацияси, йўқолиши, шикастланиши ёки ўғриланиши.

### 4.6.3 Аввало қамраб олиш ҳақида, кейин эса йўқотишлар ҳақида ўйланг

Сафарда ишлаш учун жўнай туриб тиббиёт ходими етарлича миқдордаги флаконларни ғамлаб олиши, ҳаттоги бир нафар бола учун ҳам янги флаконни очишга тайёр бўлмоғи зарур.

Ҳеч қажон тиббиёт ходимини вакцинанинг юқори йўқотилиши учун койиманг, чунки бу ҳолат қўп дозалик флаконларнинг очилмаслигига, эмлашни эса камроқ болалар олишига олиб келиши мумкин.

**Аҳамиятли ҳолат.** Эмлашни ўтказиш имконияти бир доза вакцина баҳосидан муҳимроқ. Мақсад – имкон қадар кўпроқ болаларни ва эмланиши даркор бўлган катта ёшлиларни эмлашдан иборат. Вакцинали янги флаконни ҳеч иккilanmasdan очинг – вакцинацияга муҳтож ушбу шахсни эмлаш учун қайта имконият бўлмаслиги мумкин

## 4.7 Кураторлик

Иммунизация тизимининг барча босқичларида энг кўп қузатиладиган муаммолар орасида совуқлик занжирини ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун аскотадиган материаллар таъминотини бошқариш эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бошқарувга доир муаммоларни кураторлик ташрифлари чогида шу жойнинг ўзида тегишли чоралар кўриш йўли билан бартараф этиш мумкин. Ҳаттоги агар муаммони дарҳол бартараф этиш имкони бўлмаса ҳам, кўпинча кураторга тегишли қарорлар қабул қилишга (масалан, таъмирлаш, алмаштириш ва ҳ.) рухсат этилиши зарур. Барча кураторлик ташрифлари тўлақонли ва мунтазам бўлиши зарур — назорат рўйхати бўлиши жуда муҳим, кураторнинг ўзи эса атрофлича билимга ва амалий тайёргарликка эга бўлиши тақозо этилади. Мазкур модулда, шунингдек 6-модулда катта ҳажмдаги ахборот бўлиб, улар кураторлик ташрифларининг самарали бўлишига хизмат қиласди. Навбатдаги тадбирлар кураторлик ташрифларини зарур тарзда амалга оширишга мисол бўла олади.

**7-машқ: Кураторлык ташрифлари чөғида муаммоларни бартараф этиш.**

**Қүйида кураторлык ташрифи учун назорат саволига мисол келтирилган.  
Айрим изохлар шаклга «аниқланган муаммолар» күринишида  
киритилген.**

**1-ВАЗИФА:** Куратор жойларда аниқланган муаммоларни кураторлык ташрифлари чөғида ва ундан кейинги узоқроқ муддат мобайнида бартараф этиш учун қанақа чоралар күриши зарур? Кураторлык ташрифлари чөғида Сиз текширмоқчы бўлган исталган (совуқлик занжири, вакциналарни бошқариш билан боғлиқ) қўшимча пунктларни ёзинг.

	Саволлар	Ҳа / Йўқ	Изоҳ (аниқланган муаммолар)	Тўғрилаш бўйича тадбирлар	
				Жойида	Узоқроқ муддат мобайнида
1	Вакциналар совутгичда тўғри жойланганми?	Йўқ	ГепВ-вакцинаси музлатиш камерасига жуда яқин жойланган		
2	Совутгичда яроқлилик муддати ўтган вакциналар мавжудми?	Йўқ			
3	Совутгичда ФТИ даги ўзгаришлар ҳисобдан чиқариш нуқтасига етган вакциналар мавжудми?	Ҳа			
4	Тиббиёт ходимлари ФТИ кўрсаткичларини ўқишини ва изоҳлашини биладими (улардан ФТИ даги ўзгариш босқичларини тасвирлашни ва ҳар бири нимани англатишни сўранг)	Ҳа			
5	Тиббиёт ходимлари силкитиш тести ҚАЧОН ўтказилишини биладими ва уни тўғри бажара олишадими? (3-илова)	Йўқ			
6	Иммунизация учун ҳамиша йўт-шприцлар қўлланиладими?	Ҳа			
7	Инъекциялар тўғри бажариладими?	Ҳа			
8	Йўт-шприцларни йигиш учун хавфсизлик контейнерларидан фойдаланиладими?	Ҳа			
9	Қайд этиш журналидаги маълумотлар бўйича вакциналар ва инъекция учун материаллар етарликми? Заҳира минимал ва максимал даражалар оралиғида жойлашганми?	Йўқ	Йўт-шприцлар йўқ		
10	Ҳароратни қайд этиш варақлари мунтазам тўлғазиладими?	Йўқ	Фойдаланилмайди		

## **ГЛОССАРИЙ**

**Ўзи тўсилювчи шприц:** биринчи фойдаланишдан кейин поршени тўсилиши эвазига автоматик тўсиладиган махсус модификацияланган қотирилган игнали бир марталик шприц.

**Комплектлаш (мужассамлаш):** муайян объектларга биргаликда буюртма берилишини, тақсимланишини ва фойдаланишишини талаб этувчи концепция.

**Совуқлик занжири:** вакциналар заводдан харид қилинганидан то мақсадли гурӯҳучун қўлланилгунига қадар ташиб, сақлаш, тақсимлаш жараёнларида меъёрий ҳароратда сақланиши ва яроқли ҳолда бўлишини таъминлаш учун ташкиллаштирилган ва ушлаб турнилдиган совутиш ускуналари, совутиш хоналари, музлатгич ва термоконтеинерлардан иборат тизимdir

**Комбинацияланган (омухталанганд) вакцина:** бир неча компонентдан ёки антигендан иборат вакцина (масалан, АҚДС вакцина ёки АҚДС – Геп В).

**Эритувчи:** кукун ҳолидаги/лиофилизацияланган вакциналарни тиклаш учун қўлланиладиган суюқлик. Ҳар бир бундай вакцина ўз эритувчисига эга бўлиб, уларни бошқа вакциналарни тиклаш учун қўллаш мумкин эмас.

**Яроқлилик муддати:** муайян сана, шундан кейин вакцина, эритувчи ёки бошқа ишлатиладиган материаллар (масалан: шприцлар, ингалар) яроқлилигини (вакциналар) ёки ишончлилигини (ишлатиладиган бошқа материаллар) йўқотганлиги боис иммунизацияда қўлланилмаслиги керак.

**Индикатор:** мақсадлар ва вазифаларга эришиш йўлидаги ҳаракатни ўлчаш учун қўлланиладиган каталик. Индикатор бажарилаётган ишни самарадорлик ва натижা нуқтаи назаридан тақослаш учун қўлланилади. Шунингдек, ундан ташқаридан бўладиган аралашувнинг (масалан, қўлланилаётган бирон тадбирнинг) таъсирини ўлчаш учун ҳам фойдаланилади.

**Инвентаризация:** совуқлик занжирида қўлланиладиган ускуналарнинг ва бошқа материалларнинг сонини санаш, уларнинг ҳолатини ва функционал имкониятларини баҳолаш.

**Логистика:** вакциналар ва ишлатиладиган материалларни харид қилишни, қўлланиладиган жойгача элтишни, транспорт воситалари ва совуқлик занжирида қўлланиладиган ускуналарни бошқаришни ва уларга хизмат кўрсатишни қамраб олувчи ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир (операциялар гурӯҳидир).

**Техник хизмат кўрсатиш:** совуқлик занжири билан боғлиқ ускуналарнинг ва транспорт воситаларининг бир маромда ишлашини кафолатловчи қатор техник ҳаракатлар (профилактика ва таъмирлаш).

**Эритувчилар:** вакциналарнинг дастлабки (музлатиб қўритилгунгача бўлган) ҳолатини тиклаш учун қўлланиладиган суюқликлар.

**Курация:** хизмат кўрсатувчиларга режалаштирилган мақсадларига эришиш учун ўз бурчлари ва белгиланган вазифаларини бажарышлари борасида муассаса томонидан олиб бориладиган кузатиш, қўллаб-куватлаш ва қўмаклашиш жараёни. Жараён кузатишга, интервьюга, қараб чиқишга ҳамда кураторларга вазиятни баҳолашда, тиббиёт ходимларига эса ишни яхшилашда ёрдам берадиган хужжатлар шарҳига асосланган.

**Вакцина:** юкумли касалликларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида кишиларни эмлаш учун фойдаланиладиган, ўлдирилган ёки аттенуация қилинган (заифлаштирилган) вируслар, бактериялар ёки уларнинг токсинларидан тайёрланган биологик маҳсулот.

## 1-ИЛОВА: АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Adopting global vaccine management policies for national use. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.32).
2. Effective Vaccine Store Management Initiative, Modules 1–4. Geneva, World Health Organization, 2004 (WHO/IVB/04.17; WHO/IVB/04.18; WHO/IVB/04.19; WHO/IVB/04.20).
3. Ensuring the quality of vaccine at the country level. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.16).
4. Equipment performance specifications and test procedures. E1: Cold rooms and freezer rooms. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.33).
5. Getting started with vaccine vial monitors. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.35).
6. Guideline for establishing or improving primary and intermediate vaccine stores. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.34).
7. Guidelines on the international packaging and shipping of vaccines. Geneva, World Health Organization, 2005 (WHO/IVB/05.23).
8. How to look after a cold room or freezer room: self-assessment tool. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.30).
9. Immunization in practice: A practical guide for health staff. Geneva, World Health Organization, 2004 (WHO/V&B/04.06).
10. Monitoring vaccine wastage at country level. Guidelines for programme managers. Geneva, World Health Organization, 2003 (WHO/V&B/03.18).
11. WHO/UNICEF Product Information Sheets (2000 edition with Warning). Geneva, World Health Organization, 2000 (WHO/V&B/00.13).
12. Quality of the cold chain: WHO-UNICEF policy statement on the use of vaccine vial monitors in immunization services. Geneva, World Health Organization, 1999 (WHO/V&B/99.18).
13. Reference manual for health workers on injection safety. Ministry of Health, Kenya, 2004. Available at [http://www.technet21.org/pdf\\_file/KM3LogisticsMan.pdf](http://www.technet21.org/pdf_file/KM3LogisticsMan.pdf)
14. Study protocol for temperature monitoring in the vaccine cold chain. Geneva, World Health Organization, 2005 (WHO/IVB/05.01).
15. Temperature sensitivity of vaccines. Geneva, World Health Organization, 2006 (WHO/IVB/06.10).
16. User's handbook for vaccine cold rooms and freezer rooms. Geneva, World Health Organization, 2002 (WHO/V&B/02.31).
17. WHO policy statement: The use of opened multidose vials of vaccine in subsequent immunization sessions. Geneva, World Health Organization, 2000 (WHO/V&B/00.09).
18. WHO-UNICEF-UNFPA Joint statement on the use of auto-disable syringes in immunization services. Geneva, World Health Organization, 1999 (WHO/V&B/99.25). Available at: <http://www.who.int/vaccinesdocuments/DocsPDF99/www9948.pdf>.

## 2-ИЛОВА: ВАКЦИНАЛАР ЙЎҚОТИЛИШИНГ ИНДИКАТОРЛАРИ

Йўқотилиш омили (ЙО) иммунизация дастури доирасида вакциналар йўқотилишини акс этирувчи кўрсаткич ҳисобланади. У вакциналарга бўлган эҳтиёжни тўғри ҳисоблаш учун қўлланилади. Вакцинанинг йўқотилиш даражаси, дастурнинг қатор тавсифларига кўра турлича бўлиши мумкин (масалан, битта сессиядаги эмлашлар сони, сессия режалари, флакондаги вакцина дозасининг миқдори ва таъминотни бошқариш).

Қуйидаги жадвал ЙО ни ҳисоблашда ёрдам бериши мумкин. Бироқ, ушбу маълумотларни амалиётда вужудга келган муайян вазиятга, шарт-шароитга мослаб ўзгартириш мумкин.

**ЭСЛАТМА:** ЙО эмлаш ишини ташкиллаштириш тартибига/турига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, кўшимча иммунизация тадбирлари бўйича компанияда кундалик одатий вакцинация жараёнидагига нисбатан бошқачароқ ЙО бўлиши мумкин.

### Йўқотилиш кўрсаткичлари

Вакциналарга бўлган талабни баҳолаш учун маҳаллий маълумотлар йўқлигига, вакцина тури ва флакондаги доза миқдорини инобатга оловчи қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Вакциналар тури	Бир дозалик флаконлар	2–6- дозалик флаконлар	10–20- дозалик флаконлар
Лиофилизацияланган вакциналар	5%	10%	50%
Суюқ вакциналар	5%	10%	25%

Йўқотилиш кўрсаткичини тегишили йўқотилиш омилига қайта ҳисоблаш жадвали

Йўқотилиш кўрсаткичи (ЙК) қуйидаги қайта ҳисоблаш жадвали ёрдамида тегишили йўқотилиш омилига конвертация қилиниши мумкин:

Йўқотилиш кўрсаткичи	5%	10%	15%	20%	25%	30%	35%	40%	45%	50%
Йўқотилиш омили	1,05	1,11	1,18	1,25	1,33	1,43	1,54	1,67	1,82	2

**Мисол:** юқорида келтирилган жадвалдан фойдаланиб, 2 дозалик флаконлардаги лиофилизацияланган Hib-вакцинаси учун йўқотилиш кўрсаткичини аниқлаймиз — ЙК = 10% га тенг, бу эса ЙО = 1,11 га мос келади. Бу лиофилизацияланган Hib-вакцинасининг ҳар бир қўлланиладиган дозасига, 10% лик йўқотилиши компенсация қилиш учун, мазкур вакцинанинг 1,11 дозаси мавжудлиги таъминланиши зарурлигини англатади.

## 3-ИЛОВА: СИЛКИТИШ ТЕСТИ

### Силкитиш тести

Мазкур тест адсорбцияланган вакцина (АКДС, АДС, АДС-м, АС ёки гепВ-вакцина) музлаганми ёки музламаганилигини аниқлаш имконини беради. Музлаганидан кейин бундай вакциналар силкитилганида бир хил лойқа суюқлик эмас, балки флакон тубига чўкувчи ипсимон чўқмалар ҳосил қилишга мойил суюқлиқдан иборат бўлиб қолади.

Чўкма ҳосил бўлиши музлаган вакцинали флақонларда, мазкур вакцина ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган айнан шундай, лекин ҳеч қачон музламаган вакцинали флақонларга қараганда тезроқ содир бўлади.

Силкитиш тестини музлатиш индикаторлари фаоллаштирилган ёки терморегистраторлар манфий ҳароратни қайд этган барча термоконтейнерлардаги вакциналар учун ўтказиш зарур.

Тестни ўтказиш тартиби:

1. Вакцинанинг музлатилган назорат намунасини тайёрланг

Сиз текширмоқчи бўлган вакцинанинг ишлаб чиқарувчиси ишлаб чиқарган, ўша турдаги ва ўша партиядаги вакцинали флақонни олинг. Флақонни вакцина қаттиқ ҳолатга келгунига қадар музлатинг ( $-10^{\circ}\text{C}$  ҳароратда камида 10 coat), кейин эса эритинг. Бу флақон назорат намунаси сифатида фойдаланилиши мумкин. Мазкур флақонни, янгишдан ишлатиб юборишнинг олдини олиш учун, аниқ белги қўйиб белгиланг.

2. Тест ўтказиш (текшириш) учун флақонни танланг

Музлаганилигига шубҳангиз бўлган партия(лар)дан вакцинали флақонни олинг. Бу тест ўтказиш (текшириш) намунаси бўлади.

3. Назорат ва тест ўтказиш (текшириш) намуналарини силкитинг

Иккала намунани ҳам битта қўлингизга олиб 10–15 секунд мобайнида жадал равишда силкитинг.

4. Флақонлар ичидаги вакцинанинг турғун ҳолатга келишини таъминланг

Флақонларни столга қўйинг.

5. Флақонларни таққосланг

Флақонларни ёруғлик қаршисида тутиб, улардаги чўқиндининг чўкиш тезлигини таққосланг. Агар тест ўтказиш флақонида чўкма чўкиши, назорат намунасидагига қараганда анчагина секин кечса, текширилаётган вакцина музламаган деб ҳисоблаш учун етарли асос мавжуд ва вакцинани қўллаш мумкин. Агар иккала флақонда ҳам чўкиш тезлиги бир хил бўлса, текширилаётган вакцинали флақон музлаган деб ҳисоблаш учун етарли асос мавжуд ва вакцинани қўллаш мумкин эмас.

Айрим флақонларга флақон ичидаги маҳсулотни кўринмайдиган даражада тўсиб турадиган катта этикеткалар ёпиширилган. Бу чўкиш жараёнини кузатишига халақит қилади. Бундай ҳолатда назорат ва тест флақонларининг тубини тепага қаратиб тўнкаринг ва чўкиш жараёнини флақонларнинг бўғиз қисмидан кузатинг.

Силкитиш тестидан кейин тест ўтказиш (текшириш) флақони музлаганилиги аниқланса, зудлик билан бу ҳақида тиббиёт муассасаси раҳбарига хабар берилади. Музлаганилик эҳтимоллиги мавжуд деб қаралаётган барча флақонларни қараб чиқилади ҳамда тақсимланмаслиги ва фойдаланилмаслиги учун ажратиб қўйилади.

**Эслатма:** Силкитиш тести ёрдамида вакцинанинг ҳолатини текширишни фақатгина айнан битта вакцинанинг ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган, ўша турдаги ва ўша партиядаги вакцинали флаконларда амалга оширилади. Бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган ва бошқа партиядаги вакциналар учун бошқа ўзига мос келадиган янги назорат намунасидан фойдаланилади.

### 7-расм. Силкитиш тестининг натижалари



## 4-ИЛОВА: ФТИ КҮРСАТГИЧИНИ ЎҚИШ

Флакон термоиндикатори (ФТИ) вакцинали флакондаги этикеттадан иборатdir; у флакон мұайян вақт мобайнида иссиқлик таъсири остида қолганида үз рангини ўзгартиради. Флаконни очишдан олдин, вакцинанинг түрги сақланғанлыгига ишонч ҳосил қилиш учун, ФТИ ҳолатини текшириш зарур.

Хозирги пайтда ЮНИСЕФ томонидан етказиб берилсаётган аксарият вакциналар, флакон этикеткасига ёки қопқоғига ёпиширилган ФТИ билан жиҳозланған. Индикатор доира ичидағы квадрат шаклиға әга. Иссиқлик таъсирида квадрат аста-секин қораяди.

### 8-расм. Флакон этикеткасидаги ёки қопқоғидаги ФТИ



Агар ФТИ ички квадрати доиралы орнандырылғанда очроқ рангда бўлсагина флакондан фойдаланинг. Агар флакон ФТИ си қорая бошласа-ю, лекин ҳозирча ташки таңдағанда орнады орнада очроқ бўлса, бундай флаконни биринчи навбатда — ФТИ ички квадрати янада очроқ тусга әга флаконларга қараганда олдинроқ — ишлатинг.

#### Диққат!

Вакцинали флакондаги индикатор вакцина музлаганлыгини назорат қилишга мўжжалланмаган (музлашга сезгир вакциналар учун).

Вакцина қўлланилиши мумкинлигини кўрсатувчи флакондаги индикатор, вакцина музламаганлыгини англатмайди. Шунингдек, флакон индикатори «жойида бўлган» музлашга сезгир вакциналарни қўллашдан олдин, уларнинг музлашга дучор бўлмаганлыгига ишонч ҳосил қилинг.

### 9-расм. Флакон термоиндикатори күрсаткичини қандай үқилади

	V	Ички квадрат, ташки доирала қараганда оч тусда. <b>Яроқлилик мұддаты үтгап бўлмаса вакцинани қўлланг</b>
	V	Муайян вақт ўтганидан кейин ҳам ички квадрат, ташки доирала қараганда очроқ тусда. <b>Яроқлилик мұддаты үтгап бўлмаса вакцинани қўлланг</b>
	X	Критик нуқтадан паст Ички квадрат ва ташки доира бир хил тусда. <b>Вакцинани қўлланманг. Ўз раҳбарингизни хабардор қилинг</b>
	X	Критик нуқтадан паст Ички квадрат, ташки доирала қараганда тўқ тусда. <b>Вакцинани қўлланманг. Ўз раҳбарингизни хабардор қилинг</b>

#### Вакциналар совуқлик занжирисиз ишлатилганида ФТИ қўлланилиши

ФТИ мавжуд бўлган флаконлардаги вакциналар совуқлик занжирисиз, фақатгина тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар етарлича тайёргарликка эга бўлишса, яъни ФТИ ни қандай тўғри ўқиш ва изоҳлаш, ҳамда агар ФТИ ли флаконлар занжир охирида жойлашса ҳисобдан чиқариб йўқотилиши зарурлиги борасида ўқитилган бўлишса, қўлланилиши мумкин.

Бироқ, вакциналарни тақсимлаш жараёнида совуқлик занжiri шароитида имкон қадар узоқроқ муддат сақлаш ташкилий нуқтаи-назардан жуда тўғри бўлади. Бу дала шароитида вакцинанинг максимал даражада ўз фаоллигини йўқотмасдан сақлаб қолишини кафолатлади.

Вакциналарни совуқлик занжирисиз қўллашга рухсат этувчи Миллий сиёsat бутун қундалик жорий иммунизация дастури учун умумий қарор сифатида ёки чекланган — фақат муайян худудлар ёки маҳсус шароитлар учун тадбиқ этилиши мумкин; масалан:

- миллий иммунизация кунларида;
- қийин бориладиган географик жойларда иммунизацияни амалга оширишда;
- вакцинацияни «ўйма-ўй» юриб ўтказилганида;
- Йилнинг совуқ даврида;
- музлашга сезир вакциналарни (АҚДС, АДС-м, АДС, АС, гепВ ва Ніб вакциналарини) сақлаш ва ташиш чоғида, агар музлаш хавфи, юқори ҳарорат таъсир этиш хавфидан юқори бўлса.

Ёнда тутинг, лиофилизацияланган вакциналарни (қизамиқ, ВСГ, сариқ иситма ва лиофилизацияланган Ніб вакциналарини) вакцинация қилинадиган кишигача, агар муз мавжудлиги кафолатланмаса, элитиш мумкин эмас! Муз вакцина эритилганидан кейин уни совуқ мухитда сақлаш учун даркор.

## 5-ИЛОВА: МАҲСУЛОТ КАТАЛОГИ (ВАКЦИНАЛАР ВА СОВУТГИЧЛАР)

Вакциналар ва эритувчилар қадоғининг ҳажми бир дозага ҳисобланган

Вакцина номи	Тайёрланиш шакли	Киритиш усулі	Қисқартирилган номи	Флакондаги/ампуладагы доза миқдори	Бир дозага ҳисобланган қадоғининг ҳажми (см <sup>3</sup> )	
					Вакциналар	Эритувчилар
БЦЖ	лиофил.	T/Op	БЦЖ	20	1,2	0,7
Дифтерия-қоқшол-қўййутал	суюқ	M/I	АКДС	20	2,0	
Дифтерия-қоқшол-қўййутал	суюқ	M/I	АКДС	10	3,0	
Дифтерия-қоқшол	суюқ	M/I	АДС	10	2,0	
Қоқшол-дифтерия	суюқ	M/I	АДС-м	10	3,0	
Қоқшол анатоксини	суюқ	M/I	АС	10	2,0	
Қоқшол анатоксини	суюқ	M/I	АС	20	3,0	
Қоқшол анатоксини Uniject	суюқ	M/I	АС	1	25,0	
Қизамиқ	лиофил.	T/Oc	Қизамиқ	1	9,3	20,0
Қизамиқ	лиофил.	T/Oc	Қизамиқ	5	—	—
Қизамиқ	лиофил.	T/Oc	Қизамиқ	10	3,5	4,0
Қизамиқ-қизилча лиофил.	лиофил.	T/Oc	КК	10	2,5	4,0
Қизамиқ-паротит-қизилча лиофил.	лиофил.	T/Oc	КПК	1	16,0	20,0
Қизамиқ -паротит-қизилча лиофил.	лиофил.	T/Oc	КПК	10	3,0	4,0
Полио	суюқ	Орал	ОПВ	10	2,0	
Полио	суюқ	Орал	ОПВ	20	1,0	
Сарик иситма	лиофил.	T/Oc	СИ	5	6,5	7,0
Сарик иситма	лиофил.	T/Oc	СИ	10	2,5	6,0
Сарик иситма	лиофил.	T/Oc	СИ	20	1,0	3,0
АКДС-гепВ комбинир.	суюқ	M/I	АКДС-гепВ	1	9,7	
АКДС-гепВ комбинир.	суюқ	M/I	АКДС-гепВ	2	6,0	
АКДС-гепВ комбинир.	суюқ	M/I	АКДС-гепВ	10	3,0	
АКДС-гепВ+Hib комбинир. учун	суюқ	M/I	АКДС-гепВ	1	32,0	
АКДС-гепВ+Hib комбинир. учун	суюқ	M/I	АКДС-гепВ	3	24,0	
Гепатит В	суюқ	M/I	ГепВ	1	18,0	
Гепатит В	суюқ	M/I	ГепВ	2	13,0	
Гепатит В	суюқ	M/I	ГепВ	6	4,5	
Гепатит В	суюқ	M/I	ГепВ	10	4,0	
Гепатит В	суюқ	M/I	ГепВ	20	3,0	
Гепатит В Uniject	суюқ	M/I	ГепВ Uniject	1	30,0	
Hib суюқ	суюқ	M/I	Hib суюқ	1	15,0	
Hib суюқ	суюқ	M/I	Hib суюқ	10	2,5	

## 1-МОДУЛЬ

Hib лиофил.	лиофил.	М/И	Hib_лиоф.	1	13,0	35,0
Hib лиофил.	лиофил.	М/И	Hib_лиоф.	2	6,0	
Hib лиофил.	лиофил.	М/И	Hib_лиоф.	10	2,5	3,0
АКДС суюқ+ Hib лиофил.	суюқ+лиоф.	T/Oc	АКДС+Hib	1	45,0	
АКДС суюқ+ Hib лиофил.	суюқ +лиоф.	T/Oc	АКДС+Hib	10	12,0	
АКДС-Hib комбин. суюқ	суюқ	М/И	АКДС-Hib	1	32,3	
АКДС-Hib комбин. суюқ	суюқ	М/И	АКДС-Hib	10	2,5	
АКДС-гепВ суюқ+ Hib лиоф.	суюқ +лиоф.	М/И	АКДС-гепВ+Hib	1	22,0	
АКДС-гепВ суюқ+ Hib лиоф.	суюқ +лиоф.	М/И	АКДС-гепВ+Hib	2	11,0	
АКДС-гепВ суюқ+ Hib лиоф.	суюқ +лиоф.	М/И	АКДС-гепВ+Hib	10	5,3	
АКДС-гепВ-Hib суюқ	суюқ	М/И	АКДС-гепВ-Hib	1	12,9	
Менингококк A/C	лиофил.	T/Oc	MB_A/C	10	2,5	2,5
Менингококк A/C	лиофил.	T/Oc	MB_A/C	50	1,5	1,5
Менингококк A/C/W/Y	лиофил.	T/Oc	MB_A/C/W/Y	10	2,5	2,5
Менингококк W135	лиофил.	T/Oc	MB_W135	—	—	
Менингококк А конъюгир.	лиофил.	T/Oc	Мен_A	10	3,8	
Ротавирус	суюқ	Орал	Rota	1	111,6	
Пневмококк конъюг. 7-валентн.	суюқ	М/И	ПКВ-7	—	—	
Гриппа қарши	суюқ		Грипп	—	—	

Манба: Холқаро ташиш бүйінча құлланма (2005 үйлігі тахраны өткізу 2006 үйлігіндеғі прогнозы).

### Вакциналарни сақлаш учун совутгич ва музлатгичларнинг ұжымы

Усунаңнанған тавсифи					Совуқлик агенттери	Харорат чегарасы	Фойдалы ұжым, літр	
Тавсиф	Марка	Модель	Код РІС	Түрі			Совутгични	Музлатгични
совутгич ва музлатгич	BP Solar	VR50F	E3/37-M	CO	R134a	ИПХУ	17,5	5.0
совутгич ва музлатгич	Bright Light Solar	PS65	E3/106-M	CO	R134a	ИПХУ	37.5	16.0
совутгич ва музлатгич	Bright Light Solar	PS40	E3/109-M	CO	R134a	ИПХУ	18.0	4.0
ХЛЗ	Dometic	TCW 3000	E3/107-M	CR	R134a	ИПХУ	126.5	
совутгич ва музлатгич	Dulas	VC-150 F	E3/79-M	CO	R134a	ИПХУ	85.0	24.0
совутгич ва музлатгич	Dulas	VC-65 F	E3/103-M	CO	R134a	ИПХУ	37.5	16.0
совутгич	Electrolux	RCW 42 EG/CF	E3/21-M	AX	NH3	МПХУ	10.5	39234
совутгич	Electrolux	RCW 42 EK/CF	E3/22-M	AX	NH3	МПХУ	18.2	39114
ХЛЗ	Electrolux	TCW 1152/CF	E3/24-M	ILR	R134a	ИПХУ	169.0	
совутгич ва музлатгич	Electrolux	RCW 42AC/CF	E3/30-M	CR	R134a	ИПХУ	12.0	12.0
совутгич ва музлатгич	Electrolux	RCW 42DC/CF	E3/31-M	CO	R134a	ИПХУ	14.0	14.0
ХЛЗ	Electrolux	TCW 1990	E3/62-M	ХЛЗ	R134a	ИПХУ	37.5	
совутиш элементлари учун музлатгич	Electrolux	FCW 20 EG/CF	E3/72-M	AM	NH3	МПХУ	—	14.0
совутиш элементлари учун музлатгич	Electrolux	FCW 20 EK/CF	E3/73-M	AM	NH3	МПХУ	—	14.0

СОВУҚЛИК ЗАНЖИРИНИ, ВАКЦИНАЛАРНИ ВА ХАВФСИЗ ИНЪЕКЦИЯ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРНИ БОШҚАРИШ

совушиш элементлари учун музлатгич	Electrolux	TFW 800	E3/80-M	KM	R134a	ИПХУ		145.0
совутгич ва музлатгич	Electrolux	RCW 50 EG/CF	E3/88-M	AX	NH3	ИПХУ	24.0	
совутгич ва музлатгич	Electrolux	RCW 50 EK	E3/91-M	AX	NH3	ИПХУ	24.0	
совутгич ва музлатгич	Electrolux	RCW 50DC/CF	E3/93-M	CO	R134a	ИПХУ	24.0	8.0
совутгич ва музлатгич	Electrolux	RCW 50 AC	E3/94-M	KX	R134a	ИПХУ	24.0	8.0
совушиш элементлари учун музлатгич	Electrolux	FCW 300	E3/99-M	KM	R134a	ИПХУ		264.0
совушиш элементлари учун музлатгич	Electrolux	FCW 200	E3/100-M	KM	R134a	ИПХУ		144.0
совутгич ва музлатгич	Fortum AE5	CFS49 ISI	E3/70-M	CO	R134a	ИПХУ	20.0	8.0
совутгич ва музлатгич	Kyocera Solar	VaccPack XL 2100	E3/104-M	CO	R134a	ИПХУ	21.0	24.0
совутгич ва музлатгич	Kyocera Solar	VaccPack XL 6000	E3/105-M	CO	R134a	ИПХУ	60.0	16.0
ХЛЗ	LEC RefrigerationPLC	VC 139 F	E3/64-M	ХЛЗ	R134a	ИПХУ	107.5	
совутгич ва музлатгич	Norcoast	NRC 30-10	E3/65-M	CO	R134a	ИПХУ	15.5	12.2
совутгич ва музлатгич	Norcoast	Model 120-30	E3/92-M	CO	R134a	ИПХУ	63.0	30.0
совутгич ва музлатгич	PT. Dilihan Glory	DOVLINE	E3/110-M	CR	R134a	МПХУ	16.0	
совутгич ва музлатгич	Sibir	V 170 GE	E3/84-M	AX	NH3	ИПХУ	55.0	36.0
совутгич ва музлатгич	Sibir	V 170 EK	E3/85-M	AX	NH3	ИПХУ	55.0	36.0
совутгич ва музлатгич	Sibir	V 110 GE	E3/86-M	AX	NH3	ИПХУ	17.0	15.0
совутгич	Sibir	V 110 KE	E3/87-M	AX	NH3	МПХУ	17.0	15.0
совутгич ва музлатгич	Solamatic	PVR150	E3/101-M	CO	R134a	ИПХУ	30.0	12.0
совутгич ва музлатгич	Sun Frost	RFVB-134a	E3/77-M	CO	R134a	ИПХУ	38.7	32.5
совутгич ва музлатгич	TATA BP Solar	TBP VR 50	E3/83	CO	R134a	ИПХУ	18.0	5.0
ХЛЗ	Vestfrost	MK 144	E3/57-M	ХЛЗ	R134a	ИПХУ	45.0	
ХЛЗ	Vestfrost	MK 074	E3/75-M	ХЛЗ	R134a	ИПХУ	20.0	
ХЛЗ	Vestfrost	MK 204	E3/81-M	ХЛЗ	R134a	ИПХУ	63.0	
ХЛЗ	Vestfrost	MK 304	E3/82-M	ХЛЗ	R134a	ИПХУ	108.0	
вакциналар/совушиш элементлари учун музлатгич	Vestfrost	MF 114	E3/96-M	KM	R134a	ИПХУ		72.0
вакциналар/совушиш элементлари учун музлатгич	Vestfrost	MF 214	E3/97-M	KM	R134a	ИПХУ		192.0
вакциналар/совушиш элементлари учун музлатгич	Vestfrost	MF 314	E3/98-M	KM	R134a	ИПХУ		264.0
совутгич ва музлатгич	Zero	PR 245 K/E	E3/89-M	AX	NH3	МПХУ	18.0	20.0
совутгич ва музлатгич	Zero	GR 245 G/E	E3/90-M	AX	NH3	МПХУ	18.0	20.0
совушиш элементлари учун музлатгич	Zero	PF 230 IP KE	E3/95-M	AX	NH3	ИПХУ		144.0
совутгич ва музлатгич	Zero	GR 265 K/E	E3/102-M	AX	NH3	ИПХУ	16.0	
совутгич ва музлатгич	Zero	PR 265 K/E	E3/108-M	AX	NH3	ИПХУ	37.5	9.6

## 1-МОДУЛЬ

Манба: WHO/UNICEF Product Information Sheets, WHO/V&B/00.13 Тархир: февраль 2007 йил.	KM=компрессион турдаги музлатгич AX=абсорбцион турдаги совутгич KX=компрессион турдаги совутгич AM=абсорбцион турдаги музлатгич CO=қүёш энергияси учун ускуна	MПХУ = мұйтадил пояс ҳудудлари учун ускуна ИПХУ = иссиқ пояс ҳудудлари учун ускуна СПХУ = совуқ пояс ҳудудлари учун ускуна
--	---	--

### Бир дона ҳисобидан хавфсиз инъекция учун материаллар қадоғининг ҳажми

Инъекция учун материаллар	Күтидаги доналар сони	Ҳажми (см <sup>3</sup> /дона)
БЦЖ учун ҮТ шприцлар 0,05 мл	100	60
БЦЖ учун ҮТ шприцлар 0,1 мл	100	60
ҮТ шприцлар 0,5 мл	100	60
Эритиш учун 2 мл шприцлар, БЦЖ/Hib	100	66,25
Эритиш учун 5 мл шприцлар, қизамиқ/СИ	100	66,25
Эритиш учун 10 мл шприцлар, СИ/менингококк	100	66,25
Хавфсиз контейнерлар, 5 л.	25	880
Хавфсиз контейнерлар, 10 л.	25	1333,33
Томчи уколлар учун системалар (Капельницалар)		

Манба: PIS/PQS, 2005

## **6-ИЛОВА: СОВУҚЛИК ЗАНЖИРИ УСКУНАЛАРИНИНГ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ ШАКЛИГА МИСОЛ**

## **7-ИЛОВА: ТАШИШ УЧУН ЭХТИЁЖЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ШАКЛИНИНГ НАМУНАСИ**

Күйидаги шаклда вакциналарни ташиш учун зарур термоконтеинерлар сонини ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун асқотадиган материалларнинг ҳажмини қандай ҳисоблашга мисол келтирилганд.

### **Шаклни қуида күрсатылғандек түлғазинг:**

- А устун: Вилоят туманлари номини ва улардаги мақсадли ахоли сонини ёзинг.  
В устун: Эмлаш тақвимиңдеги барча вакциналарни ёзинг.  
С устун: Мақсадли ахоли сонини йүқтолыш омилига ва схемадаги доза миқдорига күпайтириб, кейин эса 12 га бўлиб ойлик эхтиёжни ҳисоблаб топинг.  
D устун: Ҳар бир вакцина учун битта флакондаги доза миқдорини күрсатинг.  
E, F устунлар: Ҳар бир вакцина ва эритувчи учун см<sup>3</sup> ларда қадоқ ҳажмини күрсатинг.  
G, H устунлар: Бир доза ҳисобидан қадоқ ҳажмини (E, F устунлар) дозалардаги ҳар ойлик эхтиёжга (С устун) күпайтириб, кейин эса 1000 га бўлиб вакцина ва эритувчининг ҳажмини литрларда күрсатинг.  
I, J устунлар: Ҳар бир вакцина ва эритувчи учун умумий ҳажмни күрсатинг; барча вакцина ва эритувчи учун зарур умумий ҳажмни топасиз.  
К устун: Вакцинанинг умумий ҳажмини (I устун) битта термоконтеинер ҳажмига (20 литр) бўлиб, керак бўладиган термоконтеинерларнинг умумий сонини топинг.  
L, N, P, Q устунлар: Ҳар бир турдаги ЎТ-шприцлар ва эритиш учун шприцларнинг керак бўладиган сонини күрсатинг.  
M, O устунлар: Ҳар бир турдаги инъекция учун материалларнинг 1 дона ҳисобидан қадоқ ҳажмини ҳар бир материалдан керакли доналар сонига кўпайтиринг.  
R устун: Ҳар бир турдаги эритиш учун шприцларнинг умумий сонини күрсатинг, кейин эса йигиндини 66,25 га (бир дона эритиш учун шприцнинг ҳажми) кўпайтиринг.  
S устун: Ҳавфсизлик контейнерларининг керак бўладиган сонини аниқланг. Бунинг учун барча шприцларнинг умумий сонини санаб чиқинг, кейин эса ушбу йигиндини 5 литрик ҳавфсизлик контейнерининг (100 дона) сифимига бўлинг.  
Т устун: Ҳавфсизлик контейнерларининг керак бўладиган умумий сонини 880 га кўпайтириб йигилган контейнерлар эгаллайдиган ҳажмни аниқланг.

## Вакциналарни ташиш учун керак бўладиган термоконтейнерлар миндорини ва хавфсиз инъекция учун материаллар омборининг ҳажмини ҳисоблаш

Оқув умани	Вакциналар	Ойлик экчиж (доза)	1 фракончади доза миндори ҳажми ( $\text{cm}^3$ )*	1 доза жисобдан қадоқ вакциналар ва эритроцитларининг ҳажми, л	Вакциналар ва эритроцитларининг ҳажми, л	20 литрлик термо-контейнерлар сони	Таксимандиган инъекция учун материалларнинг миндори ва ҳажми						Инъекция учун материалларнинг умумий ҳажми							
							Ў-шприцлар 0,05 ml	Ў-шприцлар 0,5 ml	Ў-шприцлар 2ml	Эритриш учун шприцлар 5ml	Эритриш учун шприцлар 2ml	Хавфсиз контейнер	Хавфсиз шприцлар (хамм)	Хавфсиз шприцлар (хамм)	Хавфсиз шприцлар (хамм)	Хавфсиз шприцлар (хамм)	Хавфсиз шприцлар (хамм)	Хавфсиз шприцлар (хамм)		
A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N	O	P	Q	R	S	T	U
Максадли эколи	Номи	А*ФП* доза миндори/12																		
30 000	БЦЖ	5000	20	1,2	0,7	6	4	167	37	9	2750		115500	250		60 619	229	201	1,6	
	ОПВ	13 300	10	2,0		27														
	АКДС-тепВ-Ніб	7875	1	12,9		102								8250						
	Қиззамиқ	3325	10	3,5	4,0	12	13							2750			333			
	СИ	3325	10	2,5	6,0	8	20							2750			333			
	АС	6650	10	2,0		13								145 750	5500					

## 8-ИЛОВА: ОЛДИНДАН КҮЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР БҮЙИЧА ШОШИЛИНЧ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИННИГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

**Авария вазиятларида вакциналарни хавфсиз сақлаш қоидалари барча тиббиёт ходимлари томонидан бажарилишини таъминланг:**

- Вакциналар музлатишига сезгир. Уларни +2°C дан +8°C гача ҳароратда сақлаш зарур.
- Эритувчиси билан бир қадоқда етказиб бериладиган лиофилизацияланган вакциналарни +2°C дан +8°C гача ҳароратда сақлаш зарур.
- Эритувчисиз, алоҳида қадоқда етказиб бериладиган лиофилизацияланган вакциналарни +2°C дан +8°C гача ҳароратда сақлаш зарур. Эритувчинини хона ҳароратида сақлаш зарур.

**Куйидаги мисолларни асос қилиб олган ҳолда, олдиндан күзда тутилмаган ҳолатларда ҳаракат қилишнинг бир неча муқобил вариантларини ишлаб чиқинг:**

- Вакцинани жамоат, давлат ёки күшни тиббий муассасалар тасарруфидаги бошқа совутиш омборига ўтказинг.
- Ижарага авторефрижератор олинг ёки вақтингча фойдаланиш учун бошқалардан сўраб туринг.
- Вакцинани хусусий сектор тасарруфидаги бошқа совутиш омборига ўтказинг.
- Эшикларни очиш частотасини чекланг; буни фақатгина мутлақ заруритлар мавжудлигида амалга оширинг.
- Музни саноат ишлаб чиқарувчиларидан харид қилинг ва уни пластик ёки металл контейнерларга жойлаб, совутиш ёки музлатиши хоналарига қўйинг. Камерадаги ҳароратни дикқат билан назорат қилиш ва муз заҳирасини таъмирлаш ишлари якунлангунинг қадар ғамлаш зарур. Ҳеч қачон қуруқ муздан фойдаланманг — бу совутиш хонасидағи ҳароратнинг 0°C дан пастга тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари унинг буғланиши оқибатида ис гази ажралиб чиқади; совутиш хонасидағи унинг концентрацияси ошиб кетганида, хонага кирган ҳар қандай киши заҳарланиб ҳалок бўлиши мумкин.

**Ушбу вариантлардан келиб чиқиб, күзда тутилмаган ҳолатларда ҳаракат қилишнинг иккита режасини тузинг ва уларнинг бажарилишини таъминланг.**

- Сиз томонингиздан танланган (тузилган) режа дастлаб ходимларингиз ва мазкур масалага дахлдор бошқа барча мутахассислар билан муҳокама қилиниши ва келишилиши лозим.
- Режани ёзма қўринишда шакллантиринг ва тасдиқлатинг. Режанинг бир нусхаси вакциналар сақланадиган омборда бўлади. Барча ходимлар режа турдиган жойни билиши даркор.
- Муқобил омборларни улардаги оптимал шароитни, етарли сифимни ва вакциналар сақланиши учун зарур ҳароратни ушлаб туриш имкониятларини таъминлаш мақсадида текширинг. Агар бошқа совутиш хонасига олиб ўтиш оқибатида музлатишига сезгир вакциналар музлаб қолса ва ишлатишига яроқсиз ҳолатга келиб қолса, заҳираларни бошқа жойга ўтказиш мантиқсиз, бемаъни ҳаракатдир.
- Авария содир бўлишини қачон бўларкан деб кутиб туриш керакмас. Режанинг бажарилиши бўйича, уларга эҳтиёж туғилганига қадар, кўнимкамларни шакллантира бориш зарур.
- Олдиндан күзда тутилмаган ҳолатларда боғланиш учун дахлдор ходимларнинг рўйхатини (фамилияси, исми, шарифи; манзили ва телефон раҳамлари) тузинг. Рўйхатнинг бир нусхасини вакциналар сақланадиган омборда кўринарли жойга осиб қўйинг. Зарурият туғилганида рўйхатни янгиланг.
- Авария вазиятларида, хоҳ иш вақтида бўлсин, хоҳ ишдан ташқари вақтда бўлсин ходимлар билан алоқа ўрнатиш имкониятини таъминланг.

**Эслатма:** Амалий машгулотлар чоғида вакциналарнинг бевосита ўзидан фойдаланиш жоиз эмас, лекин муолажада күзда тутилган асосий ҳатти-ҳаракатлар моделлаштирилиши зарур.

---

# **2** МОДУЛЬ АХОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Модулнинг мақсади:

Иммунизация масалалари билан шуғулланувчи соғлиқни сақлаш тизими ходими сифатида Сиз аҳолининг кўплаб турли қатламларига хизмат кўрсатасиз. Бироқ, бу ишда аҳоли Сизнинг ҳамкорингиз ҳисобланадими? Аҳолининг иммунизация борасидаги эҳтиёжларини қондиришда, аҳоли фикри иммунизация хизматига қандай ёрдам кўрсатади?

Модулда, иммунизация масалалари бўйича аҳолининг эҳтиёжларини, аҳоли вакиллари қанақа функцияни бажариши мумкинligини, улар қандай ёрдамлар кўрсатиши мумкинligини тушуниш учун аҳоли билан қай йўсинда қалин алоқада ишлаш зарурлиги ҳақида сўз боради. Ушбу модул педагоглар ва тиббиёт ходимлари томонидан ўз малакаларини ошириш ҳамда аҳоли билан ишлашни такомиллаштириш борасида манфаатдор ташкилотлар, жумладан нодавлат ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш кўникмаларини шакллантириш мақсадларида қўлланилиши мумкин.

Иммунизация дастурининг муваффақияти вакциналар мавжудлигига ва моддий-техник таъминотга боғлиқ. Иммунизация бўйича хизматларнинг хавфсизлигига ва самарадорлигига аҳолининг ишончи, шунингдек, бундай хизмат кўрсатилишининг аҳоли томонидан қўллаб-кувватланиши ва талаб қилиниши ўта мухимdir. Иммунизацияни ташкиллаштириш аҳоли эҳтиёжини қондиришга ва бу тадбирга унинг жалб этилишини ҳамда иштирокини рағбатлантиришга қаратилиши зарур. Шу мақсадда тиббиёт ходимларидан мулокотнинг самарали воситаларини ва кўникмаларини қўллаган ҳолда аҳоли билан ўзаро мустаҳкам алоқани йўлга қўйишлари талаб этилади. Тўпланган тажрибалар шуни кўрсатади, аҳолининг иммунизация дастурларида иштироки туфайли қамраб олиш кўпаяди, натижада эса иммунизация орқали бошқарилувчи юқумли касалликларнинг тарқалганлиги камаяди.

Боҳабар аҳоли иммунизация бўйича амалга ошириладиган тадбирларда фаол иштирок этишади. Тиббиёт ходимлари тақдим этилаётган хизматлар ҳақида аҳолини огоҳ этиши, иммунизацияни ўтказиш жадвалини тузишда, сайёр бригадалар ёрдамида иммунизацияни ташкиллаштиришда маҳаллий маъмуриятнинг, дин пешволарининг, жамоа раҳбарларининг ҳамда ота-оналарнинг мазкур тадбирларнинг ўтказилишига кўмаклашиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борилишида иштирок этишларини таъминлашлари зарур.

Ушбу модулда келтирилган маълумотлар нафақат аҳолини режали эмлаш учун, шу билан бирга иммунизация бўйича қўшимча тадбирларни (оммавий компаниялар, иммунопрофилактика бўйича қўшимча тадбирларни) ўтказишда ҳам фойдали бўлиши мумкин.

## **Аҳоли гуруҳи нимадан иборат (жамоа):**

Географик нуқтаи назардан бир неча аҳоли гуруҳлари фарқланиши мумкин:

- шаҳар аҳолиси;
- алоҳида қишлоқлар аҳолиси;
- вақинчалик бошпаналарда (яйловларда, мавсумий дала шийпонларида, сув ҳавзалари, темир йўллар, қурилиш обьектлари ёнида яшовчилар ва ҳ.) яшовчи аҳоли гуруҳи.

Географик аломатлардан ташқари диний, маданий ва сиёсий, шунингдек, даромад даражасига кўра ҳам аҳоли гурухлари тафовут қилинади. Ҳаттоқи мўъжазгина аҳоли гурухи орасида (аҳоли пунктида) ҳам, ёки ўзига тўқ оиласар истиқомат қиласидиган маҳалла-кўйда ҳам иқтисодий ўта noctor хонадонлар бўлиши мумкин. Тиббиёт ходимлари учун аҳоли гурухлари ўртасидаги тафовутни ва мазкур гурухлар динамикасини билиш, турли ижтимоий гурух вакиллари билан мунтазам мулокотда бўлиб туриш мухимdir.

### **Хизмат кўрсатишда аҳолининг ўрни**

Тиббиёт хизматни режалаштириша, тақдим этишда ва баҳолашда аҳоли иштирокининг даражасини аниқлаш жуда мухимdir. Агар аҳолининг иштироки (аҳоли билан ҳамкорлик) тиббиёт хизматнинг ҳар бир босқичи билан боғланган бўлса хизматлардан фойдаланиш савияси сезиларида даражада ошади. Тиббиёт хизмат кўрсатишнинг, жумладан иммунизациянинг жадвалини ўзгариши борасида тиббиёт ходимининг хоҳиш-иродаси (истаги ва қобилияти) маълум даражада чекланган бўлиши мумкин. Бироқ аҳоли билан учрашувлар, сұхбаллар ва жамоавий муҳокамалар чоғида бамаслаҳат ҳолда, тиббиёт ходимлари кишиларнинг хоҳиш-истакларини билиб олишлари ва тегишли жадвалларни ишлаб чиқиши мумкин. Кўйида тиббиёт хизмат бўйича тадбирларни режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилишда аҳолининг иштироки қандай ёрдам беришига айрим мисоллар келтирилган.

**Режалаштириш:** Тиббиёт ходими аҳоли вакиллари билан хизмат кўрсатишнинг энг қулай жойи ва вақти борасида маслаҳатлашиши зарур. Кўйидаги вариантлар бўлиши мумкин:

- \* Ишлайдиган ота-оналарга фарзандларини эмлашга олиб келиш борасида қулийлик туғдириш мақсадида иммунизацияни ҳафтанинг муайян күнларида (куннинг муайян вақтларида) амалга ошириш.
- \* Оналар эрталабдан далада меҳнат қиласидаги ёки бозорларда савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ҳудудлarda вакцинация вақтини эрталабдан пешиндан кейинга кўчириш.

**Бажариш:** Аҳоли қуийдаги масалаларда ёрдам кўрсатиши мумкин:

- 1) сафарда эмлаш ўтказилишида мос келадиган жойни (мактаб, йиғилишлар зали ва ҳ.) ташкиллаштиришда;
  - 2) вакцинация жойига тиббиёт ходими келганилиги ҳақида аҳолига хабар бернишда;
  - 3) пациентларни қайд этишда, тартибни ва навбатда туришни сақлашда, кутиш жойини жиҳозлашда (куёшдан ҳимоялаш, скамейкалар билан таъминлаш ва ҳ.);
  - 4) санитария тарғиботида – тегишли аҳборотни тарқатишида;
  - 5) қолган аҳолига иммунизация ва бирламчи тиббиёт ёрдам бўйича хизматлардан фойдаланишини асослашда (мотивациялашда);
  - 6) вакциналарни ва тиббиёт ходимларини жойларга элтиб қўйишида;
- агар болалар вакцинация жадвалидан орқада қолишаётган бўлишса, ота-оналарга (васийларга) иммунизация хизматини тушунириш ва асослаш учун уйларга ташрифни ташкиллаштиришда.

**Баҳолаш:** Тиббиёт ходимлари хизмат сифати ҳақидаги саволларга жавоб бера туриб реал ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Тиббиёт ходимлари вакцинация билан қамраб олиш ва юқумли касалликларнинг эпидемик чақнашлари ҳақидаги аҳборотни аҳолига тақдим этишса, аҳоли билан мустаҳкам тескари алоқа ўрнатишса ёки муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўмак сўраб мурожаат этишса, аҳоли вакиллари ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида муайян даражада ёрдам кўрсатишлари мумкин. Масалан, иммунизация сессиялари кунини ва вақтини режалаштириш жараёнига аҳолини жалб этмаслик кенг тарқалган муаммолардан ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш органлари бу муаммони аҳоли вакиллари билан маслаҳатлашиб мўъжаз режалаштириш йўли билан, шунингдек, иммунизация сессияларини ва у билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида ҳал этишлари мумкин.

### **Мутасаддининг аҳоли билан ўзаро муносабати**

Аҳоли иштироки муҳокама этилаётганида кўпинча «ўсиб борувчи эҳтиёж» деб номланган умумий тавсифдан фойдаланилади. Лекин ушбу таъриф, болаларнинг эмланмасдан қолишига сабаб вакцинацияга мотивация ёки хоҳиш-истак йўқлигидир деган тасаввурни келтириб чиқариши мумкин. Аслида эса, аксарият ҳолларда ота-оналар ўз фарзандлари эмланган бўлишлигидан жуда манфаатдордир. Агар вакцинация қулай пайтда, қулай жойда ва хизмат кўрсатиш сифатли тарзда амалга оширилса, она ўз фарзандини эмлатиш борасида қандай йўл тутиш лозимлигини яхши билиб, тушуниб олади. Бу масала оддий «эҳтиёж» тушунчасига қараганда, анчагина мураккабдир; у ташвиқот ва таъсир кўрсатиш, сафарбар этиш ва коммуникация каби жиҳатларга дахлдор (масалан, хизматлар ҳақида аҳборот бериш ва боҳабарлик, шунингдек, тиббиёт муассасаси нимани тақдим этиши мумкинлиги ва зарурлиги ҳақида; ресурсларни (имкониятларни) сафарбар этиш; тадбирларни режалаштириш ва ўтказишида аҳоли билан ўзаро хайриҳоҳликни қарор топтириш; оналарга эмлаш тақвимини тушунтириш). Шу боис, аҳоли билан қалин алоқани таъминлаш учун тумандаги иммунизация бўйича мутасадди ўз иш дастурига қўйида келтирилган элементлардан айримларини киритиши зарур.

Тиббиёт ходимлари ўз иш фаолиятлари доирасига аҳолини фаолроқ жалб этиш учун яна нималарни амалга оширишлари мумкин?

### **Дастурнинг устувор жиҳатларида «эҳтиёж» масаласини қарай туриб**

- етарлича қамраб олмаслик сабабларини аниқлаш учун эмлаш билан қамраб олиш ва мўъжаз режалаштириш бўйича маълумотлардан фойдаланинг – масалан, эмлашга жалб этиш имкони бўла туриб вакцинация билан қамраб олинмаганлар ёки уни якунига етказмаганлар ва/ёки эмлашга жалб этиш имконияти қўйин бўлганлар.
- «Ҳар бир туманни қамраб олиш» стратегиясининг бешта компонентининг ҳар бирини қўллаб-куватлаш учун мuloқot ва тадбирлар сифатини таҳлил этинг: сайёр бригадалар ёрдамида вакцинация ишини қайта тиклаш; қўллаб-куватловчи кураторликни кучайтириш; аҳоли ва хизматлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш; чоралар кўриш учун мониторингни такомиллаштириш, шунингдек, янада самаралироқ режалаштириш ва ресурсларни бошқариш.
- Таҳлил этинг ва мўъжаз режалаштириш масалаларида иш стратегиясига ва аҳоли билан алоқадорликка ўзгартиришлар киритинг.
- Иммунизация бўйича ҳисоб ва ҳисбот тизими кўрсатгичларидан фойдаланиб аҳоли билан алоқадорлик бўйича тадбирлар мониторингини амалга оширинг. Аҳоли билан назорат ва ҳисбот масалаларида мuloқot ўрнатинг.

Туман босқичида аҳоли билан ишлаш

- Ташкилотларро мувофиқлаштириш комиссияси фаолиятига нодавлат ташкилотларни ва маҳаллий раҳбарларни/туман миқёсидаги гуруҳларни жалб этинг; аҳоли билан йиғилишлар ўтказиш чоғида улар билан иш тажрибасини, услубиятини ўртоқлашинг, дастурни амалга ошириш натижалари ҳақида, дуч келинаётган муаммолар ҳақида ҳикоя қилиб беринг.
- Туман миқёсида иммунизация бўйича хизматни яхшилаш борасида аҳолининг қўшаётган ҳиссасини қузатиб боринг. Бунга ҳамкорлик масалалари бўйича аҳоли ва НТ билан келишувлар, шунингдек, иммунизацияни ўтказишида аҳолининг иштироки ҳақидаги чораклик ёки йиллик ҳисботлар кириши мумкин.
- Вакцинопрофилактика ёрдамида олди олинадиган касалликларнинг хавфлилиги, иммунизация бўйича хизмат мавжудлиги, эмлаш билан қамраб олиш ҳолати ва бошқа кўрсатгичлар ҳақида асосий мутасаддиларни (масалан, диний уламоларни, маҳаллий маъмуриятни, маҳалла раҳбариятини) хабардор қилинг. Бу улардан кўмак олишга ёрдам беради.

2-МОДУЛЬ

- Шахслароро муносабатлар қўйикмаларини такомиллаштириш, ишончли маълумот тақдим этиш учун тиббиёт ходимларини ва маҳаллий ахоли вакилларидан иборат инструкторларни ўқитишни амалга оширинг, ҳамда уларни иммунизация бўйича иш сифатини оширганликлари учун рағбатлантиринг.

**Таяңч ҳолат: Соғылқын сақлаш тизими мұтасаддиларидა ҳамиса ҳам иммунизация бүйіча табдірларни ўтказышида ва ташвиқт үшларини режалаштиришида ердам беріши мүмкін бўлган аҳолининг турли гурухлари, етакчилар ва фаоллар билан бевосита мүлоқот ўрнатиш учун вақт бўлавермайди. Бироқ раҳбар аҳоли билан мустаҳкам алоқану йўлга қўйиш юзасидан ўз ходимини қўйлаб-кувватлаш ва рағбатлантириш бобида етакчи рол ўйнайди.**

**Ушбу модул қуидаги босқичлардан иборат:**

## Аҳоли билан ҳамкорликда режалаштириш

# Амалга ошириш ва мониторинг

## Самарали ҳамкорлик

## Хабардор қилиш воситалари ва каналлари

**Ахоли билан  
ҳамкорлиқда  
режалаштириш**

**Амалга ошириш  
ва мониторинг**

**Самарали  
ҳамкорлик**

**Хабардор қилиш  
воситалари  
ва каналлари**

## 1. АХОЛИ БИЛАН ҮЗАРО ҲАМКОРЛИҚДА РЕЖАЛАШТИРИШ

### 1.1 Вазият таҳлили

Ахоли билан самарали ҳамкорлик йўлидаги дастлабки қадам ахоли вакилларининг кайфиятини ва боҳабарлик даражасини аниқлаш учун вазиятни таҳлил этиб чиқишдан иборатdir. Улар мавжуд хизмат билан танишиш? Ҳозирги пайтда уларга иммунизация ва бирламчи тиббий ёрдам иши бўйича нима ёқади ёки нималар ёқмайди? Ахоли вакилларидан олинган бундай ахборот келгусида хизматни яхшилаш учун қўлланилиши мумкин. Ахборотни жамоавий учрашувлар, кичик гурухлар билан муҳокамалар, шахсий сұхбатлар, хизмат кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасасидаги интервью, уйларда ўтказилган сўровлар, маҳсус тадқиқотлар вақтида йиғиш мумкин.

**Ахолининг асосий гуруҳларини, уларнинг жойлашувини ва манфаатдорлик даражасини (потенциал қўллаб-куватлашини) аниқланг:**

- Маҳаллий раҳбарлар, маҳалла фаоллари, дин пешволари;
- Ота-оналар ва жамоат ташкилотлари;
- НТ;
- Ноанъанавий табобат (Шарқ табобати) вакиллари;
- Тиббиёт ходимлари.

**Қуйидаги ахборотни йиғинг:**

- ахоли вакцинацияни амалга ошириш бўйича кўрсатилаётган хизматлардан қай даражада хабардор ва уларни қандай баҳолашади;
- ахоли кўрсатилаётган хизматлар ва соғлиқни сақлаш тизими билан қай даражада алоқага эга, ахолидан иммунизация бўйича тадбирларни ўтказишда қай йўсингдаги иштирокни кутиш мумкин;
- иммунизация сессияларига қатнашиш қанақа, қамраб олишнинг маҳаллий кўрсатгичлари қандай;
- иммунизация хизмати учун халақит қилувчи яққол кўзга ташланувчи ҳолатлар (хизмат кўрсатишга, боҳабарлика, ахоли муносабатига доир), жумладан:
  - хизматнинг қулийлигига таъсир этувчи масалалар (жойлашув, даврийлик, жадвал);
  - ахолининг алоҳида гурухлари учун қулийлик (миллий кам сонли кишилар гурухи ва ҳ.);
  - хабардорликка, кишилар муносабатига, шунингдек, кишилар мотивациясига таъсир этувчи ҳаракатлар ва уларнинг хизматдан баҳраманд бўлиш имкониятларига дахлдор масалалар.

**Ҳамкорлиқда баҳоланг:**

- тиббий ёрдамнинг муаммоли ва ташвиш түғдирувчи масалаларини, шунингдек, уларни бартараф этиш учун энг самарали тадбирларни;
- иммунизация ҳолатини ва хизмат сифатини.

### 1.2 Иммунизация масалаларини ҳал қилишда аҳолини жалб этишнинг турлари

Аҳоли вакиллари билан гурухли муҳокама уларнинг эҳтиёжларини ва тиббий хизматни янада қулай ва оммабоп ҳолатга келтириш учун режалаштириш йўлларини аниқлашда ёрдам беради.

Ўзбекистонда аҳоли билан самарали ҳамкорликнинг оригинал — ўзига хос механизми, яъни *маҳалла институти* мавжуд. Ушбу воситадан иммунизация дастурини амалга оширишда фойдаланиш ўта ижобий натижаларни бера олади.

Қўйидаги рўйхатдан аҳоли билан ўтказиладиган йиғилишларда фойдаланиш мумкин. Унда хизмат сифатини яхшилаш бобида аҳоли фаол иштирокининг бир неча усуслари таклиф этилмоқда.

- Иммунизацияни самарали режалаштиришни таъминлаш. Иммунизацияни ўтказишнинг қулай жадвалларини келишиш — режали, мобил бригадалар ёрдамида (жой, вақт, жойлашув).
- Аҳоли таркибига яқинда кўшилишган чақалоқларни ва/ёки гўдакларни аниқлаш ва ҳисобга олиш.
- Кутлаётган иммунизация сессияси ҳақида хабар бериш.
- Сафарда ишлаётган бригадаларни егулик ва/ёки жой билан таъминлаш, йўл харажатларини тўлаш (зарурият бўлганида).
- Иммунизация сессияси ўтказилишида тиббиёт ходимларига ёрдам кўрсатиш — иммунизация ўтказиш жойига аҳоли ташрифини таъминлаш, тартибни саклаш, қайд этиш ва тушунириш ишлари.
- Иммунизацияни яқунламаган ёки иммунизация билан қамраб олинмаган шахсларни аниқлаш, хонадонларга ташриф ва ота-оналарда мотивация уйғотиш (санитария фаоллари, аҳолининг фаол қатламлари, ўқувчилар ва ҳ. ёрдамида тўлиқ иммунизация учун зарур эмлашлар сони ҳақида, шунингдек, навбатдаги эмлашни олиш вақти ҳақида хабардор қилиш).

#### 1-машқ: Аҳоли гуруҳини аниқланг ва уларнинг иммунизация дастурини мустаҳкамлашдаги иштирок этиш даражасини кўрсатинг

Ўзингиз хизмат кўрсатаётган участкада аҳоли асосий гурухларининг ва уларнинг вакилларининг рўйхатини тузинг.

Қўйидаги ҳар бир пункт қаршисига қайси гурухлар/аҳоли вакиллари тадбирлардан ҳар бирини ўтказиша қанақа ёрдам кўрсатишлари мумкинлигини белгиланг.

Ўзингиз хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги энг муҳим тадбирларни муҳокама этинг ва белгиланг.

Аҳоли гуруҳлари иштирокидаги тадбирлар	Тадбир учун устуворлик	Гуруҳ /аҳоли вакиллари	Гуруҳ учун устуворлик
1. Ташвиқот, таъсир кўрсатиш ва гуманитар, молиявий ва моддий-техник кўмак кўрсатиш.			
2. Иммунизацияни самарали режалаштиришни таъминлаш (жой, вақт, жойлашув) – режали, сафарда, сайдер бригадалар ёрдамида.			
3. Чакалоқларни аниқлаш ва йўлламна бериш (ҳисобга олиш).			
4. Рад этувчиларни кузатиш ва кейинчалик улар устидан назорат.			
5. Иммунизация ўтказилиши ҳақида хабар юбориш.			
6. Ташвиқот учун материаллар тайёрлаш, аҳоли иштирокига таъсир кўрсатиш ва сафарбар этиш.			

7. Транспорт воситалари ва бошқа ресурслар билан ёрдамлашиш (м-н, соvuқлик занжирни ускуналари учун ёқилғи ёки сайёр бригада аъзолари учун озиқ-овқат).			
8. Иммунизацияни ўтказишида кўнгилли ёрдамчиларни рағбатлантириш ва ўқитиш.			
9. Маҳаллий аҳоли билан мулокот ва соғлиқни сақлаш органларига бошқариладиган инфекцияларга гумон қилинган ҳолатлар ҳақида ва ИКНК ҳақида хабар бериш.			
10. Қамраб олиш мълумотларини қараб чиқиш йўли билан иммунизация дастури устидан мониторингни амалга ошириш (тиббий бригада билан биргаликда).			

### 1.3 Аҳоли иштирокини асослаш

Аҳоли иштирокини асослаш бўйича иш — ресурсларни жалб этиш ва/ёки сиёсий ва жамоатчилик раҳбарларидан хайриҳохлиқни, кўмакни (кўллаб-кувватлашни) олиш учун аҳборотларни тўплаш ва узатиш жараёни бўлиб, ўз навбатида у жамият томонидан дастур қабул қилинишига кўмаклашиши зарур. Бу жараён таклиф этилаётган хизматларнинг афзаллигини ва аҳамиятини, шунингдек, уларда аҳоли иштирокининг асосий моҳиятини тушунтиришдан иборатdir. Аҳоли билан музокаралар чоғида хизматни яхшилаш учун нималар қилиш лозимлигига ҳамда аҳолининг ўзи бунда қандай иштирок этиши ва таъсир кўрсатиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал этишга аҳолини жалб этиш мақсадида, заиф томонлар ва соғлиқни сақлаш тизимининг эҳтиёжлари ҳақида очиқча ва ошкора сўз юритилиши мумкин. Ташибиқот ва таъсир этиш жараёни куйидаги босқичларни ўз ичига олиши мумкин:

- Иммунизация масалаларини, мавжуд ва зарур бўладиган ресурсларни қараб чиқиш учун гуруҳли муҳокамаларни ва/ёки маҳаллий раҳбарлар ва аҳолининг ташрифини ташкиллаштириш, имкон қадар аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ва уларнинг илтимосларини муҳокама этиш.
- Тиббий хизматга ва тиббиёт ходимларига аҳоли нуқтаи-назаридан разм солиш (яъни, тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчилар ўтасидаги маданий-маърифий тафовутларни камайтириш (текислаш) учун жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ва тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказиладиган тадбирларда соддароқ жараёндан фойдаланиш). Бу, боҳабарлик ва профилактик тадбирларда иштирок этиш даражаси паст ҳудудларда айниқса муҳимdir.
- Иммунизация ўтказишининг ва бошқа тиббий хизмат турларининг янада оммабоп ва қулайлигини таъминлаш учун, аҳолидан таклифлар ва илтимосномалар қабул қилиш, соғлиқни сақлаш тизими доирасида уларнинг вакили ва адвокати ролини бажариш.
- Соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли бўғини раҳбари иммунизацияни мўъжаз режалаштириш ва мониторинг борасидаги ишлар доирасида тиббиёт ходимларига устувор йўналишларни аниқлашда, режалаштиришда ва биринчи даражали тадбирларнинг аҳоли билан ҳамкорликда ўтказилишида ёрдам кўрсатиши мумкин.

### 1.4 Режалаштириш масалалари бўйича аҳоли билан йиғилиш ўтказиш

Аҳоли билан йиғилишни қулай вақтда ва қулай жойда, масалан дам олиш күнлари, диний маросимлар оммавий тарзда ўтказиладиган жойларда ёки турли йиғилишлар чоғида ташкиллаштириш мумкин. Аслида, аҳоли билан йиғилиш ўтказилиши олдидан йиғилишда барчасини муҳокама этиш, аҳборот бериш ва режалаштириш

мақсадларида раҳбар ва тиббиёт ходими қамраб олиш даражаси ва эмланмаганлар сони ҳақидаги маълумотлар, қамраб олиш даражаси паст бўлган туманлар харитаси ҳамда дастурнинг устувор вазифалари рўйхати билан танишиб чиқишилари зарур.

Шунингдек, аҳоли гуруҳларидан, жумладан туманда фаолият юритишаётган жамоат ташкилотларидан қай бирлари шу пайтгача хизмат кўрсатишда иштирок этишиб келишаётганлигини билиш даркор.

Тиббиёт ходими ахборотни оммага етказиш, тескари алоқани амалга ошириш ва хизматни яхшилаш юзасидан кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини тўплаш бўйича гуруҳ раҳбарига ёрдам бериши зарур. Шундай йиғилишлар туфайли мавжуд хизматлар ҳақида, тадбирларни амалга оширишнинг бориши, иммунизация бўйича вазифаларни бажаришдаги муаммолар тўғрисида ахборотлар тўпланади, шунингдек,

**1. Таянч ҳолат: Аҳоли билан самарали ҳамкорликка қалит унинг барча вакиллари учун умумий бўлган манфаатларни аниқлаш ва бу манфаатларга эътиборли бўлишдан иборатдири.**

тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда жамоатчилик ёрдами таъминланади. Кейинги бўлимларда ахборотлар алмашинуви ва иммунизация бўйича амалга оширилаётган тадбирларга аҳолини жалб этиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида сўз юритилади.

### **Аҳоли гуруҳлари билан мулоқот бўйича қўшимча маслаҳатлар**

- Муҳокамага қулай шароит яратинг.
- Гуруҳ аъзоларига иммунизация ҳақида, бошқариладиган инфекциялар ҳақида уларга нималар маълум бўлса, ҳикоя қилиб беришларини таклиф этинг.
- Гуруҳ аъзоларидан ҳар бирининг хабардорлик даражасини ошириш учун, улардан саволлар беришларини сўранг. Ўз жавобингизда ахборотни тушунтиришга ва муҳокама этилаётган масала юзасидан иштирокчилар билимидағи бўшлиқни бартараф этишга ҳаракат қўлинг.
- Йиғилиш мобайнида эркин мұхитни яратиш ва гуруҳ эътиборини жалб этиб турish учун кўргазмали қўлланмалар, ашуалар, кичик саҳнавий ўйинлар ва ҳикоялардан фойдаланинг.
- Муҳокамага имкон қадар кўпроқ гуруҳ аъзоларини жалб этинг ва иштирокчиларга муҳокамада фаол қатнашганлиги учун ташаккур айтишини унутманг.
- Иштирокчиларни муаммони ҳал этиш йўллари ҳақида таклифлар киритишга даъват этинг ва энг сара таклифларни муҳокама этинг.

Ахборотни олиш ва узатиш усули сифатида гуруҳли муҳокамалар услубияти бўйича тавсиялар 2-иловада келитирилган.

**2-машқ (вазиятли масала): Аҳоли билан йиғилиш ўтказинг**

**Эслатма:** Ушбу машқни бажариш варианtlаридан бири яқин орада истиқомат қилувчи аҳолининг айрим вакиллари билан йиғилиш уюштириш бўлиши мумкин. Йиғилишда қатнаша олиши мумкин бўлган маҳаллий аҳолининг вакилларини аниқлаш мақсадида тайёргарлик ишларини ўтказиш ва муҳокама жараёнида фойдаланиш учун хизмат кўрсатиладиган туман бўйича иммунизация борасидаги маълумотларни тўплаш зарур бўлади. Аҳоли вакиллари семинар ўтказиладиган жойга ўзлари келиши ҳам мумкин ёки, агар вақт бемалол бўлса, йиғилишда қатнаша олиши мумкин бўлган аҳоли билан учрашиш учун тиббиёт ходими жойларга чиқиши ҳам мумкин.

Мұйжаз гурухларга бўлининг (ҳар бир гурухда 6 нафар кишигача)

Мұйжаз гурухларда танланг:

- \* бир нафар иштирокчини соғлиқни сақлаш тизими тегишли бўғинидаги иммунизация хизмати мутасаддиси ролига;
- \* бошқа бир нафар иштирокчини мазкур аҳоли билан нотаниш тиббиёт ходими ролига;
- \* гурухнинг бошқа аъзолари мазкур аҳоли ўртасида иммунизация билан қамраб олиши яхшилаш бўйича ўтказилаётган йигилишда иштирок этишаётган ота-оналар ва/ёки етакчилар ролини ижро этишади.

Ўйин бошланишидан аввал Ўйин вазияти (ўйналадиган вазият) билан танишинг.

Ўйиндан кейин гуруҳи муҳокама бўлиб ўтади.

#### **ЎЙИН ВАЗИЯТИ:**

Туман бўйича иммунизация хизмати мутасаддиси ва янги тайинланган тиббиёт ходими аҳоли билан ўтказиладиган йигилишда иштирок этиш учун қишлоққа келишди. Сафар олдидан тумандаги иммунизацияга дахлор ҳужжатлар билан танишиши ва айрим ҳудудларда, хусусан мазкур қишлоқда эмлаш билан қамраб олиш даражаси паст (76-78%) эканлиги аниқланди.

- 2-иловадан фойдаланиб туман бўйича иммунизация хизмати мутасаддиси ва тиббиёт ходими иммунизация дастури ҳақида ва хизмат кўрсатиладиган тумандаги муаммолар ҳақида аҳолига маълумот беради. Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари тумандаги ва мазкур қишлоқдаги қамраб олиш даражасини тавсифлайди. Шунингдек, раҳбар қишлоққа янги тиббиёт ходими беркитилганлигини айтиб, шу муносабат билан мазкур қишлоқда қамраб олиш даражаси ўсишига ва ниҳоясига етмасдан қолган вакцинациялар миқдори камайишига умид билдиради. Кейин тиббиёт ходими ўзини таништириб, иштирокчиларга ўзи ҳақида қисқача маълумот беради.

- Туман бўйича иммунизация хизмати мутасаддиси ва тиббиёт ходими ота-оналардан ўз болаларини эмлатганликлари тўғрисида, агар эмлатишмаган бўлишса, сабабларини сўраб, шунингдек, яқинда ўтказилиши режалаштирилаётган иммунизация компаниясида иштирок этиш истаги мавжудлиги (ёки бундай хоҳиш йўқлиги) ҳақида саволлар беришиб муҳокамани ўтказишиади. Муҳокаманинг мақсади – иммунизация билан қамраб олиш даражаси ўсиши учун тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш.

Ушбу амалий ўйинни 2.3-машқдаги ўйин билан қўшиб ўтказиш мумкин, чунки сафардаги ишни режалаштиришни бошлашгача жамоат билан учрашув ташкил этиш танланган мақсадли гуруҳ таҳлилининг муҳим бўлимини ташкил этади.

#### **Гуруҳли муҳокама**

\* Амалий ўйиндан кейин бошловчи сайланг, у қўйидаги саволларга тўхталган ҳолда (шунингдек, кўргазмали материалларни (м-н, маъруза слайдларини), кўллаган ҳолда қўшимчалар қилиб), мұйжаз гуруҳ иштирокчилари томонидан чиқарилган хulosаларни муҳокамага ҳавола этади:

1. Жамоат йигилишини ўтказиш ҳақида Сиз нимани билиб олдингиз?
2. Йигилишни ўтказиша қанақа муаммолар пайдо бўлди ва улар қандай бартараф этилди?
3. Нима учун режалаштириш бўйича аҳоли билан йигилиш ўтказиш ва жамоа аъзоларини тақдим этиладиган хизматлар ҳақида боҳабар қилиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини билиш бу қадар муҳим?

## **1.5 Иммунизация бўйича тадбирларни аҳоли билан ҳамкорликда режалаштириш**

Хизматларни аҳоли билан ҳамкорликда режалаштиришда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун барча эҳтиёжларга мос келадиган зарур инсон ва моддий ресурслари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш жуда муҳимдир. Хизматларни барча аҳолини қамраб олиш учун ахборотни тарқатишнинг барча воситаларини ишга солиб (яъни, эълонлар, тиббий муассасалардаги ахборотлар, фаоллар) олдиндан хабардор қилган ҳолда

қулай жойда ва қулай фурсатда қўрсатиш зарур. Эмлаш сессияларини ўтказиш жадвали – хусусан, иммунизация ўтказиш куни ва қабул соати – ота-оналар учун қулай бўлиши лозим. Соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли бўғинидаги иммунизация хизмати мутасаддиси ўзи хизмат қўрсатадиган ҳудуддаги ва ДПМдаги эмлаш ўтказиш жадвалини (муқим, сафардаги, сайёр бригадалар) камида бир йилда бир маротаба текшириб туришлари керак; зарурият түғилганида вакцинация қилиниши зарур бўлган барча болаларни қамраб олиш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Мутасадди иммунизация борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида аҳолини боҳабар қилиш тартибини/йўлларини тиббиёт ходимлари билан муҳокама этиб, уларга тегишли қўрсатмалар бериши зарур ва стратегия бажарилишининг назорати учун кураторлик ташрифларидан фойдаланишлари мумкин. Бундай стратегия иммунизация бўйича амалга оширилиши мўлжалланаётган тадбирлар ва бирламчи тиббий ёрдам ҳақида ўз вақтида хабардор қилишни (м-н, эълонлар, кўнгиллилар орқали хабар, тиббий муассасалардаги ва маҳалла фуқаролар йигини биносидаги транспарантлардан фойдаланиб) таъминлаши зарур.

Эмлашни ўтказиш жадвалларитузилгач ва аҳоли билан келишиб олингач, уларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш лозим. Иммунизация бўйича режалаштирилган тадбирларнинг ўзгартирилиши ва бекор қилиниши унга бўлган ишонч йўқолишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун етарли миқдордаги вакциналар, инъекция материаллари, совуқлик занжирни ускуналари мавжудлигини таъминлаш, шунингдек, бевосита иммунизация ўтказиш бошланишидан олдин барча моддий-техник таъминот масалаларини ҳал этиш режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Баъзида олдиндан қўзда тутилмаган ҳолатлар, масалан, сел оқибатида йўлларнинг, кўприкларнинг ишдан чиқиши ёки транспорт воситасининг йўлда бузилиб қолиши кабилар вужудга келиши мумкин. Иммунизация бўйича хизматни тақдим этишда узилишларнинг олдини олиш учун (м-н, сел мавсумида), тиббиёт ходими аҳолини ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш учун имкон қадар ишончли алоқа воситаларига эга бўлиши ва иммунизация жадвали ўзгарганида тезда уни қайта кўриб чиқиши зарурдир.

### **Аҳолининг комплекс тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш**

Аҳоли билан йиғилишлар ёки муҳокамалар чоғида нафақат иммунизация бўйича хизматлар, балки бошқа хизматлар ҳақида ҳам таклифлар, хоҳиш-истаклар билдирилиши мумкин. Тиббий хизматлар қай даражада интеграциялашганлиги, соғлиқни сақлашнинг маҳаллий эҳтиёжларига, шунингдек, моддий-техник ва тизимили имкониятларга (м-н, тайёргарликдан ўтган ходимларнинг, материалларнинг, ускуналарнинг, транспорт ва ёқилғининг етарли миқдорига) мос келиши зарур. Буларнинг барчаси уюшқоқлик билан амалга оширилган режалаштиришга, бошқарувга ва назоратга боғлиқ. Турли хизматларни сафарда тақдим этиш, ДПМ нинг ўзида тақдим этишдан кўра муҳимроқ бўлиши мумкин. Сафарда комплекс тиббий хизматларни тақдим этиш чоғида моддий-техник таъминот масалаларини ҳал этиш Умуммиллий даражадаги бир неча дастур доирасидаги ҳатти-ҳаракатларни, шунингдек, тумандаги ва аҳоли пунктидаги ҳамкорларнинг, хусусан, нодавлат ташкилотларнинг ёрдам қўрсатишни тақозо этади. Қийин қамраб олинадиган аҳолига хизмат қўрсатишни режалаштира туриб, соғлиқни сақлаш тизими тегишли бўғинидаги иммунизация бўйича раҳбар сафардаги иш жараёнида айнан қандай комплекс хизматлар тақдим этилиши мумкинligини ҳал этиши зарур. Аҳоли вакиллари сафарда рўйхатга олиш ва мақсадли гуруҳнинг сонини ҳисоблаб чиқиш каби хизматларни таъминлаш, сайёр бригада ишлаши учун жой ҳозирлаш ҳамда бошқа масалалар бўйича ёрдам қўрсатишлари мумкин. Зарурият түғилганида, ушбу тадбирлар бошқа турдаги тиббий хизматларни қўрсатувчи вакиллар билан амалга оширилиши мумкин.

**2. Таянч ҳолат:** Тиббий хизматларни режалаштириш чоғида иложи борича барвақтроқ, хизматга бўлган эҳтиёж ҳажмини ва унинг баҳосини аниқлаш, ҳамда бу маълумотларни жамоа аъзолари билан муҳокама этиш зарур. Жамоа аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва истаклар, уларнинг иштироки ва қўллаб-кувватлашини тасдиқлаш учун, ҳужожатлаштирилиши ва ҳисоботга киритилиши зарур.

### 3-машқ: Иш жадвалини тузишда аҳоли қўллаб-қувватлашига таянинг

Ушбу машқда Сиз ўз тиббий муассасангизнинг иш жадвалини қайта кўриб чиқасиз. Модулда келтирилган ҳафталик жорий иш жадвалини кўриб чиқинг (3-машқ, 1-қисм). Кейин қуида келтирилган саволларга жавоб қайтаринг. Сиз ушбу маълумотлардан тиббиёт муассасасида эмлаш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилишда ва кейинги саҳифада келтирилган янги иш жадвалини тузиш учун ўз жавобларингиздан фойдаланасиз (3-машқ, 2-қисм).

1. Мавжуд ахборотни ўқиб чиқинг ва қуидаги саволларга жавоб қайтаринг:

а) Тиббиёт муассасаси раҳбари эмлаш ўтказиш учун ташриф буориш душанба ва сешанба кунлари эрталаб кўнгилдагидек эмаслигини аниқлади. Қабулда пайшанба кундуз куни ташриф этувчилар жуда кўп ва навбатда турувчилар қатори узундан-узун. У оналар билан сұхбатлашиб, уларга тиббиёт муассасасига ташриф этиш кундуз куни ёки кечқурун қулай эканлигини аниқлади. Чоршанба куни бу жойда — бозор ташкил этиладиган кун ва аксарият оналар бозор-ўчар билан банд бўлишади.

- Сиз эмлаш ўтказиш учун жорий ёндошувлардан қайси бирларини бекор қиласиз?
- Сиз эмлаш ўтказиш учун қайсиdir ёндошувларни қўшимча тарзда киритасизми?
- Қайси кунлар ва вақт қулай?
- Қайси кунлар ва вақт ноқулай?

б) 2000 нафар аҳоли истиқомат қиладиган поселка ва тиббиёт муассасаси оралиғидаги масофа 12 км дан иборат. Янги туристик меҳмонхона қурилишида меҳнат қилишаётган вақтинчалик ишчилар, ўз оиласлари билан поселкада яшашади. Сиз ушбу поселкада эмлаш ишларини сайёр бригадалар ёрдамида ўтказишни режалаштиргингиз ва аксарият оналар ва болалар эрталаблари банд эмасликларини аниқладингиз.

- У ерда эмлаш кунларини қандай мунтазамлиқда ўтказиш зарур?
- Қайси вақт энг қулай бўлади?

в) Иккита қишлоқ тиббиёт муассасасидан жуда йироқда, лекин бир-бирига яқин жойлашган. Шу иккала қишлоққа яқин жойда болалар санаторияси мавжуд. Қишлоқларда сайёр бригадалар ёрдамида илк бора эмлаш ишлари ўтказилади. Сиз санаториянинг бош врачи ва ҳамширалари билан гаплашдингиз. Улар, агар вакцина олиб келинса, маҳаллий аҳолига санаторияда эмлаш ўтказишга ёрдам беришга розилик билдиришди. А қишлоқнинг аҳолиси 4000 нафар кишидан иборат, Б қишлоқнини эса – 3500 нафар киши. Оналар ва аҳолининг тегишли бошқа вакиллари, жамоатчилик фаолияти учун ўзларида душанба ва сешанба кунлари имконият мавжуд эканлигини билдиришди.

\*Эмлаш қандай мунтазамлиқда ўтказилиши зарур?

2. Энди, тиббиёт муассасасига қатнашни яхшилаш ва мавсумий ишчилар посёлкасида ҳамда болалар санаториясида сайёр бригада ишлашини таъминлаш мақсадида жадвалга янги кунларни киритиб эмлаш ишлари жадвалини ўзгариринг. Юқорида келтирилган барча ахборотларни инобатга олинг ва 3-машқнинг 1-қисмида келтирилган ишнинг жорий жадвалини ўрганинг. Янги жадвал тузинг ва уни 3-машқнинг 2-қисмiga ёзинг. Тиббиёт ходимлари айнан бир вақтнинг ўзида фақат битта жойда эмлаш ўтказлаши мумкинligини инобатга олинг.

3. В қишлоғига, мавсумий тошқинлар ва йўл йўқлиги боис, йилнинг фақатгина 4 ойи мобайнида бора олиш мумкин. Қишлоқ аҳолиси — 5000 нафар кишидан иборат. Эмлашни ўтказиш май, июнь, июль и август ойлари мобайнида ўтказиш мумкин.

\*Ушбу қишлоқда иммунизация учун қандай стратегия қўлланилиши мумкин?

\*Бу фаолиятнинг конкрет төслиф этинг.

## 2-МОДУЛЬ

### 3-машқ, 1-қисм

#### Тиббиёт муассасаси фаолиятининг ҳафталик жорий жадвали\*

Ҳафта кунлари	9.00-12.00	14.00-16.00	18.00-20.00
Душанба	* Амбулатория қабули * Эмлаш	* Амбулатория қабули	
Сешанба	* Амбулатория қабули * Эмлаш	* Амбулатория қабули	
Чорсанба	* Амбулатория қабули * Санитария таргиботи	Ёпиқ	
Пайсанба	* Амбулатория қабули	* Амбулатория қабули * Эмлаш	
Жума	* Амбулатория қабули * Түргүкчача текшириув	* Амбулатория қабули * Болалар диспансеризацияси	
Шанба	* Амбулатория қабули	Ёпиқ	

\* Жадвалда кўрсатилган барча тадбирлар жараёнида (ўтказилаётган вақтда) эмлашни амала ошириш мумкин.

### 3-машқ, 2-қисм

#### Тиббиёт муассасаси фаолиятининг ҳафталик қайта кўриб чиқилган жадвали\*\*

Ҳафта кунлари	9.00-12.00	14.00-16.00	18.00-20.00
Душанба			
Сешанба			
Чорсанба			
Пайсанба			
Жума			
Шанба			

\*\* Жадвалда кўрсатилган барча тадбирлар жараёнида (ўтказилаётган вақтда) эмлашни амала ошириш мумкин.

### 3-машқ, 2-қисм

Ўз тиббий участкангиз ҳақидаги қўйидаги саволларга жавоб ёзинг. Тугатганингиздан кейин ўз жавобларингизни бошловчи билан муҳокама қилинг.

1. Тиббий участкангизда ўзингиз амал қиласиган эмлаш ўтказиш жадвалини баҳоланг. Ҳозирги пайтда эмлаш ўтказиш қандай режалаштирилган?
2. Ўз тиббий участкангизда эмлаш билан қамраб олишни яхшилаш учун эмлаш ўтказиш жадвали қандай ўзгартирилиши мумкин?
3. Агар Сиз ўз тиббий участкангизда иммунизация кунини ўтказишни режалаштирган бўлсангиз, эмлаш ўтказишни қачонга режалаштирасиз? Нега айнан шу пайт Сизнинг участкангиз учун қулай?

## 2. ИММУНИЗАЦИЯНИ ВА УНИНГ МОНИТОРИНГНИ АҲОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИШ

Тиббий хизматлар ҳақида боҳабар бўлган аҳоли, ушбу хизматларнинг юқори савияда кўрсатилиши таъминланишида ва улардан фойдаланишида сезилари ёрдам кўрсатишлари мумкин. Иммунизациянинг нечоғли муҳимлигини тушуниб етиш, шунингдек, вакцинация масалалари бўйича қаерга ва қачон мурожаат этишини билиш муҳим аҳамият касб этади. Вакцинация ҳақида хабардор қилишда тиббиёт ходими ва ота-оналар ўртасидаги шахсий муносабатлар муҳим ўрин тутади. Режали иммунизация учун ҳар бир болани туғилганидан то қабул қилинган эмлаш тақвимига мувофиқ эмлашнинг тўлиқ курсини тутагатунига қадар кузатиб бориш зарур. Репродуктив ёшдаги аёлларнинг, айниқса ҳомиладорлик давридаги, қоқшолга қарши эмланганлик ҳолатини аниқлаш муҳимдир. Бу ишда аҳоли кўмаги муҳим ўрин тутиши мумкин.

### 2.1 Фаолларнинг ўрни

Аксарият ҳолатларда аҳолининг айрим вакиллари (фаоллар ёки қўнгиллilar) соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли ўртасидаги алоқани таъминлашда алоҳида ўрин тутишади. Ўқитиб тайёрланган фаоллар иммунизация каби қатор профилактик тадбирлар бўйича кишиларнинг боҳабарлик даражасини оширишда иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, улар айрим болаларни кузатишда ёрдам беришлари, сафардаги тадбирларда иштирок этишлари, вакцинация олишга хонадонларни жалб этишлари мумкин. Ҳар бир фаол/қўнгилли айланиб чиқиши мумкин бўлган худуд, бир нафар фаол кўриб чиқа оладиган хонадонлар сони ва жойлашуви нуқтаи назаридан ўрганилиши даркор. Куйида фаоллар бажарадиган типик вазифалар рўйхати келтирилган.

- Хизмат кўрсатиладиган участкадаги мақсадли аҳолини аниқлаш
- Хонадонларни қўнгиллilarга бириктириш
- Бириктирилган хонадонлар аъзоларининг рўйхатини болаларнинг исми шарифи билан тузиш (жумладан чақалоқларнинг)
- Исм-шарифлар битилган рўйхатни вакцинация бўйича ҳужжатларга киритиш учун тиббиёт ходимларига бериш
- Вакцинацияга (режали ёки сафардаги) таклиф этиш учун хонадонларга ташриф буюриш
- Иммунизация картасининг (063-шакл/хисоб) моҳиятини оналарга тушунтиришда ёрдамлашиш
- Иммунизация курсини тугатиши зарур бўлган болаларни кузатиб боришка тиббиёт ходимлари билан ўзаро баҳамжиҳат ишлаш
- Иммунизациядан бўйин товлаётгандар устидан келгусидаги назоратни амалга ошириш
- Иммунизацияни ўтказиш вақти ва санаси, ҳамда эмлаш тақвими ҳақидаги ахборотни тақдим этиш.

Раҳбарлар, тиббиёт ходимлари ва фаоллар, ҳатто аксарият ота-оналар иммунизация айрим юқумли касалликларнинг олдини олишини билишсалар ҳам, барибир уларга иммунизация муддатлари ҳақида ахборот бериш ва болаларни вақтида эмлатишга ундаш зарурлигини тушунишлари лозим.

Ота-оналар ҳар бир бола учун иммунизация картасига (063-шакл/хисоб) ҳамда қуйидаги маълумотларга эга бўлишлари лозим:

- навбатдаги эмлаш учун болани қачон ва қаерга олиб боришни;
- бола вакцинациянинг тўлиқ курсини олиши учун неча маротаба ташриф буюриши лозимлигини;
- бўлиши мумкин бўлган ИКНК ҳақида;
- болалarda ИКНК ривожланганида нима қилиш зарурлигини;
- врач қабулига ҳар гал ташриф буюришганида иммунизация картаси мавжуд бўлиши зарурлигини.

Иммунизация бўйича мутасадди ва бошқа тиббиёт ходимлари она билан сұхбат чоғида уни ташвишлантираётган саволларга жавоб бериш ва иммунизация ҳақида нотўғри тасаввурларини бартараф этиш учун таъсирчан мuloқot кўникмаларига, шунингдек, зарур ахборотга эга бўлишлари даркор.

Тиббиёт ходимлари ва фаоллар саволларга қандай жавоб қайтаришлари мумкинлигига айрим мисоллар 3-иловада келтирилган. Ота-оналар билан мuloқotга киришиш бўйича зарур кўникмалар ва тавсиялар ҳақида 3-бўлимда сўз юритилади.

### 4-машқ: Қамраб олиш даражаси пастлигининг ва иммунизация якунланмаганинг сабабларини муҳокама қилинг

Бошловчи 5–10 нафар иштирокчини танлаб олади (гуруҳнинг катта-кичиклигига қараб) ва улардан хонанинг узоқ бурчагига бориб туришларини сўрайди. Улар тиббиёт муассасаси йўқ бўлган чекка қишлоқча аҳолисининг вакиллари ролини бажаришади. Бошловчи уларнинг бир нечтасидан, фарзандлари эмланмасдан қолишининг айрим сабабларини айтишларини сўрайди. Машқ шартига кўра, уларнинг фарзандлари «эмланмаганлар» тоифасининг биронта вакили ҳисобланishiади, яъни, уларга етиб бориш географик нуқтаи назардан қийин, қишлоқ аҳлининг эса тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши мушкул. Кейин бошловчи улардан муаммони ҳал этиш мумкин бўлган ечимларни айтишларини (м-н, сайёр бригада жўнатиш, йўлни ёки кўприкларни таъмирлаш ва ҳ.) ва мазкур ечимларни флипчартга ёзишларини сўрайди. Бошловчи қолган иштирокчиларга мурожаат этиб, улардан ҳар бирининг биринчи, иккинчи ва учинчи тартиб рақамларидан бири билан белгиланишларини сўрайди. Кейин барча биринчи рақам билан белгилангандар жойларидан туришади. Шартга кўра улар — транспорт етиб бориши қулай бўлган каттакон бир қишлоқ аҳли, лекин қишлоқда ҳали вакцинация олишмаган болалар кўпчилликни ташкил этади. Шундай қилиб, улар «қамраб олинмаганларнинг» иккинчи тоифасидир. Бошловчи улардан, фарзандлари эмланмасдан қолишининг сабабларини (м-н, аҳоли айрим гуруҳларининг кўчиб юриши, ўзга худуддан кўчиб келганлар, ўз саломатлигига эътиборсизлик, тиббиёт ходимлари томонидан кўпол муомала, улар мурожаат этишган пайтларида вакцина йўқлиги ва ҳ.) айтишларини сўрайди. Гуруҳ аъзоларидан айримлари муаммони ҳал этиш мумкин бўлган ечимларни айтишлари (м-н, аҳоли вакиллари билан маслаҳатлашиш, бундай болаларни янада самаралироқ кузатиб бориш ва ҳ.) ва мазкур ечимларни флипчартга ёзишлари лозим.

Кейин барча иккинчи рақами билан белгилангандар ўринларидан туришади. Шартга кўра уларнинг фарзандлари вакцинация олишни тақвим бўйича бошлашган, лекин уни якунига етказишмаган ва тиббиёт муассасасига қайта мурожаат этишмаяпти. Уларнинг фарзандлари учинчи тоифани — «эмлаш курсини якунламаганлар»ни ташкил этишади. Бошловчи уларнинг бир нечтасидан, фарзандлари ушбу тоифага тушиб қолишлиарининг айрим сабабларини (м-н, вакцинация муддати ҳақида ахборотнинг йўқлиги, улар тиббиёт муассасасига мурожаат этишган пайтларида вакцина йўқлиги ва ҳ.) қисқача айтишларини сўрайди. Гуруҳ аъзоларидан айримлари муаммони ҳал этиш мумкин бўлган ечимларни айтишлари (м-н, аҳоли вакиллари билан маслаҳатлашиш, бундай болаларни янада самаралироқ кузатиб бориш ва ҳ.) ва мазкур ечимларни

флипчартга ёзишлари лозим. Ва ниҳоят, қолган иштирокчилар (учинчи рақамдагилар), фарзандлари вақтида эмлашни олишаётган ота-оналар гурухидир. Ушбу иштирокчилар, нега уларнинг фарзандлари вакцинация олишни бошлашганлиги ва ҳануз давом этиришаётганлигининг сабаблари ҳақида (саломатлигини кузатиб боришади, соғлиқни сақлаш тизими хизматидан фойдаланишга ҳеч қанақа монелик йўқ ва аҳоли ўртасида бунга халақит қилувчилар йўқ ва ҳ.) ўйлашлари ҳамда қолган иштирокчилар билан ўртоқлашишлари лозим. Бошловчи барча жавобларни флипчартга ёзиб боради.

## 2.2 Хизмат кўрсатиш билан аҳоли алоқадорлигининг мониторинги

Аҳоли иштирокини мониторинг қилиш Соғлиқни сақлаш тизими тегишли бўғини раҳбарларининг ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси тадбирлари бутун мажмуасидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ назорат қилувчи фаолият турларидан бири ҳисобланади. Раҳбарлар, шунингдек, тиббиёт ходимларига мониторингни ташкил этиш ва кўнгиллilar иш сифатини таъминлашда ёрдам кўрсатишлари зарур. Тиббиёт ходимларига эмлашдан бўйин товлаётганларни кузатиб бориш ва чақалоқларни аниқлаш йўли билан болаларни қамраб олиш даражасини ошириш бўйича тадбирларга аҳоли вакилларини жалб этишларида кўмаклашиш зарур. Фаоллар бир ёшгача болаларни, шунингдек чақалоқларни аниқлашда ва уларнинг рўйхатларини тузишда тиббиёт ходимларига ёрдамлашишлари мумкин. Фаоллар вакцинация қилиниши лозим бўлган айrim болалар устидан кейинги назоратни амалга оширишда ҳам кўмаклашадилар.

Қўйида келтирилган назорат саволномаси кураторлик визитларини ва режали мониторинг тадбирларини, шунингдек, кўнгиллilar ишининг самарадорлигини назорат қилиш учун фойдали бўлиши мумкин.

### Аҳоли иштирокини ва фаоллар ишини баҳолаш учун назорат саволномаси (назорат/мониторинг мақсадида)

	Саволлар/танбехлар			Ҳа	Йўқ
1	Хизмат кўрсатиш ҳудудидаги аҳоли ўртасида фаол(лар) мавжудлиги			<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Агар ҳа бўлса, қўйидаги а, б, в, г ва д саволларига жавоб қайтаринг:					
	а	Фаоллар сони етарлики?		<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
	б	Барча фаоллар тайёргарликдан ўтишганми?		<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
	в	Фаолларда иммунизация бўйича ахборот материаллари мавжудми?		<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
	г	Агар ҳа бўлса, уларнинг миқдори етарлики?		<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
	д	Фаоллар хизмат кўрсатиш ҳудудидаги мониторинг мақсадидаги ойлик ташрифларда иштирок этишадими?		<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2	Иммунизация бўйича тиббиёт муассасаси ва аҳоли ўртасида ахборот алмашиниши мавжудми? Агар ҳа бўлса, қандай ахборот, қай йўсунда берилади? Шунингдек, бошқа исталган хос тадбирларни кўрсатинг:			<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3	Хизмат кўрсатиш ҳудудида вакцинация олмаганларни аниқлаш ва кейин уларга иммунизация ўтказиш механизми мавжудми?  Агар ҳа бўлса, реестр/кузатиб бориш рўйхати мавжудлигини ва қўлланилишини текшириб кўринг?  Вакцинатор/тиббиёт ходими ва аҳоли вакцинация олмаганларни қамраб олиш бўйича ўз ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришадими?			<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

## 2-МОДУЛЬ

<b>4</b>	Тайёланган фаоллар фаол ишлашадими? Агар ҳа бўлса, улар қуидаги тадбирлардан қай бирлари билан банд («ҳа»/»йўқ» (квадратчалар) жавобларидан ташқари, қанча кўнгилли жалб этилганлигини кўрсатинг).	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
а	Саноқ ва хонадонлар рўйхатига киритиш олиб бориладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
б	Реестр мавжудлигини ва фаол томонидан тўғри юритилишини текшириш?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
в	Хонадонларга ташриф (доира ичига олинг: ҳар чорақда/ҳар ойда/ҳар ҳафтада/ҳар куни)?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
г	Эмланмасдан қолганиларни аниқлаш йўлга қўйилганни ва ота-оналарга иммунизация дастури тушунтириладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
д	Жамоада ахборот тадбирлари/йигилишлар ўтказиладими? (ойига неча маротаба)	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
е	Жамоатчилик фикрини ифода этувчи ахоли вакилларини жалб этиш ва хабардор қилиш бўйича тадбирлар амалга ошириладими? (Ойига неча маротаба)	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
ж	Хизмат кўрсатиши худудида ахолини рўйхатга олиш ва маълумотларни ойдинлаштириш амалга ошириладими (доира ичига олинг: ҳар йили/ҳар чорақда/ҳар ойда/ҳар ҳафтада/ҳар куни)?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
з	Тегишли хизматлар ахоли ўртасида кузатилаётган мақсадли касалликлар билан касалланиш ва уларнинг эпидемиялари ҳақида хабар беришадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
<b>5</b>	Фаолга беркитилган ҳудуддаги тасодифий танлаш усулни билан танланган 10 та хонадонга ташриф буюргинг. («ҳа»/»йўқ» (квадратчалар) жавобларидан ташқари, саволларнинг ҳар бирига хонадонлар томонидан билдирилган жавобларининг сонини кўрсатинг)		
а	Оила ўз фаолини биладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
б	Фаол ижобий рол ўйнайдими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
в	Фаол Сизнинг хонадонингзага ташриф буюрганими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
г	Фаол фойдали ахборотни тақдим этидими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
<b>6</b>	Вакцинация ўтказиш чоғида вакцинатор ва ота-она ўртасидаги мулокотни кузатинг (бир неча вакцинация бўлса, уларнинг сонини кўрсатинг)		
а	Вакцинатор юборилаётган вакцина ҳақида ахборот берадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
б	Вакцинатор, агар ноxуш ҳолат кузатилса, нима қилиш зарурлигини тушунтирадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
в	Вакцинатор навбатдаги вакцинация санасини айтадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
г	Эмлаш картаси тўғри тўлғазилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

### 5-машқ: Аҳолининг иштирок этиш режасини тузиш

1-машқка ва ўзингиз аниқлаган учта устувор йўналишга мурожаат қилинг. Ушбу биринчи даражали тадбирларга алоқадор бўлган қуида келтирилган жадвални тўлғазинг. Иммунизация хизматини тақдим этишда ахоли иштирокини қандай яхшилаш, режалаштиришни ва ахоли билан ҳамкорлиқда иммунизация устидан мониторингни қандай такомиллаштириш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Эмланмаганлар сонини қисқартириш ва қамраб олиши ошириш бўйича ҳатти-ҳаракатларга ахолини қандай жалб этиш мумкинлиги тўғрисида ҳам ўйланг. Мазкур режа иммунизация бўйича умумий режа билан, хусусан, ҳар бир туманни қамраб олиш бўйича тадбирлар билан қай даражада ҳамоҳанглигини муҳокама этинг.

(а) устунда 1-машқда ҳисоблаб топилган Сиз хизмат кўрсатаётган туманда бажарилаётган дастурдаги нуқсонларни бартараф этиш ва қамраб олиш даражасини яхшилаш учун Сизнинг назарингизда энг муҳим бўлган ахолини жалб этиш бўйича тадбирларни кўрсатинг. (б) устунда қайси гурухлар/ахоли вакиллари ушбу тадбирларни амалга оширишда ёрдам бериши мумкинлигини кўрсатинг. (в) устунда тадбирлар

бажарилишини құзатиш ва ижобий үзгаришларни аниклаш үчүн қанақа мониторинг воситалари ва маълумотлар (м-н, иммунизация билан қамраб олиш даражаси, қамраб олингандар сони) зарурлигини күрсатинг. (ғ) устунда режалаштириш ва ўқитиш бүйіча тадбирларни, уларни бажарыш үчүн зарур бўлган воситаларни (м-н, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, қўнгиллilarни аниклаш ва тайёрлаш, аҳоли билан йигилиш ўтказиш ва ҳ.) кўрсатинг. (д) устунда эса Сиз (ғ) устунида кўрсатилган топшириқларни қачон якунлашингиз мумкинлигини кўрсатинг.

Аҳолини жалб этиш бүйіча тадбирлар <b>(а)</b> <b>(1-машқдан)</b>	Гурухлар/аҳоли вакиллари <b>(б)</b>	Мониторинг воситалари ва тадбирлар бажарилишининг боришини құзатиш маълумотлари <b>(в)</b>	Режалаштириш ва ўқитишга талаблар <b>(в)</b>	<b>Муддатлар (д)</b>
1.				
2.				
3.				

Жамоат билан  
ҳамкорликда  
режалаштириш

Амалга ошириш  
ва мониторинг

Самарали  
ҳамкорлик

Хабардор қилиш  
воситалари  
ва каналлари

### 3. АҲОЛИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Самарали ҳамкорлик иммунизация дастури ва соғлиқни сақлаш учун ресурсларни сафарбар этишни таъминлашда, иммунопрофилактика буйича тадбирларда тиббиёт ходимларининг, раҳбарларнинг ва аҳолининг иштирокини кучайтиришда (стимуллашда) муҳим рол ўйнайди. У шунингдек, сохта ахборотни рад этишга ва иммунизацияга нисбатан шубҳаю гумонларни бартараф этишга кўмаклашади, ота-оналарга тегишли хизматларни қаерда ва қачон олиш мумкинligини, улардан фойдаланиш ва эмлаш тақвимига амал қилиш учун нима қилиш кераклигини тушунишларида ёрдам беради.

#### 3.1 Иммунизацияни ўтказишида мулоқот

Кишиларнинг поликлиникага ташриф этишларига ва/ёки қайта келишларига нималар тўсик бўлишининг ёки халақит қилишининг сабабини аниқлаш учун муайян таҳдилни амалга ошириш зарур.

Мана сабаблардан айримлари:

- вакцина йўқлиги;
- поликлиниканинг анчагина йироқлиги;
- ахборотнинг етарли эмаслиги;
- тиббиёт ходими билан мулоқот натижасида нохуш таассурот қолиши;
- оналарни боланинг вакцинация статуси ҳақида хабардор қиласлик.

Бундай ҳолларда хизмат кўрсатишни яхшилаш зарур, лекин аксарият вазиятларда, кишилардан баҳраманд бўлиш ва фойдаланиш мумкин бўлган қандай хизматлар мавжудлигини тушуниб этишлари ҳам талаб этилади.

**3. Таянч ҳолат:** Самарали мулоқот — алоҳида кишилар ва жамоаларнинг саломатлигини ва уларга тиббий хизмат кўрсатилишини яхшилаш учун уларни тинглашни, тушуниши, қўллаб-кувватлашни ва ҳамкорликда ишлашни ўздалай олишадир. Ахборотни муҳокама этмасдан туруб, кишиларни фақат хабардор қилиш етарлик эмас.

##### 3.1.1 Раҳбарнинг мулоқот кўнималари

Мулоқот тарзи хизматларни қабул қилишга ва кўрсатишга ижобий ёки салбий таъсири этиши мумкин. Баҳамжиҳатлик муҳити ва раҳбар билан ходимларнинг очиқ мулоқоти дастурни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи жиҳатлар ҳисобланади. Кескин танқид қилинаётганлар ёки ўз ишини раҳбар билан муҳокама этишда нокулайлик ҳис этишаётган ходимлар тақомиллашиш учун кам мотивацияга эга бўладилар. Қадимий

иборани ёдда тутиш лозим: сенга қандаи муносабатда бўлишларини хоҳласанг, ўзгаларга сен ҳам худди шундай муносабатда бўлгин.

Ходим билан мuloқot

Соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли бўғини раҳбарлари ҳамиша ўз ходимларининг боҳабарликлари ҳақида қайғуршилари лозим, жумладан:

- дастурнинг бажарилиш кўрсатичлари ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этишлари;
- ходимларга нисбатан қўллаб-кувватловчи кураторликни шундай тарзда амалга ошириш жоизки, тики уларда ўқиш ва малака ошириш учун имконият пайдо бўлсин, диалог ва муҳокамалар рағбатлантирилсин, хусусан, зинҳор ходимларга нисбатан тўраларча муносабатда бўлмасин;
- ходимга жамоа билан алоқа ўрнатишларида, хусусан, етакчилар орқали ва йиғилишлар пайтида ёрдамлашиш.

### 3.1.2 Жамоа билан алоқа

Иммунизация дастурининг бажарилиши ҳақида жамоа аъзоларини хабардор қилиш уларнинг иштирок этишларини рағбатлантириш ва тегишли тадбирларни қўллаб-кувватлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Жамоа аъзоларини хабардор қила туриб, иммунизация тизими раҳбарлари ва тиббиёт ходимлари мuloқotни очиқ ва юксак савиядаги касбий маҳорат билан, илмий терминларни қўлламаган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилишлари лозим. 1-жадвалда ишонч ва дўстона муносабатни қарор топтиришга кўмаклашувчи мuloқot стратегияси келтирилган.

#### 1-жадвал: Жамоалар билан самарали алоқани таъминлаш бўйича тавсиялар

Жамоалар билан мuloқot стратегияси	Тавсиялар
Аҳоли билан самимий муносабатлар ўрнатиш	Самимият, дўстоналик, хуш кайфиятни намоён этинг. Аҳолига ҳурмат кўрсатинг. Иммунизацияга фарзандларини олиб келишгани учун ота-оналарни мактанг ва руҳлантиринг.
Аҳоли вакилларини тинглай билиш	Иммунизация тўғрисида аҳоли нималарни билишларини аниқланг; бунда тушунарли атамалардан фойдаланинг. Иммунизация бўйича аҳолини ташвишлантираётган саволларга жавоб қайтаринг. Йигилишларни ва хонадонлардаги учрашувларни эркин шароитда ўказинг.
Кўрсатилаётган хизматлар ва иммунизация дастурининг бажарилиши ҳақида маълумот тақдим этиш	Тиббий хизматларни тақдим этишнинг биринчи навбатдалиги, хизматларни тақдим этиш механизми ва афзаликлари ҳақидаги фикр-мулоқазаларни рағбатлантиринг. Одатий, илмий бўлмаган ибораларни қўллаб қамраб олиш даражаси, касалланиш ҳолатлари ва эришилган муваффақиятлар ҳақида ахборот беринг.  Аҳоли аҳволи билан қизикинг.  Ота-оналарга иммунизациянинг фарзандлари ва уларнинг ўзлари учун муҳимлиги ҳақида сўзлаб беринг.

### 3.1.3 Мuloқot кўниқмалари борасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш

Иммунизация бўйича хизмат қўрсатиш сифатини ошириш учун аксарият раҳбарлар ва тиббиёт ходимлари мuloқot кўниқмаларини такомиллаштиришлари ва маҳсус билимларга эга бўлишлари зарурдир. Тиббиёт ходимларининг мижозларга муносабатини ва кишиларга асосий фикрни аниқ етказиб бериш қобилиятини яхшилаш учун қўшимча ўқишни ёки салоҳиятларини ривожлантириш талаб этилиши мумкин. Шунингдек, тиббиёт ходимининг иммунизация ҳақидаги ҳар қанақа нотўғри тасаввурига (фикрига) эътибор қаратиш зарур. Масалан, эмлашга монелик борасида қабул қилинган нотўғри қарор туфайли ёки бир неча вакциналарни

олиши зарур бўлсада, вакцинация муддатларига амал қилмаслик оқибатида болага эмлаш ўтказилмасдан қолиш ҳолатлари мавжуд.

Тиббиёт ходимларига маҳсус ахборот керак бўлиб, яхшиси уни ўзлари ишлайдиган шароитга монанд/яқин вазиятда олишгани маъқул. Шунингдек, тиббиёт ходими у меҳнат қилаётган жойдаги соғлиқни сақлаш тизими, унинг ўз билимини амалиётда қўллашини қўллаб-кувватлашига ишониши зарур. Модулнинг 3.2-бўлимида иммунизация борасида кишиларда хавотир келтириб чиқараётган масалаларга нисбатан ёндошувларга (муносабатга) доир қўшимча ахборот келтирилган. Мулоқотни яхшилаш масаласи иккала томондан ҳам етарли саъий-ҳаракат кўрсатилишини тақозо этади. Масала нафақат тиббиёт ходимларининг мулоқот қила олиш маҳоратига, балки тиббиёт ходими ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатга ҳам боғлиқдир. Мазкур ўзаро муносабатни яхшилашучун, тиббиёт ходими ҳам, ота-оналар ҳам ўз муносабатларини, кўнукмаларини, хоҳишлиарини ўзгартиришларига тўғри келиши мумкин (2-жадвалга қаранг). Тортинчоқ ёки ўз туйғуларини ошкор этишдан, хавотирини айтишдан, саволлар беришдан истиҳола қилувчи ва фақат тиббиёт ходими гапиришини кутадиган ота-оналар ўзаро муносабатни жуда чигаллаштирадилар. Шунинг учун дастурда иккала томонга ҳам эътибор қаратиш зарур. Ота-оналарнинг тиббиёт ходимлари билан очиқроқ мулоқотлари учун тиббиёт ходимларининг, етакчиларнинг саъий-ҳаракатлари, шунингдек, мулоқотнинг бошқа каналларидан фойдаланиш талаб этилиши мумкин.

### 2-жадвал: Доимий эмлаш пунктида ёки сафарда иммунизация ўтказиш чоғида ота-оналар билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар

Иммунизация пайтида шахслараро мулоқот	Тавсиялар
Ота-оналарга тақдим этилаётган маълумотлар ишончли бўлиши зарур	<ul style="list-style-type: none"><li>Юборилган вакцина (вакциналар) ҳақида, кейинги марта қачон келиш зарурлиги ҳақида ва ИКНК пайдо бўлганида нима қилиниши зарурлиги ҳақида (шу билан бирга ИКНК жуда кам – аҳён-аҳёнда кузатилишини таъкидланг) маълумот беринг.</li><li>Ота-оналарни ўлиқ курс якунига етганига қадар болада иммунизацияни давом этириш зарурлигига ишонтиринг.</li><li>Боланинг ота-онаси тушган вазиятга бефарқ эмаслигингизни намоён этинг.</li><li>Агар ота-оналарда иммунизация ҳақида нотўғри тасаввур бўлса, уларнинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилинг.</li></ul>
Ахборот содда ва аниқ бўлиши даркор	<ul style="list-style-type: none"><li>Очиқ бўлинг.</li><li>Пациентга тушунарли содда тилда гапиринг.</li><li>Таянч ахборотни умумлаштиринг.</li><li>Ота-онага фарзандини эмлашга олиб келганлиги учун миннадорчилик билдиринг.</li></ul>
Ота-оналарга барчаси тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, улар Сиздан эшитганларини тақорорлашлари лозим	<ul style="list-style-type: none"><li>Ота-оналарнинг тушунганикларига ишонч ҳосил қилиш учун, улардан Сиз нима ҳақида гапирган бўлсангиз, шуни тақорорлашларини сўранг.</li><li>Агар Сиз: «Фарзандингизни кейинги сафар иммунизацияга қачон олиб келасиз?» деб сўрасангиз ва Сизга эмлаш ўтказиладиган санани/кунни тўғри айтишса, кўриниб турибдики Сизни тушунишибди. Тўғри жавоблар учун мақтаб қўйинг.</li></ul>

### 3.2 Хавотир, нотўғри тасаввурлар ва миш-мишлар пайдо бўлишининг олдини олиш

Кўлгина давлатларда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, ота-оналар ва аҳолида иммунизация ҳақида аниқ тасаввурлар бўлмасада, болалар саломатлигини сақлашда вакцинациянинг муҳимлиги ҳақида умумий тушунча мавжуд. Шунга қарамасдан аҳоли вакцинацияга нисбатан хавотир (ташвиш) билан қараши, нотўғри тасаввурга ва фикрга эга бўлиши ва ҳаттоқи эмлаш ўтказилишига қаршилик кўрсатиши мумкин. Агар бунга етарлича эътибор

қаратилмаса, зарур ахборотлар берилмаса, ноxуш кўринишларни ва касалликларни вакцинация билан боғлай бошлашса, миш-мишлар пайдо бўлади ва тарқала бошлайди. Раҳбарлар, нотўғри тасаввурлар ва иммунизация ҳақида миш-мишлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда вакцинация масалаларида ахоли саводхонлигини ошириш учун тиббиёт ходимларини тўғри ахборот тақдим этишга ўргатишлари зарур. З-иловада иммунизация ҳақидаги жуда кенг тарқалган саволларнинг жавоблари, 4-иловада эса вакцинацияни ўтказиш пайтида тиббиёт ходимлари ота-оналарга етказиши зарур бўлган ахборотлар келтирилган:

### **6-машқ: Тиббиёт ходимларини ота-оналар билан мулоқотга ўргатиш**

Қўйида келтирилган тиббиёт ходимлари ва ота-оналарнинг ўзаро мулоқоти масаласига доир иккита тадқиқотда шу жабҳадаги энг кўп тарқалган муаммолар кўриб чиқилган. Кичик гуруҳларда ёки ҳамкасбингиз билан тадқиқот матнини ўқинг ва иккита ўзаро мулоқот ҳолатини ижро этинг. Иштирокчилардан биронтасидан, вакцинация жараёнини кузатиб турган бошлиқ ролини ижро этишини сўранг.

Ҳар бир тадқиқот учун:

1. Сиз ўзаро мулоқотнинг асосий муаммолари нималардан иборат деб ҳисобласангиз, кўрсатинг.
2. Ҳодисаларнинг ҳар бирида тиббиёт ходими қанақа йўл тутиши лозим эди?
3. Тиббиёт ходими онанинг ҳолатини қай даражада яхши тасаввур этади ва у билан қанчалик яхши мулоқотга кириша олади?
4. Раҳбар сифатида тиббиёт ходимларининг мулоқотга киришиш борасидаги қўникмаларини такомиллашибириш учун Сиз нима қилган бўлар эдингиз?

[Шунингдек, тиббиёт ходимларига самарали мулоқотга киришишни ўргатиш бўйича тавсиялардан иборат 1-жадвалга эътибор қаратинг. Бу Сизга ушбу машқни бажаришда кўмак бериши мумкин].

### **1-МИСОЛ**

Тиббиёт ходими	А бола! (Ноёбат күтиб турган аёллар томон қичқиради)... А бола!
Она	Нима, ҳамшира? (Дастлаб у тиббиёт ходимини эшитмади ва ўз ўрнидан секин туради)
Тиббиёт ходими	Нима Сиз эшитмайсизми? Тезроқ келинг. Картангизни кўрсатинг!
Она	(Тиббиёт ходимининг олдида ўзини ўйқотиб кўйган ҳолда туради)
Тиббиёт ходими	Ўтиринг! Менинг вақтимни олманг. Бугун вакцинация учун менда бир тўда болалар
Она	(Ўтириади ва фарзандини эмлашга тайёрлади)
Тиббиёт ходими	(Боланинг картасига қайдларни ёзади ва на онага, на болага эътибор бермасдан эмлашни амалга оширади)
Она	Бу қанақа касалликка қарши эмлаш? Боламга у ёмон таъсир кўрсатмайдими?
Тиббиёт ходими	Ҳаммаси карточкада ёзилган. Карточкада айтилганидек бажаринг – Бу Сиз учун Куръон ёки Библия бўлсин. Карточкада болангизга қилинган эмлаш ҳақида ёзиб кўйдим. У ерда, шунингдек, кейинги эмлашнинг санаси ҳам бор
Она	Биз яна келишимиз керакми? Болага бундай кўп эмлаш ўтказиш хавфли эмасми?
Тиббиёт ходими	Ҳой хотин, Сизнинг барча саволларингизга жавоб беришга менинг вақтим йўқ. Нима қилиш кераклигини мен айтдим ва мен жуда бандман. Навбатдаги ким? Бола!

## 2-МОДУЛЬ

### 2-МИСОЛ

Тиббиёт ходими	А бола. Бу томонга ўтинг
Она	Ха, ҳамшира ( <i>ўз ўрнидан туради</i> )
Тиббиёт ходими	Марҳамат, ўтириңг. Ўзингиз қалайсиз, бугун болангиз үзини қандай ҳис этаяпти?
Она	Раҳмат, яхши. ( <i>йттаради</i> ). Менда карточка йўқ. Бугун биз биринчи маротаба келишимиз
Тиббиёт ходими	Безовта бўлманг. Мен Сизга карточка бераман. ( <i>Карточкани олади, унга зарур ахборотларни қайд этади ва онадан болани вакцинацияга тайёрлашини ўрайдий</i> ). Қайтадан тасдиқлаймиз, боланинг исми — А ва у икки ҳафталиқ. Шунақами?
Она	Ха, ҳамшира. Сизга раҳмат
Тиббиёт ходими	Ҳозир мен болангизнинг ќўлининг юкори қисмига вакцинани юбораман ва оғзига бир неча томизаман. Ќўлга юборилган вакцина, болани сурункали йўталга олиб келувчи силдан ҳимоялайди. Оғизга томизилган томчилар эса болани флајликга олиб келувчи қасаллик - полиомиелитдан ҳимоялайди. Кичкина инъекция, унчалик оғрикли эмас. Дастваб кичкина қаттиқ тулун пайдо булиши мумкин, у бир неча ҳафтадан кейин ўз-ўзидан йўқолади. Эмлаш ўтказилган жойни қуруқ тушиш даркор ва боғлов қўйиш мумкин эмас ( <i>болого инъекция қулади</i> ). Томчи эса ҳеч қанақа муаммо келтириб чиқармайди
Она	Раҳмат, ҳамшира. Сизнинг менга жаҳл қилмаганингиз учун хурсандман
Тиббиёт ходими	Нега энди мен Сизга жаҳл қилишим керак экан?
Она	Аёлларнинг гапига қараганда, фарзандим түғилганидан кейин мен бирон маротаба ҳам мурожаат қилмаганингиз учун врачлар мени уришар эканлар
Тиббиёт ходими	Юборилган вакциналар номларини ёзди ва навбатдаги эмлаш санасини, вақтини ва жойини онага тушунтиради. Шунингдек, тиббиёт ходими тўлиқ иммунизация курсини таъминлаш учун, бола 1 ёшга етунинга қадар уларга бир неча маротаба эмлаш ўтказилиши зарурлигини онага тушунтиради. Кейинги сафар тўрт ҳафтадан кейин, худди буғнгидек душанба куни келинг. Саволларнинг борми?
Она	Ха. Агар мен боланинг навбатдаги эмлашини ўз вақтидан ўтказиб юборсан, қандай йўл тушиш зарур?
Тиббиёт ходими	Биламан, ҳамиша ҳам навбатдаги эмлашларга ўз вақтида келишга мувффақ бўлинмайди, лекин ҳаракат қилиш зарур. Вакцинация фарзандингизнинг соғлиғи учун муҳим. Агар белгиланган куни келишга имконият бўлmasa, кейинги душанбада, ҳаттоқи бола бетоб бўйса ҳам олиб келинг.
Она	Раҳмат, ҳамшира ( <i>кулади</i> ). Эмлашни белгиланган кунидан ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиласман
Тиббиёт ходими	Яхши боринг В хоним. Тўрт ҳафтадан кейин кўришамиз

### 3.3 Аҳолини касалланиш ва иммунизациядан кейинги нохуш қўриниш ҳолатларини аниқлашга жалб этиш

Соғлиқни сақлаш тизимининг мутасаддиларига ва тиббиёт ходимларига юқумли касалликларнинг эпидемик чақнашлари (м-н, қизамиқ эпидемияси) билан, шунингдек, аҳолининг ИКНК борасидаги ҳақиқий ёки ўринсиз (сохта) безовталиклар билан иш олиб боришларига тўғри келади. Туман, вилоят ва республика босқичларида иммунизация билан боғлиқ хавотирларга таалуқли масалаларни ҳам этишда қўйидаги ҳатти-ҳаракатлар, тадбирлар ёрдам бериши мумкин. Маҳаллий даражада ҳам мазкур асосий тадбирларни амалга ошириш талаб этилсада, лекин яхшиси уларни етакчилар ва аҳоли вакиллари билан бевосита шахсий мулоқот орқали бажариш мақсадга мувофиқдир.

#### **Олдиндан режалаштиринг**

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши борасидаги қарорларни қабул қилиш учун масъул етакчи мутахассисни таклиф этинг. У иммунизация бўйича бош мутахассис ва/ёки бошқа тиббиёт ходими бўлиши лозимки, бу вазиятда Сизнинг иммунизация бўйича фаолиятингизда раҳбарият намоёндалари ҳам иштирок этиб туришлари сезилиб турсин.

Олдиндан иммунизациядан кейинги нохуш қўринишлар ҳақида маълумотларни тайёрланг.

Оммавий ахборот воситалари билан, айниқса соғлиқни сақлаш масалаларини ёритувчи журналистлар билан мулоқот ўрнатинг. Иммунизациядан кейинги нохуш қўринишлар пайдо бўлиш эҳтимоллигига таалуқли маълумотларни уларга тақдим этиш фойдадан холи бўлмайди. Ахборот тарқатишнинг ишончли каналларини (м-н, саломатлик ҳақида мунтазам теле-радиодастур ёки тиббиёт журналидаги ахборот саҳифаси) топинг.

Фавқулодда ҳолатлар пайдо бўлганида ўқитиш, режалаштириш ва тадбирларни бажариш учун алоҳида молиявий қўйилма мавжудлигига ишонч ҳосил қилинг.

#### **Оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан иш олиб боришга ўрганинг**

Ёзма материалларни тайёрлаш, шунингдек, интервью олиб бориш ва долзарб масалалар бўйича камера олдида чиқиш тажрибасини (малакасини) ошириш имконини берувчи семинарлар ҳақида сўз юритилмоқда.

#### **Иммунизациядан кейинги нохуш қўринишлар ҳақида хабарларнинг манбаларини ва тафсилотларини аниқланг**

Факларни текширинг. Агар имконияти бўлса, аслида нима воқеа содир бўлганлигини билиш учун, иммунизациядан кейинги нохуш қўринишлар пайдо бўлган жойга ташриф буюринг, ёки у ерда турган бирон мутахассисга қўнғироқ қилинг.

#### **Иммунизациядан кейинги нохуш қўринишлар пайдо бўлганида тўғри ҳатти-ҳаракат қилинг, воқеаларни холис баён этинг**

Ҳолат юзасидан малакали текширувни бошланг ва унинг бориши ҳақида матбуотни огоҳ этинг. Иммунизациядан кейинги нохуш қўринишлар ҳақида маълумот (хабар) Сизга етказилганидан кейин бир неча соат мобайнида дастлабки хulosани эълон қилинг. У иммунизациядан кейинги нохуш қўриниш ҳолати ва унинг сабаби ҳақида хабардан; қабул қилинган/режалаштирилаётган тадбирларнинг қисқача баёнидан; зарур барча тадбирлар кўрилиши ҳақида ишонтиришдан иборатdir. Агар иммунизациядан кейинги нохуш қўриниш жиддий тусга эга бўлса, текширувнинг бошланишидаёқ, ҳаттоқи Сиз етарлича маълумотга эга бўлмасангиз ҳам пресс-конференция ўюширинг. Бу миш-мишлар тарқалишининг олдини олади, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ишонч муҳитини қарор топтиришга қўмаклашади.

### **Нима содир бўлаётганлигини ва кейинги марта қай тарзда янада самаралироқ ҳаракат қилиш зарурлигини баҳоланг**

Антирекламанинг салбий томонлари ҳам, ижобий томонлари ҳам мавжуд. Агар Сиз яхши тайёргарликка эга бўлсангиз, вазиятни мутахассис сифатида ҳаққоний баҳоласангиз, Сизнинг баёнотларингизга қулоқ тушибади, мазкур масала юзасидан Сизга ишончли ахборот манбай сифатида қарашади ва Сиз хурмат қозонишингиз ҳамда фикрингизни қўллаб-куватловчи қўшимча тарафдорларга/кучларга эга бўлишингиз мумкин.

#### **7-машқ: Иммунизациядан кейинги ноxуш қўринишлар билан боғлиқ аҳоли безовталигининг олдини олиш бўйича тадбирлар**

*Шартни ўқинг* (кейинги хатбоши). Воқеаларни салбий ёритишнинг қандай олдини олиш мумкинлигини ва/ёки ишончни мустаҳкамлаш ва салбий гап-сўзларни камайтириш учун ижобий хабардан қандай фойдаланиш мумкинлигини муҳокама этинг. 5-иловада келтирилган ахборотдан фойдаланиб, ОАВ хабарига жавоб қайтариш режасини, шунингдек, ушбу вазият бўйича саволлар ва жавоблар рўйхатини тузинг.

**Шарт:** Сиз — иммунизация дастурининг вилоят/туман раҳбарисиз. Сиз хизмат кўрсатаётган ғарбий ҳудудлардан биридаги маҳаллий радиостанция поликлиникада ўтказилган вакцинациядан кейин бир-нечада бола касалланиб қолганлиги ҳақидаги хабарни кеча тарқатганлиги Сизга маълум бўлиб қолди. Маҳаллий поликлиниканинг вакцинатор-ҳамшираси интервью пайтида, икки кун илгари қизамиқقا қарши эмланган болалардан бир нечтаси юқори ҳарорат билан поликлиникага олиб келинганлигини, бир нафар бола эса вафот этганлигини тасдиқлади.

**Жамоат билан  
ҳамкорлиқда  
режалаштириш**

**Амалга ошириш  
ва мониторинг**

**Самарали  
ҳамкорлик**

**Хабардор қилиш  
воситалари  
ва каналлари**

## 4. **ХАБАРДОР ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ ВА КАНАЛЛАРИ**

Иммунизация дастурларида ота-оналар ва мақсадли гурухлар учун мўлжалланган кўплаб турли-туман ахборот узатиш воситаларидан (м-н, радио, телевидение, ОАВ, ахоли ўртасида ўtkазиладиган тадбирлар, шунингдек, ДПМ лардаги маслаҳатлар) фойдаланилади. Қандай ахборот узатиш воситаларидан фойдаланиш ҳақидаги қарор ишончли маълумотлар асосида (тадқиқот ва баҳолаш) ва мақсадли аудиторияга таъсир этиш имкониятларини инобатга олиб қабул қилиниши зарур.

Тиббиёт ходимлари томонидан ота-оналарнинг кичик гурухлари билан сұхбатлар уюштириши вакцинация пайтида, шунингдек, бошқа пайтларда тиббиёт муассасаларида ҳам, ундан ташқарида ҳам қуйидаги мақсадларни кўзлаб амалга оширилиши мүмкин:

1. иммунизацияга нисбатан кишиларнинг гумонларини муҳокама этиш;
2. ахборотдаги бўшлиқларни аниқлаш ва тўлдириш, ҳамда соxта ахборотларга аниқлик киритиш;
3. саволларга жавоб бериш;
4. ижобий муносабатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш.

Сұхбатни типик «тиббий чиқиши» (кичик-маъруза) кўринишида эмас, бутун аудитория иштироқида (интерфаол) ўtkазиш тавсия этилади.

Иммунизация ҳақидаги ахборотни кишиларга қай тарзда муваффақиятли етказиш мумкин Оилаларнинг ва жамоаларнинг курби етадиган, мураккаб ва қимматбаҳо ёки кўп вақт талаб этиувчи бўлмаган, ихчам, самарали тадбирлар (саломатликни асраш учун ижобий натижа келтирувчи) ўtkазилишига қўмаклашинг.

Ушбу тадбирларнинг моҳиятини ифода этиувчи ғоялар, материаллар ва воситалар оддий бўлиши ва ким, нима ва қандай амалга оширилишини аниқ белгилаши даркор. Мазкур ғоялар ёки бошқа қўшимча ғоялар барча материалларга киритилиши, хизмат кўrsатиш жараёнидаги мулоқотда ва анъанавий ахборот узатиш каналлари ёрдамида оммага етказилиши зарур.

### 4.1 **Иммунизация ҳақидаги таянч ахборотларни ахоли қабул қилиши учун мослаштириш (адаптация қилиш)**

Шахслараро мулоқот, хусусан, шахсий маслаҳатлар навбатдаги эмлаш учун фарзандини қачон ва қаерга олиб бориш ҳақида ота-оналарни боҳабар қилишнинг энг маъқул усули ҳисобланади. Бироқ ахборот етказишнинг ўзигина етарлик эмас — ота-оналар уни тушунишлари ва ёдда тутишлари лозим. Қуйидаги мисолга қаранг.

Оналарнинг/ота-оналарнинг кейинги марта қачон келишларини ёдда тутиш эҳтимоллигини ошириш учун тиббиёт ходимларини ҳамиша оналардан/ота-оналардан уларга айтилган маълумотни тақрорлашларини сўрашга ўргатинг. Тиббиёт ходимлари, ота-оналар ва аҳоли қўйидаги асосий ахборотни тушунишлари лозим:

1. Қайси вакцина (вакциналар) юборилади ва у қайси касалликка нисбатан қўлланилади (м-н, АКДС болани дифтерия, қоқшол ва кўкйутал билан касалланишдан сақлайди).
2. Пайдо бўлиши мумкин бўлган ИКНК ни ва уларни қандай даволашни.
3. Навбатдаги вакцинация ўтказиладиган манзилни (жойни) ва вақтни.
4. Ҳаттоқи бетоб болалар ҳам вакцинация учун олиб келиниши зарур.
5. Ота-оналар эмлаш карталарини ишончли жойда сақлашлари ва эмлатиш учун келинганида доимо ўзлари билан олиб келишлари зарур.

### 4.2 Хабардор қилиш каналлари: радио, телевидение, босма материаллар

ОАВ (телевидение, радио, плакатлар, газеталар ва ҳ.), шунингдек, театр тақдимотлари каби ахборот узатишнинг анъанавий каналлари шахслараро мулоқотнинг асосий каналларини тўлғазиши ва кучайтириши мумкин. Яхиси, ахборот материалларини тайёрлашдан илгарироқ мақсадли аудиторияни боҳабар қилиш каналларини аниқлаб қўйган маъқул.

**3. Таянч ҳолат: ОАВ самараదорлиги улардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Саводи ҳамин қадар бўлган аҳоли ўртасида босма манбалардан фойдаланиш ёки радио ва телевидениедан бебаҳра аҳоли учун эшиштириш ва курсатувлар тайёрлаш, одатда унчалик самарали бўлмайди. Аксарият ҳолларда шахслараро муносабатларни қўллаб-куватлаш учун энг қулай восита босма материаллар ҳисобланади.**

З-жадвалда мисол тариқасида режали иммунизация дастурига В гепатитига қарши вакцинани тадбиқ этиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган материаллар тақдим этилган.

#### З-жадвал: Пентавалент вакцинани тадбиқ этиш бўйича материаллар

Материаллар	Қўлланилиши	Таклиф этилаётган материалнинг мазмуни
Тиббиёт ходимлари учун брошюра	Тиббиёт ходимларининг бурчлари баён этилган ва ота-оналар саволларига қандай жавоб бериш зарурлиги ҳақидаги тавсиялар келтирилган ахборот маълумотномаси	Янги вакцинани тадбиқ этиш учун тиббиёт ходимлари нима ишлар қилиши зарур Касаллик ва вакцина ҳақидаги асосий ахборот
Жамоа етакчилари учун брошюра	Қўллаб-куватлаш тадбирларини қандай режалаштириш ва жамоатчиликнинг саволларига қандай жавоб бериш ҳақидаги жамоавий, диний ва жамоатчилик етакчилари учун ахборот маълумотномаси	Қўллаб-куватлаш учун етакчилар нима қилиши мумкин Касаллик ва вакцина ҳақидаги асосий ахборот
Плакат	Аҳоли учун мотивация ва иммунизация муддатлари ҳақида хабардор қилиш	Иммунопрофилактиканинг Миллий дастури томонидан тақлиф этилаётган вакциналар, жумладан янги вакциналар  Вакцинани болалар олиши керак бўлган ёш Болалар саломатлиги учун иммунизациянинг аҳамияти

Радио ва телевидение	Аҳоли, маҳаллий ва Миллий раҳбарлар ҳамда тиббиёт ходимлари учун мотивация	Янги вакциналардан ва ўт шприцлардан фойдаланиш туфайли аҳолининг ҳимояланиш даражасини ошириш. Янги вакцинани кўллаш қўшимча ташрифларни ва қўшимча инъекцияни талаб қўлмайди. Ота-оналарни уларнинг болаларини эмлаш календаридаги барча вакциналар билан эмлатиш зарурлигига ишонтиринг
<b>Самарали босма ўкув материаллари қандай тайёрланади</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>Юборилган вакцина (вакциналар) ҳақида, кейинги марта қачон келиш зарурлиги ҳақида ва ИКНК пайдо бўлганида нима қилиниши зарурлиги ҳақида (шу билан бирга ИКНК жуда кам – ахён-ахёnda кузатилишини таъкидланг) маълумот беринг.</li> <li>Ота-оналарни тўлиқ курс якунинг қадар болада иммунизацияни давом этириш зарурлигига ишонтиринг.</li> <li>Боланинг ота-онаси тушган вазиятга бефарқ эмаслигингизни намоён этинг.</li> <li>Агар ота-оналарда иммунизация ҳақида ног’ти тасаввур бўлса, уларнинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилинг.</li> </ul>		

**4. Таянч ҳолат: Агар аҳборот манбалари (плакатлар ёки брошюралар) ўзига ҳаддан зиёд ортиқча маълумотни жо қилган бўлса, кишилар уни умуман ўқимасликлари мумкин.**

#### 4.2.1 Аҳолига тушунтириш ва уларнинг хабардорлик даражасини ошириш учун материаллар

Турли мақсадли аудиторияларни иммунизация ҳақида хабардор қилиш учун одатда бир қанча қўшимча материаллар зарурdir. Тиббиёт ходимларига, хусусан соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичдаги мутасаддиларига хабардор қилиш, тушунтириш, ташвиқот қилиш ва иммунизация хизматига кўмаклашиш учун қўйида келтирилган материаллар комбинациясидан фойдаланишлари ва/ёки уларни тайёрлашлари тавсия этилади. Бундай материаллар бутун жамоа учун эмас, балки аҳолининг ўқимишли қисмига, ҳамда Миллий ва маҳаллий даражада қарорлар қабул қилинишига масъул кишилар учун мўлжаллангандир. Материалларни тайёрлаш жараёнида бошқа кўпгина жиҳатлар билан бирга, уларнинг (жумладан фотосуратларнинг, схемаларнинг, жадвалларнинг ва матннинг) сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарурdir. Бундай материалларни нашр этишдан олдин аҳолининг мақсадли гуруҳлари ўртасида синовдан (апробациядан) ўтказиш муҳимдир. Материалларнинг режаси ва сметаси, улардан ким фойдаланишининг, ким ва қандай тарқатишининг таҳлилига асосланиши даркор. Тарқатиш бўйича кўлланмада бундай материалларнинг зарур миқдори ҳам кўрсатилиши даркор.

5-иловада бу ҳақида батафсил ёритилган.

Босмадан чиқаринг ва/ёки тайёрланг:

- Аҳборот варақасини (иммунизация дастурининг қисқача шарҳини).
- Савол ва жавоблар варақасини.
- Иммунизация, касалликларнинг эпидемик чақиашлари ҳақидаги варақаларни.
- Иммунизациянинг муваффақиятларига бағишилган мақолаларни.
- Иммунизация хизмати ва дастури ҳақида ҳикоя қиувчи брошюраларни.
- Тақдимотларни (видео, слайдлар ва ҳ.).
- Журналлар ва газеталардаги мақолаларни, улардан олинган материалларни.
- Қисқа ва аниқ ёзувлар акс этирилган футболкалар, соябонлар, фуражкалар ва коптокларни.

#### 4.2.2 Кўргазмали жадваллар ва маъруза плакатларидан фойдаланиш

Кўргазмали плакатлардан кўпинча вакцинация сессияси олдидан, вакцинацияни сафарда ўтказиш вақтида кўнгиллиларни ёки тиббиёт ходимларини боҳабар қилиш ва/ёки тренинг ўтказиш учун қўлланилади.

Бундай жадваллар ва маъруза плакатларидан фойдаланиб, тиббиёт ходимлари ва бошқа йўриқчилар қўйидагиларга амал қилишлари зарур:

- ҳамиша аудиторияга юзланиб туриши;
- плакатни бутун гуруҳ кўрадиган тарзда тутиш ёки агар гурухнинг ҳар бир аъзосига кўринадиган бўлса хона бўйлаб ҳаракатланиш;
- тушунтириш жараёнида ҳам кўргазмали материалларга мурожаат этиш: кўргазмали материаллар бўйича саволлар бериб гурухни иштирок этишга жалб этиш;
- асосий жиҳатларни ёдда тутиш ва улар ҳақида кўргазмали материалларни кўрсатиш жараёнида гурух аъзоларига ҳикоя қилиб бериш.

### 4.2.3 Оммавий хабарлар ва театр тақдимотлари

Жамоалар аъзоларини ва қишлоқ аҳолисини боҳабар қилиш учун анъанавий аҳборот узатиш манбаларидан фаол фойдаланиш зарур. Бунга жамоа аъзолари тўпланадиган жойлардаги, тадбирлар ва байрамлар пайтидаги, шунингдек, ҳовлиларгата ширифлар чоғидаги оммавий хабарлар ҳам мансубдир. Маҳаллий етакчилар, жамоаларнинг бообрў аъзолари ёки кўнгиллилар бу борада сезиларли ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Тақдимотлар (қисқача саҳнавий кўринишлар, эътирофига сазовор бўлган санъаткорларнинг оммага мурожаати) миш-мишларнинг, нотўғри тасаввурларнинг ва иммунизацияга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатларнинг олдини олишда муҳим рол йўнаши, шунингдек, ҳаққоний аҳборотнинг тарқатилишига кўмаклашиши мумкин. Ҳеч қачон саҳналаштирилган кўринишлар алоҳида ҳолатда қўлланилмаслиги зарур; улар фаол мунозаралар ва савол-жавобларнинг бошланиши учун стимул бўлиши зарур. Бу тахлитдаги материалларни тайёрлаш учун маҳаллий ўзига хослиқдан кенг фойдаланиш ва уларга таяниш зарур. Маҳаллий санъаткорлар чиқишларига киритилган аҳборотларнинг ишончлилигини текшириб кўриш даркор.

### 4.2.4 Плакатлар

Аҳолига аҳборотни етказиш учун плакатларнинг имконияти чекланган. Лекин улар сайёр эмлаш бригадалари ўтказадиган вакцинация жадвали ҳақида, иммунизация хизмати ва унинг дастури ҳақида фойдали бўлиши мумкин. Плакатлардан, шунингдек, жамоаларга қадар асосий хабарларни (м-н, вакцинация ўтказиш жадвали) етказиш учун фойдаланиш мумкин.

#### Плакатлардан қандай фойдаланиш зарур

- Плакатларни кўзга яхши ташланадиган жойларга осинг (болалар муассасалари, мактаблар, маҳалла гузари, мачитлар, черковлар, киосклар, бозорлар ва ҳ. ёнларига).
- Иложи борича уларни ёғингарчилиқдан, тик қўёш нуридан ва шамолдан мухофаза қилинг.
- Плакатлардан мухокамаларни стимуллаш учун фойдаланинг (м-н., жамоа йиғилишини ўтказиш вақтида ва иммунопрофилактика бўйича тадбирларнинг рекламаси учун).

### 8-машқ: Жамоа билан мулоқотга киришиш каналларини аниқланг

1 ва 5-машқларга мурожаат қилинг: ўзингиз белгилаган тадбирлар орасидан учта устувор тадбирни танланг. Ўзингиз белгилаган ҳар бир биринчи даражали тадбир бўйича, сизга беркитилган туманда жамоани хабардор қилиш ҳамда уни иммунизация хизматини ва қамраб олишни яхшилаш бўйича мулоқот қилишининг қайси каналларидан энг самарали тарзда фойдаланиш мумкинligини мухокама қилинг. Бу ишни амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларни айтинг. (Бу ресурсларни 5-машқ учун ўзингиз тайёрлаган жадвалнинг «режалаштириш ва ўқитиш учун эҳтиёжлар (г)» устунида кўрсатиш мумкин).

## 1-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ҲАҚИДАГИ АНКЕТА

НТ НОМИ \_\_\_\_\_ Туман \_\_\_\_\_

[Ҳар бир ташкилот ҳақидағи маълумотлар учун алоҳида варақдан фойдаланинг]

ДПМда ёки сафарда режали эмлаш учун (полиомиелитга қарши миллий иммунизация күнлари ёки иммунопрофилактика бўйича бошқа қўшимча тадбирлар учун ЭМАС). Сизнинг ташкилотингиз:

Доира ичига олинг	Ҳа ёки йўқ:	
НТ томонидан ДПМда ёки сафарда амалга ошириладиган вакцинация пайтидаги иммунизацияни ташкиллаштиради ва бевосита ўтказди	Ҳа	Йўқ
Иммунизацияни ўтказиш ҳақидағи таклифлар билан ҳукумат олдига чиқади	Ҳа	Йўқ
Сафарда ўтказиладиган тадбирлар жадвалини Давлат ДПМ лари билан мувофиқлаштиради	Ҳа	Йўқ
Сайёр бригадалар келиши ҳақида эълон қиласи (м-н., қўнгиллilar орқали, байроқлар осиб)	Ҳа	Йўқ
Чақалоқлар реестрини (рўйхатини) юритади/аниқлик киритади	Ҳа	Йўқ
Ҳар бир боланинг иммунизациясини қайд этиш бўйича эмлаш карталаридан (журналларидан) фойдаланади	Ҳа	Йўқ
Эмланмаганлар улушини камайтириш учун «эмлашдан бўйин товловчилар» рўйхатидан фойдаланади	Ҳа	Йўқ
Аҳолининг айрим гурухлари ўртасида уларнинг фарзандларини эмлаш учун тушунтириш ишларини олиб боради	Ҳа	Йўқ
Фарзандлари тўлиқ иммунизация курсини олишган ота-оналарни омма ўртасида рағбатлантиради	Ҳа	Йўқ
Хизмат кўрсатадиган туманларда (аҳоли пунктларида) иммунизация билан қамраб олиш мониторингини юритади	Ҳа	Йўқ
Режали иммунизацияни ўтказиша моддий ва молиявий ёрдам кўрсатади (м-н., транспорт, жой, озиқ-овқат)	Ҳа	Йўқ
Иммунизацияни ўтказиша бошқа техник ёрдам кўрсатишни таъминлайди (совуқлик занжири ускуналари, моддий-техник таъминот)	Ҳа	Йўқ
Маҳалла ва қишлоқ фуқаролик кенгашлари билан ҳамкорлиқда иммунизация дастурини ва унинг бажарилишини мухокама этади	Ҳа	Йўқ
Иштирок этишининг бошқа турларини кўрсатинг: иммунизация компаниясини ўтказиша (оналарни ва чақалоқларни полиомиелитга, қизамиқча, қоқшолга қарши эмлашда ва ҳ.) Сизнинг нодавлат ташкилотингиз:		
Иштирок этади (қандайлигини кўрсатинг)	Ҳа	Йўқ

Манба: Steinglass R. JSI/IMMUNIZATION basics, USA, 2004.

## **2-ИЛОВА: АҲОЛИ ГУРУҲЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАР ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

**Аҳоли билан сұхбатлар ўтказишида гуруҳли мұхокамалар усулидан фойдаланиш мүмкін**  
Мұхокама ахборотлар ва ғоялар алмашишнинг самарали усули ҳисобланади. Қуйида мұхокамани стимулловчи айрим усуллар көлтирилгән.

- Гуруҳдан иммунизация ва вакциналар ёрдамида олди олинувчи касалликлар ҳақида сұранг.
- Бу назорат иши эмаслигини ёдда туting.
- Эркин мұхокама қилишлари учун гуруҳ аъзоларига имконият түғдириң.
- Оналардан уларни нима безовта қилиши ва уларда иммунизация бүйича қанақа саволлар борлиги ҳақида сұранг.
- Мұхокамага имконият қадар күпроқ иштирокчиларни жалб этинг.
- Нима сабабдан айрим кишилар ўз фарзандларини әмлатишга қарши эканликлари ёки иммунизацияни бошлаб, уни охирiga етказмасликларини сұранг.
- Жавоблари учун иштирокчиларга миннатдорчилік билдириң.
- Иммунизация ўтказилаётган болаларнинг ота-оналари билиши зарур бўлган бешта асосий пунктни мұхокама этинг.
- Иштирокчиларга муаммони ҳал этиш бүйича ўз таклифларини билдиришга имконият беринг. Улар бундай қарорларнинг мұхокамасида иштирок этишин.

Ўз фикрингизни ифода этиш учун күргазмали куроллардан фойдаланинг.

1. Кишилардан суратда нима күришаётганиллери ҳақида сұранг.
2. Суратда акс эттирилган нималар Уларга ёкиши ҳақида сұранг.
3. Бунинг иммунизацияга қандай дахли борлиги ҳақида сұранг.

Гуруҳ аъзоларининг тушунишларини яхшилаш ҳамда ўқитиши янада қизиқарлы ва мазмунли ташкиллаштириш учун мұхокамага жалб этишнинг турли усулларидан фойдаланинг.

- Тарихий ҳодисаларни ҳикоя қилиб беринг ва кишилардан нима ва нега содир бўлғанлиги ҳақида ҳикоя қилиб беринг.
- Қўшиқ кўйланг ёки кишилардан ўз ижодларидан намуналар айтишини сұранг.
- Иммунизацияга бағищланган саҳна кўринишларини ижро этинг ва гуруҳ аъзоларидан шунга ўхшаш ниманидир ўйлаб топишларини сұранг.

## **3-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯ ТУФАЙЛИ БЕЗОВТАЛИК КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ЭТИШ**

### **1. «Болалар касалликлари бола ривожланиш жараёнининг одатдаги ажралмас қисми эмасми? Болани эмлай туриб нега бу жараёнга халақит қилиш қерак?»**

Айрим кишилар болалар касалликлари меъёрий ҳолатидир, чунки иммунизация тадбиқ этилгунига қадар мазкур касалликлар анчайин кенг тарқалган эди деб ҳисоблашади. Кўпгина кишилар иммунизация тадбиқ этилгунига қадар вакциналар ёрдамида олди олинадиган касалликлардан кўплаб болалар нобуд бўлғанлигини ва бир умрлик ногирон бўлиб қолганликларини тушунишмайди. Ҳаттоқи бугунги кунда ҳам тўлиқ эмланмаган айрим болалар мазкур касалликлардан нобуд бўлишади, ногирон, кўр, соқов ёки бир умрга нимжон бўлиб қолишади. Бу кулфатларни иммунизация туфайли бартараф этиш мумкин.

### **2. «Айрим болалар қизамиққа қарши эмлашдан кейин ҳам қизамиқ билан оғришади. Бундай иммунизация нимага арзийди?»**

Аксарият болалар қизамиққа қарши иммунизацияга меъёрий реакция кўрсатиб, ушбу касаллик билан касалланишдан тўлиқ ҳимояланган бўлишсада, эмланган болаларнинг озгина қисми кейинчалик барibir ҳам қизамиқ билан касалланишади.

Шунга қарамасдан қизамиққа қарши ушбу касалликка қарши ажойиб ҳимояни таъминлаб беради. Бунда, вакцина таъминлаб берадиган ҳимоя даражаси қўйидаги сабабларга кўра, ҳар бир алоҳида болада турлича бўлиши мумкин: нотўғри овқатланиш оқибатида бола организмининг қаршилиги заифлашади ва у қизамиқ билан касалланиши мумкин; агар болада сил, ОИТС ва қандли диабет касалликлари туфайли инфекцияларга нисбатан қаршилик пасайса ҳам, ёнки бола организмida А витамини етишмаса ҳам қизамиқ билан касалланиш эҳтимоллиги мавжуд.

Шуни ёдда тутиш жоизки, эмланган болаларда қизамиқ анчагина енгил кечади ва деярли асоратлар кузатилмайди.

### **3. «Менинг эrim, фарзандимиз ўтган марта ўtkazilgan эмлашдан кейин бетоб бўлиб қолганлиги боис, унга навбатдаги эмлашни олишимизни таъқиқлади».**

Дарҳақиқат, баъзан вакцина киритилганидан кейин болаларда озгина ҳорорат кўтарилиши кузатилади. Бироқ бу ҳақиқий касаллик эмас, балки фақатгина ноxуш таъсир оқибатидир. Ноxуш таъсир одатда енгил кечади, улар иммунизация бартараф этадиган касалликларчалик хавфли эмас. Бунинг устига ноxуш таъсирлар тезгина ўтиб кетади. Сиз боланинг аҳволини илиқ ванна ёрдамида енгиллатишингиз ёки парациетамол ичириб ҳороратини туширишингиз мумкин.

### **4. «Дугонамнинг чақалоқ фарзанди бор, биринчи эмлашни чақалоқ қўлининг юқори соҳасига ўтказишгач, уколнинг ўрнида ярача пайдо бўлди. Бундай вазиятда хавотирга ўрин борми?»**

Дарҳақиқат, аксарият болаларда тананинг эмдори юборилган соҳасида ўзига хос реакция намоён бўлади. БЦЖ вакцинаси инъекциясидан кейин одатда кичкина шиш ҳосил бўлади. 30 минут вақт ўтгач у йўқолади. Тахминан икки ҳафта ўтгач, учи йўнилмаган қалам ўлчамидаги қизил ярача ривожланади.

Ярача яна икки ҳафта вақт ўтганидан кейин битиб кетади. Шундан кейин эни 5 мм атрофида бўлган кичикроқ чандик қолади. Бу иммунизация самарали амалга оширилганлигидан далолат беради.

### **5. «Фарзандимнинг ошқозони оғриётганлиги сабабли мен уни белгиланган иммунизацияга олиб бормадим».**

Енгил бетоб бўлган болага эмлаш ўтказиш зарар етказмайди ва касаллик кечишини оғирлаштирумайди. Аслида эса, нотўри овқатланадиган, йўталиб, шамоллаб, ичи ўтиб ёки ҳарорати кўтарилиб заифлашган болалар касалликларга ўта берилувчан бўлишади. Шу боисдан енгил бетобланиб турган болага эмлашни ўтказиш муҳим ва зарур.

**Эслатма:** Болада жиддий, шифохонага ётқизишн тақозо этадиган касаллик кузатилганида тибиёт ходими эмлашни маълум муддатга орқага сурди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЖССТ касалликнинг енгил шаклларида эмлашни кечиктирмасдан ўз муддатида ўтказишни тавсия этишади. Тибиёт ходимлари ота-оналарни, ҳаттоқи фарзандлари бетоб бўлса ҳам, иммунизация жадвалини сақлаш зарурлигига ишонтиришлари даркор.

### **6. «Сиз болага иммунизацияни туғилганиданоқ бошлаш керак деб айтаяпсиз. Мен фарзандимни туғилганидан кейин дарҳол эмлашга олиб бора олмаганиligim боис, энди кечроқ бўлса ҳам эмлатишм мумкинми?»**

Ҳа, албатта мазкур она фарзандини эмлатиш учун иложи борича вақтироқ олиб келиши зарур. Энг маъқули иммунизациянинг белгиланган жадвалини сақлаш бўлса ҳам, тибиёт ходими бундай ҳолатларни албатта инобатга олиши зарур. Ҳеч қанақа баҳонаю сабаб билан тўлиқ иммунизацияни амалга оширишдан бўйин товлаш мумкин эмас. Бола ўз ёшига мувофиқ ва олдиндан ўтказилган эмлашларга асосан барча зарур вакцинацияларни олиши шарт. Мижозга/ота-онага бола юқумли касалликларга ўта мойил даврда - бир ёшга тўлгунига қадар бўлган даврда тўлиқ иммунизация курсини якунлаши учун барча имкониятларни ишга солиш даркорлигини тушуниринг.

### **7. «Боламнинг эмлатиш муддатини ўтказиб юборган бўлсан нима қилишим керак?»**

Мазкур онага боласини эмлатиш учун поликлиникага иммунизация ўтказилганидан кейинги куни келиши зарурлигини уқдириш зарур. Агар она болани эмлатиш муддатини ўтказиб юборсаю, лекин кейинроқ уни эмлатиш учун олиб келса тибиёт ходими онани койимаслиги ва ортиқча сўроқقا тутмаслиги лозим. Аксинча, кеч бўлсада, барибир ҳам келганликлари учун онани мақташи лозим. Тибиёт ходими онага иммунизация жадвалини эслатиши ва келгусида унга амал қилиш жоизлигини айтиши лозим.

Эслатма: АҚДС ва В гепатити вакцинаси каби вакциналар учун, организмнинг тўлиқ ҳимоясини таъминлаш учун кўзда тутилган барча дозалар юборилиши зарур. Мана нима сабабдан ота-оналар фарзандларини эмлатиш учун белгиланган муддатларда олиб келишлари нақадар муҳим. Тибиёт ходимлари эмлаш муддати етиши биланоқ болага барча эмлашлар ўтказилганлигини кузатиб боришлари даркор. Тўқиз ойлиқдан ошган болага эмлаш пунктига бир бора ташриф этганида ҳар бир вакцинанинг бир дозасидан организмнинг тегишли соҳасига юбориш мумкин. Қизамиққа қарши эмлашни энг охирида амалга ошириш албатта шарт эмас.

### **8. «Фарзандимни эмлатиш учун поликлиникага бораман деб ўйламайман; ўтган сафар бунга тўлиқ бир кунни йўқотдим»**

Эҳтимол, бу она кўп вақт йўқотгандир, лекин тўлиқ бир кун йўқотиши мумкин эмас. Дарҳақиқат, айrim поликлиникаларда фарзандини эмлатиш учун ота-оналарга узоқ вақт кутиб туришларига тўғри келади.

Тиббиёт ходимлари ишга вақтида келишлари, ўта хушмуомала бўлишлари, самарали меҳнат қилишлари ва ота-оналарни ўтказиладиган вакцинация ҳақида вақтида огоҳ этишлари лозим.

**9. «Яқинда поликлиникага ташриф буюрганимда фарзандимнинг иммунизация картасини ўйда унтиб қолдирибман ва врач менга жаҳл қилди»**

Ушбу тиббиёт ходими, эҳтимол, эмлаш картаси бўлиши мухимлигини таъкидламоқчи бўлгандир. Шунга қарамасдан, тиббиёт ходими эмлаш картаси бўлиши мухимлигига эътибор қаратишнинг ширин забон оҳангдаги усулини топиши, ҳамда онада эмлаш картаси борлигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Боланинг эмлаш картасида унга шу чоққача қанақа вакциналар юборилганлиги ва навбатдаги эмлаш санаси кўрсатилади. Оналарга фарзандининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси каби, эмлаш картасини ҳам ишончли жойда сақлаш, ҳамда болани эмлатиш учун ёки бошқа мақсадда поликлиникага борилганида ҳамиша ўзи билан олиб келиш зарурлигини тушунтиринг.

**10. «Мен боламни эмлатиш учун уч маротаба ташриф буюрдим. Бу боламни касалликлардан ҳимоялаш учун етарликми?»**

Агарда фарзандингиз эмлашни бошлаш тавсия этиладиган ёшдан анчайин катта ёшда бўлиб, вакцинация фақат эндигина бошланаётган бўлмаса, уч маротабалик ташриф етарлик эмас. Туғилганидан бошлабоқ эмлаш тақвими асосида иммунизация ўтказилаётган болаларнинг юқумли касалликлардан тўлиқ ҳимоясини таъминлаш учун, беш ёки ундан ҳам кўпроқ ташриф буюришлари талаб этилади.

**11. «Менга қоқшолга қарши эмлаш ўтказилди, врачларнинг гапига кўра, бу менинг фарзандимни қоқшолдан ҳимоялаш учун зарур экан, нега фарзандимнинг ўрнига менга эмлаш ўтказилади?»**

Ҳомиладорлик пайтида онага таъсир кўрсатадиган кўпгина ҳолатлар унинг бўлажак фарзандига ҳам таъсир кўрсатади. Онанинг ҳомиладорлик даврида қоқшолга қарши эмланиши, нафақат унинг ўзини, балки унинг чақалогини ҳам ушбу даҳшатли касалликдан ҳимоялай олади. Аёллар туғиш ёшига етгунларига қадар, муайян вақт ораликлари билан, беш маротаба қоқшолга қарши эмланишлари зарур, бу уларнинг ўзларини ва бўлажак фарзандларини қоқшолдан ҳимоялашни тўлиқ таъминлаб беради.

**12. «Менинг фарзандим иммунизация компанияси пайтида бир неча маротаба вакцинация олди. Яна нега у билан поликлиникага боришим керак?»**

Сизнинг фарзандингиз тўлиқ иммунизация курсини олиши зарур, яъни муайян ёшларга етганида у турли касалликларга қарши тўлиқ эмланиши керак. Поликлиникада Сиз боланинг эмлаш картасини оласиз (ёки ўзингизда сақланса олиб чиқасиз) ва тиббиёт ходимига тақдим этасиз, тиббиёт ходими болага барча эмлашлар ўтказилганми ёки йўқлигини текшириб чиқади.

**13. «Айтишларича, вакциналарнинг таркибида айрим таъқиқланган моддалар мавжуд. Бундай вакцинанинг фарзандимга нима кераги бор?»**

Вакциналарни тайёрлаш жараённида таъқиқланган моддалардан фойдаланилмайди. Вакциналарни, асосан касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмлардан тайёрланади, лекин уларга келажакда вакцинани қабул қилувчи шахсга зарар етказа олмайдиган тарзда ишлов берилган.

Вакциналарнинг стериллигини, барқарорлигини ва хавфсизлигини таъминлаш учун болаларга нисбатан хавфсизлиги нуқтаи назаридан текширишлардан ва синовлардан ўтказилган айрим химиявий моддалардан кам миқдорда қўшилади.

# 4-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯ ҲАҚИДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ЕТКАЗАДИГАН АСОСИЙ АХБОРОТ

Мижозлар/ота-оналар, КИД/ГАВИ доирасида уларнинг ёки фарзандларининг касалликлардан тўлиқ ҳимояси ҳақида сўз юритилганида билиши зарур бўлган бешта (5) муҳим жиҳат мавжуд.

### 1. Қанақа вакцинани қайси касалликка қарши қўлланилаётгандигини тушунтириш.

Боланинг онасига (отасига) айтинг:

- у фарзандини иммунизацияга олиб келди, демак яхши, фарзандини севадиган она (ота);
- қанақа вакцина қўлланилишини;
- мазкур вакцина қайси касалликдан ҳимоялашга қаратилгандигини.

Навбатдаги ташрифлар чоғида:

- кишиларни бир неча эмлашни олганликлари учун мақтанг;
- ота-оналарга ўзларининг ва фарзандларининг тўлиқ ҳимоясини таъминлашлари учун эмлаш тақвимига амал қилишнинг муҳимлигини таъкидланг (уқдиринг).

### 2. Қандай ноxуш ҳолатлар юзага келиши мумкинлигини ва бу ҳолатда нима иш қилиш даркорлигини тушунтириш.

Онага (отага) тушунтириш:

- қандай ноxуш ҳолатлар юзага келиши мумкинлигини ва бу одатий ҳодиса эканлигини;
- эмлашдан кейинги ноxуш ҳолатлар, эмланмаган бола касалланиши мумкин бўлган касалликка қараганда, одатда, анчагина енгил кечишини;
- ноxуш ҳолатлар юзага келганда нима қилиш зарурлигини.

### 3. Ота-оналарга навбатдаги вакцинация жойи ва вақти ҳақида тушунтириш беринг.

Она (ота) навбатдаги эмлаш қаҷон ва қаерда амалга оширилишини билиши жуда муҳим. Бу, айниқса, эмлаш ўтказиладиган жойлар ўзгариб турадиган сафардаги иммунизация сессияларида жуда муҳимdir.

Ота-онага (мижозга) тушунтириш:

- навбатдаги эмлашни ўтказидириш учун қаерга келиш зарурлигини;
- навбатдаги эмлаш ўтказиладиган аниқ кунни ва вақтни. Буни шундай тарзда тушунтиринги, онага (отага) маълумот тушунарлик бўлсин (м-н: «навбатдаги бозор кунида» ёки «тўрт ҳафтадан кейин, душанба куни»). Барчаситушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилишучун, онадан (отадан) вақтва санани тақрорлашларини сўранг.

### 4. Онага (отага) навбатдаги эмлаш учун, ҳаттоти бола бетоб бўлса ҳам келиш зарурлигини тушунтириш.

Иммунизация ҳаттоти бетоб бола учун ҳам муҳимdir.

Ота-онага тушунтириш:

- бола шамоллаган ёки ўзини ноxуш ҳис этаётган бўлса, барibir тиббий ёрдам учун мурожаат этиш зарурлигини;
- иммунизация айниқса нимjon, бетоб ёки яхши овқатланмайдиган болалар учун муҳимлигини тушунтириш, чунки улар жиддий болалар касалликларига ўта берилувчандирлар.

### 5. Онага (отага) иммунизация картасини ишончли жойда сақлаш ва навбатдаги эмлашни олиш учун тиббиёт муассасасига ташриф этиш чоғида олиб келиш зарурлигини тушунтириш. Ушбу картани худди туғилганлик гувоҳномасини сақлагандек, авайлаб-асраб сақлаш лозим.

Ота-онага (мижозга) тушунтириш:

- иммунизация картасининг/оиласавий тиббий китобчанинг муҳимлиги ҳақида;
- иммунизация картаси кўрсатилган хизматлар ва болани тўлиқ эмлаш учун зарур бўладиган хизматлар ҳақидаги маълумотларни сақлашини.

**Эслатма:** Бешта (5 та) пункктнинг ҳар бири ота-оналар эътиборига, бир эмас, бир неча бор ҳавола этилиши зарур. Бу ҳақида бир-нечя тиббиёт ходими тайинлашса, эсда тутиш эҳтимоллиги ошади (м-н: вакцинацияни ўтказган тиббиёт ходими, тиббий муассасадан чиқиб кетиш арафасида эса, қайд этиш журналини тўлғазган тиббиёт ходими). Ота-оналар/мижозлар барчасига тушунганликларига ишонч ҳосил қилиш учун, уларга оддийгина «ҳа» ёки «йўқ» жавобини эмас, балки батафсил жавобни талаб этувчи саволлар бериш зарур.

## 5-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯ БҮЙИЧА АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **Бошланғич маълумотларни сақловчи варақа:**

Бундай варақа бошланғич маълумотни сақловчи айло даражадаги материал ҳисобланади. Уни қанақадир аниқ саволга қизиқиши мавжуд бўлган исталган кишига тақдим этиш (топшириш) мумкин.

Ўз иммунизация дастурингиз ҳақида бир саҳифадан иборат умумий маълумот тайёрланг: мақсадлар, вазифалар, муаммолар, ечимлар.

Матнни иқтибосларга ёки таянч тушунчаларга ажратиш йўли билан ва кўргазмали материаллардан (сурат, чизмалар, диаграммалар ва х.) фойдаланиб қисмларга бўлиб чиқинг.

### **Савол ва жавоб варақалари:**

Савол ва жавоб варақалари ўйлаб топилган турли гап-сўзларга ва миш-мишларга мос равишдаги реакция кўрсатиш, шунингдек, танқидлар жиддий тўсиқ бўлгунига қадар тайёргарлик кўриш имконини беради.

Кишилар сўраши мумкин бўлган (ёки сўрашдан чўчийдиган) мураккаб саволларни олдиндан ҳис этиб, имкон қадар уларга жавоб қайтаринг.

Шунингдек, ОАВ ва ҳокимият намоёндалари, расмий шахслар учун батафсил маълумотлар ҳам тайёрланиши мумкин.

### **Иммунизация ҳақидаги маълумотлар:**

Бу варақалар учун энг ишончли маълумотларни танланг, жумладан:

- иммунизация даражаси ҳақидаги маълумотлар;
- иммунизациянинг иқтисодий таҳлили;
- касалланиш ҳақидаги маълумотлар.

### **Суратлар:**

Суратлар материалга янада мафтункорлик, жозибадор тус бахш этади ва ўқувчи учун дахлдор бўлган ҳолатларни тақдим этиш имконини беради.

Хусусан иммунизация туфайли турмуши яхшиланган кўплаб оиласлар ва болалар ҳақидагимаълумотларни кишилар ёдига солувчи суратларни тўпланг.

Сифатли суратлар қиммат ва уларни топиш мушкул бўлсада, оддий суратлар барча муассасаларда мавжуд.

### **Схемалар ва графиклар:**

Кишиларга мураккаб тушунчаларни тушуниб етишларида кўмаклашиш учун схемалар ва графиклардан фойдаланинг: иммунизация билан қамраб олиш, молиявий операциялар бўйича харажатлар, касалликларнинг тарқалганлик кўрсаткичлари ва х.

### **Предметларнинг намуналари:**

Мавриди бўлган ҳар бир ҳолатда аудиторияга муҳокама этилаётган предметни ҳис этиш имконини беринг – вакцинали ампулани, ЎТ-шприцни ёки вакциналарни ташиш жараёнида қўлланиладиган термоконтейнер намуналарини намойиш этинг.

Иммунизация сессияларига ташриф буюринг ёки иммунизация жараёнини кўрсатиш учун тингловчиларни (талабаларни) поликлиниканинг (касалхонанинг) педиатрия бўлимларига бошлаб келинг.

### **Иммунизация борасидаги муваффақиятлар:**

Муваффақиятли иммунизация дастурлари ва иммунизация билан етарлича қамраб олмаслик келтириб чиқарадиган даҳшатли оқибатлар ҳақида ҳикоя қилувчи қисқача, ярим саҳифалик материал тайёрланг.

Ўз ҳикоянгизни суратлар намойиши билан қўшиб олиб боришини унутманг.

### **Касалликлар ва касалликларнинг эпидемик чақнашлари ҳақидаги маълумот:**

Вакциналар ёрдамида олди олинадиган касалликлар ҳақида қисқача баён этинг ва етарлича қамраб олмаслик оқибатида келиб чиқкан касалликларнинг эпидемик чақнашларига мисоллар келтиринг.

Аксарият кишилар ушбу касалликларнинг аломатларини ва уларнинг қандай тарқалишини билишмайди.

### **Брошюралар:**

Зарурият туғилганида кишиларнинг тушунишига ёрдам берадиган брошюралар тайёрланг:

- иммунизация компаниясининг ёки хизматининг мақсади
- унинг ортида ким турибди/ким уни қўллаб-қувватлади
- у қанақа амалга оширилади

### **Презентациялар:**

Сизга ташвиқот ва таъсир кўрсатиш бўйича олиб бориладиган турли йиғилиш, учрашув ва бошқа тадбирларда фаолиятингиз мақсадларини тушунтиришга кўмаклашиши мумкин бўлган презентацияларни (видеотасвиirlар, слайдлар, PowerPoint, ёки проектордан фойдаланиб) тайёрланг.

### **Матбуот саҳифаларидан намуналар:**

Иммунизация ёки касалликларнинг эпидемик чақнашлари ҳақида газеталарда, радиода ва телевидениеда эълон қилинаётган маълумотларни тўпланг.

ОАВда қандайдир масалага нисбатан қизиқиш кучаяётганлигини билишгач, кишилар мазкур масаланинг муҳимлиги ҳақида ўйлай бошлашади.

# 3 МОДУЛЬ

## ИММУНИЗАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИ

### 3-модулнинг мақсади:

Одатда, туман ва вилоятлар миқёсида кунига юзлаб тиббиёт ходимлари томонидан минглаб дозадаги вакциналар қўлланилади. Бунда барча тиббиёт ходимлари иммунизация хавфсизлиги тамойилларига аксарият ҳолатларда тўлиқ амал қилишадими деган савол ва хавотир ўз-ўзидан туғилиши табиий. Иммунизациядан кейин жиддий ножӯй кўринишлар вужудга келса қандай ҳатти-ҳаракатлар бажарилиши, қандай тактика қўлланилиши зарур? Бундай вазиятларда иммунизация хизматининг фаолиятига жиддий зарар етмаслигини таъминлай оламизми?

Ушбу модулда:

- ҳар бир дозадаги вакцинанинг хавфсиз киритилишини қандай таъминлаш,
- фойдаланилган материалларга ва чиқиндиларга қандай муносабатда бўлиш,
- иммунизациядан кейинги жиддий ноxуш кўринишлар пайдо бўлишига ўз вақтида малакали ёндошувни таъминлаш ва барча жараёндан огоҳ бўлиш учун мониторингни қандай йўсинда амалга ошириш масалалари ёритилган.

Иммунизация хавфсизлиги — кенг миқёсдаги масалаларни – вакциналарни ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрий ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тортиб то бевосита вакцинани қўллаш ва фойдаланилган материалларни зарарсизлантиришгача бўлган барча жараёнларни қамраб олуви чашунчадир. Вакциналар хавфсизлиги тушунчаси мазкур модулга киритилмаган бошқа жиҳатлардан ҳам (масалан, вакцина сифатига доир айрим масалалар) иборатдир. Бундай масалалар тегишли бошқа манбаларда батафсил ёритилган. Иммунизация хавфсизлиги кўп жиҳатдан совуқлик занжирини таъминловчи асбоб-ускуналарнинг бутлигига ва хавфсиз инъекция учун зарур материаллар таъминотининг тўлиқлиги ва мунтазамлигига боғлиқдир.


Иммунизация борасидаги хавфсиз хизматлар, шунингдек, аҳоли ишончини ва аҳолининг иммунизация жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаб беради.

### Иммунизация хавфсизлиги тамойилларига қатъий амал қилиш:


- инъекцияларни амалга ошириш вақтида юқумли касаллик қўзғатувчилари юқиб қолиш хавфини, эҳтимоллигини кескин камайтиради;
- иммунизациядан кейинги ноxуш кўринишлар пайдо бўлиш хавфини камайтиради;
- тегишли тадбирлар қўлланилиши эвазига ҳақиқий поствакцинал реакцияларнинг иммунизация дастурининг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатишими камайтиради;
- вакцинанинг самарадорлигини кафолатлади.

### 3-МОДУЛНИНГ МАЗМУНИ

Ушбу модул учта мавзудан иборат:



## 3-МОДУЛЬ



### 1. ВАКЦИНАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ВА СИФАТИ

#### 1.1 Вакциналар хавфсизлигини таъминловчи совуқлик занжирига амал қилиш амалиёти

Вакциналар юқори ҳарорат ва музлатишга ўта сезгирдир, шу боис уларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун, вакциналарни ишлаб чиқарилганидан то ишлатилгунига қадар муайян ҳароратда сақлаш қатый талаб этилади.

Вакциналарни тегишли шароитларда — белгиланган ҳарорат доирасида сақлаш ва тақсимлашни таъминловчи тизим «совуқлик занжири» деб юритилади. Совуқлик занжири вакциналарни сақлаш ва ташиш жараёнларида, яъни улар ишлаб чиқарилганидан то фойдаланилгунига қадар барча босқичларда, мақбул ҳарорат меъёрини таъминловчи омборлар ва транспорт воситаларидан иборат тизимдир.

Совуқлик занжири талабларига риоя этмаслик оқибатида ўз хусусиятларини ўзгартирган вакцина:

- қасаллиқдан ҳимоялаш нұқтаи назаридан ўз самарадорлигини йўқотади;
- маҳаллий реакциялар частотасининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Шу боисдан иммунопрофилактика дастурининг барча иштирокчилари ва мутасаддиларидан совуқлик занжирининг ҳолатига, жумладан унинг асосий ускуналарига (совутгичлар, музлатгичлар, термоконтеинерлар, захирадаги генераторларга) ва совутиш хоналарига алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади. Омборларда фаолият юритувчилар ва таъмирловчи механиклар ушбу муҳим талабни бажаришлари учун маҳсус тайёргарлиқдан ўтказилмоғи даркор. Вакциналар музлашига ва қизиб кетишига йўл қўйилганни ёки йўқлигини аниқлаш учун турли термоиндикаторлардан фойдаланилади. Фақатгина шу йўл билан совуқлик занжирининг талабларига риоя этилишини таъминлаш мумкин.

#### 1.2 Вакциналарни эритиш ва эритувчилардан тўғри фойдаланиш

Иммунизация ўтказиш амалиётида қутилган (лиофилизацияланган) вакциналарни инсулинга, миорелаксантларга ва бошқа дори препаратларига эритиш билан боғлиқ жиддий хатоликлар ва фожиавий ҳолатлар қайд этилган. Бундай дори воситалари вакциналар сақланадиган совутгичларда, термоконтеинерларда сақланмаслиги даркор. Бу каби хатоликларнинг олдини олиш мақсадида, ЖССТ қутилган вакциналарни уларга мос эритувчи билан биргалиқда ишлаб чиқиши ва тақсимлашни қатый тарзда талаб қиласди.

Вакцина билан биргалиқда тақдим этилаётган эритувчи лицензияланган маҳсулотнинг (яъни вакцинанинг) таркиби қисми ҳисобланади ва фақат муайян вакцина учун мўлжалланади (ҳажмига, рН даражасига ва кимёвий хусусиятларига кўра).

## 1-қўшимча: Эритувчилардан хавфсиз фойдаланишнинг асосий тамоиллари баён этилган

### 1-қўшимча: Эритувчилардан хавфсиз фойдаланиш

- Вакцина турига ва сериясига мос келадиган эритувчининг сақланишини ва тақсимланишини таъминлаш учун, улар заҳирасининг ҳисоби ва назоратининг мониторингини олиб бориш ўта муҳим ҳисобланади (1-модулга қаранг).
- Вакциналарни эритиши чоғида хатоликларга йўл қўймаслик учун эритувчиларни тегишли вакцина билан биргалиқда етказиб бериш, ташиш ва тақсимлаш зарур.
- Фақатгина вакцинани ишлаб чиқарувчи томонидан қадоқланган ва тақдим этилган эритувчидан фойдаланинг.
- Вакциналар ва эритувчилар аниқ ва тушунарли тарзда битилган ёрлиқقا эга бўлиши зарур.
- Тиббиёт ходимлари мазкур эритувчи ушбу флакондаги муайян вакцинани эритишига мўлжаллаб ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилганингига ишонч ҳосил қилиш учун ҳамиша ёрлиқни батафсил ўқиб чиқиши даркор. Агар ёрлиқ ўйқ бўлса ёки ундаги матнни ўқиб бўлмаса препаратдан фойдаланиш мумкин эмас.
- Эритувчилар вакциналарни эритишидан камида бир кун олдин  $+2^{\circ}\text{C} - +8^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача совутилиши зарур.
- Флаконда зарур дозадаги вакцина мавжудлигини таъминлаш учун, эритувчининг бутун ҳажмини флаконга киритиб вакцинани эритиши зарур.
- Эритувчи билан ҳам, худди вакцина каби эҳтиёткорона муносабатда бўлиш даркор. Тиббиёт ходимлари кўлланиладиган ҳар бир вакцинани тўғри эритиши тартиби бўйича ўқитилиши зарур.
- Эритилган вакциналар эритиши амалга оширилганидан кейин 6 соат вақт ўтгач йўқотилади.
- Эритувчиларни музлатиш мумкин эмас. Эритувчи солинган шиша флакон ёки ампула, музлаган суюқлик кенгайиши оқибатида синиб кетиши мумкин.
- Бошқа вакциналарнинг эритувчиларидан ёки бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг эритувчиларидан ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН ЭМАС.
- Инъекция учун мўлжалланган стерил сувдан вакциналарни эритиши мақсадида ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН ЭМАС.
- Дори-дармонларни, озиқ-овқатларни ва ичимликларни вакцина ёки эритувчи билан битта совутгичда сакламанг. Вакцинани тасодифан бошқа дори-дармонлар билан эритиши фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.
- Эритишида фойдаланилган и gnani флакон қопқофида қолдирманг. Бу флакон ичидаги маҳсулотнинг ифлосланишига (контаминация) олиб келиши мумкин.
- Вакцинани олдиндан — эмланиши зарур бўлган бола ҳозир бўлгунига қадар эритиши мумкин эмас.

Таркибида Hib-компонент тутувчи омухталанган (комбинацияланган) вакциналар ҳақида алоҳида кўрсатмалар

Агарда ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган бўлмаса Hib-инфекцияга қарши вакцинани бошқа препаратлар билан аралаштирманг. Агар вакциналар омухталанган препарат кўринишида бўлмасдан, бир пайтда бир неча инфекцияга қарши эмлаш ўтказилса, ҳар бир вакцинани организмнинг турли соҳаларига юбориш зарур. АКДС-Hib ёки АКДС-ГепВ-Hib каби қатор вакциналарда, тегишлича АКДС ёки АКДС-ГепВ компонентлар Hib-инфекцияга қарши вакцинани эритиши учун эритувчи сифатида кўлланилади. Агар вакциналар бирга қадоқланмаган бўлса ёки пентавалент вакцина кўринишида бирга юбориш кўзда тутилган бўлмаса, Hib-вакцинани АКДС ёки АКДС-Геп В компонентларида эритманг.

Тизимли хатоликларнинг олдини олиш учун лиофилизацияланган вакциналарни эритиш бўйича қўйидаги қадамлар тавсия этилади.

### **2-қўшимча: Вакциналарни хавфсиз эритиш учун ўнта муҳим қадам**

1. Ишлаб чиқарувчи томонидан мазкур эритувчи ушбу қадоқда айнан шу вакцинани эритиш учун тақдим этилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ёрликдаги матнни диққат билан ўқинг.
2. Яроқлилик муддати ўтмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уни текширинг.
3. Флакон термоиндикаторининг ҳолатини, у «критик нуқта» босқичида турмаганлигига ва ҳали бу нуқтага етмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун текширинг.
4. Эритувчини фойдаланишдан бир кун олдин +2°C-+8°C ҳароратгача совутинг (камида бир кун олдин).
5. Эритиш учун мўлжалланган янги стерил шприцга эритувчининг булун ҳажмини тортиб олинг ва тўлиқ вакцинали флаконга киригин.
6. Вакцинани эритиш учун қўлланилган игнани ва шприцни, игнасига қалпоқчасини кийдирмасдан хавфсизлик қутисига жойланг.
7. Эритиш учун фойдаланилган игнани вакцинали флакон қопқоғида қолдирманг.
8. Вакцина эритилгач флаконни совутгич-сумканинг пенопласт ячайкасига қўйинг. Муз эриши натижасида ҳосил бўлувчи сув билан флакон намланишига ҳеч қачон йўл қўйманг.
9. Эмлаш сессияси ниҳоясига етгач ёки вакцина эритилган муддатдан бошлаб 6 соат ўтгач (қайси бири олдин кузатилса) эритилган вакцинанинг қолдифини йўқотинг.
10. Вакцинанинг ҳар бир дозасини олиш учун янги стерил бир марталик игна ва шприцдан фойдаланинг, ҳамда вакцинани киритиш учун мазкур игна ва шприцни қўлланг. Вакцинани юбориб бўлингач, қўлланилган игнани ва шприцни, игнасига қалпоқчасини кийдирмасдан хавфсизлик қутисига жойланг.

### **1.3 Очилигани кўп дозалик флаконлардаги вакциналардан кейинги иммунизация сессияларида хавфсиз фойдаланиш**

ЖССТ вакциналар исроф бўлишини камайтириш сиёсати доирасида флаконлар очилганидан кейин айрим вакциналардан (барча вакциналардан эмас) фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқди. Европа минтақасининг кўпгина давлатларида очилган флаконлардаги вакциналардан фойдаланиш муддатларини тартибга солувчи Миллий қоидаларга амал қилинади. ЖССТнинг қайта кўриб чиқилган кўп дозалик флаконларга нисбатан сиёсати ОПВ, АҚДС, АС, АДС-М, АДС, Геп В ва суюқ Ніб-вакциналарга тааллуқлидир. Ушбу вакциналар:

- самарадорлиги ва ҳароратга барқарорлиги бўйича ЖССТ талабларига мос келади;
- стандартизация бўйича Халқаро ташкилот (ISO) стандартларига мувофиқ қадоқланган;
- таркибида етарли концентрацияда консервант (тиомерсал) мавжуд (фақат инъекция қилинадиган вакциналар учун).

**Эслатма:** ЮНИСЕФ томонидан етказиб бериладиган барча вакциналар ушбу талабларга жавоб беради. Кўп дозалик флаконларга нисбатан сиёсат тааллуқли бўлган ва кейинги эмлаш сессияларида фойдаланиш учун сақланадиган вакциналарнинг флаконига очилган сана ёзиб қўйилиши шарт.

### **3-құшымча: Күп дозадаги вакцинани сақловчи флаконлардан фойдаланиш бүйича сиёсат (2000-йилги таҳрір)**

Дастлабки әмлаш сессиясида бир ёки күп дозадаги ишлатилған ОПВ, АКДС, АС, АДС-М, АДС, ГепВ ва суюқ Hib-вакциналарини сақловчи күп дозалик флаконлардан кейинги әмлаш сессияларида 4 ҳафтадан ошмаган муддат давомида, күйидеги барча талабларга риоя этилганида, фойдаланиш мүмкін:

- Яроқлилик муддати үтмаган.
- Вакциналар тегишли ҳарорат режимига риоя этилған ҳолда сақланған (+2°C – +8°C).
- Флакон қопқоғининг юқори қисміга сув тегмаган (муз эриши оқибатида ҳосил бўлған сув).
- Флакондан вакциналарни тортиб олиш асептикаға риоя қилиниб амалга оширилган.
- ФТИ критик нұқтага етмаган.

**Эслатма:** Күп дозалик вакцина сақловчи флаконлардан фойдаланиш бүйича сиёсат әритилувчи вакциналарга (масалан, БЦЖ, қызамиқ компонентини тутувчи вакциналар, Hib-вакцинанинг айрим турлари) нисбатан тавсия этилған талабларни ўзgartирмайди. Ушбу вакциналардан исталған бирини сақловчи флаконлар, әмлаш сессияси нұхоясида ёки әритиш амалга оширилганидан бошлаб 6 соат үтгач (қайси бири илгари күзатилишига қараб) йўқотилади.

**Аввалги сиёсат:** ЖССТ нинг аввалги сиёсатига кўра, очилған вакцина флаконларини әмлаш сессияси нұхоясида, вакцина турига ва флаконда қанча дозадаги вакцина қолғанлигига қарамасдан йўқотиш кўзда тутилган.

ЖССТ нинг қайта қўригидан үтказилған (11-иловада ЖССТ нинг қайта қўригидан үтказилған вакциналар рўйхати келтирилган) ва ЮНИСЕФ томонидан етказиб бериладиган вакциналарни қўллаш бүйича қўлланмада күп дозада вакцина сақловчи флаконлардан фойдаланиш бүйича сиёсат ёки вакцинани 6 соат мобайнида ишлатиш зарурулиги ҳақидағи кўрсатмалар мавжуд. Тиббиёт ходими ушбу қўлланмадаги кўрсатмалар билан батафсил танишиб чиқиши зарур.

#### **1-жадвал: Күп дозалик флаконларга нисбатан сиёсат тааллуқли бўлған вакциналарнинг айрим намуналари (эслатма: рўйхат тўлиқ эмас)**

АДС анатоксини, адсорбцияланган.
----------------------------------

Катта ёшлилар учун АДС-М анатоксини, адсорбцияланган.
---

АС анатоксини, адсорбцияланган.
---------------------------------

АКДС вакцинаси, адсорбцияланган.
----------------------------------

АКДС-Hib вакцинаси, суюқ.
---------------------------

АКДС-Геп В вакцинаси.
-----------------------

Геп В вакцинаси.
------------------

Hib вакцинаси, суюқ.
----------------------

Орал полиомиелит вакцинаси.
-----------------------------

### 2-жадвал: Күп дозалик флақонларга нисбатан сиёсат тааллуқли бўлмаган вакциналарнинг айrim намуналари (эслатма: рўйхат тўлиқ эмас)

Эмлаш сессияси ниҳоясига ёки вакцина эритилган муддатдан бошлаб 6 соат мобайнида (қайси бири олдин кузатилса) ишлатинг, кейин эса эритилган вакцинаниң қолдигини йўқотинг.
БЦЖ вакцинаси.
АКДС+Ніб вакцинаси, лиофилизацияланган.
АКДС-ГепВ+Ніб вакцинаси, суюқ + лиофилизацияланган.
Ніб вакцинаси, лиофилизацияланган.
Сариқ иситмага қарши вакцина (халқаро сайёхлар учун).
Конъюгацияланган менингококк А+С вакцинаси.
Қизамиқ вакцинаси.
Қизамиқ ва қизилча вакцинаси.
Қизамиқ, эпидемик паротит ва қизилча вакцинаси.

#### 1.4 Вакцинани қўллашдан олдин текшириш

Исталган вакцинани қўллашдан олдин Сиз қўйидаги қоидаларни бажаришингиз шарт:

1. Вакцина ва эритувчининг флақонларида ёрликлар мавжудлигини текширинг. Агарда ёрлик йўқ бўлса, вакцина ва эритувчини йўқотинг.
2. Яроқлилик муддатини текширинг. Агарда яроқлилик муддати тугаган бўлса, вакцина ва эритувчини йўқотинг.
3. Флақондаги термоиндикаторни (ФТИ) текширинг. Агарда ФТИ вакцина критик нуқтага етганлигини кўрсатса вакцинани зудлик билан йўқотинг.

#### 1-расм. Турли босқичларни кўрсатувчи флақон термоиндикатори

		Ички квадрат, ташки доирага қараганда оч тусда. <b>Яроқлилик муддати ўтган бўлмаса вакцинани қўлланг</b>
		Муайян вакт ўтганидан кейин ҳам ички квадрат, ташки доирага қараганда очроқ тусда. <b>Яроқлилик муддати ўтган бўлмаса вакцинани қўлланг</b>
		Критик нуқтадан паст Ички квадрат ва ташки доира бир хил тусда. <b>Вакцинани ҚЎЛЛАМАНГ. Ўз раҳбарингизни хабардор қилинг</b>
		Критик нуқтадан паст Ички квадрат, ташки доирага қараганда тўқ тусда. <b>Вакцинани ҚЎЛЛАМАНГ. Ўз раҳбарингизни хабардор қилинг</b>

4. Агар ҳароратни назорат қилувчи ускуна (термометр ёки музлаш индикатори) вакцинага манфий ҳарорат таъсир этганилигини кўрсатса ёки тиббиёт ходими музлатишга сезгир вакциналар (АКДС, АДС, АС, АДС-М, Геп В, АКДС-ГепВ, суюқ Hib вакцинаси и АКДС-ГепВ+Hib вакцинаси) музлаган деб гумон қилса, силкитиш тести амалга оширилиши шарт (батафсил маълумот 1-модулда келтирилган).
5. Тиббиёт ходими қўлланилаётган ҳар бир вакцина ҳақида қуидагиларни билиши зарур:
  - i. вакцинанинг ҳар бир дозаси киритиладиган ёшни (эмлаш ўтказилиши белгиланган ёшни);
  - ii. амалга оширилиши зарур бўлган эмлашлар сонини ва эмлашлар орасидаги минимал интервални;
  - iii. тўғри дозалашни;
  - iv. киритиладиган соҳани;
  - v. киритиш усули ва техникасини.

## 1.5. Монеликлар

Тиббиёт ходими эмланиши зарур бўлган барча шахсларга — болалар ва катталарга, агар уларнинг соғлиғи нуқтаи назаридан иммунизация қилинишига монеликлар бўлмаса, вакцинацияни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солиши зарур. Баъзан муайян вакцинани ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҲАМ КИРИТИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИНИ белгиловчи сабаблар мавжуд бўлади (*мутлақ монелик*), баъзида эса тиббиёт ходими вакцинацияни вактинча орқага суриши мумкин (*вақтинчалик монелик*). Муайян вакцина билан иммунизацияни вактинча орқага суриш ва батамом таъқиқлаш учун асос бўлувчи сабаблар рўйхати 3-жадвалда келтирилган. Тиббиёт ходими эмлаш ўтказишдан четлатишнинг ҳаққоний – тўғри сабабларини билиши зарур. Эмлаш ўтказишдан четлатишнинг хотўғри сабаблари «*ёлғондакам монеликлар*» деб юритилади. Уларнинг рўйхати 4-жадвалда келтирилган.

**Аҳамиятли ҳолат.** Эмлаш ўтказишдан четлатишнинг хотўғри сабаблари (*ёлғондакам монеликлар*) туфайли иммунизациянинг орқага сурилиши болага ёки катта кишига ўз вақтида тўйлақонли эмлаш ўтказиш имкониятининг қўлдан бой берилишига олиб келади.

### 3-жадвал: Муайян вакцинани ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҲАМ КИРИТИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИНИ белгиловчи сабаблар ва иммунизацияни вактинча ОРҚАГА СУРИШ учун асос бўлувчи сабаблар (10-иловага қаранг)

Мутлақ монеликлар:

#### Агарда болада ёки катта кишида:

- орттирилган иммун танқислик вируси (ОИВ) келтириб чиқарган манифест (симптомлар мавжуд) касалланиш мавжудлигида — БЦЖ вакцинаси, қизамиқ, эпидемик паротит ва қизилча вакцинаси (ёки қизамиқ вакцинаси), ОПВ, ротавирус вакцинаси, сув чечакка қарши вакцина ва сариқ иситмага қарши вакцина билан эмлаш мумкин эмас;
- ОИВ-инфекциясининг симптомсиз (симптомлар йўқ) шаклида — БЦЖ вакцинаси (туберкулез билан касалланиш паст даражада бўлган минтақаларда\*), ОПВ, ротавирус вакцинаси ва сариқ иситмага қарши вакцина билан эмлаш мумкин эмас;
- Анамнезида муайян вакцина қўлланилганидан кейин жиддий ноxуш ҳолат мавжудлиги (анафилактик реакция ёки шок) — кейинги эмлашлар учун айнан шу вакцинани қўлламанг, лекин болани ёки катта кишини бошқа вакциналар билан эмлашни давом этиринг.

## 3-МОДУЛЬ

---

Вақтингчалик монеликлар:

Қуидаги ҳолатлар бартараф этилгунига қадар күрсатилған вакциналарни құлламанғ:

- ҳомиладорлик (тирик вирусли вакциналар — қизамиқ, эпидемик паротит, қизилча ва сариқ иситмага қарши вакциналар);
- тұғма ёки ортирилған иммунтанқислик ҳолатлари (ОИВ-инфекцияси әмас) — қизамиққа қарши вакцинани қўллаш мүмкін әмас.

**\*Эслатма:** ЖССТ Европа мінтақавий бюроси ишчи гурӯхи томонидан туберкулез билан касалланишнинг паст даражасы сифатида нотификация даражасининг ҳар 100000 аҳолига 20 нафардан кам бўлиши белгиланган.


### 4-жадвал: Иммунизацияга монелик ҲИСОБЛАНМАЙДИГАН сабаблар

Эмлаш ўтказишдан четлатишнинг нотўри сабаблари «ёлғондакам монеликлар» деб юритилади. Қуида «ёлғондакам монеликлар»га мисоллар келтирилган. Агарда болада ёки катта кишида қуидаги ҳолатлардан биронтаси кузатилса эмлашни ўтказиш зарур:

- Енгил нохушлик сезилиши (масалан, <38°C ҳароратли юқори нафас йўллари инфекцияси ёки диарея).
- Аллергия, астма ёки бошқа атопик қўринишлар (масалан, беда иситмаси ёки бурун битиши).
- Чала туғилиш, чала туғилған чақалоқ.
- Гипотрофия.
- Кўкрак сути билан эмизилаётган гўдак.
- Оиласији анамнезидаги талвасага тушиш.
- Антибиотиклар, кичик дозадаги кортикостероидлар ёки маҳаллий таъсир кўрсатувчи стероидлар (масалан, ташқи қопламлар орқали ёки ингаляция учун қўллаш) билан даволаш.
- Дерматозлар, экзема ёки маҳаллий тери инфекциялари.
- Юракнинг, ўпканинг, буйракнинг ва жигарнинг сурункали касаллуклари.
- Барқарор неврологик ҳолатлар (масалан, церебрал фалажлик ёки Даун синдроми).
- Чақалоқлар сариклиги.
- Юқумли касаллик беморлари билан мулоқот (контакт).

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг биронтаси ҳам иммунизацияни тұхтатиш учун ҳақиқий сабаб ҳисобланмайды. Агарда болада ёки катта кишида ушбу ҳолатлардан биронтаси кузатилса эмлашни ўтказиш зарур.

<sup>1</sup>Марҳамат қилиб, 10-иловага әзтибор беринг, унда иммунизация дастурига тааллуқли бўлмаган вакциналарга монеликлар ҳақида маълумотлар келтирилган.



## 2. ИНЪЕКЦИЯЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЧИҚИНДИЛАРНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

### Кириш

Инъекциялар хавфсизлиги — бу инъекция учун мүлжалланган барча материаллар билан хавфсиз муносабат, мазкур материалларнинг мавжудлиги ва қўлланилиши устидан режали мониторинг, ҳамда ифлосланган инъекция материалларини белгиланган тартибда зарарсизлантириш ва йўқотишидир.

Маълумки, стериллик сақданмасдан амалга оширилган инъекциялар абсцесс ривожланишига сабаб бўлиши, беморларга, тиббиёт ходимларига ва ахолига В, С, Д гепатитлари ва ОИВ-инфекцияси каби хавфли инфекцияларнинг юқиб қолишида юқтириш омили сифатида хизмат қилиши мумкин. Иммунизациянинг асосий мақсади ахолини касалланишлардан ва ўлимдан муҳофазалашдан иборатлигига қарамасдан, барча тиббий ҳатти-ҳаракатларда, муолажаларда бош мезон *primum non nocere* («аввало, зарар етказма») тамойили ҳисобланади.

#### Аҳамиятли ҳолат. Хавфсиз бўлмаган инъекция:

- *реципиентга зарар етказиши;*
- *тиббиёт ходимини асоссиз хавф-хатар остига қўйиши;*
- *ахоли саломатлиги учун хавф тұғдирувчи зарарлы чиқиндилар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.*

### 2.1 ИНЪЕКЦИЯЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЗАРУР УСКУНАЛАРНИ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАНЛАШ

ЖССТ-ЮНИСЕФ-UNFPA-КХҚЯ ҲФ ҳамкорлиқдаги баёнотида жаҳондаги барча давлатларга мурожаат этилиб, 2003 йил охирига келиб иммунизация учун фақатгина ўзитўсилувчи (ЎТ-) щприцлардан фойдаланишга даъват этилган эди.

ЖССТ иммунизация учун бундан бўён стерилланадиган кўп марталик шприц-игналардан ва лиофилизацияланган вакциналарни эритиш учун қўлланиладиган шприц-игналардан ташқари стандарт пластмасса бир марталик инъекция ускуналаридан фойдаланишни тавсия этмайди. Ўзитўсилувчи шприцлар кенг миёсда амалиётга киргунига қадар, стандарт пластмасса бир марталик инъекция ускуналари вакциналарни эритиш учун қўлланиб турилади.

Стерилланадиган кўп марталик шприц-игналардан фойдаланиш билан боғлиқ юқумли касалликлар

кўзғатувчилари юқишининг юқори хавфи туфайли ушбу тиббий анжомлар аста-секин иммунизация дастуридан истиносно этилиши (олиб ташланиши) даркор.

ЖССТ тавсиясига кўра вакциналар инъекцияси учун бир марталик инъекция ускуналаридан фақатгина қўйидагилар хавфсиздир: ўзитўсилувчи (ЎТ-) шприцлар ва вакцина билан тўлдирилиб фойдаланиш учун тайёр ҳолатдаги ўзитўсилувчи (ЎТ-) шприцлар.

ЎТ-шприцларни режали иммунизацияни амалга ошириш учун ҳам ва оммавий иммунизация компаниялари пайтида ҳам кўллаш тавсия этилади. ЎТ-шприцларнинг бир-неча турлари мавжуд ва ўз баҳосига кўра стандарт пластмасса бир марталик инъекция ускуналаридан фарқ қилмайди.

Вакцина организмга юборилганидан кейин ЎТ-шприцларни қайтадан тўлғазишнинг, фойдаланишнинг имконияти йўқ.

Ўзитўсилувчи (ЎТ-) шприцларнинг асосий тавсифлари:

- фақатгина бир мартагина инъекцияни таъминлай олади;
- олдиндан белгилаб қўйилган ва чекланган ҳажмга эга;
- иммунизацияни амалга оширишга мос келадиган ўлчамдаги бириклирлган игнага эга;
- шприцдаги доза (вакцина миқдори) организмга тўлиқ юборилгач, автоматик равища ишдан ташқари ҳолатга ўтади;
- 0,5 ва 0,05 мл ҳажмга мўлжаллаб ишлаб чиқарилади.

Одатдаги стандарт пластмасса бир марталик инъекция ускуналари ва олдиндан вакцина тўлғазилиб тайёр ҳолга келтирилган ЎТ-шприцлар ҳақида 4-модулда батафсил маълумотлар келтирилган.

### 3.1-машқ: Сиз фаолият кўрсатаётган вилоятда ўзитўсилувчи шприцлардан фойдаланиш ҳолати

ЎТ-шприцлардан фойдаланишни машқ қилинг.

Сиз фаолият кўрсатаётган вилоядта, туманда, ДПМда ЎТ-шприцлардан фойдаланиш тажрибаси қандай?

Сиз фаолият кўрсатаётган вилоядта, туманда, ДПМда ЎТ-шприцлардан фойдаланиш чоғида қандай муаммоларга дуч келинди? Ушбу муаммоларни ҳал этдингизми? Агар ҳал этилган бўлса, қандай йўл билан?

## 2.2 Инъекцияларни амалга оширишнинг хавфсиз усуллари

Вакциналарни хавфсиз усуллар ёрдамида ва хавфсиз инъекция материалларини кўллаб организмга юбориш зарур. Пациентга ва тиббиёт ходимига зарар етказмаслик учун, хавфсиз инъекциянинг қўйидаги тартиб-қоидларига риоя этилиши зарур:

1. Ҳар бир инъекция учун алоҳида янги стерил ЎТ-шприцлардан фойдаланинг.
2. Лиофилланган вакциналарни эритиш учун ҳар сафар янги стерил ЎТ-шприцлардан фойдаланинг.
3. Инъекция амалга оширилгунига қадар стерил бўлмаган юзага (масалан, қўлларга, буюмлар юзасига) теккан ингани яроқсиз деб хисобланг ва хавфсизлик кутисига ташланг.
4. Инъекция учун материалларни, қон ва бошқа биологик суюқликлар билан ифлосланиш истиносно этиладиган, махсус ажратилган тоза жойда (стол ва ҳоказо) тайёрланг.
5. Шиша ампулани очиш жараёнида бармоқларни дока салфетка билан ҳимояланг.
6. Кўп дозалик флакон қопқоғини ҳамиша стерил игна билан тешинг. Игнани ҳеч қачон флакон қопқоғида қолдирманг.

7. ЖССТ терини инъекциядан олдин/кейин дезинфекциялаш зарур деб ҳисобламайды. Агар инъекция қилинадиган соңа дезинфекция қилинадиган бўлса тоза бир марталик тампондан фойдаланиш ва қўлланилаётган дезинфектант учун мўлжалланган экспозиция муддатига амал қилиш тавсия этилади. Доимий ишлатишига мўлжалланган (кўп марталик) суюқ дезинфектантли идишда сакланадиган тампонлардан фойдаланиш мумкин эмас. Дезинфектант сифатида ўта юқори концентрацияли эмас, суюлтирилган 60°ли спиртдан фойдаланинг.
8. Ўт-шприц игнасига ҳеч қачон қалпоқчасини кийдирманг. Инъекциядан кейин дарҳол фойдаланилган шприцини хавфсизлик қутисига ташланг.
9. Препаратни киритиш соҳаси: мушак ораси, тери ости ва тери ораси инъекциялари учун дельтасимон мушак ёки соннинг олдинги ташқи юзаси (барча ёшда) танланиши мумкин.
10. Агарда тиббиёт ходимига вакцинация жараёнида тасодифан фойдаланилган игна санчилса, бу ҳақда дарҳол маъмуриятга (рахбариятга) хабар берилади, шошилинч муҳофазалаш тадбирлари кўрилади ва жароҳат қайд этилиб баённома тузилади.

#### **Хавфсизлик қутиларидан фойдаланиш**

Ўткір предметлар, аввало, игналар аҳоли учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун ҳам энг хавфли бўлган тиббий чиқиндилар тоифасига мансубdir. Агар белгиланган тартибда муносабатда бўлинмаса ва йўқотилмаса, игналардан арзимас ҳолатларда жароҳатланиш ҳамда В, С, Д гепатитлари, ОИВ-инфекцияси ва бошқа касалликлар кўзғатувчиларини юқтиришнинг юқори даражадаги хавфи вужудга келиши мумкин. Шу боисдан, фойдаланилган шприц ва игналарни хавфсиз йўқотиш масаласи барча иммунизация дастурларида аҳолининг ва тиббиёт ходимларининг зарарланиш хавфини бартараф этувчи муҳим таркибий қисм (компонент) ҳисобланади. Инъекциядан кейин дарҳол вакцинатор томонидан фойдаланилган игна ва шприц, игнага қалпоқчасини кийдирмасдан хавфсизлик қутисига ташланади.

Турли хавфсизлик қутилари турли усуллар билан йиғилади ва одатда уларнинг ташқи юзасида йиғиши тартиби кўрсатилган тегишли йўриқнома битилган бўлади. Эмлаш пунктида тўғри йиғилган хавфсизлик қутиси мавжуд бўлиши зарур, ҳамда унга фойдаланилган игна ва шприцини ташлаш учун қулайликни таъминлаш мақсадида бевосита иш столи яқинида жойлаштирилиши даркор.

Аксарият ҳолларда игна билан жароҳатланиш инъекциядан кейин, уни хавфсизлик қутисига ташлангунига қадар содир бўлади.

Тиббиёт муассасасидан ташқарида иммунизация ўтказилганида ҳам, вакцинатор ўз ёнида хавфсизлик қутисини (ҳаттоқи қутида ишлатилган игна ва шприцлар мавжуд бўлса ҳам) ҳозирлаши зарур.

Тиббиёт муассасасида хавфсизлик қутисининг муайян миқдордаги заҳираси доимо мавжуд бўлиши шарт.

### **2.3 Хавфсиз инъекцияни таъминлаш ва чиқиндиларни йўқотиш учун зарур бўладиган материаллар миқдорини ҳисоблаш**

Тиббиёт муассасасида хавфсиз инъекцияни таъминлаш ва чиқиндиларни йўқотиш учун зарур материаллар мавжуд бўлишидан ташқари, амалга ошириладиган вакцинация ҳажмига монанд тарзда етарли миқдорда бўлиши ҳам талаб этилади. Иммунизация дастурига даҳлдор барча тиббий муассасалар (оилавий поликлиника, ҚВП, тиббий-санитария қисмлари, түфруқхоналар, болалар шифохоналари, ДСЭНМ ва ҳоказолар) раҳбарлари, тегишли мутахассислар хавфсиз инъекцияни таъминлаш ва чиқиндиларни йўқотиш учун зарур материаллар миқдорини ҳисоблашни, буюртма беришни режалаштиришни ва уларни тўғри тақсимлашни билишлари зарур.

Иммунизация дастурига даҳлдор барча тиббий муассасаларга хавфсиз инъекция учун зарур материаллар доимо вакциналар билан биргаликда - комплект тарзида етказиб берилиши зарур.

Янги вакциналар иммунизация амалиётига табиқ этилаётганида хавфсиз инъекция ва чиқиндиларни ўйқотиш учун зарур материалларга бўлган эҳтиёж миқдори қайта кўриб чиқилади. 1-модулда вакциналарга ва хавфсиз инъекция учун зарур материалларга бўлган эҳтиёж миқдорини ҳисоблаб топиш тартиби келтирилган.

**Аҳамиятли ҳолат.** *Барча эмлаш пунктлари ва сайёр бригадалар (мобил бригадалар) ўз вақтида зарур миқдордаги хавфсиз инъекция учун иғналар, шприцлар билан ва чиқиндиларни ўйқотиш учун хавфсизлик күтилари билан таъминланishi зарур.*

### 2.4 Инъекция ўтказиш пайтида болани тўғри тутиш – фиксациялаш

Инъекция ўтказиш пайтида кутилмаган ҳаракат иғнанинг тасодифий санчилиб кетишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳол юз бермаслиги учун инъекция ўтказилишидан олдин болани тўғри ва маҳкам тутиш – фиксациялаш зарур. Бунинг учун катта киши стулга ўтиради, боланинг бир қўлини елкасидан ошириб қўйиб, болани тиззасига олади. Катта киши боланинг оёқларини ўз оёқлари орасида сиқиб туриши ёки боланинг оёқларини қўли билан маҳкам тутиб туриши мумкин. Шунингдек, катта киши боланинг бўш қўлини ҳам тутиб туриши зарур. Тиббиёт ходимининг инъекция ўтказиш пайтида иккала қўли ҳам бандлиги сабабли болани тутиб туришга кўмаклаша олмайди.

Бола фиксацияланган бўлишига қарамастан, инъекция пайтида, уни тутиб турган кишини ҳамиша огоҳлантиринг.

**3.2-машқ:** К. хоним 6 ойлик фарзандини эмлатиш учун оиласий поликлиникага олиб келди. Ҳамшира уларни хуш кайфият билан қарши олди ва онага қилинажак вакциналар ҳақида маълумот бериб, эмлаш пайтида болани қандай тутиб туриш зарурлигини тушунтириди. Шундан кейин вакциналар инъекциясини амалга ошириди.

Рол ижроси якунига етгач гурух билан қўйидаги саволлар жавобини муҳокама қилинг:

1. Ҳамшира кўрсатмалари тўғри ва аниқ бажарилдими?
2. Она гўдакни тўғри тутиб турдими?
3. Агар гўдак тўғри тутиб турилмаса қанақа хавфлар мавжуд бўлиши мумкин?



## 2.5 Иммунизация пайтида ҳосил бўлувчи чиқиндиларни йўқотиш режасини тузиш

Иммунизация компаниялари ва режали эмлашлар якунида чиқиндиларни тўплаш, олиб кетиш ва қайта ишлашни ташкиллаштириш учун жойларда тегишли қарорлар қабул қилиниши талаб этилади. Аввало, ҳосил бўладиган ва қайта ишланадиган чиқиндиларнинг ҳажмини аниқлаш зарур.

Алоҳида тиббий муассасаларда бир ой мобайнида, йил давомида ҳосил бўладиган ва зарарсизлантирилиши лозим бўлган игна ва шприцлар миқдорини ҳисоблаб топинг.

Туман харитасида ҳар бир тиббий муассасада бир ой мобайнида ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳажмини белгиланг.

Қайси тиббий муассасалардан ойига бир маротаба чиқиндиларни марказлаштирилган ҳолда зарарсизлантириш учун олиб кетилиши, қайси тиббий муассасаларда чиқиндиларни жойида зарарсизлантирилиши борасида қарор қабул қилинг.

Чиқиндиларни марказлаштирилган ҳолда тўплаш ва зарарсизлантириш кўзда тутилмаган тиббий муассасаларда зарарсизлантиришнинг муқобил варианtlарини кўрсатинг.

### Тадбирлар кўриш учун назорат саволлари.

1. Тумандаги барчатиббий муассасаларнинг, жумладан сайёр нуқталарнинг, КВП, оилавий поликлиникалар, тиббий-санитария қисмларининг, туман касалхоналарининг рўйхатини тузинг ва уларни харитада белгиланг.
2. Ҳар бир тиббий муассаса учун, мавсумий омилларни инобатга олган ҳолда, йиллик моддий-техник таъминот ва ташриф этишга доир муаммоларни аниқланг.
3. Санчилувчи чиқиндилар тоифасини (шприцлар, игналар, ланцетлар ва ҳоказо) ва ҳажмини аниқланг.
4. Чиқиндиларга нисбатан муносабатни, уларга ишлов бериш ва йўқотиш тартибларини таҳлил этинг. Ҳавфли усуллар қўлланилаётган, зудлик билан камчилликлар бартараф этилиши тақозо қилинадиган тиббий муассасаларни аниқланг.

Харитадан ва тўпланган маълумотлардан ҳар бир муассасадаги чиқиндилар ҳажмини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Бу тахлитдаги хариталар чиқиндилар ҳосил бўладиган муассасаларни, чиқиндиларнинг ойлик ҳажмини, зарарсизлантириш учун мавжуд имкониятларни (инфраструктура, ишловчилар, транспорт) яққол кўрсатиб туради.

### 5-жадвал: Иммунизация учун фойдаланилган материалларни зарарсизлантириш бўйича режанинг намунаси

Туман:

Сана:

Ижрочининг ФИО:

Тиббий муассаса					Моддий-техник таъминот			Тавсия этилаётган тадбирлар
Номи	Тип	Мақсадли гурӯхнинг йиллик сони	Мақсадли гурӯхнинг ойлик сони	Якуний зарарсизлантириш жойи	Масофа (км)	Йўл шароити	Ойлик ҳавфсиз қупилар сони	
М.	п-ка	1200	100	Жойида		Қишида йўл йўқ	1	Алоҳида ажратилган жойда ёқиш
Ш.	п-ка	8640	720	Туман	20	Яхши	7	Ёқиш учун тўплаш

### 2.6 Игнаси ажралмайдиган шприцларга муносабат ва уларни зарарсизлантириш усуллари

Игнаси ажралмайдиган шприцларни йиғиш.


#### ЖССТ-ЮНИСЕФНИНГ картон хавфсизлик қутилари

Ушбу тешилмайдиган ва герметик қутилар игнаси кесилмаган шприцларни йиғишга мүлжалланган  
Минимал сиғими — 100 дона шприц. Қайта фойдаланилмайди.

#### Тешилмайдиган пластмасса хавфсизлик қутилари

Ушбу қутиларнинг баҳоси нисбатан қимматроқ, шу боис барча тиббиёт муассасалари харид қила олмаслиги мумкин.

Минимал сиғими — 100 дона шприц. Қайта фойдаланилмайди.



#### Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган тешилмайдиган картон хавфсизлик қутилари ва пластмасса идишлар

Стандарт **хавфсизлик** қутиларини топиш имконияти чекланган кичик тиббий муассасаларда шприцларни йиғишнинг мүқобил шаклларидан (масалан, тешилмайдиган ва герметик қутилар ёки пластмасса идишлар) фойдаланиш мумкин. Уларни хавфли санчилувчи предметларни сақловчы идишлар сифатида алоҳида белгилар билан тамғалаш (маркировкалаш) зарур. Бундай мақсадларда усти очиқ қутилардан ва юпқа пластмасса идишлардан фойдаланиш мумкин эмас. Қайта фойдаланилмайди.



**Тешилмайдиган қутиларга муносабат**

Үз жойда ёқиш ва күмиш (чиқиндиларни марказлашган заарсизлантириш жойларига етказиш имконияти чекланган кичик тиббий муассасалар учун мүлжалланган).

**Химояланган жойга ёки бетонланган ўрага күмиш.**

**Хавфсизлик** қутиларини тиббий муассаса худудида девор билан ўралган, ҳайвонлар кира олмайдиган, махсус ажратылған жойда ёқиш ва күмиш мүмкін. Агар тупроқ уваланыб тұқиши хусусиятига эга бўлса, ўра деворлари ғишт билан терилади ёки бетон қуйилади. Чиқиндиларнинг ҳар бир қавати устига камида 30 см қалинликдаги тупроқ ташлаб ёпиб борилади, ўра ер сатхидан 50 см пастлиkkача тұлғаç, уни батамом тупроқ билан күмилади ёки бетонланади ва устига хавфли чиқинди күмилгандыкни билдирувчи белги қўйилади. Хавфсизлик қутиларини ва тиббий чиқиндилар солинган ҳар қандай идишни очиқ ҳолда ташлаб юбориш қатъиян таъқиланади.

**Махсус корхоналарда чиқиндиларни марказлашган ҳолда заарсизлантириш**

**Хавфсизлик қутиларини махсус корхоналарда заарсизлантириш учун йифиш.**

Фойдаланилган хавфсизлик қутиларини мунтазам йифилади (автомобилда ёки ҳаттоқи велосипедда) ва автоклавлаш ёки тегишли шароитларда ёқиш учун махсус корхонага олиб борилади.




### Чиқиндиларни автоклавда ёки СВЧ-ускуналарида заарсизлантириш

Шприцлар йигилганидан кейин, фақатина чиқиндиларни заарсизлантириш учун ажратилған автоклавда (юқори ҳароратда түйинтирилған бұғ босими остида) стерилизация қилиниши мүмкін.

### Юқори ҳароратда ёқиши ( $850^{\circ}\text{C}$ ) (инсинерация)

Хозирғи вақтда юқори ҳароратда ишловчи инсинераторлар нисбатан арzon бақоланади. Шу боис, ularни үртамиёна тиббий муассасалари ҳам харид қила олиши мүмкін. Заҳарлы газлар ҳосил бўлишини минимал даражагача камайтириш учун ёниш ҳарорати  $850^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаслиги зарур.



Инсинераторлардан фойдаланишда уларнинг конструкциясига, эксплуатация қилиш усулига, ахоли яшаш жойлари билан орадаги масофага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шунинг учун, инсинераторни яхши тайёргарлиқдан ўтган, зарур ҳарорат режимини таъминлай оладиган ходим ишлатиши зарур.

### Чиқиндиларни түплаш, ташиш ва қайта ишлашнинг мақбул амалиёти

- Чиқиндилар инфекция тушган ва инфекция тушмаганлигига қараб гурухларга ажратилади.
- Ишлатилган барча игна ва шприцларни тешилмайдыган ва герметик қутиларга (рангли код ёки биологик хавф белгиси/ишораси туширилған) йиғиши зарур. Муқобил вариант сифатида фойдаланилған заҳоти игналар игна кескич мосламада кесилиши ва иш жойининг ўзида йўқотилиши мүмкін.
- Ўтқир бўлмаган инфекция тушган чиқиндилар маҳсус (рангли код ёки биологик хавф белгиси/ишораси туширилған) халталарга йиғилади.
- Заарсизлантириш/йўқотиш жойига жўнатилгунга қадар инфекция тушган чиқиндилар солинган халталар ва ўтқир предметлар солинган қутилар тиббиёт муассасасидаги маҳсус ажратилған жойда сақланади.
- Чиқиндилар билан ишловчи барча ходимлар шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) билан таъминланиши ва уларга қўлларини ювиш учун етарли шароит яратилиши шарт.
- Ходимлар В гепатитига қарши эмланишлари зарур.
- Муаммолар устидан мунтазам назорат ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилади.
- Чиқиндиларни заарсизлантириш учун «ўз жойида» ёқиши ва кўмиш усули қўлланилса, ушбу жой рухсатсиз киришдан ҳимояланган бўлиши даркор.

**3.3-машқ: Чиқиндиларни түплаш, ташиш ва қайта ишлашни ташкиллаштириш**

3-модулдаги ва 5-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб кўйидаги шартларга кўра чиқиндиларни түплаш, ташиш ва қайта ишлашнинг қандай усулларини ва тизимини тавсия этасиз.

Тиббий муассаса 5000 нафар аҳолиси мавжуд бўлган ҳудудга хизмат кўрсатади.

Туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси 200000 нафар аҳолиси мавжуд ҳудудга хизмат кўрсатади.

Вилоят шифохонаси, бошқа тиббий хизматлардан ташқари, шифохонага ётқизилгандарга иммунизация бўйича ҳам хизмат кўрсатади.

Туманда қизамиққа қарши иммунизация компаниясини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.


## 2.7 Кураторлик ва мониторинг

Иммунизация учун масъул мутасаддилар ўзларига бириктирилган ҳудудда инъекция ўтказишнинг хавфсиз усулларини ва чиқиндиларни хавфсиз зааррасизлантириш сиёсатини тадбиқ этиш учун жавобгардирлар. Бу инъекцияни хавфсиз бўлмаган усуллар билан ўтказиш ва инъекция учун қўлланилган анжомларни, чиқиндиларни хавфсиз зааррасизлантиришга амал қилмаслик оқибатида юқиши мумкин бўлган парентерал инфекцияларнинг тиббиёт ходимларига ва аҳолига юқиш хавфини истисно этиш имконини беради. Туман, вилоят миқёсида иммунизация учун масъул мутасаддилар ўзларидан юқори инстанцияда турувчи раҳбарлар талабига биноан иммунопрофилактика борасидаги Миллий сиёсат ва услубий тавсияларда кўзда тутилган хавфсиз иш усулларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича ҳисботлар тайёрлаб тақдим этишади.

### **Кураторлик ташрифлари чоғида:**

- Барча тиббиёт муассасаларида инъекциялар хавфсизлиги, юқумли касалликлар муҳофазаси ва чиқиндиларни хавфсиз зааррасизлантиришга доир миллий тавсиялар ва стандарт иш услублари (ёзма кўринишида) мавжудлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Инъекция ўтказишнинг хавфсиз усулларини ва инъекция учун ишлатилган материалларни, чиқиндиларни хавфсиз зааррасизлантириш сиёсатини амалиётга тадбиқ этиш жараёнида иш жойининг ўзида маҳаллий ходимлар иштирокида, улардаги мавжуд тажриба ва кўнкимларни мухокама этиш учун, йиғилиш ташкиллаштиринг.
- Тиббиёт ходимларининг инъекция учун фойдаланилган игна ёки бошқа анжомлардан жароҳатланиш ҳолатларини қайд этиш ва ҳисбот бериш тизимини йўлга кўйинг ва тиббиёт ходимларига шундай ҳолатлар ҳақида хабар бериш зарурлигини уқдиринг.
- Барча муаммоларни аниқланг, уларни ҳамкорликда бартараф этишга ҳаракат қилинг ва тиббиёт ходимларини муаммони ечиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида огоҳ этинг.
- Қўйилган талабларни бажаришнинг имконияти йўқ бўлса, бу ҳақида тиббиёт ходимлари ўз раҳбарларини хабардор қилишлари зарурлигини тушунишлари даркор.

Айрим хорижий давлатларда иммунизация хавфсизлиги учун масъул ходимлар тайинланади. Бундай ёндошув туман, вилоят миқёсида инъекция ўтказишнинг хавфсиз усулларини ҳамда чиқиндиларни түплаш ва зааррасизлантиришни ташкиллаштиришни тадбиқ этишининг самарали координациясини, мониторингни ва кураторликни таъминлайди. Ушбу шахсларга хавфсиз инъекция сиёсатини тўғри тадбиқ этиш жавобгарлиги юкланади.



### 3. ИММУНИЗАЦИЯДАН КЕЙИНГИ НоХУШ КЎРИНИШЛАР УСТИДАН ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ

Иммунизация юқумли касалликлардан мухофазалашнинг генг самарали усули сифатида тан олинганингiga қарамасдан, иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар частотаси тўғридан-тўғри ўтказилётган эмлашлар сонига боғлиқдир. Вакциналар хавфсизлиги бўйича мониторинг ва ҳисобот тизими самарали бўлиши, иммунизациядан кейинги нохуш кўринишларга жавобан қўлланиладиган ҳатти-ҳаракатлар ҳамда аҳолининг уларга муносабати мос тарзда уйғунлаштирилиши (координацияланиши) ўта муҳимдир. Ушбу нуқтаи назардан иммунизация учун мутасаддилар, тегишли қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган ахборотни тўплаб, вакциналар хавфсизлиги бўйича мониторинг ва ҳисобот тизими тўғри фаолият кўрсатишини таъминлашда ҳал қилувчи рол йўнашади. Иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатларини текшириш босқичида, эпидемиологик назорат тизими тўғри фаолият кўрсатиши ва вазиятга монанд ҳатти-ҳаракатлар қўлланилиши учун, иммунопрофилактика учун мутасаддиларнинг фикри ва холосаси ўта муҳим аҳамият касб этади.

#### 3.1 Иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар устидан эпидемиологик назоратнинг таърифи

**Иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар (ИКНК)** — бу иммунизациядан кейин кузатилувчи, лекин вакцинация келтириб чиқариши албатта шарт бўлмаган тиббий ҳолат, ҳодиса ёки инцидентdir.

Иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар устидан эпидемиологик назорат қўйидагилардан иборат:

1. иммунизациядан кейинги нохуш кўринишларни аниқлаш, қайд этиш, мониторингини амалга ошириш ва улар ҳақидаги маълумотга монанд ҳатти-ҳаракатларни қўллаш;
2. иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар устидан эпидемиологик назорат ёрдамида аниқланган хавфли амалиётни тўғрилаш, кишилар саломатлигига салбий таъсирини камайтириш ва иммунопрофилактика дастурининг репутацияси учун шошилинч зарур тадбирларни кўриш.

### 3.2 Иммунизациядан кейинги нохуш кўринишларнинг турлари

Хавфсиз иммунизация устидан самарали эпидемиологик назорат тизими иммунизациядан кейинги турли нохуш кўринишлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва салбий таъсирини камайтириш мақсадида, уларни ўз вақтида аниқлаш ва хилма-хил кўринишларини (6-жадвал) фарқлай олиш қобилиятига ва салоҳиятига эга бўлиши зарур.

#### 6-жадвал: Иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар сабабларининг асосий беш тури

<b>1. Вакцинага реакция</b>	Вакцина тўғри қўлланилганида, унинг ажралмас хусусиятлари билан белгиланган ёки билвосита келиб чиқувчи ҳодиса
<b>2. Тизимли хатолик</b>	Вакцинани тайёрлашда, унга нисбатан муносабатда ёки уни организмга киритишдаги хатолик билан белгиланган ҳодиса
<b>3. Бир пайтга тўғри келиб қолиш</b>	Иммунизациядан кейин содир бўлувчи, лекин вакцина томонидан келтириб чиқарилмаган — вакцинация билан тасодифан бир пайтга тўғри келган ҳодиса
<b>4. Инъекцияга реакция</b>	Вакцина билан эмас, балки инъекциядан қўрқиш ёки у билан боғлиқ оғриқ билан белгиланувчи ҳодиса
<b>5. Номаълум</b>	Ҳодиса сабабини аниқлашнинг имконияти йўқ

#### Вакцинага реакция

Вакцинага реакциялар куйидагича таснифланади:

- оддий енгил реакциялар (7-жадвал);
- кам кузатиладиган, лекин жиддий реакциялар (8-жадвал).

Аксарият вакцинага реакциялар арзимас даражада бўлиб, енгил нохуш кўринишлардан иборат (масалан, маҳаллий реакция ва ҳароратнинг ошиши); шунингдек, вакцинага меъёрий иммунологик жавобнинг натижаси бўлиши мумкин. Вакцина таркибидаги айрим компонентлар (масалан, алюминийли адъювант, антибиотиклар ёки консервантлар) баъзи бир реакцияларни келтириб чиқариши мумкин.

#### 7-жадвал: Вакциналарга кўп қузатиладиган енгил реакциялар

Вакцина	Маҳаллий реакция (оғриқ, шиш, қизариш)	Ҳарорат ( $t > 38^{\circ}\text{C}$ )	Таъсирчанлик, жizzакилик, нохуш ҳис этиш ва хос бўлмаган симптомлар
БЦЖ	Умумий	—	—
Hib	5%-15%	2%-10%	—
Геп В	Катталарда — 15% гача, Болаларда — 5% гача	1%-6%	—
Қизамиқ/КПК	10% гача	5%-15%	5% гача (тошма)
Орал полиомиелит вакцинаси (ОПВ)	—	1% дан кам	1% <sup>a</sup> дан кам
Қоқшол / АДС / АДС-м	10% <sup>b</sup> гача	10% гача	25% гача
Қўйўтал (АКДС-бутун ҳужайрали) <sup>c</sup>	50% гача	50% гача	60% гача

Эслатмалар:

*a Диарея, бош ва/ёки мушакларда оғриқ.*

*b Ревакцинацияда маҳаллий реакциялар ҳиссаси, 50-85% гача ошади.*

*c Бутун ҳужайрали қўйўтал вакцинаси учун. Қўрсаткич ҳужайрасиз қўйўтал вакцинаси учун паст.*

## 3-МОДУЛЬ

### 8-жадвал: Вакциналарга кам кузатиладиган, лекин жииддий реакциялар

Вакцина	Реакция	Эмлаш ўтказилганидан то нохуш кўриниш пайдо бўлгунича ўтадиган муддат	Вакцинанинг 1 млн дозасига тўғри келадиган ҳолатлар сони
БЦЖ	Йирингли лимфаденитлар;	2–6 ой	100–1000
	БЦЖ келтириб чиқарган остеит;	1–12 ой	—
	Тарқалган БЦЖ-инфекцияси	1–12 ой	—
Hib	Номаълум	—	—
Геп В	Анафилаксия	0–1 соат	1–2
Қизамиқ/КПҚ <sup>a</sup>	Фебриль тутқаноқ	5–12 сутка	330
	Тромбоцитопения (тромбоцитларнинг паст даражаси)	15–35 сутка	30
	Анафилаксия	0–1 соат	1
Орал полиомиелит вакцинаси (ОПВ)	Вакцина-ассоциацияланган полиомиелит фалажи (ВАПФ)	4–30 сутка	0,4 <sup>b</sup> гача
Қоқшол	Елка нервининг неврити	2–28 сутка	5–10
	Анафилаксия	0–1 соат	1–6
	Стерил абсцесс	1–6 ҳафта	6–10
АҚДС	Доимий (>3 час) чинқириқ	0–24 соат	1000–60 000
	Талваса	0–3 сутка	600 <sup>c</sup>
Япон энцефалити	Гипотензив-гипореспонсив синдром (ГГС)	0–24 соат	30–990 <sup>d</sup>
	Анафилаксия /шок	0–1 соат	1–6
	Жиiddий аллергик реакция		10–1000
Сариқ иситма	Неврологик ўзгаришлар		1–2,3
	Аллергик реакция/анафилаксия	0–1 соат	5–20

Эслатмалар:

*a Реакция (анафилаксиядан ташқари) олдиндан эмланганлар орасида кузатилмайди (90% атрофида иккинчи дозани олишган), б ёшдан юқори ёшдаги болаларда кузатилмайди.*

*б ВАПФ хавфи биринчи дозадан кейин (12 ҳолат 1,4–3,4 млн дозага), навбатдаги дозаларга нисбатан юқори (1 ҳолат 5,9 млн дозага — иккинчи эмлашдан кейин ва 1 ҳолат 6,7 млн дозага — навбатдаги контактлар учун).*

*в Талвасага тушишлар, асосан, фебрил табиатдаги, уларнинг частотаси анамнезга, жумладан оиласиий анамнезга, ва ёшга боғлиқ; хавф 4 ойликкача гўдакларда анчагина паст.*

*г Айрим ҳолатлар (асоссиз) нисбатан катттароқ ёшдаги болаларда ва катта ёшлиларда кўрсаткични баҳолаш имкониятини ўйқа чиқаради, лекин улар жуда ҳам кам кузатилади (8 млн дозага 1 та ҳолатдан кам).*

### Тизимли хатоликлар ва иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар

Иммунизациядан кейинги нохуш кўринишларнинг асосий сабаби вакциналардир деган фикр нотўғри ҳисобланади. Аксинча, иммунизациядан кейинги нохуш кўринишларнинг аксарият ҳоллардаги сабаби амалиётда нотўғри иммунизация усулларини кўллаш ҳисобланади (9-жадвалга қаранг). Бундай амалиётнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатларининг барчасида батафсил эпидемиологик текширув олиб борилиши талаб қилинади.

## 9-жадвал: Нотұғри иммунизация амалиётига мисоллар ва у билан бөглиқ иммунизациядан кейинги нохуш күринишлар

Нотұғри иммунизация амалиёти	Иммунизациядан кейин күзатилиши мүмкін бўлган жиddий реакциялар
<ul style="list-style-type: none"> <li>Ностерил инъекция</li> <li>Бир марталик шприц ва игнадан қайта фойдаланиш</li> <li>Шприц ва игнанинг контаминацияси</li> <li>Ифлосланган вакцина ёки эритувчини қўллаш</li> <li>Эритилган вакцинани кейинги эмлаш сессияларини ўтказиша қайта ишлатиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Инфекция тушиши</li> <li>Инъекция ўрнида абсцес</li> <li>Қон орқали касаллик қўзғатувчиларининг юқиши (В, С ва Д гепатитлари, ОИВ-инфекцияси)</li> <li>Сепсис, тоxик шок синдроми, ёки ўлим</li> </ul>
<b>Вакцинани эритишдаги хатоликлар</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Вакцинани етарлича силкитиб араплаштирмаслик</li> <li>Мос келмайдиган эритувчи билан эритиши</li> <li>Вакцинани ёки эритувчини дори препарати билан адаштириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳаллий абсцес</li> <li>Самарасиз вакцина</li> <li>Препаратнинг салбий таъсири (масалан, инсулин, окситоцин, мушак релаксантлари)</li> </ul>
<b>Тананинг тўғри келмайдиган соҳасига инъекция</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>БЦЖни тери остига юбориш</li> <li>БЦЖни мушак орасига юбориш</li> <li>АКДС/АДС/АС ни етарли чуқур юбормаслик</li> <li>Думба соҳасига инъекция</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳаллий реакция ёки абсцес</li> <li>Йирингли лимфаденит</li> <li>Маҳаллий реакция ёки абсцес</li> <li>Қўймич нервининг шикастланиши</li> </ul>
<b>Вакцинани нотұғри ташиш/сақлаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>ФТИ рангининг ўзгариши</li> <li>Барқарор қатиқ чўкмали адсорбцияланган вакцина Эмлашга нисбатан мавжуд бўлган монеликни инобатга олмаслик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Самарасиз вакцина<sup>a</sup></li> <li>Музлатилган вакцина келтириб чиқарган маҳаллий реакция Асоссиз жиddий реакция</li> </ul>

<sup>a</sup> Самарасиз вакцина — бу «оқибат», аниқ нохуш ҳолат эмас.

## Тасодифан бир пайтга тўғри келиб қолган иммунизациядан кейинги нохуш күринишлар

Одатда аксарият вакциналар, инсон ҳаётининг ilk даврида - юқумли ва соматик касалликларга мойиллик юқори бўлган, түфма ёки неврологик нуқсонлар аста-секин сезила бошлайдиган гўдаклик палласида қўлланилади. Шу боис, кўпгина ҳолатларни, жумладан ўлим ҳолатларини, нотұғри равища вакцинага боғланади (бу ҳолатларнинг тасодифан поствакцинал давр билан бир пайтга тўғри келиб қолишига эмас).

Тасодифий ҳодисалар иммунизация билан алоқадор эмас ва маҳсус эпидемиологик текширув ўтказилишини талаб этмайди. Шу билан бирга, ота-оналар ёки аҳоли айбни, айниқса бола эмлаш ўтказилгунига қадар соғлом бўлган бўлса, вакцинага қўйишилари мүмкін. Бундай ҳолатлар, кишилардаги хавотирни бартараф этиш ва аҳоли ишончини қозониш учун, маҳсус текширув олиб борилишини тақозо этади. Иммунизация дастурига бўлган юксак ишончни таъминлаш учун, вакцинация ҳақидаги кишиларни хавотирга солувчи ҳар қандай масалага жиddий муносабатда бўлиш зарур.

Агарда шунга ўхшаш ҳодиса гумон қилинаётган вакцина қилинмаган шу ёшдаги болалар орасида сўнгги пайтларда күзатилган бўлса, ҳодисанинг тасодифийлигини кўрсатувчи далиллар. Шунингдек, ҳодисанинг иммунизация билан алоқадор эмаслигини кўрсатувчи бошқа қатор далиллар ҳам бўлиши мүмкін.

### Инъекцияга реакция

Айрим шахсларда, ҳаттоқи бир гурӯҳ шахсларда исталган инъекциядан олдин ва кейин турли реакциялар күзатилиши мүмкін. Вакцина таркиби билан бөглиқ бўлмаган бундай реакциялар бош айланишига, қўллар ва

лаблар титрашига, қайт этишга, нафас сиқилишига, ҳушдан кетишга (нисбатан күпроқ кузатилади) олиб келувчи гипервентиляция ва талвасага тушишлардан иборатdir.

Айрим шахслар бундай реакцияларни кучайтирувчи қўркув туйғусини ҳис этишади. Агарда пациент кўпчилликнинг кўз ўнгидан ҳушидан кетса ёки шунга ўхшаш бирон ҳолатга тушса, оммавий ваҳима, истерия кузатилиши мумкин. Иммунизациянинг моҳияти ҳақида тушунарли оҳангда тушунча бериш, инъекцияни бамайлихотир, ишончли тарзда амалга ошириш пациентда инъекция олдидан кузатиладиган хавотирни пасайтиради ва реакциялар пайдо бўлиш эҳтимоллигини қисқартиради.

### 3.3 Иммунизациядан кейинги ноxуш кўринишларнинг самарали мониторинг тизимини яратиш ва олиб бориш

Тиббий муассасалар раҳбарлари иммунизация хавфсизлиги устидан эпидемиологик назорат тизими амалга оширилиши учун масъулдирлар. Эпидемиологик назорат тизими амалдаги ҳисботтизимининг (масалан, иммунизация билан қамраб олиш ҳақидаги, касалланиш ва ноxуш реакциялар ҳақидаги ҳисботларнинг) ажралмас таркиби қисмидир.

Қўйидаги сиёсат ва стандарт оператив иш услублари иммунизация хавфсизлиги устидан самарали эпидемиологик назорат амалга оширилишини таъминлайди:

- Ходимлар томонидан ўз хизмат бурчларини қатъий сидқидилдан бажариш.
- Ҳар бир иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатининг миллий стандартларга мувофиқ келадиган таърифининг мавжудлиги.
- Ҳар бир иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати ҳақида шошилинч хабарнома юбориш ва бу ҳолатлар юзасидан олиб борилган текширув ҳақида ҳисботнинг юқори инстанцияларга тақдим этилиши бўйича аниқ қўйламаларнинг мавжудлиги.
- Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати юзасидан олиб борилган текширув ҳақидаги ҳисботнинг стандарт шакли мавжудлиги.
- Мажмуавий таҳлил (тизимнинг қуий бўғинидан то Миллий даражагача) учун иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар базасининг мавжудлиги.

#### Иммунизациядан кейинги ноxуш кўринишларни аниқлаш, бу ҳолатлар юзасидан текшируv олиб бориш ва ҳисботи

Ҳар бир иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати ҳақида, унинг сабабларини аниқлаш учун, ўз вақтида шошилинч хабарнома юбориш зарур. Тиббиёт ходимлари аксарият ҳолларда қўйидаги сабабларга кўра иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати ҳақида шошилинч хабарнома юборишмайди:

- Ходиса иммунизацияга алоқадор деб қаралмайди.
- Ҳисбот тартиби ва тизими ҳақида билишмайди.
- Ҳисбот натижасида ўzlари жазоланишларидан кўркишади.
- Етказилган зарар учун ўzlарида айбдорлик ва масъулият туйғусини ҳис этишади.
- Ташхисга ишонч йўқлиги боис ҳисбот тақдим этилиши зарурлигини етарлича тушунмаслик.

#### Тиббий муассасалар раҳбарлари ҳисбот билан боғлиқ бу муаммоларни қўйидагича бартараф этишлари мумкин:

- ҳисботнинг муҳимлигини тушунтириш;
- ходимларга ҳар бир иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати ҳақида ҳисбот тузиш тартибини ўргатиш;

- ҳаттоғи ташхисга ишонч йўқ бўлган ҳолатда ҳам ҳисобот тақдим этган ходимларни рағбатлантириш;
- иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатини текширув, ходимни жазолашга эмас, тизимдаги муаммоларни аниқлашга қаратилганлига алоҳида урғу бериш;
- иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати ҳақида хабар берган тиббиёт ходимларига тескари алоқа тарзида ижобий ахборот йўллаш.

**(а) Қандай иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари қайд этиб борилиши зарур**

Тиббиёт муассаса раҳбари, унинг қўл остидаги ходимлар мониторинг олиб боришларини ва келишилган рўйхатга мувофиқ иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолати ҳақида шошилинч хабарнома юборишларини таъминлашлари шарт. Тиббиёт ходимлари кўйидаги иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари мониторинг қилиниши ва ҳисботга киритилиши зарурлигини билишлари керак.

1. Инъекция ўрнидаги барча абсцесслар.
2. БЦЖ киритилишидан кейинги барча лимфаденит ҳолатлари.
3. Тиббиёт ходимларининг ёки аҳолининг фикрига кўра иммунизацияга алоқадор бўлган барча ўлим ҳолатлари.
4. Тиббиёт ходимларининг ёки аҳолининг фикрига кўра иммунизацияга алоқадор бўлган ва госпитализация қилинишини тақозо этувчи барча касалланиш ҳолатлари.
5. Тиббиёт ходимларининг ёки аҳолининг фикрига кўра иммунизацияга алоқадор бўлган бошқа барча жиддий ва/ёки одатдан ташқари тиббий ҳолатлар.

Юқорида келтирилган иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатларининг бешта тоифасини «бошлангич» ҳодисалар деб юритилади, ҳамда уларнинг пайдо бўлиши тиббиёт муассасалари раҳбарларини тегишли тадбирлар қўллашга ундаши зарур.

**6) Қандай ва нима тўғрисида ҳисбот тузиш зарур**

Аксарият иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари ҳақида хабар юбориш тизими қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Кўйи бўғиндаги (ОП, КВП, шифохона бўлимлари ва ҳ.) тиббиёт ходимлари туман миқёсидаги тегишли мутасаддиларга мунтазам равиша иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган жорий эпидемиологик назорат ҳақида ҳисбот тақдим этишади.



Туман миқёсидаги тегишли мутасаддилар маълумотларни жамлаб юқори инстанцияга стандарт шакл асосида ҳисбот тайёрлашади.



Вилоят миқёсидаги мутасаддилар иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари ва иммунизация ўртасида алоқадорлик мавжудлигини ҳамда қайси иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари ҳақида республика миқёсидаги мутасаддиларга ахборот тақдим этиш масалаларини ҳал этишади.

Республикамизда иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ҳақидаги маълумотномани тақдим этиш тартиби ва ундаги ахборотнинг ҳажмини белгилаб берувчи тегишли қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, иммунизация дастурига дахлдор тиббиёт ходимлари ушбу қўлланма билан танишиши ва шу асосда фаолият юритиши зарур. Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар стандарт шаклдаги шошилинч хабарнома орқали тақдим этилади.

### **Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ҳақидаги ҳисобот ўзида камидаги маълумотларни акс эттириши шарт:**

- ҳодиса баёнини, жумладан иммунизация ўтказилган санани, вакцинация усулини, тананинг қайси аъзосига (соҳасига) юборилганлигини ва иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолат бошланган санани ва аниқ вақтни;
- иммунизациядан кейин ўтган вақтни;
- қўлланилган вакцина ишлаб чиқарувчисини, вакцина номини ва серия номерини;
- пациент ҳақидаги маълумотни, жумладан ёши, жинси, этник мансублиги, манзили ва оиласвий муроқотдаги шахслар рўйхатини.

#### **в) Ҳисоботни тақдим этиш муддати**

Ўз вақтида текширув бошланиши учун иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатини аниқлаган тиббиёт ходими ўзидан юқорида турувчи мутасаддиларни 24 соат ичидаги хабардор қилиши зарур. Ўз вақтида хабарнома тақдим этилиши натижасида:

- тизимли хатоликлар тезгина аниқланади;
- бошқа шахслар азият чекишидан олдин хатоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади;
- аҳоли уларнинг саломатлигига ва муаммоларига нисбатан жиддий муносабатда бўлинаётганлигига ишонч ҳосил қиласди.


#### **3.4-машқ: Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатларини қайд этиш тартиби**

- Эпидемиологик назорат тизимида қайд этилиши кўзда тутилган иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатларини кўрсатинг.
- Ўзингиз тақдим этган рўйхат билан юқорида келтирилган рўйхатни солишириинг. Рўйхатлар ўртасида тафовут мавжудми? Тафовут мавжуд бўлса сабабини тушунтириинг.
- Сизнинг хизмат фаолиятингиз доирасига иммунизациядан кейинги нохуш күринишларни қайд этиш кирадими? Агар кирадиган бўлса кимга, қачон, қаерда ва қандай тартибда иммунизациядан кейинги нохуш күринишлар ҳақида хабарнома/ҳисобот жўнатасиз?
- Сиз тақдим этган рўйхатдаги ИКНК лар қайд этилганида қандай тадбирлар (ҳар бир кўринишга алоҳида) қўлланилишини айтинг.

### **Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари қайд этилганида тегишли тадбирларни қўллаш**

2-расмда тиббиёт муассасасидан иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари қайд этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинганида амалга ошириладиган тадбирлар келтирилган.

**2-расм: Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари қайд этилганида тегишли тадбирларни қўллаш**



Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари қайд этилганида туман миқёсидаги мутасаддилар томонидан олиб бориладиган асосий ҳатти-харакатлар:

- барча иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ҳақида тиббиёт ходимларидан тегишли маълумотлар/ҳисоботлар олинишини таъминлаш;
- ушбу маълумотларни/ҳисоботларни таҳлил этиш ва уларни қайд этилиши зарур бўлган иммунизациядан кейинги нохуш күринишларнинг Миллий рўйхати билан солишириш (маълумотларни фильтрлаш учун);
- иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ҳақидаги ҳисоботларни кейинги босқичдаги мутасаддиларга жўнатиш.

Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатларининг сабабларига қараб, уларнинг иммунизация дастурига салбий таъсирини камайтириш мақсадида мутасадди томонидан қўшимча тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу тадбирлар қўйидагиларга қаратилади:

- вакциналар таъминотининг хавфсиз ва самарали тизимини, жумладан совуқлик занжирни ишлашини, инъекция ва чиқиндилар утилизацияси учун етарли миқдордаги материаллар билан таъминланишини қўллаб-кувватлаш;
- тиббиёт ходимларини иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатларини тўғри аниқлаш, ўз вақтида вазиятга мос муносабатни намоён этиш ва батафсил ҳисбот тайёрлаш бўйича ўқитиш;
- самарали алоқани ишлаб чиқиш ва қўллаш, иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиб-қоидаларининг тиббиёт ходимлари ва аҳоли томонидан бажарилишини назоратга олиш.

### **3.5-машқ: Иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари ва аҳоли билан алоқа. Миш-мишлар, овозалар тарқалишига ва аҳоли сўровларига вақтида муносабат билдиришга тайёр бўлинг**

Гўдак ҚВПда АҚДС вакцинасини олганидан кейин 5 кун ўтгач нобуд бўлди. ҚВП 5000 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Ушбу гўдакнинг ўлимидан кейин қўпгина ота-оналар ўз фарзандларини эмлатишдан бош тортишди. Батафсил текширувлар натижасида вакцинани юбориш жараёнидаги хатоликлар ва вакцинанинг сифатига оид муаммолар аниқланмади.

### **Мазкур ҳодиса қандай типдаги иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатига мансуб?**

Яқиндагина кузатилган гўдакнинг ўлимига қарамасдан вакцинация хавфсиз ва керакли эканлигига аҳолини ишонтириш учун қандай чораларни қўллаган бўлар эдингиз?

Иложи борича ҳодиса текширувини тезда бошлаш, пайсалга солмасдан худудга ва ушбу хонадонга ташриф буюриш ўта муҳим. Дастребки палладаёқ тегишли барча чораларни кўриш, маҳаллий коммуникация воситалари орқали аҳолини боҳабар қилиш ва тушунириш ишларини олиб бориш жуда фойдали. Ҳодиса ҳақидаги сўнгги маълумотлар оммага тақдим этилиши зарур. Азият чеккан оила ва жамоатчилик ҳодиса малакали тарзда, ҳаққоний текширилаётганингига ишонч ҳосил қилиши зарур. Ҳодиса текшируви ниҳоясига етгач, якуний натижа билан жамоатчиликни танишириш ҳам жуда фойдали бўлади. Нотиқ сифатида маҳаллий аҳолига яхши таниш, бообўр, ҳалқ ишончига кирган, олдиндан иммунизациядан кейинги нохуш күриниш ҳолатлари бўйича етарлича тайёргарликка эга ва мазкур ҳодисага доир барча маълумотлар билан батафсил таниширилган мутахассислар/экспертлар танланади.

## 1-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИ БҮЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Күп дозали флаконларга нисбатан сиёсатнинг бешта бандини айтинг.
2. Флакондан вакцинани шприцга олишдан олдин тибиёт ходими текшириши зарур бўлган тўртта бандни айтинг.
3. Ўзитўсилувчи (ЎТ-) шприцнинг учта афзаллигини айтинг.
4. Ҳисобдан чиқарилган вакцинали флақон нима қилинади?
5. Тўлғазилган хавфсизлик қутисини йўқотишнинг учта тўғри усулини айтинг.
6. Вакциналар ҳисоби журналига қандай маълумотлар қайд этилиши зарур?
7. Силкитиш тестини бажариш тартибини баён этинг.
8. Эмлаш сессияси давомида вакцинали очилган флақонни қандай йўл билан совутилган ҳолда сақлайсиз?
9. Тибиёт ходимларитомонидан вакциналарни эритиш учун мос келмайдиган эритувчи фойдаланилишига сабаб бўлувчи қайси хатоликлар энг кенг тарқалган?
10. Туман миқёсида иммунизация хавфсизлиги мониторинги учун қўлланиладиган иккита кўрсаткични айтинг.
11. Муайян вакцина билан эмлаш ўтказилишига нисбатан иккита мутлақ монеликни кўрсатинг.
12. Ўзингиз яқин орада дуч келган иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатларининг иккита типини айтинг. Қанақа тадбирлар қўлладингиз?

### **Вазиятли масалалар**

1. Тибиёт ходими эрталаб сайёр эмлаш сессиясини ўтказишига тайёргарлик кўрмоқда: вакцинали барча флақонларда ФТИ биринчи босқични кўрсатмоқда. Совутгичли-сумкада тўртта совутиш элементи мавжуд. Тушдан кейин тибиёт ходими совутиш элементлари эриб кетганлигини сезди, лекин ҳали бир неча гўдаклар эмланиши зарур. Қандай йўл тутилади?
2. «Биринчи навбатда яроқлилик муддати энг яқин қолган вакцинани қўллаш» қоидасига амал қилишда қанақа омиллар инобатга олинади?
3. Сиз сайёр эмлаш сессияси дастурининг ярмини бажариб бўлдингиз. Совутгичли-сумкани очиб бир неча флақон (очилган ва очилмаган) сув тагида қолганлигини аниқладингиз. Сиз қандай йўл тутасиз?
4. Совутгич бутунлай тўлганлигини ва эритувчиларни жойлаш учун жой йўқлигини аниқладингиз. Совутгичда вакциналардан ташқари инсулин ва совутилган ҳолда сақланиши зарур бўлган бошқа доридармонлар мавжуд. Сиз қандай йўл тутишингиз зарур?
5. Тибиёт ходими 2007 йил 22 сентябрда АКДС флақонини очди, унда ФТИ биринчи босқични кўрсатаётганлигини, ҳамда мазкур партиядаги вакцинанинг яроқлилик муддати 2007 йил 20 сентябрда тугаганлигини пайқади. Қандай йўл тутиш зарур?

## **2-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АСОСИЙ ИЖРОЧИЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Иммунизация хавфсизлиги устидан эпидемиологик назорат тизими самарали ишлаши учун мазкур тизим фаолиятида иммунизация дастурининг барча босқичларидағи тиббиёт ходимларининг, иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари келиб чиқишига даҳлдор бўлган соғлиқни саклаш муассасаларининг барчаси иштирок этиши зарур. Ушбу иловада иммунизация дастурининг турли босқичларида асосий ижрочиларнинг ўрни ва мажбуриятлари тақсимланишига мисоллар келтирилган.

### **Даволаш-профилактика муассасаси босқичи: Тиббиёт ходими, куратор Тиббиёт ходимининг мажбуриятлари:**

- Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатларини аниқлаш – амалиётда иммунизацияни амалга оширувчи ҳамширалар ва бошқа тиббиёт ходимлари иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатларини аниқлаш мақсадида барча эмланган болалар ва уларнинг оналари устидан навбатдаги эмлаш сессиялари пайтида ёки чақалоқларга патронаж ташрифи чоғида мониторинг олиб боришлари зарур. Тиббиёт ходими ота-оналарга иммунизациядан кейинги ноxуш кўринишлар вужудга келганида дарҳол хабар беришлари зарурлигини уқдириши/тайинлаши даркор.
- Иситма, оғриқ каби енгил аломатларни даволаши, айrim ҳолларда мутахассис врачга ёки бошқа тиббиёт муассасасига маслаҳат учун юбориш.
- Иммунизациядан кейинги жиддий ноxуш кўриниш ҳолатлари ҳақида зудлик билан врачга хабар бериш.
- Иммунизациядан кейинги гуруҳи ноxуш кўриниш ҳолатлари ҳақида зудлик билан врачга хабар бериш.
- Иммунизациядан кейинги енгил ноxуш кўринишлар (масалан, АКДС юборилган соҳадаги маҳаллий абсцесс, БЦЖ билан эмлашдан кейин регионар лимфаденит пайдо бўлиши ва ҳ.) ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда ойлик ҳисобот кўринишида тақдим этиш.
- Эмлашни бажарган тиббиёт ходимлари вакцина ва эритувчиларнинг очиб фойдаланилган барча флаконларини, жумладан бўшаган флаконларни ҳам 72 соат мобайнида совутгичда, алоҳида қутига солиб сақлаши лозим. Уларга ишлатилган вақти ва жойини кўрсатиб белги қўйиш зарур.
- Иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари бўйича дастлабки текширувни олиб борища тиббиёт ходимига қўмаклашиш.
- Аҳоли ва ота-оналар билан мунтазам мuloқотда бўлиб, уларда иммунизация хавфсизлиги ва турли мишмишларнинг асосизлиги борасида ишонч уйғотиш.
- Зарурият туғилганида вазиятга қараб айrim мустақил қарорларни қабул қилиши мумкин (масалан, абсцесс кузатилганида инъекция услубини ўзgartириш).

### **Кураторлар:**

- Иммунизация ўтказилган ҳудудга кураторлик ташрифлари чоғида эмланган аҳоли ўртасида қузатилаётган иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатларининг мониторингини олиб боришади.
- Иммунизацияни ўтказувчи тиббиёт ходимларига, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, хавфсиз иммунизация амалиёти бўйича ўқишлилар ташкил қиласди.
- Иммунизацияни ўтказувчи тиббиёт ходимларига ойлик ҳисобот шаклларини тўлғазиш бўйича йўл-йўриқлар беради.

- Иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатлари бўйича ҳисобот тақдим этган тиббиёт ходимларини рағбатлантиради.
- Тиббиёт ходимларига/эпидемиологга маълумотлар тўплаш ва ҳисоботлар тузишда ёрдам кўрсатади.
- Тиббиёт ходимларига/эпидемиологга текширувлар ўтказишда ёрдам кўрсатади.

#### **Врачнинг/клиницистнинг мажбуриятлари:**

- Иммунизациядан кейинги барча жиддий нохуш кўриниш ҳолатларини аниқлаш.
- Иммунизациядан кейинги жиддий нохуш кўриниш ҳолатларини даволайди, агар зарурият бўлса бошқа мутахассисларга маслаҳатга юборади.
- Агар зарурият туғилса текширувлар олиб боради/иштирок этади.
- Ҳисобот шаклларини – бирламчи ахборот бўйича ҳисобот шаклини (шошилинч хабарнома), дастлабки текширувлар бўйича ҳисобот шаклини ва якуний батафсил текширувлар бўйича ҳисобот шаклини тўлғазади.
- Иммунизациядан кейинги жиддий нохуш кўриниш ҳолатлари ва ўлим ҳолатлари ҳақида туман эпидемиологига ахборот беради.
- Иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатлари ҳақида туман эпидемиологига ҳисобот берилишини, жумладан эмлашдан кейинги 2 ҳафта мобайнида пайдо бўлган исталган локализациядаги абсцесслар ва эмлашдан кейин исталган муддатда ривожланган регионар лимфаденитлар ҳақида ҳисобот берилишини таъминлади.
- Бошқа врачларни/клиницистларни иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатларини аниқлаш, даволаш ва ҳисобот тузиш, шунингдек, енгил ва жиддий нохуш кўринишларнинг дифференциацияси борасида ўқитиш.
- Аҳоли ва ота-оналар билан мунтазам мулоқотда бўлиш. Иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатлари қайд этилганида турли миш-мишлар тарқалишининг олдини олиш учун жамоатчиликка тўғри маълумотлар тақдим этиш. Бундай ахборотлар ўзида текширувнинг бориши, натижалари ҳақидаги маълумотларни ва хulosаларни акс этириши зарур.

Ўз вақтида кўйидаги зарур ўзгартиришларни амалга ошириш учун вакцинаторлар ва маҳаллий иммунизация дастури иштирокчилари билан ахборот алмашиш:

- Моддий-техник таъминот: агарда иммунизация дастуридаги хато-камчилликлар тегишли материаллар, ускуналар етишмаслиги ёки совуқлик занжиридаги бузилишлар туфайли келиб чиқаётган бўлса моддий-техник таъминотни яхшилаш/ташкиллаштириш.
- Ўқитиш: тиббиёт ходимларининг билим ва кўнгималарини яхшилаш учун, ўқитиш ёрдамида услубий муаммоларни ҳал этиш.
- Кураторлик: тизимли хатоликларни ва ҳисоботдаги муаммоларни аниқлаш учун иммунизация дастурининг мунтазам мониторингини йўлга қўйиш. Тизимли хатоликларни бартараф этиш учун жиддий/гурухли иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатлари қайд этилганида кураторлик фаолиятини кучайтириш.

#### **Туман миқёсидаги мутахассис (врач) /клиницист (худди юқорида кўрсатилганидек, фақат туман миқёсида)**

- Иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ҳолатларини аниқлаш + муаммоларни ҳал этиш (туман марказий шифохонаси).
- Жиддий иммунизациядан кейинги нохуш кўриниш ва ўлим ҳолатлари ҳақида зудлик билан туман эпидемиологига ёзма хабарнома-маълумотнома тақдим этиш.

### Туман эпидемиологи

Туман эпидемиологининг мажбуриятлари қийидагилардан иборат:

- иммунизациядан кейинги ноxуш кўриниш ҳолатлари юзасидан олиб борилган суриштирув расмийлаштирилган далолатномаларни текширади, таҳлил этади ва уларни вилоят босқичига тақдим этади;
- иммунизациядан кейинги жиддий ноxуш кўриниш ва ўлим ҳолатлари ҳақида зудлик билан вилоят эпидемиологига хабар беради;
5. Очилган кўп дозалик флаконлардан фойдаланиш ва ФТИдан фойдаланиш бўйича янги инструкциялар	Ҳар бир эмлаш пункти учун оддий ўкув материалларидан фойдаланиш
6. Янги маълумотлар киритилиши кўзда тутилган ойлик ҳисоботнинг янги шакли (м-н., иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар ҳақидаги ҳисобот)	ИКНК ни қандай текширилади
7. Ҳар бир ДПМ да йилига камида икки маротаба қўллаб-қувватловчи кураторликни амалга ошириш	Тегишли режа тузиш ва унинг бажарилишини назоратга олиш
8. Аксарият ДПМ да маший совутгичлар ҳозирги вақтда ЖССТ/ЮНИСЕФ томонидан тавсия этилган совутгичлар билан алмаштирилган	ҮТ-шприцларни амалиётда қўллаш
9. Ҳар бир ДПМ да иммунизация билан қамраб олиш жадвалидан фойдаланиш	ҮТ-шприцларни амалиётда қўллаш
10. Ҳар бир ДПМ да якунланмаган иммунизацияни кузатиш тизимидағи фойдаланиш	ҮТ-шприцларни амалиётда қўллаш
11. Вакциналар ёрдамида бошқариладиган инфекциялар ва бошқа қасалликлар кўрсатилган ҳисоботнинг янги шакллари	ҮТ-шприцларни амалиётда қўллаш
12. Вакциналар музлашнинг олдини олиш усуллари	ҮТ-шприцларни амалиётда қўллаш

2. Ўқитиши амалга ошириш зарур бўлган участкалар мавжудми (м-н, мавжуд иммунизация усулларини, иммунизация бўйича маълумотларни изоҳлаш, сафарда хизмат кўрсатиш учун ва кураторликнинг ўзи учун зарур бўладиган ресурсларни олиш имконияти мавжудми)? Уларни рўйхатга киритинг.

## Үқув материалларини ишлаб чиқиш ва адаптация қилиш

Үқитишининг асосий саволлари аниқланғач, фойдаланиш ёки адаптация қилиш мүмкін бўлган үқув материаллари мавжудлигини текшириб чиқишингиз, шунингдек, янги материаллар тайёрлашга бўлган талабни аниқлашингиз зарур.

### 1.2 Тўғри усуллар

Кураторларни үқитишдан ташқари, кураторларнинг иш фаолиятида нафи тегадиган, шунингдек, кураторлик тизимини стандартизациялаш учун қўлланиладиган тўғри усуллар мавжуд бўлиши зарур. Бу усуллар куйидагилардан иборат:

1. Назорат саволлари
2. Кураторлик ташрифлари чоғида фойдаланиш учун үқув материаллари ва ишчи қўлланмалар.

#### 1.2.1 Кураторлик ташрифлари учун назорат саволномасини тайёрлаш

Назорат саволномаси — бу кураторнинг дикқат-эътибори қаратилиши керак бўлган ва ёзма тарзда қайд этилган асосий хизмат бурчларининг ҳамда биринчи даражали саволларнинг рўйхатидир. Мазкур саволнома кураторга асосий хизмат мажбуриятларига дикқат-эътиборини жамлашда, уларнинг назоратини ва ҳисобини олиб бориша ёрдам беради.

Тўпланган маълумотлар кураторга жорий ташриф чоғида қайси тўғри ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш мүмкинлигини, қайси тадбирлар юзасидан эса кейинги ташрифлар чоғида назорат олиб борилиши зарурлигини ҳал этишда ёрдамлашади.

Назорат саволномаси ҲАР БИР обьектга ташриф буюрилганида текширилиши зарур бўлган масалалардан (пунктлардан) иборат бўлади. Таъкидлаш жоизки, бу кураторнинг дикқатини тортган, лекин назорат саволномасига кирмаган бошқа муҳим масалаларга эътибор бермаслиги мумкин қабилидаги маънони англатмайди.

Сифатли назорат саволномасининг асосида учта тамойил ётади:

- 1. Қисқалик:** саволнома куратор ташрифи чоғида эътибор қаратилиши ва ёзма тарзда қайд этиши керак бўлган асосий хизмат мажбуриятларини акс этириши зарур. Агар саволнома ҳаддан зиёд узундан-узун бўлса, уни тўлғазиш механик машғулот тусини олади. Бундан ташқари иммунизация бўйича кураторлик кўп ҳолларда бошқа тиббий хизматлар билан биргаликда амалга оширилади. Бу ҳолат вақтнинг янада тифизлигига олиб келади ва кураторлик ташрифлари чоғида иммунизацияга доир энг муҳим жиҳатларни текшириш зарурлигини тақозо этади.
- 2. Аниқлик:** қўйилаётган саволлар аниқ, айнан нима текширилиши зарур бўлса ўша жиҳатнинг тағсилотларига қаратилган бўлиши зарур. М-н, «тиббиёт ходими фойдаланилган шприцлардан тўғри халос бўладими?» қабилидаги савол аниқ ҳисобланмайди; «тиббиёт ходими фойдаланилган шприцларни хавфсизлик күтисига жойладими?» кўринишида қўйилган савол аниқроқ оҳанг касб этади. Раҳбарият томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши учун тўпланган маълумотлар долзарб ва фойдали бўлиши зарур.
- 3. Оддийлик:** қўшимча кузатувлар ва эътиrozлар (фикр-мулоҳазалар) содда, тўлғазиш учун қулай ва ҳисобга олиш учун ихчам бўлиши талаб қилинади.

### 2-машқ: Куратор томонидан назорат саволномасини тайёрлаш

Сиз — тиббиёт муассасасига ташриф буюришга ҳозирлик кўраётган туман кураторисиз. Вақтингиз жуда тигиз, чунки ушбу объект Сиз ташриф этишингиз зарур бўлган кўплаб объектлардан бири, холос. Сиз дастлаб ҳажми бир саҳифадан ошмайдиган (максимум 15 та савол) текширув варақасини тайёрлашингиз зарур. Аввало, иш жойида ўзингиз қўллаб-куватлашингиз, ёрдам бера олишингиз мумкин бўлган саволларга эътибор қаратинг.

Текширув варақаси иммунизация тизимиning бешта асосий элементини қамраб олади ва ҳар бир элемент бўйича варақага киритиш учун Сиз бештадан савол тузишингиз зарур. 1-иловада саволларнинг тўлиқроқ рўйхати келтирилган. Сиз ўз саволномангиз учун мос келадиган саволларни танлаб олиш мақсадида ундан фойдаланишингиз мумкин. Лекин ўз худудингиздаги конкрет шарт-шароитга уларни мослаштиришни унгтманг.

#### Мана айрим мисоллар:

Вакциналар ва совуқлик занжирини бошқариш

Заҳираларни ўз вақтида ҳисобга олиш тизими мавжудми?

Мониторинг ва маълумотларни қўллаш

Иш бажарилишининг боришини кузатиб бориш учун назорат диаграммасидан мунтазам фойдаланиладими?

У Сизга эмлатиш учун барчада баравар имконият мавжудлиги, иммунизация якунига етмаганилиги ва тақвим бўйича эмлашнинг нуҳоясига етганлиги ҳақида нималарни англашиб мумкин?

Ота-оналар билан мулоқот ва жамоалар билан алоқа

Навбатдаги ташрифлар ҳақида, нохуш кўринишлар ҳақида ота-оналарни қандай хабардор қилинади? Бир йили мобайнида жамоалар билан мұхокама қилиш/хизматларни режалаштириш учун неча маротаба йиғилишлар ўтказилиади?

Иммунизация хавфсизлиги

Барча фойдаланилган шприцлар хафесизлик контейнерига жойланадими?

Режалаштириш

Иммунизацияни ўтказиш борасида режалаштирилган хизмат сафарларидан амалда қанчасини амалга оширишга муваффақ бўлинди?

#### Ҳар бир қаторга куратор назорат саволномасини тузишда фойдаланиши мумкин бўлган саволларни ёзинг

Вакциналарни, совуқлик занжирини бошқариш (ФТИ дан фойдаланишни киритинг)
Мониторинг ва маълумотлардан фойдаланиш (назорат диаграммаси таҳлилини киритинг)
Режалаштириш (иммунизация сессиясини ўтказиш режасининг ва ишли режанинг таҳлилини киритинг)
Иммунизация хавфсизлиги (инъекциялар устидан қузатувни ва чиқиндилар утилизациясини киритинг)

Ота-оналар ва жамоалар билан мұлоқот (ота-оналар фарзандларини навбатдаги әмлаш учун қачон олиб келиш ҳақида бохабар эканликларини киритинг)

Ýз назорат саволларынан курс қуратори билан мұхокама қилинг

### 1.2.2 Үқув материалдарини ва қүргазмали қуролларни тайёрлаш

Кураторлық ташрифлари алохидә тиббиёт ходимларини ёки тиббий муассасаның бутун жамоасини иш жойида үқитиш учун ажайиб имконият ҳисобланады. Кураторлар томонидан бундай үқитишни үтказышда қуидаги мазмундаги намунашынан материаллар мавжуд бўлиши мүхимдир:

- такомиллашибилиши тақозо этилаётган кўникмаларга дахлдор;
- үқитишга тайёрлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган;
- үқитиш жараёнида иқтибос сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган;
- тиббиёт ходимлари томонидан амалий машғулотлар учун ва маълумотномалар тайёрлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган.

Тиббиёт ходимларига мураккаб маълумотлар тўплами (справочник) ёки қўлланмалар эмас, балки содда тилда битилган, ўзлашибилиши қуай бўлган материаллар зарур. ДПМ тиббиёт ходимлари учун муайян хизмат вазифалари қандай бажарилиши баён этилган, суратлар, мисоллар ва амалий машқлар билан бойитилган материаллар энг фойдали ҳисобланади. Куратор яхши тайёргарлик кўрган, мавзуни ва материалларни мукаммал ўзлаштирган бўлиши даркор.

Жойларда машғулотлар үтказиш учун куратор қуидаги усусларга мурожаат этиши мумкин:

- гуруҳли машқлар;
- гуруҳли мұхокамалар;
- мўъжаз гуруҳларда машғулот олиб бориш;
- муайян ҳодисаларни мұхокама этиш;
- амалий машқлар;
- намойишлар/презентациялар;
- иш жараёни акс этирилган ўйинлар;
- саволлар ва жавоблар.

#### «Ишчи қўлланма» нима?

Ишчи қўлланма — бу иш жойида үқитиш учун қўлланиладиган ва ижрочининг ёдда тутиш ва маълумотлардан тўғри фойдаланиш қобилияtlарини ривожлантириш йўли билан хизмат бурчларини бажаришини енгиллатишига қаратилган үқитиш воситасидир. Ишчи қўлланма тезкор ёки енгил таянч маълумот деб ҳам юритилади. Бундай қўлланмалар одатда варақа шаклида босма нусхада тайёрланниб, кўзга ташланадиган жойга осилади ёки мўъжаз брошюралар кўринишида тайёрланади. Шунингдек, улар плакатлар, карточкалар, қўлланмалар ва ҳ. кўринишларда тайёрланиши мумкин. Кураторда бундай ишчи қўлланмалар билан бирга, текширувдан үтказилган аниқ ишловчи термометр мавжуд бўлиши яна ҳам маъқул ҳисобланади.

Ишчи қўлланмалар шуниси билан фойдалики, улар муайян хизмат бурчлари ёки кўникмаларига мақсадли қаратилади ва тиббиёт ходимига қалин китoblар ичига шўнгимасдан тезгина зарур маълумотни олиш имконини беради.

Ишчи қўлланмаларга айрим мисоллар:

1. Миллий әмлаш тақвими.
2. Сафарда ишлаш учун зарур бўладиган предметларнинг намунашы рўйхати.
3. Турли вакциналарни организмга юбориш қоидалари акс этирилган варақ.

4. Турли вакциналарни сақлаш қоидалари акс этирилиб совутгичга ёпиширилган плакат.
5. Вакциналар музлашининг олдини олиша қаратилган усуллар акс этирилган плакат.
6. Касаллик ҳолатларининг стандарт таърифи ва касалликнинг клиник аломатлари намойиш этилган плакат.
7. Муҳим телефон рақамлари: қизамиқ, полиомиелит лаборатория ташхисоти бўйича лабораториялар, марказий шифохона ва ҳ.

**З-машқ:** *Ишчи қўлланмаларни/ўқув материалларини тайёрлаш  
Қисқа муддатда кўплаб болалар эмланганида тиббиёт ходимлари  
кўпинча оналарга навбатдаги иммунизация учун ташриф этиш  
санасини айтишни ёддан чиқаришади*

1. Тиббиёт муассасасига ҳар бир ташриф чоғида ота-оналарга етказилиши зарур бўлган ахборотни тезгина Сизнинг ёдингизга солиб турувчи назорат савонномасини тайёрланг.
2. Нафи тегиши мумкин бўлган бошқа ишчи қўлланмаларни муҳокама этинг.

### 1.3 Ташриф учун зарур бўладиган етарли ресурслар билан таъминлаш

Қўллаб-куватловчи кураторлик тизимини яратишда зарур бўладиган барча ресурслар мавжудлигини таъминлаш зарур. Қуйидаги ресурслар учун маблағ ажратилиши кўзда тутилиши даркор:

- транспорт;
- сафар харажатлари;
- ҳайдовчилар;
- ёқилғи.

Кураторликтин тиббиёт ходимлари билан режадаги ташрифлардан ташқари бошқа тадбирлар (м-н, йиғилишлар) чоғида ҳам мулоқотга киришиши лозим.

*Кураторлик обьектларига ташриф учун транспорт воситалари*

Кураторлар ишchan, ҳаракатчан, эпчил бўлиши тақозо этилади. Транспорт воситасига нисбатан зарурият кураторлик обьектларининг жойлашуви билан белгиланади. Қийин етиб бориладиган туманларга (м-н, тоғли туманлар, қийин етиб бориладиган ҳудудлар ва ҳ.) ташриф этиш учун транспорт воситаларини олдиндан режалаштириш зарур. Бунда, қуйидагиларга эътибор қаратиш жоиз:

- транспорт учун тўсиқлар;
- юқори ташкилотлардан транспорт олиш имконияти;
- умумий транспорт воситасидан фойдаланиш учун, бошқа дастурлар билан биргалиқда ташриф буюришни режалаштириш имконияти;
- жамоат/маҳаллий транспорт воситасидан фойдаланиш имконияти;
- кураторлик обьектига турли юкларни элтувчи транспорт воситасидан (м-н, озиқ-овқатларни ташийдиган автомобил) фойдаланиш имконияти.

*Инобатга олиниши зарур бўлган бошқа ресурслар*

Қўллаб-куватловчи кураторлик бўйича тадбирларга етарлича вақт ажратилганми? Агар йўқ бўлса, бу нима билан боғлиқ ва уни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш зарур?

Кураторлар кураторлик обьектларига ташриф этиш учун сафар харажатларини/сүткалик маблағларни олишадими?



## 2. МУНТАЗАМ КУРАТОРЛИК ТАШРИФЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Кураторлык ташрифларини режалаштириш йиллик/чораклик режалаштиришнің ажралмас қисми бўлиши зарур. Кураторлык ташрифларини режалаштиришда мавжуд маълумотлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Режада қўйидагилар акс этирилиши зарур:

- ташриф қаерларга режалаштирилмоқда;
- ташриф қачон амалга оширилади;
- ташрифдан кўзланган мақсад.

### 2.1 Кураторлык ташрифлари қаерларга режалаштирилади

Сиз биринчى навбатда ташриф этилиши зарур бўлган жойларни (м-н, қўшимча кураторлык ташрифлар зарурияти мавжуд бўлган туманларни/ДПМ ларни) аниқлашингиз зарур. Биринчى навбатда ташриф этилиши зарур бўлган жойларни танлаб олиш учун иммунизация бўйича маълумотлардан, шунингдек, ўтган кураторлык ташрифлари чоғида тўпланган ахборотлардан фойдаланиш мумкин. Ташрифлар кетма-кетлиги бўйича ўз режангизни раҳбарият (КИД/ГАВИ раҳбари) билан таҳлил этиб чиқинг. Биринчى навбатда ташриф этиладиган жойларни танлаб олишда қўйидаги кенг қўлланиладиган мезонлардан фойдаланилади:

- ҳисботот тақдим этмайдиган ёки чала ҳисботот тақдим этадиган худудлар;
  - эмланмаганлар сони жуда кўплиги;
  - «яқунланмаган» иммунизация кўрсаткичи юқорилиги;
  - паст қамраб олиш кўрсаткичи;
  - ўтган кураторлык ташрифларининг натижалари бўйича қониқарсиз ҳисботлар.
- Бошқа мезонлар:
- илгари кам ташриф этилган ёки умуман ташриф этилмаган жойлар;
  - яқинда қизамиқ эпидемик чақнаши/ИКНК ҳолатлари қайд этилган жойлар;
  - вакциналар мавжудлиги билан боғлиқ муаммолар (ортиқчалик ёки тақчиллик);
  - доимий назоратга/иммунизация бўйича ўқитишга эҳтиёжи мавжуд бўлган янги ходимнинг ишга олиниши;
  - тиббиёт ходими ёки жамоа томонидан аниқланган муаммолар;
  - ўтмишдаги яхши қамраб олиш ва ҳозирги пайтда қамраб олишнинг камайиши/паст қамраб олиш;
  - қизамиқ билан касалланиш хавфи юқори бўлган туманлар, шунингдек, полиомиелит вирусининг «ёввойи» штамми келтириб чиқарган полиомиелитнинг ташқаридан кириб келиш хавфининг юқорилиги;
  - 100% дан юқори қамраб олиш даражаси ёки манфий қийматга эга «яқунланмаганлик» кўрсаткичи;
  - янги вакцинани тадбиқ этиш нуқтаи назаридан долзарб бўлган туманлар.

### 2.2 Кураторлик ташрифнинг вақти

Кейинги чоракка/йилга ташрифлар кетма-кетлиги аниқлангач Сиз кураторлик ташрифлари жадвалини тузиб чиқишингиз зарур. Бундай жадвал чораклик/йилликиш режасига мослаштирилиши даркор. Куйидагиларни инобатга олиш тавсия этилади:

- Имкон қадар, ташрифларни иммунизация сессиялари ўтказиладиган кунларга (доимий эмлаш пунктларида ёки сафарда) режалаштириш маъқул ҳисобланади.
- Одатдаги, сафардаги иммунизация сессиялари ва сайёр бригадалар иши назоратга олиниши тақозо этилади.
- Курация қилинадиган тиббиёт ходими ташриф жадвалидан огоҳ этилади.
- Жадвал реал, қулаги бўлиши, масофани, таъминотдаги муаммоларни, об-ҳаво шароитлари билан боғлиқ қийинчиликларни инобатга олиши зарур.
- Куратор объектга тўлақонли ташриф этиш, агар имконияти бўлса, иш жойининг ўзида ўқитиш учун жадвальда етарли вақт ажратиши зарур.

Ташриф режа асосида амалга оширилиши мухимдир. Агар режалаштирилган ташриф вақтида амалга оширилмаса, бу ҳақида тегишли тиббиёт ходими олдиндан огоҳлантирилиши зарур. Режалаштирилган ва амалга оширилган ташрифлар устидан назорат ўрнатиш, режада белгиланган вақтда бажарилмасдан қолган ташрифларнинг сабабини (м-н, транспорт йўқлиги, янада мухимроқ юмушлар ва ҳ.) аниқлаш мухим.

Кураторлик ташрифлари даврийлиги вазиятга қараб белгиланади.

- Агар иш кўрсаткичларини яхшилаш мақсад қилиб қўйилган бўлса, муаммоларни ҳал этиш ва ходимлар мотивацияси кураторлик ташрифларини тез-тез амалга ошириб туришини тақозо этади.
- Янги тиббий муассасалар ёки мавжуд тиббий муассасалардаги сезиларли ўзгаришлар (м-н, янги ходим, янги мажбуриятлар) тез-тез кураторлик ташрифлари ўтказилишини талаб қиласди. Тиббий муассаса барқарор фоалият юрита бошлаши билан, ходимларда эса тажриба ва ўзига ишонч кучая боргач, кураторлик ташрифларини қисқартириш ёки уларнинг кетма-кетлигини қайта кўриб чиқиш мумкин бўлади.

### 2.3 Ташрифдан кўзланган мақсадлар

Ташрифнинг асосий мақсадларини аниқ тасаввур этиш жуда мухимдир. Мақсадлар тиббиёт ходимлари томонидан асосий хизмат бурчларининг бажарилиши устидан кузатувга қаратилиши, ўқитилиши мўлжалланаётган асосий мавзуларга таалукли бўлиши мумкин.

Ўтган ташрифлар ҳақидаги ҳисоботларни, назорат саволномаларини қараб чиқиш ва тўпланган маълумотларнинг таҳлили кураторлик ташрифи чоғида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалаларни аниқлашда ёрдам беради.

- Маълумотлардан фойдаланишга ҳамиша шай туринг;
- ташриф чоғида маҳаллий маълумотлар билан танишинг;
- ахборот берувчи материаллар сифатида доимо умумлаштирилган маълумотларга, ойлик ҳисоботларга ва ҳ. эга бўлинг.
- Ташриф дастурини олдиндан тайёрлаб қўйинг. Дастур мазкур объект учун биринчи даражали сифатида қаралаётган битта ёки иккита саволдан иборат бўлиши зарур.

Ўқитилиши мўлжалланаётган айрим мавзулар олдиндан аниқлаб олинган бўлсада, ўқитишга бўлган айрим эҳтиёжлар ташриф чоғида ёки тиббиёт ходимлари билан муҳокама вақтида ойдинлашиши мумкин.

2.1-бўлимда ҳам ўқитиш учун мавзуларни аниқлашнинг айрим мезонлари келтирилган.

#### 4-машқ: Құллаб-қувватловчи кураторликни режалаштириш

Ушбу машқда Сиз биринчи чорак учун кураторлик ташрифларини режалаштиришингиз зарур.

**Шарт:** Сизнинг туманингизда А, В, С, D ва Е тиббий муассасалари жойлашган.

Таҳлил маълумотлари ва қўшимча ахборотлар билан танишиб қўйидаги топшириқларни бажаринг:

1. Биринчи навбатда қўллаб-қувватловчи кураторлик амалга оширилиши талаб этиладиган учта тиббий муассасани аниқланг.
2. Қўйидагини инобатга олган ҳолда жадвал тузинг:
  - a) Сиз 1 январдан 15 январгача бошқа юмушлар билан банд бўласиз;
  - b) С қишлоғи Сизнинг иш жойингиз жойлашган манзилдан узоқда жойлашган, у жойга март ойида кучли ёмғирлар туфайли етиб бориб бўлмайди;
  - c) маблағ тақчиллиги боис Сиз ойига фақат бир маротаба кураторлик ташрифини режалаштиришингиз мумкин.
3. Кураторлик ташрифи режасини тайёрланг ва уни асосланг (20-бет).
4. Тузилган режани муҳокама қилинг.

#### 3-жадвал: Маълумотлар таҳлили

Туман номи	Ахоли ва сўнгги 12 ой мобайнинда иммунизация билан қамраб олиш ҳақидаги маълумотлар							Муаммоларнинг таҳлили					Туманларни устуворлик тартиби бўйича жойлаштиринг	
Қишлоқ номи	Масади аҳоли	Юборилган вакцина дозаси			Иммунизация билан қамраб олиш (%)			Эмланмаганлар сони		Якунланмаганлик кўрсаткичи (%)		Муаммони аниқлаш (4-жадвалга қаранг)		
		АКДС1	АКДС3	Қи замик	АКДС1	АКДС3	Қи замик	АКДС3	Қи замик	АКДС 1-3	АКДС1-Қи замик	Эмлатчи имкони мавжудлиги	Утилизация	Устуворлик 1,2,3 ...
a	b	c	d	e	f	g	h	i	j	k	l	m	n	o
A	580	615	352	272	106	61	47	228	308	43%	56%	яхши	яхши	
B	387	365	232	332	94	60	86	155	55	36%	9%	яхши	яхши	
C	362	164	75	25	45	21	7	287	337	54%	85%	ёмон	ёмон	
E	399	447	256	190	112	64	48	143	209	43%	57%	яхши	ёмон	
M	134	105	75	41	78	56	31	59	93	29%	61%	ёмон	ёмон	

#### Ҳар бир тиббиёт муассасаси бўйича қўшимча маълумот

Тиббиёт муассаса номи	Қўшимча маълумот
A	Хисоботлар чала ва ноаниқ
B	Янги тиббиёт ходими
C	Яқинда вакцина тақчиллиги пайдо бўлди, ўтган йили ИКНК дан ўлим ҳолати кузатилган
E	Ўтган икки йил мобайнинда бирон маротаба ҳам кураторлик ташрифи амалга оширилмаган
M	Аҳолининг хабар беришича, тиббиёт ходими кўпинча иш жойида бўлмайди

#### **4-жадвал: Тұманды иммунизация үтказишининг иш режаси**

<b>2 янв.</b>	<b>3 янв.</b>	<b>4 янв.</b>	<b>5 янв.</b>	<b>6 янв.</b>	<b>7 янв.</b>	<b>8 янв.</b>	<b>9 янв.</b>	<b>10 янв.</b>	<b>11 янв.</b>	<b>12 янв.</b>	<b>13 янв.</b>	<b>14 янв.</b>	<b>15 янв.</b>	<b>16 янв.</b>	<b>17 янв.</b>	<b>18 янв.</b>	<b>19 янв.</b>
пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба	пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба	пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба
<b>A</b> га сафар														<b>K</b> га сафар			
<b>J</b> га сафар														<b>Dоммий С</b>			
<b>R</b> га сафар														<b>Dоммий В</b>			
														<b>Dоммий А</b>			

<b>2 Февр.</b>	<b>3 Февр.</b>	<b>4 Февр.</b>	<b>5 Февр.</b>	<b>6 Февр.</b>	<b>7 Февр.</b>	<b>8 Февр.</b>	<b>9 Февр.</b>	<b>10 Февр.</b>	<b>11 Февр.</b>	<b>12 Февр.</b>	<b>13 Февр.</b>	<b>14 Февр.</b>	<b>15 Февр.</b>	<b>16 Февр.</b>	<b>17 Февр.</b>	<b>18 Февр.</b>	<b>19 Февр.</b>
2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007	2007
якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба	пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба	пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба
<b>Dоммий М</b>														<b>K,S</b> ларға сафар			
<b>Dоммий Е</b>														<b>A</b> га сафар			
<b>Dоммий С</b>														<b>J</b> га сафар			
<b>R</b> га сафар														<b>Dоммий В</b>			
														<b>Dоммий А</b>			


<b>2 Мар.</b>	<b>3 Мар.</b>	<b>4 Мар.</b>	<b>5 Мар.</b>	<b>6 Мар.</b>	<b>7 Мар.</b>	<b>8 Мар.</b>	<b>9 Мар.</b>	<b>10 Мар.</b>	<b>11 Мар.</b>	<b>12 Мар.</b>	<b>13 Мар.</b>	<b>14 Мар.</b>	<b>15 Мар.</b>	<b>16 Мар.</b>	<b>17 Мар.</b>	<b>18 Мар.</b>	<b>19 Мар.</b>
якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба	пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба	пәйшіланба	жұма	шанба	якшанба	ауданба	сешанба	чоршанба
<b>K</b> га сафар														<b>A</b> га сафар			
<b>J</b> га сафар														<b>J</b> га сафар			
<b>R</b> га сафар														<b>Dоммий А</b>			

Ишчи режедан тиббие жұссасасыга қураторлық ташрифлари жадвалин түзішда фойдаланың

**Кураторлық ташрифлари режаси**

Тиббий муассаса номи	Қачон	Ким	Қандай	Қаерда (стационардаги жой/ сафарда)	Қуидаги асосий саволларни қараб чиқыш
<b>A</b>					
<b>B</b>					
<b>C</b>					
<b>E</b>					
<b>M</b>					

АГАРДА БИТТАДАН ОШИҚ КУРАТОР ИШТИРОК ЭТСА — КИМ ВА ҚАНДАЙЛИГИНИ *курсатынг*.



### 3. КУРАТОРЛИК ТАШИФЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Тиббиёт муассасасига ташиф өчінде куратор қыйдагиларни амалга ошириши зарур.

1. Маълумот тўплаши.
2. Муаммони ҳал этиши ва тескари алоқани йўлга қўйиши.
3. Иш жойида ўқитиши.
4. Кураторлик ташифлари натижаларини хужжатлаштириши.

#### 3.1 Маълумот тўплаш

Кураторлар кўплаб турли усуллар/воситаларни қўллаб ахборот йиғишилари мумкин, жумладан:

- тиббиёт муассасасида иш шароитлари билан танишиш ва тиббиёт ходими томонидан иммунизация ўтказиш тартибини кузатиш;
- тиббиёт ходимлари билан сұхбатлар;
- ҳужжатлар таҳлили;
- назорат саволномасидан фойдаланиш;
- ота-оналар ва жамоа аъзолари билан сұхбатлар;
- ўтган кураторлик ташифлари бўйича тавсияларни таҳлил этиш;
- жамоани тезкор текширувдан ўтказиш.

##### 3.1.1 Тиббиёт муассасасида иш шароитлари билан танишиш ва тиббиёт ходими томонидан иммунизация ўтказиш тартибини кузатиш

Кураторлар тиббиёт муассасасидаги шарт-шароитни оддийгина кузатиш йўли билан кенг миқёсдаги маълумотга эга бўлишлари мумкин. М-н, улар қыйдагиларга эътибор қаратишлари мумкин:

- инъекциялар тўғри бажариласпами;
- тиббиёт муассасасида озодалик сақланадими;
- атрофда жамоа учун хавф туғдирувчи шприцлар ва очиқ хавфсизлик кутилари кўзга ташланадими;
- совутгичда музлаган ёки яроклилик муддати ўтган вакциналар мавжудми;
- тиббиёт ходимининг жамоа билан муносабати илиқми ва тиббиёт ходими аҳолини тиббий хизматлар ҳақида хабардор қилиб турадими;
- санитария ташвиқот материаллари, назорат диаграммалари ва ҳоказолар тайёрланганми.

Тиббиёт ходими қандай ишләётганинги ҳамкасларингизнинг ҳикоясидан билиб олишингиз керак эмас, балки куратор сифатида Сиз ўзингиз бевосита иш жараёнини кузатишингиз даркор. Тиббиёт ходимини кузата туриб, қыйдагиларга эътибор қаратинг, қандай У:

- совутгичга жойлайди;
- чақалоқларни күриқдан үтказади;
- вакцинацияга тайёргарлик күради;
- чақалоққа иммунизация үтказади;
- ҳисоб жадваллари ва иммунизация журналларини тұлғазади;
- фойдаланилган ингалар ва шприцлар билан муносабатда бўлади;
- ота-оналар билан мулоқотда бўлади.

**Диққат:** Иш пайтида тиббиёт ходимининг ҳатти-ҳаракатларига аралашманг ва уни тўғриламанг (Сизнинг назарингизда болага ёки онага зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатлардан ташқари).

### 3.1.2 Тиббиёт ходимлари билан сұхбатлар

Тиббиёт ходимларини ташвишлантираётган муаммоларни тинглаш, талаб этилаётган күмакни кўрсатиш учун зарур бўлган, ўта муҳим юмуш ҳисобланади. Куратортиббиёт ходимлари билан сұхбат чоғида ўз ташрифининг мақсадини тушунтириши ва уларни безовта қилаётган муаммолар билан ўртоқлашишларини таклиф этиши зарур. Агар иложи бўлса, ҳар бир тиббиёт ходими билан алоҳида сұхбат үтказинг, уларга ўзингизнинг келиш сабабингизни тушунтиринг.

Мана айрим тиббиёт ходимларига берилиши мумкин бўлган саволларга мисоллар:

- Улар ишни уddyалай олишаяптими? Агар йўқ бўлса, нега?
- Уларнинг иш фаолиятида улар учун ўта қизиқарли бўлган жиҳатлар мавжудми?
- Аҳоли иммунизацияси борасидаги хизматни яхшилашга қаратилган ишни ташкилластиришга доир ғоялар мавжудми?

«Ҳа/йўқ» қабилидаги қисқа/бир маъноли жавобларни эмас, кенгайтирилган, батағсил жавобни талаб қилувчи саволларни беришга ҳаракат қилинг.

Бир маъноли жавобларни талаб қилувчи ёпиқ саволларга мисоллар:

«ФТИ дан қандай фойдаланишни биласизми?»

Кенгайтирилган, батағсил жавобни талаб қилувчи очиқ саволларга мисол:

«Флаконни йўқотиш даркорлигини Сиз қандай аниқлайсиз?».

### 3.1.3 Маълумотлар таҳлили ва назорат саволномасидан фойдаланиш

Маълумотларни таҳлил этиш жараёнида тиббиёт ходими меҳнатининг жадаллиги ҳақида, унинг билими ва кўнимкамаридаги нуқсонлар мавжудлиги ҳақида ёки ускуналар таъминотидаги камчилликлар ҳақида қимматли ахборотларга эга бўлиш мумкин. 5-жадвалда кураторлик ташрифи чоғида таҳлил этилиши зарур бўлган айрим маълумотлар келтирилган.

#### 5-жадвал: Кураторлик ташрифи чоғида таҳлил этилиши зарур бўлган маълумотлар

Асосий компонентлар	Ўрганиш учун асосий маълумотлар
Иммунизация билан қамраб олиш ҳолати	Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг диаграммалари. Якуний маълумот жадваллари, ҳисоб журнallари. Иммунизациядан бўйин товловчиларни/эмланмаганларни кузатиб бориш тизими. Бажарилган иммунизация ҳақидаги ойлик ҳисоботлар. Иммунопрофилактика бўйича иш режаси.
Вакциналар ёрдамида олди олинадиган касалликлар ва ИКНК бўйича эпидемиологик назорат тадбирлари	Беморларни ҳисобга олиш журнали. Эпидемиологик назорат ҳақидаги ойлик ҳисоботлар. Касалланиш тенденциялари ҳақидаги турли диаграммалар, карталар. ИКНК устидан эпидемиологик назорат қайдлари ва ҳисоботлари.

## 4-МОДУЛЬ

Совуқлик занжирини, вакциналар хавфсизлигини ва вакциналарни бошқариш.	Совуғичдаги ҳароратни қайд этиш вараги. Вакциналар ва бошқа материаллар заҳирасининг ҳисоби ҳақидағы маълумотлар.
Коммуникация ва аҳоли билан алоқа.	Санитария ташвиқот материалларини тайёрлаш. Аҳоли билан ўтказилган йигилишларнинг баённомалари.

Ташриф чоғида куратор, шунингдек, назорат саволномасига киритилган, олдиндан ажратиб олинган кўрсаткичлар тўпламидан ҳам фойдаланиши мумкин (2.2-бўлимга қаранг).

### 3.1.4 Ота-оналар ва аҳоли вакиллари билан сұхбатлар

Кураторларнинг ота-оналар ва жамоа аъзолари билан сұхбатлари тақдим этилаётган тиббий хизматлар ҳақида жамоа аъзоларининг фикрини билиш учун ягона имконият ҳисобланади. Тиббий муассасадан чиқиш чоғида аёллар билан сұхбатлашиш (чиқищдаги сұхбат), шунингдек, маҳалла фаоллари билан учрашиш айниқса фойдали бўлади. 2-модулда: «Аҳоли билан ҳамкорлик» — аҳоли вакиллари билан сұхбатлар ўтказиш бўйича тавсиялар келтирилган.

## 3.2 Муаммоларни ҳал этиш ва тескари алоқани йўлга қўйиш

### 3.2.1 Ходим билан муаммоларни ҳал этиш

1-қадам: Муаммони ва унинг оқибатларини тавсифланг

- Эътиборни алоҳида шахсларга эмас, муаммоларга қаратинг. Муаммолар ходимда кўнилмалар етарли әмаслиги билан ёки ходимнинг ўз фаолиятини бажаришига ҳалал берувчи ташқи омиллар билан боғлиқми эканлигини албатта аниқланг.
- Муаммо келтириб чиқарадиган оқибатларни ойдинлаштиринг (узоқ муддатли ва қисқа муддатли).
- Ҳар бир муаммони алоҳида муҳокама этинг.
- Муаммо ҳақида аниқ гапиринг. Нафақат ўз фикрингизни баён этинг, балки имкон қадар аниқ далиллар ҳам келтиринг.

2-қадам: Ходим билан муаммо сабабларини муҳокама этинг

- Муаммо сабабларини ойдинлаштириша доимо «нега» саволини қўйинг.
- Бу имкониятдан бошқаларни ва тизимни айблаш учун фойдаланмаслик керак.
- Баъзида сабабларни бошқа манбалардан излаш даркор (м-н, жамоа аъзоларидан, маълумотлардан ва ҳ.).
- Сабаблар кетма-кетлигини, тагига етилиши ўнгай бўлганидан бошлаб, аниқланг.

3-қадам: Қарорлар ижросини таъминланг ва уларнинг бажарилиши қандай бораётганинги мунтазам назорат қилинг

- Бажарилиши талаб этиладиган қарорлар оммавий равища тушунилиши ва эътироф этилиши зарур; ходимлар ким нимани бажариши зарурлигини билишлари керак.
- Зудлик билан бажарилиши лозим бўлган қарорлар, биринчи бўлиб бажарилади (м-н, хавфсиз контейнерни йиғиш тартибини ўргатиш).
- Вазифаларни персонал равища аниқ тақсимлаб ва ижро муддатларини кўрсатиб ишнинг бажарилиш режасини тузинг.
- Кейинги назоратни амалга оширинг.

### 3.2.2 Тескари алоқа: натижаларни тиббиёт ходими билан муҳокама этиш

Аввало, тескари алоқа (кураторлик ташрифлари натижаларини муҳокама этиш) маълумотни тақдим этган шахс (м-н, курация қилинаётган тиббиёт ходими) билан амалга оширилиши лозим. Маълумотларни тўплаш якунига етгач, куратор тиббий муассаса жамоаси билан ягона команда сифатида, ҳар бир муаммога батағсил тавсиф бериб ва конструктив фикр-мулоҳазаларни билдириб иш олиб бориши лозим. Агар сўз қандайдир нотўғри ҳолат ҳақида борса, гапни ижобий жиҳатлардан бошланг, заиф томонлар ҳақида умумий тарзда эмас (м-н, «бу нотўғри амалга оширилган»), балки конкрет сўз юритинг. Муваффакиятлар ва мувваффакиятсизликлар ҳақида гапира туриб, уларнинг тегишли сабабларини кўрсатинг. Фақат «Баракалла!» дейиш билан кифояланмасдан, «Баракалла! Сиз ФТИ маълумотларини тўғри ўқидингиз ва тегишли зарур чораларни кўрдингиз» дей сабабини кўрсатинг. «Сиз ноҳақсиз» демасдан, «бу ўринда, эҳтимол, муаммо мавжуд» дей гапни бошлаб, нима ҳақида эканлигини ойдинлаштиринг (м-н, «Сизнинг бажарилган эмлашлар ҳисоби жадвалидаги маълумотларингиз ҳисбот шаклидаги маълумотларга мос келмайди. Буни қандай тўғрилаш мумкин?»).

#### 5-машқ: Муаммоларни ҳал этиш

Қўйида, кураторлик ташрифлари вақтида фойдаланиладиган, назорат рўйхати мисол сифатида келтирилган. Унга аниқланган муаммолар кўринишида алоҳида эътиrozлар киритилган.

Куратор аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун ташриф чоғида ва келажакда қанақа тадбирлар қўллаши мумкин?

	Савол	Ҳа/Йўқ	Изоҳлар (аниқланган муаммолар)	Шу заҳоти жойида қўлланилган тадбирлар	Узоқ вақт талаб қилувчи тадбирлар
1	Иммунизация картаси ҳар бир бола учун мавжудми?	Ҳа			
2	Ҳар бир бола бўйича маълумот қайд этиш журналига тушириладими?	Ҳа	Нотўғри тўлғазилади		
3	Ота-оналарга навбатдаги эмлаш санаси ва вақти ҳақида ҳамиша хабар бериладими?	Йўқ			
4	Мониторинг диаграммаси тиббиёт муассасасининг кўринарли жойига осилганми?	Ҳа			
5	Хизмат кўрсатиладиган туман харитаси тиббиёт муассасасининг кўринарли жойига осилганми?	Йўқ			
6	Тиббиёт муассасасида чораклик режа мавжудми?	Ҳа	Мавжуд, лекин ундан фойдаланилмайди		
7	Эмлаш сессиялари тўлиқлиги/ўз вақтидалиги устидан назорат олиб бориладими?	Йўқ			
8	Эмлатишдан бўйин товловчилар устидан кузатиб бориш тизими мавжудми?	Ҳа			
9	Қайд этилган қизамиқ касаллиги ҳолатларининг худудий тақсимланиши акс этирилган харита тиббиёт муассасасида осилганми?	Ҳа			
10	Ҳароратни қайд этиш варагидан фойдаланиладими?	Ҳа			

## 4-МОДУЛЬ

11	Вакцина флаконлари совутгич ичига түгри жойланганми?	Йүқ	ГепB вакцинаси совутгичнинг буғлатиш мосламасига жуда яқин сақланмоқда		
12	Совутгичда яроқлилик мұддати ўтган вакцина мавжудми?	Йүқ			
13	ФТИ күрсаткичи яроқсизлігі ҳақида далолат берувчи вакциналар мавжудми?	Ха			
14	Тиббиёт ходимлари ФТИ ни ўқишиңи ва изохлашни билишадими? (Улардан ФТИ күрсаткичини ва уннан мөхиятини тавсифлашни сұранг).	Ха			
15	Ходим ҚАЧОН силкитиши тести бажарылыш лозимлігіни биладими? Ушбу тестни түгри бажара оладими (қандай амалға оширилишини күрсатиб берішини сұранг)?	Ха			
16	Режалаштирилган әмлаш сессияси учун етарлы миқдордаги йт-шприцлар мавжудми?	Ха			
17	Йт-шприцлар ҳар бир әмлаш учун күлланиладими?	Ха			
18	Инъекциялар түгри бажариладими (хавфсиз)?	Ха			
19	Фойдаланылған шприцлар ва игналарни үйгіштіріп әмбебаптасынан көтейнерләр күлланиладими?	Ха			
20	Тиббиёт мұассасасыда иммунопрофилактика мавзусига доир плакатлар мавжудми?	Ха			
21	Ақоли билан үйгілишлар ўтказыш жадвали мавжудми?	Йүқ			
22	Иммунопрофилактиканы ўтказышда ақоли орасыдан күнгиллилар иштиреке етіладими?	Йүқ			
23	Заңырауларни ұсынса олиш журнали мавжудми?	Ха			
24	Журналдагы мағлумотларға күра, етарлы миқдордаги вакциналар ва материаллар мавжудми?	Йүқ	Йт-шприцлар тақыл		

### 3.3 Иш жойида үқитиши

Муайян құнімаларга үқитишида асосий олтита босқичдан фойдаланилади.

1. Үзлаштирилиши зарур бўлган құнімаларни (усулларни) ёки жараёнларни тушунтириш.
2. Құнімани/жараённи анатомик моделлардан фойдаланиб/роллар ижро этиб намойиш қилиш.
3. Иштирокчилар намойиш этилган құнімани/жараённи күллаш бўйича машқ бажарышади.
4. Машқларни таҳлил этиш ва улар бўйича конструктив фикр-мулоҳазалар.
5. Инструктор раҳбарлигида құнімани/жараённи мижозларда амалиётда күллаш.
6. Иштирокчининг құнімани/жараённи стандарт усулга мувофиқ күллаш қобилиягини, имкон қадар малака даражасини текшириш бўйича назорат варагида кўрсатилганидек, баҳолаш.

#### 6-машқ: Иш жойида үқитиши

Тиббиёт ходими учун үқитишининг кенг тарқалған қуйидаги жиҳатларини инобатта олган ҳолда қисқача машғулот тайёрланг.

1. ФТИ күрсаткичларини ўқиш.

2. Вакциналарни совутгичга жойлаш тартиби.
3. Очиқ күп дозалы флаконлардан фойдаланиш сиёсатини тушуниш.
4. Ота-оналар билан мұлоқот құнның анықтамаларынан тақомиллаштириш.

Келажақда тиббиёт ходимларига қанақа ишчи құлланмалар/материаллар зарур бўлишини ўйлаб кўринг.

Эгалланган билим ва құнның анықтамаларни қўллаш бўйича амалий машқлар учун тингловчиларга қандай имкониятлар тақдим этишингизни ўйлаб кўринг.

## 3.4 Кураторлик ташрифи натижаларини қайд этиш

### 3.4.1 Объектдаги кураторлик ташрифи журнали

Кураторлик ташрифи амалга ошириладиган ҳар бир обьектда журнал юритилиши зарур. Журналга ташриф санаси, асосий фикр-мулоҳазалар, ўтказилган ўқиш ҳақидаги маълумотлар, ўзаро бамаслаҳат келишиб олинган кейинги ҳатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

#### **6-жадвал: Қўллаб-қувватловчи кураторлик журналининг намунаси**

**Тиббиёт муассасаси:**

ташриф санаси	Асосий усуулар (агар мавжуд бўлса ва талабга мос келса бөлғи қўйинг)					Куйидаги мавзу бўйича ўқиш / инструктаж ўтказилган:	Келажак учун келишилган тадбирлар	Кураторнинг ФИО
Харита	Сессиялар режаси	Ишчи режа	Диаграмма	Якунланмаганлыкни күватлоб бориш	Захираларни ҳисобла опиштизими			

### 3.4.2 Кураторлик ташрифи ҳақида ҳисобот тайёрлаш

Ҳар бир ташрифдан кейин куратор ҳисобот тайёрлаши зарур. Ҳисобот тегишли тадбирларни режалаштириш, шунингдек, навбатдаги кураторлик ташрифлари учун муҳим. Ҳисобот дастур раҳбарлари ва бошқа шахслар (м-н, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, бошқарма бошликлари, жамоалар раҳбарлари, ҳамкорлар ва тиббиёт ходимлари) учун ДПМ даги аҳвол ва ташриф натижасида олинган маълумотлар ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттириши лозим.


#### **Ҳисоботда:**

- кураторлик ташрифини ким бажарғанлигини кўрсатиш;
- қурация қилинаётган шахсларнинг вазифа ва бурч-мажбуриятларини қайд этиши, шунингдек, улар бажарған ишнинг сифатига изоҳ бериш;
- тиббиёт ходими фаолиятининг умумий кўрсаткичларини (ташриф, пунктуаллик, ташаббускорлик, ижодий ёндошув, мустақил ишлай олиш салоҳияти) баҳолаш;
- назорат саволномасининг ҳар бир пунктини муҳокама этиш;

- муаммоларни бартараф этиш учун бевосита ташриф чоғида күрилган чора-тадбирларни күрсатиш;
- тегишли тиббиёт ходимлари билан келишиб олинган кейинги ҳатти-харакатларни баён этиш;
- курация қилинаётган шахсларга ҳисобот нусхасини ёки ёзма/оғзаки күринишда ҳисоботнинг қисқача мазмунини тақдим этиши зарур.

### **Кураторлик ташрифлари натижаларини тиббиёт ходимларига етказишнинг бошқа усуllари:**

- Ахборот бюллетенини чоп эттириш. У мураккаб ва қиммат бўлмаслиги даркор. Бюллетенъ ўкувчи эътиборини кўпроқ жалб этиши учун мавзуга дахлдор турли безаклар, суратлар билан таъминланган икки саҳифалик матндан иборат бўлиши мумкин. Шахсий тажриба ёки ютуқларга таяниш (материал ижобий тусда тақдим этилган тақдирда) ходимга ўз фаолиятини чуқурроқ билиб олиш имконини беради. Бюллетенъ мутахассислар оммасига имкон қадар кенг миқёса тарқатилиши зарур.
- Бюллетенни тайёрлаш ва уни тегишли турли манзилларга жўнатиш.
- Кураторлик ташрифлари натижаларини муҳокама этиш учун семинарлар ташкил этиш. Бунаقا муҳокамалар ахборот алмашинуви ва айрим муаммоларни тезкор (оператив) ҳал этиш бўйича тақлифлар билдириш нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин.
- Ойлик йиғилишларни ўтказиш чоғида хабардор қилиш.



## 4. КЕЙИНГИ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАР/ТАДБИРЛАР

### 4.1 Кураторлик ташрифларидан кейин амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар

Қўллаб-қувватловчи кураторлик ташриф билан ўз ниҳоясига етмайди. Куратор ўзининг асосий иш жойига қайтгач, амалга ошириладиган кейинги ҳатти-ҳаракатларни режалаштириши зарур. Режада қўйидагилар кўзда тутилиши мумкин:

- Сиз ҳал этишга розилик билдирган масалалар юзасидан иш;
- Тиббиёт ходимларини режалаштириш жараёнига жалб этиш, назорат саволномасини, ишчи қўлланмаларни, мониторинг усулларини ва бошқа материалларни тайёрлаш бўйича улар билан ҳамкорликда ишлаш;
- Моддий-техник таъминот масалаларини соғлиқни сақлаш тизимининг юқори босқичларида муҳокама этиш;
- Ойлик ҳисоботларни текшириш ва тавсиялар бажарилишини кузатиб бориш учун курация қилинаётган ходим билан мунтазам алоқани йўлга қўйиш;
- Курация қилинаётган тиббиёт муассасаси ходимларининг хизмат поғоналари бўйлаб ўсишини, мавқеи мустаҳкамланишини ёки малака оширишини белгилаш.

### 4.2 Кейинги ташрифларни амалга ошириш

Навбатдаги ташрифлар қўйидаги ҳолатлар тифайли тиббиёт ходими учун ўтган ва келажақдаги кураторлик ташрифлари ўртасидаги узвийликни таъминлайди:

- ўтган ташриф чоғида аниқланган муаммоларнинг яна давом этишига тўсқинлик қиласди;
- ўтган ташриф чоғида кўтарилган масалалар ўз мухимлигини йўқотмаганлигига тиббиёт ходимининг ишончини мустаҳкамлайди;
- тиббиёт ходимига кўмак беради. Агар муаммо бартараф этилмаган бўлса, сабаби нимада?
- иш жойида олиб борилган ўқитиш нечоғли самарали бўлганлигини аниқлаш имконини беради;
- тиббиёт ходими ишининг кўрсаткичлари назорат остида турганлигини ва у ижобий томонга ўзгарганлигини тасдиқлаш имконини беради.

- Шунингдек, навбатдаги ташрифнинг куратор сифатида Сизга ҳам нафи тегади, чунки:
- ўзингизнинг асосий фикрларингизни тиббиёт ходимларигача изчил етказишингиз учун имконият яратади;

- ўтган ташрифларнинг ҳисоби ва хulosаларининг мавжудлиги, ҳаттоки агар Сиз илгари мазкур тиббий муассасага ташриф буюрган бўлсангиз ҳам, Сизда ўз ташрифингизнинг аҳамиятини намойиш этишингиз учун ишонч уйғотади;
- ҳаттоки агар тиббий муассасага турли кураторлар ташриф буюришса ҳам, барибир самарали кураторлик таъминланишига ишонч уйғотади.

Навбатдаги ташриф босқичлари қуидагилардан иборат:

- ўтган ташрифларнинг натижалари бўйича ҳисоботни ўрганиш ва унда қўтарилиган масалалар бўйича ишни давом этириш;
- битта ахборотнинг ўзини қайта такрорлашнинг олдини олиш учун, ўтган ташрифдан Сиз нималарни билиб олганлигингиз тўғрисида тиббиёт ходимини хабардор қилиш;
- ўзини тутишида ва ўз мажбуриятларига муносабатида ижобий томонга ўзгариш мавжудлигини аниқлаш учун тиббиёт ходимини кузатиш ва агар бундай ўзгаришлар содир бўлган бўлса, уларни мақташ;
- ўтган ташриф чоғида билдирилган ва ҳанузгача тегишли чоралар кўрилмаган эътиrozларга эътибор қаратиш. Шундай эътиrozлар устида ишни давом этириш зарурлигини таъкидлаш;
- ижобий ўзгаришлар йўқлиги, ўз ечимини кутаётган яширин муаммолар билан боғлиқ эмасми эканлигини текшириш;
- ўтган ташриф чоғида берилган ваъдани (м-н, моддий-техник таъминотга ёки ахборот/хужжатлар тақдим этишга доир) бажариш.

### 7-машқ: Навбатдаги ташрифларни амалга оширишнинг муҳимлиги

#### Гуруҳ учун кўрсатма

Қуйида келтирилган конкрет мисолни ўқинг ва қўйилган саволларни муҳокама этинг.

**Конкрет мисол:** Сиз кенгайтирилган иммунизация дастури раҳбарисиз. Тиббиёт ходимлари ҳал эта олмаётган муаммолар мавжуд бўлган туманлардан Сизга мунтазам равища илтимослар тушиб турибди. Ҳар сафар, қачонки Сиз хизмат сафари харажатлари, транспорт, ёқилғи ва бошқа ашёлар ҳақидаги масалани кўтарсангиз, Сизга кураторлик ташрифи – бекорга ресурсларни исроф қилишдан ўзга нарса эмас қабилида жавоб қайтаришиди.

Муаммо шундаки, сўнгги бир йил мобайнида туман куратори барча тиббий муассасалардан бор-йўғи тахминан ярмига бир маротабадан ташриф буюришга муваффақ бўлди. Ваҳоланки, ташрифлар чоғида аксарият тиббий муассасаларда чоралар кўрилишини ва кейинги назорат олиб борилишини тақозо этувчи муаммолар аниқланган эди.

1. Нима сабабдан кураторлик ташрифини (марказдан туманларга ва туманлардан тиббиёт муассасаларига) амалга ошириш мушкул?
2. Кураторлик ташрифларига «бекорга ресурсларни исроф қилиш» қабилидаги қарашлар мавжуд бўлса, бундай муносабатнинг сабаби нимада?
3. Барча босқичларда кураторликнинг самарадорлигини ошириш учун нима қилиш зарур?
4. Жойларда, тиббиёт муассасасига албата бевосита ташриф буюрмасдан туриб, назоратни амалга оширишнинг бошқа усуllibари мавжудми? Бундай усуllibар қай йўсинда кураторликнинг самарадорлигини, ишончлилигини ва сифатини таъминлайди?
5. ГУРУХЛИ БАҲС-МУНОЗАРА.

## 1-ИЛОВА: КУРАТОР НАЗОРАТ ВАРАҚАСИННИҢ НАМУНАСИ

САВОЛ	Ҳа	Йүк
1. Сессия самарали ташкил этилғанми?		
2. Иммунизация картаси ҳар бир бола ва ҳомиладор аёл учун құлланиладими?		
3. Ҳар бир бола/ҳомиладор аёл бўйича маълумот қайд этиш журналига тушириладими?		
4. Навбатдаги вакцинация вақти ҳақида ҳамиша ота-оналарга хабар етказиладими?		
5. Тиббиёт муассасасида мониторинг диаграммаси осиғлиқми?		
6. Тиббиёт муассасасида хизмат кўрсатиладиган туман харитаси осиғлиқми?		
7. Тиббиёт муассасасида чораклик иш режаси мавжудми?		
8. Эмлаш сессияларининг ўз вақтидалиги/тўлиқлиги устидан назорат олиб бориладими?		
9. Эмлашдан бўйин товловчилар устидан кузатув олиб бориш тизими мавжудми?		
10. Тиббиёт муассасасида қайд этилган қизамиқ қасаллиги ҳолатларининг ҳудудий тақсимланиши акс этирилган харита осиғлиқми?		
11. Ҳароратни қайд этиш варагидан фойдаланиладими?		
12. Совутгич ичида вакцинали флаконлар тўғри жойланганми?		
13. Совутгичда яроқлилик муддати ўтган вакциналар мавжудми?		
14. ФТИ кўрсаткичи вакцинанинг яроқсизлиги ҳақида гувоҳлик берувчи вакциналар мавжудми?		
15. Тиббиёт ходимлари ФТИ кўрсаткичини қандай ўқишини ва талқин этишини билишадими? Улардан ФТИ кўрсаткичларини ва уларнинг моҳиятини тавсифлашни сўранг.		
16. Тиббиёт ходимлари силкитиш тести қачон амалга оширилиши зарурлигини билишадими? У мазкур тестни тўғри бажара оладими (Қандай бажарилишини кўрсатиб беришларини сўранг)?		
17. Режалаштирилган сессия учун етарли миқдордаги Ўт-шприцлар мавжудми?		
18. Ҳар бир эмлаш учун Ўт-шприцлар қўлланиладими?		
19. Инъекциялар тўғри (хавфсиз) амалга ошириладими?		
20. Фойдаланилган шприцлар ва игналарни йиғиши учун хавфсизлик қутларидан фойдаланиладими?		
21. Тиббиёт муассасасида иммунопрофилактика мавзусига оид плакатлар осиғлиқми?		
22. Аҳоли билан йиғилиш ўтказиш жадвали мавжудми?		
23. Иммунопрофилактикани амалга ошириш жараёнида аҳоли орасидан кўнгиллилар иштирок этишадими?		
24. Заҳираларни ҳисобга олиш журнали мавжудми?		
25. Журналдаги маълумотларга қўра, етарли миқдордаги вакциналар ва материаллар мавжудми?		

# 2-ИЛОВА: ҲАР БИР ТУМАННИ ҚАМРАБ ОЛИШ: ДАСТУР ЮТУҚЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Ҳар бир туманни қамраб олиш (ХБТҚО/RED) — қүйіда келтирилган бешта босқични амалга ошириш йүли билан иммунизация қамровини яхшилашга қаратылған стратегияга берилған ном. Ҳар бир туманни қамраб олиш стратегиясینи амалга оширишга құмаклашувчи қатор содда усулдар ишлаб чиқылған бўлиб, улар қўйида келтирилмоқда.

**Жойларга чиқиб хизмат кўрсатиш:** Айрим ҳолатларда аҳолининг аксарият қисми иммунизация хизматини фақат сафарда кўрсатыладиган хизматлар туфайли олишга муваффақ бўлишади. Баъзида аҳолининг иммунизация хизматига мушаррафа бўлиши фақатгина сайёр бригадалар орқали амалга оширилиши мумкин, ва бу ҳолат кўшимча ресурслардан фойдаланишни кўзда тутади. Сафарда олиб бориладиган мунтазам хизматлар барча эмлаш сессиялари режасига киритилиши мумкин. Сафардаги сессиялар, айниқса сайёр бригадалар томонидан амалга ошириладиган сессиялар, иммунизация орқали бошқа тиббий хизматларни кўрсатиш имконини ҳам беради.

**Қўллаб-қувватловчи кураторлик:** Қўллаб-қувватловчи кураторлик тиббиёт ходимларини ўқитишини иш жойининг ўзида кураторлик ташрифлари чоғида ёки туманда мунтазам ўтказиб туриладиган йиғилишларда олиб боришни кўзда тутади. Кураторлик фоалиятининг фойдали ва самарали бўлишини таъминлаш учун, куратор ташрифни мунтазам равишида амалга ошириб туриши, муаммони маҳаллий даражанинг ўзида ҳал этишга құмаклашиши, таъминот ва ресурсларга доир масалаларни мунтазам текшириб бориши зарур. Куратор ўз ёндошувларини кураторликка мослаштириш учун мунтазам ўқиб-ўрганиши, ўз устида ишлаши лозим.

**Аҳоли билан ҳамкорлик:** Иммунизация хизмати ва аҳоли ўртасидаги мустаҳкам алоқага аҳолини режалаштириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига фаол жалб этиш орқали эришилиши мумкин. Бундай тадбирларга мисол сифатида аҳоли иштироқида сафарда эмлаш ўтказиладиган жойни ва вақтни танлаш, кўнгиллиларга янги туғилған чақалоқларни аниқлаш, эмлашдан бўйин товловчиларни кузатиб бориш вазифаларини юклаш, шунингдек, аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказилишини келтириш мумкин.

**Мониторинг ва маълумотлардан тадбирлар ўтказиши учун фойдаланиш:** Мониторинг ва маълумотлардан тадбирлар ўтказиши учун фойдаланиш, нафақат маълумотларни турли босқичларда ўз вақтида йиғишини, балки ушбу маълумотлардан муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланишни ҳам кўзда тутади. Тиббиёт ходими ихтиёрида мониторингнинг бир-неча содда усуллари, жумладан ойлик прогрессни кузатиб бориш учун, кўринарли жойга осиғлиқ жадваллар мавжуд. Кўшимча равишида моддий-техник таъминот ҳамда эпидемиологик назорат бўйича бошқа ахборотлар мунтазам йиғилиши ва иммунизация хизматини яхшилаш учун, қамраб олиш бўйича маълумотлар билан бирга таҳлил этиб борилиши лозим.

**Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш:** Туман мўъжаз режаси ҳар бир туманни қамраб олиш стратегияси учун калит вазифасини ўтайди. Мўъжаз режа ҳар бир тиббий муассасани ва улар орқали хизмат кўрсатыладиган аҳолини кўзда тутувчи маҳаллий вазиятни таҳлил этишга асосланади. Миллий босқич туман босқичида талаб қилинадиган молиявий ва инсон ресурслари мавжудлигини ҳамда уларни тўғри бошқаришни таъминлаш учун масъул бўлса, туманлар мазкур ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилишлари лозим.

---

# 5 МОДУЛЬ

## ИММУНИЗАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ МОНИТОРИНГИ

### 5- модулнинг мақсади:

Ҳар бир тиббиёт муассасаси ва ҳар бир туман катта ҳажмдаги маълумотлардан иборат ҳисоботларни ҳар ойда тақдим этишади. Соғлиқни сақлаш тизимидағи жорий юмушлар билан ўта банд иммунизация масалалари бўйича мутасаддининг (масъул ходимнинг) ҳар бир ҳисобот билан танишиб чиқиши мушкул, лекин, шубҳасиз, у бартараф этилиши зарур бўлган, қандайдир жиддий муаммолар мавжудлиги ҳақида билиши шарт. Агар бундай муаммолар пайдо бўлса, Сиз қандай билиб оласиз?

5-модулнинг мақсади соғлиқни сақлаш тизимидағи иммунизация масалалари бўйича мутасаддига қўйидаги масалалар борасида ёрдам кўрсатишдан иборат: маълумотларни пассив (ойлик ҳисоботлар) ва фаол (кураторлик ташрифлари) йиғиш йўли билан иммунизация тизимининг барча компонентлари бажарилишини баҳолаш.

5-модулни билиш Сизга иммунизация дастурининг сифатини ва самарадорлигини ошириш учун олинган маълумотлардан муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда фойдаланиш имконини беради.

Мониторинг ва эпидемиологик назорат ўзаро мустаҳкам боғланган ва қўргина умумий жиҳатларга эга. Бироқ, амалий вазифалардан келиб чиқиб ва турли техник масалаларга етарлича эътиборни қаратиш учун, 5-модул: Иммунизация тизимининг мониторинги ва 6-модул: Эпидемиологик назоратни қўллаш ушбу ўқув курсида алоҳида алоҳида ҳолда қараб чиқишиши мақсадга мувофиқдир. Шунга қарамасдан, 5-модул ва 6-модул материаллари билан таниша туриб, уларнинг ўзаро мустаҳкам алоқадор эканлигини ёдда тутиш зарур.

### Ушбу модул қўйидаги бешта компонентни қамраб олади:

Иммунизация  
тизими ва  
кўрсаткичлар

Маълумотларни  
тўплаш ва  
ишлов бериш

Маълумотларни  
таҳлил этиш ва  
акс эттириш

Чоралар кўриш

Тескари алоқа  
ва ҳисобот

Иммунизация  
тизими ва  
кўрсаткичлар

Маълумотларни  
тўплаш ва  
ишлов бериш

Маълумотларни  
таҳлил этиш ва  
акс эттириш

Чоралар кўриш

Тескари алоқа  
ва ҳисобот

### 1. ИММУНИЗАЦИЯ ТИЗИМИ ВА КЎРСАТКИЧЛАР

#### 1.1 Мониторинг нима ва нега у муҳим

Мониторинг – бу маълумотларни тизимли ва узлуксиз текшириш, муайян хизмат бурчларини ва амалий ҳатти-ҳаракатларни бажариш жараёни. У муаммоларни аниқлаш ва қарорлар қабул қилиш, шунингдек, стратегик ҳужжатларни ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мақсадларида қўйилган вазифалар бажарилишини баҳолаш учун қўлланилади.

Мониторинг соғлиқни сақлаш тизимидағи иммунизация масалалари бўйича мутасадди учун муҳим инструмент ҳисобланади. У қўйидаги йўсинда иммунизация дастури сифатини ошириш борасида кўмаклашади:

1. иммунизация бўйича хизмат кўрсатиш – чақалоқларга ва иммунизация амалга оширилиши лозим бўлган бошқа ёш гурӯҳларида шахсларга вакцинация ўтказиш;
2. ўз вақтида етарли миқдордаги вакциналар ва хавфсиз инъекцияни таъминлаш учун зарур бўладиган материалларни етказиб бериш;
3. касалланишлар ва иммунизациядан кейинги нохуш кўринишлар ҳақида маълумотлар тўплашни ва таҳлил этишни кўзда тутувчи эпидемиологик назорат ва мониторинг;
4. қўлланилаётган вакциналарга, шунингдек, иммунизация борасида кўрсатилаётган хизматларга аҳоли ишончини таъминлаш учун олиб бориладиган ташвиқот ва коммуникация;
5. тиббиёт ходимларини сифатли тайёрлаш ва уларнинг фаолияти устидан тегишли назоратни кўзда тутувчи иммунизация дастурини бошқариш.

#### 1.2 Иммунизация тизимининг қайси компонентлари мониторинг қилинади?

Иммунизация дастурининг мониторингини олиб бориш учун иммунизация тизимини бешта асосий компонентга ажратиш мақсадга мувофиқдир (1-расмга қаранг). Ҳар бир компонент, баҳолаш ўнғай бўлган, янада мўъжаз (кичик) қисмларга ёки параметрларга) ажратилиши мумкин.

**Масалан:** 2-компонент «Вакциналар сифати ва етказиб берилиши, моддий-техник таъминот» қўйидаги бўлимларга (параметрларга) ажратилиши мумкин: вакциналарни сақлаш, тақсимлаш, фойдаланилган инъекцион материалларнинг сифати ва уларни хавфсиз тўплаш/йўқотиш, шунингдек, бошқа қатор янада кичикроқ қисмларга. 2-компонентнинг барча параметрларининг мониторингини самарали тарзда амалга ошириш учун, Сиз ушбу қисмларнинг барчасини атрофлича қараб чиқишингиз зарурдир.

**1-расм. Иммунизация тизимининг мониторинги олиб бориладиган бешта компоненти**



2-иловада иммунизация ҳар бир компонентининг мониторинг пайтида инобатга олиниши зарур бўлган, янада кичикроқ параметларининг рўйхати келтирилган. Иммунизация масалалари билан шуғулланувчи аксарият тиббиёт ходимлари, албатта, уларнинг айримлари билан таниш, лекин, ушбу параметрлар иммунизация дастури мониторинги бўйича умумий тизимли режанинг таркибий қисмлари бўлиши мумкинлиги, мутахассислар томонидан, эҳтимол, ҳеч қачон ўйлаб кўрилмагандир.

**Аҳамиятли ҳолат.** Иммунизация тизимининг бешта компоненти устидан мониторинг олиб борилади. Ҳар бир компонентни, мониторинг олиб бориш ўнгай бўлиши учун, янада мўъжаз қисмларга (параметрларга) ажратиш мумкин.

### 1.3 Иммунизация тизимининг мониторинги қандай амалга оширилади

Иммунизация тизимининг бешта компоненти билан танишгач ва мониторингни соддалаштириш учун янада мўъжаз қисмларга ажратиш зарурлигини билгач, Сиз дастур бажарилишининг қандай сифат даражасига ёки кўрсаткичига эришиш зарурлигини ҳал этишингиз лозим.

**Масалан:** Иммунизация якунланмаганигининг кўрсаткичи 1-компонентустидан мониторингни амалга оширишда («хизмат кўрсатиш») ўта муҳим омил ҳисобланади. Бироқ иммунизация якунланмаганигининг қандай кўрсаткичини Сиз йўл қўйилиши мумкин деб ҳисоблайсиз?

Ушбу модулда Сиз эришишни истаётган сифатни тавсифловчи ибора сифатида, биз «кўрсаткич» сўзини кўллаймиз.

Вилоятлар ва туманларнинг иммунизация бўйича дастурларининг мақсади ва стратегияси

иммунопрофилактика борасидаги Миллий сиёсатга, унинг меъёрлари ва стандартларига асосланиши даркор. Шунга қарамасдан, мақсад ва вазифалар ҳар бир вилоят ва туман учун турлича – ўзига хос бўлиши мумкин. Демак, иммунизация бўйича дастурнинг раҳбари, вилоят ва туман миқёсидаги тегишли мутасадди шахслар маҳаллий шароитда дастур бажарилишини баҳолаш учун кўрсаткичларни аниқлаб олиши зарур.

Дастурнинг бажарилишини баҳолаш имконини берадиган ишончли сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш иммунизация дастури мониторингида дастлабки ва энг муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

**Аҳамиятли ҳолат.** Кўрсаткичлар иммунизация дастурини амалга оширишда Сиз эришишини истоётган стандарт мақсадни аниқлаб беради. Ушбу кўрсаткичлар туфайли мониторинг иммунизация дастури бажарилишининг боришини доимий ва узлуксиз баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Табиийки, Сизнинг дастурингизда мавжуд бўлган кўрсаткичлар қай дараҷада иммунизация тизимининг ҳар бир компонентини баҳолаш имконини беради ва улар зарур чоралар кўриш учун етарлича барча ахборотни тақдим эта оладими деган савол туғилади. Айрим ҳолларда иммунизация тизимининг муайян компонентларини кузатиш ва баҳолаш учун, илгари тизимли мониторинг олиб борилмаган янги кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, киритиш зарурияти туғилади.

### 1.3.1 Ишончли сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш

Кўрсаткич, айнан нима мониторинг қилинишини аниқ тушуниш учун танланиши ва ифодаланиши зарур. Бу ўз навбатида Сизга энг мақбули мониторингни қандай тарзда олиб бориш масаласини, демак, қандай маълумотлар тўпланиши зарурлигини ҳал этишда ёрдам беради.

Ишончли сифат кўрсаткичи қўйидаги хусусиятларга эга:

- тўплаш ўнгай бўлган маълумотлар асос бўлиб хизмат қиласди;
- тушуниб етиш енгил;
- вазиятни яхшилашга қаратилган тадбирларни (яъни, иммунизация дастури бажарилишининг кўрсаткичларини яхшилаш учун кўлланилиши мумкин бўлган конкрет ҳатти-ҳаракатлар) амалга ошириш имкониятини кўзда тутади.

**Масалан:** Сиз туман миқёсида хавфсиз инъекция сиёсатини жорий этдингиз ва Ўт-шприцларни қўллаш бўйича мақсадни аниқладингиз:

- 2015-йилга келиб иммунизация дастури доирасида 90% инъекцияларни Ўт-шприцлар билан амалга оширишина таъминлаш.

Кўрсаткич Ўт-шприцлар ёрдамида амалга оширилиши зарур бўлган инъекцияларнинг улушкини (нима баҳоланишини) белгилаб беради. Баҳолашнинг энг маъқул усули Ўт-шприцлар ёрдамида амалга оширилган барча инъекцияларнинг фоизини аниқлашдан (қандай тарзда баҳоланади) иборат. Агар, фақат 80% инъекциялар Ўт-шприцлар ёрдамида амалга оширилган бўлса, Ўт-шприцларга қўшимча буюртма бериш ёки тиббиёт ходимларини инъекцияларни бажариш қоидалари бўйича қўшимча ўқитиш (яъни, баҳолаш натижаларига кўра, зарур тадбирлар кўрилиши) тақозо этилади.

**Бошқа мисол:** Вилоят босқичида иммунизация дастурини бошқариш сифатини баҳолаш учун, ҳар чорақда камида бир маротаба кураторлик ташрифини амалга ошириш заруриятини белгиловчи кўрсаткич (нима баҳоланиши) танланган. Баҳолашнинг энг маъқул усули, чорак давомида амалга оширилган шундай ташрифларнинг миқдорини аниқлашдан (қандай тарзда баҳолаш) иборат. Агар, бир йил мобайнида туманга, атиги бир маротаба кураторлик ташрифи амалга оширилган бўлса, эҳтимол, транспорт воситаларини таъмирлаш

ва ёқилғи харид қилиш учун күшимча маблағ ажратиш (яъни, баҳолаш натижалариға кўра, зарур тадбирлар кўрилиши) зарур бўлади.

Худди автомобилнинг мой манометри, ҳайдовчини нафақат двигателдаги мойнинг босими ҳақида, балки бошқа ҳолатлар ҳақида ҳам огоҳ этганидек, кўрсаткич ҳам, баъзида бизнинг диққатимизни қатор масалаларга қаратиш учун ёрдам беради. Агар босим меъёрдагидан паст бўлса, демак, қандайdir муаммо мавжуд ва ҳайдовчи уни аниқлаши учун қатор параметрларни (мойнинг даражасини, мой насосининг ишини ёки ҳимоя ёпкичининг ҳолатини) текшириб чиқиши зарур. Худди шунингдек, тўғри танланган иммунизация дастурининг кўрсаткичи кўргина жиҳатларни акс этиради ва раҳбарга қайси муаммоларга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатиб беради.

#### **Масалан:**

Кўрсаткич	Бевосита қиймат	Кўшимча қиймат
1 ёшгача болаларни АҚДС1 билан қамраб олиш 95% ни ташкил этади	Эмлашни олиш учун биринчи маротаба олиб келинган гўдаклар	Иммунизация бўйича хизматнинг қулайлик даражаси ва ахолини сафарбар этишнинг самарадорлиги
АҚДС1-АҚДС3 иммунизациясининг якунланмаганлик кўрсатгичи 8 % дан иборат	Бирламчи иммунизация курсини якунламаган гўдаклар	Хизмат кўрсатиш сифати ва эмланмаганларни кузатиб бориш механизми
95% тиббий муассасалар соз совутгичга эга	Жиҳоз ҳолати	Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимининг самарадорлиги
75% тиббий муассасалар қамраб олиш мониторингининг/иммунизация якунланмаганлигининг янгилangan жадвалига эга	Қамраб олишнинг/иммунизация якунланмаганлигининг мониторинги	Кураторлик самарадорлиги

#### **1.4 Иммунизация дастурининг қайси босқичлари мониторинг қилинади?**

Иммунизация дастурининг тизимли мониторингини таъминлаш учун, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир босқичини қамраб олиш зарур. Соддалаштириш мақсадида ушбу хужжатда учта босқичдан фойдаланилади: тиббий муассаса, туман ва миллий (ва/ёки вилоят) босқичлари.

Баъзида, айнан битта кўрсаткичининг ўзини барча босқичлар учун қўллашнинг, зарур маълумотлар йўқлиги боис ёки уни қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли, имконияти йўқ. Бундай ҳолатларда соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичлари учун у ёки бу кўрсаткичи мослаштириш тақозо этилади.

**Аҳамиятли ҳолат.** Обдон ўйланган мониторинг дастури соғлиқни сақлаш тизимининг исталган босқичида иммунизация хизматининг сифатини баҳолашга қодир.

## 5-МОДУЛЬ

### 5.1-машқ: Кўп қўлланиладиган кўрсаткичларнинг сифатини баҳолаш

**Сиз — Шарқий вилоят соғлиқни сақлаш тизимида иммунизация масалалари бўйича мутасаддисиз, ва Сиздан кенг қўлланиладиган айрим кўрсаткичларни, уларнинг етарлича сифатли ва соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида қўллашга яроқли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, таҳлил этиб беришингизни сўрашди.**

**ВАЗИФА:** Ҳар бир кўрсаткич билан танишинг, уларни маълумотларни тўплаш ўнғайми, ушбу маълумотларни қабул қилиш осонми ва соғлиқни сақлаш тизимининг учта босқичи учун ҳам чоралар кўришни кўзда тутадими каби жиҳатлари бўйича баҳоланг. Агар «ҳа» бўлса, «тасдиқ», агар «йўқ» бўлса, «хоч» белгиларини қўйинг. Мисолдан кўриниб турибдики, кўрсаткични баҳолаш учун маълумотларни Миллий/вилоят босқичларида тўплаш ўнғай, лекин туман ёки ДПМ босқичларида кўрсаткичларнинг йириклиширилган ушбу турини йиғишнинг ва ундан фойдаланишнинг имконияти йўқ

Иммунизация тизимининг компонентлари	Кўрсаткич	Соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичларида кўрсаткичларнинг сифати			
		Кўрсаткичининг тавсифи:	Миллий/вилоят босқичи	Туман босқичи	Тиббий муассаса босқичи
1. Хизмат кўрсатиш	АҚДСЗ билан қамраб олиш 90% дан юқори бўлган туманлар ҳиссаси	Йиғиш ўнғай (мисол)	✓	X	X
		Тушуниш осон			
		Чоралар кўришни кўзда тугади			
2. Вакциналар сифати ва етказиб берилиши, материал-техник таъминот	Ўтган чорақда қизамиқ вакцинаси тақчиллиги кузатилган туманлар ҳиссаси	Йиғиш ўнғай			
		Тушуниш осон			
		Чоралар кўришни кўзда тугади			
3. Эпидемиологик назорат ва мониторинг	Қайд этилган қизамиқ ҳолатлари сони бир ойда 10 тадан кам	Йиғиш ўнғай			
		Тушуниш осон			
		Чоралар кўришни кўзда тугади			
4. Ташвиқот ва коммуникация	Режалаштирилган аҳоли билан учрашув ўтказилган	Йиғиш ўнғай			
		Тушуниш осон			
		Чоралар кўришни кўзда тугади			
5.Дастурни бошқариш	Расмий қайд этилган бўш иш ўрнлари ҳиссаси	Йиғиш ўнғай			
		Тушуниш осон			
		Чоралар кўришни кўзда тугади			

**5.2-машқ: Иммунизация тизимининг турли компонентлари учун кўрсаткичларни ишлаб чиқиш**

1-машқда Сиз Шарқий вилоят кўрсаткичларини баҳоладингиз. Улардан айримларининг сифати етарли эмас, айримлари эса соғлиқни сақлаш тизими босқичларига мос келмади. Энди Сиз ўз кўрсаткичларингизни таклиф этишингиз зарур.

**ВАЗИФА:** Иммунизация тизимининг ҳар бир компоненти учун фақат битта кўрсаткич танланг ва уни соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир босқичи учун мослаштириб қўллашга ҳаракат қилинг. Ёдда тутинг, маълумотлар қулий (осон йиғиладиган) бўлиши зарур, кўрсаткичлар ўнғай қабул қилиниши ва чоралар қўллашни кўзда тутиши даркор. Мисоллар келтирилади. 2-иловада Сизга мос келадиган кўрсаткични танлашда ёрдам бераоладиган бешта компонентнинг параметрлари батафсиликелтирилган, ёки бошқа қулийроқ кўрсаткичларни танлаш учун 4-модул — «Қўллаб-қувватловчи кураторлик»ка ва 2-модул — «Аҳоли билан ҳамкорлик»ка мурожаат қилинг

Иммунизация тизимининг компонентлари	Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир босқичи учун кўрсаткичлар		
	Миллий/вилоят босқичи	Туман босқичи	Тиббий муассаса босқичи
1. Хизмат кўрсатиш	2010 йилда АҚДСЗ билан қамраб олиш барча туманларда 95% ва ундан юқори	2010 йилда АҚДСЗ билан қамраб олиш барча тиббиёт муассасаларида 90% ва ундан юқори	2010 йилда АҚДСЗ билан қамраб олиш барча қишлоқларда 90% ва ундан юқори
2. Вакциналар сифати ва етказиб берилиши, материал-техник таъминот			
3. Эпидемиологик назорат ва мониторинг			
4. Ташвиқот ва коммуникация			
5. Дастурни бошқариш			

Иммунизация  
тизими ва  
кўрсаткичлар

Маълумотларни  
тўплаш ва  
ишлов бериш

Маълумотларни  
таҳлил этиш ва  
акс эттириш

Чоралар кўриш

Тескари алоқа  
ва ҳисобот

### 2. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА ИШЛОВ БЕРИШ

Ушбу модулнинг 1-бўлимида Биз иммунизация дастури бажарилишининг боришини баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичларни ишлаб чиқиш жараёнини баён этдик.

Иммунизация тизими устидан самарали мониторинг олиб бориш учун Сиз қўйидагиларни амалга оширишингиз зарур:

- Иммунизация тизимининг бешта компонентини янада кичик қисмларга (параметрларга) ажратиш.
- Ҳар бир кичик қисм учун тегишли сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.
- Кўрсаткичларни даволаш-профилактика муассасасидан тортиб то Миллий даражагача бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир босқичида қўллаш.
- Дастур бажарилишининг боришини белгиланган кўрсаткичларга эришиш нуқтаи назаридан мунтазам баҳолаб бориш.

Тегишли сифат кўрсаткичларини аниқлаб олиб, баҳолаш учун зарур маълумотларни йиғиш ўнғай. Бу мақсад учун соғлиқни сақлаш тизимининг иммунизация масалалари бўйича мутасаддиси ва бошқа тиббиёт ходимлари қўллаб ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга; аксарият маълумотлар тиббий муассасалар босқичида тўпланади ва улар умумлаштирилиб ёки ҳисбот кўринишида бирлаштирилиб дастлаб туман, кейин эса вилоят босқичларига жўнатилади. Айрим маълумотларни умумий қабул қилинган ҳисбот шакларидан фойдаланиб (маълумотларни пассив йиғиш), бошқаларини эса – кураторлик ташрифлари чоғида, жойларнинг ўзида ишлаб (маълумотларни фаол йиғиш) тўплаш лозим (иккала усул ҳам 1-қўшимчада ёритилган).

Ушбу бўлимда, соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари иммунизация дастури мониторинги учун фойдаланиши мумкин бўлган айрим маълумотлар манбаи ҳақида умумий тарзда ахборот берилган, ҳамда йиғиладиган маълумотларнинг ишончлилигини оширишнинг қатор усуллари келтирилган.

**Аҳамиятли ҳолат.** Соғлиқни сақлаш тизимининг иммунизация масалалари бўйича мутасаддиси мониторинг учун фойдаланиладиган маълумотларнинг бальзида нотўғри ёки етарлича бўлмаслигини инобатга олиши зарур. Қўллаб-кувватловчи кураторлик тиббиёт ходимларини ҳужожатлар билан ишлаш (расмийлаштириш) ва маълумотлар тўплаш борасидаги керакли билим ва қўниқмалар билан таъминлашда мухим ўрин тутади.

#### 2.1 Тиббий муассасалар босқичида маълумотларни тўплаш

Тиббий муассасалар босқичида иммунизация билан боғлиқ ишларнинг ҳисобини юритиш учун қўйидаги қайд этиш шаклларидан фойдаланилади:

1. Эмлашни қайд этиш журнали
2. Эмлаш карталари
3. Эмлаш картотекаси
4. Вакциналар ва хавфсиз эмлаш учун материаллар мавжудлигининг ҳисобини юритиш журнали
5. Ҳароратни қайд этиш варағи (совутгичда)
6. Беморларни қайд этиш журнали

### **2.1.1 Эмлашни қайд этиш журнали**

Эмлашни қайд этиш журналида ҳар бир кишига юборилган вакцина дозасининг ҳисоби олиб борилади; бу соғлиқни сақлаш тизими ходимларига ҳар бир боланинг иммунизациясини кузатиб боришларида ёрдам беради. Хизмат кўрсатилаётган туманда иммунизация ўтказилиши лозим бўлган болага ёки конкрет ёш гурӯҳидаги бошқа шахсга юборилган ҳар бир доза эмлашни қайд этиш журналидаги ҳар бир исм, шариф тўғрисига тегишли маълумотлар билан биргаликда ёзиб борилиши зарур.

Бу маънода эмлашни қайд этиш журнали шахсий эмлаш мақомини (статусини) ва эмланмаганларни кузатиб бориш учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

**Аҳамиятли ҳолат.** Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари эмлашни қайд этиш журналига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишлари лозим: ушбу журнал вакцинация ўтказилганлик фактини тасдиқловчи ягона ҳижжат бўлиши мумкин.

#### **Эмлашни қайд этиш журналига қайд этилиши зарур бўлган муҳим маълумотлар**

Журналга қўйида келтирилган, шунингдек, Сизнинг тиббиёт муассасангизда ҳисобга олиниши зарур бўлган бошқа маълумотлар киритилиши лозим:

- шахсий (персонал) код
- қайд этиш санаси, одатда биринчи ташриф этиш санаси
- гўдакнинг исми, шарифи
- гўдакнинг түғилган санаси
- гўдакнинг жинси
- онанинг/ота-онанинг исми, шарифи, манзили
- юборилган вакциналар (вакциналар номи, серияси, дозаси) ва бошқа муолажалар
- эслатма, м-н, вакцинация ўтказилмаганлигининг сабаби

#### **5.3-машқ: Эмлашни қайд этиш журналидан фойдаланишнинг мақбул амалиёти**

**Сиз — Марказий вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг иммунизация масалалари бўйича мутасаддисисиз, ва кураторлик ташрифи чоғида эмлашни қайд этиш журналини юритиш билан боғлиқ қўйидаги муаммоларга дуч келдингиз.**

**ВАЗИФА: Мақбул амалиётга амал қиласлик олиши мумкин бўлган оқибатларни, ҳамда кўрсатилган муаммолар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни жадвалга туширинг**

## 5-МОДУЛЬ

Аниқланган мұаммолар	Келиб чиқиши мүмкін бўлган натижা
Журналлар барча иммунизация сессияларида, айниқса сайёр иммунизация сессияларида юритилмайди	
Маълумотлар тўлиқ эмас	
Айнан бир хил маълумотларнинг ўзи икки маротаба қайд этилган	
Журналдан эмләнмаганларни кузатиб бориш учун фойдаланилмайди	
Аниқланган мұаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар: 1. .... 2. .... 3. .... 4. ....	

### 2.1.2 Эмлаш карталари/эмлаш паспортлари

Эмлаш ўтказилмасдан қолган болаларни кузатиб бориш, ҳамда тиббиёт ходимларини навбатдаги эмлаш муддатлари ҳақида хабардор қилиш учун эмлаш карталарини тўғри тўлғазиш мухимдир. Карталарда ҳар бир киритилган вакцинанинг серия рақамини қайд этиш ва/ёки иммунизациядан кейинги нохуш ҳолатни хужжатлаштириш учун маҳсус ўрин мавжуд.

Эмлаш карталари боланинг эмланганлик мақоми ҳақида узоқ муддат — кўп йиллар мобайнида маълумот манбаи бўлиб хизмат қилишга ярайдиган, пухта ва юқори сифатли тарзда тайёрланиши лозим. Аксарият ҳолларда ушбу карталар мўъжаз ён дафтарча ёки ҳамён ҳажмидаги буклет шаклига эга.

### 2.1.3 Эмлаш картотекаси

Иммунизация ўтказилиши лозим бўлган, лекин вакцинацияни олишга келмаган болани ёки бошқа ёш туругидаги шахсни кузатиб бориш мухимдир. Агар тиббий муассаса хизмат кўрсатадиган худудда эмланмаганлар сони жуда кўпчилликни ташкил этса, бу аҳолининг вакциналарга ишончи паст даражада эканлигини, сафарда ёмон хизмат кўрсатилишини ёки вакциналар тақчиллигини кўрсатиши мүмкин. Иммунизация якунланмаганлиги кўрсатичларини аниқлаш тизими «Ҳар бир туманин камраб олиш» стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади (4-иловага қаранг).



### 2.1.4 Вакциналар ва хавфсиз эмлаш учун материаллар мавжудлигининг ҳисобини юритиш журнали

Вакциналар қаерда сақланмасин, биринчи навбатда омборда вакциналар ва хавфсиз эмлаш учун материалларнинг киримини ва чиқимини, жумладан олингандигини, жўнатилгандигини ва/ёки

фойдаланилганилигини ҳисобга олиш учун заҳираларни бошқариш тизими мавжуд бўлиши лозим.

Бу қуидагиларни таъминлаш имконини беради:

- вакциналарни, эритувчиларни ва хавфсиз инъекция учун материалларни яроқлилик муддати ўтгунига қадар ишлатиш;
- вакциналарни олиш ва тарқатиш жараёнида флакон термоиндикатори (ФТИ) ҳолатини ва ҳароратнинг бошқа кўрсаткичларини қайд этиш;
- мақбул заҳира (тақчилликсиз ва туриб қолишсиз).



Вакциналарнинг турли серияларини фарқлаш мұхим, чунки улар турли яроқлилик муддатларига эга бўлиши мумкин ва, демак, тегишли кетма-кетлиқда қўлланилиши даркор ёки муайян сериядаги вакцинани қайтариб олиш зарурияти туғилса, ушбу сериядаги вакцинанинг қаерда турганлигини тезгина аниқлаш лозим бўлади.

Вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар мавжудлигининг ҳисобини оддий иш дафтирида ёки алоҳида карточкада юритиш мумкин.

**Аҳамиятли ҳолат. Ҳамиша ҳар бир вакцинанинг серия рақамини қайд этинг.**

#### 1-жадвал: Вакциналар ва хавфсиз инъекция учун материаллар ҳисобини юритишда кенг тарқалган муаммолар

Кенг тарқалган муаммолар	Келиб чиқиши мүмкін бўлган натижа	Мақбул амалиёт
Ҳисоб юритилмайди	Вакциналарнинг туриб қолиши, омбор биносининг етишмаслиги, тақчиллик	Ҳисобга олиш журналини юритиш
Маълумотлар янгиланмайди	Вакциналарнинг туриб қолиши, омбор биносининг етишмаслиги, тақчиллик	Ҳисобга олиш журналидаги маълумотларни материаллар олинган ва тарқатилган ҳар бир ҳолатда янгилаш
Маълумотлар тўлиқ эмас (яроқлилик муддати, ФТИ кўрсаткичининг ҳолати ёки серия рақами йўқ)	Омборда яроқлилик муддати ўтган вакцина ёки ФТИ кўрсаткичи бўйича вакцинанинг яроқсизлиги ҳақида далолат берувчи вакциналар мавжуд бўлиши мумкин	Вакциналарни ҳисобга олиш журналидаги барча қаторларни тўғзазиш ва яроқлилик муддати ўтган вакциналарни олиб қўйиш

## 5-МОДУЛЬ

### 2.1.5 Совутгичдаги ҳароратни қайд этиш варағи

Кунига икки маротаба (жумладан дам олиш ва байрам кунларида) вакциналар сақланаётган совутгич ва музлатгичнинг ҳарорати қайд этиш варағига тушириб борилади. Бундай маълумотни тўплаш мураккаб эмас, лекин у вакцина сифатини аниқлаш, тиббиёт ходимларини ўқитиш жараёнларида бебаҳо манба бўлиб хизмат қиласи, ҳамда тиббиёт муассасасида ускуналар (жумладан термометрлар) мавжудлиги ҳақида далолат бериши мумкин.

#### 2-расм. Ҳарорат назоратини қайд этиш варағи, Марказий вилоят, 1–16 август 2005

Манзилгоҳи:			Бирламчи омбор					
Ускуна:			№1 Совутиш хонаси					
Тўғри ҳарорат режими:			+2°C дан +8°C гача					
Душанбадан бошлаб ҳафта кунлари:			5 август 2005					
ҳафта кунлари	Эрталаб	°C	Меъёрдами?	Инициаллар	Тушдан кейин	°C	Меъёрдами?	Инициаллар
душ.								
сеш.								
чор.								
пайш.								
жума								
шанба								
якшанба								

#### Ушбу шаклни ҳафтанинг барча 7 куни мобайнинда кунига икки маротабадан тўлғазиб боринг

- 1) Текширинг ҳамда текшириш вақти ва ҳароратни қайд этинг.
- 2) Қайд жадвалининг давомийлигини текширинг. «Меъёрдами?» қаторига ФАҚАТ, агар ҳарорат сўнгги текшириш пайтидан бўён тўғри ҳарорат режими доирасида турган бўлсагина, «Ҳа» ишорасини қўйинг. Бошқа барча ҳолатларда «Йўқ» ишорасини қўйинг ва носозлик ҳақида ўз раҳбарингизни огоҳ этинг.
- 3) «Эслатма» бўлимида барча одатдан ташқари ҳодисаларни, механик шовқинни, ва шу кабиларни қайд этинг, ҳамда ўз раҳбарингизни хабардор қилинг.
- 4) Ҳар душанба куни янги варақ юритишни бошлиш лозим, ўтган ҳафтада тўлган варақни эса ўз раҳбарингизга топширинг.

#### Эслатма:

- Чоршанба куни тушдан кейин — совутгич агрегатида шовқин.
- Пайшанба куни эрталаб — совутгич агрегати ишламаяпти.
- Пайшанба куни соат 19.00. агрегат таъмирлаб бўлинди.

**ҲАМИША ЁДДА ТУТИНГ: Ушбу шаклни тўлғазган ходим вакцинанинг сақланиши учун масъулдир!**

## 2.1.6 Беморларни қайд этиш журнали

Ҳар бир тиббиёт муассасасида стационар ва амбулатория қабулига келган bemорларни қайд этиш журнали бўлиши зарур. Журналга одатда bemорнинг исми, шарифи, фамилияси, манзилгоҳи, ёши ташхиси ва тавсия этилган ҳамда кўлланилган даволаш муолажалари қайд этилади.

Тиббиёт муассасасидаги амбулатория bemорларини қайд этиш журнали бошқариладиган инфекциялар ва эмлашдан кейинги ноxуш ҳолатлар ҳақидаги муҳим аҳборот манбаи ҳисобланади. Албатта мазкур маълумотлар ойлик ҳисоботга киритилади (2.2.1-бўлим) ва кураторлик ташрифлари чоғида текшириб борилади (2.2.2-бўлим).

Миллий сиёсатга мувофиқ, аниқланган бошқариладиган инфекциялар ва эмлашдан кейинги ноxуш ҳолатлар ҳақида юқори муассасаларга «шошилинч хабарнома» юборилиши лозим.

## 2.1.7 Ташвиқотни ва коммуникацияни, ҳамда тиббий муассаса даражасида дастурни бошқариш кўрсаткичларини мониторинг қилиб бориш усуллари

Жорий ойда ўтказилиши мўлжалланган чора-тадбирларнинг умумий ойлик иш режаси ҳам иммунизация тизимининг 4 ва 5-компонентлари мониторинги учун ўзига хос инструмент вазифасини ўташи мумкин. Иммунизация сессияларидан ташқари қўйидаги тадбирлар устидан мониторинг олиб бориш мумкин:

- аҳолини сафарбар этиш;
- маҳаллий аҳоли йиғилишини;
- кураторлик ташрифи;
- тиббиёт ходимларининг йиғилишлари;
- ўқув курслари;
- тиббиёт ходимларининг бошқа лавозимга ва иш жойларига ўтиши;
- материалларни етказиб бериш жадвали.

## 2.2 Туман ёки вилоят босқичида маълумотларни тўплаш

### 2.2.1 Ойлик ҳисбот

Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир босқичида иммунизация бўйича маълумотлар ойлик ҳисбот кўринишида йиғилиши ўта муҳимдир.

Ойлик ҳисботлар иммунизация тизимининг аксарият компонентлари бўйича асосий маълумотларни ўзида жамлаши зарур; шу билан бирга ойлик ҳисбот ўта муфассал ва тиббиёт ходимини уринтириб қўядиган даражада бўлмаслиги лозим. Тиббиёт муассасалари томонидан тақдим этиладиган аксарият маълумотлар (2.1-бўлимга қаранг) туман босқичидаги эпидемиологик назорат муассасасига юбориладиган ойлик ҳисботга киритилади. У ерда барча тиббиёт муассасаларининг маълумотлари ойлик ҳисбот кўринишида жамланади ва вилоят босқичига тақдим этилади. Ва, ниҳоят вилоят босқичидаги эпидемиологик назорат муассасаси туманлар бўйича барча маълумотларни жамлаб вилоят бўйича умумий ҳисботни шакллантиради ва Миллий босқичга жўнатади:

- ой давомида юборилган вакциналар дозасининг миқдори,
- тиббий монелик (қисқа вақтга, узоқ муддатли ва доимий) туфайли АКДС вакцинасини олмаганлар сони,
- **Украинадан мисол:** ой давомида эмланганлар сони + олинган ва фойдаланилган заҳиралар, шу жумладан вакциналар ва инъекция учун материаллар.

Шуни эътиборга олингки, бу иммунизация бўйича «йиғма» ойлик ҳисбот. Касалланиш ҳақидаги маълумотлар алоҳида ҳисбот кўринишида тайёрланади. Соғлиқни сақлаш тизимининг иммунизация масалалари

## 5-МОДУЛЬ

бўйича мутасаддиси сифатида Сизнинг иммунизация ва касалланиш ҳақидаги маълумотларни билишингиз ўта мухимdir; бу Сизга ўз участкангизда иммунизация бўйича мониторинг олиб боришингизда, ҳамда муаммолар пайдо бўлганида тегишли чоралар қўллашингизда ёрдам беради.

### 3-расм. Тиббиёт муассасаси ойлик ҳисоботининг намунаси

Расм 3.3. Ойлик ҳисоботининг намунаси									
№	Номер	Год	Санкет	Момент	Ончалик	Инцидент	Лечебнича	Лечебнича	Лечебнича
<b>Санкети ойлик ҳисоботининг намунаси</b>									
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
БД-1	12.4.000	11.01.01							
БД-2	12.4.000	11.01.02							
БД-3	12.4.000	11.01.03							
БД-4	12.4.000	11.01.04							
БД-5	12.4.000	11.01.05							
БД-6	12.4.000	11.01.06							
БД-7	12.4.000	11.01.07							
БД-8	12.4.000	11.01.08							
БД-9	12.4.000	11.01.09							
БД-10	12.4.000	11.01.10							
БД-11	12.4.000	11.01.11							
БД-12	12.4.000	11.01.12							
БД-13	12.4.000	11.01.13							
БД-14	12.4.000	11.01.14							
БД-15	12.4.000	11.01.15							
БД-16	12.4.000	11.01.16							
БД-17	12.4.000	11.01.17							
БД-18	12.4.000	11.01.18							
БД-19	12.4.000	11.01.19							
БД-20	12.4.000	11.01.20							
БД-21	12.4.000	11.01.21							
БД-22	12.4.000	11.01.22							
БД-23	12.4.000	11.01.23							
БД-24	12.4.000	11.01.24							
БД-25	12.4.000	11.01.25							
БД-26	12.4.000	11.01.26							
БД-27	12.4.000	11.01.27							
БД-28	12.4.000	11.01.28							
БД-29	12.4.000	11.01.29							
БД-30	12.4.000	11.01.30							
БД-31	12.4.000	11.01.31							
БД-32	12.4.000	11.01.32							
БД-33	12.4.000	11.01.33							
БД-34	12.4.000	11.01.34							
БД-35	12.4.000	11.01.35							
БД-36	12.4.000	11.01.36							
БД-37	12.4.000	11.01.37							
БД-38	12.4.000	11.01.38							
БД-39	12.4.000	11.01.39							
БД-40	12.4.000	11.01.40							
БД-41	12.4.000	11.01.41							
БД-42	12.4.000	11.01.42							
БД-43	12.4.000	11.01.43							
БД-44	12.4.000	11.01.44							
БД-45	12.4.000	11.01.45							
БД-46	12.4.000	11.01.46							
БД-47	12.4.000	11.01.47							
БД-48	12.4.000	11.01.48							
БД-49	12.4.000	11.01.49							
БД-50	12.4.000	11.01.50							
БД-51	12.4.000	11.01.51							
БД-52	12.4.000	11.01.52							
БД-53	12.4.000	11.01.53							
БД-54	12.4.000	11.01.54							
БД-55	12.4.000	11.01.55							
БД-56	12.4.000	11.01.56							
БД-57	12.4.000	11.01.57							
БД-58	12.4.000	11.01.58							
БД-59	12.4.000	11.01.59							
БД-60	12.4.000	11.01.60							
БД-61	12.4.000	11.01.61							
БД-62	12.4.000	11.01.62							
БД-63	12.4.000	11.01.63							
БД-64	12.4.000	11.01.64							
БД-65	12.4.000	11.01.65							
БД-66	12.4.000	11.01.66							
БД-67	12.4.000	11.01.67							
БД-68	12.4.000	11.01.68							
БД-69	12.4.000	11.01.69							
БД-70	12.4.000	11.01.70							
БД-71	12.4.000	11.01.71							
БД-72	12.4.000	11.01.72							
БД-73	12.4.000	11.01.73							
БД-74	12.4.000	11.01.74							
БД-75	12.4.000	11.01.75							
БД-76	12.4.000	11.01.76							
БД-77	12.4.000	11.01.77							
БД-78	12.4.000	11.01.78							
БД-79	12.4.000	11.01.79							
БД-80	12.4.000	11.01.80							
БД-81	12.4.000	11.01.81							
БД-82	12.4.000	11.01.82							
БД-83	12.4.000	11.01.83							
БД-84	12.4.000	11.01.84							
БД-85	12.4.000	11.01.85							
БД-86	12.4.000	11.01.86							
БД-87	12.4.000	11.01.87							
БД-88	12.4.000	11.01.88							
БД-89	12.4.000	11.01.89							
БД-90	12.4.000	11.01.90							
БД-91	12.4.000	11.01.91							
БД-92	12.4.000	11.01.92							
БД-93	12.4.000	11.01.93							
БД-94	12.4.000	11.01.94							
БД-95	12.4.000	11.01.95							
БД-96	12.4.000	11.01.96							
БД-97	12.4.000	11.01.97							
БД-98	12.4.000	11.01.98							
БД-99	12.4.000	11.01.99							
БД-100	12.4.000	11.01.100							
БД-101	12.4.000	11.01.101							
БД-102	12.4.000	11.01.102							
БД-103	12.4.000	11.01.103							
БД-104	12.4.000	11.01.104							
БД-105	12.4.000	11.01.105							
БД-106	12.4.000	11.01.106							
БД-107	12.4.000	11.01.107							
БД-108	12.4.000	11.01.108							
БД-109	12.4.000	11.01.109							
БД-110	12.4.000	11.01.110							
БД-111	12.4.000	11.01.111							
БД-112	12.4.000	11.01.112							
БД-113	12.4.000	11.01.113							
БД-114	12.4.000	11.01.114							
БД-115	12.4.000	11.01.115							
БД-116	12.4.000	11.01.116							
БД-117	12.4.000	11.01.117							
БД-118	12.4.000	11.01.118							
БД-119	12.4.000	11.01.119							
БД-120	12.4.000	11.01.120							
БД-121	12.4.000	11.01.121							
БД-122	12.4.000	11.01.122							
БД-123	12.4.000	11.01.123							
БД-124	12.4.000	11.01.124							
БД-125	12.4.000	11.01.125							
БД-126	12.4.000	11.01.126							
БД-127	12.4.000	11.01.127							
БД-128	12.4.000	11.01.128							
БД-129	12.4.000	11.01.129							
БД-130	12.4.000	11.01.130							
БД-131	12.4.000	11.01.131							
БД-132	12.4.000	11.01.132							
БД-133	12.4.000	11.01.133							
БД-134	12.4.000	11.01.134							
БД-135	12.4.000	11.01.135							
БД-136	12.4.000	11.01.136							
БД-137	12.4.000	11.01.137							
БД-138	12.4.000	11.01.138							
БД-139	12.4.000	11.01.139							
БД-140	12.4.000	11.01.140							
БД-141	12.4.000	11.01.141							
БД-142	12.4.000	11.01.142							
БД-143	12.4.000	11.01.143							
БД-144	12.4.000	11.01.144							
БД-145	12.4.000	11.01.145							
БД-146	12.4.000	11.01.146							
БД-147	12.4.000	11.01.147							
БД-148	12.4.000	11.01.148							

## 2.2.2 Кураторлик ташрифлари

Сиз ойлик ҳисобот шаклига иммунизация тизимининг ташвиқот ва коммуникация, ҳамда дастурни бошқариш каби компонентлари ҳақидаги ахборотлар киритилиши кўзда тутилмаганлигини сезган бўлишингиз мумкин.

Кураторнинг жойларда олиб борадиган фаолияти пассив ҳисоботга киритилмайдиган маълумотларни тўплаш имкониятини беради (м-н, ҳисобга олиш вараклари ёки ойлик ҳисоботлар (маълумотларни пассив ва фаол тўплаш ўртасидаги тафовутлар кептирилган) 5.1 қўшимчага қаранг).

**Аҳамиятли ҳолат.** *Иммунизация тизимининг самарали мониторинги маълумотларни пассив ва фаол тўплашни биргаликда олиб боришни талаб қиласди.*

Кураторлик иммунизация тизими фаолиятининг устидан фаол қузатув олиб боришни, тиббиёт ходимлари ва аҳоли билан сұхбатлар уюштириши кўзда тутади. *Кураторликнинг вазифаси – муаммоларни аниқлаш ва қарорлар қабул қилишдир.* Тиббиёт ходимлари билан учрашиб, мuloқотга киришиб ютуқларни баҳолаш, ҳамда уларнинг эътиroz ва танқидларини инобатга олиш зарур. Агар кураторлик жуда қисқа мuddатлик ва режалаштирилмасдан амалга оширилса, улардан наф жуда кам, чунки бу ҳолатда тизимли мониторингнинг имконияти йўқ.

### 5.1-қўшимча. Маълумотларни пассив ва фаол тўплаш ўртасидаги тафовутлар нимадан иборат?

#### Маълумотларни пассив тўплаш

Маълумотларни пассив тўплаш, қуйи босқичдаги тиббиёт муассасаларидан соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини ёки навбатдаги бўғини раҳбарига мунтазам (м-н, ойлик) ҳисоботлар жўнатилишини кўзда тутади. Бундай жараён «режали» ҳисобот сифатида маълум ва одатда Миллий тиббий ахборотни бошқариш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади (соғлиқни сақлашни бошқариш бўйича ахборот тизими). Маълумотларни пассив тўплаш иммунизация сессиялари чоғида тўлғазиладиган ҳисобга олиш варакларидан бошланади. Ҳисобга олиш вараклари кейин ойлик ҳисобот кўринишида жамланади. Ойлик ҳисоботлар эса ҳар бир маъмурӣ ҳудудда умумлаштирилади. Ойлик ҳисоботлар ўзида иммунизация тизимининг барча бешта компоненти бўйича максимал ҳажмдаги маълумотларни мужассам этиши зарур. Лекин амалиётда ойлик ҳисоботларда ҳамиша ҳам, иммунизация дастурининг бажарилишининг бориши ҳақида батафсил маълумот олиш учун зарур бўладиган барча деталлар (икир-чикирлар) кўзда тутилмайди.

#### Маълумотларни фаол тўплаш

Кураторлик ташрифи иммунизация тизимининг барча компонентлари устидан мониторинг ҳамда ойлик ҳисоботни (маълумотларни пассив тўплаш) етишмаётган маълумотлар билан тўлғазиш учун аъло даражадаги имконият яратиб беради. М-н, иммунизация бўйича фаолият устидан фаол қузатув, ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва аҳоли билан мuloқот ойлик ҳисоботда йўқ маълумотларни йигиш имконини беради.

### 5.4-машқ: «Ҳар бир туманни қамраб олиш» (ҲБТҚО) стратегияси тадбиқ этилиши устидан мониторинг учун маълумотларни пассив ва фаол тўплашдан фойдаланиш.

Сиз — Фарбий вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг иммунизация масалалари бўйича мутасаддисисиз ва ўзингизга беркитилган туманлардан бирида «Ҳар бир туманни қамраб олиш» (ҲБТҚО) стратегияси бажарилишининг бориши устидан мониторинг ўтказишни мўлжаллаяпсиз. Айрим маълумотларни ойлик ҳисоботлардан олиш мумкин, айрим маълумотлар эса йўқ. Шу боисдан, ҳақиқий аҳволни гавдалантиришингиз учун бошқа усуслардан фойдаланишингизга тўғри келади.

**ВАЗИФА:** Қуйидаги жадвалда қайси маълумотларни ойлик ҳисоботдан олиш мумкинлигини ва қайси маълумотларни кураторлик ташрифлари, кузатувлар ва муҳокамалар чоғида тўплаш зарурлигини ҳал этинг. 4-иловада ҲБТҚО стратегияси билан боғлиқ ишларнинг тафсилотлари келтирилган.

ҲБТҚО стратегиясининг ишчи компонентлари	Маълумотларни пассив тўплаш (ойлик ҳисоботлар)	Маълумотларни фаол тўплаш (ташрифлар, кузатувлар ва муҳокамалар)
Сафарда эмлаш ўтказишни қайтадан тикланг		
Кўллаб-куватловчи кураторлик		
Хизматларнинг ахоли учун кулайлиги		
Тегишли чоралар кўриш учун маълумотлардан фойдаланишнинг мониторинги		
Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш		

#### 2.2.3 Бошқа ҳисоботлар

Бошқариладиган инфекциялар устидан назорат бўйича Миллий вазифаларга ва вакциналар хавфсизлиги борасидаги сиёсатга кўра, туман ва вилоят босқичларида қўшимча ҳисоботлар ҳам тайёрланиши мумкин; улар иммунизация тизимининг мониторинги учун қўшимча маълумотларни беради. Буларга ИКНК ҳақида ҳисоботлар ва уларни текшириш, ҳамда ўтқир нимжон фалажлик ҳолатлари устидан текширувлар олиб бориш киради.

#### 2.2.4 Ҳисоботларнинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги устидан мониторинг

Агар ҳисоботлар ўз вақтида жўнатилса ва олинса, зарур тадбирларни тез ва самарали ўтказиш эҳтимоллиги ошади. Идеал ҳолатда – ҳисобот тўлиқ ва барча маълумотларнинг таҳлили ўз вақтида амалга оширилади, бу ҳол тезгина ахборот олиш ва вазиятни назоратда тутиб турish имконини беради. Бироқ, тиббий муассасанинг ва/ёки туманнинг муайян давр мобайнидаги маълумотларини кечикиб тақдим этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ўз вақтидан кечикиб олинган маълумотларни бошқаришнинг энг маъқул усули — жорий ойлик ҳисоботга илова сифатида киритишдир. Ўз вақтидан кейин келиб тушган маълумотларга бефарқлик билан қарамаслик зарур. Улардан барча босқичлардаги маълумотларни коррекция қилишда фойдаланиш лозим.

**Аҳамиятли ҳолат.** *Туманлар тиббиёт муассасаларидан кечикиб топшириладиган ҳисботлар олинишини кутиб ҳисботни топшириш муддатини бузмасликлари даркор.*

Муайян давр учун ҳисботларнинг тўлиқлиги топширилиши кутилаётган ҳисботларнинг умумий сони (асос — маҳраж) ва амалда олинган ҳисботларнинг сони (сурат) асосида баҳоланади; натижа фоизларда ифодаланади. Агар тумандан барча ҳисботлар олинмаган бўлса, эмлаш билан қамраб олишнинг умумий кўрсатгичи пасаяди, лекин у ҳақиқий вазиятни акс этирмайди. Тиббий муассасалардан туман босқичига жўнатиладиган ойлик ҳисботларнинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги қайд этиладиган шаклнинг намунаси 3-иловада келтирилган.

### 5.5-машқ: Ҳисботлар тақдим этилишининг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги устидан мониторинг.

**Сиз — Ғарбий вилоятда соғлиқни сақлаш бошқармасида иммунизация масалалари бўйича раҳбарсиз ва 12 та туманда дастлабки 6 ойда ҳисботлар тақдим этилишининг ўз вақтидалигини ва тўлиқлигини баҳолайсиз.**

**1-ВАЗИФА:** Ҳар бир ой учун ҳисботлар тақдим этилишининг ўз вақтидалигини ва тўлиқлигини ҳисоблаб охирги икки қаторни тўлғазинг (3-иловадаги мисол шаклига қаранг).

**Ғарбий вилоядта ҳар ойнинг 15-санаси ҳолатига кўра ҳисботлар тақдим этилишининг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги устидан мониторинг шакли**

Туманлар	тақдим этилган ҳисботлар:					
	январда	февралда	марта	апрелда	майда	июнда
Туман 1	12	23	12	24	22	22
Туман 2	23	15	12	25	20	22
Туман 3	24	13	13	25	20	22
Туман 4	14	14	13	25	20	24
Туман 5	14	20	13	22	13	25
Туман 6	12	23	13	22	13	24
Туман 7	23	23	13	22	12	23
Туман 8	12	23	13	22	-	-
Туман 9	13	25	12	22	22	22
Туман 10	23	25	-	-	-	22
Туман 11	23	24	12	12	22	10
Туман 12	24	25	12	22	22	23

## 5-МОДУЛЬ

тұлқылығы	# тақдим этилган x 100 # туманлар						
ўз вақтидалиғы	# ўз вақтида тақдим этилган x 100 # туманлар						

**2-ВАЗИФА: Ғарбий вилоятта ҳисоботлар тақдим этилишининг ўз вақтидалиғи ва түлиқлигини яхшилаш учун қанақа чоралар кўрасиз?**

### 5.2-қўшимча. Маълумотлар етишмовчилиги ва ортиқчалиги ўртасидаги энг мақбул мувозанатни қандай топиш мумкин?

Вилоят эпидемиологик назорат муассасасига катта ҳажмдаги ахборотлар оқими келиб тушади; соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари ҳар бир тумандан ҳисобот қабул қилиб олади. Буларга туман тиббиёт муассасаларига кураторлик ташрифлари ҳақидаги ҳисоботлар, вилоят, маъмурий ва молиявий муассасаларнинг ҳамда совуқлик занжирининг тўғри ҳолати ва моддий-техник таъминот учун масъул бўлинмаларнинг ҳисоботлари киради. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари ўз кураторлик ташрифлари ҳақида ҳам ҳисобот тайёрлайди. Бундай катта ҳажмдаги ахборотни ўзлаштириш учун соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари, иммунизация дастури мониторинги кўрсатгичларига асосланиб, қайси маълумотларни у мунтазам равишда таҳлил этиб бориши зарурлигини аниқ тасаввур этиши лозим. Бу кўрсаткичларни, Сизда иммунизация дастури бажарилишининг бориши ҳақида етарлича ахборот бўлиши шартлиги, лекин шу билан бирга Сиз йиғилиши зарур бўлган ўта катта ҳажмдаги маълумотларга кўмилиб ҳам қолмаслигингиз лозимлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб танланади. Ёдда тутингки, муаммолар аниқланган тақдирда самарали тадбирларни кўриш учун Сизда етарли ҳажмдаги маълумот бўлиши лозим.

### 2.3 Маълумотларга ишлов бериш

Тиббиёт ходими, хусусан соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари маълумотларни пассив ва фаол йиғиш натижасида тўпланган барча ахборотни ҳар ойнинг охирида таҳлил этиб чиқиши лозим. Қуйида келтирилган амалларни кетма-кет бажариш соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари ҳисоботни олганида зарур тадбирларни кўришини кафолатлаш имконини беради. Бунинг учун:

- 1. Келиб тушаётган барча ҳисоботларни қараб чиқиши:** келиб тушаётган барча ҳисоботларни тушириб қолдирилган ҳолатлар, ноаниқлар (м-н, ҳисоблашдаги ёки рақамларни киритишдаги хатоликлар), номувофиқлар мавжудлигига нисбатан қараб чиқилиши зарур. Ушбу нуқсонларнинг сабабини аниқлаш, агар имкони бўлса, тўғрилаш лозим.
- 2. Устувор кўрсаткичларга ва ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиш:** иммунизация дастури кўрсаткичларининг ютуклари ҳақидаги маълумотларни умумлаштиринг, ҳамда илгари самарасиз фаолият юритган тиббий муассасалардан ёки ҳудудлардан олинган маълумотларни, ёхуд тўсатдан ўзгаришлар содир бўлган фаолият турларини ўрганиб чиқинг.

- 3. Маълумотларни бирлаштириш/қўшиб чиқиш:** ўзингиздан юқорида турувчи маъмурий босқичга жўнатиш учун ҳисоботтайёрланг. Ойлик ҳисобот кўрсаткичларни баҳолаш ва барча босқичларда фойдаланиш учун зарур бўладиган қатор маълумотлардан иборат бўлиши кўзда тутилади.
- 4. Маълумотларни таҳлил этиш:** навбатдаги бўлимда иммунизация дастурининг режада кўзда тутилган кўрсаткичларига эришиш борасидаги тараққиётни (прогрессни) баҳолаш учун маълумотларни қандай таҳлил этиш зарурилиги баён этилган.

### 2.3.1 Маълумотларнинг компьютер базасидан фойдаланиш

Аслида ойлик ҳисоботдаги ва бошқа манбалардаги ахборотлар маълумотларнинг компьютер базасига жойлаштирилиши, ҳамда ушбу маълумотлар асосида кўргазмали жадваллар ва графиклар тайёрланиши лозим.

Маълумотлар базаси етарлича тўлиқ ва ойлик ҳисоботларнинг барча миқдорий маълумотларини (м-н, вакциналар дозасининг миқдори, касалланиш, ИКНК, заҳира миқдори, келтирилаётган вакциналар ҳажми ва бошқаларни) қамраб олади.

Турли мамлакатларда маълумотларнинг турлика компьютер базасидан фойдаланилади. Улардан бири ойлик ҳисоботлар учун йигиладиган миқдорий маълумотларни киритиш мақсадида ЖССТ штаб-квартираси томонидан (Excel форматида) ишлаб чиқилган.

Иммунизация  
тизими ва  
кўрсаткичлар

Маълумотларни  
тўплаш ва  
ишлов бериш

Маълумотларни  
таҳлил этиш ва  
акс эттириш

Чоралар кўриш

Тескари алоқа  
ва ҳисобот

### 3. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА АКС ЭТТИРИШ

Иммунизация дастури раҳбарлари ҳар бир босқичда, хизмат кўрсатилаётган ҳудуддаги кўрсаткичлар натижаларининг (аҳолининг мақсадли гурӯҳларида) мониторинги учун йигиладиган маълумотлардан фойдаланишлари зарур. Бу ўтмишда фаолияти самарасиз бўлган туманларни ёки иш фаолиятида кутилмаган сифат ўзгаришлари содир бўлган туманларни текшириш имконини беради.

Ушбу бўлимда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарига маълумотларни таҳлил этиш, акс эттириш ҳамда муаммоли туманларни аниқлаш имконини берувчи одатда қўлланиладиган воситалар кўриб чиқилган. Қатор усуllар, жумладан маълумотларни график тусда акс эттириш: иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг /иммунизация тугалланмаганлигининг графики, гистограммалар, карталар ва жадваллар баён этилган.

#### 3.1 Мониторинг маълумотларини графикда акс эттириш усуllари

##### 3.1.1 Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг /иммунизация тугалланмаганлигининг графики

Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг/иммунизация тугалланмаганлигининг график – бу минтақалардаги ёки туманлардаги мақсадли гурӯҳларнинг иммунизация билан қамраб олиниши визуал мониторингининг энг оддий ва самарали усулидир. Графикда қўйидаги маълумотлар тақдим этилган:

- Ҳар ойда болаларга юборилган вакциналар дозаси миқдорининг уни олиши лозим бўлган болалар (мақсадли аҳоли) сонига нисбати;
- Агар иккита вакцина билан қамраб олиш кўрсаткичларини битта графикка туширилса, ушбу вакциналар билан иммунизация тугалланмаганлиги кўрсаткичларининг мониторингини ҳам амалга ошириш мумкин, яъни графикда эмлашни энди бошлаган чақалоқларнинг эмлаш билан қамраб олинишини вакцинанинг барча дозаларини олиб ултурган чақалоқларнинг эмлаш билан қамраб олинишига таққослаш мумкин.


Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг/иммунизация тугалланмаганлигининг графикини барча босқичлардаги – даволаш-профилактика муассасасидан то Миллий эпидемиологик назорат марказигача бўлган тиббий муассасаларда кўзга яхши ташланадиган жойга қўйиш зарур. Тибиёт ходимининг ўзи бундай графикларни тайёрлай олиши жуда мухимdir (4-иловада келтирилган қўлланма ва амалиётда қўллаш учун график шаклига қаранг).

**5.6-машқ:** Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг/иммунизация тугалланмаганлигининг графигини тузиш ва талқин этиш.

Сиз Шимолий вилоятда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари сифатида мазкур вилоятда иммунизация билан қамраб олиш мониторинги/иммунизация тугалланмаганлиги учун жавоб берасиз.

**1-ВАЗИФА:** Адсорбцияланган кўййутал-дифтерия-қоқшол вакцинаси (АКДС) АКДС1 ва АКДС3 билан қамраб олиш графикини тўлғазинг (4-иловага қаранг).

**2-ВАЗИФА:** Графикнинг асосий учта талқинини айтинг.



**5.7-машқ:** Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг/иммунизация тугалланмаганлигининг қандай графиклари фойдали бўлиши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилиш.

Сиз — соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари сифатида иммунизация билан қамраб олиш мониторинги/иммунизация тугалланмаганлигининг қандай графиклари назоратингиз остида бўлган вилоятдаги кўрсаткичлар бажарилишининг бориши ҳақидаги қанаقا фойдали ахборотни бериши мумкинлиги борасидаги масалани ҳал этасиз.

**1-ВАЗИФА:** Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг/иммунизация тугалланмаганлигининг графикини кўздан кечиринг. Ҳар бир графикдан ўз рўйхатингизга иммунизация дастури кўрсаткичларининг мониторинги учун фойдали бўлган ахборотни кўчириб олинг.

Иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг /иммунизация тугалланмаганлигининг графиги	Графикдаги иммунизация дастури күрсаткичларини мониторинг қилишда фойдали бўлиши мумкин бўлган ахборот
АКДС1 ва АКДС3	
АКДС1 ва ВСКК	
ГепВ3 ва АКДС3	
ОПВ3 ва АКДС3	
ОПВ1 ва ОПВ3	
АКДС3 ва ВСК	
ВСК1 ва ВСК	


### 3.1.2 Гистограммалар (Устунли диаграмма)

Одатда иммунизация билан қамраб олиш мониторингининг/иммунизация тугалланмаганлигининг графиги бирон ҳудуддан (м-н, тиббий муассаса хизмат кўрсатадиган ҳудуд ёки вилоят) олинган ахборотни акс эттиради. Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари бир неча ҳудудлардан олинган маълумотларни таққослаши зарур; буни фақатгина мониторинг графикларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин эмас.

Гистограммани тайёрлаш ва талқин этиш ўнгай. У бир неча тумандаги оддий сонларни, кўрсаткичларни ёки фоизларни акс эттириш учун, ёки қатор турли кўрсаткичлардан иборат бўлган мажмавий (комплекс) таҳдилни амалга ошириш учун кўлланилиши мумкин. Иложи борича гистограммада таҳдил этилаётган давр (шу жумладан йил) ҳақидаги маълумотни киритиш зарур.


**Аҳамиятли ҳолат.** Гистограмма, агар устунлар номланиши бўйича эмас, балки кўрсаткичларнинг бажарилиш тартибида жойлаштирилса енгил қабул қилинади. Маълумотларни бундай жойлаштириш уларнинг мавқенини белгилаш/«рангларга ажратиш» деб юритиласди.

**4-расм. Бошланғич йилга (2002) нисбатан АКДС3 билан қамраб олиш**



Юқорида келтирилган мисолда, гистограмма фақат битта құрсаткіч билан (яғни, АҚДС3) қамраб олиш ҳақидағы маълумотларни акс эттіради. Гистограммани, шунингдек, мажмуавий (комплекс) маълумотни, жумладан вақт бүйіча үзгаришни акс эттіриш учун ҳам құллаш мүмкін; бунда маълумотларни қабул қилиш ўнғай бўлишига эътиборни қаратиш лозим.

#### **5-расм. Иммунизация сессияси бажарилишига нисбатан АҚДС1 билан қамраб олиш гистограммаси**




**Аҳамиятли ҳолат.** Графикда ёки харитада құрсатилған айни даврни инобатта олишни унутманг, چунки бу ҳолат ахборотларнинг талқын этилишига таъсир құрсатиши мүмкін. М-н, бирорта йил учун келтирилған маълумотлар тағида ҳар йили бирон бир пайтда пайдо бўладиган муаммолар (м-н, ёмғирлар мавсумида аҳолини сафарбар этиши бўйича тадбирларнинг тўхтатилиши) яширингандан бўлиши мүмкін; алоҳидаги биронта ой учун келтирилған маълумотлар эса ушбу муаммонинг аҳамиятини умуман бўрттириб құрсатиши мүмкін.

### 3.1.3 Нуқтали ва бўялган хариталар

Маълумотларни хариталарга тушуриш иммунизация дастури бажарилиши кўрсаткичларини акс эттириш учун жуда фойдали усул ҳисобланади. Нуқтали ва бўялган хариталарда юқумли касаллик ҳолатларининг тақсимланишини кўрсатиш, ёки иммунизация билан қамраб олиш ҳақидаги маълумотларни акс эттириш мумкин.

Хариталарга акс эттирилаётган кўрсаткичларнинг баёнини илова сифатида келтириш (тиркаб қўйиш), ҳамда қаралаётган даврни (жумладан йилни) кўрсатиш жоиздир.

**6-расм. АҚДСЗ билан қамраб олиш кўрсаткичи паст, ўртача ва юқори ҳолатда бўлган туманларнинг бўялган хариталари; Жанубий вилоят, 2004-2006 йй**



### 3.2 Чораклик иш кўрсаткичларини таққослаш

Чораклик иш кўрсаткичларини таққослаш учун чорак мобайнида киритилган вакцина дозасининг микдорини шу чоракдаги мақсадли аҳоли сонига тақсимлаш зарур. Бу ҳар бир туманда иммунизация дастурининг бажарилишини чораклар бўйича таққослашнинг, ҳамда бир неча туманларнинг иш кўрсаткичларини ўзаро қиёслашнинг энг oddий усулидир.

3-жадвал турли туманларнинг маълумотларини кейинчалик акс эттириш ва таҳлил этиш учун битта жадвалга қандай тушириш мумкинligини кўрсатади.

1-туманда бир йил мобайнида 2400 нафар киши иммунизация қилиниши лозим. АКДС вакцинаси билан ҳар бир чорақда қамраб олиш қўйидаги сурат қийматларидан (АКДС нинг кирим қилинган дозаси миқдори) фойдаланиш йўли билан ҳисобланади:

	I чорак (январь, февраль, март)	II чорак (апрель, май, июнь)	III чорак (июль, август, сентябрь)	IV чорак (октябрь, ноябрь, декабрь)
Вакцинация қилинган болалар сони	500	450	380	550
Чорақлик қамраб олиш	83%	75%	63%	91%
Жамланиб ўсив борувчи қамраб олиш	83%	79%	74%	78%

Йиллик қамраб олиш 4 чорак мобайнида киритилган барча дозанинг умумий миқдорини йил давомида иммунизация олиши лозим бўлган аҳоли сонига тақсимлашда олинган қийматга тенг эканлигига эътибор қаратинг.

Яъни:  $500 + 450 + 380 + 550 / 2400 \times 100 = 78\%$

### 3-жадвал: Иммунизация билан қамраб олишни чорақлар бўйича таҳлил этиш учун маълумотлар

**Ҳар бир туман учун: ҳар бир чорақ якунида тегишли устунга ҳар бир турдаги вакцина учун қамраб олиш маълумотларини киритинг**

	БЦЖ				АКДС1				АКДС3				ОПВЗ				Қизамик				Геп В3				AC 2+					
	ч. 1	ч. 2	ч. 3	ч. 4																										
Туман 1																														
Туман 2																														
Туман 3																														
Туман 4																														
Туман 5																														
Туман 6																														
Туман 7																														
Туман 8																														
Туман 9																														
Туман 10																														

#### 5.3-қўшимча. Асос қайдардага аниқ бўлиши зарур?

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарининг иммунизация юзасидан белгиланган вазифалар бажарилишининг бориши бўйича мониторингни амалга ошириш борасидаги фаолияти бошлангич маълумотларнинг аниқлигига жуда боғлиқ бўлади. Натижалар кўрсаткичи аксарият ҳолларда фоизларда ифодаланади, шу боисдан ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида ишончли асосдан фойдаланиш ўта муҳимдир.

Асосга бир ёшгача болаларми, туғруқ ёшидаги аёлларми ёки етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудларда яшовчи кишилар бўладими, умуман олганда, иммунизация ўтказилиши лозим бўлган аҳоли дея таъриф бериш мумкин.

## 5-МОДУЛЬ

Асос учун маълумотларнинг кўплаб турли манбалари мавжуд ва айрим давлатларда улардан бир нечтасини бирваракайига эгаллаш имконияти мавжуд. Таассуфки, баъзан айрим мавжуд манбаларнинг маълумотлари эскирган ҳисобланади ва аҳоли ўсишининг ҳақиқий динамикасини акс этирмайди. Баъзида миграция ҳақида маълумотлар ва туғилишнинг ҳақиқий кўрсаткичи мавжуд бўлмайди. Булар ва бошқа омиллар бошлангич рақамларнинг ноаниқлигига олиб келиши мумкин, натижада қўйидаги салбий оқибатлар кузатилади:

Асос сифатида ноаниқ маълумотлардан фойдаланишнинг оқибатлари	
Агар асос мақсадли аҳолининг ҳақиқий ҳажмидан ПАСТ бўлса	Агар асос мақсадли аҳолининг ҳақиқий ҳажмидан ЮҚОРИ бўлса
М-н, Сиз иммунизация ўтказилиши зарур бўлган болалар сони 100 000 нафардан иборат деб ҳисоблайсиз, аслида эса уларнинг сони 150 000 нафардан иборат	М-н, Сиз иммунизация ўтказилиши зарур бўлган болалар сони 200 000 нафардан иборат деб ҳисоблайсиз, аслида эса уларнинг сони 100 000 нафардан иборат
Қамраб олиш юқори даражада (баъзан 100% дан юқори)	Иммунизация билан қамраб олиш паст даражада
Вакциналар ва инъекция учун материалларнинг етарли миқдорда етказиб берилмаслиги	Вакциналар ва инъекция учун материалларнинг керагидан ортиқча миқдорда етказиб берилиши
Иммунопрофилактика дастуридаги муаммоли участкаларни аниқлашнинг мураккаблиги	Юқори сифатли хизмат кўрсатилишига қарамасдан иммунизация билан қамраб олиш мақсадига эришилмайди, мотивациянинг сўниши (йўқлиги)

*Кўйида ҳақиқий асосни ҳисоблашда Сизга ёрдам берадиган қатор тадбирлар келтирилган:*

1. Ўз минтақангизда илгари олиб борилган иммунизация бўйича тадбирлар чоғида асосни ҳисоблаш билан шуғулланишган маҳаллий ва бошқа мутахассислар билан маслаҳатлашинг (м-н, полиомиелит ликвидацияси ва қизамиқ элиминацияси бўйича).
2. Турли расмий ва норасмий манбалардаги демографик маълумотларни қараб чиқинг (м-н, чақалоқларни қайд этиш журналлари, давлат томонидан аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг шарҳлари ва ҳоказо).
3. Асоснинг ишончлилигини баҳолаш учун иммунизация бўйича илгари ўтказилган компаниялар пайтида тўпланган маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини ўйлаб кўринг (м-н, полиомиелита қарши вакцинация билан 50 000 нафар болани қамраб олиш, 90% ни ташкил этди. Демак, шунга кўра асосни ҳисоблаб топиш мумкин: 50 000/0,9 ёки 5 ёшгача болалар сони 55 556 нафардан иборат).
4. Тиббиёт ходимларини ва аҳоли ўртасидан фаолларни жалб этиб маҳаллий аҳолини рўйхатдан ўтказишни ташкиллаштиринг (шунийгдек, узоқда ва етиб бориш мураккаб бўлган худудларда яшовчи аҳолини ҳам инобатга олиш зарур).
5. Аҳоли сонининг ўсиш ва пасайиш омилини ҳам мунтазам равища инобатга олинг (м-н, аҳоли сони ўзгаришининг кейинги тенденцияларига мувофиқ шаҳар худудидаги аҳолининг 10% га ўсиши).
6. Асос қўймати ҳақида қарор қабул қилингач, уни барча ҳисоб-китобларда қўлланг.
7. Агар рақам расмий статистик маълумотлардан фарқ қилса, ҳамиша бу ҳолатни ҳисботларда, жадвалларда ёки графикларда эслатиб (кўрсатиб) ўтинг.
8. ҲЕЧ ҚАЧОН иммунизация билан қамраб олиш кўрсаткичларини ошириш учун асос сифатида атайлаб ноаниқ рақамдан фойдаланманг. Бу болаларни касалланиш хавфи остига қўйиши мумкин.

**5.8-машқ:** Ҳисобот маълумотларини ошириб кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларнинг таҳлили.

Сиз — Жанубий вилоятда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбарисиз ва туманлардан олинган маълумотлар асосида иммунизация билан қамраб олиш бўйича йиллик ҳисобот тайёрлаяпсиз. Сиз айrim туманларда АҚДСЗ билан йил мобайнида қамраб олиш кўрсаткичи 100% дан 130% гачани ташкил этишини пайқадингиз.

**1-ВАЗИФА:** Ушбу ҳолатга сабаб бўлиши мумкин бўлган, суратга доир учта муаммони кўрсатинг.

1

2

3

**2-ВАЗИФА:** Ушбу ҳолатга сабаб бўлиши мумкин бўлган, асосга доир учта муаммони кўрсатинг.

1

2

3

**3-ВАЗИФА:** Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари сифатида Сиз сабабларни аниқлаш ва аҳволни ўнглаш учун қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширасиз?

**Аҳамиятли ҳолат.** Иммунизация билан 120% қамраб олиш, 100% қамраб олишдан афзал эмас. Бундай кўрсаткич фақат, Сиз иммунизация дастури бажарилишининг бориши устидан ҳақиқий мониторингни амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмаётганлигинизни, асос кўрсаткичининг мослиги ва аниқлиги эса текшириб чиқишга мұхтож эканлигини аңглатади.

Иммунизация  
тизими ва  
кўрсаткичлар

Маълумотларни  
тўплаш ва  
ишлов бериш

Маълумотларни  
таҳлил этиш ва  
акс эттириш

Чоралар кўриш

Тескари алоқа  
ва ҳисобот

### 4. ЧОРАЛАР КЎРИШ

Мониторинг тизимини амалиётга тадбиқ этишнинг асосий сабабларидан бири – бу муаммоларни аниқлаш ва иммунизация тизими сифатини ошириш учун қарорлар қабул қилиш заруриятидир. Самарали мониторинг тизимини таъминлаб, муаммолар аниқланган тақдирда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари тўғри ҳатти-ҳаракатни амалга оширишга тайёр бўлиши лозим.

Ушбу бўлимда «чоралар кўриш»ни биз муаммоларни бартараф этиш ёки уларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан қараб чиқамиз. Чоралар кўришнинг бошқа икки шакли — тескари алоқа ва юқори босқич учун ҳисббот (тўғри алоқа) — мониторинг тизимини бошқаришнинг ва режали ҳисбботнинг таркибий қисмлари ҳисбланади; улар тўғрисида кейинги бўлимда сўз юритилади.

#### 4.1 Чоралар кўрилгунига қадар муаммоларни ўрганиш

Ҳар сафар, муаммоларни ўргана туриб, «муз тоги эффиқти» деб номланган ибора ҳақида эслаш фойдали бўлади. 7-расмдан кўриниб турганидек, муз тоги эффиқти одатда биринчи навбатда энг очиқ-ойдин кўриниб турган муаммоларни (муз тогининг сув усти қисми) аниқлаш мумкинлигини англатади, лекин аксарият ҳолларда кўриш мушқул бўлган, яширин муаммолар (муз тогининг сув ости қисми) мавжуд бўлади.

**7-расм. «Муз тоги эффиқти»нинг манзараси, асосий муаммони кўриш мумкин, лекин уни бошқа, яширин муаммолар кучайтириб юборади**



### 5.4-қўшимча. Муаммога мен ўз муносабатимни қанчалик тез суратда билдиришим шарт?

Муаммо аниқланган тақдирда қанчалик тез суратда чоралар (ҳатти-ҳаракатлар) қўлланилиши лозимлиги, ушбу муаммонинг иммунизация дастурига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирига боғлиқдир. Умуман олганда, юзага келган вазиятни учта устуворлик даражасига ажратиш мумкин:

1. Иммунизация хизмати фаолиятидаги узилишларга олиб келиши мумкин бўлган ва (ёки) саломатликка/кишилар ҳаётига хавф туғдирувчи кечикириб бўлмайдиган муаммолар.
2. Иммунизация дастури кўнгилдагидек бажарилишига хавф туғдирувчи тенденциялар.
3. Ишнинг ва умуман иммунизация бўйича хизматнинг сифатини ошириш зарурияти.

Куйидаги жадвал, ушбу даражаларнинг ҳар бири муаммолар ечилиши лозим бўлган тезлик сурати билан қандай боғланганлигини кўрсатади.

	Зудлик билан кўриладиган чоралар	Ўртacha суратда кўриладиган тадбирлар	Узоқ муддатда кўриладиган тадбирлар
Мақсад	Иммунизация хизмати фаолиятидаги узилишларга олиб келиши мумкин бўлган ва саломатликка/кишилар ҳаётига хавф туғдирувчи кечикириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш.	Иммунизация дастури кўнгилдагидек бажарилишига хавф туғдирувчи тенденцияларни ўзгаришиш.	Ишнинг ва умуман иммунизация бўйича хизматнинг сифатини ошириш
Мобайнида ҳал этиш зарур	Бир неча кун/ҳафта	Бир неча ой	Режалаштиришнинг навбатдаги цикли: одатда чорак ёки йил
Мисоллар	Омборда вакцина йўқлиги ёки полиомиелит касаллигининг қайд этилиш ҳолати	Қамраб олишнинг пастлиги ёки якунланмаган иммунизациянинг юқори кўрсатгичлари	ИКНК ҳақидаги ҳисботлар сонини ошириш

Баъзида кечикириб бўлмайдиган муаммолар ҳам ўртacha суратдаги ва узоқ муддатли тадбирлар кўрилишини тақозо этади.

**Масалан:** Агар омборда вакцина тақчиллиги аниқланган бўлса, зудлик билан кўриладиган тадбирлар, иммунизацияни ўтказиш муддатлари бузилишини бартараф этиш учун, тезгина таъминотга қаратилиши зарур. Ўртacha суратдаги тадбирлар вакциналар заҳираси бўйича ўқитишига ва кураторликка, узоқ муддатдаги тадбирлар эса — вакцина омбори учун хазинабон ишчини ишга олишга қаратилиши лозим.

**Аҳамиятли ҳолат.** Аниқланган исталган муаммо иммунизация тизимидағи қўплаб пинҳоний муаммоларнинг аломатлари бўлиши мумкин: ҳамиша пинҳоний муаммоларни (уларнинг сабабларини) аниқлашга шай туринг.

### 5.9-машқ: Чоралар кўриш ва муаммоларни бартараф этиш.

Сиз — 20 та тумандан иборат бўлган Жанубий вилоятда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбарисиз; унинг ҳудудида 200 та тиббий муассаса мавжуд.

Мониторинг натижасида бир қанча муаммолар мавжудлиги аниқланди (куйидаги жадвалга қаранг).

**1-ВАЗИФА:** Ҳар бир устунга муаммони бартараф этиш учун Сиз қўллашингиз мумкин бўлган биттадан тадбирни ёзинг.

Ёдда тулинг, битта муаммо тизимдаги кўплаб бошقا муаммолар ҳақида гувоҳлик бериши мумкин, ва кечикириб бўлмайдиган муаммолар ҳам ўртacha суратда ҳамда узоқ муддатда чоралар кўрилишини тақозо этиши мумкин.

Иммунизация тизимининг компонентлари	Муаммо	Зудлик билан кўриладиган чоралар	Ўртacha суратда кўриладиган тадбирлар	Узоқ муддатда кўриладиган тадбирлар
1. Иммунизация бўйича хизмат кўрсатиш	Ўтган чорақда етиб бориш мураккаб бўлган туманларда сайёр иммунизация сессиялари ўтказилмасдан қолди			
	Вилоядда ўтган чорақда қизамиқ вакцинацияси билан қамраб олиш кўрсаткичи ўтган йил шу даврига нисбатан тушиб кетди			
2. Вакциналар сифати ва элтиб берилиши, моддий-техник таъминот	Ўтган ойда учта туманда Ў-шприцлар бўлмасадан қолди			
	Ўтган йили пентавалент вакцинаси йўқотилишининг Миллий кўрсаткичи купилаётган кўрсаткичдан юқори бўлди			
3. Эпидемиологик назорат ва мониторинг	Ўтган ойда иккита туманда қизамиқнинг эпидемик чақнаши қайд этилди. Ўтган чорақда бешта туман ўз ҳисоботларини тақдим этишмади			
4. Ташвиқот ва ахборотнинг тарқатилиши	Қайд этилган ИКНК ҳодисалари битта туманда иммунизация бўйича хизмат кўрсатишнинг тўхтатилишига олиб келди Аҳоли ўртасидаги фаоллар иммунизация бўйича тадбирларда иштирок этишмади			
5. Дастурни бошқариш	20 та тиббиёт муассасасида бўш иш ўринлари мавжуд Ўтган йили 25% дан ошик тиббиёт муассасалари кураторлик ташрифлари билан қамраб олинмади			

## 4.2 Ҳатти-ҳаракатлар режасини тузиш

Ушбу бўлимда, мониторинг давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш борасида соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари қўллаши зарур бўлган муҳим қадамлар келтирилган:

- 1) мавжудлик эҳтимоллиги гумон қилинаётган пинҳона сабабларни аниқлаш ва текширув ўтказиш;
- 2) қандай чоралар кўрилишини ҳал этиш;
- 3) дастлабки икки босқич асосида — чоралар кўрилишини таъминловчи режа тузиш. Тадбирлар

режаси – бу қабул қилинган қарорлар бажарилиши боришини назорат қилишнинг, ҳамда тадбирлар амалга оширилиши учун масъул ходимларга раҳбарликнинг оддий усулидир.

Тадбирлар режаси тузилгач, ушбу режа (8-расмга қаранг) мониторинг жараёнининг таркибий қисми бўлиб қолади; босқичма-босқич бажарилишини таъминлаш учун режани мунтазам кўздан кечириб туриш зарур.

### 8-расм. Тадбирлар режасига мисол

АНИҚЛАНГАН МУАММО:				
Туман: _____		Йил: _____		
Тадбирлар	Масъул шахс	Бошланиш санаси	Якунланиш санаси	Бажарилиши ҳақида белги
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				

*Мослаштирилган вариант: ДПМ босқичида иммунизация билан қамраб олишининг кенгайиши (WHO/V&B/02.27)*

**Аҳамиятли ҳолат.** Маълумотларни мунтазам кўздан кечириб ва таҳлил этиб бориш қўйидагиларни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади: муаммоларни эрта аниқлашни, ўз вақтида тадбирлар кўллашни, қўйилган вазифаларни бажаришни, муаммоларни ҳал этишни.

Иммунизация тизими ва кўрсаткичлар	Маълумотларни тўплаш ва ишлов бериш	Маълумотларни таҳлил этиш ва акс эттириш	Чоралар кўриш	Тескари алоқа ва ҳисобот
------------------------------------	-------------------------------------	--	---------------	--------------------------

### 5. ТЕСКАРИ АЛОҚА ВА ЮҚОРИ БОСҚИЧЛАР УЧУН ҲИСОБОТ

«Тескари» алоқа ва юқори босқичлар учун ҳисббот атамалари маълумотларнинг таҳлили натижаларини мониторинг тизимининг турли босқичларига мунтазам жўнатиш жараёнига тааллуқидир.

Тескари алоқа (ахборотни қуий босқичдаги тиббиёт муассасасига жўнатиш), айниқса, маълумотларни дастлаб тақдим этадиган тиббиёт ходимлари учун, улар ахборотни тўплаш ва узатиш бўйича ўз ишларининг нечоғли бебаҳо ва аҳамиятли эканлигини яқол ҳис этишлари, шунингдек, улар ўз фаолиятларини ўзлари билан бир хил босқичдаги бошқа мутахассисларнинг ишлари билан таққослаш имкониятига эга бўлишлари нуқтаи назаридан муҳимдир.

Ҳисббот (маълумотларнинг таҳлили натижаларини ўзидан юқорида турувчи босқичга жўнатиш) муаммони ҳал этишга, ҳамда раҳбарлар эътиборини муаммоли масалаларга қаратишга ва ушбу муаммоларни ҳал этиш учун улардан ёрдам олишга кўмаклашади.

#### 5.1 Қуий босқичдаги тиббиёт ходими билан тескари алоқа

Ҳисбботни тақдим этувчи томон билан (м-н, туман тиббиёт ходими ва қуий босқичдаги тиббиёт муассасаси билан) тескари алоқанинг асосий мақсадлари қуийдагилардир:

- Маълумотларни тўпловчиларнинг машаққатли меҳнатини эътироф этиш ва улар тақдим этган маълумотларни таҳлил этилишининг тасдигини кўрсатиш йўли билан ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш;
- Ҳисботларнинг аникилгини ошириш ва уларни тақдим этишнинг ўз вақтидалигини таъминлаш;
- Ҳисбботни тақдим этувчи тиббиёт муассасаси билан ҳамкорликда ва вилоят босқичида янада юқори босқичдан олинаётган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб кўриш;
- Миллий босқичда муайян вазифаларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотни тақдим этиш асосида, ҳамда турли ҳудудлар фаолиятининг кўрсаткичларини таққослаш йўли билан иш самарадорлигини яхшилаш;
- Маълумотларни вилоят босқичидагига нисбатан чуқурроқ таҳлил этиш эвазига улардан (маълумотлардан) фойдаланишни яхшилаш. М-н, эпидемиологик назорат бўйича марказий мусассаса жойларда маълумотларни таҳлил этишнинг имкониятларини кенгайтириш учун жадваллар, графиклар ва карталарнинг компьютерда тайёрланган нусхаларини қуий босқичларга тақдим этиши;
- Хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда ва режалаштиришда иштирок этиш учун жалб этиш мақсадида аҳолига иммунизация билан қамраб олиш, иммунизация якунланмаганлигининг кўрсаткичи, ҳамда бошқа кўрсаткичлар ҳақида ахборот тақдим этиш;
- Минтақавий ҳолат асносида маҳаллий маълумотларни таҳлил этиш; бу маълумотларни ва фаолият кўрсаткичларини таққослаш, ҳамда қамраб олиш ва иммунизация якунланмаганлигининг кўрсаткичларини визуал кузатиш имконини беради.

**Аҳамиятли ҳолат.** Тескари алоқанинг мұхимлігини аңграб етиш зарур. Тиббиёт ходимлари, соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари тескари алоқа иммунизация билан қамраб олиши оширишинг, ҳамда бошқа кўрсатгичларни яхшилашнинг мұхим воситаси бўлиши мүмкінлігини ёдда тутиши керак.

Ҳисоботни тақдим этувчи муассасалар билан режали тескари алоқа иммунизация тизимининг бешта компоненти бўйича туман ва вилоятнинг устувор кўрсаткичлари ҳақидаги умумлаштирилган ҳисоботни ўзида акс этириши зарур. Биринчидан, охирги чорак бўйича умумий эришилган натижаларни, ва, иккинчидан, муаммоли туманлардаги вазиятнинг батафсил таҳлилини келтириш жуда мұхимдир.

Режали тескари алоқанинг ҳисоботларига, камида, қўйидаги аҳборотни киритиш зарур:

- Иммунизация билан қамраб олиш ва яқунланмаганлик кўрсаткичлари
- Ҳисоботларнинг ўз вақтидалиги/ тўлиқлиги
- Бошқариладиган инфекциялар билан касалланиш ҳолатлари
- Омборда вакцина йўқлиги
- ИКНК ҳолатларини текшириш натижалари
- Аниқланган муаммоларни, жумладан пинҳона муаммоларни ёки омилларни қисқача тасвирлаш
- Кўрилган тадбирлар ҳақидаги аҳборот ва зарур бўлса, кейинги ҳатти-ҳаракатлар учун кўрсатмалар
- Яхши ишлаганлик учун миннатдорчилик ёки ишни яхши бажаришга рағбатлантириш

### 5.1.1 Тескари алоқанинг усуслари ва даврийлиги

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари тескари алоқа натижаларини мониторинг қилиб бориши учун кўплаб турли усуслар мавжуд. Буларнинг барчаси ҳисбототга киритиладиган маълумотларга, аҳборот соғлиқни сақлаш тизимининг қайси босқичига мўлжалланганлигига ҳамда муйян (конкрет) муаммони бартараф этиш заруриятига боғлиқдир.

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг ҳар бир раҳбари мунтазам тескари алоқани таъминлаш бўйича режага эга бўлиши зарур, лекин олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар учун исталган бошқа имкониятлар кўзда тутилиши ва зарурат туғилса фойдаланилиши лозим.

Ойлик ҳисоботлар ва бюллетенлар ҳисбоготни тақдим этувчи муассасаларни аҳборот ва янгиланган маълумотлар билан таъминласада, ҳар чорақдаги кенгашлар соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбарига муаммоларни тиббиёт ходими ва бошқа манфаатдор мансабдор шахслар билан шахсан мұхокама этиш имконини беради.

Кенгаш — агар, мұхим кўрсаткичлар таҳлил этилса ва олдиндан визуал тақдимот шаклида тайёрлаб қўйилган бўлса энг самарали усул ҳисобланади (3-бўлимдаги мисолларга қаранг). Ҳар чорақда ўтказиладиган кенгашлар учун тумандаги қатор вазиятларни тавсифловчи мажмуавий маълумотларни тайёрлаш талаб этилиши мүмкін; ҳар бир туманда ҳар бир вакцина билан қамраб олиш ҳақида чораклик маълумотларни тайёрлашда кўлланиладиган жадвалнинг шакли 3-жадвал шаклига мос келади.

**Аҳамиятли ҳолат.** Тескари алоқа тамойилига риоя эта туриб, иложи бўлса, ойлик аҳборот бюллетенларидан фойдаланиб ёки, ҳеч бўлмаса, чораклик кенгашларни уюштириб ҳисбоготни тақдим этувчи муассасаларни мунтазам ва ўз вақтида хабардор қилиб туриш лозим.

### 5.2 Аҳоли билан тескари алоқа

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари сифатида Сиз иммунизация дастури бўйича ўз ходимларингизнинг иммунизация масалалари борасида аҳоли билан тескари алоқани таъминлашларини ва ҳамиша маҳаллий фаолларни, дин пешволарини, жамоалар раҳбарларини, ҳамда ота-оналарни иммунизация дастурини режалаштиришга, бажаришга ва такомиллаштиришга жалб этишларини рағбатлантириб туришингиз зарур. Афуски, соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбарлари, кўпинча аҳоли билан тескари алоқани йўлга қўйишнинг мұхимлигини, хоҳ у умуман иммунизация дастури мисолида бўлсин, ёки бартараф этилиши зарур бўлган муайян муаммо борасида бўлсин, етарлича баҳолашмайди.

Тескари алоқа ва аҳолини жалб этиш ҳақидаги қўшимча ахборот 2-модулда — «Аҳоли билан ҳамкорлик» да келтирилган.

### 5.3 Юқори босқич учун ҳисобот

Тўғри алоқа — бу ўзидан юқори босқичдаги маъмурӣ муассасаларга мониторинг натижаларини тақдим этиш жараёнидир. Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари ҳисоботни, жумладан 6-модулда — «Эпидемиологик назорат» да баён этилган эпидемиологик назорат бўйича ҳисоботни таъминлаши учун ҳам қатор расмий талабларни бажариши зарур. Таассуфки, расмий ҳисоботлар ҳамиша ҳам вазият ҳақида тўлиқ тасаввурни беравермайди.

Шунинг учун, юқори босқичдаги муассасаларга тақдим этилаётган ҳисобот (тўғри алоқа), агар иммунизация дастури бажарилишига таъсир кўрсатувчи вазият/қийинчилклар ҳақида, эришилган муввафқиятлар ёки бошқалар учун фойдали бўлган «жойлардаги иш жараёнида чиқарилган сабоқлар» ҳақида ахборот беришни кўзда тутса жуда фойдали механизм ҳисобланади.

Юқори босқичдаги муассасаларга тақдим этилаётган ҳисобот одатда қарорлар қабул қилувчи ёки ушбу жараёнга юқорироқ маъмурӣ даражада таъсир кўрсатувчи шахслар учун мўлжалланар экан, соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари ўз минтақасидаги ишнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг аниқлигини таъминлаши зарур. Ёдда туting, юқори босқичдаги муассасаларга тақдим этилаётган ҳисобот ҳамиша ҳам ойлик ҳисоботлар каби кўринишдаги расмий каналлар орқали тақдим этилмайди. Ахборот бюллетенлари ва кенгашлар бебаҳо восита бўлишлари мумкин.

Мунтазам ҳисобот (тўғри алоқа) (ойлик ёки, ҳеч бўлмаса, чораклик) иммунизация тизимининг бешта компоненти бўйича тумандаги ва вилоятдаги етакчи (долзарб/устувор) кўрсаткичлар ҳақидаги умумлашган ҳисоботни тақдим этиши зарур.

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари бундай ҳисбототга қўйидаги ахборотларни киритиши зарур:

- Устувор кўрсаткичлар учун натижаларнинг қисқача баёнини.
- Аниқланган энг жиддий, жумладан пинҳона муммаларни, ҳамда уларга олиб келувчи омилларни.
- Яхши натижаларга эришган ёки кўрсаткичларни сезиларли даражада яхшилаб (ўнглаб) олган туманларни.
- Қўлланилган ёки тавсия этилган тадбирларни, ва, агар зарурият бўлса, қўшимча қўмак сўралган мурожаатни.
- Кураторлик ҳақидаги ҳисоботлар нусхасини.

**Аҳамиятли ҳолат.** Мунтазам ҳисоботга қўшимча тарзда, соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғинининг раҳбари масъул шахсларга бошқа маҳсус хабарлар, маълумотларни ҳам жўнаташи мумкин; бунда сўз мониторинг натижасида содир бўлган мұхим ўзгаришлар (ижобий томонга ҳам, ёки салбий томонга ҳам) ҳақида бориши мумкин.

## 1-ИЛОВА: АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Immunization in Practice: A practical guide for health staff, 2004 edition (WHO/V&B/04.06)

Global Immunization Vision and Strategy (GIVS) 2006-2015 (WHO/V&B/05.05)

Excel based database that has been developed by WHO-HQ to include the quantitative data likely to be collected in a monthly report (this tool is available separately)

Increasing immunization coverage at the health facility level (WHO/V&B/02.27).

## **2-ИЛОВА: ИММУНИЗАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Иммунизация тизимининг компоненти	Параметрлар
1. Иммунизация бўйича хизмат кўрсатиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>БЦЖ, АКДС1, АКДС3, ОПВ3, ГепВ3, ГепВ, Hib3, ҚКСВ1 вакциналари билан қамраб олиш (м-н, &lt;50%, 50-79%, &gt;80%)</li> <li>БЦЖ-ГепВ1 (чақалоқларда); АКДС1-АКДС3; АКДС1- ҚКСВ1 учун иммунизация якунланмаганигининг кўрсаткичлари</li> <li>Вакцинациянинг ўз вақтидалиги</li> <li>Иммунизацияни ўтказиш стратегияси</li> <li>Иммунизация бўйича хизматнинг қуалайлиги</li> <li>Монеликлар туфайли эмланмаганлар</li> <li>Кўлдан бой берилган имкониятлар ёки бошқа сабабларга кўра эмланмаганлар</li> </ul>
2. Вакциналар сифати ва элтиб берилиши, моддий-техник таъминот	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги ва узлуксизлиги (етарли таъминот, ускуналар, ишлатиладиган материаллар, ҳамда тарқатиш, кураторлик ва сафардаги ишлар учун транспорт)</li> <li>Вакциналарни, транспортни, совуқлик занжирини, чиқиндиларни тўплаш ва йўқотишни бошқариш бўйича тавсиялар мавжудлиги</li> <li>Соз ва ишончли таъмирланган совуқлик занжирини ускунасининг мавжудлиги.</li> <li>Совуқлик занжирини мониторинг картасини тўлғазиш ва намойиш этиш</li> <li>Иммунизация бўйича хизматда кўл остидаги ускуналарнинг харид қилингандан санаси, ҳолати, техник хизмат кўрсатиш жадвали ва техник хизмат кўрсатилганини тўғрисидаги тегишли белгилар кўрсатилган рўйхати мавжудлиги</li> <li>Бошқа турдаги ускуналарнинг мавжудлиги ва қуалайлиги (лабораториялар, транспорт воситалари, компьютерлар, алоқа воситалари, намуналарни йигиш ва элтиш учун ускуналар, ишлатиладиган материаллар)</li> <li>Вакциналарга бўлган талабнинг прогнози. Вакциналардан фойдаланиш ва уларнинг йўқотилиши мониторинги (минимал, максимал, критик заҳиралар ва йўқотилиш кўрсаткичлари)</li> <li>Вакциналар сифати: Самарали ишловчи Миллий назорат органи (МНО) ёки сифатни баҳолашни мустақил амалга оширишнинг бошқа тури. ЖССТ қайта тавсифидан ўтказилган манбалардан вакциналарни харид қилиш</li> <li>Кўп дозали флаконларни кўллашга нисбатан амалдаги мавжуд сиёсатнинг бажарилиши</li> <li>Иммунизация доирасидаги инъекциялар хавфсизлигини стандартлаштирилган баҳолаш натижалари</li> <li>Инъекциялар хавфсизлигини баҳолашнинг сиёсати, режаси ва маблағи мавжудлиги ва бажарилиши</li> <li>Фойдаланиладиган инъекция инвентарининг типи</li> <li>Инъекция инвентарини йигиш ва йўқотиш усулни</li> </ul>
3. Эпидемиологик назорат ва мониторинг	<ul style="list-style-type: none"> <li>Режали ҳисоботнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалиги</li> <li>Қамраб олиш/иммунизация якунланмаганигининг мониторинги жадвалини тўлғазиш ва намойиш этиш</li> <li>Полиомиелит этиологияли бўлмаган ЎНФ ва қизамиқнинг қайд этилган ҳолатлари</li> <li>Бошқариладиган инфекциялар билан касалланиш даражаси</li> <li>Лабораторияда тасдиқланган ҳодисалар ҳиссаси</li> <li>Ўлим кўрсатгичи</li> <li>Леталлик</li> <li>ИКНК ни аниқлаш, текширув ўтказиш ва зудлик билан у ҳақида хабар бериш тизими.</li> <li>Қайд этилган ва текширув ўтказилган ИКНК ҳолатлари</li> <li>Полиомиелит этиологияли бўлмаган ЎНФ кўрсатгичи ва икки маротаба мос тарзда (адекват/белгиланган тартибда) фекалий намунаси олинган ЎНФ ҳолатлари фоизи</li> </ul>

3. Эпидемиологик назорат ва мониторинг	<ul style="list-style-type: none"> <li>Шошилинч хабарнома олинганидан кейин 48 соат ўтгач бошланган ҳодиса/эпидемик чақнаш текширувлари</li> <li>Касалланганларнинг эмланганлик мақоми ва ёши ҳақидаги маълумот тақдим этилиб, қайд этилган бошқариладиган инфекция ҳолатларининг фоизи</li> <li>Қўйида турувчи маъмурий босқич билан тескари алоқани таъминлаш</li> <li>Мониторинг кўрсаткичларини ишлаб чиқиш</li> <li>Қўйи босқичда турувчи тиббий муассасаларга ташриф чоғида тиббиёт ходимлари билан биргаликда материаллар, ускуналар ва бошқа ишлатиладиган материаллар заҳирасининг ва ҳолатининг мониторингини амалга ошириш</li> </ul>
4. Ташвиқот ва коммуникация	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ижтимоий сафарбарлик, ташвиқот ва ахборот улашишнинг умумий режаси мавжудлиги</li> <li>Иммунизация сиёсатида этиб бориш мураккаб бўлган ҳудудлар аҳолисини қамраб олишнинг конкрет стратегияси мавжудлиги</li> <li>Клиницистлар ўртасида ташвиқот ўтказиш ва аҳолини сафарбар этиш</li> <li>Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича аҳоли иштироқида фаол қўмиталар фаолият кўрсатиши</li> <li>Аҳоли билан йиғилишлар ўтказилишини режалаштириш</li> <li>Аҳоли орасидан фаолларни иммунизация сессияларида ва сафардаги ишларда иштирок этишга жалб қилиш</li> <li>Бошқа вазирликлар тасарруфидаги муассасаларни жалб этиш (м-н, ахборот улашишга, таълимга, молиялаштиришга, тараққиёт ва режалаштиришга даҳлдор муассасаларни)</li> <li>Қарорлар қабул қилиниши учун масъул шахсларнинг ҳамкорлиқдаги мажбуриятлари (жамоатчиликнинг фаол кўмаги ва қўллаб-куватлашининг намойиш этилиши)</li> <li>Тадбирларни ўтказиш, жалб этилган ходимларнинг иш ҳақини тўлаш ва материалларни чоп этириш учун маблағ мавжудлиги</li> <li>Ахборот улашиш, таълим ва коммуникация масалалари бўйича зарур ва тегишли материаллар мавжудлиги</li> <li>Иммунизация ўтказилишига нодавлат ташкилотларни жалб этиш</li> </ul>
5. Дастурни бошқариш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Режали иммунизация учун вакциналар харид қилинишини ва иммунизация дастурининг жорий харажатларини давлат томонидан молиялаштириш</li> <li>Молиялаштириш бўйича кўп йилларга мўлжалланган мажбурият (хукумат ва ҳамкорлар томонидан)</li> <li>Режадагига нисбатан амалга оширилган кураторлик ташрифларининг ҳиссаси</li> <li>Ходимларнинг вазифаларни бажара олиш салоҳияти</li> <li>Ходимларни тайёрлашнинг етарли сифати</li> <li>Ҳар бир туман учун мўжказ режалар мавжудлиги</li> <li>Режалар бажарилиши ҳақида ҳисобот</li> <li>Кўрсатилган хизматларни баҳолаш</li> <li>Қўллаб-куватловчи кураторлик чоғида тўлғазилган назорат саволномалари</li> <li>Миллий иммунизация режасининг мавжудлиги</li> </ul>

## 3-ИЛОВА: ҲИСОБОТНИНГ ТҮЛИҚЛIGИ ВА ЎЗ ВАҚТИДАЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ШАКЛИНИНГ НАМУНАСИ

**Туман тиббий муассасалари ойлик ҳисоботларининг ўз вақтидалигини ва түлиқлигини ҳисобга олиш шаклининг намунаси**

Шартли белгилар:																					
В=вақтида олинган		К=кечикиб олинган		Т=топширилмаган																	
Мамлакат:	Туман:	Йил: 2013																			
Ойлар																					
ДПМ номи		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12								
кутилаётган ҳисоботларнинг умумий сони (N)																					
вақтида олинган ҳисоботларнинг умумий сони (B)																					
кечикиб олинган ҳисоботларнинг умумий сони (K)																					
умуман топширилмаган ҳисоботларнинг умумий сони (T)																					
ҳисоботларнинг ўз вақтидалиги=100*B/N																					
ҳисоботларнинг түлиқлигиги=100*N-K/N																					

**Эслатма:** Ҳисоботларнинг ўз вақтидалиги ва түлиқлиги % ларда ифодаланади. Самарали эпидемиологик назорат тизими йўлга қўйилганида ҳисоботларнинг ўз вақтидалиги ва түлиқлигиги 100% га яқинлашади. Мазкур жадвал тумандаги ҳар бир ДПМ да ҳисоботларнинг ўз вақтидалиги ва түлиқлигини яхшилаш борасида тадбирлар кўллаш учун туманда ушбу икки кўрсаткич устидан мониторинг олиб бориш имконини беради.

## 4-ИЛОВА: ҚАМРАБ ОЛИШ/ИММУНИЗАЦИЯ ЯКУНЛАНМАГАНЛИГИ МОНИТОРИНГИННИНГ ГРАФИГИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ

Қуйидаги қадамлар Сизга бола ҳәётининг биринчи йилида киритилган вакциналар дозасининг миқдори ва иммунизация якунланмаганлигининг мониторинги учун график түзишда ёрдам беради.

1. Йил мобайнида иммунизация ўтказилиши зарур бўлган бир ёшгача бўлган чақалоқлар сонини ҳисобланг (мақсадли гурӯх).

Ҳар бир тиббиёт муассасаси ўз хизмат кўрсатиш ҳудудидаги, тутиш/етиб бориш мушкул бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, барча гўдакларнинг эмланиши учун интилиши зарур. Имкон қадар бир ёшгача бўлган болалар сони ҳақидаги энг аниқ маълумотлардан фойдаланинг. Уларни аҳолини расмий рўйхатдан ўтказиш бўйича ёки жойларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш бўйича материаллардан олиш мумкин. Агар аниқ маълумотлар бўлмаса, аҳолининг умумий сонини 1% га қўлпайтириб ҳисоблаб топинг. Ушбу ҳужжат 1% дан бир ёшгача чақалоқлар ва аҳоли ўртасидаги ҳомиладор аёллар ҳиссасини ҳисоблаш кўрсаткичи сифатида фойдаланади.

**Масалан:** Агар барча аҳоли 3900 нафардан иборат бўлса, бир ёшгача чақалоқлардан иборат йиллик мақсадли гурӯхнинг сони  $3900 \times 1/100 = 39$  нафардан иборат бўлар эди.

2. Иммунизация ўтказилиши лозим бўлган бир ёшгача ёшдаги чақалоқлардан иборат ойлик мақсадли гурӯхнинг сонини ҳисоблаб топинг.

Ҳар ойда эмланиши зарур бўлган чақалоқлар сонини (яъни, ойлик мақсадли гурӯхни) ҳисоблаб топиш учун, йиллик мақсадли гурӯхни 12 га тақсимланг.

**Масалан:** Агар бир ёшгача чақалоқлардан иборат йиллик мақсадли гурӯхнинг сони 39 нафардан иборат бўлса, ойлик мақсадли гурӯхнинг сони  $39/12 = 3$  нафардан иборат бўлади. Бу ҳар бир ойда 3 нафардан болани эмлаш лозим: январда 3 нафар бола, февралда 3 нафар бола, яна марта 3 нафар бола ва ҳоказо.


3. Графикка сарлавҳа қўйинг.

Ҳамиша графикнинг сарлавҳаси қўйилганлигини кузатиб боринг; одатда у юқори томондан қўйилади.

**Масалан:** АҚДС1 ва АҚДС3 нинг киритилган дозалари ва иммунизацияни якунламаган бир ёшгача чақалоқлар (Шимолий вилоят, 2008 йил).


Графикнинг чап томонида мақсадли гурӯхнинг «ўсиб борувчи якунини», яъни ҳар ойда мақсадли гурӯхга қўшиладиган болалар сони миқдорида кўпайишини кўрсатинг.

**Масалан:** Агар ойлик мақсадли гурӯхнинг сони 3 нафардан иборатлиги ҳисоблаб топилган бўлса, умумий мақсадли гурӯх январда 3 нафар бола, февралда – 6 (3+3), марта – 9 (3+3+3), апрелда – 12 (3+3+3+3) ва ҳоказо бўлади.




## 5-МОДУЛЬ

4. Графикнинг пастки қисмiga үзингиз қузатиб бораётган вакцинанинг номи ва дозасини ёзинг (м-н, АКДС1 ва қизамиқ ёки АКДС1 ва АКДС3)



5. Идеал қамраб олишни (бунда ҳар бир вакцинация ўтказилиши лозим бўлган чақалоқ ўз вақтида эмланган) кўрсатиш учун диагонал ўтказинг (0 дан ўнг тега бурчагигача)




6. Иммунизация маълумотларини графикка туширинг.

Графикнинг пастки қисмига катақчалар жойлаштирилган: кўрилаётган ҳар бир ой учун катақчалар. Ой мобайнида юборилган (киритилган) умумий доза миқдорини кўрсатинг.

- a) Жорий жами йифиндини ўсиб борувчи якун тарзида ҳисоблаш учун жорий ой мобайнида юборилган (киритилган) дозанинг умумий миқдорини олдинги ой охиридаги жами йифиндига қўшиб чиқинг ва кўрилаётган ой устунининг ўнг томонига олинган рақамни киритинг.
- b) Кўрилаётган ой устунининг ўнг томонида келтирилган умумий жами\* йифинди учун графикда нуқта белгиланг.
- c) Янги нуқтани тўғри чизиқ орқали ўтган ойдаги нуқта билан туташтиринг.
- d) Йил охирига қадар ҳар бир ой учун а-в пунктларни тақроран бажаринг.
- e) АКДС3 нинг юборилган дозаларини ҳам АКДС1 дек қўйиб чиқинг (а-г пунктлар).
- f) АКДС1 нинг умумий миқдоридан АКДС3 нинг умумий миқдорини ажратиш йўли билан иммунизация (АКДС1-АКДС3) якунига етмаган (ЯЕ-№) болаларнинг умумий сонини ҳисоблаб топинг.
- g) Иммунизациянинг якунланмаганлик кўрсаткичини (ЯЕ-%) қўйидағи формула ёрдамида ҳисоблаб топинг:

$$\text{ЯЕ-}\% = \frac{(\text{АКДС1 жами} - \text{АКДС3 жами}) \times 100}{\text{АКДС1 жами}}$$


Иммунизациянинг якунланмаганлик кўрсаткичини баҳолашни визуал тарзда амалга ошириш жуда ўнгай: бу АКДС1 ва АКДС3 чизиқлари ўртасидаги узилишдир.



\* Жами — бутун ўтган ойлар мобайнида киритилган умумий ойлик вакцина дозаси миқдорига жорий ой мобайнида киритилган доза миқдорини қўшиб топилган вакцинатининг умумий киритилган дозаси миқдорини, яъни ўсиб борувчи якунни англатади. Ҳар бир доза якунни вакцина учун вакцина ўйнан бир хил давридан фойдаланнилгандан сонар март ойи охиридаги АКДС дозасининг жами миқдори: январда киритилган умумий доза миқдори + февралда киритилган умумий доза миқдори ҳисобланади.

## 5-МОДУЛЬ

### АКДС1 ва АКДС3 иммунизациялари мониторингининг жадвали



---


# **6** МОДУЛЬ

## **ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТНИ ҚҰЛЛАШ**

Ушбу модулнинг мақсади — эпидемиологик назоратнинг асосий тамойилларини амалиётда қандай құллашни, ҳамда әмлаш йўли билан бошқариладиган касалликлар устидан эпидемиологик назорат тизимини қандай бошқаришни тушунтиришдан иборатdir. Умид қиласызки, модул мазмуни билан танишганидан ва машғулотнинг ташкилотчиси билан уни муҳокама қилинганидан кейин тингловчи эпидемиологик назорат тизимининг ташкиллаштирилиши, фаолият юритиши ва мониторинги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Модулда әмлаш йўли билан бошқариладиган касалликлар устидан эпидемиологик назоратни олиб боришнинг тури синалган усуллари, кўпгина касалликлар учун умумий босқичлар, ҳамда муайян касалликка доир тафсилотлар баён этилган. Модулнинг маҳсус бўлими юқумли касалликлар эпидемик чақнашини локализациялаш ва ликвидация қилиш учун амалга ошириладиган асосий тадбирларга бағишиланган.

Модул қўйидаги бўлимлардан иборат:



Эпидемиологик назорат бўйича, тури касалликларнинг клиник кечиш хусусиятлари ва лаборатория текширув усуллари ҳақида кўплаб аъло даражадаги дарсликлар, тавсияномалар ва амалий қўлланмалар ёзилган. 1-иловада фойдали нашрлар рўйхати келтирилган, кейинги иловаларда эса айрим асосий манбалар берилган.

Эпидназорат:  
Бу нима  
ва нима учун?

Эпидназорат  
типлари

Эпидназоратни  
ташкиллаш-  
тириш ва  
мониторинги

Ҳисобот

Таҳлил ва  
тадбирлар

Тескари  
алоқа

### 1. ЭПИДНАЗОРАТ: БУ НИМА ВА НИМА УЧУН?

#### 1.1 Эпидемиологик назорат нима?

Эпидемиологик назорат — бу тадбирлар қўллаш учун маълумот тўплашдир. Таҳлил этмасдан ва тегишли тадбирлар қўлламасдан фақат касалликларга доир маълумотларни тўплаш ва ишлов бериш эпидемиологик назорат ҳисобланмайди.

Эпидемиологик назорат — бу юқумли касалликларнинг профилактикаси ва янада тарқалишини тұхтатиш борасидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш учун, ушбу касалликларга дахлдор маълумотларни узлуксиз, мунтазам тўплаш, таҳлил этиш ва узатиш тизимиdir. Эпидемиологик назорат тадбирларни касалликлар устидан назоратга йўналтиради ва иммунизация хизматининг уларга таъсирини ўлчайди.

#### 1.2 Эпидемиологик назорат нима учун зарур?

Эпидемиологик назорат қўйидагилар учун қўлланилади:

1. касалланиш сабабларини, шарт-шароитларини текшириш ва қўламини локализациялаш мақсадларида касаллик эпидемик чақнашларини аниқлаш ва прогнозлаш;
2. касалланиш хавфи юқори аҳоли гурӯхларини, ҳамда алоҳида эътибор қаратилишини талаб этувчи туманларни аниқлаш;
3. ликвидация, элиминация ва назорат бўйича тадбирлар бажарилишининг боришини ва таъсирини мониторинг қилиш;
4. иммунизация тизими фаолияти кўрсаткичлари паст туманларни аниқлаш – вазиятни ўнглаш бўйича мақсадга мувофиқ тадбирлар қўллаш учун;
5. жамоадаги (яъни, муайян худуддаги аҳоли ўртасидаги) касалланиш даражасини, кейин эса касалликнинг юкини аниқлаш;
6. иммунизацийнинг касаллик юки ва эпидемиологиясига қисقا ва узоқ муддатли таъсирини ҳужжатлаштириш йўли билан дастур самараదорлигининг мониторинги.

Муайян бошқариладиган инфекция устидан эпидемиологик назорат типини танлаш қўйидагиларга боғлиқ:

- касаллик аломатларига;
- муайян касалликни назорат қилиш дастурига (м-н, назорат, элиминация ва ликвидация) (ушбу атамаларнинг изоҳи 1.3 пунктда келтирилган).

Ушбу омиллар эпидемиологик назорат бўйича тадбирларни амалга оширишда инобатга олинади. 1-жадвалда вакцинопрофилактика воситалари билан олди олинадиган касалликларнинг рўйхати, ҳамда улардан ҳар бирининг эпидемиологик назорати бўйича муайян (конкрем) тадбирлар келтирилган. Гувоҳи

бұлғанингиздек, миллий ва миңтақавий мақсадлардан келиб чиқиб, айрим касалліктарнинг назорати учун бир неча вазифалар белгиланған.

### 1-жадвал: Айрим бошқарыладын инфекциялар устидан эпидемиологик назоратнинг мақсади


Касаллік номи*	Назорат бүйічә вазифа	Эпидемиологик назорат бүйічә тәдбирлар		
		Барча ҳодисаларни ёки юқиши йүлларини топиш	Тенденция мониторингини амалга ошириш, эпидемик чақнашни прогнозлаш да хавфли гурухни аниқлаш	Касаллік юки ва эпидемиологияси ҳақида ва иммунизациянинг таъсирі ҳақида маълумот тақдим этиш
Дифтерия	Назорат		x	
Haemophilus influenzae типа b	Назорат			x
А гепатити	Назорат		x	x
Грипп	Назорат			x
Қизамик	Элиминация	x	x	
Қызилча	Элиминация	x	x	
ТКС	Назорат			x
Менингококк инфекцияси	Назорат		x	x
Қўййутал	Назорат		x	
Пневмококк инфекцияси	Назорат			x
Полиомиелит	Ликвидация	x		
Ротавирусли инфекция	Назорат			x
Сув чечак	Назорат		x	x

### 1.3 Назорат, элиминация ва ликвидация нима?

- Назорат: амалга оширилган ҳатти-харакатлар натижасыда мазкур жой учун йүл қўйиладиган даражада частотани, касалланишни ва ўлим кўрсаткичини пасайтириш. Бундай даражани ушлаб туриш учун жорий тәдбирларни амалга ошириш зарур. Мисол: дифтерия, қўййутал.
- Элиминация: амалга оширилган ҳатти-харакатлар натижасыда маълум географик худудда муайян касалліктарнинг частотасини нолга қадар тушириш. Бундай даражани ушлаб туриш учун жорий тәдбирларни амалга ошириш зарур. Мисол: полиомиелит (эслатма: чақалоқлар қоқшоли элиминациясига бошқача таъриф берилади).
- Ликвидация: Кокбурн таърифи\*\* — «Ликвидация — муайян касаллікні келтириб чиқарувчи патогенни йўқотиши; қўзғатувчининг ҳаттоғи атиги битта вакили тирик экан, ликвидация тўлиқ амалга ошмаган ҳисобланади». Бошқача айтганда, муайян қўзғатувчи келтириб чиқарадиган юкумли касалліктарнинг жаҳондаги частотасини нолга қадар тушириш, қўзғатувчини йўқотиш ва унинг юқиши тўлиқ барҳам топиши ва қўзғатувчининг ташқи мұхитда йўқлиги. Натижада жорий тәдбирларни ўтказиш учун зарурият қолмайди. Мисол: чин чечак.

\* Касалліклар назорати бүйічә вазифалар, касалланиш ҳолатларини аниқлаш ва ҳар бир юкумли касаллік учун ахборот ҳажмига қўйиладиган талаблар 2-иловада батофсил ёритилган.

\*\* Cockburn T.A. Eradication of infectious diseases. Science, 1996, 133:1050-1058.



### 2. ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ ТУРЛАРИ

Муайян бошқариладиган инфекция учун эпидемиологик назорат турини танлаш касаллик аломатларига ва иммунопрофилактика дастурининг вазифаларига боғлиқ. М-н, дастурнинг вазифаси қизамиқни назорат қилишдан иборат бўлса ва эпидемиологик назоратни амалга ошириш бошланса, қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари аксарият қаерда ва қайси гуруҳлар ўртасида тўпланганлигини билиш муҳимдир. Шунинг учун, ҳар бир алоҳида ҳолатни эмас, бутун мамлакатни қамраб олишини уddyдлай оладиган тизимга эга бўлиш зарур. Қачонки қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари сони камайса, дастурнинг вазифаларини элиминацияга қарата ўзгаришиш, ҳар бир алоҳида ҳолатга ва вируснинг юқиш занжирига нисбатан текширув олиб бориш зарурияти пайдо бўлади.

#### 2.1 Режали (ёки пассив) эпидемиологик назорат

Режали эпидемиологик назорат — бу беморлар билан (ёки текшириш учун намуналар билан) иш кўрадиган ва ҳисобот тизимининг бир бўлаги ҳисобланган барча ДПМ томонидан касалликлар ҳақида мунтазам ҳисоботлар тузишdir. Ҳисоботлар автоматик тарзда шакллантирилиши ва ҳар бир ҳисобот даври охирида тақдим этилиши боис, уларни пассив эпидемиологик назорат ҳам деб юритилади.

Пассив эпидемиологик назорат тизими ДПМ ва тибиёт ходимларининг, жумладан лабораториялар, касалхоналар, поликлиникалар, КВП ва хусусий тартибда фаолият юритувчи тиббий муассасаларнинг исталган юқумли касаллик ҳолати пайдо бўлганлиги ҳақида юқори босқичдаги муассасага хабарнома ва/ёки ҳисобот тақдим этиш борасидаги ўзаро муносабатига таянади. Бундай маълумотлар олинганида, уларни гурухларга ажратиш, кейин эса касаллик таркибини кузатиб бориш ва эпидемик чақнash эҳтимоллигини аниқлаш учун таҳлил этиш зарур.

Пассив эпидемиологик назорат мунтазам *равишда* эпидемиологик назорат маълумотларини тўплашдан ва тегишли ҳисоботларни тузишдан иборатdir; бу бошқариладиган инфекцияларни аниқлаш учун қўлланиладиган энг кенг тарқалган усул ҳисобланади. Пассив эпидемиологик назорат тизимидан фойдаланилганида, барча ДПМ лар юқумли касалликларнинг ҳамма ҳолатлари (баъзида эса бошқа конкрет касалликлар) ҳақида, стандарт шаклга тушириб, ойлик ҳисобот тақдим этишга мажбурдирлар.

Эпидемиологик назоратнинг бошқа стратегияларига қараганда пассив эпидемиологик назорат тизими ҳаддан зиёд харажатларни талаб қилмайди ва катта ҳудудларни (бутун мамлакатни ёки вилоятларни) қамраб олади. Бироқ, иммунизация дастури доирасида фаолият юритувчи тиббиёт муассасалари ва ходимларининг кенг тармоғи ва миқёси боис, тизимга маълумотларнинг ўз вақтидалигини ва тўлиқлигини таъминлаш мураккабdir.

Баъзан муайян касалликнинг ҳар бир ҳолатини аниқлаш учун ҳамиша ҳам имкониятлар ва ресурслар

етарлы бўлмаслиги мумкин; бу ҳол касаллик ташхисини қўйиш маҳсус клиник қўнилмаларни талаб этиши ёки лаборатория базаларининг мамлакатнинг барча ҳудудларида мавжуд бўлмасдан, қўпинча айрим минтақаларида тўпланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, талаб этилаётган маълумотлар тўлиқлигига ва сифатига, молиявий салоҳиятга ёки мутахассислар мавжудлигига қараб, пассив эпидемиологик назоратни мослаштиришнинг қатор имкониятлари мавжуд.

## 2.2 Дозор эпидемиологик назорат

Дозор эпидемиологик назорат тизими мұайян касаллик ҳақида, пассив эпидемиологик назорат ҳисобот тизими ёрдамида олиш имкони бўлмаган, сифатли маълумотларни тўплаш зарурити туғилганида қўлланилади. Мұайян касаллик ҳақида мунтазам ҳисоботни маҳсус танлаб олинган (ушбу касалликка чалинган беморларга хизмат кўрсатиш эҳтимоллиги юқори, замонавий лаборатория базасига эга, ҳамда тажрибали ва юқори малакали мутахассислар мавжуд бўлган) тиббиёт муассасалари тақдим этишади.

Аксарият пассив эпидемиологик назорат тизимларининг вазифаси маълумотларни иложи борича кўпроқ тиббиёт ходимларидан ёки ДПМ ларидан йиғиш ҳисобланади, дозор эпидемиологик назорат тизими эса фақатгина ҳисобот тақдим этиши учун астойдил танлаб олинган ДПМ ларнинг чекланган тармоғидан фойдаланади.

Масалан: Турли касалликлар ва уларнинг қўзғатувчилари (m-n, b типдаги *Haemophilus influenza* (Hib), менингококк ёки пневмококк келтириб чиқарган бактериал менингит) ҳақида сифатли маълумот олиш учун йирик шифохоналар тармоғидан фойдаланиш мумкин.

Аниқ фаолият юритувчи дозор эпидемиологик назорат тизими ёрдамида олинган маълумотлар тенденцияларни кўрсатиши, эпидемик чақнашларни аниқлаши ва жамоадаги касаллик юкини кузатиш имконини бериши мумкин; моҳиятан — бу бошқа эпидемиологик назорат усуllibарига муқобил тежамкор ва тезкор (оператив) усулдир. Бироқ, танлаб олинган ҳудудларда фаолият юрита туриб, дозор эпидемиологик назорат кам учрайдиган касалликларни ёки дозор эпидемиологик назоратда иштирок этишлари учун танланган ДПМ ларнинг хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида пайдо бўлувчи касалликларни аниқлашда етарлича самарали бўлмаслиги мумкин.

ДПМларни дозор эпидемиологик назорат тизимига жалб этиш учун танлашда қўйидаги мезонларни инобатга олиш зарур:

- ДПМ (одатда умумий йўналишдаги шифохона ёки юқумли касалликлар шифохонаси) дозор эпидемиологик назорат тизимида иштирок этиш истагини намоён этиши зарур;
- ДПМ нисбатан катта миқдордаги (ДПМ га мурожаат этиш нуқтаи назаридан қулайликка/афзалликка эга бўлган) шахсларга хизмат кўрсатади;
- Ташхис қўйиш, даволаш ва эпидемиологик назорат олиб борилаётган касаллик ҳолатлари ҳақида хабар бериш салоҳиятiga эга бўлган тиббиёт ходимларининг мавжудлиги;
- Касалхонада сифатли диагностик лаборатория мавжудлиги.

### Дозор эпидемиологик назорат усулини баҳолаш

Тизимнинг таърифи	Асосий афзаликлари	Асосий камчиликлари
Хизмат кўрсатиш худудининг чекланганлиги	Бемор ҳақидаги шахсий маълумотларни тўплаш имконини беради	Популяция даражасидаги эпидемиологик назоратга қараганда кам ҳаражатлироқ бўлишига қарамасдан, дозор эпидемиологик назорат, баробир ҳам, ходимлар ва ресурслар учун анчагина молиявий маблаг тикилишини талаб қиласди.
Касалхоналар орасидан алоҳида танлаб олинган касалхоналардан ва лабораториялардан иборат эпидемиологик назорат тармоғи/худуднинг эпидемиологик назорат лабораторияси	Ресурслар нуқтаи назаридан камроқ ҳаражатли ва камроқ оғирлиги тушади	Маълумотлар чалкаш ёки номутаносиб/мувозанатлашмаган бўлиши мумкин
Анъанавий тарзда алоҳида ҳудуддаги энг йирик касалхоналарни ўз ичига олади	Тизимнинг мослашувчан модели	Маълумотларни ҳудуддаги барча аҳоли учун экстраполяция қилишнинг имкони йўқлиги
Таянч базаларини танлаш учун дастлабки баҳолаш амалга оширилади	Тенденцияни ҳужжатлаштириш учун фойдали антибиотикларга сезгириклининг режали мониторингини олиб бориш имконини беради	Ушбу усул касалланиш ҳақида маълумот тўплаш имконини бермайди

### 2.3 Фаол эпидемиологик назорат

Фаол эпидемиологик назорат ДПМ га ташрифни ва тиббиёт ходимлари билан сұхбатларни кўзда тутади. Беркитилган тиббиёт ходимлари фаол эпидемиологик назоратни олиб борища, тиббий муассасага мурожаат этишган ўрганилаётган касалликка гумон қилинган bemorларни аниқлаш мақсадида, мунтазам равишда ДПМ га шахсан ташриф буюриб туришлари шарт. Бундай ташрифлар ҳисоб-ҳисобот ҳужжатларини қараб чиқиши, поликлиникадаги ва касалхонанинг тегишли бўлимларидағи тиббиёт ходимларидан сўраб суриштиришни кўзда тутади.

Касаллик ҳолатлари аниқланганда фаол эпидемиологик назорат олиб бориш учун биринтирилган тиббиёт ходимлари ушбу ҳолат текширувни амалга оширишади, клиник ва эпидемиологик маълумотларни қайд этишади, лаборатория таҳлили учун тегишли намуналарни жўнатиши ташкиллаштирадилар, ҳамда амалдаги кўлланмаларга мувофиқ тезкор равишда (оператив) хабарнома жўнатишади.

Бундай усул одатда касалликнинг элиминацияси ёки ликвидацияси кўзда тутилаётган бўлса кўлланилади; бу каби ҳолатлarda ҳар бир эҳтимоллиги кўзда тутилаётган касаллик ҳолати аниқланиши ва текширилиши лозим. Шунингдек, бу усул касаллик эпидемик чақнашлари бўйича текширувлари олиб борища кўлланилади.

Фаол эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш энг мураккаб, уни амалга ошириш учун анчагина маблағ зарур, ва у пассив эпидемиологик назорат олиб боришининг ўрнини босмайди, фақат уни тўлдиради.Faол эпидемиологик назорат мунтазам олиб борилганида қуидаги афзаликларга эга:

- ҳодисани аниқлашнинг ўз вақтидалигини ва аниқлигини, ҳамда у ҳақида хабар беришни тезда яхшилашга кўмаклашади;
- ҳодисани тезкор текшириш, жумладан лаборатория текширувлари учун намуналарни ўз вақтида олиш имконини беради;
- алоҳида ҳолатларни аниқлаши боис лаборатория тармоғи билан мустаҳкам алоқага эга.

#### Фаол излаш

«Фаол излаш» атамаси жамоадаги касаллик ҳолатларини излашни баён этиш учун кўлланилади\*. Одатда тиббиёт ходимлари аҳолидан муайян касаллик ҳолатлари мавжудлиги ҳақида сўраб, хонадонма-хон айланиб

\* Шунингдек, «маълумотларни ретроспектив излаш» атамаси ҳам мавжуд, у оналар ва чақалоклар қоқшолини элиминация қилиш жараёнида поликлиникалар ва касалхоналарнинг ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатларини қароб чиқиш учун кўлланилади. Баъзан ўни номўтири равишда «фаол излаш» деб аташади.

чиқишиади. Бундай усул анчагина ҳатти-харакат ва сарф-харажатни (ишчи кучи ва молиявий) талаб қылади; ундан фақатгина муайян шароитлардагина фойдаланылади (м-н, эпидемик чақнашлар пайтида қайд этилмаган касаллик ҳолатларини, полиомиелитта қарши хонадонма-хонадон юриб әмлаш компаниялари өткіда үткір нимжон фалажлик ҳолатларини аниқлаш учун ва ҳоказо).

## 2-жадвал: Эпидемиологик назоратнинг турли усулларини таққослаш

Эпидемиологик назорат типи			
	Миллий босқичдаги режали эпидемиологик назорат	Дозор эпидемиологик назорат	Фаол эпидемиологик назорат
<b>Мақсадли ахоли</b>	Мақсадли ахоли	Танлаб олинган ДПМ ларда қайд этилган ҳолатлар	Танлаб олинган ДПМ ларга мурожаат этишган барча беморлар
<b>Таъсир этишнинг үлчовлари</b>	Касаллик ва ўлим ҳолатлари. Касалланиш күрсаткичи Эпидемиологиядаги тенденция	Танлаб олинган ДПМ лардаги касаллик ва ўлим ҳолатлари	Танлаб олинган ДПМ лардаги касаллик ва ўлим ҳолатлари  Ҳар бир ҳодиса бўйича тўлиқ икир- чикиригача текширув олиб бориш
<b>Афзалиги</b>	Ҳисобот тўлиқлигига ва ишончли лаборатория базаси мавжудлигига касалликнинг аниқ кўрсаткичини ва тарқалғанлиги ҳақидағи маълумотни бериши мумкин	Минимал ресурслар талаб этилади Бошқаришнинг соддалиги  Касалликнинг тарқалғанлигини тушуниб етишни енгиллатиши мумкин	Бугун мамлакатни акс эттириши мумкин Касалликни ликвидация ва элиминация қилиш дастурларини йўналтиради Зарурият түғилганида қўшимча касалликларни қамраб олиши мумкин Эпидемик чақнашларни тезкор (оператив) аниқлаш
<b>Нуқсонлари</b>	Кенг клиник ва лаборатория тармоқлари ва ресурслари мавжуд бўлишини талаб қылади Кўпинча ҳисобот тўлиқ эмас ва кечикади Маълумотларни бошқариш учун катта эҳтиёж	Касалланиш кўрсаткичларини ҳисоблашнинг имконияти йўқлиги  Бугун мамлакат репрезентатив бўлмаслиги мумкин	Анчагина ресурслар талаб этилади Малакали мутахассис, транспорт ва бошқарув талаб этилади  Маълумотларни бошқариш учун кatta эҳтиёж

Эпидназорат: Бу нима ва нима учун?	Эпидназорат типлари	Эпидназоратни ташкиллаш- тириш ва мониторинги	Ҳисобот	Таҳлил ва тадбирлар	Тескари алоқа
--	------------------------	--	---------	------------------------	------------------

### 3. ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА МОНИТОРИНГИ

#### 3.1 Пассив эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш

Миллий дастур раҳбари билан маслаҳатлашилганида ўрганилаётган касалликка чалинган беморлар билан мuloқотда бўлиши мумкин бўлган ДПМ лар (давлат тасарруфидаги ва хусусий) ва врачлар (мутахассисликлар) рўйхатини тузиш зарур. Аксарият давлатларда (у ёки бу кўринишда) пассив эпидемиологик назорат тизими шакллантириб бўлинган. Шу билан бирга, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш зарурияти мавжуд бўлиши мумкин, ва уларни мунтазам назорат қилиб туриш лозим. Мазкур муассасаларга ташриф буюриш ва ходимлар билан сухбатуюштириб ҳодисанинг таърифини, ҳисботларни тақдим этиш частотасини, ҳисбот форматини, ҳар бир ҳисботни жўнатиш муддатларини, ҳамда ҳисбот жўнатиладиган манзилни тушунтириш зарур. Ходимлар, хусусан, мунтазам ҳисботлар (одатда ойлик) касаллик ҳолатлари ҳисбот даврида қайд этилмаган бўлсада, тақдим этилиши даркорлигини билишлари шарт.

Ҳисбот даврида касаллик ҳолатлари қайд этилмаган бўлса, «Ноллик ҳисбот»\*дан фойдаланилиб, ҳисбот шаклига «0» кўйилади. Бу ҳисбот тўлиқлигини кафолатлаш, назорат тизими сифатини кузатиб бориш ҳамда чеккадаги ва марказдаги мутахассисларда, ҳаттоқи ҳеч қанақа касаллик қайд этилмаган бўлсада, назорат тизими фаолият кўрсатадиганни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Оддий жадвал ҳисбот тўлиқлигини кузатиб бориш имконини беради. Кўйидаги мисолда август ойи учун маълумотлар келтирилган.

##### 3-жадвал: Ҳисбот тўлиқлигини кузатиб бориш учун жадвал

Ҳисбот топширувчи муассаса	Янв.	Фев.	Март	Апр.	Май	Июнь	Июль	Авг.	Сент.	Окт.	Нояб.	Дек.
«A» касалхона	✓	✓	✓	✓	✓	✓	✓					
«B» қишлоқ врачлик пункти	✓	✓		✓			✓					
«Х» оиласий поликлиника	✓		✓		✓	✓						

\* «Ноллик ҳисбот» — ҳисбот тўлиқлигини төъминлаовчи усуя; бу эпидемиологик назорат тизими сифоти устидан мониторингинг мұхим компоненти. ДПМ ҳар бир касаллик бўйича ойлик ҳисботини, ҳаттоқи ҳисбот даврида касаллик ҳолатлари қайд этилмаган бўлса тақдим этишилари шарт. Ушбу ҳолатда ойлик ҳисбот шаклига «0» кўйашлиши лозим. Ноллик ҳисботини барча босқичларда таобиқ этиши мумкин. Бу вилоят ва миллий босқичдаги раҳбарларнинг, ҳаттоқи ҳисбот даврида ҳеч қанақа касаллик қайд этилмаган бўлсада, назорат тизими фаолият кўрсатадиганни мустаҳкамлаиди.

Жадвалдан күриниб турибдики, «Б» қышлоқ врачлик пункти март, май ва июнь ойларида, оиласиб поликлиника «Х» эса февраль, апрель ва июль ойларида ҳисобот тақдим этишмаган. Бундай ҳисоботларни «тақдим этмаслик» ҳолатларини, муассасаларга ҳисоботнинг мұхимлиги ва моҳиятини қайтадан эслатған, ҳамда ходимларға үзларини назорат қылиб туришгандыктын аныктап бергенде оның мәнін сипаттауда да мүмкін. Иккита алохидә жадвал юритиш лозим, чунки баъзида ҳисоботлар жуда ҳам кеч — топширилиш мұддатини анчагина үтказиб тақдим этилади (м-н, «Б» қышлоқ врачлик пункти февраль, апрель ва июль ойлари учун ҳисоботни августда, «Х» оиласиб поликлиника эса шу пайтда май ва июнь ойлари учун ҳисоботни тақдим этишди). Бу дараражада кеч олинган ҳисоботлардан фойда йўқ. Ҳисоботни тақдим этишнинг энг кейинги мұхлати олдиндан белгиланиши зарур (м-н, кейинги ойнинг 15-санаси); бундан кечикириб тақдим этилған ҳисоботлар «уз вақтида эмас» деб ҳисобланиши, бундан кейинги ўрнатылған мұхлатдан (м-н, кейинги ойнинг 25-санаси) ҳам кечикириб тақдим этилған ҳисоботлар эса, «ҳисобот топширилмади» деб тавсифланиши лозим.

**4-жадвал: Ҳисобот түлиқлигини күзатып бориш учун жадвал**

Ҳисобот топширувчи муассаса	Янв.	Фев.	Март	Апр.	Май	Июнь	Июль	Авг.	Сент.	Окт.	Нояб.	Дек.
«А» касалхона	02 фев.	03 март	06 апр.	07 май	04 июнь	07 июль	09 авг.					
«Б» қишлоқ врачлик пункти	15 фев.	08 авг.		08 авг.			08 авг.					
«Х» оиласвий поликлиника	05 фев.		05 март		10 авг.	10 авг.						

### 3.2 Дозор эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш

Дозор эпидемиологик назорат — бу ўз географик худудига, тиббий хизмат кўрсатиш йўналишига, ҳамда аниқ ташхис қўйиш ва вақтида ҳисоботни тақдим этиш салоҳиятига қараб танлаб олинган алоҳида ДПМ ларнинг маълумотларини тўплаш ва таҳлил этишдир. Одатда дозор эпидемиологик назорат эпидемиологларнинг конкрет саволларига жавоб топиш учун фойдали, лекин, таянч базалари умумий аҳоли сонини ёки касалликнинг умумий тарқалганилигини тақдим эта олмасликлари боис, касалланишнинг таркибини (структурасини) ва тенденциясини таҳлил этишда уларнинг нафи чегараланган бўлиши мумкин.

Таяң базалары тармоғини барпо этиш имконияти бўлмаганида ёки муйян касаллик ҳақида батафсил маълумот олиш зарур бўлган ҳолатларда, ўрганилаётган касалликка чалинган беморлар билан мулокотда бўлиши мумкин бўлган йирик касалхоналар (давлат тасарруфидаги ва хусусий) рўйхатини (Миллий дастур раҳбари билан маслаҳатлашган ҳолда) тузиш зарур. Ушбу касалхоналар зарур ахборотни тақдим эта олишлари учун, керакли клиник ва лаборатория базасига эга бўлиши лозим. Мисол тариқасида Hib-менингит (лаборатория хизмати мавжуд бўлиши шарт) ёки туфма қизилча синдроми (керакли клиник база мавжуд бўлиши шарт) устидан олиб бориладиган эпидемиологик назоратни келтириш мумкин. Дозор эпидемиологик назорат *касалланиш тенденцияси, леталлик* (м-н, қизамиқдан) ҳақида фойдали қўрсатгичларни, эпидемик чақнашлар ҳақида барвақт ахборотни ва ҳ. тақдим этади, лекин касалликнинг географик тақсимланиш кўлами ва ҳодисаларнинг умумий сони бўйича тўлиқ маълумотни бера олмайди.

Дозор эпидемиологик назоратни ташкиллаштиришнинг кетма-кетлиги:

1. Дозор эпидемиологик назорат тизими ташкиллаштирилиши кўзда тутилаётган касалликни танланг. Унинг компонентлари нимадан иборат (касаллик билан зааралangan аҳолининг ёш гурухи, географик тақсимланиш, мавсумийлик, кўзғатувчи ва ҳ.).
2. Дозор эпидемиологик назорат тизими жорий этиладиган худуд чегарасини белгиланг.
3. Ушбу худуддаги барча йирик, ўртача ва кичик касалхоналарни, ҳамда хусусий тартибда фаолият юритувчи врачлар сонини аниқланг.
4. Ҳар бир тиббий муассасасининг (касалхонанинг) ёки хусусий тартибда фаолият юритувчи врачнинг ўрганилаётган касалликка чалинган беморлар билан мuloқотда бўлиш эҳтимоллигини аниқланг. Мuloқотда бўлиш эҳтимоллиги энг юқори бўлган тиббиёт муассасасини тизимга биринчи навбатда киритилади. Анъанавий тарзда барча йирик касалхоналарни тизимга жалб этилади. Ресурслар мавжудлигига қараб, бошқа тиббий муассасаларни ва хусусий тартибда фаолият юритувчи врачларни киритиш ҳисобига тармоқни кенгайтиринг.
5. Ҳар бир тиббий муассасадаги масъул ходим ва тизимга киритиш учун таклиф этилган врач билан учрашинг. Уларнинг иштироки ҳеч қандай молиявий рафбатлантиришсиз ва кўнгилли равишда бўлиши лозим. Молиявий бўлмаган мотивациялар (м-н, ушбу касалхонанинг (клиниканинг) тармоқча кирганигини тасдиқловчи сифатли қоғозга бежирим ишланган сертификат) аксарият ҳолларда яхши иш беради ва ижобий қабул қилинади.
6. Касалхона ходими ёки врач билан маслаҳатлашганингизда ҳодисанинг стандарт таърифи, лаборатория базасига талаб, ҳисбот шакли ва унинг даврийлиги борасида бир тўхтамга келиб, қарор қабул қилинг. Шунингдек, ҳодисани аниқлаш, лаборатория тестлари ва ҳисбот даврийлиги борасидаги стандарт қўлланмаларни иштирок этувчи бўлинмалар билан келишиш ва уларга тарқатиш зарур. Олдиндан ҳисботни тақдим этиш усули — почта орқали, факс билан, электрон почта орқали ва ҳ. ҳақида қарор қабул қилиш даркор.
7. Исталган муаммони ҳал этиш ва мuloқотни янгилаш учун касаллик ҳақида олинган маълумотларни ва ҳодисалар таснифини жадвал кўринишида умумлашириб тескари алоқани амалга ошириш жуда муҳим.
8. Ҳисбот тўлиқлигини ва ўз вактидалигини кузатиб бориш жадвалини тизимга киритилган таянч базалари учун ҳам қўллаш зарур (3.1-бўлимга қаранг).

### 3.3 Фаол эпидемиологик назорат тизимини ташкиллаштириш

Навбатдаги қадамлар фаол эпидемиологик назорат тизимини ташкиллаштириш тартибини кўрсатиб беради. Бундай тизим унда тадбирлар ўтказилишига, турли босқичдаги ходимларни ўқитишга раҳбарлик қилувчи, шунингдек, ҳисбот тизимида киритиладиган таянч базаларни танлашда ёрдамлашувчи масъул ходимларнинг иштирокини кўзда тутади.

*Эпидемиологик назорат учун масъул ходимларни аниқланг.*

Эпидемиологик назорат учун масъул ходимларнинг бурч-мажбуриятларига фаол эпидемиологик назорат учун танланган таянч пунккларга ташриф буюриш, асосий текширувни ва қайта ташрифларни амалга ошириш киради. Эпидемиологик назорат учун масъул ходимлар сифатида шу тахлит тадбирларни бажариб келаётган мутахассисларнинг (м-н, туман босқичида иммунизация ўтказувчи тиббиёт ходимлари) жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

*Тиббиёт ходимлари ўртасида ҳамкорликни таъминланг.*

Фаол эпидемиологик назорат учун таянч пунктларини танлаш қатор омилларга, жумладан, назорат олиб бориладиган касалликка, ҳамда ушбу касалликнинг жамоада кечишига боғлиқ. Танлашни юқори

босқичдаги раҳбарлар билан бамаслағат ҳал этиш лозим; таянч пунктлари сифатида касалхоналар, клиникалар, хусусий фаолият юритувчи врачлар ва ҳ. танланиши мүмкін.

Эпидемиологик назорат учун масъул шахс тиббиёт ходимларининг фаол эпидемиологик назоратни амалга оширишда иштирок этиш ва ҳамкорликдаги мажбуриятлари борасидаги розилигини олиш учун улар билан шахсан мулоқотта киришишлари лозим. Дастрабки учрашувда касалхона ходимларининг, клиницистларнинг ва бошқа тиббиёт ходимларининг эпидемиологик назорат амалга ошириладиган касаллик ҳақидағы билим доирасини кенгайтириш учун, уларга ахборот тақдим этиш (м-н, буклетлар ёки плакатлар), ҳамда назоратни ташкиллаштиришнинг сабабларини түшүнтириб бериш фойдалы болади.

Ушрашув давомида ҳодисанинг (касалликнинг) стандарт таърифина келтириш ва ушбу таърифга мос келадиган барча ҳолатларда, ҳаттаки ҳали ташхис құйилмаган бўлса ҳам, хабарнома жүнатиш зарурлиги түшүнтирилади. Лаборатория текшируви натижалари маълум бўлиши биланоқ, хабар берилиши ҳақида клиницистларни ишонтириш лозим.

Ҳар бир ДПМ да касаллик ҳолатларини фаол аниқлайдиган ва улар ҳақида хабар юборадиган биттадан ходимни беркитишга ҳаракат қилинг.

### **Фаол эпидемиологик назорат доирасида ташриф этиш мунтазамлиги қандай?**

ДПМ ходимлари томонидан касаллик ҳолатларини фаол аниқлашдан ташқари, эпидемиологик назорат учун масъул шахс мунтазам равиша таянч базаларига ташриф буориши зарур. Ўз вақтида эпидемиологик текширув ўтказилишини таъминлаш учун, исталган базага ташрифларнинг мунтазамлиги тегишли касалликка гумон қилинган беморнинг госпитализация қилиниш әхтимоллигига боғлиқ. 4-иловада фаол эпидемиологик

Касалликка гумон қилинган беморнинг ДПМ га мурожаат этиш әхтимоллиги	Эпидемиологик назорат учун масъул шахснинг ДПМ га ташриф этиш мунтазамлиги
Юқори	Ҳар ҳафтада
Ўртача	Ҳар ойда

назорат учун олиб бориладиган мониторинг шаклларига мисоллар келтирилган.

### **Фаол эпидемиологик назорат мақсадида ташриф этилганида нима қилмоқ керак?**

Бундай ташрифлар бешта асосий қисмдан иборат бўлиши мүмкін; улар 3-иловада батағсил ёритилган.

*Касалхонанинг касаллик ҳолатлари аниқланishi мумкин бўлган барча бўлинмаларига ташриф буоринг.*

Сизни қизиқтираётган беморлар поликлиникада ҳам, касалхона палаталарида ҳам бўлиши мүмкін. Шунинг учун ушбу беморларни учратиш мүмкін бўлган барча жойларга ташриф буориш мақсадга мувофиқдир. Асоратланмаган қизамиқ ҳолатлари поликлиника шароитида аниқланади ва даволанади, асоратли беморлар эса болалар шифохонасига госпитализация қилинишга муҳтож бўлиши мүмкін. Неврологик симптомлар мавжуд қизамиқ беморлари эса неврология бўлимларига ётқизилиши мүмкін.

*Ахборот бериши мумкин бўлган барча ҳисоб-ҳисобот ҳужжатларини ўрганинг.*

Сизни қизиқтирадиган ахборотни поликлиникаларга ташрифни ва ётқизилган беморларни ҳисобга олиш журналларидан, беморни касалхонадан чиқаришда бериладиган маълумотномалардан, лаборатория текширувлари йўлланмаларидан, ҳамда ДПМ статистика бўлимлари ҳужжатларидан олиш мүмкін.

*Касаллик ҳақида билиши мумкин бўлган барча кишилардан сурштиринг.*

ДПМ га ҳар бир ташрифни мазкур муассасадаги фаол эпидемиологик назорат учун масъул киши билан сұхбатлашишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир; унда барча беморларнинг ёки кимдан сўраш зарур бўлса, ўшаларнинг рўйхати бўлиши мүмкін. Шундан кейин бўлимларнинг ва бошқа бўлинмаларнинг мудирлари, давловчи врачлар, палата ҳамширлари ва шошилинч ёрдам пунктлари шифокорлари билан сұхбатлашиш лозим.

Гүмөн қылышкан ҳолат ҳақида мүайян (конкремет) касаллик учун стандарт анкетадан фойдаланиб ахбороттойт. Бемор аныкланғаныңда зарур чораларни құлана.

Гүмөн қилинаётган бемор аниқланғанлығы ҳақида катта ҳамширага ёки навбатчи врачга хабар бериш зарур. Беморни стандарт анкетадан фойдаланыб сүраб-сурыштириңг. Шунингдек, керакли намуналарни йиғиш ва уни текширишга мүлжалланған лабораторияга жүнатиш лозим. Бундан ташқари, навбатдаги текшируларни ва касаллик аниқланған ДПМ ни лаборатория тестларининг натижалари ҳақида хабардор қилишин күзде тутиш зарур.

Фаол эпидемиологик назорат учун ташрифларнинг мониторингини олиб боринг. Кўпинча бундай ташрифларнинг мониторинги режали эпидемиологик назорат учун такроран амалга оширилади. Ташриф санасини ва бунда аниқланган беморларни ёзib бориш қулагай. 4-иловада фаол эпидемиологик назорат мониторингининг тартиби ва кейин хисоботини шакллантириш байди.

### 3.4 Эпидемиологик назорат тизими учун ахборот түплаш

Эпидемиологик назорат тизимидан батағсил ахборотнинг тури қажмлари талаб қилиниши мумкин. Эпидемиологик назоратнинг қандай тури танланмасин, барча ҳолатларда бошланғич нұқта ҳодисасынг стандарт таърифи хисобланади.

## **Ходисанинг стандарт таърифидан фойдаланинг**

Ҳодисанинг стандарт таърифи — бу кишида муайян касаллик мавжудлиги ҳақида қарор қабул қилиш учун фойдаланиладиган мезонларнинг мутаносиб-мувоғиқлашган (бир-бирига монанд) тұпламидир. Ҳодисанинг стандарт таърифини құллаш ҳар бир касаллик ҳолатини, унинг вужудға келиш жойи ва вақтідан ёки уни аниқлаган шахсдан қатый назар, ягона механизмни күллаб аниқлашни ва қайд этишин таъминлайды. Башқариладиган инфекциялар учун энг тарқалған таърифлар 2-иловада көлтирилған.

## Синдромлар бўйича ҳисобот

2-иловадаги ҳодисанинг айрим таърифлари конкрет ташисга эмас, балки синдромларга ёки симптомлар ва белгилар тўпламига таянди. Бу, мазкур ҳолатда бошқа ўхшаш касалликлар аниқланишига ҳам олиб келсада, қидиралаётган касалликни аниқлаш экътимолигини оширади.

**Мисол:** Тошма тошиш ва иситма чиқиш синдроми құзамиқни, қызылчани ёки денге геморрагик иситмасини тасвирлаш учун түғри келиши мүмкін. Қидирилаётган ҳодисаны тасдиқлаш учун текширувни яна ҳам давом этириш ва намуналарни лаборатория текширувидан үтказиш зарур.

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўйини раҳбари сифатида Сиз ҳамиша тиббиёт ходимлари касалликнинг клиник аломатлари асосида ҳодисалар ҳақида хабар беришларини, ҳамда ўз тажрибаларидан ва клиник тафаккурларидан унумли фойдаланишларини рағбатлантиришингиз лозим. Бу маънода юқумли касаликларни ўз вақтида қайд этишига қодир бўлмаган тизимдан кўра, гумон қилинаётган ҳолатлар ҳақида ҳаддан зиёд ҳисобот топширилишини кўзда тутивчи тизимга эга бўлиш афзалдир. Кўшимча текширувлар ўтказиб бўлингач, гумон қилинаётган ҳодисаларни тасдиқлаш ёки истисно этиш мумкин. Истисно этилган ҳолат эмас, ўтказиб юборилган ҳолат эпидемиологик назорат тизимининг хатоси ҳисобланади.

**Барча ҳолатларни текшириш керакми ёки айрим ҳолатларни?**

Муайян касалликни назорат қилиш дастурининг мақсадлари, текширилиши зарур бўлган ҳолатлар сони ҳақидаги қарорни қабул қилиш чоғида кўйилади. Бироқ умумий қоидалар кўйидагилар хисобланади:

1. Агарда касаллик ликвидация ёки элиминация қилиниши зарур бўлса, ҳар бир ҳолатни текшириш зарур.
  2. Агарда касаллик назорат қилиниши зарур бўлса, ҳар бир ҳолатни текшириш мақсадга мувофиқ

бўлмаслиги мумкин; ташхисни тасдиқлаш учун дастлабки биринчи ҳолатни (ҳолатларни) текшириш ва муаммонинг қўламини аниқлаш учун фаол қидиurvни амалга ошириш етарли бўлади.

3. Ҳолатни текшириш учун ҳолатни *текшириш шаклидан* фойдаланинг. Улар ҳар бир муайян касаллик учун тузилган. Одатда ахборотни шахсий сўров пайтида тўпланади; баъзан бунинг учун беморнинг хонадонига, касалхонанага ёки жамоа ҳузурига ташриф этиш талаб этилади. Шаклга туширилган маълумотларнинг сифати ўта муҳим, чунки улардан кенг миёсли тадбирлар ўтказилиши зарурлиги ҳақидаги қарор қабул қилинишида фойдаланилади.

### **3.5 Эпидемиологик назорат сифатининг мониторинги**

Мониторинг — бу иш бажарилиши боришини билиш, муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун маълумотларни, муолажаларни ва амалиётни тизимли ва узлуксиз ўрганиш жараёнидир. Уни мунтазам равишда амалга ошириш зарур; зарурият туғилганида у муаммони бартараф этиш билан якун топмоғи лозим. Эпидемиологик назорат сифатининг мониторинги амалга оширилишини енгиллатиш учун қатор стратегиялардан фойдаланиш мумкин. Улардан айримлари қўйида келтирилган. Иммунопрофилактика дастури мониторингининг тафсилотлари 5-модулда келтирилган.

#### **Иш бажарилиши боришининг кўрсаткичлари**

Эпидемиологик назорат сифатининг мониторинги амалга оширилишидан, жумладан ҳисботга киритилаётган маълумотлардан максимал натижа олиш учун, иш бажарилишининг бориши ва сифати ҳақида мулоҳаза юритишга кўмак бериши мумкин бўлган кўрсаткичлар тўпламига эга бўлиш зарур. Мана улардан айримлари:

1. Ҳафталик, ойлик ҳисботларнинг тўлиқлиги (жумладан «0» лик ҳисботларнинг).
2. Ҳафталик, ойлик ҳисботларнинг ўз вақтидалиги (жумладан «0» лик ҳисботларнинг).
3. Хабарнома олинганидан кейин дастлабки 48 соат мобайнида текширилган ҳолатлар сони (мақсад >80%).
4. Намуналар олинган ва лабораторияга жўнатилган ҳолатларнинг ҳиссаси.
5. Таянч базалари тақсимланишининг картаси (барча ҳудудлар бир текис қамраб олинганми?).

Яхши танланган кўрсаткич мустақил ўлчов бирлиги бўлиб, уни турли ДПМ ларда қўллаш мумкин; бу таққослаш имконини беради. Ушбу курснинг 5-модулида (иммунизация тизими мониторинги) кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича икир-чикирларигача маълумотлар келтирилган.

Ҳозирги вақтда муайян касаллик учун кўрсаткичларнинг, иммунизация билан қамраб олиш учун мезонларнинг ва касалликлар назоратининг кўплаб ҳужжатлари мавжуд.

Қўйида бошқариладиган инфекциялар устидан эпидемиологик назорат учун ЖССТ тавсия этган стандартлардан олинган бактериал менингитда қўллаш учун кўрсаткичлар келтирилган.

### 1-расм. Бактериал менингит устидан олиб бориладиган эпидемиологик назорат сифатининг тавсия этилган кўрсаткичлари



- эпидемиологик назорат сифатининг кўрсаткичлари  
Текшириш учун ОМС/қон олинган барча эҳтимоллиги мавжуд  
ҳолатлар ҳиссаси  $\geq 90\%$   
ОМС/қондан бактериал патоген қўзғатувчи ажратилган барча эҳтимоллиги мавжуд  
– ҳолатлар ҳиссаси:  
    > ОМСда 10 ёки ундан кўп лейкоцитлар/ $\text{мм}^3$   $\geq 15\%$   
    > ОМСда 100 ёки ундан кўп лейкоцитлар / $\text{мм}^3$   $\geq 40\%$   
– ОМСдан ажратилган изолятлардаги H. Influenza ҳиссаси  $\geq 20\%$

**Эслатма:** бактериал менингит беморларининг ОМС да лейкоцитлар микдори турлича бўлсада, ушбу касалликнинг бактериал сабаблар аниқланадиган эҳтимоллиги мавжуд ҳолатлар ҳиссаси ОМС да лейкоцитлар микдори ошиши билан ошиб боради. эпидемиологик назорат самарадорлигини баҳолаш учун эпидемиологлар, юқорида келтирилган тоифаларнинг биттасида ёки иккаласида ҳам бактериал сабаб аниқланган БМ потенциал ҳолатларини аниқлашни мақсад қилиб қўйиши мумкин. Кутилаётган мақсадли даражадан паст натижга эҳтимоллиги мавжуд ҳолатлар орасидан айrim касаллик ҳолатлари аниқланмасдан қолганлигини, ва бу эса ўз навбатида лаборатория ва клиник амалиёт қайта қўриб чиқишга муҳтоj эканлигини англатади.

*Манба:* Бошқариладиган инфекциялар устидан эпидемиологик назорат учун ЖССТ тавсия этганстандартлар. WHO/V&B/03.01

#### Такрорлашни истисно этиш.

Ҳисоботларни юқори босқичга тақдим этишда, ҳисобот даври мобайнида (ҳар ҳафтада ёки ҳар ойда) аниқланган ҳолатлар ҳисобга олинишининг такрорланишига йўл қўймаслик учун кузатиб бориш зарур. Такрорлаш – битта ҳолатга доир маълумотларни тасодифан бир неча маротаба киритишdir. Биринчи навбатда, бу зудлик билан хабар жўнатиш кўзда тутилган ҳолатлар учун тааллуклидир; бундай вазиятлар айнан битта касаллик учун пассив ва фаол ҳисобот тизими йўлга қўйилганида кузатилиши мумкин. Такрорлашни истисно этиш усулларидан бири – ҳолатларнинг қаторлар бўйлаб рўйхатини тузиш, бир хил фамилия, исми шарифлар, манзилгоҳлар ва ҳоказолар мавжудлигига текширишдан иборатdir.

**1-машқ: Ҳолатни текширувдан ўтказиш шаклини түлғазиш.**

**Сиз — Шарқий вилоятда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бүғини раҳбарисиз ва қызамиққа нисбатан хавфлилік даражаси паст ҳисобланған Г. тумандаги поликлиника ҳамширасидан ҳозиргина ҳолатни текширувдан ўтказиш шаклини олдингиз.**

**1-ВАЗИФА:** Қызамиқ учун ҳодиса таърифи қанақа (2-иловага қаранг).

**2-ВАЗИФА:** Ушбу шакл бу ҳолат қызамиқ эканлигини аниқлаш учун етарли даражадаги ахборотни сақтайдымы? Агар йўқ бўлса, яна қандай қўшимча маълумотлар зарур бўлади?

**3-ВАЗИФА:** Ҳамширага қызамиқ ҳолатини текширувдан ўтказиш шаклини келажакда түлғазиш борасида қандай тавсиялар/маслаҳатлар беришингиз мумкин?

**Эпидемиологик текширувдан ўтказиш учун шакл**

Қызамиқ ва қызилча ҳолатарини эпидемиологик текширув учун интеграцияланған шакл

Эпид. № ҳодиса:	Вилоят:	Туман:			
Хабар берилган сана:	/ /	текширув ўтказилган сана:	/ /	Ҳисобот санаси:	/ /
Бирламчи клиник ташхис: 1. Клиник қызамиқ <input type="checkbox"/> 2. Клиник қызилча <input type="checkbox"/> 3. Бошқа <input type="checkbox"/> 9. Д/Й* <input type="checkbox"/>					
Ҳодиса эпидемик чақнаш билан боғлиқ: 1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/> Эпид. чақнаш қайд. №:					

**A. Беморнинг идентификацион маълумотлари**

Фамилияси, исми, шарифи :	Охирги вакцинация санаси:
Жинси: 1. Эр <input type="checkbox"/> 2. Аёл <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/>	
Түғилган санаси: / / , агар аниқ бўлмаса, ёши: _____ йил ёки, агар 1 ёшгача гўдак бўлса _____ ой Манзили _____	
Аёллар учун:	
Ҳозирги пайтдаги ҳомиладорлик: 1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа бўлса, ҳомиладорлик муддати: _____ ҳафта	
Эмланганлик мақоми	Охирги вакцинация санаси:
Қызамиқ: 1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/> Агар ҳа бўлса, доза миқдори _____ / _____	
Эмлаш мақоми ҳақидаги маълумот манбайи: 1. Пациентнинг картаси <input type="checkbox"/> 2. Ота-оналар ёки васийлар сўзи <input type="checkbox"/>	
Қызилча: 1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/> Агар ҳа бўлса, доза миқдори _____ / _____	
Эмлаш мақоми ҳақидаги маълумот манбайи: 1. Пациентнинг картаси <input type="checkbox"/> 2. Ота-оналар ёки васийлар сўзи <input type="checkbox"/>	

\* Д/Й\* — далил ўйқ.

## 6-МОДУЛЬ

### Б. Клиник маълумотлар

Доғлипапуали тошма: 1. Эр <input type="checkbox"/> 2. Аёл <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/>							
Тошма пайдо бўлиш санаси: ___/___/___ Тошма давомийлиги (кунлар сони): _____							
Бошқа симптомлар	Асорат мавдужудлиги						
Иситма:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й	Зотилжам:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й
Ўткир ринит:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й	Овқатланишнинг бузилиши:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Н/Д
Йўтал:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й	Диарея:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й
Конъюнктивит:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й	Энцефалит:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й
Аденопатия, артралгия ёки артрит:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й	Бошқа:	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	<input type="checkbox"/> Д/Й
Госпитализация:	<input type="checkbox"/> Йўқ			Қанақа, кўрсатинг	<input type="checkbox"/> Д/Й	Касалхона номи: _____	
Касалликнинг оқибати: 1. Леталлик: <input type="checkbox"/> 2. Ўлим санаси: ___/___/___				3. Кузатувдан чиқиб кетди: <input type="checkbox"/>	4. Д/Й <input type="checkbox"/>		
Ўлим сабаби: _____							

### В. Инфекция манбаси эҳтимоллиги гумон қилинаётганлар

Ушбу bemor ташхиси тасдиғини топган қизамиқ ҳолати билан тошма тошишидан олдин мулоқотда бўлганми (7-18 кун мобайнида) ёки қизилча (12-23 кун мобайнида)? 1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/>			
Агар ҳа: Ким билан (Эпид. № ҳолат/ФИО) _____			
Қаерда (давлат/манзил): _____			
Қачон (саналар): _____			
Ушбу bemor қайд этилгунига қадар мазкур худудда қизамиқ ёки қизилча ҳолатлари бўлганми? 1. Қизамиқ <input type="checkbox"/> 2. Қизилча <input type="checkbox"/> 3. Иккала инфекции <input type="checkbox"/> 4. Йўқ <input type="checkbox"/> 5. Д/Й <input type="checkbox"/>			
Бемор тошма тошишидан олдин 7-23 кун мобайнида бирон жойга бориб келганми?			
1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/>			
Агар ҳа: Қаерга (давлат/манзил): _____			
Қачон (саналар): _____			
Сафар ҳақида маълумотлар: _____			
Ушбу ҳолатлар ташқаридан олиб келинган ташхиси тасдиқланган ҳолат билан эпидемиологик боғланганми?			
1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/>			
Агар ҳа: Айнан қанақа билан (Эпид. № ҳолат/ФИО): _____			
Қаерда (давлат/манзил): _____			
Қачон (саналар): _____			
Ушбу bemor симптомлар пайдо бўлганидан кейин ҳомиладор аёл билан мулоқотда бўлганми?			
1. Ҳа <input type="checkbox"/> 2. Йўқ <input type="checkbox"/> 3. Д/Й <input type="checkbox"/>			
Агар ҳа, ФИО ва манзилини кўрсатинг _____			

**Г. Лаборатория маълумотлари**

Клиник намуна олинган: <input checked="" type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Д/Й <input type="checkbox"/>
Агар ҳа, намуна типини кўрсатинг: Зардоб <input type="checkbox"/> Сўлак/транссудат оғиз шиллиғи <input type="checkbox"/> Ҳалқумдан суртма <input type="checkbox"/> Қоннинг қуруқ томчиси <input type="checkbox"/> Сийдик <input type="checkbox"/> ЭДТА билан бутун қон <input type="checkbox"/> Бошқа _____
Қизамиқ вирусига IgM антитела: Тест қўйилмаган <input type="checkbox"/> Ижобий <input type="checkbox"/> Салбий <input type="checkbox"/> Текширув тугамаган <input type="checkbox"/> Шубҳали натижа <input type="checkbox"/>
Қизилча вирусига IgM антитела: Тест қўйилмаган <input type="checkbox"/> Ижобий <input type="checkbox"/> Салбий <input type="checkbox"/> Текширув тугамаган <input type="checkbox"/> Шубҳали натижа <input type="checkbox"/>
Лаборатория текшируви натижалари олинган сана (биринчи тасдиқланган натижа): ___/___/___
Қизамиқ вируси аниқланиши: Текширилмади <input type="checkbox"/> Ижобий <input type="checkbox"/> Салбий <input type="checkbox"/> Текширув тугамаган <input type="checkbox"/> Генотип _____

**Д. Ҳолатнинг якуний таснифи**

0 Ҳолат рад этилган <input type="checkbox"/>
1. Қизамиқ, лабораторияда тасдиқланган <input type="checkbox"/> 2. Қизамиқ, эпидемиологик боғланган <input type="checkbox"/> 3. Қизамиқ, клиник <input type="checkbox"/> 4. Қизилча, лабораторияда тасдиқланган <input type="checkbox"/> 5. Қизилча, эпидемиологик боғланган <input type="checkbox"/>
6. Қизилча, клиник <input type="checkbox"/>
Инфекция манбаси: 1. Четдан келтирилган <input type="checkbox"/> 2. Келтирилган эмас, келтирилган билан боғланмаган <input type="checkbox"/> 3. Келтирилган билан боғланган <input type="checkbox"/> 4. Д/Й <input type="checkbox"/>
Якуний тасниф санаси: ___ / ___ / ___

**Эпидемиологик текширувни ўтказди:**

ФИО : _____	Лавозими: _____
Текширув санаси: ___ / ___ / ___    Кузатув: _____ _____	

**3.6 Ташхисни тасдиқлаш****Тасдиқлаш усуллари**

Республикамизнинг чекка ҳудудларида қайд этилган, лекин ҳали тасдиқланмаган ҳолат «гумон қилинган» деб юритилади. Баъзан бунинг учун «эҳтимоллик» ҳолати атамаси ҳам қўлланилади. Чалкашликка йўл қўймаслик учун уларнинг ҳар иккаласидан эмас, фақат биттасидан фойдаланиш лозим.

Касалликка гумон қилинган беморда фақат касалликнинг белгилари ва симптомлари мавжуд, тасдиқланган беморда эса касалликнинг белгилари ва симптомлари мавжуд бўлиши билан бирга, ҳодисанинг

стандарт таърифига мос келиши ва лабораторияда тасдиқланган бўлиши лозим. Шунга эътибор қаратиш лозимки, лабораторияда тасдиқланган ҳолатлар бошқа ҳолат билан эпидемиологик боғлашга муҳтоҷ эмас, чунки лаборатория тасдигининг ўзи ҳодисани ҳисобга олиш (инобатга олиш) учун етарли ҳисобланади.

2-иловада бошқа бошқариладиган инфекцияларни тасдиқлаш учун зарур бўладиган лаборатория тестлари, ҳамда клиник манзаралари ва ҳолатларнинг таърифлари баён этилган.

Қуйидаги таърифларда бошқариладиган инфекцияларни тасдиқлаш учун қўлланиладиган ташхисот усуллари баён этилган.

### Ҳодисанинг стандарт таърифи

Ҳодисанинг стандарт таърифига мос келиш учун беморларда Миллий босқичда қабул қилинган ушбу касаллик учун ҳодисанинг стандарт таърифида келтирилган касалликнинг белгиларига ва симптомларига эга бўлиши лозим. Масалан, қизамиқ ҳолати учун стандарт таъриф қўйидагича бўлиши мумкин:

- Иситма ВА доғли папулали тошма ВА йўтал ёки бурундан сув оқиши ёки конъюнктивит.

### Эпидемиологик алоқадорлик

Эпидемиологик алоқадорликни ҳодисалар лабораторияда тасдиқланган ҳодиса билан яширин давр пайтида мулоқотда бўлишган бўлса исботлаш мумкин. Масалан, қизамиқ ҳолати учун эпидемиологик алоқадорлик қўйидагича бўлиши мумкин:

- қон текшируvida қизамиқ ташхиси тасдиқланган бола бундан ўн беш кун олдин ҳозир тошма пайдо бўлаётган бола билан мулоқотда бўлган. (Қизамиқнинг яширин даври — 7 дан 18 кунгача, аҳён-аҳёнда — 21 кунгача. Одатда мулоқот ва тошиши ўртасида 14 кун атрофидаги вақт ўтади).

### Лаборатория тасдиғи

Тегишли усуллар билан олинган намуналарда патоген мавжудлигини кўрсатувчи текшируv натижалари лаборатория тасдиғи ҳисобланади. Масалан, қизамиқ учун лаборатория тасдиғи қўйидагилар бўлиши мумкин:


- тошма тошганидан кейин 4–28 кун мобайнида олинган қон зардобида IgM синфига мансуб антителолар мавжудлиги.

2-иловада ҳодисаларни тасдиқлаш учун зарур бўладиган лаборатория тестлари баён этилган. Бунинг учун қанақа касаллик эканлигига қараб қон, орқа мия суюклиги, фекалий ёки халқум ажратмалари талаб этилиши мумкин. Намуналарни олиш ва элтиш тартиблари маҳсус қўлланмаларда ёритилган. Намунани олишдан олдин лаборатория билан боғланиб, талабларни аниқлаб олиш лозим, чунки намуналарни олиш, улар билан мумомалада бўлиш ёки элтиш тартиблари бузилган ҳолатларда, ёки бўлмаса йўлланма ҳужжатлари етарлича бўлмаса улар текшируvga яроқсиз бўлиб чиқиши мумкин.

### Ҳар бир ҳолат учун намуна олиш зарурми?

Лаборатория текшируvлари учун намуналарни ликвидация ёки элиминация дастурига киритилган бошқарилувчи инфекциялар билан касалланишга гумон қилинган ҳар бир бемордан олиш зарур. Масалан, фекалий намунаси барча ЎНФ ҳолатларидан, қон намунаси эса — қизамиқга гумон қилинган беморлардан, ушбу касалликларнинг ликвидация фазасида турган худудларда олиниши зарур.

Бошқа бошқарилувчи инфекциялар учун, жумладан назорат қилиниши лозим бўлган касалликларда ҳар бир бемордан намуналарни олиш зарурияти йўқ. Миллий сиёсатга қараб, эпидемик чақнашларни тасдиқлаш учун намуналар олиш етарли бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, чақалоқлар қоқшоли учун намуналарни лабораторияда текшириши шарт эмас; клиник ташхис етарли бўлади



## 4. ҲИСОБОТ

### 4.1 Ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги

Юқорида таъкидланғаныдек, касалликлар назорати бүйіч тавсиялар ҳар бир касалликка нисбатан назорат мақсаддарини белгилаб беради. Ыз навбатида бу мақсадлар, эпидемиологик назорат доирасидаги ишлар ҳақидағы ҳисобот даврийлигини, ҳамда зарур ҳисобот түрларини белгилайди.

Ҳисоботлар үз бошланишини касаллук қайси босқичдан аниқланған бўлса, ўша босқичдан бошлашади (эҳтимол, ҚВП тиббиёт ходими ёки туман мутахассиси), кейин ҳар бир маъмурий босқич орқали вилоят ва Миллий босқичлардаги раҳбарларга келиб тушади. Тезкор хабар бериш зарур бўлганида, содир бўлган ҳолат ҳақида имкон қадар эртароқ ўзидан кейинги босқични боҳабар қилиш, ҳисобот нусхасини эса ахборот учун ва тақрорлашни истисно этиш мақсадида бошқа босқичларга жўнатиш лозим.

#### Шошилинч ҳисобот

Шошилинч ҳисоботни тақдим этиш, одатда эпидемик чақнаш вужудга келиш эҳтимоллиги мавжуд бўлса, ёхуд касалликка нисбатан ликвидация ёки элиминация дастурлари қўлланилаётган бўлса қўзда тутилади. Бундай касалликлар Миллий сиёсат билан белгиланади; булар қизамиқ, полиомиелит ва вабо каби касалликлар бўлиши мумкин. Шошилинч ҳисоботни тақдим этиш электрон почта, факс, телефон ёки мавжуд бўлган бошқа тезкор хабар бериш воситалари орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳисоботлар энг муҳим, жумладан ташхис, беморнинг турар жойи ва ёши каби ахборотларни акс эттириши зарур. Тезкор ҳисобот тезкор текширув ўтказиш билан ҳамоҳанг тарзда (биргаликда) олиб борилиши лозим.

#### Ҳафталик ҳисоботлар

Ҳафталик ҳисоботлар одатда фаол эпидемиологик назорат тизими олиб бориладиган ёки назорат мақсади ликвидациядан ёки элиминациядан (м-н, полиомиелит) иборат бўлган касалликлар билан чекланади. Бундай ҳисоботлар кўпинча ҳодисанинг индивидуал текшируви ҳақидағы ҳисобот кўринишида тақдим этилади.

#### Ойлик ҳисоботлар

Бу энг кўп тарқалган ҳисобот даврийлиги бўлиб, унда асосий маълумотлар пассив эпидемиологик назорат тизими орқали тўпланади. Шу тахлитда дозор эпидемиологик назоратнинг таянч базалари ҳам ҳисобот беришади. Ойлик ҳисоботлар йирик маълумотларни (яъни, муайян касаллик ҳолатларининг умумий сони) ўзида мужассам этапи; улар ҳар бир ҳолат ҳақидағы батафсил маълумотни акс эттирмайди (айрим инфекцияларга нисбатан дозор эпидемиологик назорат бундан истисно).

### 4.2 Маълумотларни умумлаштириш ва тақдим этиш усуллари

#### Умумлаштирилган ҳисоботлар

Турли бошқариладиган инфекциялар ҳолатлари сонини ягона ҳисоботга - эпидемиологик назорат натижалари ҳақидаги ойлик (ёки бошқача даврийлик билан) ҳисобот деб юритилувчи ҳисоботга киритиш мумкин. Умумлаштирилган маълумотлар бир неча касалликдан иборат муаммонинг миқёси ҳақида яхлит, лекин, ҳар бир касаллик юзасидан алоҳида кузатиш олиб бориш учун етарлича муфассал бўлмаган, тасаввур ўйғотади. Умумлаштирилган маълумотлар барча тафсилотлар талаб этилмайдиган вазиятларда таҳлил ва тақдимот учун фойдали имконият яратиши мумкин; одатда бундай маълумотлар пассив эпидемиологик тизим орқали ойлик ҳисобот учун кўлланилади.

#### Ҳодисаларнинг номма-ном рўйхати

Ҳодисаларнинг номма-ном рўйхати, бирон касалликнинг бир нечтаси ҳақидаги маълумотни бирлаштиришнинг қулай усули ҳисобланади; у ўзида, умумлаштирилган ҳисоботларга қараганда, батафсироқ маълумотларни жамлайди. Ҳодисаларни текширув шаклидаги маълумотларни, имкон қадар барвақтрок мазкур рўйхатга киритиш зарур; бу тезкор таҳлил ўтказиш ва маълумотларни визуал баҳолаш, ҳамда кластерларни аниқлаш имконини беради. Бундай рўйхатга мисол қизамиқ учун 4-иловада келтирилган.

#### Индивидуал ҳисоботлар

Эпидемиологик назоратнинг индивидуал маълумотлари бошқарилувчи инфекцияларнинг алоҳида ҳолатлари ҳақидаги батафсил маълумотни сақлайди. Индивидуал эпидемиологик назорат ҳодисанинг стандарт таърифидан ва ҳодисани текширув шаклидан батафсил маълумотни (м-н, беморнинг ФИО, ёши, вакцинал мақоми, гумон қилинаётган касалликка қарши охирги маротаба эмланган санаси, манзили, касалликнинг бошланиш санаси, гумон этилаётган ташхис, ҳамда лаборатория тестларининг натижалари (қачон натижага олинса)) қайд этиш учун фойдаланишини кўзда тутади. Индивидуал маълумотлар кўпинча зудлик билан тадбирлар курилиши тақозо этиладиган касалликлар учун ёки тез тарқалиш хусусиятига эга бўлган касалликларнинг эпидемик чақнашига (м-н, дифтерия, менингит ёки сарик иситма) гумон этилаётган вақтда кўлланилади. Қизамиқ ҳолатини текширув шаклининг намунаси 1-машқда келтирилган.

**2-машқ: Касаллик ҳолатларининг номма-ном рўйхатини тўлғазиши.**

**1-машқда Сиз доктор томонидан тақдим этилган ҳодисани текширув шакли билан танишдингиз. Марказий вилоят соғлиқнинг сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари сифатида Сиз, ҳодисалар ҳақидаги ҳафталик маълумотни Миллий босқичга юборишингиз зарур.**

**1-ВАЗИФА: Ҳодисани текширув шакли маълумотларидан ушбу ҳодисаларнинг номма-ном рўйхатини тўлғазиши учун фойдаланинг.**

**Чақалоқлар қоқшолига гумон қилингандык ҳодисаларнинг номма-ном рўйхатига мисол**

Давлат: \_\_\_\_\_ Вилоят: \_\_\_\_\_ Туман: \_\_\_\_\_

Ушбу рўйхат ўз ичига оладиган давр:

Давлат:				Вилоят:			Туман:		
Ҳисобот даври:									
Пациентнинг эпид.№	ФИО	Вилоят/туман	Ёши	Қабул қилингандык вакцинанинг дозаси	Охирги вакцинация санаси	Хабар берилган сана	Тасдиқланган ҳодиса билан мулоқот (ҳа/йўқ)	Иситма (ҳа/йўқ)	Тошма пайдо бўлиш санаси
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>

**Таърифлар:**

1. Ҳодисанинг уникал идентификацион рақами (м-н, ўткир нимжон фалажлик ҳодисасининг эпид. №)
2. Боланинг ёки ота-онанинг ФИО
3. Вилоят ва туман
4. Пациентнинг ёши
5. Қизамиқ ёки КПК вакцинасининг қабул қилингандык дозаси сони
6. Охирги вакцинация санаси
7. Ҳодиса ҳақида соғлиқни сақлаш тизими органларига хабар юборилган сана
8. Пациент инфекциянинг тасдиқланган ҳолати билан мулоқотда бўлган-бўлмаганлигини текширинг
9. Пациентда иситма мавжудми/бўлганми эканлигини текширинг
10. Тошманинг пайдо бўлиш санасини кўрсатинг.

## Эпидназорат: Бу нима ва нима учун?

Эпидназорат  
типлари

Эпидназоратни  
ташкиллаш-  
тириш ва  
МОНИТОРИНГИ

## Ҳисобот

## Таҳлил ва тадбирлар

Тескари  
алоқа

## **5. ТАҲЛИЛ ВА ТАДБИРЛАР**

Бүлимда соғылқын сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари бажариши мумкин бўлган маълумотларни таҳлил этишга доир турли мисоллар баён этилган. Таҳлил иммунопрофилактика дастурини бажаришнинг самарасини тушуниш ва ундаги заиф нуқталарни аниқлаш учун муҳимдир. Бундан ташқари, таҳлилдан олингган маълумотлар тадбирлар кўллаш учун – бу янги вакциналарни тадбиқ этишга, жамоалардаги хатарли гурухларга алоҳида эътибор қаратишга ёки дастур форматини ўзгартиришга тааллукли бўладими, барчаси учун асос яратади.

Аксарият ҳолларда маълумотларнинг таҳлили қуидаги учта саволни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.


## 5.1 Муайян қонуниятлар мавжудми?

Маълумотларнинг таҳлилини амалга оширишда одатда куйидаги учта савол қараб чиқилади.

## ВАҚТ БҮЙИЧА қонуниятлар мавжудми?

Айрим касалларға хос бўлган мавсумий тафовутлар, баъзи инфекцияларда (м-н, грипп, қизамиқ), бошқаларига қараганда (м-н, сил) яққол намоён бўлади. Иммунизация билан қамраб олиш кенгайиши/ўсиши билан мавсумий тафовутлар камроқ сезила бошлиши мумкин.

## 2-расм. Қизамиқ мавсумийлигига мисол




Айрим касалликларга табийи даврийлик хос; бунда катта эпидемиялар кузатилган йиллардан кейин, ноэпидемик даврлар келади. Одатда, эпидемик йилдан кейин бир ёки бир неча йил мобайнида касаллик ҳолатларининг наслбатан паст даражаси кузатилгач, яна наслбатдаги эпидемик йил такрорланади. Иммунизация билан қамраб олишнинг ошиши эпидемик кўринишни (структурани) ҳам ўзгартиради; бунда эпидемиялараро давр кенгаяди.

Иммунизация бүйича тадбирлар туфайли касалланиш жуда паст даражагача камайгач, эпидемик күриниш (структуря) билинг-билинг тус олиши мумкин. Эпидемиологик назорат бүйича маълумотларни таҳлил эта туриб, эпидемик күринишга (структурага) эътиборингизни қаратинг ва ўзингиздан сўранг:

- Жорий йилдаги эпидемик күриниш (структуралық) ўтган йиллардан қай даражада фарқ қиласы?
  - Касаллик үсишини (ёки пасайишини) изохлаш мүмкінми? Турли омилларнинг таъсирини (м-н, иммунизация билан қамраб олишнинг ошиши ёки иммунизацияның оммавий компаниялари) қараб чиқинг (3-расм).

### 3-расм. Қизамиқ мавсумийлигига мисол



Катта давр оралиғидаги касалланиш ҳақидағи маълумотларнинг таҳлили, қызамиқ билан касалланишни камайтириш дастурининг бажарилиши боришини мониторинг қилиш учун ўта муҳим бўлган тенденция ўзгариб боришини очиб бериши мумкин. Вақт бўйича тенденциянинг таҳлили, самарали назораттадбирларини танлашга ёки келажакдаги касалланиш дарражасини прогнозлашугача моделларни аниқлаши мумкин.

## **ЖОЙ БҮЙИЧА ЎЗИГА ХОС ТЕНДЕНЦИЯЛАР МАВЖУДМИ?**

Вақт ва жой бүйічада ҳодисалар гурухы шакллантирилғанға ёки йүқлигіні аниқлаш мүхим ажамият касб этади. Күпинча бұз, касаллук ҳолатлари жойлашған жойни ҳар бир ҳодисаның бошланиш санасини күрсатып

шу жойнинг харитасига туширилганида, кўзга жуда яхши ташланади. Ушбу маълумотлардан кейинчалик жавоб тадбирларини (м-н, қўшимча иммунизация) қўллаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

### 4-расм. «Оловли» ЎНФ ҳолатларини харитага тушириш бўйича мисол (ҳолатлар ишлов бериш ва текширув ўтказиш учун устуворлик даражасига кўра белгиланган)



#### КАСАЛЛАНГАНЛАР ЎРТАСИДА муайян қонуниятлар мавжудми?

Касалланган шахсни тасвирловчи индивидуум ҳақидаги минимал маълумотлар ҳажми (м-н, ёши, эмланганлик мақоми ва жойлашган жойи каби маълумотлар қўлланилиши зарур бўлган керакли тадбирлар ҳақида йўл-йўрик бериши мумкин).

### 5.2 Эпидемиологик назорат ҳисоботлари таҳлилининг натижалари асосида чоралар қўллаш

Ишни ҳисоботга киритилган ҳолатларнинг кўпайиши касалланиш ўсишининг оқибатими ёки ҳисобот тизимининг яхшиланиши натижасими эканлигини аниқлашдан бошланг. Агар, ҳолатларнинг кўпайиши ҳисобот тизимининг яхшиланиши натижаси бўлса ҳеч қандай тадбир қўллашга зарурият йўқ.

Бошқариладиган инфекциялар билан касалланиш ҳолатларининг ҳаддан зиёд кўп миқдорда қайд этилиши кузатилганида, эпидемиологик назорат ёки қўшимча иммунизация кўринишидаги қўшимча тадбирлар қўлланилиши талаб этилиши мумкин. Аксарият ҳолларда бундай тадбирларнинг ҳажми ушбу касалликнинг ўзига хослиги ва Миллий сиёсат билан белгиланади. Бу борадаги асосий йўл-йўриклар 1-оловада келтирилган.

Бироқ, бошқариладиган инфекциялар билан касалланиш ҳолатларининг кўпайиши, иммунопрофилактикализимидағи ўзечимини кутаётган муаммоларнинг (м-н, совуқлик занжири учунускуналар ёки вакциналар таъминоти) оқибати бўлиши мумкин. 5-модул - «Иммунизация тизими мониторинг» да иммунопрофилактика тизимидағи муаммоларни бартараф этиш бўйича тадбирлар келтирилган. Бундай

тадбирларнинг бажарилишини тезкор равища, ўрта муддатда ёки узоқ муддатлик тарзда мўлжаллаш мумкин.

Бошқариладиган инфекциялар билан касалланиш ҳолатлари кўпайганида ҳамиша бундай ўсиш сабабларига эътиборни қаратинг. Кўпинча, тизимдаги муаммони бартараф этиш, иммунизация компаниясини ўтказиш орқали унга реакция кўрсатишдан/таъсир этишдан кўра, муҳимроқдир.

*Эпидемиологик назорат доирасида қўйидаги реакция кўрсатиш/таъсир этиш тадбирлари амалга оширилиши мумкин:*

- қўшимча қайд этилмаган ҳолатларни излаш (фаол излашга қаранг)
- ҳолатларни жиддий текшириш (ҳолатларни текшириш шаклига қаранг)
- гумон қилинаётган ҳолатни тасдиқлаш (лаборатория тасдиғига қаранг)
- вақт, жой ва бемор бўйича шарт-шароитни тасвирлаш учун маълумотларни таҳлил этиш
- хуласалар ва натижаларни тегишли босқичларга тақдим этиш.

Реакция кўрсатиш/таъсир этиш тадбирлари вақт, жой ва бемор бўйича шарт-шароитни тасвирловчи маълумотларнинг сифати ва тўлиқлигига (м-н, ҳолатларни тўлиқ текширишнинг мавжудлиги ёки касаллик ҳолатларини оддийгина санаб ўтиш) боғлиқ.

### **Иммунизация воситалари орқали реакция/таъсир кўрсатиш**

Бошқариладиган инфекциялар қайд этилиш ҳолатлари сонининг кўпайишига бундай реакция кўрсатиш касалликка ва жорий сиёсатга қараб турлича бўлиши мумкин.


Полиомиелит каби касалликлар зудлик билан кенг миқёсдаги қўшимча иммунизация ўтказилишини тақозо этади; бу, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси томонидан қабул қилинган глобал сиёсатда ҳам кўзда тутилган. Бошқа касалликлар учун (м-н, қизамиқ ва чақалоқлар қоқшоли) иммунизация воситалари орқали реакция кўрсатишнинг кўлами Миллий ва маҳаллий сиёсатга боғлиқдир (1-иловага ва бошқа бошқариладиган инфекциялар бўйича кўлланмага қаранг).

### **Касалликнинг эпидемик чақнашига реакция/таъсир кўрсатиш чоралари**

Бошқариладиган инфекциялар билан касалланиш ҳолатлари кўпайганида қўйидаги саволга жавоб топиш зарур: ушбу ўсишни «эпидемик чақнаш» сифатида ёки бўлмаса, навбатдаги кутилаётган тенденция (м-н, даврий, мавсумий) сифатида аниқлаш мумкинми. Эпидемик чақнаш олдиндан белгиланган тадбирлар тўпламини «ҳаракатга келтириб юбориши» мумкин; шу боисдан эпидемик чақнаш текширувини амалга ошириш ва унга реакция/таъсир кўрсатиш алоҳида иловада батафсил ёритилган (7-илова).

### **3-машқ: Маълумотларнинг таҳлили ва тадбирлар.**

**Шимолий вилоят соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари сифатида  
Сиз, иммунопрофилактика дастурининг бажарилиши боришининг  
мониторинги учун мунтазам равища маълумотларни таҳлил этиб  
борасиз. Ҳодисалар ҳақидаги ҳафталик маълумотни Миллий босқичга  
юборишингиз зарур. Қўйидаги графикларда иккита тумандаги қизамиқ  
вакцинаси билан қамраб олиш ва тегишлича касалланиш кўрсаткичлари  
тақдим этилган:**



**1-ВАЗИФА:** Бу икки туман ҳақида нима дейиш мүмкін (маслағат: дастлаб ҳар бир туман билан алоҳида танишинг, кейин уларни таққосланг)?

**2-ВАЗИФА:** Графикни яхшироқ тушунишингизга ёрдам берадиган жавобни олиш учун, ушбу иккала тумандаги ишга масъул ходимларга қандай савол билан мурожаат этишингиз зарур?

**3-ВАЗИФА:** Маълумотларнинг бошқа қандай таҳлили фойдали бўлиши мүмкін ва уни бажариш учун қандай маълумотлар даркор бўлади?

**4-ВАЗИФА:** Сиз қандай тавсиялар берган бўлардингиз 1) туман бўйича маълумотлар билан ишлашга масъул ходимга; 2) вилоят босқичида эпидемиологик назоратни амалга оширувчи мутахассисга

### **Вакцинанинг самарадорлиги:**

Вакцинанинг самарадорлигини ҳисоблаш дастур учун фойдалы ҳатти-харакат ҳисобланади.

Бундай ҳисоблаш – муайян вакцинанинг амалиётда нечоғли яхши ишләётгәнлигини аниқлаш учун мұхим инструментdir. Бу айниқса соғлиқни сақлаш тизими ўрта бүғини раҳбарлари учун фойдалидир, чунки у вакцинани нотұғри сақлаш каби дастур сифатига доир муаммоларни идентификация қилишда уларга яқындан ёрдам беріши мүмкін.

З-машқда көлтирилған Даشت тұмани мисолини күриб чиқамиз, унда иммунизация билан қамраб олиш даражасининг юқориличига қарамасдан қызамиқнинг назорат этиб бўлмайдиган эпидемик чақнаши кузатилаётгандек туюлади. Сиз ўз жавобингизда бу ҳолатнинг бўлиши мүмкін деб қараладиган қуйидаги сабабларини идентификация қилишингиз лозим:

- қамраб олиш даражаси бўйича нотұғри маълумотлар
- касалланиш бўйича нотұғри маълумотлар
- қызамиқнинг нотұғри ташхис этилиши (яъни бу қызамиқнинг эпидемик чақнаши эмас, клиник ўхшаш бошқа касалликнинг).

Бироқ, Сиз маълумотлар тўғри бўлиши мүмкнлигини ва иммунизация билан қамраб олиш даражасининг юқориличига қарамасдан, аслида бу қызамиқнинг назорат этиб бўлмайдиган эпидемик чақнаши эканлигини тахмин қўлиб кўрдингизми? Бунаقا ҳам бўлиши мүмкін.

Изоҳлардан бири шундан иборатки, қызамиқ вакцинаси тиббиёт муассасаларига тақсимлаб тарқатилишидан олдин Даشت тұмани омборхонасида нотұғри сақланиш оқибатида яроқсиз ҳолга келган.

Вакцинанинг самарадорлигини ҳисоблаш, Даشت тұманинан вазият маълумотларга, ташхисотга ёки вакцинани сақлашга хос муаммонинг натижаси ҳисобланадими деган саволга тушунтириш беріши мүмкін (камдан-кам ҳолларда бундай ҳолат барча учта муаммо туфайли содир бўлиши мүмкін). Вакцинанинг самарадорлигини ҳисоблаш учун, Сиз қуйидаги формуладан фойдаланишингиз лозим:

### **5-расм. Вакцинанинг самарадорлигини ҳисоблаш учун формула**

$$\text{Вакцинанинг самарадорлиги} = \frac{1 - [\text{ПИС} (1 - \text{ПИН})]}{[(1 - \text{ПИС}) \text{ ПИН}]}$$

Бунда:

ПИС — бу иммунизация ўтказилиб касалланған ҳолатлар пропорцияси (касалланғанлар)

ПИН — бу иммунизацияланған ахоли пропорцияси (яъни, иммунизация билан қамраб олиш)

Диққат: соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарлари, агар вакцинанинг самарадорлиги борасида хавотирда бўлишса, маълумотларни визуал баҳолашга таяниш ўрнига, маълумотларини формулага қўйиб ҳисоблашлари лозим, чунки визуал баҳо нотұғри тасаввур ўйғотиши мүмкін.

**Мисол:** Жанубий вилоядта, қызамиқ вакцинаси билан қамраб олиш 95% (ПИН) ва 60% ҳолатда қызамиқ билан оғриғанлар иммунизация олишган (ПИС). Бу, эҳтимол вакцинанинг самарадорлиги билан боғлиқ муаммони англатувчи катта пропорциядек туюлиши мүмкін, лекин

$$\text{вакцинанинг самарадорлиги} = 1 - \frac{[0,6(1 - 0,95)]}{[(1 - 0,6)0,95]} = 1 - 0,03 = 1 - 0,08 = 0,92$$

Демак, Жанубий вилоядта қызамиқ вакцинанинг самарадорлиги 92% га teng, бу қониқарлы кўрсатгич ҳисобланади ва, бу ҳолатда вакцинани айблаш нотұғриди. Бундай вазиятлар жойларда иммунизация билан қамраб олишга нисбатан тез-тез содир бўлиб туради.

### 4-машқ: Вакцинанинг самарадорлигини ҳисоблаш.

Сиз — Ғарбий вилоятда соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарисиз ва тўртта туманда иммунопрофилактика дастури бажарилишининг сифатини баҳолашни амалга оширасиз.


Кўллар туманида Сиз эмланганлар орасида қизамиқ билан касалланиш ҳолатларининг ҳиссаси жуда юқори эканлигини қайд этдингиз ва текширув ўтказишга қарор қилдингиз. Ҳар бир туманда сифатнинг бошқа жиҳатларини (м-н, маълумотларнинг сифати) шарҳлаш билан бирга, вакцинанинг самарадорлигини аниқлашга қарор қилдингиз.

**1-ВАЗИФА:** Биринчидан, ҳеч қандай ҳисоб-китобни амалга оширмасдан, қуйидаги графикка разм солинг ва ўйлаб кўринг, Сиз вакцинанинг самарадорлиги энг юқори бўлан туманини баҳолай оласизми.



**2-ВАЗИФА:** 6-иловадаги формуладан фойдаланиб, Ғарбий вилоятдаги тўртта тумандан ҳар бири учун вакцинанинг самарадорлигини ҳисобланг.

**3-ВАЗИФА:** Сизнинг дастлабки баҳоингиз тўғри бўлиб чиқдими? Агар йўқ бўлса, тушунириинг, нима сабабдан хатолик юз берди. Агар ҳа бўлса, ҳар бир тумандаги вакцинанинг самарадорлиги қандай бир-биридан фарқ қилишини тасвирланг ва тафовутнинг мумкин бўлган сабабларини кўрсатинг.



## 6. ТЕСКАРИ АЛОҚА

### 6.1 Жойга тескари алоқа

Жойга тескари алоқа уларнинг дастурда узлуксиз фаол иштирок этишига күмаклашади. Тескари алоқа бўлиши мумкин: (а) тезкор-эпидемик чақнашлар ёки алоҳида ҳолатлар вужудга келганида; (б) конкрет (м-н, полиомиелитнингликвидация дастури доирасида ҳар бир ЎНФ ҳолатининг лаборатория текшируви натижалари); (в) режали (м-н, бюллетенлардан фойдаланиб).

#### Тескари алоқа нега керак?

Тескари алоқа керак, чунки у:

- қуйи босқичда бажариш имкони бўлмаган чукур таҳлил натижаларини тақдим этиб, маълумотлардан фойдаланишга күмаклашади. Масалан, агар чекка ДПМ лар компьютерлар билан жиҳозланмаган бўлса, марказий босқич маълумотларни таҳлил этиш имкониятларини кенгайтириш учун электрон жадвалларни, графиклар ва карталарни жўната олиши мумкин.
- касалланишни ва дастур бажарилишининг боришини таққослаш, эпидемик чақнаш қўламини (чекланган ёки кенг қўламли) визуал кузатиш, қўшни минтақалarda касаллик ҳолатлари қайд этилиб, лекин ушбу худудда ҳали кузатилмаган пайтда амалга оширилиши лозим бўлган эпидемиологик назорат ва профилактика бўйича тадбирларни кучайтириш, ҳамда мамлакат миёсида соғлиқни сақлаш бўйича кўзланган мақсадга эришиш борасидаги муваффақиятларни намойиш этиб ва туманлар иш кўрсаткичларини таққослаб иш самарадорлигини ошириш имконини берувчи маҳаллий маълумотларни минтақавий маълумотлар билан биргалиқда келтирилади.
- маълумотларни тақдим этувчи ходимларнинг машаққатли меҳнатини эътироф этиб, тақдим этган маълумотларидан фойдаланилишини уларга англатиб, мотивацияни оширади.
- ҳисоботларнинг аниқлиги ва ўз вақтидалигини оширади.
- марказий босқич олинган маълумотларнинг тўғрилигини текширади.

#### Тескари алоқани амалга ошириш усуллари

- Даврий равишдаги учрашувлар ва дискуссиялар
- Қуйи ва туман босқичидаги ДПМ ларга кураторлик ташрифлари
- Муҳим муваффақиятларни ва жиддий муаммоларни акс эттирувчи чораклик бюллетенларни юбориш
- Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарининг ташриф чоғида қуйи бўғиндаги раҳбарлар билан суҳбат уюштиришлари
- Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари қуйи босқичдаги ДПМ ходимлари билан ҳар галги учрашувлар чоғида суҳбатлар уюштириши.

### 6.2 Жамоа билан тескари алоқа

Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари сифатида Сиз ўз ходимларингизни жамоаларни хизматлар ҳақида хабардор қилишганлиги учун рағбатлантиришингиз, ҳамда ҳамиша маҳаллий фаолларни, дин пешволарини, жамоа раҳбарларини, ота-оналарни режалаштириш жараёнига ва касалликлар назорати бўйича тадбирларнинг, жумладан иммунопрофилактика дастурининг бажарилишига жалб этишингиз зарур.

Фаол излашда хонадонма-хонадон айланиб текшириш чоғидаги жамоалар билан ҳамкорлик мұхим аҳамиятга эга, чунки бундай ҳамкорлик кишиларнинг жамоалараро ҳаракати (силжиши, миграцияси) ҳақида жуда аниқ ва тўлиқ ахборот бериши мумкин; бу ахборот касаллик ҳолатларини ҳаритага тушуриш учун ўта фойдали бўлиши мумкин. Жамоалар билан тескари алоқанинг ва уни ҳамкорликка жалб этишнинг бошқа усуслари ҳам мавжуд. Бу ҳақида 2-модул — «Аҳоли билан ҳамкорлик» да батада маълумот берилган.

### 6.3 Тўғри алоқа нима?

**Тўғри алоқа** — ҳисоботда қўлланиладиган бошқа бир атама. Бу эпидемиологик назорат маълумотларини юқори, марказий босқичлар томон йўналиш бўйлаб узатиш жараёнидир. Тўғри алоқага нисбатан соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари бажариши шарт бўлган қатор расмий талаблар мавжуд; бунга ушбу модулнинг 4-бўлимида келтирилган бир неча ҳисоботлар ҳам киради.

## 1-ИЛОВА: АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Fifty-eighth World Health Assembly Resolution WHA58.3: Revision of the International Health Regulations.
2. Guidelines on the transport of infectious substances (WHO/CDS/CSR/LYO/2005.22). Geneva, World Health Organization, 2005.
3. Immunization in practice: A practical guide for health staff — 2004 Update (ISBN 9241546514). Geneva, World Health Organization, 2004.
4. Making surveillance work. Module 1: Rapid assessment of surveillance for vaccine-preventable diseases (WHO/V&B/01.08) . Geneva, World Health Organization.
5. Making surveillance work. Module 4: Data management (WHO/V&B/01.11). Geneva, World Health Organization.
6. Measles/rubella: manual for the laboratory diagnosis of measles and rubella virus infection (WHO/V&B/00.16). Geneva, World Health Organization.
7. Updated guidelines for evaluating public health surveillance systems. Morbidity and Mortality Weekly Report, 2001, 50:1–35.
8. Module on best practices for measles surveillance (WHO/V&B/01.43). Geneva, World Health Organization.
9. Polio laboratory manual, 4th ed. (WHO/IVB/04.10). Geneva, World Health Organization, 2004.
10. WHO-recommended standards for surveillance of selected vaccine-preventable diseases (WHO/V&B/03.01). Geneva, World Health Organization.
11. Surveillance guidelines for measles, rubella and congenital rubella infection in the WHO European Region.
12. Diphtheria surveillance guidelines
13. Epidemiology and Prevention of Vaccine Preventable Diseases, 10th Edition, (The Pink Book) published by the National Immunization Program, Centers for Disease Control and Prevention.

## **2-ИЛОВА: НАЗОРАТ, ЭЛИМИНАЦИЯ ВА ЛИКВИДАЦИЯГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВАКЦИНАЛАР ЁРДАМИДА БОШҚАРИЛУВЧИ ТАНЛАНГАН ИНФЕКЦИЯЛАР УЧУН ҲОДИСАНИНГ СТАНДАРТ ТАЪРИФИ**

### **Қизамиқ ҳолати:**

Бир ёки бир неча хос (типик) клиник аломатлари мавжуд ўткир касаллик ҳолатига (қизамиқ, қизилча ёки эпидемик паротит) «гумон қилинган» ҳолат деб қаралади, мавжуд клиник аломатлари қизамиқ, қизилча ёки эпидемик паротитнинг «стандарт таърифига» тўғри келадиган ва ушбу касалликнинг бошқа гумон қилинган ёки тасдиқланган ҳолатлари билан эпидемиологик алоқага эга ўткир касаллик ҳолати «эҳтимоллиги мавжуд» ҳолат деб ҳисобланади.

«Гумон қилинган» ёки «эҳтимоллиги мавжуд» ҳолат сифатида таснифланган қизамиқ, қизилча ёки эпидемик паротитнинг ташхиси лабораторияда ўз тасдигини топиши «тасдиқланган» ҳолат деб юритилади.

Лабораторияда тасдиқланган ҳолат албатта ҳолатнинг клиник таърифига мос тушиши лозим (атипик, енгил шакллар).

### *Ҳолатнинг стандарт таърифи:*

Қўйидаги белги ва симптомларга эга шахслар:

- иситма ва
- доғлипапулез тошма (везикуляр эмас), ва
- йўтал, ринит (бурун оқиши) ёки конъюнктивит (кўз пардасининг яллиғланиши)

Қизамиқнинг лабораторияда тасдиқланган ҳолати: Тошма тошганидан кейин 4-28 кун мобайнида олинган қон зардоби намунасида қизамиқча хос IgM-антителоларнинг аниқланиши.

### **Полиомиелит ҳолати:**

#### *Ҳолатнинг стандарт таърифи:*

Гумон қилинган ҳолатдан ёки ушбу гумон қилинган ҳолат билан мулоқотда бўлган шахлардан олинган фекалий намуналари таҳлилидан ёввойи полиомиелит вирусининг изоляция қилиниши ёввойи полиомиелит вируси келтириб чиқарган полиомиелит деб таърифланади.

\* ЎНФ симптомлари мавжуд бўлган 15 ёшдан кичик болалар ёки исталган ёшдаги шахсда фалажлик касаллигига агар полиомиелитга нисбатан шубҳа уйғонса гумон қилинган ҳолат деб таърифланади.

Лабораторияда тасдиқланган ҳолат: гумон қилинган ҳолатдан ёки ушбу гумон қилинган ҳолат билан мулоқотда бўлган шахлардан олинган фекалий намуналари таҳлилидан ёввойи полиомиелит вирусининг изоляция қилинган ҳолати.

### **Дифтерия ҳолати:**

#### *Гумон қилинган ҳолат:*

- ларингит ёки назофарингит ёки тонзиллит
- сохтамембрана

#### *Эҳтимоллиги мавжуд ҳолат:*

- гумон қилинган ҳолат
- қўйидагилардан биронтасининг мавжудлиги

- тасдиқланған ҳодиса билан яқында (2 ҳаftадан кам) содир бўлган мuloқot
- ҳудуддаги дифтерия эпидемияси
- стридор
- бўйиннинг шишиб кетиши/шиш
- петехиялар, тери ва шиллиқ остига қон қўйилиши
- токсик циркулятор шок
- ўтқир буйрак етишмовчилиги
- миокардит ва/ёки симптомлар пайдо бўлгач бир ёки олти ҳаftадан кейинги ҳаракат фалажлиги
- ўлим

*Тасдиқланған ҳолат:*

- эҳтимоллиги мавжуд ҳолат
- типик локализация жойларидан (бурун, томоқ, теридаги яра-чақалар, яралардан, конъюктива, қулоқ, қин) *C. diphtheriae* токсиген штаммларининг изоляцияси ёки зардобдаги антитоксин миқдорининг тўрт карра ошиши, бироқ шу шарт биланки, зардоб намуналари дифтерия антитоксини ёки антитоксини буюрилишидан олдин олинган бўлиши зарур.

Лаборатория текшируви: танглайдан ва халқумдан экиш учун суртмалар антибиотиклар билан даво бошланишидан олиниши лозим. Агар парда билан қопланған бўлса, суртма пардадан ёки парда қирғонининг тагидан олиниши лозим.

Суртмалар исталган теридаги яра ва жароҳатлардан олиниши зарур. Янада батафсил маълумот лаборатория текширувлари учун кўлланмаларда келтирилган.

Зардоб намуналари дифтерия токсинига антителоларни аниқлаш мақсадида антитоксин киритилгунига қадар олиниши шарт. Агар экмадаги таҳлилларда салбий натижа олинган бўлса, ҳимоя титридан паст кўрсатгич ( $< 0.01 \text{ IU/ml}$ ) ташхисни тасдиқлаши мумкин.

## **3-ИЛОВА: ФАОЛ ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ ДОИРАСИДА ТАШРИФ ЭТИШГА БЕШТА ҚАДАМ**

### **1. ҚАЕРДА — касаллик ҳолатлари қайд этилиши мумкин бўлган ДПМ даги жойларнинг (бўлимлар, бўлинмалар ва ҳ.) рўйхатини тузинг**

- тез тиббий ёрдам/травматология бўлимлари
- терапевтик, педиатрик, ортопедик палаталар
- поликлиникалар
- реабилитация марказлари (хусусан ЎНФ беморлари учун)
- лабораториялар ва бошқалар

### **2. НИМА — қандай ҳисоб-ҳисобот ҳужжатлари қараб чиқилиши зарурлигини аниқланг**

- госпитализия қилинган беморларнинг тиббий карточкалари/карталари
- поликлиникага мурожаат қилишган беморларнинг тиббий карточкалари/карталари
- қабул бўлимининг қайд этиш журнallари
- касаллик тарихидан кўчирмалар
- беморнинг ўлими ҳақидаги қайдлар

### **3. КИМ — ким билан сұхбат олиб бориш зарурлигини ҳал этинг**

- педиатрик бўлимларнинг врачлари ва ҳамширлари
- поликлиникалар ходимлари

### **4. ҚАНДАЙ — ахборотни йиғишиш тартибини аниқланг**

- ҳисоб-ҳисобот ҳужжатларидан маълумотларни тўплаш учун шакл
- ҳолатни текширув шакли
- ҳодисалар стандарт таърифларининг рўйхати

### **5. ҚАЧОН — касаллик ҳолати аниқланганида ҳатти-ҳаракат режасини тайёрланг**

Агар бемор ҳали шифохонада бўлса

- ҳолат текширувини ўтказинг ва шаклини тўлғазинг
- лаборатория текшируви учун намуна олинг (агар зарур бўлса)
- Миллий сиёсатга мувофиқ касаллик ҳолати ҳақида хабарнома жўнатинг
- Маълумотларни номма-ном рўйхатга киритинг.

Бемор ДПМ дан чиқсан бўлса

- ҳолат текширувини ўтказиш шаклидан фойдаланиб, bemor тўғрисида имкон қадар кўп маълумот тўпланг
- агар имкони бўлса, ҳолат текширувни ўтказиш ва шаклини тўлғазиш учун bemor ҳузурига ташриф буюришини режалаштиринг
- лаборатория текшируви учун намуна олинг (агар бу ҳали зарур бўлса)

## **4-ИЛОВА: ШАКЛЛАРНИНГ НАМУНАЛАРИ**

## **Маълумотларнинг электрон базаси учун йириклиштирилган маълумотларнинг шаклларига мисоллар**

ҮНФ үчүн НОММА-НОМ РҮЙХАТГА МИСОЛ

Түман: \_\_\_\_\_  
Хисобот тайёрланган сана: \_\_\_\_\_  
Түзүүчининг ФИО \_\_\_\_\_

ХАФТАЛИК ХИСБОГТ  
ЎНФ БЕМОЛАДАНИНГ НОММАНОМД

- (1) Дини:  $\dot{X}$  – хиджур; М – мусулмон;  $\dot{D}$  – башқа  
 Боланың жинсі: Э, А

(2) Түғилтән санаасы:

  - (3) Фалажлик бошланған сана
  - (4) Хориса аниқданған сана
  - (5) Хориса тәсжирлітән сана
  - (6) ОПВ дәзүлгіннән шуммій мікдорді; 99 = номалым
  - (7) Охирги ОПВ дәзүлгіннән олган санаасы

(8) Охирги ОПВ дәзүлгіннән олган санаасы

(9) Фалажлик бошланғышда истилмаша! =  $\dot{X}$ ; 2 = Йұқ 9 = Номалым

(10) Асимметрик фалажлик: 1 =  $\dot{X}$ ; 2 = Ішүк 9 = Номалым

(11) ҮНФ яни холати 1 =  $\dot{X}$ ; 2 = Йұқ

(12) Фекалийнің 1-намунасы олінің сана

(13) Фекалийнің 2-намунасы олінің сана

(14) Кейіннік клиник текширівлөр санаасы

(15) Кейнги күзатувлар санаасы  
 (16) Яңынчыл таңшылар

10) *MINIMAL*

1 = Гийена-Барре синдроми;  
2 = күнлəданс миелит.

2 = құндылай миейі  
3 = башқа;

1 = қолдик күчизилік;  
 2 = қолдик күчизилік йүк  
 3 = текширув үтказилмад  
 4 = бембөй вафот әтди

卷之三

**Айрим таянч базалари учун фаол эпидемиологик назорат маълумотларининг тұлиқлиги мониторингі графигининг намунаси (ҮНФ, қизамиқ ва чақалоқлар қоқшоли беморлари учун)**

Хафталар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Хисобот тақдым этувчи ДПМ														
Сана														
ҮНФ														
Қизамиқ														
ЧҚ														
Сана														
ҮНФ														
Қизамиқ														
ЧҚ														
Сана														
ҮНФ														
Қизамиқ														
ЧҚ														

**Құлланма:** фаол назорат учун ташриф санасини, аниқланған беморлар сонини киритинг. Агар беморлар аниқланмagan бўлса «0» (ноль) аломатини қўйинг

**Барча таянч базалардан фаол эпидемиологик назорат маълумотларининг тұлиқлиги мониторинги учун ҳафталик йириклиштирилган графикнинг намунаси (ҮНФ, қизамиқ ва чақалоқлар қоқшоли беморлари учун)**

Хафталар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Касаллик														
ҮНФ														
Қизамиқ														
Чақалоқлар қоқшоли														

**Құлланма:** ҳар бир ҳафта мобайнида аниқланған ҳар бир касаллик ҳолати сонини күрсатиш учун фаол эпидемиологик назорат маълумотларини бирлаштиринг

## **5-ИЛОВА: ХАЛҚАРО ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ҚОИДАРИНИНГ БОШҚАРИЛУВЧИ ИНФЕКЦИЯЛАР УСТИДАН ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТГА ТАЪСИРИ**

[www.who.int](http://www.who.int)



Янги таҳтиридаги Халқаро тиббий-санитария қоидалари қанақа – ХТСҚ(2005)?  
Янги қоидалар «касаллукларнинг халқаро тарқалишининг профилактикаси ва назоратига, ҳамда улардан ҳимоялашга ва халқаро транспорт алоқаларини ва савдо-сотиқни бузмаган ҳолда реакция кўрсатиш/таъсир этиш чораларини кўллаш» учун мўлжалланган.  
Янги қоидалар давлатлар 24 соат ичидаги ЖССТ ни куйидагилар ҳақида хабардор қилишларини кўзда тутади:

- ўз ҳудудидаги халқаро миқёса ижтимоий ҳавф туғдириши мумкин бўлган барча касаллик ҳолатлари ҳақида, ва
- бу ҳолатларга нисбатан барча кўлланилган реакция кўрсатиш/таъсир этиш чоралари ҳақида.

### *Янги қоидаларда қандайдир муайян (конкремет) касалликлар тилга олинадими?*

Янги қоидалар ҳар бир чин чечак, ёввойи полимиелит, оғир ўқири респиратор синдром (SARS) ва янги кенжа тип томонидан келтириб чиқарилган инсон гриппи ҳақида хабар юборишни кўзда тутади. Сариқ иситма ва бошқа қатор касалликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, лекин уларнинг ҳар бир ҳолати ҳақида хабар бериш кўзда тутилмаган.

## 6-ИЛОВА: КАСАЛЛИКНИНГ ЭПИДЕМИК ЧАҚНАШЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

### 1. Кирish — қамраб олиш/иммунизация яқунланмаганлиги мониторингининг графиги қандай тайёрланади

Исталган касалликнинг қайд этилган эпидемик чақнашларини текшириш ушбу модулда баён этилган эпидемиологик назорат тамойилларини, жумладан аниқлаш, текширув, тасдиқлаш, хабар бериш, таҳлил этиш, тескари ва түғри алоқани амалиётда қўллаш имконини беради. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбари эпидемик чақнашлар янада тарқалиб кетмаслиги юзасидан профилактик тадбирлар қўлланилиши учун масъуль бўлиши мумкин.

«Эпидемик чақнаш» атамаси одатда касалликнинг қузатилаётган ҳолатлари сони муайян ҳудудда ва вақтнинг муайян даврида қутилаётган ҳолатлар сонидан юқори бўлганида қўлланилади. Лекин «эпидемик чақнашнинг» таърифи муайян (конкрет) касалликка ва уни назорат қилиш мақсадларига қараб ўзгариши мумкин.

**Масалан:** Қизамиқнинг ликвидация дастурини амалга оширилаётган ҳолатда, ҳаттоқи қизамиқ билан касалланишнинг битта ҳолати ҳам эпидемик чақнаш сифатида қаралади ва тегишли тадбирлар кўрилишини кўзда тутади, яъни касалликнинг қузатилаётган ҳолатлари сони (1) қутилаётган ҳолатлар сонидан (0) юқори.

Эпидемик чақнаш текширувини унга гумон уйғонган заҳотиёқ бошлаш зарур – тасдиқланишини кутманг, чунки тадбирларни қўллаш кечикиши мумкин.

### 2. Эпидемик чақнашларни текшириш босқичлари

#### 1-босқич: Заарланган ҳудудга ташриф буюринг

Ўз раҳбарингизга эпидемик чақнаш ҳақида гумон уйғонган заҳотиёқ билдиринг ва уларни текширув ўтказиш ва унинг назорати учун Сизга керак бўладиган ресурслар ҳақида боҳабар қилинг. Ҳодиса жойига жўнай туриб, барча зарур ашёлар тўлиқ ҳажмда тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилинг (яъни, транспорт, ёнилғи, молиялаш, тегишли барча шакллар таъминланган ва хизмат сафарига рухсат олинган).

#### 2-босқич: Ташхисга аниқлик киритинг ва эпидемик чақнаш мавжудлигини тасдиқланг

Гумон қилинаётган касаллик ҳолатининг клиник текширувини ва тегишли лаборатория текширувларини амалга оширинг.

Муайян (конкрет) касаллик учун ҳолатни текшириш шаклидан фойдаланинг ва гумон қилинаётган ҳар бир беморга алоҳида шакл тўлғазинг. Шакл, камида, персонал маълумотлар, ёш, жинс, эмланганлик мақоми, манзил, намуна олинганилиги ҳақидаги тафсилотлар ва лаборатория текшируви учун йўлланма, текширув натижалари (олинганидан кейин қайд этилади), оқибат (соғайиш, асорат, ўлим ва ҳ.) ва якуний ташхис каби маълумотларни ўзида батафсил акс этириши лозим.

Муайян касаллик бўйича маълумот тўплашнинг ва лаборатория текшируви учун намуна олишнинг батафсил тартиби 2-иловада баён этилган.

Ҳодисанинг аниқ таърифини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлардан фойдаланинг.

#### 3-босқич: Касалликнинг қўшимча ҳолатларини излаш

Баъзан касалликнинг эпидемик чақнашига реакция кўрсатиш/таъсир кўрсатиш тизими битта-иккита шубҳали ҳолат қайд этилганидан кейин ҳаракатга тушади, бундай вазиятда аниқланмаган касаллар албатта мавжуд бўлиши мумкин. Қайд этилмаган касалларни излаш ва аниқлаш, ҳали улар тасдиқлангунига қадар қўлланилиши лозим бўлган кейинги ҳатти-ҳаракатларни белгилаб бериши мумкин. Касалликнинг қўшимча ҳолатларини излашда ДПМ лар ва жамоалар иштирок этишлари лозим:

- **ДПМ:** тегишли ҳудудга хизмат кўрсатувчи ДПМ га ташриф буюринг. Врачлар ва ҳамширалар билан сұхбатлар уюштиринг; улар Сизни қизиқтираётган гумондор беморлар ҳақида ахборотга эга бўлишлари мумкин. Шифохона бўлимлари ва поликлиникаларга ташриф буюринг, ҳамда барча қайд этиш

журналарини, Сизни қизиқтираётган ёки ҳолат таърифига мос келадиган ташхис билан мурожаат этувчиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, қараб чиқинг.

- **Жамоа:** ДПМ га мурожаат этишган шахслар истиқомат қиласиган жамоага ташриф буюринг. Жамоа етакчилари ва бошқа бообрў аъзолари билан сұхбатлашинг. Зарурият бўлса, ўхшаш касаллик ҳолатларини топиш учун тезкор хонадонма-хонадон айланиб сурishiришни ташкиллаштиринг.

Сиз хизмат кўрсатайтган ҳудуддаги барча ДПМ ларни хабардор қилинг ва шубҳали барча ҳолатлар ҳақида кунлик ҳисобот тақдим этишларини сўранг. Қўшни туманларга бориб ёки телефон орқали боғланиб эпидемик чақнаш кўламини аниқланг.

Касалликка қараб, бемор билан мулоқотда бўлишган шахсларни кузатув остига олиш зарурияти туғилиши мумкин.

### 4-босқич: Касаллик эпидемик чақнашини тасвиirlанг


Ҳолатни текширув шаклидаги маълумотлар асосида номма-ном рўйхат тузинг (ФИО, ёши, манзили, жинси ва эмланганлик мақоми). Унга лаборатория текшируви натижалари олиниши биланоқ киритинг. Сизга олинган лаборатория текшируви натижалари етарликини ёки қўшимча намуналар олиб текширувлар ўтказилишига зарурият мавжудлиги/мавжудмаслигини (м-н, агар гумон этилаётган эпидемик чақнашда клиник ташхис лабораторияда тасдиқланса, барча bemorлардан намуна йиғишга зарурият йўқ) ҳал этинг.

Иккинчи томондан, агар олинган намуналарнинг лаборатория текшируви натижалари bemor(лар)да қизилча эканлигини кўрсатса, мазкур ҳолатда Сиз қизилчанинг ёки бирваракайига қизилча ва қизамиқнинг эпидемик чақнашига дуч келганлигинизни ойдинлаштириш учун қўшимча намуналар олиш талаб этилиши мумкин.

Ҳолатни текширув шаклидаги маълумотларни таҳлил этинг. Эпидемик чақнаш кўринишини тасвиirlанг ва маълумотларни харитага туширинг. Бундан ташқари, bemorларнинг ёши ва эмланганлик мақомини таҳлил этинг. Астойдил амалга оширилган таҳлил эпидемик чақнаш вужудга келишига олиб келган воқеалар кетма-кетлигини гавдалантириш, ҳамда унинг назорати бўйича тадбирларни белгилаш имконини беради.

### Эпидемик манзара ёки гистограмма намунаси

6-расм. Бир ой мобайнида қайд этилган қизамиқ ҳолатлари сонини кўрсатувчи график (■ = 1 ҳодиса)



Манба: Амалиётдаги иммунизация: тиббиёт ходимлари учун амалий қўлланма, 2004 йилги нашри. (WHO/V&B/04.06)

### 5-босқич: Эпидемик чақнашга реакция/таъсир күрсатиши тәдбиrlарига мисоллар

Одатда, касалликнинг эпидемик чақнашига жавобан қатор тәдбиrlар, жумладан янги ҳолатларни тезкор аниқлаш, беморларни даволаш ва баъзан янада тарқалиб кетишининг олдини олиш учун ажратиб қўйиш (изоляция) амалга оширилади. Ҳусусан, эътиборни қўйидагиларга қаратиш жоиздир:

- беморларни даволашга (м-н, дифтерия bemorlariga антибиотикларни ва қизамиқ bemorlariga A витаминини буюриш; қўйкўтал bemorlarinинг мактабга қатнашини таъқиқлаш);
- эпидемиологик назоратни амалга ошириш ва эпидемиологик назорат тизими механизmlари орқали муаммоларни бартараф этиш (м-н, қўшимча ҳолатларни топиш учун фаол назоратни амалга ошириш, ноллик ҳисбот тўлиқлигини ва ҳисботларнинг ўз вақтида тақдим этилишини баҳолаш);
- иммунизация тизимида бошқа муаммоларни аниқлаш (м-н, иммунизация тизими компонентларини, жумладан қамраб олиш маълумотларини, совуқлик занжири ускуналари ҳолатини, тури босқичларда мутахассислар мавжудлигини ва уларни ўқитишини баҳолаш).

Айрим касалликларнинг эпидемик чақнашларини шошилинч, мақсадга мувофиқ иммунизацияни амалга ошириш йўли билан жиловлаш ёки тўхтатиш мумкин. Эпидемик чақнашга қўшимча иммунизация орқали таъсир күрсатиши қарори ҳамиша бу борадаги Миллий сиёsat билан белгиланади/ҳал этилади; одатда, у 2-иловада келтирилган халқаро тавсияларга, ҳамда айрим бошқариладиган инфекциялар устидан олиб бориладиган эпидемиологик назорат бўйича ЖССТ тавсия этган стандартларга асосланади.

Эпидемик чақнашга жавобан қўшимча иммунизация орқали таъсир күрсатишига тайёргарлик жараёнида қўйидагиларни инобатга олиш лозим:

- эпидемик чақнаш кўламини, жумладан ҳудудий тақсимланишини;
- иммунизация компаниясининг бошланиш санасини ва уни амалга ошириш учун зарур вақтни;
- зарур ресурслар, транспорт, материаллар, мутахассислар ва маблағлар мавжудлигини;
- моддий-техник таъминотнинг батафсил режаси, мақсадли аҳолини тавсифлаш, вакциналар билан таъминлаш жадвали ва бурч-вазифаларнинг аниқ белгилаб қўйилиши.

### 6-босқич: Эпидемик чақнашнинг текшируви ва унга жавобан таъсир күрсатиши натижасида чиқарилган сабоқларни ўрганинг, ҳамда ҳисбот тузинг

Чиқарилган сабоқлар ва кўрилган тәдбиrlар ҳақидаги ахборотни тарқатиш касаллик эпидемик чақнашини текширувнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунга қўйидагилар кириши мумкин:

- эпидемиологик назорат сифати (м-н, ҳар бир ДПМ да ноллик ҳисботни тайёрлаш/бажариш);
- иммунизация тизими ишининг кўрсаткичлари (м-н, туман босқичидаги мутахассислар вакциналарни ва материалларни ҳамда уларнинг сақланишини бошқариш бўйича тайёргарликдан ўтишлари лозим);
- касаллик эпидемик чақнашига жавобан реакция/таъсир күрсатишига ҳозирлик (м-н, эпидемик чақнаш текширувни олиб бориш ва тегишли реакция/таъсир күрсатиши тәдбиrlарини қўллаш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш);
- касаллик эпидемик чақнашидаги ҳатти-ҳаракатлар, жумладан текшируv, таъсир күрсатиши тәдбиrlари, иммунизация тизимида бартараф этилиши талаб қилинадиган муаммолар (м-н, қизамиқ эпидемик чақнашига таъсир этиш тәдбири сифатида қўшимча иммунизация бўйича қўлланма ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги, вакциналарни хавфсиз инъекция материаллари билан биргаликда/комплект ҳолида етказиб бериш сиёsatининг бажарилиши, совуқлик занжири ускуналарига бўлган эҳтиёжни баҳолаш).

Ҳисбот эпидемик чақнаш, уни текшириш, ҳозирги вақтда қўлланилган тәдбиrlар, иммунизация тизимида аниқланган ва ушбу эпидемик чақнашга боғлиқ муаммолар ҳақидаги тафсилотларни, ҳамда чиқарилган сабоқлар инобатга олинган ҳолда келажақда эпидемик чақнашлар вуждуга келишининг профилактикаси борасидаги тавсияларни ўз ичига олиши лозим.

### 5-машқ: Эпидемиологик назорат тизимини мустаҳкамлаш.

Сиз аҳолиси 2 млн. нафардан иборат вилоятда иммунизация дастурининг раҳбарисиз. Ҳар йили қиш фаслида (йилнинг биринчи чораги) озроқ миқдорда дифтерия касаллиги ҳолатлари қайд этилади. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида касалланиш ўсиб, қайд этилган дифтерия ҳолатларининг сони 60 тагача етганинги ва шулардан 6 нафари леталлик билан тугаганлигини пайқадингиз.

**Йилнинг биринчи чорагидаги 60 нафар дифтерия беморлари ҳақидаги тафсилотлар**

Ёши	Ҳолатлар сони	Барча ҳолатларнинг %	Ўлим ҳолатлари сони
0-4	3	5%	0
5-9	9	15%	2
10-14	15	25%	1
15-40	33	55%	3
Жами	60	100%	6

**1-ВАЗИФА:** Сизга қандай қўшимча маълумотлар зарур бўлади?

**2-ВАЗИФА:** Сиз қандай таҳлилни амалга оширишингиз зарур бўлади?

**3-ВАЗИФА:** Эпидемик чақнашнинг қанақа сабаблари бўлиши мумкин?

**4-ВАЗИФА:** Сиз қандай тадбирларни қўллаган бўлар эдингиз?

### Текширув машқлари

Сиз Шарқий вилоятда Соғлиқни сақлаш тизими ўрта бўғини раҳбарисиз ва Сизга бошқариладиган инфекциялар устидан етарлича самарали фаолият кўрсатмаётган мавжуд эпидемиологик назорат тизимини яхшилаш бўйича таклиф билдирилди.

Тизим ҳисобот тақдим этишлари лозим бўлган давлат тасарруфидаги ДПМ лар тиббиёт ходимларига таянади; тақдим этилаётган ҳисоботлар тўлиқ эмас ва кўпинча катта кечикиш билан тушади. Сиз эпидемик чақнашлар ҳақида эшитиб қоласиз, лекин ҳеч қачон расмий ҳисобот олмагансиз.

1-ВАЗИФА — ушбу модулнинг етита босқичидан ҳар бири учун, Сизнинг вилоятингизда бошқариладиган инфекциялар устидан эпидемиологик назорат сифатини оширишга кўмаклашадиган биттадан стратегияни тасвирланг ва тавсия этинг.

**Еттита босқычдан ҳар бири учун эпидемиологик назорат сифатини оширишга күмаклашадиган биттадан стратегияни тасвирланға тавсия этинг**

<b>1.</b>	Аниқлаш	
<b>2.</b>	Холатни текшириш	
<b>3.</b>	Ташхисни тәсдиқлаш	
<b>4.</b>	Хисобот	
<b>5.</b>	Таҳлил ва табиирлар	
<b>6.</b>	Тескари алоқа ва мониторинг сифати	
<b>7.</b>	Эпидемик  чақнашларни текшириш	

1975-йилдан бошлаб, ЖССТ аъзо-давлатлар билан ҳамкорлик қиласи ва уларга вакциналар билан бошқариладиган инфекциялар юзасидан техник ёрдам кўрсатади. В 2003 йилда ушбу функцияни бажариб келган бўлинма қайта номланиб иммунизация, вакциналар ва биопрепаратлар бўйича ЖССТ Департаменти номини олди.

Департаментнинг мақсади Жаҳонда кишиларга вакцинопрофилактика ёрдамида бартараф этиладиган касалликларни юқтириш хавфи таҳдид солинганида, улардан ҳимояланган бўлишларини таъминлашдан иборат. Бу йўналишдаги ишлар узлуксиз амалга оширилмоқда. Бу ишнинг кўлами етарли даражада кенгвакциналарни тадқиқ этиш, яратиш ва баҳолашдан тортиб то тури давлатларда иммунизация дастурининг самарадорлигини баҳолашгача.

ЖССТ вирусли, бактериал ва паразитар касалликларга қарши иммунизация билан боғлиқ янги вакциналарни ва технологияларни тадқиқ этишини ва яратишни мувофиқлаштиради ва ёрдам кўрсатади. Мавжуд ҳаётий мухим вакциналар такомилаштирилмоқда, ОИВ-инфекцияси ва оғир ўткир респиратор синдром каби соғлиқни сақлаш учун таназзул бўлмиш инфекциялар билан боғлиқ янги вакциналар яратилмоқда ва синовдан ўтказилмоқда. (Вакциналар тадқиқоти бўйича ташаббус).

Вакциналарнинг ва бошқа биологик препаратларнинг сифати ва хавфсизлиги глобал меъёрлар, стандартларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш йўли билан таъминланади. (Биологик препаратларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш).

Вакциналар ёрдамида бошқариладиган инфекцияларнинг тарқалганлигини баҳолаш маълумотларидан янги вакциналарни амалиётга тадбиқ этиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш учун фойдаланилади. Вакциналардан фойдаланиш асосида касалланиш ва леталлик даражасини камайтириш бўйича энг мақбул (оптималь) стратегия ва тадбирлар амалга оширилади. (Вакциналар мониторинги ва баҳолаш).

Иммунизация билан боғлиқ янги ва анъанавий вакциналарни, технологияларни жорий этиш ўйлидаги молиявий ва техник тўсиқларни камайтириш бўйича чоралар кўрилади (Технологияларга эришиш қулавиллиги).

Аъзо-давлатлар раҳбарлигидага ва бошқа давлатларнинг мутахассислари иштирокида ЖССТ соғлиқни сақлаш тизими учун устувор бўлган вакциналар билан максимал даражада таъминлашга ва фойдаланишга қаратилган сиёsatни юритади ва стратегияни амалга оширади. Юқумли касалликларнинг элиминациясини ва/ёки ликвидациясини таъминлаш мақсадида уларнинг тарқалганлик даражасини самарали назорат қилиб бориш учун зарур техник ва ташкилий кўнимкамларни, билим ва инфраструктурани эгаллашларида барча аъзо-давлатлар қўллаб қувватланади (Иммунизациянинг кенгайтирилган дастури).



### Department of Immunization, Vaccines and Biologicals

#### Family and Community Health

World Health Organization  
CH-1211 Geneva 27  
Switzerland  
Fax: +41 22 791 4922  
E-mail: [vaccine@who.int](mailto:vaccine@who.int)  
or [vaccine@who.int](http://www.who.int/vaccines/documents)  
<http://www.who.int/vaccines/documents>

## **7 МОДУЛЬ**

# **«ҲАР БИР ҲУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ИММУНИЗАЦИЯ ХИЗМАТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МҮЖАЗ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ**

Модулнинг мақсади:

Ушбу кўлланманинг мақсади қўйидаги вазифалар борасида туман соғлиқни сақлаш бирлашмасининг ва тиббиёт муассасасининг салоҳиятини мустаҳкамлаш:

- Ўқори сифатли мўжаз режаларни тайёрлаш
- Иммунизация билан қамраб олиш даражасини ошириш, эмлаш якунига етмаган болалар сонини қисқартириш
- Иммунизация билан қамраб олинмаганларни аниқлаш ва уларга нисбатан мақсадга мувофиқ тарзда иш олиб бориш
- Барча босқичларда мониторингни олиб бориш ва кейинги фаолият учун маълумотлардан мунтазам фойдаланиш

Кўлланма «Ҳар бир туманни қамраб олиш» стратегиясидан (RED)\* фойдаланиб мўжаз эмлаш режасини тайёрлаш борасида айрим давлатларда тўпланган муваффақиятли иш тажрибасига асосланниб тайёрланган. Кўлланмада «тескари» ёндошув кўлланилган: кўлланма тиббиёт муассасасининг (хизматни тақдим этиш пунктининг) ишини режалаштиришдан бошланади, кейин ушбу режалар туман режасини тайёрлаш учун бирлаштирилади/умумлаштирилади.

Кўлланма уч қисмдан иборат:

1-ҚИСМ: тиббиёт муассасаси учун мўжаз режа тузиш

2-ҚИСМ: туман босқичида мўжаз режа тузиш

3-ҚИСМ: тренерлар учун кўлланма

### **Қисқача мазмуни**

1-қисм: тиббиёт муассасаси учун мўжаз режа тузиш

тиббиёт муассасасининг иш режаси 10 та қадамдан иборат:

1-қадам Миқдорий таҳ哩л

2-қадам Сиз хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги қамраб олишнинг ишчи хариталарини тайёрлаш (Хариталарни тайёрлаш/тафтиш қилиш)

3-қадам Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун ўзига хос/маҳсус тадбирларни белгилаш

4-қадам Эмлаш серияларини ўтказиш режасини тузиш

5-қадам «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси ёрдамида муаммоларни ҳал этиш

6-қадам Чорак учун ишчи режа тузиш

7-қадам Мониторинг учун жадвалдан фойдаланиш

8-қадам Жамоа билан ишлаш ва вакцинация олмаган шахсларни аниқлаш

9-қадам Ресурсларни бошқариш

10-қадам Самарали ойлик ҳисобот қандай тайёрланади

2002 йилда ЖССТ ва ЮНИСЕФ ташабbusи бўйича бошланган «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси — полиомиелитни ликвидация қилиш тажрибасидан олинган сабоқлардан фойдаланиб туман

\* Reach Every District (RED) / «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси (ХБТҶО)

## **7-МОДУЛЬ**

---

босқичида иммунизацияни бошқариш тузилмасини күчайтириш ва туманнинг намунавий режаларини ишлаб чиқиш йўли билан иммунизация хизматининг режалаштирилишини, фаолият юритишини ва мониторингини такомиллаштиришда аъзо-давлатларга ёрдам кўрсатиш борасидаги янгича ёндошувдир.

**II-қисм:** туман босқичида мўйжаз режа тузиш

Тумандаги иш режаси 6 қадамдан иборат бўлиб, улар тиббий муассасалар ишчи режаларини умумлаштириб жамлаш эвазига шакллантирилади:

1-қадам Ишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш учун туман миқёсидаги маълумотларни таҳлил этиш  
2-қадам Барча ДПМ ларни ва сафардаги эмлаш билан қамраб олиш нуқталарини (аутрич-сайтларни) акс

этириш учун хариталар тайёрлаш

3-қадам Туманнинг ишчи режасини тайёрлаш

4-қадам Ресурсларга бўлган талабни баҳолаш

5-қадам Мунтазам мониторингни ва муваффақиятлар изоҳланишини амалга ошириш

6-қадам Келгусидаги тадбирларни эришилган муваффақиятлар талқини асосида ўтказиш

**III-қисм:** дастурни ташкиллаштиришга жавобгар ходим учун қўлланма

Ушбу қўлланмадан қандай фойдаланилади

Аввало, тиббиёт муассасалари ходимлари ушбу қўлланмадан ўзларининг иш режаларини тайёрлашда фойдаланишлари лозим. Буни туман босқичи кўмагида ташкиллаштирилган семинар доирасида амалга ошириш мумкин. Иккинчидан, туман босқичидаги ходимлар тиббиёт муассасаларининг режаларини яхлит ҳолга келтириб жамлашлари ва бошқа жиҳатларни ҳам кўшиб туман мўйжаз режасини тайёрлашни якунлашлари зарур.

**I-қисм:** тиббиёт муассасаси учун мўйжаз режа тузиш

I-қисм тиббиёт муассасаси даражасида мўйжаз режа тайёрлаш жараёнини очиб беради. Қўлланма интерфаол ҳужжат бўлиб, ходимларнинг ўз маълумотларини таҳлил этиш учун имкониятларини, муаммоларни аниқлаш ва ишчи қолип сифатида «Ҳар бир туманинни қамраб олиш» Стратегияси ёрдамида уларнинг ечимларини излашни баён этади. Биз қўлланмадан туман ёки бошқа миқёсдаги ходимлар кўмагида олиб бориладиган семинарларда фойдаланишни тавсия этамиз. Тингловчиларга кўмаклашиш мақсадида матнда турли жадваллар ва ишчи мисоллар келтирилган. Семинар якунида тиббиёт муассасаларининг ходимлари уч ойлик режа тузадилар ва RED стратегиясининг 6 та инструментидан (харита, эмлаш серияларини амалга ошириш, ишчи режа, заҳираларни ҳисобга олиш тизими, эмлаш якунига етмаганларни аниқлаш тизими ва мониторинг жадвалидан) фойдаланишни тушуниб етадилар.

**II-Қисм:** туман босқичида мўйжаз режа тузиш

II-қисмда туманнинг мўйжаз режасини тайёрлаш учун барча тиббиёт муассасаларининг режалари қандай тартибида жамланиб яхлит ҳолга келтирилиши баён этилиб, режалаштиришга ёндошувнинг тескари тартибидан фойдаланилади. Унда, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишдаги, бюджетни ва мониторинг тизимини шакллантиришдаги ва эришилган ютуқларнинг таянч асослари борасидаги муаммоларни ҳал этишда туман босқичи қай йўсинда ёрдам кўрсатиши мумкинлиги баён этилган. Қўлланма интерфаол ҳужжат бўлиб, туман босқичидаги тиббиёт ходимидан устувор вазифаларни аниқлаш учун иммунизация ҳақидаги ўз жорий маълумотларидан фойдаланишни ва таҳлил ўтказишни талаб қиласди.

2-қисмнинг якуни туманнинг тайёрланган мўйжаз режаси бўлиб, унинг таркибига харита, тадбирлар ва эмлаш серияларини ўтказишнинг тақвими, тадбирлар режаси ва бюджетни киради.

**III-Қисм:** Дастурни ташкиллаштиришга жавобгар ходим учун қўлланма

Дастурни ташкиллаштиришга жавобгар ходим учун қўлланма 1-қисм бўйича барча 10 та қадамни ва 2-қисм бўйича 6 та қадамни тушунтириб берувчи Powerpoint форматидаги слайдлар тўпламидан иборат. Семинар асосида слайдлардан ҳар бир қадамни изоҳлаш учун проектор ёрдамида намойиш этиб фойдаланиш мумкин (CD ROM илова қилинган).

## «ҲАР БИР ТУМАННИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИГА КИРИШ

«Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси нима?

«Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегиясини амалга ошириш учун зарур бўладиган бешта ишчи компонент

- Сафарда хизмат кўрсатишни тиклаш

*Етиб бориши мураккаб бўлган жамоаларга мунтазам равишда сафарда хизмат кўрсатиш*

- Раҳбарият томонидан қўллаб-кувватлаш

*Ишдан ажралмаган ҳолда ўқитишни амалга ошириш*

- Жамоанинг хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаси билан алоқаси

*Жамоа вакилларининг тиббиёт ходимлари билан мунтазам учрашувлари*

- Мониторинг ва маълумотлардан иш жараёнида фойдаланиш

*Эмлаш дозалари схемаси, ҳар бир ДПМ даги аҳоли карталари*

- Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш

*Инсон ва молиявий ресурсларини оқилона бошқариш*

### «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси тарихидан

«Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси 2002 йилда ЖССТ ва ЮНИСЕФ ҳамда бошқа ҳамкорлар томонидан иммунизация тизимини такомиллаширишда кўмаклашиш учун ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган.

«Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси ҳар бир туманнинг ва барча тиббиёт муассасаларининг маҳаллий муаммоларни аниқлашларига ва ўзларига тегишли маълумотлар ёрдамида ушбу муаммоларни бартараф этиш йўлларини излашларига кўмаклашади. 2002 йилдан бўён, жаҳондаги 56 мамлакат турли даражада RED стратегиясини кўллай бошлашди, 2005 ва 2007 йиллардаги давлат миқёсидаги баҳолашлар «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегиясини амалиётда қўллаш болаларни иммунизация билан қамраб олиш имконини анчагина кенгайтиришини кўрсатиб берди. Ушбу баҳолашларнинг яна бир муҳим холосаси шу бўлдики, тиббиёт муассасаларининг мўйжаз иш режалари мавжуд бўлса, улар анчагина самарали ва сифатли ишлаша бошлашар экан. Қатор мамлакатларда «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш учун иммунизациядан ташқари, бошқа тадбирлар ўтказилишига асос сифатида ҳам фойдаланилади.

### «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегиясининг (RED) бешта ишчи компоненти баёни

#### 1. Сафарда хизмат кўрсатишни тиклаш

Айрим ҳолатларда аҳолининг муайян қисми иммунизация хизматидан фақатгина, агар уни сайёр бригадалар тақдим этишса фойдалана олишлари мумкин, демак мунтазам сафарга чиқишилар эмлаш серияларини ўтказишнинг режаларига киритилиши лозим. Айрим жамоалар учун эмлаш билан қамраб олишни фақат сайёр бригадалар кучи ёрдамидагина аҳён-аҳёнда таъминлаш мумкин, бунинг учун эса кўшимча ресурслар талаб этилади. Сафарда хизмат кўрсатиш ва сайёр бригадаларнинг фаолияти йирикроқ тиббий марказларга боришлари қийин бўлган кишилар учун иммунизацияга доир бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириш имконини беради.

### 2. Раҳбарият томонидан қўллаб-қувватлаш

Раҳбарият томонидан қўллаб-қувватлаш – бу мунтазам ўтказиладиган йигилишлар ёки навбатдаги тағтишни ўтказиш чоғида тиббиёт ходимларини ўқитишидир. Қўллаб-қувватлашни амалга ошириш учун раҳбарлар мунтазам равишда ўзлари биритирилган туманга ташриф буюриб, жойлардаги муаммоларнинг ҳал этилишига қўмаклашишлари, ресурслар билан таъминланганлик масалалари ҳал этилишини кузатиб боришлари лозим. Раҳбарлар ҳам вақти-вақти билан қайта малака оширишлари ва раҳбарликка нисбатан ўз ёндошувларини пешлаб туришлари шарт.

### 3. Жамоанинг хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаси билан алоқаси

Хизмат кўрсатишнинг энг яхши тури жамоа иштирокида режалаштирилиб ўтказилганидир. Мунтазам алоқани йўлга қўйиш ёки жамоа аъзолари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб туриш эмлаш серияларини ўтказиш вақти ва жойини, жамоа орасидаги, масалан, эмланадиган болалар ва ҳомиладорлар билан қўшни турувчи қўнгиллilarнинг ролини белгилашда, ҳамда эмланмасдан қолганларни аниқлашда ёрдам кўрсатиши мумкин.

### 4. Мониторинг ва маълумотлардан иш жараёнида фойдаланиш

Мониторинг ва маълумотлардан иш жараёнида фойдаланиш нафақат турли босқичларда ўз вақтида маълумотлар тўплашни, балки шу билан бирга ушбу маълумотлардан муаммоларни ҳал этиш учун ўз вақтида фойдаланишни ҳам кўзда тутади. Мониторингнинг айрим оддий инструментлари, жумладан деворга осиғлиқ турган жадваллар ва графиклар ҳам, ой мобайнида амалга оширилган ишларни кузатиб бориш учун зарурдир. Булардан ташқари одатда ҳар ойда логистика, таъминот ва эпидемиологик назоратга тааллуқли бошқа фойдалар ҳам тўплаб борилади. Ушбу барча маълумотларнинг мунтазам таҳлили муаммоларни аниқлаш ва иммунизация тизимининг такомиллашувига ёрдам бера оладиган ечим топиш имконини беради.

### 5. Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш

Барча зарур ресурслар бўйича талабларни ўз ичига олган самарали режа, ҳар бир эҳтиёжманд кишининг хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Мўъжаз режа маҳаллий вазиятни, жумладан тиббиёт муассасалар ва аҳолининг ҳудуд бўйича тақсимланиши акс эттирилган жойнинг харитасини батафсил билиш асосида, ҳамда барчани қамраб олиш учун зарур бўладиган эмлаш серияларини ташкиллаштириш типларини кўрсатиб тузилиши зарур. Миллий босқичда минтақалар томонидан талаб этиладиган инсон ва молиявий ресурслар мавжудлигини ва ушбу ресурслар самарали бошқарилишини таъминлаш зарур, туман босқичида эса аҳолига хизмат кўрсатиш учун тиббиёт муассасалар тасарруфига зарур реурслар вақтида етиб боришини таъминлаш зарур.

## 1 ТИББИЁТ МУАССАСАСИ УЧУН МҮЙЖАЗ РЕЖА ТУЗИШ

- 1-қадам. Миқдорий таҳлил
- 2-қадам. Сиз хизмат күрсатыётган худуддаги қамраб олишнинг ишчи хариталарини тайёрлаш (Хариталарни тайёрлаш/тафтиш қилиш)
- 3-қадам. Етиб бориш мураккаб ва муаммоли туманлар учун ўзига хос/максус тадбирларни белгилаш
- 4-қадам. Эмлаш серияларини ўтказиш (тиббий муассасага қабул) режасини тузиш
- 5-қадам. Муаммоларни ҳал этиш учун «Хар бир туманинни қамраб олиши» Стратегиясидан фойдаланиш
- 6-қадам. Битта чорак учун ишчи режа тузиш
- 7-қадам. Мониторинг учун жадвалдан фойдаланиш
- 8-қадам. Жамоа билан ишлаш ва вакцинация олмаган шахсларни аниқлаш
- 9-қадам. Ресурсларни бошқариш
- 10-қадам. Самарали ойлик ҳисобот қандай тайёрланади.

**Аҳамиятли ҳолат.** Ўз маълумотларинги зидан фойдаланиб устувор вазифа сифатида  
иммунизация олмаганларни аниқлаң.

### 1.1 Миқдорий таҳлил

Барча тиббиёт муассасалари учун биринчи қадам ўз маълумотларини таҳлил этишдан иборат бўлиши зарур. 1-жадвални қўйида келтирилган тартибга мувофиқ тўлғазиш зарур. Ҳар бир устунни тўлғазиша қўлланмага амал қилинг. Утилизация ва қурайлик нуқтаи назаридан муаммоларнинг тоифаларини аниқлаш учун 2-жадвалдан фойдаланинг. Тўлиқ календар йили ёки тўлиқ 12 ойлик маълумотлардан фойдаланиш зарур.

Биз ушбу қўлланмани тайёрлаш масаласига ўз худудингиздаги вазиятга мувофиқ равишда айрим жиҳатларни ўзгартиришингиз учун Сизга қурайлик яратиш нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ёндошдик. Масалан, Пента 1 дан Пента 3 гача ва қизамиқа қарши вакцина билан эмлашларни якунига етказмаган болаларни ҳисоблаш учун пентавалент вакцина (пента – АКДС+гепатит В+Hib) қўлланилишини қараб чиқдик. Биз 80% қамраб олишни ва 10% эмлашларнинг якунига етказилмаганлигини ушбу мисолда чегаравий кўрсатгичлар сифатида фойдаландик, бу ҳаддан зиёд кўп ёки кам бўлиши мумкин. Барча ушбу тахминий маълумотларни заруриятга қараб ўзгартириш мумкин.

- 1-жадвал 20 та устунга ажратилган (а дан т гача)
- Устун а: Туман номи
  - Сиз хизмат кўрсатадиган эмлаш билан қамраб олинадиган худуддаги барча қишлоқ, посёлкалар номларини келтиринг.
  - Устун б: аҳолининг мақсадли гуруҳи <1 ёш
  - а устунида келтирилган ҳар бир тумандаги бир ёшгacha бўлган болалар сонини ёзинг. Ушбу қўлланмада ҳомиладор аёллар сони чақалоқлар сонига тенг сифатида қабул қилинганлигини қайд этинг.

## 7-МОДУЛЬ

---

- Устун с: Пента1 билан эмланиш дозасининг миқдори
- Ҳар бир туманда болаларга юборилган Пента1 дозасининг миқдорини ёзинг.
- Устун d: Пента3 билан эмланиш дозасининг миқдори
- Ҳар бир туманда болаларга юборилган Пента3 дозасининг миқдорини ёзинг.
- Устун e: Болаларни эмлаш учун құлланилған қызамиққа қарши вакцина дозаси
- Ҳар бир туманда болаларга юборилған қызамиққа қарши эмлаш дозасининг миқдорини ёзинг.
- Устун f: СА2+/АДС-м дозаси
- Ҳар бир туманда ҳомиладор аёлларга юборилған СА2+/АДС-м эмлаш дозасининг миқдорини ёзинг.
- Устун g: Пента1 иммунизацияси билан қамраб олиниш, % ларда
- Пента1 билан эмланған дозаларни 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонига тақсимланғ 100 га күпайтириңг
- Устун h: Пента3 иммунизацияси билан қамраб олиниш, % ларда
- Пента3 билан эмланған дозаларни 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонига тақсимланғ 100 га күпайтириңг
- Устун i: Қызамиққа қарши вакцина иммунизацияси билан қамраб олиниш, % ларда
- Қызамиққа қарши вакцина билан эмланған дозаларни 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонига тақсимланғ 100 га күпайтириңг
- Устун j: СА2+ /АДС-м иммунизацияси билан қамраб олиниш, % ларда
- СА2+ /АДС-м билан эмланған дозаларни 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонига тақсимланғ 100 га күпайтириңг
- Устун k: Пента3 вакцинаси билан иммунизация үтказилмаганлар
- Пента3 (d) вакцинаси билан иммунизация үтказилғанлар сонини 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонидан айиринг (b). [m = b - d]
- Устун l: Қызамиққа қарши вакцина билан иммунизация үтказилмаганлар
- .....вакцинаси билан иммунизация үтказилғанлар сонини 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонидан айиринг (e) вакцина билан иммунизация үтказилғанлар сонини 1 ёшдан кичик (<1 ёш) мақсадли гурух сонидан айиринг (b). [n = b - e]
- Устун m: Пентавалент вакцина билан Пента1 дан Пента3 гача иммунизацияни олишмаганлар фоизи (%)
- Пента3 вакцинаси билан эмланғанлар сонини Пента1 вакцинасининг дозаси миқдори сонидан айиринг, чиққан айирмани Пента1 вакцинасининг дозаси миқдори сонига тақсимланғ 100 га күпайтириңг. [o = c-d/c x100]
- Устун n: Пента1пентавалент вакцина билан иммунизация үтказилмаганларнинг қызамиққа қарши вакцина үтказилғанлар билан таққосланған фоизи (%)
- қызамиққа қарши вакцина үтказилғанлар сонини Пента1 вакцинасининг дозаси миқдори сонидан айиринг, чиққан айирмани Пента1 вакцинасининг дозаси миқдори сонига тақсимланғ 100 га күпайтириңг. [p = c-e/c x100]
- Устун o: Қулайликка доир муаммоларни аниқланғ
- 2-жадвалга эътибор беринг (кулайлик ва утилизация муаммоларининг таҳлили). Пента1 вакцинаси билан эмланғанлик қанақа фоизни ташкил этишига қараб «яхши» ва «ёмон» лигини күрсатинг – у камида 80% ни ёки 80% дан паст даражани ташкил этадими.
- Устун p: Утилизация муаммоларни аниқланғ
- 2-жадвалга эътибор беринг (кулайлик ва утилизация муаммоларининг таҳлили). Иммунизация үтказилмаганлар қанақа фоизни ташкил этишига қараб «яхши» ва «ёмон» лигини күрсатинг: 10% ёки паст, ёки 10% дан юқори.
- Устун q: Муаммонинг тоифаси

- 2-жадвалга эътибор беринг (қулайлик ва утилизация муаммоларининг таҳлили). Ушбу жадвалда қулайлик ёки утилизация муаммоларининг даражасига мувофиқ 1,2,3,4 муаммолар тоифалари келтирилган. (q) ва (r) устунлардаги ахборотдан (s) устунидаги 1,2,3 ёки 4 тартиб рақамларини кўрсатиш учун фойдаланинг.
- Устун r: Устувор туманлар.
- ПентаZ вакцинаси ёки қизамиққа қарши вакцина билан иммунизация ўтказилмаган аҳоли сони акс эттирилган (m) ва (n) устунларига эътибор беринг. Кейин ҳар бир вакцина бўйича иммунизация ўтказилмаган аҳоли сони энг юқори бўлган туманга 1 тартиб рақамини ва яна иммунизация ўтказилмаган аҳоли сонига мувофиқ келадиган навбатдаги тартиб рақамини кўрсатиб туманларни устуворлиги бўйича тақсимланг. Ҳар бир туман ўз устуворлик тартиб рақамига эга бўлиши керак, иккита туманда бир хил тартиб рақами бўлиши мумкин эмас.

**Машқ:** Тумандаги қишлоқларнинг аҳоли сони қўйидагicha:

А қишлоғи: 2146, Б қишлоғи: 1845, С қишлоғи: 3433, Д қишлоғи: 13391.

Гўдаклар (0-11 ойлик) аҳолининг 2,33 % ини ташкил этишади.

1-жадвал ҳар бир қишлоқдаги мақсадли аҳоли сонини ва қўлланилган вакцина миқдорини кўрсатади. Юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, эмлаш билан қамраб олинганикни, эмланмаган болалар миқдорини, эмлаш сериясини якунламаганлар миқдорини ҳисоблаб топинг. Муаммоларни идентификация қилиб, таснифлаб ва уларнинг устуворлигини аниқлаб жадвални тўлғазинг.

7-МОДУЛЬ

## 1-жадвал (A): Мълумотлар тахлии

**2-жадвал: Қулайлик ва утилизация муаммоларининг таҳлили**

**Иммунизация хизматидан баҳраманд бўлишга неча фоиз болаларда қулайлик мавжуд?  
(АКДС1 вакцинаси билан иммунизациянинг қамраб олиш даражаси қандай?)**

АКДС 1 билан иммунизациянинг қамраб олиш  
даражаси ЮҚОРИ (> 80%)

АКДС 1 билан иммунизациянинг қамраб олиш  
даражаси ПАСТ(< 80%)

**Эмлаш тақвимига мувофиқ неча фоиз болалар иммунизацияни тўлиқ ЯКУНЛАДИ?  
(Эмлаш якунига етмасдан қолиш фоизи қандай?)**

якунига етмасдан  
қолиш фоизи < 10%

якунига етмасдан  
қолиш фоизи > 10%

якунига етмасдан  
қолиш фоизи < 10%

якунига етмасдан  
қолиш фоизи > 10%

**Муаммолар тоифаси**

- Якунига етмасдан  
қолиш фоизи паст =  
яхши иммунизация
- Қамраб олиш юқори =  
баҳрамандлик яхши
- 1-тоифа  
(муаммолар йўқ)

- Якунига етмасдан  
қолиш фоизи юқори =  
ёмон иммунизация
- Қамраб олиш юқори =  
баҳрамандлик яхши
- 2-тоифадаги  
муаммолар

- Якунига етмасдан  
қолиш фоизи паст =  
яхши утилизация
- Қамраб олиш паст =  
баҳрамандлик ёмон
- 3-тоифадаги  
муаммолар

- Якунига етмасдан  
қолиш фоизи юқори =  
ёмон утилизация
- Қамраб олиш паст =  
баҳрамандлик ёмон
- 4-тоифадаги  
муаммолар

### 1.2 Хариталарни тайёрлаш/тафтиш қилиш

**Аҳамиятли ҳолат.** Ҳеч кимни қолдириб юборманг! Харитада аҳолининг барча гурухлари акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

#### **Сиз хизмат кўрсатадиган ҳудуднинг ишчи харитасини тайёрлаш**

Сиз ишлаётган тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатадиган туманнинг харитасини тайёрлаш. Харита қўлда чизилган одми кўринишда бўлиши мумкин ва у албатта компютерда тайёрланиши шарт эмас.

Олдиндан полиомиелит ликвидацияси муносабати билан тайёрланган харитадан ҳам фойдаланиш мумкин. Харитада аҳолининг жойлашуви акс эттирилади. Ва шу тариқа Сиз аҳолининг қайси гурухлари иммунизация хизматини ДПМда олишини, қайси гурухлар учун эса жойларга сафар уюштирилиши ва/ёки туман босқичидан сайёр бригада чиқишини ташкиллаштириш каби бошқа стратегиялар талафутишини ҳал этишингиз мумкин.

**1: Сиз ишлаётган тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатадиган туманнинг харитасини тайёрлаш. Харитани тайёрлашда унинг кўламини (масштабини) сақлашга нисбатан қатъий талаб қўйилмайди, лекин ҳудуднинг барча ўзига хос жиҳатларини акс эттириш жоиздир. Харитада қўйидаги ахборотларни белгиланг:**

- ҳар бир қишлоқни/ҳудудни ва бошқа аҳоли яшаш жойларини;
- умумий аҳоли сонини ва ҳар бир қишлоқ/маъмурӣ бирлик бўйича мақсадли гурухга мансуб аҳоли сонини;
- етиб бориш нокулай бўлган туманларни;
- йўллар ва географик мўлжалларни (дарёларни, ирмоқларни, тоғларни);
- қишлоқ/аҳоли пункти билан тиббиёт муассасаси орасидаги масофани (агар маълум бўлса);
- тиббиёт муассасаси ходимлари қишлоққа/аҳоли пунктига ташриф этиш учун аксарият ҳолларда фойдаланадиган транспорт воситасини ва йўлга кетадиган вақтни (агар маълум бўлса);
- кўчиб юрувчи шахсларнинг манзилгоҳларини ва уларнинг ҳаракат йўналишларини (агар Сиз хизмат кўрсатадиган ҳудудга мансуб бўлса);
- йилнинг маълум фаслларида етиб бориш нокулай бўлган туманларни (агар Сиз хизмат кўрсатадиган ҳудудга мансуб бўлса).

**2: Тиббиёт муассасасининг харитасидан фойдаланиб Сиз хизмат кўрсатадиган тумандаги ҳар бир қишлоқ/маъмурӣ бирлик учун энг маъқул қабул типи ҳақида қарор қабул қилинг (белгиланган вақтда ДПМ да қабул, сафарда қабул, сайёр бригада).**


Харитада ҳар бир қишлоққа/аҳоли пунктига хизмат кўрсатиш учун қандай қабул тили қўйланилишини харитага ҳарфли аломатлардан фойдаланиб белгиланг: F (муқим қабул), O (сафардаги қабул), M (сайёр бригада). Сафардаги қабул ва сайёр бригадаларнинг ишлаш чоғидаги йўналишни кўрсатиш учун стрелкадан фойдаланинг. Имконияти бўлса ҳар бир сафар чоғидаги эмлаш сессияси ўтказиладиган жойни белгиланг.

Агар Сиз қабулнинг қайси типини қўллаш борасида якуний тўхтамга келган бўлмасангиз, қўйида келтирилган жадвал Сизга ёрдам бериши мумкин.

Муқим қабул	ДПМ да хизмат күрсатиш	Жамоада ДПМ дан бевосита баҳраманд бўлиш имконияти мавжудлигига хизмат кўрсатилади
Сафардаги қабул	Хизматни жойларга чиқиб тақдим этиш	Тиббиёт ходими қун мобайнида ташриф этиши мумкин бўлган тиббиёт муассасаси атрофидаги ҳудуд
Сайёр бригада	Хизматни жуда чекка ҳудудларда тақдим этиш	Бир иш куни мобайнида етиб бориб ишни якунига етказишнинг имкони йўқ ва тунаб қолишга тўғри келадиган ҳудудлар

**Машқ:** D қишлоғида поликлиника мавжуд. Иммунизация поликлиникада ўтказилади. Ушбу Марказдаги тиббиёт ходимлари A, B ва C қишлоқларига ҳам чиқиб иммунизацияни ўтказишлари мумкин. Бирок, A ва B қишлоқларига ёмғирли мавсумда тахминан 4 ой мобайнида (декабрь, январь, февраль ва март) етиб боришининг имконияти йўқ. С қишлоғи эса поликлиника мавжуд бўлган D қишлоғига яқин жойда жойлашган.

**Figure 1. Sample health facility map**



Юқорида келтирилган ахборотлардан фойдаланиб ҳарита чизинг.

### 1.3 Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун ўзига хос/максус тадбирларни белгилаш

**Аҳамиятли ҳолат.** Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар исталган жойда - шаҳарда ҳам ва қишлоқда ҳам топилиши мумкин: уларни қамраб олиш учун ўзига хос/максус тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

З-қадамда Сиз 1-жадвалда қараб ўтилган маълумотларга қайтинг ва эмлаш билан мунтазам қамраб олишни таъминлаш учун ўзига хос/максус тадбирлар қўлланилишини талаб қилувчи етиб бориш мураккаб ёки бошқа шунга ўхшаш муаммоли ҳудудлар мавжуд ёки йўқлиги ҳақида қарор қабул қилинг. Бу мақсадни ҳал этиш учун Сиз 3-жадвалдан фойдаланинг. Ишни эмлаш билан қамраб олинмаганлар сонининг камайиб бориш тартибига мувофиқ 1-жадвалда келтирилган ҳудудларнинг рўйхатини тузишдан бошланг. З-жадвални тўлғазиш учун, аввало, ўзингизни қизиқтирадиган ҳудудларни аниқлаб олишингиз зарур, чунки Сиз уларни вакцинация билан қамраб олиш мақсадида қандай ўзига хос/максус тадбирлар қўлланилиши ҳақида қарор қабул қилишингиз зарур. Бундай таҳлилни амалга оширишда ҳудудларни «етиб бориш мураккаб» ва «муаммоли ҳудудлар» сифатида таснифлаш мумкин. Бироқ, иккала тиғдаги ҳудудларни ҳам эмлаш билан қамраб олишни таъминлаш учун бир хил тадбирлар ўтказилиши мумкин. Ўтказиладиган тадбирлар борасида бир тўхтамга келганингиздан кейин, уларни Сиз 6-қадамдаги иш режасига киритишингиз мумкин.

#### Етиб бориш мураккаблар тоифасига ким мансуб?

##### 1. Қишлоқдаги етиб бориш мураккаблар:

Булар иммунизация хизмати билан мунтазам алоқаси жуда кам бўлган аҳолининг муайян қисмлари (асосан қишлоқ аҳолиси) бўлиши мумкин. Буларга қўйидагилар киради:

- Тиббиёт муассасасидан жуда узоқда жойлашган ҳудудларда яшовчи кишилар.
- Аҳолининг мавсумий равишда ҳаракатга тушиб қоладиган гуруҳлари, масалан, кўчманчилар.
- Мавсумий қийинчилклар туфайли тиббиёт хизматга етиб боришга иложсиз аҳоли.

##### 2. Шаҳардаги етиб бориш мураккаблар:

Булар тиббиёт муассасасидан унчалик узоқ бўлмаган жойда жойлашган манзилгоҳда яшовчи, лекин қатор сабабларга кўра мазкур муассасалар билан мулоқотга киришмайдиган шаҳарлик аҳоли. Буларга ташландиқ жойларда яшовчилар ва уй-жойи йўқлар мансубdir.

##### 3. Ихтимоий-иқтисодий қийинчилклар:

Жамията турли сабабларга кўра давлат соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан етарлича фойдаланишмайдиган гуруҳлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан:

- Ихтимоий сабаблар: Соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан диний ёки анъанавий қарашлар туфайли фойдаланишни хоҳламаслик.
- Иқтисодий сабаблар: Кунбай иш ҳақи оловчи кишилар, агарда ДПМ да навбатда кун бўйи туриб қолишиша, кунлик иш ҳақини йўқотишади

#### Муаммоли ҳудудлар нима?

Ушбу модулда Сиз, 1-жадвалнинг 3 ёки 4-тоифага мансуб исталган ҳудуд «S» устунида муаммоли ҳудуд сифатида қаралиши мумкинлигини айтишингиз мумкин. Лекин, ушбу тоифаларга тўғри келмайдиган бошқа муаммоли ҳудудлар ҳам бўлиши мумкин. З-жадвал ёрдамида Сиз ушбу ҳудудларнинг хос/максус тадбирлар ўтказилишига эҳтиёжи бор ёки йўқлигини ҳал этишингиз мумкин.

## Ҳудуд

3-жадвал қандай тўлғазилади: Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун ўзига хос/максус тадбирлар.

- (а) устун: Устуворлиги бўйича барча ҳудудларнинг рўйхатини тузинг.
- 1-жадвалдаги (t) устунига эътиборингизни қаратинг. Эмланмаган болалар сони энг кўп бўлган ва устуворлиги бўйича 1-ўриндаги ҳудуддан бошлаб устуворлигининг пасайиш тартибида барча ҳудудларнинг номини кўрсатинг.
- (b) устун: Ҳар бир ҳудуд учун муаммолар тоифасини кўрсатинг (1 дан 4 гача).
- (c) устун: Агар ушбу ҳудудга етиб бориш мураккаб бўлса ёки унда қамраб олиш мураккаб бўлган аҳоли гуруҳлари истиқомат қилишса «ҳа» деб белгиланг.
- (d) устун: Охиригина календар йили мобайнида(ёки 12 ой давомида) ушбу ҳудудга неча маротаба ташриф буюрилганлигини кўрсатинг.
- (e) устун: Сиз кўрсатган 3 ва 4-тоифадаги муаммоли ҳудудларда ва етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудлarda аҳолининг иммунизациядан баҳраманд бўлишини ёки утилизацияни яхшилашда ёрдам берадиган қандай тадбирларни ўз тиббий муассасангизда ташкиллаштиришингиз мумкин (маълумот учун 3-илованинг 1-қисмига қаранг).
- (f) устун: Муаммоли ҳудудлarda ва етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудлarda аҳолининг иммунизациядан баҳраманд бўлишини ёки утилизацияни яхшилаш бўйича туман ёки унданда юқорироқ босқич томонидан қандай тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлишини ҳал этинг.
- (g) устун: Муаммоли ва етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудлarda иммунизация ўтказилаётган пайтда қанақа бошқа тадбирлар амалга оширилиши мумкинлигини ҳал этинг.

**Машқ:**

С қишлоғи поликлиника мавжуд бўлган Д аҳоли пунктига яқин жойда жойлашган. Поликлиникада хизмат қилишаётган тиббиёт ходимлари бутун йил мобайнида иммунизацияни ўтказиш имкониятига эга. Бироқ ўтган йили С қишлоғига эмлаш ўтказиш мақсадида 9 маротаба ташриф буюрилган. А ва В қишлоқларига эса ёмғирли мавсумда тахминан 4 ой мобайнида етиб боришнинг имконияти йўқ. Ушбу қишлоқларга йилнинг 8 ойи мобайнида етиб бориш имконияти бўлсада, ўтган йили А қишлоғига эмлаш ўтказиш мақсадида 6 маротаба, Б қишлоғига эса 5 маротаба ташриф буюрилган.

**З-жадвал: Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун ўзига хос/максус тадбирларни режалаштириш**

Ҳудудлар рўйхати (устуворлиги бўйича)	Муаммоларнинг тоифалари: 1, 2, 3, 4 (1-жадвалга мурожаат қилинг)	Етиб бориш мураккаб (Ҳа/Йўқ)	Охирги йил мобайнида неча маротаба ташриф буюриш ташкиллаширилган эди?	Тиббиёт муассасаси босқичида аҳолининг иммунизациядан баҳраманд бўлишини ёки утилизацияни яхшилашда ёрдам бероладиган қандай тадбирларни ташкиллашириш мумкин	Аҳолининг иммунизациядан баҳраманд бўлишини ёки утилизацияни яхшилаш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилишида туман ва/ёки унданда юкорироқ босқичнинг ёрдами зарур	Иммунизация ўтказиш билан бир пайтда яна қанақа бошقا тадбирларни амалга ошириш мумкин?
a	b	c	d	e	f	g

**(e) устунида ёзилиши мумкин бўлган фаолликлар:**

- Иммунизация режасини тайёрлаш.
- Иммунизацияни режага мувофиқ бажариш.
- Етиб бориш имконияти мавжуд бўлган пайтларда қишлоққа ташриф буюришга соғлиқни сақлаш ходимларида рағбат уйғотиш.
- Нодавлат ташкилот/гуруҳларни, жамоат арбобларини ва кўнгиллиларни жалб этиш.
- Эмлаш билан қамраб олиш кўрсатгичи паст даражада бўлган аҳоли гуруҳларини жалб этиш.
- ДПМ га етарли микдордаги вакциналар, шприцлар ва совуқлик занжири учун материалларни етказиб бериш.
- Транспорт воситалари ва ходимлар тақчиллигини бартараф этиш.
- Ишлаб чиқаришда ўқитишни таъминлаш.
- Кўллаб-кувватловчи курацияни амалга ошириш.

**(f) устунида ёзилиши мумкин бўлган фаолликлар:**

- Инсон ресурсларини ташкиллашириш.
- Вакциналар, шприцлар ва совуқлик занжири учун материаллари билан таъминлаш.
- Логистик кўллаб-кувватлов (транспорт воситалари, ёқилғи, сафар харажатлари ва бошқалар).
- Жамоаларни ўқитиш учун мавжуд материаллардан фойдаланиш, агар бундай материаллар бўлмаса, уларни тайёрлаш.

**(g) устунида ёзилиши мумкин бўлган фаолликлар:**

- Оилани режалаштириш
- Ҳомиладор аёллар патронажи
- Экотибиёт хизматлари ва бошқалар.

## 1.4 Эмлаш серияларини ўтказиш (тиббий муассасага қабул) режасини тузиш

**Аҳамиятли ҳолат.** *Ҳаритодаги ҳар бир жамоа эмлаш серияларини ўтказиш режасига киритилиб уларга қайси турдаги эмлашлар амалга оширилиши кўрсатилиши зарур.*

Ушбу кўлланмада биз тиббиёт муассасаси доирасида ҳақиқатда амалга оширилиши мумкин бўлган эмлаш серияларини ўтказиш режасига таяномиз. Тиббиёт муассасасига қабулни амалга ошириш режаси эмлаш турини ва бундай эмлаш сериялари қанчалик кўп/тез-тез ўтказилиб турилишини кўрсатиб беради.

Биз бир марталик қабул чоғида ўтказилиши зарур бўлган ҳисоблаб топилган эмлашлар сонидан ишчи юкламани ҳисоблаш учун асос сифатида фойдаланамиз. Масалан, ДПМ даги қабул чоғида Сизнинг ишлаб чиқариш кўрсатгичингиз юқори ва 80 та инъекциядан иборат, сафардаги эмлаш чоғида эса - 40 та инъекция. Биз ҳисоблаб топилган юклама тушунчасидан фойдаланамиз, чунки қабула гелиши мумкин бўлган болаларнинг ҳисоблаб топилган сонини олдиндан айтиш мумкин эмас. Қабулни ҳаққоний (реалистик) юклама асосида режалаштира туриб, Сиз ҳамиша қабулни ташкиллаштириш учун қанча вакцина, хавфсиз эмлашни таъминлаш учун сарфланадиган материаллар, ходимлар ва транспорт воситалари талаб этилишини олдиндан кўзда тута оласиз. Шундай қилиб, тиббиёт муассасасида қабулни амалга ошириш режаси ишчи режани тузиш учун салмоқли асос бўлиб хизмат қиласди. Сиз ҳамиша қабул типи ва частотасини зарур бўладиган материаллар миқдори билан мувофиқлаштира оласиз.

### 1: 4-жадвалдан фойдаланиб I, II, III, IV-устунларни тўлғазинг

1-жадвални, харитани ва 3-жадвални олинг. Ҳар бир ҳудудни, аҳоли сонини ва аҳолининг мақсадли гуруҳи сонини (I, II, III-устунлар) ёзиз чиқинг. Жадвалдаги ҳар бир қишлоқ ёки маъмурий бирлик рўпарасига ўзингиз 2-қадамда (IV-устун) тайёрлаган харитага мувофиқ келувчи зарур қабул типини белгиланг.

### 2: Йиллик ишчи юкламани (амалга оширилиши зарур бўлган инъекциялар сонини) ҳисобланг (V-устун)

Ушбу кўлланмада биз эмлаш серияларини амалга ошириш чоғида ишчи юклама ўлчови сифатида инъекциялар сонидан фойдаланамиз. Биринчидан, Сиз хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги чақалоқларга тўлиқ иммунизацияни амалга ошириш учун қанча инъекция ўтказиш зарурлигини белгиланг. Камида ҳар бир болага бешта инъекция талаб этилади (БЦЖ x1, АКДС-ГепатитВ\* x 3, корь x1) (плюс тўрт доза ОПВ оғизга).

Бироқ, айрим давлатларда 10 тагача инъекция ўтказилиши мумкин (масалан, В гепатитига қарши 3 дозадаги бир дозалик вакцина қўшилиши). Таъкидлаш жоизки, бу ҳисобга каттароқ ёшдаги болалар учун мўлжалланган бустер доза киритилмаган. Йиллик ишчи юкламани ҳисоблаш учун бир нафар боланинг тўлиқ иммунизациясига керак бўладиган инъекциялар сонини болаларнинг умумий сонига кўпайтиринг.

### 3: Ишчи юкламани ҳисобланг (бир ойда зарур бўладиган инъекциялар сони, VI- устун)

Бир ойлик ишчи юкламани ҳисоблаш учун йиллик юкламани (VI-устун) 12 га тақсимланг.

### 4:ДПМ да ва жойларга чиқиб ўтказиладиган ойлик<sup>2</sup> қабулнинг миқдорини ҳисоблаб топинг (VII-устун)

Ҳозир Сиз тиббиёт ходимига тиббий муассасада битта қабул чоғида ва жойларга чиқилгандаги битта

\* Агар Сиз пентавалент вакцинани кўллассангиз, чақалоқларни тўлиқ эмлаш учун инъекциялор сони (5) олдингидекақолади.

қабул өнімдегі нечта инъекция үтказилишини топшириқ қилиш (үртача ишчи юклама) мүмкінлігінің ұлғайысы зарур. Ушбу модулда біз ДПМ даги режали қабул өнімдегі мөщілдік ишчи юклама 80 та инъекциядан, жойларга чиқылған үтказиладиган эмлаш өнімдегі битта қабул давомида еса тахминан 40 та инъекциядан иборат дея қабул қылдик. Бирок бұрын күрсатылған шарт-шароитта қаралған, яғни вакцина ва сарфланадиган материаллар мавжудлиги ва миқдорига, тиббиёт мүассасаси билан ташриф буюрылады. Жойларга чиқылған үтказиладиган қабул учун бир ой мобайнида зарур бўладиган инъекциялар сонини 40 га тақсимлаш.

Ой мобайнида қабул миқдорини ҳисоблаш учун куйидагилар зарур:

ДПМ даги доимий қабул учун бир ой мобайнида зарур бўладиган инъекциялар сонини 80 га тақсимлаш.

Жойларга чиқылған үтказиладиган қабул учун бир ой мобайнида зарур бўладиган инъекциялар сонини 40 га тақсимлаш.

### **5: Объектив қаранг ва ҳар бир тиббиёт мүассасаси ва жойларга чиқылған үтказиладиган эмлаш сессиялари бўйича ойлик қабулнинг ҳаққоний (реал) миқдорини кўрсатинг (VIII-устун)**

Ушбу қадам қуйидагиларга: вакцинация үтказиш учун тиббиёт ходими мавжудлиги, жамоада кўнгиллilar мавжудлиги ва чиқиладиган жойгача бўлган масофага асосланиб ҳаққоний (реал) фикрлаш ва тўғри мулоҳаза юритиш кўнимкасини шакллантиришни кўзда тутади.

Сиз 4-қадамда амалга оширган ҳисоблаш қабуллар сонини, масалан, ойига битта қабулдан кам ёки ойига учта қабул каби, ҳаққоний акс эттирмаслиги мүмкін. Ҳозир Сиз маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда ҳар бир тиббиёт мүассасасида ва чиқиладиган жойда бир ой мобайнида кўзда тутиладиган қабуллар сони ҳақидаги ҳаққоний (реал) фикрлашни ва мулоҳаза юритишни қарор топтиришингиз зарур. Туманда частотасига кўра камроқ, лекин иш ҳажмига кўра кattакон қабуллар, ёки частотасига кўра тез-тез амалга оширилувчи, лекин иш ҳажми камроқ бўлган қабуллар зарурми ёки йўқлигини ҳал этинг.

### **6: Иммунизация билан биргалиқда үтказиладиган болалар саломатлигини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирларни ҳам киритинг.**

Болаларнинг саломатлигини таъминлашга қаратилган иммунизация билан биргалиқда үтказилиши мүмкін бўлган бошқа тадбирларни ҳам санаб ўтинг (м-н, кроват устига чивинга қарши пашшахона ўрнаттириш, бошқариладиган столлар ва бошқалар). 3-жадвалнинг (g) устунига қаранг.

### **7: Худудга етиб бориш мураккаб ҳисобланади, шуни аниқланг.**

(3-жадвалга мурожаат қилинг).

**Аҳамиятли ҳолат. Ўз қабул қилиш режангизни самарали тайёрланг!**

- Қуйидагиларга асосан зарур миқдордегі қабул қилиш сонини режалаштириш учун ўз фикр-мулоҳазаларингиздан ва туманни билишингиздан фойдаланинг:
- Мавжуд бўлган тиббиёт ходимлари сони,
- Чиқиладиган жойгача бўлган масофа,
- Жамоада кўнгиллilar хизматидан фойдаланиш имконияти.
- Ҳаддан зиёд кичик ёки катта қабуллардан қочинг (эхтиёт бўлинг)
- Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун қабулларни амалга оширишнинг мақсадга энг мувофиқ даврийлиги ҳақида қарор қабул қилинг

## «ҲАР БИР ҲУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ИММУНИЗАЦИЯ ХИЗМАТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МЎЙЖАЗ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ (RED)

Қабулларни амалга оширишнинг, айниқса жойларга чиқишнинг, даврийлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда, имкон қадар вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Частотасига кўра камроқ, лекин ташриф этувчилар сони кўп бўлган қабуллар ресурслардан самаралироқ тарзда фойдаланишга ёрдам беради.

Исталган ҳудуд/туман учун режалаштирилаётган қабулнинг ҳақоний (реал) миқдори қўплаб омилларга боғлиқ бўлади.

Бу Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга, мушоҳада салоҳиятингизга ва ҳудуддаги маҳаллий шарт-шароитни нечоғли яхши билишингизга боғлиқ бўлади.

### 4-жадвал: Қабул режасининг намунаси

Хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги тиббий муассаса номи \_\_\_\_\_ Сана\_\_\_\_\_

Қишлоқ/ шаҳар	Жами аҳоли	Аҳолининг мақсадли гурухи	Қабул типи (ДПМ да, жойларга чиқиб, сайёр бригада)	Йиллик инъекциялар (аҳолининг мақсадли гурухи X 7*)	Ойлик инъекциялар (Йиллик инъекциялар/12)	Ойлик инъекциялар- нинг ҳисоблаб топилган сони (ДПМ даги қабул учун 80 га тақсимланг ва жойларга чиқиб бажариладиган қабул учун 40 га тақсимланг)	Режали қабулларнинг реал/ҳақоний сони (Тиббиёт ходимларининг сони, амалиёта қаратилганлик, иш тажрибаси, масофа, жамоа билин мuloқот)	Болаларни соғломлаш- тириш бўйича бошқа тадбирлар режалаш- тирилган- ми?	Етиб бориш мураккаб бўлган ҳудуд/аҳоли (3-жадвалга мурожаат қилинг)
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X

\* Аҳолининг мақсадли гурухи сонини миллий эмлаш тақвимига муюифик чақалоқтарга тўйлик иммунизация ўтказиш учун керакли бўладиган инъекциялар миқдорига ва оналарга ҳомилодорлик дәверида таёсия этилаодиган инъекциялар миқдорига кўпайтиши зарур. Стандарт/ минимал эмлаш тақвимига асосан чақалоқтарга ва уларнинг оналорига тўйлик иммунизация ўтказиш учун керакли бўладиган инъекциялар миқдори 7 тани ташкил этади (А ҳомилодор аёллар учун — 2 доза, болалар вакцинацияси = БЦЖ — 1 доза, АКДС — 3 доза, қизомик — 1 доза). Бирор ушиб миқдор Миллий эмлаш тақвимига муюифик ва бошқа вакциналар киритилиши мүносабати билан (ротавирус инфекциясига қарши вакцина кабиллар), ҳамда қўйланилодиган вакцина топига қораб (тетра ёки пентавалент вакциналар ва бошқа) турлича бўлиши мумкин.

## 1.5 «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси ёрдамида муаммоларни ҳал этиш

**Аҳамиятли ҳолат.** Ўз минтақангизнинг муҳим муаммоларини кўрсата оласизми? Ушбу муаммоларнинг ечимини таклиф эта оласизми? «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегияси муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топишда ёрдам беради.

1 ва 3-қадамларда Сиз муайян туманлардаги баҳраманд бўлишга ва утилизацияга доир муаммоларни аниқладингиз.

5-қадамда Сизда умуман бутун минтақага ёки унинг айрим қисмларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлган умумий ёки сифат муаммоларини ва уларнинг ечимларини кўриб чиқиш имконияти пайдо бўлади. «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегиясининг бешта ишчи компонентидан муаммоларни ва уларнинг ечимларини тартиблашда фойдаланиш мумкин. 5-жадвал «Ҳар бир туманни қамраб олиш» Стратегиясининг барча бешта ишчи компонентини ўз ичига олади. Қуйида қатор саволлар келтирилган бўлиб, ушбу саволлардан

фойдаланинг ва улар Сизга ўз мінтақанғыздаги ҳақиқий мұаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритишиңгиз үчүн ёрдам беради.

### 5-жадвалдан қандай фойдаланилади

- Стратегиянинг ҳар бир элементі бүйіча мұаммоларнинг илохи борича тұлиқ рүйхатини тайёрланг
- Ушбу мұаммоларни ҳал этишга қаратылған тәдбірларнинг рүйхатини ёзинг:
- Бириңчи навбатда, ўз ДПМ да (чекланған ресурслар билан) мұстақил равища амалға оширишиңгиз мүмкін бўлған тәдбірларнинг, масалан, қабул режасини қайта кўриб чиқиш, жамоадаги кўнгиллilar билан ишни ташкиллаштириш ва бошқа шунга ўхшаш.
- Иккинчидан, амалға оширилиши үчүн ресурслар ва юқори босқычдаги (туман ёки янада юқорироқ босқычлар) ташкилотлар иштироқи талаб этиладиган тәдбірларни белгиланг, масалан:
- ДПМ амалға ошира олмайдиган қабулларни ўтказиш
- Материаллар, ускуналар, жойлардаги қабулни амалға ошириш үчүн зарур бўладиган транспорт восьиталари билан таъминлаш
- Техник ёрдам ва дастурнинг янги жиҳатлари бүйіча ахборот
- Агар фаолият юритишининг ушбу шакли Сиз ишләётган ДПМ хизмат кўрсатадиган худуднинг фақат биронрасига хос бўлса, ўша худуд номини кўрсатинг, ёки ушбу мұаммо Сиз ишләётган ДПМ хизмат кўрсатадиган бутун худудга тааллуқли бўлса, у ҳолда бу ҳолатни кўрсатинг.
- Имкон қадар ҳар бир мұаммони ҳал этишга масъул шахсни ва уни ижро этиш санасини кўрсатинг. Ойлик ҳисоботларни тақдим этишда, ўзингиз томонингиздан амалға оширилған тәдбірлар ҳақида ҳисоботни тайёрлаш үчүн, ҳамда эътибор қаратилиши талаб этиладиган янги мұаммоларни аниқлаш үчүн ушбу рүйхатга қайтинг.

Қуйида Сизга ўз мінтақанғыздаги мұаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритишиңгиз үчүн ёрдам бераборлайдиган қатор саволлар көлтирилган

### Жойларга чиқиб хизмат кўрсатиши қайта ташкиллаштириш

Ишчи режанғызда Сиз режалаштирган жойларга чиқиб қабул қилишни амалға оширишда, уларнинг ҳар бири үчүн тааллуқли жой ва вақт кўрсатиладими?

Сиз режалаштирилган ва амалға оширилған жойларга чиқиш сессияларининг мониторингини олиб борасизми?

Жойларга чиқиб эмлаш сессияларини амалға ошириш үчүн Сиз бир йилда тўрт маротабадан кам борадиган жамоалар мавжудми?

Сиз режалаштирилган ва амалға оширилған жойларга чиқиб қабул қилишнинг мониторингини олиб борасизми?

### Раҳбариятнинг қўллаб-қувватлаши

Сиз ишләётган ДПМ га раҳбарлар мунтазам ташриф буюришадими, масалан, сўнгги 6 ой мобайнида неча маротаба ташрифлар амалға оширилди?

Назорат қилувчи раҳбарлар Сизга қандайdir керакли ахборотни тақдим этишга ёки мұаммони ҳал этиш борасида кўмаклашишга вақт ажратишадими?

Олдинги ташрифлар чоғида аниқланған мұаммоларни бартараф этиш бўйича ишлар олиб бориладими?

### Жамоанинг иммунизация хизматини кўрсатиш билан алоқаси

Сиз томонингиздан хизмат кўрсатиладиган жамоалар эмлашни ўтказиш үчүн қабул қилиш жойи ва

## «ХАР БИР ҲУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ИММУНИЗАЦИЯ ХИЗМАТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МҮЙЖАЗ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ (RED)

вақтини режалаштиришда иштирок этишадими?

Жамоалар одатда эмлашни ўтказиш учун қабул қилиш жойи ва вақти ҳақидаги ахборотни олдиндан олишадими?

Жамоа вакиллари орасидан қабул қилишда иштирок этувчи күнгиллилар борми?

Жамоа вакилларидан Сиз янги туғилған чақалоқтар ҳақидаги маълумотни оласизми?

Вакциналар хавфсизлігінде нисбатан әхтиёткорлик ва ғамхұрлық мавжудми?

### Мониторинг ва иш учун маълумотлардан фойдаланиш

Сиз иммунизациядан қолиб кетган болаларни қозатиб бориш тизимига әгамисиз?

Тұманда иш сифатининг шархи бүйіча чораклик үйіншілар ва мұхокамалар ўтказиб туриладими?

Сиз түлік ва ўз вақтіда ойлик ҳисоботларни тайёрлай оласизми?

Сиз ойлик ҳисоботларга жавобан тескари алоқа асосида маълумотлар қабул қиласизми?

Расмий маълумотлар ва иммунизация күрсатғылардың үртасидаги тафовуттама?

### Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш

Сиз қабулни амалга ошириш режасига ва иш режасига әгамисиз?

Сиз жойларда қабулни амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларга әгамисиз?

Сиз хизмат кўрсатаётган ДПМ да бўш иш ўринлари мавжудми?

Яқин орада Сизда вакцина, хавфсиз инъекция учун ускуналар, ёқилғи ёки бошқа материаллар етишмовчилги кузатилдими?

### 5-жадвал: Муаммоларни ҳал этиш учун «Хар бир туманни қамраб олиш»

#### Стратегиясини қўллаш

(3-жадвалдан ва юқорида келтирилган саволлардан фойдаланиб жадвални тўлғазинг)

RED стратегиясининг компонентлари	Муаммолар	Чекланган ресурслар билан тадбирлар	Қўллаб-кувватлаш ва тумандан тақдим этилган ресурслар билан тадбирлар	Амалга ошириш жойи ва вақти	Масъул
Жойларда қабул қилишни тиклаш					
Раҳбариятнинг қўллаб-кувватлаши					
Жамоанинг иммунизация хизмати билан алоқаси					
Мониторинг ва иш учун маълумотлардан фойдаланиш					
Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш					

### 1.6 Чораклик иш режасини тузиш

**Аҳамиятли ҳолат.** *Динамик ишчи режа тузинг! Барча қабулларни ва бошқа тадбирларни кўрсатинг, мониторингни мунтазам амалга оширинг ва режага қўшимча ўзгартиришлар киритинг*

6-жадвал бир чоракка (3 ойга) мўлжалланган ишчи режани кўрсатади. Ишчи режани тузиш учун Сизга қўйидагилар зарур бўлади:

4-жадвал: қабулни амалга ошириш режаси, барча қабулларнинг ўтказилиш жойи ва санаси бўйича рўйхати

3-жадвал: етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудларда амалга оширилган барча тадбирларнинг рўйхати

5-жадвал: ДПМ да Сиз ўтказадиган бошқа барча тадбирларнинг рўйхати

Режа устидаги ишни якунига етказиш учун, Сиз:

- Қабулни амалга ошириш режасини тузинг.

Режалаштиришга ҳаракат қилинг

- ДПМ да олиб бориш мўлжалланган қабулларни қатъий белгиланган бир кунда/ҳафта кунида ўтказинг
- Жамоа аъзолари ёдда тутишларига ўнғай бўлиши учун жойларда амалга ошириладиган қабулларни ҳам қатъий бир кунга ва ҳар ойнинг бирон санасига режалаштириш зарур.
- Туманда ўтказилиши зарур бўлган қабулларни аниқланг
- Ўз ишчи режангизнинг пастки қисмида 3 ва 5-қадамларнинг бошқа тадбирларини кўрсатинг.

Саналарни қўйидагилар бўйича кўрсатинг:

- Муаммолар аниқланган вақтда амалга оширилган тадбирлар бўйича
- Ўқитиш, мониторинг ва шу каби бошқа тадбирлар бўйича
- Саналар бир-бирининг устига тушиб қолмаслигига эътибор қаратинг.

1: ДПМ хизмат кўрсатадиган миңтақадаги барча қишлоқларни/туманларни/ҳудудларни қабулни амалга ошириш режасидаги каби тартибда кўрсатинг.

2: Навбатдаги устунда бир ойдаги қабуллар сонини, масалан, «А қишлоғи: 4 маротаба жойларга чиқиб қабул қилиш» қабул режасида кўрсатилганидек қайд этинг.

3: Ҳар бир устунга ойма-ой (январь, февраль, март) қўйидагиларни ёзинг:

- ҳар бир қабулнинг белгиланган санаси,
- қабул амалга оширилган сана,
- жойларга чиқиб қабул қилишни ёки сайёр бригадалар ишини ташкиллаштириш учун керак бўладиган транспорт турини,
- қабулни амалга ошириш учун масъул шахсни,
- юқори босқичда турувчи ДПМ ёрдам кўрсатиши учун зарурият борми, айниқса қабул етиб бориш мураккаб ҳудудда амалга оширилса (3-жадвалга эътибор қаратинг), туманга қарашли транспорт воситаси керакми?, қабулни ўтказишда туман мутахассисларининг иштирок этиши лозимми?

4: Ҳар бир ойнинг тагига қўшимча тадбирларни ва бошқа мунтазам амалга ошириладиган тадбирларни белгиланг.

- Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун тадбирларни қўшинг (3-жадвалга қаранг)
- Туман миқёсидаги ҳар ойлик йиғилишлар, маҳсус компаниялар ва бошқа шу каби мунтазам равишда амалга оширилиши зарур бўлган барча тадбирларни қўшинг.
- Иммунизация ўтказиш билан бир пайтда амалга ошириладиган даврий тадбирларни (масалан, чивинларга қарши кроватга ёпишга мўлжалланган пашшахоналарни тақсимлаш) қўшинг.

**«ҲАР БИР ҲУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА  
ИММУНИЗАЦИЯ ХИЗМАТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МЎЙЖАЗ РЕЖАСИНГ ТУЗИШ (RED)**

5: Қабул ўтказилишининг мониторингини амалга ошириш

Ҳар бир ойнинг тагига режалаштирилган қабуллар сонини ва амалга оширилган қабуллар сонини кўрсатинг. Агар барча режалаштирилган қабулларни амалга оширишнинг имконияти бўлмаса , туманнинг ойлик ҳисоботида қандай сабабга кўра уни бажаришнинг имконияти йўқлигини кўрсатинг (10-қадам).

Вазиятнинг кечишини — муваффақиятларни ва қўшимча эҳтиёжларни — баҳолаш учун ҳар чорақда тадбирлар ўтказилишини тафтиш қилиб боринг.

Ишчи режанинг бир нусхасини ДПМ даги кўзга ташланиб турадиган жойга осиб қўйинг.

**6-жадвал: ДПМ нинг бир чорак (яъни 3-ой) учун ишчи режасининг намунаси**

Қишлоқ	Бир ойдаги қабуллар сони	январь	февраль	март
A				
B				
C				
D				
Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун тадбирлар				
Мунтазам тадбирлар				
<b>Қабулни амалга ошириш мониторинги</b>	Январда амалга оширилган қабуллар сони:	Февралда амалга оширилган қабуллар сони:	Мартда амалга оширилган қабуллар сони:	
	Январда режалаштирилган қабуллар сони:	Февралда режалаштирилган қабуллар сони:	Мартда режалаштирилган қабуллар сони	

**6-жадвал: ДПМ нинг бир чорак (яъни 3-ой) учун ишчи режасининг намунаси**

Қишлоқ	Бир ойдаги қабуллар сони	январь	февраль	март
A				
B				
C		Режалаштирилган сана (лар) Ўтказилган сана (лар) Транспорт Масъул шахс Туманнинг қўллаб-кувватлаши (Y/N)	Режалаштирилган сана (лар) Ўтказилган сана (лар) Транспорт Масъул шахс Туманнинг қўллаб-кувватлаши (Y/N)	Режалаштирилган сана (лар) Ўтказилган сана (лар) Транспорт Масъул шахс Туманнинг қўллаб-кувватлаши (Y/N)
D		Режалаштирилган сана (лар) Ўтказилган сана (лар) Транспорт Масъул шахс Туманнинг қўллаб-кувватлаши (Y/N)	Режалаштирилган сана (лар) Ўтказилган сана (лар) Транспорт Масъул шахс Туманнинг қўллаб-кувватлаши (Y/N)	Режалаштирилган сана (лар) Ўтказилган сана (лар) Транспорт Масъул шахс Туманнинг қўллаб-кувватлаши (Y/N)
Етиб бориш мураккаб ва муаммоли ҳудудлар учун тадбирлар	Тадбир Масъул шахс	Тадбир Масъул шахс	Тадбир Масъул шахс	Тадбир Масъул шахс
Мунтазам тадбирлар	Тадбир Масъул шахс	Тадбир Масъул шахс	Тадбир Масъул шахс	
<b>Қабулни амалга ошириш мониторинги</b>	Январда амалга оширилган қабуллар сони:	Февралда амалга оширилган қабуллар сони:	Мартда амалга оширилган қабуллар сони:	
	Январда режалаштирилган қабуллар сони:	Февралда режалаштирилган қабуллар сони:	Мартда режалаштирилган қабуллар сони	

### 1.7 Мониторинг учун графикдан фойдаланиш

**Аҳамиятли ҳолат.** Мониторинг графиги муваффақиятли ишни намойиш этиш учун энг яхши восьта ҳисобланади. Уни ҳамиша ДПМ нинг кўзга яхши ташланадиган жойига ишчи режа билан ёнма-ён осиб кўйиш лозим.

Сиз мониторинг графигини тақдим этмоқчи бўлган вакцинанинг, масалан, АКДС-гепатит В1-АКДС-гепатит В3, БЦЖ-қизамиқ ва бошқаларнинг дозасини кўрсатиш учун мослаширишингиз мумкин.

#### Мониторинг графикини кўллаш

Мониторинг графикиги бир ой давомида, бир йил мобайнида бажарилган ишни кузатиб бориш ва бир ёшгача болаларнинг иммунизация дарајасини аниқлаш учун ишлаб чиқилган. Унинг ёрдамида Сиз аҳолининг мақсадли гурухи тўлиқ иммунизация билан қамраб олинмоқдами (масалан, АКДС-гепатит В бўйича), ёки эмланмасдан қолаётган болалар мавжудлигини аниқлашингиз мумкин.

#### Аҳолининг қайси мақсадли гурухи ҳар ойда ва йил мобайнида эмланиши зарурлигини ҳисобланг

- Аҳолининг йиллик мақсадли гурухи. Сиз ўз хизмат кўрсатиш ҳудудингиздаги, айниқса етиб бориш мураккаб минтақалардаги ҳар бир болани эмлаш билан қамраб олишга ҳаракат қилишингиз лозим. Аҳолини расмий рўйхатдан ўтказиш ва жамоа ахлини рўйхатдан ўтказишида аниқланган бир ёшгача бўлган болалар сони бўйича мавжуд маълумотлардан фойдаланинг.
- Ҳар ойлик мақсадлар. Аҳолининг ойлик мақсадли гурухи сонини ҳисоблаш учун бир ёшгача бўлган болалар сонини 12 га бўлинг. (Агар, масалан, бир ёшгача бўлган болаларнинг йиллик мақсадли гурухи сони 156 нафардан иборат бўлса, ойлик мақсадли гурухи сони  $156/12 = 13$  дан иборат бўлади).

#### Графикни белгиланг

- Графикнинг юқори қисмини маълумотлар билан тўлғазинг, яъни ҳудуд ва йилни кўрсатинг. Графикнинг ўнг ва сўл қисмларига ойлик мақсадли гурух ҳақидаги маълумотларни белгиланг. Графикнинг пастки қисмига вакцина номлари ва дозасини, масалан, АКДС-гепатит В1 ва қизамиқ, ёки АКДС-гепатит В1 ва АКДС-гепатит В3 кўринишида белгиланг.
- Агар ҳар бир бола ўз вақтида вакцинацияни олган бўлса, муваффақиятли ишнинг идеал чизмасини кўрсатиб бериш учун нолдан ўнг юқори бурчакка қадар диагонал чизинг.

#### Графикка иммунизация ҳақидаги маълумотларни жойланг

Графикдан дозанинг ва эмланмаганлик дарајасининг мониторингини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин.

- Графикнинг тагига бир неча қаторни жойлаштиринг. Ҳозир таҳлил этилаётган ойни кўрсатиш учун жой қолдиринг. Мазкур ой мобайнида ўтказилган АКДС-гепатит В1 эмлашларининг умумий сонини киритинг.
- Умумий жорий йиғиндини ҳисоблаб топиш учун ушбу ойдаги жорий маълумотларни ўтган ойлардаги жамланган маълумотларга кўшинг ва олинган маълумотларни ўзингиз ишлаётган графикнинг ўнг томондаги ойлик устунига киритинг.
- Ўзингиз ишлаётган графикнинг ўнг томонидаги ойлик устунда қайд этилиб жамланган\* маълумотларни

\* Жамланган тушунчаси жорий ойда тақдим этилган доза миқдорининг умумий кўрсаткичи билан ўтган ойлардоги умумий маълумотларнинг ўйгиндисини англатади. Барча дозалар ва вакциналар бўйича маълумотларни ҳисоблаб топиш учун айлан бир хил даёврдан фойдаланинг. Масалан, марта ойни охирдаги АКДС-гепатит В1 бўйича умумий жамланмана кўрсаткич январ ва февраль ойларда тақдим этилган умумий доза миқдори билан марта ойда тақдим этилган умумий доза миқдорининг ўйгиндисидан, яни жамланмана натижасидан иборатdir

графикда нуқталар билан белгиланг.

- Графикдаги янги нуқтани ўтган ой бўйича нуқта билан тўғри чизиқ орқали бирлаштиринг.
- Юқорида баён этилган ҳаракатни (а дан д гача) йил охирига қадар ҳар ойда такрорланг.
- Графикка АКДС-гепатит В3 иммунизацияси бўйича маълумотларни ҳам шу тартибда, яъни АКДС-гепатитВ1 иммунизацияси бўйича амалга оширилганидек жойлаштиринг (а дан е гача бўлган қадамлар бўйлаб ҳаракатланинг).

АКДС-гепатит В1 ва АКДС-гепатит В3 (DO#) орасидаги эмлашни якунига етказмаган болаларнинг умумий сонини ҳисобланг

- АКДС-гепатит В3 бўйича умумий жамланма кўрсатгични АКДС-гепатит В1 бўйича умумий жамланма кўрсатгичдан ажратинг.
- Эмлашни якунига етказмасликнинг умумлашган даражасини қўйидаги тартибда ҳисобланг (DO%):

$$DO\% = \frac{(\text{АКДС-гепатитВ1 эмлашларининг жамланган умумий кўрсаткичи} - \underline{\text{АКДС-гепатитВ3}}}{\underline{\text{эмлашларининг жамланган умумий кўрсаткичи}}} \times 100$$

АКДС-гепатитВ1 эмлашларининг жамланган умумий кўрсаткичи.

Мониторинг графигидаги маълумотдан фойдаланинг

Мониторинг графигидаги тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланинг. Агар Сизнинг ишингизнинг сифати чизилган тўғри чизиқдан пастга тушиб қолса, сабабини тушунишга ҳаракат қилинг, ва агар муаммолар мавжуд бўлса, уларни тўғрилаш учун қилиниши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларни аниқлашга уриниб кўринг. Масалан, эмлаш якунига етмаган шахсларга вакцинация ўтказиш ва мунтазам ишлаш учун қўшимча ҳаракатларни амалга ошириш мумкин, бу ҳолат сизнинг дастурингиз бажарилишини яна зарур даражагача кўтаришни таъминлайди.


**Машқ: Қўйидаги маълумотлардан фойдаланиб диаграмма чизинг  
Д қишлоғида Пента З билан эмланганлар сони:**

Янв.	Н	Фев.	Н	Март	Н	Апр.	Н	Май	Н	Июнь	Н
20	20	18	38	21	59	22	81	25	106	23	129
Июл	Н	Авг	Н	Сен	Н	Окт	Н	Ноя	Н	Дек	Н
0	129	30	159	28	187	22	209	30	239	26	265


Н: ўсиб борувчи йиғинди

## 7-МОДУЛЬ

Қуида йиғиндилар мониторинги графигидан фойдаланишга мисол келтирилген:



«ХАР БИР ХУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА  
ИММУНИЗАЦИЯ ХИЗМАТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МЎЖАЗ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ (RED)



### 1.8 Жамоа билан ишлаш ва вакцинация олмаган шахсларни аниқлаш

**Аҳамиятли ҳолат.** Сиз жамоа талабини қондиришини таъминлай оласизми? Жамоа билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаш хизмат сифатини такомиллаштиришининг энг яхши усуllibаридан биридир

#### Баҳрамандлик ва утилизация аксарият ҳолларда маҳаллий жамоа билан ўзаро муносабатга боғлиқ бўлади.

5-қадамда Сиз маҳаллий жамоа билан алоқа ўрнатишда мавжуд бўладиган муаммоларни ва уларнинг ечимларини аниқладингиз. 8-қадамда Сиз жамоа иштирокини таъминлаш, ДПМ хизматидан жамоа аъзолари қай даражада муваффақиятли фойдаланишлари мумкинлигини аниқлаш, эмлаш сериялари якунига етказилиши зарур бўлган вакцинацияни олмаган шахсларни аниқлаш учун мунтазам равишда маҳаллий жамоага ташриф буориб турасиз. Қуйида жамоа билан ўтказилиши зарур бўлган ҳатти-ҳаракатларнинг қисқача рўйхати келтирилган.

1. Қуйидаги мақсадларда жамоа раҳбарлари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб туринг:
  - Иммунизация ҳақида аҳборот тақдим этиш ва уни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериш
  - Чақалоқларни ва туғруққача парваришга муҳтоҷ ҳомиладор аёлларни ёзиб бориш
  - Ота-оналарни ўз фарзандларини эмлатиш учун қабулга ташриф этишлари борасида мотивациялаш
  - Қабулни ўтказиш чоғида кўнгиллilarдан ёрдам олиш
  - Вакцинацияни олмаган шахсларни ва эмлаш якунига етказилмаган болаларни ахтариш, аниқлаш учун ёрдам сўраб мурожаат қилиш.
2. Хизмат сифати ҳақида жамоа аъзоларининг фикрини тўпланг:  
Бу мақсадда паст даражада қамраб олишнинг ва вакцинация ўтказилмасдан қолиб кетишган болаларда, бу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш имконини берадиган оддий саволномадан фойдаланиш мумкин.
3. Вакцинация ўтказилмасдан қолиб кетган шахсларни аниқлаш учун тизимдан фойдаланинг. Вакцинация ўтказилмасдан қолиб кетган шахслар билан ишлашнинг ва мониторингнинг кўплаб шакллари мавжуд. Қуйида фойдаланиш ўнгай бўлган иккита ахтариш тизимининг иккита баёни келтирилган.

#### Иммунизацияни қайд этиб бориш журналидан фойдаланиш

Ҳар ойнинг охирида белгиланган муддатда вакцинанинг тегишли дозаларини олишмаган болаларни аниқлаш мақсадида ўтказилган иммунизацияни ҳисоб-китоб қилиб чиқинг. Масалан, бола февраль ойида АКДС-гепатит В1 дозасини олган бўлса, у март ойида тақвим бўйича олиши лозим бўлган АКДС-гепатит В2 дозасини олганни ёки йўқлигини текшириб чиқинг.

#### Эмлаш картаси — “Эслатиш” карточкаси

Ўз вақтида эмлашни олмаганларни аниқлашнинг яна бир усули эслатиб туриш учун маҳсус карточкалар тайёрлаш бўлиб, у боланинг эмлаш картасининг нусхаси ҳисобланади. Эслатиб турувчи ушбу ҳисоб карточкаларини, бола навбатдаги эмлашни олиши лозим бўлган ойларни кўрсатиб катақчаларга бўлиб чиқилган маҳсус кутиларга жойланади. Бола АКДС-гепатит В1 эмлашини январда олганидан кейин, карточканни кутичанинг февраль ойи кўрсатилган қисмiga, яъни навбатдаги АКДС-гепатит В2 дозасини олиши лозим бўлган ойга қўйинг, кейин ҳисоб карточкасидаги қайдни янгилаб АКДС-гепатит В3 дозасини олиши зарур бўлган муддатга, яъни кутичанинг март ойи кўрсатилган қисмiga қўйинг. Ҳар ойда кутичадаги карточкаларни текшириб боринг ва эмлашни ўз муддатида олиш учун ким келмаганинги аниқланг.

Ҳомиладор аёлларнинг ҳисобга олиниб қайд этилиши мавжудлигини ва СА/АДС-м иммунизацияси бўйича мақоми (статуси) туғруққача тиббий текширувлар картасига қайд этилишини таъминланг. Агар аёлга

дастлабки СА вакцинацияси аёллар маслаҳатхонасидан бошқа жойда қилинса, эслатувчи карточкани ҳар бир ҳомиладор аёлнинг иккинчи дозани (аёlda ушбу ҳомиладорликни биринчи ҳомиладорлик сифатида қабул қилиб) олишини кафолатлаш учун фойдаланиш мумкин.



### Вакцинацияни олмаган шахслар билан ишлаш

Қандай тизимдан фойдаланишингиздан қатъий назар, ҳар бир бола ўз вақтида ўзи олиши лозим бўлган эмлашни олган тақдирдагина, Сиз кўllaётган тизим самарали бўлади. Агар Сиз ҳар ойда эмлашни олмаган болаларни мунтазам равишда кузатиб борсангиз, бу Сизнинг улар билан ишлашингизни анчагина енгиллаштиради. Эмлашни олмаган шахслар билан ушбу ишни олиб боришингиз учун, Сиз бевосита оналар билан мулоқотда иш олиб боришингиз ва ёрдам учун жамоа аъзоларига мурожаат этишингиз зарур. Эслатиб турувчи эмлаш карточкалари ёрдамида эмлашни олмаган шахсларни кузатиб бориш тизими, фақат чақалоқ вакцинацияни ола бошлаган тақдирдагина самарали ишлай олишига эътибор қаратинг. Агар белгиланган эмлаш муддатлари ўтиб кетган бўлса, чақалоқнинг исми, шарифи жамоадаги кўнгиллилар ёрдамида аниқланиб, улар ранги эслатиб турувчи эмлаш карточкаларига қайд этилади ва кутининг тегишли ой кўрсатилган қисмiga қўйилади.

## 1.9 Ресурсларни бошқариш

**Аҳамиятли ҳолат.** Ҳар сафар материаллар янгидан қабул қилингач ёки тарқатилгач, заҳиралар миқдори қайта ҳисоблаб чиқилиши ва қайд этилиши зарур

Заҳираларни бошқариш усули жуда оддий. Ҳисоб-китоб журналидан ёки сақлашнинг қайд этиш карточкасидан фойдаланиш мумкин. Сиз барча вакциналар бўйича маълумотларни ва хавфсиз инъекция учун материалларни, ускуналарни ҳисобга олиш қайдларига киритишингиз зарур. Ҳамиша вакцинанинг ҳолатини текширинг: ФТИ ва яроқлилик муддатини. Ҳисоб баланси даврий равишида, муайян вақтлар оралиғида текшириб турилиши ва тасдиqlаниши даркор.


### 1-усул: Йиллик заҳираларни бошқариш учун оддий ҳисобга олиш журналидан (китобидан) фойдаланиш.

- Ҳисобга олиш журналини фойдаланиладиган ҳар бир вакцина (ёки материаллар ва ускуналар) типи бўйича алоҳида қисмларга ажратинг.
- Ҳар бир вакцина (ёки материаллар ва ускуналар) типи бўйича белгилар тайёрлаб, тегишли саҳифанинг

четига еимланг. Ҳар бир ҳисобга олиш журналининг дастлабки саҳифаси (титул) ҳар бир вакцина, бир марталик шприцлар ва бошқа ишлатиладиган материаллар ва ускуналар ҳақидаги батафсил маълумотларни қайд этиш учун фойдаланилади.

- Фойдаланиладиган материалларнинг ҳар бири ҳақидаги яроқлилик муддати, келтирилаётган партия рақами, ФТИ кўрсатгичи, миқдори ва бошқа шу каби барча маълумотлар қайд этилиши лозим. Бошқа материаллар миқдори ҳақидаги маълумотлар ҳам айнан шу тартибда қайд этилиши лозим.
- Захиралар баланси ҳар сағар материаллар янгидан қабул қилингач ёки тарқатилгач, қайта ҳисоблаб чиқилиши ва қайд этилиши зарур. Бунинг учун қолдиқ қайтадан санаб чиқилиши ва муайян вақтлар оралиғида (масалан, чоракда бир маротаба) қайта текшириб турилиши шарт.

### Материалларни сақлаш ва тарқатиш учун оддий ҳисобга олиш журнали



### 2-усул: Ҳисобга олиш карточкаларидан фойдаланиш.

- Қути олиб (маъқули мустаҳкам материалдан, алюминийдан ёки пластикдан, лекин вақтинча картондан ишланган қутидан ҳам фойдаланиш мумкин), уни ҳар бир вакцина (ёки бошқа фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар) типи бўйича бир нечта ҳисобга олиш карточкаларини жойлаш мумкин бўлган алоҳида секцияларга ажратинг.
- Ҳар бир вакцина (ёки бошқа фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар) типи бўйича карточкаларни тайёрланг ва устунларни белгиланг. Ҳар бир вакцина типи ёки бир марталик шприцлар тури бўйича маълумотларни қайд этиш учун алоҳида карточкалардан фойдаланилади (шунингдек, турли ҳажмдаги ва дозадаги флаконлар, эритувчилар ва бошқа материаллар ва ускуналар бўйича маълумотларни қайд этиш учун ҳам алоҳида карточкалардан фойдаланилади).
- Қутидаги ҳар бир қисм орасига бўлувчи тўсиқ қўйинг (вакцина ва/ёки материаллар, ускуналар типи бўйича), тўсиқлар ҳисоб карточкаларига қараганда каттароқ ўлчамда бўлиб, унда қутининг айнан шу қисмига жойланган вакцина ёки бошқа материалнинг номи кўрсатилади. Фойдаланиладиган ҳар бир материаллар типи бўйича яроқлилик муддати, келтирилаётган партия рақами, ФТИ кўрсатгичи, миқдори ва бошқа шу каби барча маълумотлар қайд этилиши лозим.
- Захиралар баланси ҳар сағар материаллар янгидан қабул қилингач ёки тарқатилгач, қайта ҳисоблаб чиқилиши ва қайд этилиши зарур. Бунинг учун қолдиқ қайтадан санаб чиқилиши ва муайян вақтлар оралиғида (масалан, чоракда бир маротаба) қайта текшириб турилиши шарт.

## 1.10 Самарали ойлик ҳисобот қандай тайёрланади

**Аҳамиятли ҳолат.** *Ойлик ҳисобот уни тайёрловчи учун ҳам (ДПМ), уни қабул қилиб олувчи (соғлиқни сақлаш тизимининг туман раҳбари) учун ҳам фойдали бўлиши зарур*

ДПМ ойлик ҳисоботдан туман раҳбариятига ечилмаган муаммоларни эслатиш учун ва раҳбарлик назорат ташрифларини амалга оширишлари учун фойдаланиши лозим. Ўтказиб юборилган қабуллар жиддий муаммо бўлиб, ДПМ томонидан ҳам, туман раҳбарияти томонидан ҳам алоҳида эътибор талаб қиласди.

Ҳар бир ДПМ соғлиқни сақлаш тизимининг ўзидан юқори босқичда турувчи бўғинига ойлик ҳисобот тақдим этишга мажбурдир. Биз ушбу қадамда Сизга қатор муҳим маълумотларни кўшган ҳолда ойлик ҳисоботни янада самарали тайёрлашнинг бир неча вариантини тавсия этамиз.

- a. Одатда ҳисобот учун талаб қилинадиган барча маълумотларни — қамраб олишни, касалликлар ва таъминот устидан эпидемиологик назоратни, заҳиралар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ва бошқа ахборотларни ўз ичига олувчи ойлик ҳисобот шаклини тўлғазинг.
- b. Раҳбарлик назорат ташрифлари: охирги ташриф санасини кўрсатинг.
- c. Амалга оширилган қабуллар ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текширинг. Қабул режасига эътибор қаратинг ва режалаштирилган қабуллардан қайсиadir бири — ДПМ да ёки жойларга чиқиша қолдириб юборилганми ёки йўқлигини кўрсатинг. Ҳар бир қолдириб юборилган қабул учун сабабини ва қайта қабул қилишни ўтказиш режасини кўрсатинг.
- d. Муаммони ҳал этиш:
  - i. Муаммолар ва улар ечимининг охирги рўйхатига мурожаат қилинг (5-жадвал)
  1. Ўтган галги ҳисобот тайёрланганидан кейин бартараф этилган исталган муаммони кўрсатинг.
  2. ДПМ нинг ўз кучи ёки туман раҳбарияти ёрдамида ҳал этилиши лозим бўлган аҳамиятга молик исталган муаммони кўрсатинг.



## 1-ИЛОВА: ВАКЦИНАЦИЯНИ ЯКУНИГА ЕТКАЗМАСЛИКНИНГ ВА ҚАМРАБ ОЛИШ ДАРАЖАСИ ПАСТЛИГИНИНГ САБАЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ БҮЙИЧА САВОЛНОМА

Ушбу саволнома ДПМ дан узоқ бўлмаган масофада жойлашган манзилгоҳларда иммунизация бўйича хизмат кўрсатиш мақоми ҳақиқидаги тескари алоқа маълумотларини олишда Сизга ёрдам кўрсатади. У вакцинациянинг тўлиқ курсини ҳали олиб улгурмаган чақалоқларнинг сонини; њеч қаҷон эмланмаган кишилар сонини; нега чақалоқлар ва бошқа шахслар умуман эмлаш олишмаганликларини ёки эмлашнинг тўлиқ курсини олмаганини; вакцинация бўйича хизмат сифатини қандай яхшилаш мумкинлиги борасида оналарнинг фикри қандайлигини билишда ёрдам беради. Бунинг учун кўп вақт талаб қилинмайди. Сўровни бир кун мобайнида ўтказиш мумкин. Ушбу сўровнома болалар ҳақида ғамхўрлик қилувчилар билан ушбу масалаларни тўғридан-тўғри муҳокама этиш ва қандай қилиб хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мумкинлигини ва ушбу имкониятдан шу чоққача нега фойдаланилмаётганлигини аниқлашда ёрдам беради.

Бундай тадқиқот натижалари фақатгина сўровномада иштирок этган хонадон аҳли учун репрезентатив ҳисобланади. У мунтазам ҳисбот жараёнининг ўрнини боса олмайди, фақатгина уни тўлғаза олади.

Вазифа камида умуман эмлаш олишмаган ёки эмлашнинг тўлиқ курсини олишмаган 5 нафар 2 ёшгача болаларни текширишдан изборат.

### Қуйида сўровни ўтказиш учун қадамлар келтирилган:

Интервююни ўтказиш ва маълумотларни тўглаш учун кейинги саҳифада келтирилган ҳисоб варақлари ва саволномалардан фойдаланинг. Зарурият туғилганида саволнома Сизнинг мақсадларингизга жавоб берадиган тарзда ўзгартирилиши мумкин.

### Маълумотларни тўплаш

- Умуман эмлаш олишмаган ёки эмлашнинг навбатдаги дозасини олиш учун кечикишган («қисман вакцинация олишганлар») камида 5 нафар 2 ёшгача болаларни аниқлагунингизга қадар ДПМ га энг яқин масофада жойлашган хонадонларга ташриф буюринг. Хонадонларни тасодифийлик тамойилига асосланниб танлашнинг зарурияти йўқ. Уларни бирин-кетин айланиб чиқиш мумкин. 2 ёшгача болалар истиқомат қилишадиган ҳар бир хонадонда уларнинг эмлаш сертификатларини кўрсатишларини сўранг. Агар бола эмлашнинг тўлиқ курсини олмаган бўлса, албатта ҳар бир онадан бундай ҳолатнинг сабабини сўраш ва ойдинлаштириш зарур. Олинган маълумотни ҳисоб варофининг С қисмiga киритинг. Шунингдек, ҳар бир онадан соғлиқни сақлаш хизмати фаолиятини яхшилаш борасидаги ўз таклифларини билдиришини сўраш ва ушбу маълумотни D қисмга қайд этиш зарур.
- Ўзингиз ташриф буюрган хонадонлар сонини (A қисмдан аҳборот) ва у ёки бу иммунизация мақомидаги болалар ва оналар сонини (B қисмдан аҳборот) кўшиб чиқинг. Натижаларни тегишли графаларга қўйиб чиқинг.

### Маълумотларнинг таҳлили

- Нега болалар умуман эмлаш олишмаганликларини ёки қисман вакцинация олишганликларини аниқланг.
- Сабабларнинг (С қисм) ва ишни яхшилаш бўйича таклифларнинг рўйхатини тузинг (D қисм).

## 7-МОДУЛЬ

е) Ўз командангиз билан мавжуд ресурсларни ва қўшимча ресурсларни инобатга олган ҳолда муаммони ҳал этиш имкониятларини муҳокама қилинг («Муаммоларнинг сабабларини аниқлаш» 4-бўлимга қаранг). Буни қайси қадамларга киритиш мумкин?

### Хонадонларни текшириш бўйича ҳисобга олиш варағи ва савоннома

2 ёшдан кичик (0–23 ойлар) болалар. Эмлаш тақвимига мувофиқ эмлаш мақоми (статуси)

Жавоб	Ҳисобга олиш белгилари учун		Жами	
<b>A.</b> Ташриф буюрилган хонадонлар сонини ҳисобланг				
<b>B.</b> Иммунизация мақоми	Ҳисобга олинган болалар (с)	Ҳисобга олинган оналар (м)	(с)	(м)
Вакцинация қилинмаган	Вакцинал			
Қисман вакцинация қилинган	Юқори			
Адекват ёки тўлиқ вакцинация қилинган				
<b>C. Боланинг ФИО</b>	Бола тўлиқ эмлаш курсини олмаганлигининг сабаблари		Онанинг ФИО	
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
<b>D. Яхшилаш бўйича таклифлар</b>				
1.				
2.				
3.				

## 2-ИЛОВА: ИШЧИ МИСОЛЛАР

### Ишчи мисол 1-жадвал: Мълумотларниг таҳтили

Вилойтони обигати	Полугодия ҳажидати, ўтган 12 ой ишобийнда иммунизация дастури билан қамраబ ошиш ҳажидати азборотларни ташаббуси	Мълумотларниг таҳтили						Устурур виёлиг					
		Македданинга полугодийнча маддукотлар	Каримитган вакцина додаши	Иммунизация дастури билан қамраబ ошиш			Мълумотларниг тоғфаси						
<1 ёш	AγДС-ГенВ1	AγДС-ГенВ3	Қозамик	CA2+	АДС 3-ГенВ3	Қозамик	АДС-ГенВ3	АДС-ГенВ1 – Қаззамик	Бархамандлик	Фойдаланыша	Category 1,2,3,4	Priority 1,2,3, 4,5	
текст	#	#	#	#	#	%	#	%	#	%	текст	#	
а	b	c	d	e	f	g	h	i	j	l	т	t	
A	50	36	32	30	27	72%	64%	60%	54%	18	20	11%	17%
B	43	29	27	28	29	67%	63%	65%	67%	16	15	7%	3%
C	80	60	56	55	43	75%	70%	69%	54%	24	25	7%	8%
D	312	280	265	259	162	87.3	84.9	83	52	47	53	5.3	3.9

### Ишчи мисол 2-жадвал: Қабуллар режаси

Тұданғар рұйқати (устурурниң бірінші)	Мълумотларниг тоғфаси: 1, 2, 3, 4 (1-жадвалға караған)	Етиб бориши мұражаб (Халық)	Үттан өткіш Нече маддегеба ташріф бүректеган әд?	Бархамандникін ва қамраబ ошишни яқшаплаш үчүн ДПМ алған ошириши мүмкін бўлған сабаблар	Тұдан өткіш бояшқа көрсік қўйлаб- куватлашига зарурят мавзуда бўлған табобирлар	Иммунозаңыра норияда қўйлаб- бўйшимида хамзатлар кўрсанмайши мўмкін
A	B	C	D	E	F	G
C	3	Ийк	9			
A	4	Ҳа	6			
B	3	Ҳа	5	Йил давомида		
D	1	Ийк				

## 7-МОДУЛЬ

### Ишчи мисол 3-жадвал: Қабуллар режаси

Күшлөк/плата	Умумий ахоли сони	Ахолининг мақсадли түрү	Қабул типи	Бир йилдаги инъекциялар сони	Бир ойдаги инъекциялар сони	Бир ойда күтилаётган қабуллар сони	Бир ойда амалда режалаштирилган қабуллар сони	Болалар яшовчанлитигини оширишига қараштаптак башка тадбирлар режалаштирилганими?	Етиб бориш мураккаб бўлган манзилгоҳ/ахоли
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
A	2146	50	Жойларга чиқиб	350	29	0.72	(1) ҳар ойда 1 маротаба		ҲА
B	1845	43	Жойларга чиқиб	301	26	0.65	(1) ҳар ойда 1 маротаба		ҲА
C	3433	80	Жойларга чиқиб	560	47	1.17	(1) ҳар ойда 1 маротаба		
D	13391	312	ДПМ да	2184	182	2.27	(4) ҳар ҳафтада 1 маротаба		

### Ишчи мисол 4-жадвал: Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегиясини қўллаб муаммоларни ҳал этиш

RED компонент	Муаммоларга мисоллар	Ресурслар чекланганида муаммоларни ҳал этишига мисоллар	Ресурслар ва тумандан ёрдам талаб этиладиган муаммоларни ҳал этишига мисоллар
Аутрич-хизматни қайта яратиш/йўлга қўйиш	Дастурнинг айрим режалаштирилган сессиялари жойларга чиқиб ўтказилмагати. Жойларга чиқиб қабул қилиш пайтида ташриф буоришининг паст даражаси.	Режа бажарилишининг мониторингини олиб боринг ва агар биронта қабул амалга оширилмаган бўлса, сабабини аниқланг ва бу ҳақида тегиши мутасадиларни хабардор қилинг. Жамоани қабул типи ва санасини режалаштириш жараёнига жалб этинг. Қабуллар ҳақида олдиндан боҳабар қилинг.	Кўшимча транспорт зарур
Қўллаб-куватлаш мақсадидаги назорат	ДПМ назорати мунтазам олиб борилмайди.	Навбатдаги ойлик ҳисоботда мунтазам назорат ташрифлари амалга оширилиши, ҳамда назорат ташрифларини ўтказиш жадвалининг нусхасини сўранг.	Тўман босқичида тумандаги назорат ташрифлари режасини янгилаш, ҳамда ташрифларнинг жадвалини жўйнатиш зарур.
Жамоанинг х измат кўрсатувчилар билан алоқаси	Маҳаллий жамоя янги түгилган чақалоқларни ва эмланмасдан колиб кетганларни аниқлашда ва кузатиб бориша иштирок этмайди.	Жамоа вакиллари орасидан вакцинация учун қабуллар пайтида қўмаклашувчи, ҳамда вакцинация олмасдан колиб кетганларни кузатиб борища ва янги түгилган чақалоқлар ҳақида ҳисоботлар тайёрлашда ёрдам бериши мумкин бўлган кишиларни танланг.	
Мониторинг ва маълумотлардан ҳатти-ҳаракат учун фойдаланиш	ДПМ мониторинг учун харитадан фойдаланмайди	ДПМ да мониторингнинг қоғоз харитасини тайёрланг.	Мониторингнинг компьютердан чиқарилган/босма харитасини тайёрланг ва барча ДПМ ларга тарқатинг
Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш	Охириги чорақда омборда АС вакцинаси йўқ	ДПМ да муфассал омборхона ҳисоб-китобини йўлга кўйинг. Ойлик ҳисоботда вакциналар ва ускуналар миқдори ҳақида ахборот беринг, ҳамда заҳира даражаси паст бўлган керакли материалларга буюрта беринг.	Ойлик ҳисоботлар ва назорат ташрифлари маълумотлари асосида ДПМ омборхонасидағи заҳира даражасини мониторинг қилиб боринг. ДПМ ҳисоботидан олинган маълумотлар бўйича зарур ҳатти-ҳаракатларни кўринг.

### 3-ИЛОВА: ЕТИБ БОРИШ ҚИЙИН ҲУДУДЛАРГА/АҲОЛИГА ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИ ДПМ ЛАР УЧУН МАХСУС КҮРСАТМАЛАР

Умумий муаммолар

- Аҳоли ҳақидаги маълумотлар ноаниқ (бу айниқса муқим яшамайдиган, яшаш манзилини ўзгартириб турувчи аҳолининг муайян қатламларига тааллукли)
- Ҳариталар замонавий эмас ва унда янгидан барпо этилган аҳоли турар жойлари, ҳамда айрим чекка манзилгоҳлар акс этирилмаган
- Айрим жамоалар ДПМ хизматидан унчалик хушламасдан фойдаланишади

Етиб бориш қиийин ҳудудларга/аҳолига иммунизация хизматини тақдим этишниң тақлиф етилаётган  
ечимлари

#### 1. *Етиб бориш қиийин ҳудудларнинг харитасини тайёрланғ*

- ДПМ нинг маҳсус ҳаритасида қишлоқлар ёки шаҳарлардаги етиб бориш қиийин манзилгоҳларни қизил ранг билан белгиланг.

#### 2. *Етиб бориш қиийин ҳудудларнинг аҳолисига баҳо беринг*

- 5 ёшгача бўлган аҳоли тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун полиомиелит ёки қизамиққа қарши амалга оширилган аввалги вакцинация компаниясининг натижалари билан танишиб чиқинг.
- Етиб бориш қиийин ҳудудларнинг аҳолиси билан учрашинг ва аҳоли сонини аниқ билиш учун манзилгоҳдаги хонадонлар сонини ҳисобга олишда улардан ёрдам сўранг.
- Агар аҳолининг мобиллик даражаси жуда юқори бўлса аҳоли сонини аниқ билиш учун манзилгоҳ аҳли билан мунтазам учрашиб туринг.

#### 3. *Иммунизация дастуридан баҳрамандликни яхшилашнинг режаси тузинг*

- Иммунизация дастуридан баҳрамандликни яхшилаш ва фойдаланиш учун қанақа ўзгартиришлар зарурлигини ҳал этинг:
- ДПМ да катта миқдордаги қабулларни амалга оширишга зарурият борми?
- Жойларга чиқиб катта миқдордаги қабулларни амалга оширишга зарурият борми?
- Иммунизация ўтказиш вақти ва частотасини, ҳамда аутрич-сайтлар жойини мухокама этиш учун жамоа билан учрашинг.
- Иложи борича дастурда иштирок этишлари, ҳамкорлик қилишлари учун маҳаллий НТ ларни тақлиф этинг.
- Жамоа ишончини қозониш учун хизматлар мунтазам равишда тақдим этилиши зарур.

#### 4. *Қабулга қўшиш учун яна қанақа тадбирлар зарурлигини ҳал этинг*

- Агар имконияти бўлса, етиб бориш мураккаб бўлган аҳолининг қабулини ўтказишга қўшимча, масалан, кроватга ёпиладиган чивинга қарши пашшахоналарни, антигельминт препаратларни, озиқ-овқатга қўшимчаларни тарқатиш каби яна қанақадир тадбирлар киритиш зарурлигини ўйлаб кўринг.

#### 5. *Мониторинг олиб боринг ва кейинги ҳатти-ҳаракатларга киришин*

- Бутун жамоа қамраб олинганми ёки йўқлигини аниқлаш учун ой мобайнида олинган натижаларни қўриб чиқинг
- Жамоа билан иммунизация дастури натижаларини мухокама этиш ва ҳали вакцинация қилинмаганларни уни қабул қилишга ундаш учун мунтазам мулоқотда бўлинг.

#### 6. *Ҳисоботлар тузинг*

- Туман босқичига тақдим этиладиган ойлик ҳисоботга шаҳардаги етиб бориш мураккаб бўлган аҳоли қатлами қай даражада қамраб олинганлиги ҳақидаги ахборотни киритинг ва зарурият мавжуд бўлса қўшимча ресурслар сўранг.

### 2 ТУМАН БОСҚИЧИ УЧУН МҮЖАЗАР РЕЖА ТУЗИШ

- 1-қадам. Ишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш учун туман миқёсидаги маълумотларни таҳлил этиш
- 2-қадам. Барча ДПМ ларни ва сафардаги эмлаш билан қамраб олиш нуқталарини (аутрич-сайтларни) акс этириш учун хариталар тайёрлаш
- 3-қадам. Туманнинг ишчи режасини тайёрлаш
- 4-қадам. Ресурсларга бўлган талабни баҳолаш
- 5-қадам. Мунтазам мониторингни ва эришилган муваффақиятларни кузатиб боришни/изоҳланишини амалга ошириш
- 6-қадам. Келгусидаги тадбирларни эришилган муваффақиятлар кузатуви/талқини асосида ўтказиш

#### **Туман босқичида мүжаза режани ишлаб чиқиш учун зарур бўладиган қадамларнинг қисқача баёни**

**Аҳамиятли ҳолат.** «Қўйидан юқорига» ёндошувини кўлланг: ДПМ ларнинг хизмат кўрсатиш бўйича мүжаза режаларини жамлаб туман босқичи учун режа ишлаб чиқинг

- Туман босқичи учун мүжаза режани ишлаб чиқиша «қўйидан юқорига» ёндошуви
  - ДПМ га ўз мүжаза режасини тузишда ёрдам беринг
  - ДПМ ларнинг хизмат кўрсатиш бўйича барча ишчи режаларини тўпланг ва туман босқичи учун режа ишлаб чиқиша фойдаланинг
    - Туман тадбирларини, жумладан ДПМ ларни қўллаб-куватлаш бўйича тадбирларни режага киритинг
    - Бюджетни қўшинг: барча тадбирлар учун ресурслар
    - Мониторингни ва кейинги тадбирларни режалаштиринг
- 2-қисмда Биз «қўйидан юқорига» ёндошувидан фойдаланамиз: Туман босқичи учун мүжаза режа барча ДПМ ларнинг хизмат кўрсатиш бўйича мүжаза режаларини жамлаш, кейин эса туман босқичида амалга ошириладиган тадбирларни кўшиби чиқиш йўли билан тайёрланади. Бундан ташқари туман босқичида ресурслар мавжудлигини таъминлаш зарур.

Демак, туман босқичи учун мүжаза режа тузишда бажарилиши талаб этиладиган қадамлар, тумандаги барча ДПМ ларнинг ўз мүжаза режаларини тузиб бўлганликларини кўзда тутади.

#### **Туман босқичида мүжаза режани ишлаб чиқиш учун зарур бўладиган 6 та қадам**

Эътибор беринг, туман босқичидаги таҳлилнинг асосий қадамлари ва харитани яратиш ДПМ доирасида амалга ошириладиган қадамларга жуда ўхшаш, бироқ туманда буларга қўшимча тарзда ресурсларга бўлган талабни баҳолаш, ҳамда мониторингни амалга ошириш, назорат олиб бориш ва мунтазам равишда ҳатти-ҳаракатларни бажариш зарур.

1. Ишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш учун туман миқёсидаги маълумотларни таҳлил этиш
2. Барча ДПМ ларни ва аутрич-сайтларни акс этириш учун хариталар тайёрлаш
3. Туманнинг ишчи режасини тайёрлаш
4. Ресурсларга бўлган талабни баҳолаш
5. Мунтазам мониторингни ва эришилган муваффақиятларни кузатиб боришни амалга ошириш

- Ҳисоботларни муҳокама қилиш ва омбордаги заҳиралар ва бошқа ресурслар етарлилигини кафолатлаш учун ҳар ойда йигилишлар ўюнтириш
- Эришилган мұваффақиятларни ҳар чорақда муҳокама этиш – мақсадга эришилғанлиги-йўқлигини ёки унинг бажарилиши юзасидан қандайdir ўзгартиришлар амалга оширилиши заруригини аниқлаш учун тадбирларни шарҳлаш
- Эришилган натижалар бўйича тескари алоқани таъминлаш
- 6. Келгусидаги тадбирларни эришилган мұваффақиятлар кузатуви асосида ўтказиш
- Ҳисоботларнинг чукур таҳрили ёрдамида маълумотларнинг сифатини кафолатлаш
- Камчилликлар асосида ётвучи муаммоларни аниқлаш ва ечимини таклиф этиш
- Зарурият бўлса ёрдам кўрсатиш учун назорат ташрифларини режалаштириш.

## 1 Ишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш учун туман миқёсидаги маълумотларни таҳлил этиш

**Аҳамиятли ҳолат.** Ўз туманингизнинг устувор жиҳатларини биласизми? туман бўйича маълумотларни таҳлил этиш Сизга устувор жиҳатларни аниқлаш имконини беради

Ишчи режани тайёрлаш жараёнида биринчи қадам сифатида туман ДПМ лари томонидан сўнгги 12 ой мобайнида тақдим этилган ҳисоботлардаги маълумотларни таҳлил этиб чиқиш зарур. Бу жараён ДПМ бўйича қўлланмада ёритилган, бироқ туман босқичида баҳрамандлик ва ҳар бир ДПМ нинг фойдалана олиши муаммоларини аниқлаш, ҳамда вакцинация ўтказилғанлар сонини ҳисоблаш ва вакцинация олган болалар сонига қараб устувор ДПМ лар рўйхатини тузиш тақозо этилади (1-жадвал, 1-қисм).

Туман миқёсидаги маълумотларни 1-жадвалдан фойдаланиб таҳлил этиш зарур. Таҳлил усули худди ДПМ босқичидагида бўлади, бироқ 1-устундаги барча ДПМ лар рўйхатидан бошланади. Жадвал турли антигенлар учун ва якунигача эмланмаган болаларга нисбатан қўлланиладиган тадбирлар тизими учун мослаштирилиши мумкин. Маълумотларнинг ҳар бир ДПМ да фойдаланиладиган маълумотларга мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилинг. Охирги устунда ДПМ лар рўйхати бўлиб, энг биринчи ўринни хизмат кўрсатиш ҳудудида вакцинацияни олишмаган болалар сони энг кўп аниқланган ДПМ эгаллайди.

## 2 Барча ДПМ ларни ва сафардаги эмлаш билан қамраб олиш нуқталарини (аутрич-сайтларни) акс эттириш учун хариталар тайёрлаш

**Аҳамиятли ҳолат.** Харитага барча ДПМ лар тўғри туширилганми? Харитада барча манзилгоҳлар ва жамоалар акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилинг

### Туман харитасида акс этиши зарур:

- Туманинг бутун ҳудуди.
- Ҳар бир ДПМ ва унга мансуб ҳудуд.
- Йўллар, шаҳарлар, қишлоқлар, ҳамда бошқа рельеф ва мўлжалларга (ориентирларга) доир тафсилотлар.
- Агар имконияти бўлса устувор манзилгоҳларни белгилаш учун 1-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланинг.

**1-погона:** Ўз туманингизнинг оддий харитасини чизинг. **Масштаб муҳим эмас, лекин унда туман рельефининг бутун муҳим тафсилотлари туширилиши лозим.** Харитага қўйидаги аҳборотларни туширинг:

ҳар бир қишлоқни, шаҳарни ва ДПМ ни;  
 ҳар бир қишлоқдаги ва шаҳардаги умумий аҳоли сонини ва мақсадли аҳоли сонини\*;  
 маълум бўлган барча юқори хавфли жиҳатларни ёки устувор жиҳатларни;  
 йўлларни;  
 географик мўлжалларни (дарёлар, ирмоқлар, тоғлар).

**2-погона: Харитадан ва ҳар бир ДПМ қабул жадвалидан фойдаланиб Сиз хизмат кўрсатаётган тумандаги ҳар бир қишлоқ/шаҳарга хос бўлган қабул типини (ДПМ да, жойларга чиқиб, сайёр) кўрсатинг.**

Ҳарфли қисқартмалардан — F (ДПМ да), O (жойларга чиқиб) ва M (сайёр) фойдаланиб, ҳар бир қишлоқда ёки шаҳарда қабулнинг қандай типи амалга оширилишини харитага туширинг. Жойларга чиқиб ва сайёр типдаги қабуллар учун ушбу ҳудудларга бориш, элтиш (транспортировка) қандай тартибда амалга оширилишини стрелкалар ёрдамида кўрсатинг. 2-расмда ушбу модул учун 2 босқичда тайёрланган туман харитасининг намунаси келтирилган. Реал ҳаётда Сизга барча маълумотлар (аҳоли, рельеф хусусиятлари ва қабул типи) акс эттирилган битта харита даркор бўлади. Бироқ шаҳардаги манзилгоҳлар учун ДПМ лар жойлашуви ва аҳоли тақсимланиши акс эттирилган харита тайёрланиши мантиқан тўғри бўлади.

**2-расм. Барча ДПМ лар, қишлоқлар/шаҳарлар, умумий аҳоли, мақсадли аҳоли ва қабул типи акс эттирилган туман харитасининг намунаси**



Ушбу намуна 2 босқичда тайёрланган. Биринчи харитада аҳоли сони ва рельефнинг асосий хусусиятлари, иккинчи харитада эса ахолининг барча мақсадли гурухларига вакцинация ўтказиш учун кўлланиладиган қабул типи кўрсатилган. Реал ҳаётда барча маълумотлар битта харитада акс эттирилиши даркор.

\* Ушбу мисолдаги мақсадли аҳоли сонини ҳисоблаш учун умумий аҳоли сонидан 4% ини оддик, лекин турли ҳолатларда ушбу фоизлар нисбати турлича бўлиши, яъни тофовут қилиши мумкин. Агар Сизда аҳоли сони ҳақидаги маълумотлар бўлмаса, аввал ўтказилган Миллий эмлаш кунлари ҳисоботларидан ушбу маълумотларни олишига уриниб кўшиш лозим. Уларда одатда ҳар бир қишлоқдаги (аҳоли пунктидаги) эмлашнинг ҳар бир серияси чоғида қамраб олинган 5 ёшгача бўлган болалар сони кўрсатилади. Агар умумий сонин 5 га бўлсан чақалоқларнинг таҳминий сони, яъни мақсадли ғурӯхнинг сони келиб чиқади.

### 3 Туманнинг ишчи режасини тайёрлаш

**Аҳамиятли ҳолат.** Туманнинг режасида ДПМ да ва туман босқичида амалга ошириладиган қабуллар, ҳамда туман босқичида ўтказиладиган бошқа тадбирларни кўрсатиш зарур

#### Туманнинг режаси икки қисмдан иборат бўлиши даркор:

Воқеалар тақвими, унга тумандаги ДПМ лар томонидан ўтказиладиган барча қабуллар киритилади. У назорат ташрифларини ўтказиш, туман бўйича вакциналар ва ускуналарни етказиб бериш жадвалларини тузиша ёрдам беради.

Тумандаги тадбирлар режаси, унда туман босқичи жавобгар бўлган барча тадбирлар рўйхати келтирилган.

#### 3.1 Туманнинг воқеалар тақвимини тайёрланг (7-жадвал)

##### 3.1.1 Барча ДПМ лар ишчи режасидан олинган ахборотни умумлаштиринг ва тақвим кўринишида тақдим этинг

Тақвимда тумандаги ҳар бир ДПМ да амалга ошириладиган қабулларни кўрсатинг (мисол тариқасида 7-жадвалга қаранг).

Гистограммани тайёрлаш ва талқин этиш ўнғай. У бир неча тумандаги оддий сонларни, кўрсаткичларни ёки фоизларни акс этириш учун, ёки қатор турли кўрсаткичлардан иборат бўлган мажмуавий (комплекс) таҳлилни амалга ошириш учун қўлланилиши мумкин. Иложи борича гистограммада таҳлил этилаётган давр (шу жумладан йил) ҳақидаги маълумотни киритиш зарур.

##### 3.1.2 Қандай қабуллар учун туман босқичининг қўллаб-қувватлаши талаб қилинишини аниқланг

Барча ДПМ ларнинг ишчи режаларини қўздан кечиринг ва қандай қабуллар учун туман босқичининг қўллаб-қувватлаши талаб қилинишини аниқланг. Воқеалар тақвимида ушбу қабулларни бошқача тусда белгилаш мумкин. Иложи борича кўпроқ, жумладан қўллаб-қувватлаш талаб қилинадиган ДПМ номини, қўллаб-қувватлаш типини кўрсатиб ахборотни тақдим этинг.

##### 3.1.3 Аниқланган устуворликларга мувофиқ назорат ташрифларини қўшинг

Воқеалар тақвимида назорат ташрифларини кўрсатинг. Агар мумкин бўлса, ташриф кунини айнан қабул ўтказиладиган кун билан бир кунга режалаштиринг. Устувор манзилгоҳлар учун етарлича миқдордаги ташрифлар режалаштирилганлигига ишонч ҳосил қилинг. 7-жадвалда назорат ташрифлари «S» ҳарфи билан белгиланган.

##### 3.1.4 Ҳар бир ДПМ га вакцина, хавфсиз инъекция учун ускуналар ва бошқа материаллар етказиб бериладиган санани белгиланг

Воқеалар тақвимида ойнинг қайси кунида ҳар бир ДПМ га вакцина, хавфсиз инъекция учун ускуналар ва бошқа материаллар етказиб берилишини белгиланг.

### 3.2 Туман босқичи учун тадбирлар режасини тузинг

#### 3.2.1 Кейинги чоракда туман босқичида ўтказилиши режалаштирилаётган барча тадбирларни кўрсатинг

Туман масъул бўлган тадбирлар:

- Туман томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган муаммолар ечимиға, етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудларга, муаммоли жиҳатларга қаратилган барча тадбирларни кўрсатинг. Барча ахборотлар ДПМ лар бўйича тақсимланиб, санани, ҳамда масъул шахсни кўрсатиб тақдим этилиши шарт.
- Бутун туман миқёсида ўтказилаётган барча тадбирларни — иммунизация бўйича қўшимча тадбирларни, учрашувларни, тренингларни ва бошқа шу кабиларни кўрсатинг.

(8) жадвални тўлғазинг,

- 1) Биринчи устунда барча ДПМ ларни санаб ўтинг,
- 2) Кейинги устунда ДПМ лар бўйича тақсимлаб туман босқичининг қўллаб-қувватлаши талаб этиладиган тадбирларни кўрсатинг:
  - Туман томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган етиб бориш мураккаб бўлган ҳудудлардаги муаммоларни ва бошқа муаммоли жиҳатларни ҳал этишга қаратилган тадбирлар (3-жадвал, ДПМ учун қўлланма)
  - Туман томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган RED муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар
- 3) «Ой» устунида ушбу тадбирлар ўтказиладиган санани кўрсатинг.
- 4) «Масъул шахс» устунида туман босқичида тадбирлар ўтказилишига ким жавобгар бўлишини кўрсатинг.
- 5) «Туман босқичидаги тадбирлар» устунида бутун туман миқёсида ўтказиладиган тадбирларни (ҳар ойдаги учрашувлар, тренинглар, иммунизация бўйича қўшимча тадбирлар, компаниялар ва бошқалар), ҳамда уларни ўтказиш саналарини кўрсатинг.
- 6) Бутун туман миқёсида ўтказиладиган тадбирларга ким масъул бўлишини кўрсатинг.

### 7-жадвал: Тадбирлар тақвимига мисол

Health Centre	Mon	Tues	Wed	Thur	Fri	Sat	Sun	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	
M																							
E																							
C																							
B																							
A																							
Field M	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
Field E																							
Field C																							
Field B																							
Field A																							

New addition in January based on data analysis | Supply - Return data including planned and actual | Status - Measured with community visits

JANUARY

Health Centre	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	
M																							
E																							
C																							
B																							
A																							
Field M	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
Field E																							
Field C																							
Field B																							
Field A																							

New addition in February based on data analysis | Supply - Return data including planned and actual | Status - Measured with community visits

FEBRUARY

Health Centre	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	Tue	Wed	Thu	Fri	Sat	Sun	Mon	
M																							
E																							
C																							
B																							
A																							
Field M	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
Field E																							
Field C																							
Field B																							
Field A																							

New addition in March based on data analysis | Supply - Return data including planned and actual | Status - Measured with community visits

MARCH

**8-жадвал:** Туман босқичидаги табилярнинг режаси

## 4 Ресурсларга бўлган талабни баҳолаш

**Аҳамиятли ҳолат.** Туман бюджети икки қисмга бўлинади:

- Барча қабулларни ўтказиш учун ҳаражатлар
- Жорий ҳаражатлар, жорий хизмат кўрсатиш бўйича ҳаражатлар, ўқитишга, ижтимоий сафарбарлик ва коммуникация, дастурларни бошқариш ва бошқа шу кабиларга ҳаражатлар

ДПМ ишчи режасида кўрсатилган талабларга, ҳамда туман босқичидаги бошқа талабларга асосланиб туман бюджетини тайёрлаш лозим. Қўйида келтирилган жадвалларда фақат мисоллар берилган. Ҳар бир ҳолатда бюджетни тузишнинг ўзига мос усули қўлланилиши мумкин.

- 9-жадвал:
- Жойларга чиқиб қабулни, ҳамда мунтазам тадбирларни ўтказишга бюджетни тайёрлаш бўйича намуна
- Жорий ҳаражатлар учун намуна ва бошқалар.
- 10-жадвал

Тушуниб этиш учун саволнома, туман бюджетига барча ҳаражатлар киритилганми. Туман тасарруфида бўлган маблағ барча тадбирларни ўтказиш учун етарлик бўлмаслиги мумкин. Табиийки, устувор, айниқса ҳали вакцинацияни олмаган шахсларга қаратилган тадбирларни аниқлаш зарур бўлади.

### Кўриб чиқиши учун саволлар

1. Ўтган йилги бюджетни қайтадан текшириб чиқинг, ҳамда аниқланг: молиявий ва бошқа талаб қилинган ресурслар етарлик бўлганми, ўз вақтида ажратилганми?
2. Туман босқичи ёки ундан ташқарида пул тушишида муаммолар юзага келганми? Агар ҳа бўлса, вазиятни қандай яхшилаш мумкин?
3. Ўтган йилга нисбатан қўшимча маблағ ажратилишини талаб қилувчи қандай қўшимча тадбирлар (масалан, жойларга чиқилганида катта миқдордаги қабул) киритилди?
4. Иммунизация дастурини амалга ошириш учун маҳаллий ресурсларни (масалан, маҳаллий ҳамкорлар жойлардаги қабулни ўтказиш учун транспорт ажратишлари мумкинми) сафарбар этиш мумкинми?
5. Айрим масалаларни янада самаралироқ бажариш ва ресурсларни тежаш мумкин эмасми (масалан, вакциналарни етказиб беришни ташрифлар ёки тренинглар билан биргалиқда амалга ошириш)?
6. Вилоят ёки давлат миқёсида ҳал этиладиган қўшимча маблағни қандай сўралади?
7. Сайёр қабулларни ўтказиш учун туман ёки бошқа ДПМ лар қандай ҳисса қўшишлари мумкин?

## 7-МОДУЛЬ

RED стратегиясини ҳаётга табиқ этиш. Мўъжаз режа тузиш бўйича туман тиббиёт ходимлари учун қўлланма  
**9-жадвал: Туманнинг чораклик (З ойга) бюджетини тайёрлаш учун намуна**

### Туман бюджети

Марказий ДПМ/ қишлоқда	Йиллик мақсадли қабуллар	Инсон ресурслари	Транспорт		
		Жойлардаги қабулларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сони (қабулдаги киши сони x қабуллар сони x хизмат кўрсатиладиган худуд)	Машина учун ёнилги	Мотоцикл учун ёнилги	Автобус билетининг баҳоси (қабуллар сони x қабулдаги киши сони x билетнинг ўртача баҳоси)
<b>Жойларга чиқиб</b>					
<b>Жами</b>					
<b>Сайёр</b>					
<b>Жами</b>					

ДПМ	Жорий хизмат кўрсатиш			Ўқитиш		Ижтимоий сафарбарлик ва коммуникация		Дастурни бошқариш			
	Совуқлик занхирини қўйлаб- куватлаш учун жорий харажатлар	Бино	Машиналар, мотоцикллар, велосипедлар	Доимий хизматга	Компанияга	Жамоа билин учрашув	Давлатнинг манзилли тизимларини харид қўлиш	плакатларни, буклетларни чоп этириш	Ҳар ойдаги учрашувлар	Компьютерлар ва канцоварлар	Тескари алоқа (ойлик ахборот хати)
<b>ЖАМИ</b>											

Вакциналар, шприцлар ва хавфсизлик контейнерлари вилоят ёки давлат бюджетидан молиялаштирилди ва тақдим этилади деб қаралмоқда

Ҳар бир худудни қамраб олиш стратегиясини ҳаётга тадбиқ этиш. Мүйжаз режа тузиш бўйича туман тиббиёт ходимлари учун қўлланма

**10-жадвал: Чораклик (3 ойга) бюджетни тайёрлаш учун саволнома**  
**Бюджетни тайёрлаш учун саволнома**

Харажатлар тоифаси	
<b>Доимий тадбирларга мунтазам харажатлар</b>	
Ходим	
Хизматкўрсатиш худудига. Жойларга чиқиб қабул ўтказиш ва сайёр вакцинация қабуллари учун команда, ҳамда қўнгиллилар	
Хизматкўрсатиш худудига. Назорат ва мониторинг ўтказиш	
Транспорт	
ДГМ гача вакциналарни етказиб бериш	
Жойларга чиқиб тадбирлар ўтказиш	
Раҳбарлик	
Жорий хизмат кўрсатиш ва устама харажатлар	
Совуқлик занжирини қўллаб-қувватлаш ва унга жорий хизмат кўрсатиш учун жорий харажатлар	
Бошқа капитал ускуналарга жорий хизмат кўрсатиш	
Бино учун устама харажатлар (электр энергияси, сув ва бошқалар)	
Ўқитиш	
Ижтимоий сафарбарлик ва коммуникация	
Дастурни бошқариш	
Доимий тадбирларга бошқа мунтазам харажатлар	
Доимий тадбирларга капитал харажатлар	
Совуқлик занжири ускуналари (масалан, совутгич, совутиш камераси ёки вакциналарни ташиш учун контейнер)	
Бошқа капитал ускуналар (масалан, компьютерлар)	
Компаниянинг эксплуатация харажатлари	
Полиомиелит	
Қизамиқ	
Сариқ иситма	
Оналар ва болалар қоқшоли	
Бошқа компаниялар	

### 5 Мунтазам мониторингни ва эришилган муваффақиятларни кузатиб боришни/изоҳланишини амалга ошириш

**Аҳамиятли ҳолат.** Қўйидагилар ёрдамида мунтазам мониторингни ва эришилган натижаларни кузатиб боришни амалга оширинг:

- Ойлик ҳисоботлар
- Мониторинг диаграммаси
- Чораклик муҳокамалар
- Кўллаб-куватлаш мақсадидаги назорат ташрифлари

**a) Ойлик ҳисоботлар.** Барча ДПМ лар ҳар ойда ўз ҳисоботларини туманга жўнатадилар. Мазкур ҳисоботларда дастур доирасидаги тадбирларни ўтказиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган қўплаб ахборотлар мавжуд (масалан, касалликнинг эпидемик чақнаши чоғидаги тескари алоқа, бирон қишлоқда қолдириб юборилган қабулни ўтказиш жадвалини тузиш). Маълумотлардан мониторингнинг бажарилиш кўрсатгичларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин (мисоллар 11-жадвалда келтирилган). Тумандаги ойлик йиғилишларни ўтказиш пайтида барча ДПМ лардан олинган маълумотларни муҳокама этиш мумкин.

**b) Ишчи режаларнинг чораклик муҳокамаси.** Чораклик муҳокама — соғлиқни сақлаш тизимининг туман босқичи раҳбарияти ва ДПМ лар ходимлари иштироқидаги йиғилиш. У ҳар уч ойда (чорақда) ўтказилади ва унда нима амалга оширилди, қайси тадбирлар амалга оширилмасдан қолди, ҳамда муаммоларни ҳал этиш учун қандай чоралар кўрилиши муҳокама этилади. Натижада туман миқёсида ҳатти-ҳаракатларнинг режаси қайта кўриб чиқилиши ва янгиланиши зарур.

#### Чораклик муҳокама жараёни

- Чораклик муҳокамалар жадвалини олдиндан тузиб қўйинг.
- ДПМ ходимлари ўзларининг қабулни амалга ошириш режаларини, ишчи режаларини, мониторинг диаграммаларини, ҳамда режадаги ўз вақтида амалга ошира олинмайдиган қабуллар рўйхатини, сабабини кўрсатган ҳолда йиғилишга олиб келишлари лозим.
- Ҳар бир ДПМ нинг мониторинг диаграммасида кўрсатилгандек ишнинг бажарилиш шархи:
  - а) баҳрамандликни ва эмлашни якунига етказмасликни, ҳамда вакцинациялар бўйича барча қабулларни амалга оширишни муҳокама этиш (масалан, вакциналар етишмаслиги, совуқлик занжири ёки транспорт муаммолари)
  - б) ДПМ да дуч келинаётган бошқа муаммоларни муҳокама этиш (масалан, вакциналар етишмаслиги, совуқлик занжири ёки транспорт муаммолари)
- Қабулни амалга ошириш режаларини ва ишчи режаларни қараб чиқинг. Етарли миқдорда қабулни ўтказиш режалаштирилганми ва улар жамоа томонидан самарали фойдаланиладими. Бундан ташқари зарурият бўлса ўзгартиришлар киритинг.
- Муаммо турини ва хизматни тақдим этишга доир билимни эътиборга олиб ўзгартиришга доир бошқа керакли тадбирларни муҳокама қилинг. У ёки бу тадбирни амалга ошириш учун масъул ходим аниқ кўрсатилиши зарур. Ушбу маълумотлар туман ва ДПМ нинг яқин уч ойлик ишчи режасига киритилиши зарур.
- Қабулни ўтказиш сифатини қандай ошириш, ҳамда коммуникацияни, хавфсизликни, чиқиндилар утилизациясини ва бошқа шу кабиларни қандай яхшилаш мумкинлигини муҳокама қилинг.
- Туман учун устувор ҳисобланувчи вазифаларнинг кўриб чиқилиб тўғриланган рўйхатини келишиб олинг.
- Янги устувор вазифаларга мувофиқ ташрифларни амалга ошириш жадвалига ўзгартиришлар киритинг.

**с) Қўллаб-қувватлаш мақсадидаги назорат ташрифлари.** Бу жойларга чиқиб мониторинг ўтказиш воситаси ҳисобланади. Ушбу ташрифлар чоғида жойларда ўқитишин амалга ошириш, бу ердаги долзарб муаммо ва саволларни кейинчалик туман босқичида муҳокама этиш учун ёзиб олиш мумкин.

**д) Маълумотлар сифатининг кафолати.** Қуйида келтирилган бир неча оддий усуслар маълумотларнинг яхши сифатини кафолатлаши мумкин. Улардан юқорида айтилган чораклик йигилишларни ўтказиш чоғида фойдаланиш мумкин.

- Суратда келтирилган рақам тўғрими? Киритилган вакцинанинг барча дозалари ҳақида ва бошқариладиган инфекцияларнинг барча ҳолатлари ҳақида хабар берилганми? Бу тахлит текширувларни ДПМлар ҳисоботи тўлиқлигига ойдинлик киритишдан, масалан барча ДПМ лардан барча ҳисоботлар олинганни йўқлигини аниқлашдан бошлаш тавсия этилади. Буни кузатиб боришнинг оддий воситаси устунларга ДПМ лар, қаторларга эса ойлар туширилган жадвал ҳисобланади.

#### 11-жадвал: Ҳисоботлар тўлиқлиги ва уларнинг вақтида тақдим этилганлигини кузатиб бориша кўмаклашувчи жадвал

ДПМ	Ойлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Жами
A	✓													
B		✓												
C	✓	✓												
D	✓	✓												
E	✓													

Эслатма: Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб туривди, В ДПМ январь ойи учун, А ва Е ДПМ лар февраль ойи учун ҳисобот тақдим этишмаган.

- Асосда (маҳражда) келтирилган рақам тўғрими? Хизмат кўрсатиш ҳудудида яшовчи барча оналар ва болалар ДПМ рўйхатига киритилганми? Вилоятингизда яшовчи барча аҳолининг Сизда аниқ тавсифи баҳоси мавжудми? Аҳоли сони, эҳтиёж қоплатилиши ва шу кабилар ҳақида Сизда мавжуд бўлган маълумотлар ошириб (ҳаддан зиёд юқори баҳолангандан) ёки пасайтириб (ҳаддан зиёд паст баҳолангандан) кўрсатилганлик эҳтимоллиги йўқми?
- Турли манбалардаги маълумотлар бир-бирига тўғри келадими? Айнан биронта қишлоқ/манзилгоҳ ҳақидаги маълумотлар ДПМ даги ва тумандаги ҳужжатларда бир хиллигини текшиring. Маълумотлар мос келиши лозим.
- Ҳисоблар тўғрими? Ҳатоларга йўл қўймаслик учун барча арифметик ҳисоблаш натижаларини ҳамиша икки маротаба текшириб кўринг. Ҳисобга олиш ҳужжатларидағи барча маълумотлар, рақамлар жамловчи жадвалларга тўғри кўчириб ўтказилганми?
- Ҳисоблар тўғрими? Ҳатоларга йўл қўймаслик учун барча арифметик ҳисоблаш натижаларини ҳамиша икки маротаба текшириб кўринг. Ҳисобга олиш ҳужжатларидағи барча маълумотлар жамловчи жадвалларда тўғри акс этирилганми?
- Чақалоқларни ҳисобга олиш журналини текшириб кўринг. Улар янгиланиб турадими? Ҳисобга олиш журналидаги маълумотлар аҳолини тавсифлаш-баҳолаш маълумотларига мос келадими?
- Қишлоқдаги/манзилгоҳдаги эҳтиёжни қоплатиш даражасининг тўғрилигини тасдиқлаш учун хонадонларда оддий текширув ўтказинг.

### 6. Келгусидаги тадбирларни эришилган мұваффақиятлар кузатуви/талқини асосида үтказиш

**Аҳамиятли ҳолат.** Ҳатты-жарықаттар қабул қилиш ва муаммоларни ҳал этиш учун эришилган натижаларни кузатиб боринг

Юқорида көлтирилган мониторинг ва қайта күриб чиқыш бүйічә барча маълумотлар үзгартеришга доир қисқа муддатли ва узоқ муддатли тадбирлар амалға оширилишини тақозо этиши мүмкін. Үзгартеришга доир тадбирлар амалға оширилишини тақозо этувчи бир неча мисоллар күйіда көлтирилген:

i. Қизамиққа қарши вакцинация дастури билан қамраб олишнинг юқориличиги ва қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари сонининг күплиги ҳақидаги хабар/маълумот. Бу қүйидагиларни англастиши мүмкін:

- умуман олганда қизамиққа қарши вакцинация билан қамраб олиш юқориличигини, лекин болалар қизамиққа қарши әмланмаган айрим манзиллар мавжуд ва шу боис касаллік қайд этиб турилади;
- ҳисоботлarda көлтирилган вакцинация дастури билан қамраб олиш ҳақидаги маълумотларнинг етарлича аниқликка әга эмаслиги, бу үз навбатида ахоли сонини нотұғри баҳолаш оқибати ёки киритилған дозани ҳисоблашдаги хатоликлар оқибати бўлиши мүмкін;
- ДПМ ходимлари, уларга тренинглар кам үтказилиши боис, бошқарилувчи инфекция ҳолатларини етарлича аниқлай олишмайди, ёки нотұғри ташхис қўйиш оқибатида касаллік сонини ортиқча кўрсатишиади.

ii. Қизамиққа қарши вакцинация дастури билан қамраб олишнинг пастлиги ва қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари сонининг камлиги ҳақидаги хабар/маълумот. Бу қүйидагиларни англастиши мүмкін:

- ДПМ ходимлари, уларга тренинглар кам үтказилиши боис, бошқарилувчи инфекция ҳолатларини етарлича аниқлай олишмайди, ёки нотұғри ташхис қўйиш оқибатида касаллік сонини кам кўрсатишиади;
- Йирик манзилгоҳларда тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш имконияти йўқ ва бошқарилувчи инфекция билан касалланганлиги ҳақидаги маълумот йўқ болалар яшашади;
- ДПМ да ойлик ҳисоботнинг йўқлиги;
- ахоли сони ҳақидаги баҳонинг ноаниқлиги оқибатида вакцинация дастури билан қамраб олиш ҳақидаги маълумотнинг ноаниқлиги.

Маълумотлар таҳлил этилганидан кейин чиқарилған холосалар асосида қисқа муддатли ва узоқ муддатли тадбирлар режалаштирилиши ва амалға оширилиши мүмкін.

#### Қисқа муддатли тадбирлар:

- үз ишини яхши йўлга қўя олмаётган манзилларга ташриф буюриш ва уларга қўмаклашиш;
- ДПМ га маслаҳатлар бериш чоғида ишчи режаларга үзгартеришлар киритиш;
- эпидемик чақнашлар ва ИКНК лар юзасидан текширув олиб бориш;
- ҳисоботлар билан боғлиқ муаммолар туғилганида ёрдам кўрсатиш;
- ДПМ омборида вакцина ва ускуналар миқдорининг етарли эмаслиги ҳақидаги хабарга жавобан тадбирлар қўллаш;
- ДПМ ходимларини заиф манзилларни аниқлаш борасида ўқитиш.

**Узоқ муддатли тадбирлар:**

- жойларга чиқиб хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш;
- вакциналарни тақсимлаш режасини ва жадвалини ўзгартириш;
- совуқлик занжирини тиклаш;
- асосни (маҳражни) аниқлаб олиш мақсадида хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги аҳолини қайтадан рўйхатга олиш;
- жамоалар вакцинация дастурини хайриҳоҳлик билан қарши олишлари учун ижтимоий сафарбарликни кучайтириш ва бошқалар;
- жамоада чақалоқларни ва вакцинация ўтказилмаганларни ҳисобга олиш тизимини йўлга қўйиш.

Қабулни амалга ошириш режасидаги исталган ўзгариш (даврийлиги, сана ёки жойнинг ўзгариши) жамоа билан бамаслаҳат ҳолда амалга оширилиши зарур. Мазкур ўзгаришлар ҳақида ота-оналарга олдиндан хабар берилиши лозим.

---

### 3 ТРЕНЕРЛАР УЧУН ҚҰЛЛАНМА

#### II-Қисм: туман босқичида мүйжаз режа тузиш

**Тумандаги иш режаси 6 қадамдан иборат бўлиб, улар тиббий муассасалар ишчи режаларини умумлаштириб жамлаш эвазига шакллантирилади:**

- 1-қадам. Ишнинг устувор жихатларини аниқлаш учун туман миқёсидаги маълумотларни таҳлил этиш
- 2-қадам. Барча ДПМ ларни ва сафардаги эмлаш билан қамраб олиш нуқталарини (аутрич-сайтларни) акс этириш учун хариталар тайёрлаш
- 3-қадам. Туманнинг ишчи режасини тайёрлаш
- 4-қадам. Ресурсларга бўлган талабни баҳолаш
- 5-қадам. Мунтазам мониторингни ва эришилган муваффақиятларни кузатиб боришни/изохланишини амалга ошириш
- 6-қадам. Келгусидаги тадбирларни эришилган муваффақиятлар кузатуви/талқини асосида ўтказиш

---

## 1-күн

09:00–09:30	Кириш
09:30–11:00	1-қадам: Миқдорий таҳлил
11:00–12:00	2-қадам: Хариталарни тайёрлаш/тағтиш қилиш
12:00–12:30	3-қадам: Етиб бориш мұрakkab өткізу үшін мұаммолардың тұмандардың үзігін хос/махсус табдірларнан белгилаш
12:30–13:30	Тушлик
13:30–14:30	4-қадам: ДПМ да қабулни амалға ошириш/әмлаш серияларини үтказып режасини тузиш
14:30–15:30	5-қадам: «Хар бир тұмандың қамраб олиш» (RED) Стратегиясында мұаммоларнан қызына қарасты өткізу
15:30–16:00	Қаҳва ичиш үшін танаффұс
16:00–17:30	6-қадам: Чорак үшін ишчи режа тузиш

## 2-күн

09:00–10:00	7-қадам: Мониторинг диаграмасидан фойдаланиш
10:00–10:30	8-қадам: Жамоа билан ишлеше үшін вакцинация олмаган шахсларни аниқлаш
10:30–11:00	Қаҳва ичиш үшін танаффұс
11:00–11:30	9-қадам: Ресурсларни бошқариш
11:30–12:00	10-қадам: Самарали ойлық қысметтердің тайёрланады
12:00–13:00	Тушлик

### **Тұман босқичида мұйжаз режа тузиш (ДПМ үшін ташкиллаштырылған семинарларда құлланилмайды)**

13:00–14:00	1-қадам: Ишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш үшін тұмандардың миқёсідегі маълумоттарнан таҳлил өткізу
14:00–14:30	2-қадам: ДПМ лар ва аутирич-сайттар акс этирилған хариталарни тайёрлаш
14:30–15:30	3-қадам: Тұманның ишчи режасини тайёрлаш
15:30–16:00	Қаҳва ичиш үшін танаффұс
16:00–16:30	4-қадам: Ресурсларга бўлган талабни баҳолаш
16:30–17:00	5-қадам: Натижалар устидан мунтазам мониторингни ва күзатувни амалға ошириш
17:00–17:30	6-қадам: Келгусидегі табдірларни эришилған натижалар талқини асосида үтказып

## «ҲАР БИР ҲУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛИШ» СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ИММУНИЗАЦИЯ ХИЗМАТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МҮЖАЗ РЕЖАСИ

### Маълумотлар таҳлил этилаётганида кўп бериладиган саволлар

#### **1. Мен аҳолининг мақсадли гуруҳи ҳақидаги қанақа маълумотлардан фойдаланишим зарур?**

Мақсадли гуруҳ умумий аҳолининг 2–4% ини ташкил этиши мумкин, лекин ушбу рақам, табиийки, турли мамлакатларда ва турли туманларда бир-биридан фарқ қиласди. Турли манбаларда (алоҳини давлат томонидан рўйхатга олиш, нодавлатташкилотларининг баҳоси, полиомиелит, қизамиқ, ҳамда иммунизация бўйича кўшимча тадбирларнинг натижалари) аҳоли ҳақида келтирилган маълумотларни таққосланг, ва манбалардан қайси бирида энг аниқ рақамлар келтирилганлигини мухокама қилинг. Илгари ўтказилган миллий эмлаш кунлари ва иммунизация бўйича бошқа кўшимча тадбирлар ҳақидаги ахборотларни қараб чиқинг. Уларда одатда ҳар бир эмлаш серияси жараёнида ҳар бир қишлоқдан қамраб олинган 5 ёшгача болаларнинг сони кўрсатилган. Ушбу рақамни 5 га бўлинг ва Сиз чақалоқларнинг тахминий сонини, яъни мақсадли гуруҳни билиб оласиз.

#### **2. Мен якунигача эмланмаган болалар сонини ҳисоблашнинг қандай усулларидан фойдаланишим зарур?**

Маълумотлар бир-бирига мос тушиши учун одатда куйидаги формуладан фойдаланилади: АҚДС1–АҚДС3. Бироқ, шунингдек БЦЖ билан қамраб олиш — қизамиқка қарши вакцина билан қамраб олиш ҳолатидан ҳам фойдаланиш мумкин. Айрим ҳолатларда якунигача эмланмаган болалар сонини баҳолаш усули сифатида АҚДС 3 — қизамиқ ҳолати ҳам фойдали бўлиши мумкин, чунки шутарзда ота-оналарга болани қизамиқка қарши эмлатиш зарурлиги ҳақида эслатилади.

#### **3. Қишлоқларга алоҳида эътибор қаратиш учун қандай мезонлардан фойдаланиш зарур?**

Эмланмаган чақалоқлар сони энг кўп бўлган ҳудуд энг устувор ҳудуд сифатида қаралиши зарур. Бу устуворлик тартибини тузишнинг энг оддий ва ўнгай усулидир, ва айнан шунингучун ҳам ундан 1-жадвалда фойдаланилган. Бироқ бошқа айрим омиллар ҳам инобатга олиниши мумкин. Бундай омилларга ҳеч қачон вакцинация дастури амалга оширилмаган ҳудудлар, касалланиш даражаси ёки бажарилиш омили юқори ҳудудлар киритилиши мумкин. Буларнинг барчаси бўйича тўғри қарор қабул қилиниши учун маҳаллий шарт-шароитни яхши билиш талаф этилади. Ушбу омилларни 3-жадвалга киритиш мумкин.

### Харитани тайёрлаш чоғида энг кўп кўтариладиган саволлар

#### **1. Харитани тайёрлашнинг нима кераги бор?**

Харита мутахассисга муайян ДПМ томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудудни кўз ўнгидага яққолроқ тасаввур этиш учун ёрдам беради. У, шунингдек, вакцинация бўйича дастурда иштирок этмаган аҳолини аниқлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Харитадан хизмат кўрсатиш ҳудудидаги ҳар бир чақалоқга вакцинация ўтказиш бўйича қулаг стратегия борасидаги (ДПМ да, жойларга чиқиб ва сайёр) қарорни қабул қилиш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

---

## **2. Мен суратларни ёмон чизаман. Мен ишлаётган ДПМ хизмат кўрсатувчи ҳудуднинг ҳаритасини қандай чизишим мумкин?**

Сиз идеал аниқ ҳаритани чизишингиз шарт эмас. Хизмат кўрсатиладиган ҳудуднинг хомаки тасвири бемалол етари бўлади. Дастреб жойнинг одатдаги ҳаритасини олиш мумкин. Бироқ полиомиелитни ликвидация қилиш буйича дастурни ёки бошқа дастурларни амалга ошириш чоғида тайёрланган ҳариталардан ҳам фойдаланиш мумкин. Дастреб бундай ҳариталар бор ёки йўқлигини билинг, кейин эса уларни режали эмлашни мўъжаз режалаштиришда фойдаланиш учун қандай модификация қилиш масаласини ҳал этинг.

## **3. Ҳар бир алоҳида ҳудуд учун қандай вакцинация стратегияси тўғри келишини мен қандай ҳал этишим мумкин?**

Одатда вакцинация стратегияси тўғрисидаги қарорни қабул қилишучун асосий мезон масофа ва вақт ҳисобланади. Жамоанинг катта-кичиклиги, ходимлар сони, баҳраманд бўлиш мумкин бўлган воситалар, йўллар ҳолати, мақсадли гуруҳнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари каби бошқа омиллар ҳам вакцинация стратегиясини танлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, шаҳардаги ташландик масканлар ДПМ га яқин жойлашиши мумкин, бироқ ота-оналар ҳаддан зиёд бандиклари ва фарзандларини ДПМ га олиб кела олмасликлари боис вакцинацияни жойларга чиқиб ўтказишга тўғри келади.

### **Қабулни амалга ошириш режасини тайёрлаш чоғида энг кўп кўтариладиган саволлар**

#### **1. Қабулни амалга ошириш режаси нега керак?**

Бундай режа мақсадли гуруҳ истиқомат қиладиган барча ҳудудларни қамраб олиш учун зарур бўладиган қабулнинг мақбул сонини ва типини аниқлашда асқотади. Ушбу Қўлланмада қабулни амалга ошириш стратегияси ДПМ да, жойларга чиқиб ҳамда сайёр гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган учта типга ажратилади. Ҳар бир алоҳида ДПМ нинг қабул режаси туманнинг қабулни амалга ошириш режасига киритилиши мумкин, бу эса зарур ресурслар миқдорини режалаштириш ва назорат ташрифларини амалга ошириш режасини тузиш имконини беради.

#### **2. Ишчи режа ва қабулни амалга ошириш режаси ўртасида қандай фарқ мавжуд?**

Қабулни амалга ошириш режаси иш ҳажмини баҳолашга асосланган ва қабуллар сонини, демак бутун мақсадли гуруҳга вакцинация ўтказиш учун зарур бўладиган кунлар/ташрифлар сонини белгилаб беради. Ишчи режада режалаштирилган қабулларнинг қачон, қаерда ва ким томонидан амалга оширилиши кўрсатиб берилади. Бундан ташқари, ишчи режада ДПМ да режалаштирилган вакцинациялар билан боғлиқ тадбирлар (масалан, жамоаларга ташрифлар, ўқитиш ва бошқалар) кўрсатилади. Қабул режасидан асос сифатида фойдаланиб, қабул режасини қандай амалга оширишнинг барча тафсилотлари келтирилган ишчи режа тузилади.

#### **3. Биз ишлайдиган ДПМ да вакцинация ўтказиладиган қабул ҳар куни амалга оширилади. Қабул режасини тузишнинг бизга нима кераги бор?**

Қабул режаси Сизга қабулни ҳар куни амалга ошириш вақт ва ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳисобланадими ёки йўқлигини тушуниш имконини беради. У, шунингдек, Сизга ДПМ да ўтказиладиган ва жойларга чиқиб амалга ошириладиган қабуллар сонини бошқача тақсимлаш керак эмасми деган масалани ҳал этишда ҳам кўмаклашади. Қабул режасини тузиш учун зарур ҳисоб-китобларни бажариб, Сиз вақтдан ва ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳақидаги қарорга келишингиз мумкин. Масалан, қабулни ҳар куни амалга оширмасдан, бошқа ҳатти-ҳаракатларни (жойларга чиқиб қабулни уюштириш, вакцинация олмаганлар устидан назорат ва бошқалар) бажариш янада самаралироқ бўлиши мумкин.

---

#### **4. Мен қабулларни режа асосида амалга ошираман, бироқ улардан айримларига келувчи кишилар сони жуда кам. Мен нима қилишим керак?**

Қабул режаси мақсадли гурӯҳ ва кутилаётган иш ҳажми ҳақидаги ахборотлар асосида тайёрланади. Шунинг учун, агар келувчилар сони кам бўладиган бўлса, нега бундай бўлаётганинги тушуниб етиш лозим. Сиз жамоа билан кам қатнашишнинг сабабларини мұхокама этишингиз зарур. Эҳтимол, қабулни ўтказиш жойини ва вақтини қайта кўриб чиқишига тўғри келади ёки ҳал этилиши лозим бўлган бошқа муаммолар аниқланиши мумкин.

#### **5. Мен қабулни режа асосида амалга оширсамда, ота-оналар кўп кутиб қолишга тўғри келганлиги ҳақида шикоят қилишади.**

Болага вакцина юборилгунига қадар ота-оналарнинг узоқ кутиб қолишларига тўғри келса, улар навбатдаги эмлатиш курсига фарзандларини олиб келмасликлари мумкин. Аввало, нима сабабдан уларнинг узоқ кутиб қолишларига тўғри келаётганинги тушуниш зарур. Эҳтимол, ходим ишга ўз вақтида келмас? Қабулни амалга ошириш учун ходимлар етарликми? Эҳтимол, чақалоқлар сони кутинганидан анча-мунча кўпдир? Кейин қабул режасига ва ишчи режага киришиш мумкин бўлган муаммони ҳал этишда қўлланила оладиган вариантлар ҳақида ўйлаб кўринг. Эҳтимол, қабуллар сонини ошириш имконияти мавжуддир. Вакцинацияни ўтказиш кунларида Сиз кўшимча ёрдам олишингиз учун имконият йўқми? Кутиш ота-оналарга мароқли бўлишини таъминлашнинг иложи йўқми? Вакцинация режаси ва жойлардаги қабулни амалга ошириши режалаштириш, вакцинациянинг содда ва тез ўтишини мўлжаллаб тайёрланган.

#### **6. Вакцинация ўтказишини бошқа тадбирлар билан бирга амалга ошириши қандай режалаштиришим мумкин?**

Иммунизация бўйича дастурга қандай тадбирлар интеграция қилиниши мумкинлиги ҳақидаги қарор одатда Миллий ёки вилоят босқичларида қабул қилинади. Лекин туман ва ДПМ босқичларида яна қандай тадбирлар ўтказилиши мумкинлигини режалаштириш мумкин. Логистика ва таъминотни режалаштириш тадбирнинг турига ва унинг амалга ошириш нуқтаи-назаридан қай даражада қўлайлигига боғлиқ. Нима зарурлигини, масалан, чивинга қарши пашшахона, антигельминт таблеткалари, озиқ-овқат кўшимчаларини қараб чиқишидан бошлаш мумкин. Одатда буларнинг барчаси туман босқичида мавжуд. Кейин, ушбу материалларнинг барчаси ДПМ да мавжудлигига ва уларнинг тақсимланишига жавобгар мутахассислар беркитилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

### **Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш (ХБҲҚО-RED) стратегиясидан фойдаланиш чоғида энг кўп кўтариладиган саволлар**

#### **1. Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш (ХБҲҚО-RED) стратегияси нима?**

(Киришга қаранг)

Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегияси иммунизация тизимини такомиллаштириш мақсадида ЖССТ, ЮНИСЕФ ва бошқа ҳамкорлар томонидан 2002 йилда таклиф этилган.

- Аутрич-хизматни қайта тиклаш
- Қўллаб-қувватлаш мақсадидаги назорат
- Жамоаларнинг хизматни тақдим этувчи тузилмалар билан алоқаси
- Мониторинг ва маълумотлардан ҳатти-ҳаракат учун фойдаланиш
- Режалаштириш ва ресурсларни бошқариш

Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш ҳстратегияси туманлар ва ДПМ лар мўъжаз режаларига 5 та компонент

---

қүшишни таклиф этади. У алоҳида ташаббус ёки дастур эмас, балки иммунизация дастурига раҳбарлик бўйича стратегия ҳисобланади.

## **2. Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегияси – жуда фойдали компонентлар рўйхатидир, бироқ ундан қандай фойдаланиш мумкин?**

Ушбу кўлланмада биз ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегияси ҳақида муаммоларнинг ҳал этилиш доираси сифатида сўз юритамиз. ДПМ лар ва туманлар ушбу стратегиядан иммунизация бўйича хизматларни яхшилашга қаратилган тадбирларни танлаб олиш учун фойдаланишлари мумкин. Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегиясидан саволнома сифатида фойдаланиш мумкин, уни тўлғаза туриб Сиз, ўз режангизда барча керакли тадбирлар мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, аксарият ҳолларда мўъжаз режани тузиш пайтида маҳаллий жамоа ҳақида ёддан чиқариб юборилади. Агар Сиз ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегиясидан фойдалансангиз, жамоа билан мавжуд алоқаларни кўзда тутиш ва мавжуд вазиятни қандай яхшилаш мумкинлиги ҳақида ўйлаш зарурлигини унутмайсиз.

## **3. Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегияси ёрдамида мониторингни қандай амалга ошириш мумкин?**

Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегиясидан умуман олганда мониторинг ўтказиш учун фойдаланиш шарт эмас. Мўъжаз режага кирилган турли тадбирлар устидан мониторинг ўтказиш муҳимдир. Масалан, агар Сиз жойларга чиқиб хизмат кўрсатишни тиклашни ва унинг фаолиятини яхшилашни режалаштироқчи бўлсангиз, ДПМ да ўтказилган қабулларнинг ва жойларга чиқиб амалга оширилган қабулларнинг частотаси ҳақида ҳар ойлик ҳисботот тайёрлаб, эришилган натижаларни таҳлил этишингиз ва баҳолашингиз зарур. Ҳудди шундай алпозда иш тутиш Ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегиясининг барча бешта компонентига ҳам таалуқидир. Сиз ойлик ҳисбототга киритадиган аҳборотлар, масалан: жамоада ўтказилган йиғилишлар сони, амалга оширилган назорат ташрифлари сони, эмланмасдан қолганлар устидан назорат кабилар Сиз ҳар бир ҳудудни қамраб олиш стратегиясидан қандай фойдаланишингизни кўрсатади.

### **Ишчи режани тайёрлаш чоғида энг кўп кўтариладиган саволлар**

#### **1. Агар менинг бажарадиган ишим жуда кўп бўлиб, ишчи режада режалаштирилган барча тадбирларни бажариб улгuriшга вақтим етишмаса нима қилишим керак?**

Ҳамиша тадбирларнинг устуворлик мавқенини/ўрнини белгилашдан бошланг. Агар қайсиdir ҳудуд ёки тадбир юқори устуворлик мақомига эга бўлса, Сиз тадбирлар режа асосида кетаётганлигига ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Агар иш ҳажми ҳаддан зиёд кўплиги боис уни бажариш Сизга қийинчилик туғдирса, ёрдам сўраб туманга мурожаат этинг. Сиз барча қийинчиликларни раҳбар билан муҳокама этишингиз ва ўз изоҳларингизни ойлик ҳисбототга киритишингиз лозим.

#### **2. Агар ДПМ хизмат кўрсатаётган ҳудудда бир ёки бир неча вакцинация билан қамраб олинмаётган қишлоқлар бўлса нима қилмоқ керак?**

Туман босқичида ишчи режани муҳокама этиш чоғида, каттароқ қишлоққа ташриф буюра туриб, ўша куни кўшни кичикроқ қишлоққа ҳам боришига улгура олишингизни ўйлаб кўринг. Вариант сифатида бир кун мобайнида бир неча кичик қишлоқларга ташриф буюришига ҳаракат қилинг. Туман миқёсидаги раҳбарлар билан тумандан ёрдам олиш имконияти қанақалигини муҳокама қилинг.





